



Хулио


KORTÁZAR

**Биз Глендани
шундай яхши
кўрамиз**

Хулио Кортасар

БИЗ ГЛЕНДАНИ
ШУНДАЙ ЯХШИ
КЎРАМИЗ

(Ҳикоялар)



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2018

УЎК: 821.134.2(82)-3

КБК 84(7Арг)

К 78

Рус тилидан
Олим Отахонов таржимаси

Кортасар, Хулио.

Биз Глендани шундай яхши кўрамиз: ҳикоялар / Х. Кортасар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 404 б.

Жаҳонга машҳур ёзувчи Хулио Кортасар ижоди XX аср адабиётида воқеа бўлган ноёб ҳодиса. У Маркес, Льоса, Фуэнтес, Роа Бастослардан олдинроқ Лотин Америкаси адабиётини европаликларга таништирган, таъбир жоиз бўлса, европаликлар учун Лотин Америкаси адабиётини кашф этиб берган ижодкордир. Унинг роман ва ҳикоялари, шеър бадихалари деярли барча тилларга таржима қилинган ва улар жаҳон адабиётининг мумтоз намуналари ҳисобланади. Ҳали ҳаётлигидаёқ уни “Адабиёт оламидаги Колумб”, “Буюк кашфиётчи”, “Анъаналар қушандаси” деб атаганлари ҳам бежиз эмас.

“Биз Глендани шундай яхши кўрамиз” номли мазкур тўпламдан адибнинг сара ҳикоялари ҳамда унинг ижодига хос жиҳатларни акс этирган учта таҳлилий мақола ўрин олган.

Азиз китобхон! Хулио Кортасар асарлари турли-туман шарҳ ва изоҳларга йўл беради. Зотан, аргентиналик буюк адиб яратган бадий олам, бадий ҳақиқат Сизни ўзига мафтун этишига шубҳа йўқ.

УЎК: 821.134.2(82)-3

КБК 84(7Арг)

ISBN 978-9943-5297-8-6

© Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2018

МАФТУНКОР ВА ҒАРОЙИБ ОЛАМ ИЖОДКОРИ

Испан адиби, нозиктаъб бадиҳагӯй, испантиллик халклар адабиётининг билимдони ҳисобланган Мигель Эрраэс ўзининг Хулио Кортасар ижодига бағишланган “Ҳодисаларнинг бошқа хусусияти” деган китобида: “Кортасар ижоди менинг олам ҳақидаги тасаввурларимни ўзгартириб юборди. Унинг китобларини ўқиб, савиям ошди, билим доирам кенгайди, эҳтимолдан йироқ бўлмаган ўзга воқеликни кўрсатиб берди ёхуд инкишоф этди”, дея ёзади. Ҳолбуки бугун ҳам буюк Кортасар асарларини ўқиган китобхон шундай ҳолга тушади, кутилмаган таассуротлардан ақли шошади, ҳаёт ҳақида, кўз ўнгида юз берган воқеалар, одамлар ўртасидаги ихтилофли муносабатлар, урф-одатларнинг моҳияти, уларнинг негизлари ҳақида беихтиёр ўзгача фикр юрита бошлайди, зехни кенгайгандек кўп нарсаларни атрофидагилардан фарқли равишда теранроқ ва бошқача англаётгандек бўлади. “Ўйиннинг тугаши”, “Саккизбурчак”, “Лилиана йиғлаяпти” тўпламларидаги ҳикоялар фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. “Саккизбурчак” тўпамини испантиллик мамлакатлардаги адабий танқидчилик “бу китоб ҳозирги замон адабиёти сарҳадларида портлаган бомба” деб баҳолашган эди. Мазкур тўпамдан ўрин олган “Чўнтакдан топилган ён дафтардаги ёзувлар”, “Шу ерда, декин қаерда ва қандай қилиб”, “Изларини излаб”, “Лилиана йиғлаяпти”, “Қора мушукнинг бўйни” ёки “Ҳар қандай олов – олов” китобидаги

“Жанубий йўл”, “Ҳамшира Кора”, “Туш пайтидаги орол”, “Жон Хауэлл учун кўлланма”, “Ўзга осмон” каби ҳикояларини ўқиган, мен адабий тафаккури бой, савияси юксак китобхонни назарда тутиб ўкиёлган одам дейишни истардим, нафақат Америка, балки жаҳон адабиётининг ривожига ёхуд мисли кўрилмаган даражада юксалишига сабаб бўлган фусункор реализм методининг ажойиб намунаси сифатидагина эмас, қайси жиҳатлари бизникига ўхшаш, қай жиҳатлари билан бизнинг ҳаётдан кескин фарқ килувчи, таъбир жоиз бўлса, сирли воқеликка чиқиш – кўчиб ўтиш имкониятлари ва ўша йўллар тафсилотларини ғаройиб мушоҳадалар орқали акс эттира олгани билан ҳайратга солади. Мутолаага берилган одам, юқорида айтганимиздек Мигель Эрраэс ҳолатини бошдан кечирмай иложи йўқ. Бу ҳикоялар унинг дунёкарашини ўзгартириб юборади...

Кортасар ҳикояларининг сюжетини айтиб бериш ўта қийин, ҳатто мумкин эмас. Мана, масалан, “Бири кам дунё” ҳикоясини олайлик. Ўртамиёна, лекин машҳур радиоактёр тилидан ҳикоя қилинган бу асарда, маълум бўлишича, радиопостановкаларни яхши кўриб тинглайдиган Лусиана деган бир жувон унинг овозига ишқивоз, гарчи нуқул салбий қаҳрамонлар ролини ижро этган бўлса ҳам, ўша актёрнинг шахсий ҳаётига қизиқади, инсон сифатида унинг қиёфасини, ички оламини ўзича тасаввур қилиши ҳақида мактуб ёзади. Лусиана хаёлан уни улуғлайди, қўни-қўшниларим, ҳатто Поли холаси ҳам актёрдан нафратланишидан каттиқ норози эканини изҳор этади. “Сиз карокчи ролини ижро этасиз-у, маҳорат билан ўйнаганингиз эвазига ҳаққоний образ ярата оласиз, лекин аслида Сиз унақа бағритош эмассиз, мен сизни жуда яхши биламан

ва ҳ.к. ва ҳ.к лар, деб унга фикрларини билдиради. Ва шунда уни баланд бўйли, жингалак сочли, кўйкўз йигит дея тасаввур қилади. Ҳар қандай ўртамиёначилик олиб келадиган чучмал, жўн тасаввурларга ўша актёр ҳам берилиб қизни ўзича малла сочли, мунис бир аёл, деб тасаввур қилади, уни деворларига чирмовукгул чирмашиб кетган ойнаванд айвонда ўзига хат ёзиб ўтирганини кўз олдига келтиради. Қисқаси, охир-оқибат улар учрашадилар, мактуб орқали мулоқот қилган чоғларида бир-бирларига кўнгилларида уйгонган меҳр-муҳаббатнинг жўшқин таъсири остида турмуш курадилар. Актёр уй-жойини ўша чучмал тасаввурларида жонланган манзарага ўхшашини, Лусиана ҳам худди хаёлида гавдаланган ҳолда, новдалардан тўкиб ясалган кажава оромкурсида, худди ўшандок тунчирок шуъласида ўтиришини истайди ва бунинг учун жавон, оромкурси ҳамда стол олиб келади. Лекин ниятига етгандан кейин ҳам сира кўнгли тўлмайди. Лусиананинг ҳам тирик инсон экани, унинг ҳам ўз орзу-ниятлари бўлиши муминлиги ҳақида қайғуриб кўриш тугул бунга заррача ҳам қизиқмайди. Ваҳоланки, Лусиананинг ҳам тасаввуридаги олийжаноб, сочлари жингалак, бўйлари баланд, жуссадор йигитга мутлоқ тесқари бўлган актёрдан кўнгли совий бошлайди. Хаёл билан ҳаёт бутунлай бошқа-бошқа нарсалар эканлиги аста-секин икковига ҳам маълум бўлиб боради.

Кортасар ҳикояларига хос кутилмаган якун “Бири кам дунё” ҳикоясига ҳам алоҳида тароват, фазилат бағишлаган хотима асар қаҳрамонларининг ширин лекин ёлғон умидларига, пуч орзуларига барҳам беради. Иттифоқо актёр уни баланд бўйли, жуссадор, қуюқ сочлари жингала-жингала йигит билан кетаётганини кўриб қолади-ю, ҳаммасини фаҳмлайди. Таъбир жоиз

бўлса, ҳикоянинг сюжети мана шу! Лекин асосий бир нимани унутиб қўйгандек бўласан. Нега бир-бирига муносиб, эрки ўзида, бошлари очик йигит билан ёшгина аёл бесабаб, қаёқдаги хаёллари туфайли ажрашиб кетадилар? Ахир ҳаёт хаёлдан кўра қудратлироқ эмасми?

Улар ўн беш ёшли йигит билан қизалок эмас-ку!

Бунақа саволлар сон-саноксиз топилади. Жумбоқ, бошкотирмадан иборатга ўхшайди ҳикоя, чалкаш-чулкаш, боши-кети топилмайдиган кўчага кириб қолгандек бўласан. Лекин ёзувчи ана шундай кўчага сени секин-аста, уддабуронлик билан, нозик ва асослимантикли мушоҳадалар орқали олиб киради-ки, сезмай қоласан. Кортасарнинг ўз эътирофича айтадиган бўлсак, у адабиёт оламида ўйинни яхши кўради. Кўпдан-кўп ҳикояларида – таъкидлаш жоиз! – қутилмаган воқеа-ҳодисалардан фойдаланиб, худди бекинмачок ўйнагандек, худди қушим-боши, бу нима ўйинларини ўйнаётгандек тутади ўзини. Уругвайлик журналист Энрико Гонсалес Бармежа билан суҳбатда Кортасар: ... адабиёт мен учун энг жиддий ўйинлар орқали фаолият кўрсатиладиган соҳага ўхшайди... У (адабиёт) чиндана шундай, фақат ўта жиддий ўйинлар... Унинг ўзи сўзлар билан ўйин қилади, сюжетларни ўйнаб куради, жанрлар, вазиятлар, макон ва замонни ўйин қондасига бўйсундиради.

Чунки унинг тушунчасига кўра санъат олами бепоён ва чексиздир.

Кортасарнинг “Беморларнинг саломатлиги” ҳикояси ҳақида узок мулоҳаза юритиш, зарурат туғилса мунозара қилиш мумкин. Лекин мен бир нарсага эътиборингизни қаратишни истардим, ёзувчи оддий воқеадан шундай қизиқарли, ҳаққоний, ҳаётий ҳикоя яратганки,

беихтиёр Эвелин Пиконнинг кифтини келтириб айтган “ҳикоя ҳикояга айланиши учун Кортасардан фойдаланади” деган ибораси эсимга тушиб кетади.

Ҳикоя жуда оддий воқеа асосига қурилган. Алехандро деган йигит чет элда ишлаш учун кетган; у онасинг эрка ўғли; катта хонадон соҳибаси кўрпатўшак қилиб ётади – дарди оғир, ана шундай вазиятда уйига қайтиб келаётган Алехандро йўлда автомобиль ҳалокатига учрайди ва жон беради, табиийки, оғир ётган онага бу фалокат ҳақида оила аъзолари ҳам, қариндош-уруғлар ҳам лом-мим дейишолмайди. Мана шундай оддий, ҳаётий воқеани Кортасар шундай ҳикояга айлантирадики, юқорида Эвелин Пикон таъбири билан айтсак, ўша воқеа Кортасардан фойдаланиб тугал бир ҳикояга айланган.

Касалманд она ҳам ўзига етгунча куйинчак, меҳрибон, у ўз соғлиғидан кўра кўпроқ оила аъзолари, синглиси, укаси, болалари ҳақида қайғуради. Ҳар куни хабар олиб турувчи доктор Бонифас кўрсатмаларига биноан барча оила аъзоларининг бирдан-бир ташвиши Алехандронинг ўлимини онага билдирмаслик. Хонадонда ёлғон-яшиқлар, баҳоналардан иборат “система” ишга тушади. Ростгўй, диёнатли одамлар: ёшу қари фақат ёлғон тўқиш ҳаёли билан яшайди. Ҳаттоки кекса Клелия холалари шу ўйинда фаол катнашади, мана шу холалари инсульт бўлиб, тилдан қолиб ётиб қолганида ҳам бу тамошада иштирок этаверади; жиянлари, укаси ва ҳаттоки ўлиб кетган Алехандронинг қаллиғи, унашиб кўйилган келин Мария Лаура оналарини чалғитишда бир-бирларидан ўтказиб жонбозлик қилишади. Алехандродан ҳар ойда икки марта келиб турган мактубларни овоз чиқариб ўқиш маросимлари, унга онанинг ёзган хатини жўнатиш тадориқлари, эҳ-ҳе, уч

кунга келиб кетсин, ҳеч бўлмаса деган онанинг ўтинчига нима жавоб қилишни билмай, эсанкираб қолишганда “ўта вазмин, акли расо, тўғрисўзлиги билан одамларга ибрат бўлиб қолган” Роке тоға: “Уругвай билан Бразилия ҳукумати тескари бўлиб қолиб, чегаралар ёпилган эмиш” деган важ-корсон топиб беради. Ана энди бу давлатлараро низога “бағишланган мақолалар”, бу низони бартараф қилиш учун БМТ томонидан тузилган комиссияларнинг фаолияти ҳақидаги “шарҳларни” изоҳлашлар бошланади, бамисли бутун бошли институт шу масала билан шуғулланаётгандек туюлади.

Лекин энг ёмони, мана шундай кўламдаги лузумсиз ёлғон-яшиқлар авж олган дилхун “спектакл”да бемор она ҳам иштирок этади. У ҳаммасини сезса-да болалари – Роса, Карлос ва укаси Роке тоға билан синглиси Клелия холани аяганидан билиб билмаганга олади ўзини ва шу орқали ёлғончиларни бевосита кўллаб-қувватлаб туради. Пировардида, ким кимни алдаяпти, ёки ким кимни эҳтиёт қияпти, англаб бўлмайдиган вазият юзага келади, ҳосил бўлган бу жумбоқни камида ўнта жавоби бор, лекин қайси жавобни танлашни билмайсан киши. Касал она ўғлининг бевақт, ёш ўлиб кетганини билади ва ич-ичидан кийналади, шу билан бир қаторда ўғлининг фожиали ўлимини яшираман, деб кийналиб кетган қон-қариндошларига озгина енгил бўлар дея, ўзини билмаганга солади ва бу билан бир дарди ўн бўлади.

Бошқача талқин қилиш ҳам мумкин, Хулио Кортасар асарлари турли-туман шарҳлар, изоҳларга йўл беради, зотан аргентиналик буюк адиб яратган бадиий олам, бадиий ҳақиқат ҳақиқий олам ва ҳаётий ҳақиқатга заррача зид келмайди.

Ижод фалсафаси, ижод моҳияти ана шундай ёндошувни тақозо этади.

ИШҒОЛ ҚИЛИНГАН УЙ

Уй бизга ёкарди. Бунака ҳам данғиллама, ҳам кўҳна уйни, айникса (бундайларнинг ишкибози кўп бўлганидан) ҳозир учратиш кийин эди. Бундан ташқари у аجدодларимиз: бобом, отам, онамдан ҳамда болалигимдан хотира сифатида мукаддас эди.

Биз – Ирене билан ёлғиз яшашга кўникиб қолган эдик; аслида буни ўзимизга эп кўришимиз ноинсофлик, чунки уйимизда хоналар ҳаддан зиёд кўп бўлиб, яна саккиз нафар жон бемалол истикомат қилиши мумкин эди. Уйқудан еттиларда туриб, уйни йиғиштира бошлардик, ўн бирларга яқин қолган икки-уч хонани Иренега топшириб, мен ўчоқ бошига ўтардим. Қоқ пешинда нонушта қилардик. Агар тақсимчаларни ювишни айтмаса, шундан бошқа тайинли юмуш қолмасди. Дастурхон устида данғиллама ва осойишта уй, шу уйни ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтожлик сезмай, бинойидек, ўзимиз эплаштириб яшаётганимиз тўғрисида ҳаёл суришни ёқтирардим. Баъзан яккамохов бўлиб яшаётганимизга ҳам мана шу уй сабабчи бўлиб туюларди. Ирене кетма-кет жойи чиқиб турганида, ҳеч бир сабабсиз куёвларга рад жавобини берган, менинг бўлғуси қаллигим, Мария Эстер эса унаштириб қўймаслариданоқ оламдан ўтганди. Ёшимиз қирқка яқинлашиб қолган ва ҳар биримиз ўзимизча мана шу уйда, шу чокқача яшаб келган насл ака-сингилнинг осойишта, тинч-тотув ҳаёти билан муқаррар паторат топади, дея ишонардик. Қачон бўлмасин, вақт-соати

етиб, дунёдан кўз юмсақ, дея фараз қилардик, юз кўрмас бўлиб кетган кариндош-уруғлар уйни эгаллаб оладилар-да, ускуналари билан ердан фойда қилиш учун барибир бузиб ташлайдилар, шунинг учун яхшиси, кўзимиз очиклигида ўзимиз бузиб ташласак-чи, деган хаёлга ҳам борардик.

Умри бино бўлибдики, Ирене бирон кимсага ташвиш келтирмаганди. Эрталабки йиғиб-теришдан кейин курсига ўтириб оларди-да, ярим кечагача ётоқхонадан чиқмай, тўқиш билан машғул бўларди. Тўқишни шунчалик яхши кўрарди у, сира аклим етмайди. Назаримда, аёллар, азбаройи, ҳеч нарса қилмаслик баҳонасида тўқийди. Аммо Ирене бундан мустасно эди: у хамиша зарур нарсалар: қишлик кийимлар ёки менга пайпоқ, ўзига эса кофталар тўқирди. Мабодо қайси бири кўнглига ўтирмаса, ўша заҳоти ҳозиргина битирган свитернинг ипларини ечиб, чувата бошларди ва мен бўлсам чувалган ипларнинг бир неча соатгача тўқилгандаги шаклини йўқотмай, саватда ётишини томоша қилиб ўтирардим. Шанба кунлари калава ип олиб келгани марказга борардим: Ирене менга ишонар, мен ҳам яхши-яхши ранглардан танлаб олар ва келтирган калаваларнинг битта тўпини ҳам алмаштирмас эдик. Ҳар сафар ип баҳона кўчага чикқанимда йўл-йўлакай Франциядан бирон янгилик бор-йўқлигини билиш учун албатта кутубхонага кирардим ва ҳар сафар у ердан ҳафсалам пир бўлиб чиқарди. 1939 йилдан буён Аргентинага айтарлик ҳеч нарса келмаганди.

Бироқ мен факат оиламиз, уй ҳамда синглим ҳақида гапирсам дердим. Чунки ўзим тўғримда қизикрок нарса айтишим даргумон. Дунёда тўқиш деган хунар бўлмаганда, Ирененинг ҳоли нима ксчарди, тасаввур қила олмайман. Китобларни қайта ўқиб чиқиш

мумкин, аммо хира, ёқасиз кўйлак тўкиб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Бир куни жавоннинг қишқи кийим-кечак сақланидиган тортмасидаги ёймачилар сингари куя дори сепиб, даста-даста қилиб тахлаб қўйилган бирталай оқ, яшил, пушти дурраларга кўзим тушиб қолди. Шунча рўмолнинг кимга кераги бор, дея сўрашга ботинолмадим. Пулга муҳтож эмасдик, чунки хар ойда кишлокдан юбориб туришар, мулкимиз эса ошиб борарди. Синглим тўқишни жон-дилидан яхши кўрар, зотан, Ирене бу санъатни бекаму кўст эгаллаганди; мен зерикмай соатлаб баайни игналари кумуш типратиканни эслатувчи бежирим қўлларига, бир жуфт кегайларнинг нозик ҳаракати-ю, полда, саватда ётган калаваларнинг момиқ жўжалар янглиғ қимирлаб қўйишини томоша қилиб ўтирардим. Бу манзара чинданам гўзал эди.

Хоналарнинг жойлашиш тартибини сира унутолмайман. Емакхона, деворига гиламлар осилган кироатхона ва деразалари Родригес Пеньяга караган катта-катта ётокхоналар уйнинг нариги қисмида эди; у ерга бизнинг бўлмамизни эман ёғочидан ишланган эшик ажратиб турувчи коридор орқали борилар эди; бу томонда – бизлар яшаётган қисмда эса ошхона, ғулхона, синглим билан менга қарашли хоналар ва биз яшаётган хоналарга ҳам коридорга, ҳам кичкина даҳлиз орқали деворлари сирланган гулдор сопол билан безалган пешайвонга олиб чиқувчи меҳмонхона жойлашган эди. Мана шу пешайвон орқали холлга чиқилар, у ердан ўз хонангга ёки коридор бўйлаб озгина юрилса бизларни бошқа эман эшик ажратиб турган уйнинг нариги қисмига етасан. Мабодо шу эшик ёнидан чапга – энсиз йўлакча томон бурилсанг ошхона билан ғулхона рўпарасидан чиқиб қоласан. Эман эшик очик турган кезлари уйнинг қанчалар кенг ва катта

экани яккол кўзга ташланарди; эшик ёпик пайтларда эса сиз яна ўша, биз яшаётган диккинафас хоналарда колганингизни хис киласиз Ирене иккимиз эшикнинг бу тарафида яшардик, нариги томонга факат тозалаш учун ўтмасак – тавба, мебелларга кўнган чангни кўриб, беихтиёр ёкангни ушлайсан. Буэнос-Айрес озода шаҳар, бунинг учун эса минбаъд аҳолидан миннатдор бўлиш керак, чунки ер шундай тупрокки кучсизгина шамол кўзгалса бас, чанг-тўзон кўтарилиб, уйларнинг мрамар кирралари, иморат қошларини шундай чанг қоплайдики, жимжима гулли дастурхон солинганми, дейсан. Бундан кутулишнинг эса сира иложи йўқ: ҳамма ёк чанг-чунг; зотан уйда ҳам супургини бир силкитсангми, хозиргина артилган оромкурси билан роялга ўша заҳоти ғубор кўнади.

Бу воқеа ўла-ўлгунимча эсимдан чиқмайди, чунки ҳаммаси ўта оддий равишда рўй берган эди. Ўша куни Ирене хонасида тўкиб ўтирарди; соат саккизга жом чалганда туйкус матэ ичгим келди-ю, мен ташкарига чиқдим, ғира-шира йўлак бўйлаб очиқ эшик ёнигача бордим-да, ошхона томон ўтаётиб, кироатхона ёки емакхона тарафдан келаётган шовқинни эшитиб тўхтаб қолдим. Шовқин бўғиқ, худди ўша ёқда аллакимлар ғўнғир-ғўнғир гаплашаётгандек ва курсилар гиламга қулаётгандагидек паст, мавҳум овозлар эшитилар эди. Айнан шу дақиқада, эҳтимол зум ўтмай йўлакнинг нариги ёғида ҳам худди шундай шовқин кўтарилди-ю, мен зудлик билан эшикни зичлаб ёпдим-да, қулфлаб олдим. Бахтимга калит эшикнинг мен тарафдаги бурнида экан. Эҳтиёт-шарт, деб танбалаб кўйдим.

Шундан сўнг, ошхонага кириб матэ кайнатдим-да, синглимга ҳам ола келдим:

– Эшикни тамбалаб кўйишга тўғри келди, У ёқдаги хоналарни эгаллаб олишди.

Ирене кўлидаги ишни қўйиб, жиддий ва хорғин сузилган кўзлари билан менга тикилди.

– Наҳотки?

Мен бош ирғадим.

– Нимаям қилардик, – деди у ишини кайта кўлга оларкан, – шу ерда яшайверамиз.

Мен шошилмайгина матэдан ҳўплардим. Ирене тўкишдан аввал бироз ҳаяллади. Эсимда, у кулранг камзул тўқиётганди. Менга ҳали битмаган, чала бўлса ҳам бу камзул бениҳоя ёкарди.

Дастлабки кунларда қийналдик – чунки биз яхши кўрадиган буюмларнинг кўпи эшикнинг нариги ёғида қолиб кетган эди. Менинг французча китобларим кироатхонада эди. Синглимга эса патсочик билан иссиқ, хонабоп бошмоқлар етишмасди. Алоҳа, қора арчадан йўниб ишланган трубкамнинг ҳумори тутар, Ирене эса, ким билсин, қандай қилиб бир шиша мусаллас олишни орзу қиларди, чоғи. Гоҳо-гоҳо бекорчиликдан аллақайси дуч келган қутини қовлаштириб, излаган нарсамизни тополмагач, маъюс кўз уриштирар ва беихтиёр:

– Йўқ, бу ерда эмас экан, – деб юборардик.

Тўғри, нафсиламбрига айтганда, бу воқеанинг жиндек фойдаси текканди. Хусусан, йиғиш-териш камайган эди. Энди анча кеч – соат ўнларда ўриндан туриб, бир соат ичида ҳамма ишни бажаришга улгурамиз. Ирене мен билан ошхонага катнайди. Икковимиз мулоҳаза қилиб кўргач, мен то тушлик ҳозирлагунча Ирене кечки пайт ейиш учун биронта сардак тайёрлаб қўяди, деган қарорга келдик. Ахир деярли ҳар куни қош қорайганда қозон осишга одам эринади-да! Энди эса Ирененинг иш столида овқатланардик. Ирененинг қувончига қувонч қўшиларди, чунки тўкиш учун яна қўшимча вақт топилган эди. Аммо китоблар туфайли

синглимчалик шодланоламасдим албатта, бироқ унинг кўнгли учун отамиздан мерос қолган маркаларни бир амаллаб вақт ўтказиш учун тартибга келтириш билан шуғуллана бошладим. Зотан, бинойидек ҳаёт кечирар, зерикиш нималиги бизга ёт эди. Ирененинг хонаси шинам ва осуда эди, шунинг учун кўпинча ўша ерда ўтирдик. Баъзан у:

– Қара, илгаларни, қандай ажойиб! Худди себарга ўти дейсан, – деганича ўз ишига мафтун бўлар эди.

Унга жавобан мен маркалардан намуналар кўрсатар, синглим чет элдан юборилган турли-туман қоғозларни кўлига олиб узок томоша қиларди. Биз ўзимизни жуда бахтиёр сезардик ва секин-аста фикр юритиш ва ҳаёл суришдан халос бўла борардик. Дарвоқе, усиз ҳам яшаш мумкин.

Агар интиҳоси қизиқ бўлмаганда бирон нарса ҳақида ёзишнинг қизиғи ҳам қолмасди. Кунларнинг бирида кечки пайт, ётар олдидан ташналик ўртаб, сув ичгани ошхона томон ўтдим. Остонадан чиққанимни биламан, дафъатан қулоғимга ё ошхонадан, ё ғулхонадан шовқин-сурон чалинди. Ҳар доимгидек тўқиб ўтирган Ирене менинг тўхтаб қолганимни пайқаб ёнимга чиқди. Иккимиз бирга қулоқ сола бошладик. Шовқин шубҳасиз эшик ортидан эмас, балки коридорнинг бизлар яшаётган қисми – ошхона ёки ғулхонадан келарди.

Биз ҳеч нарсани тушуноламасдик. Мен синглимнинг кўлидан ушлаб орқа-олдимга қарамай дахлизга етаклаб чиқдим. Оптимиздан эшитилаётган шовқин янаям кучайди. Мен зудлик билан эшикни ёпдим. Дахлиз сув куйгандек жим жит эди.

– Бу ерни ҳам эгаллаб олишди, – деди синглим. Остонада рангли иплар чувалиб ётарди. Синглим

калаваларнинг эшик ортида колганини кўргач, тўкиётган ишини ташлаб юборди.

– Сен бирон нима олиб қололдингми? – деб сўрадим. Зотан, айна чокда бу жуда кулгули савол эди.

– Ҳеч нарса.

Биз куп-курук, ҳеч вақосиз чиқиб кетдик. Жавонда ўн беш минг песо пулим колгани ёдимга тушди-ю, бироқ энди кеч – олишнинг сира иложи йўқ эди.

Хайриятки, боя ечишга улгурмаганим соат қўлимда эди; ёрукка тутиб қарасам кумуш миллари ўн бирни кўрсатарди. Мен синглимни бағримга босдим. Назаримда у йиғлаётганди ва бизлар уйни ташлаб кўчага чикдик. Кўнглим бузилиб кетди: эшикни маҳкам зичлаб ёпдим-да, бир шода калитни зовурга қараб ирғитдим. Шу маҳалда қайси бечоранинг ўғирлик қилиш хаёлига келарди?! Устига-устак уй ҳам бўш эмас-ку!



АКСОЛОТЛЬ

Бир вақтлар мен аксолотллари томоша қилишга ишқибоз бўлиб қолгандим. Ўшанда деярли ҳар кун ботаника боғидаги аквариумга борар, соатлаб уларни кузатиб чарчамас, килт этмай туришлари, билинар-билинемас кимирлаб қўйишларидан кўз узолмай турардим. Энди ўзим аксолотлман.

Узоқ чўзилган киш тугаб, Париж секин-аста жилваланаётган баҳор кунларининг бирида мени тасодиқ уларга рўпара қилганди. Мен Пор-Рояль бульвари, Марсель ва Л.Опиталь хиёбонлари ёнидан ўтиб кетаётганимда бирдан файзсиз турар жой бинолари орасидаги кўкаламзорни кўриб қолдим-у, беихтиёр шерлар ёдимга тушди. Мен арслонлар билан қоплонларни томоша қилишни ёқтирардим-у, бироқ шу пайтгача бирор марта бўлсин, аквариумнинг қоронғу ва зах босган биносига қирмаган эдим. Ўша кун велосипедимни панжара олдида қолдириб, ичкарига йўл олдим. Арслонлар одам ачинадиган даражада хунуги чиқиб кетган, қоплон эса уйқуга кетган экан. Шунда мен аквариумга киришга қарор қилдим ва оддий балиқларни томоша қилаётиб, қутилмаганда аксолотллар устидан чиқиб қолдим. Салкам бир соат уларнинг ёнида туриб, у ердан бир ҳолатда чиқиб кетдим. Ўша кун кечгача кўнглимга ҳеч нарса сиғмади.

Авлиё Женеваева кутубхонасида луғат титқилаб, аксолотллар ойқулокли кўк-сарик амблистомнинг

ғумбакчаси эканини билиб олдим. Уларнинг асл яшаш жойи Мексика экани, киефаларидан – шапалокдек пушти юзи ҳамда аквариум тепасига илиб қўйилган лавҳа орқали маълум бўлди. Мен, Африкада қурғокчилик маҳали курукликда, ёғингарчилик даврида эса сувда яшашга мослашган нусхалари топилгани, уларнинг испанча номи ахолоте, гўштининг хушхўрлиги ва ёғи худди балиқ мойи сингари (чамаси ҳозир истеъмолдан чикиб кетган бўлса керак) истеъмол қилиниши ҳақидаги эслатмаларни топдим.

Уларнинг ҳаётига оид махсус илмий ишларни ўрганишга рағбат қилиб ўтирмадим, бироқ эртасигаёк ботаника боғига қайтиб бордим. Шу-шу хар куни эрталаб, баъзан кунига икки маҳал – эрталаб ва кечкурун аквариумга қатнай бошладим. Аквариум қоровули билетимни йиртиб қўлимга тутказатуриб, хайрон бўлиб илжайрди. Мен шиша девор ўраб турган темир тутқичга суяниб, уларни кўздан кечира бошлардим. Буни ҳеч қандай ажабланарли ери йўқ, чунки бизнинг бир-биримизга боғлиқлигимиз бениҳоя йироқ ва унутилаёзган бир нима бизни ҳамон боғлаб туришини, пуфакчалар қайнаб чиқаётган аквариумнинг ойнаванд девори олдида тўхтаганимдаёқ сезган эдим. Аксолотллар ҳовузнинг ифлос ва тор тубидаги шилимшиқ парда қоплаган тошлар орасида тўдалашиб туришарди. Улар тўккиз нусха бўлиб, деярли ҳаммаси шиша деворга қапишиб олганча олтиндек сап-сарик кўзлари билан томошабинларга термилишарди. Мен хижолат чекиб, қарийб изза бўлгандек турардим: чинни ҳовуз остида тўдалашган бу индамас ва сусткаш жонзотлар қаршисида сўррайиб туриш беодобликка ўхшарди. Ўнг томонда, бошқа шерикларидан чеккароқда турган аксолотлни ҳаёлан ажратиш билан синчиклаб

кўздан кечира бошладим. Мен баликларникидек ажойиб, нозик думли, бир суям калтакесакка ўхшаш нимпушти ва шаффоф (шу билан бирга сутранг шишадан ясалган хитойи ҳайкалчалар ёдимга тушди) вужудни кўрдим. Тўғри думига туташиб кетадиган шаффоф сузгичи унинг бутун елкасини эгаллаган эди, лекин, айниқса, одамга хос жажжи тирноқлар ўсиб чиққан зиғирдай бармоқлари билан нафис ва майин оёқчалари мени ҳайратга солди. Шунда унинг кўзлари билан юзи эътиборимни жалб килди. Юзи ифодасиз, мунчоқдек тилларанг кўзлари жонсиз кўрингани билан одамга термилиб қарарди; мен ҳар қанча тикилганимга қарамай бу кўзлар тубини кўролмас эдим. Кўзларини ўраб турган ингичка ипдек кора гардиш унга ҳайкалчани эслатувчи, учбурчак тош бошига пушти ранг бахш этарди. Оғзи учбурчак, юзининг ияги ўрнида жойлашган бўлиб, фақат ён тарафдан қараганда сезиларди: олд тарафдан эса тошдаги ингичка ёрикни эслатарди. Икки чеккасида – кулоқлари ўрнида худди ўсимта каби уч донагина маржондек қип-қизил шохчалар ўсиб чиққанди – булар чамаси ойкулоқлари бўлса керак. Унинг бирдан-бир жонли аъзоси ҳам шу эди: ҳар ўн-ўн беш секундда бу ўсимталар бирдан диккаяр ва яна шалпайиб тушарди. Гоҳо оёқчаларидан бири хиёл кимирлар ва зиғирдайгина бармоқчалари чалчиққа оҳиста ботиб кетарди. Биз хадеб кимирлашни умуман ёмон кўрамыз, бунинг устига аквариум шунақанги торки, сал жойингдан қўзғалсанг ўша захоти биронтасининг думи ёки бошига урилиб кетасан; бу норозилик жанжал кўзгайди, натижада ҳолсизланасан. Қилт этмай турганимизда вақт ўтгани ҳам сезилмайди. Илк бор шиша ҳовузга энгашиб қараганимда худди мана шу осойишталиклари эс-ҳушимни олиб қўйганди. Мен

унинг макон ва замонни мана шу бефарк осойишталик қаърига яширинча ғарк қилиб юбормоқчилигини пайкаб қолгандек бўлдим. Ҳаммасини кейин тушундим: ойқулоқларнинг қисқариши, нозик оёқчаларнинг тошга беозоргина урилиб, тўсатдан силжиб қолишлари (танасини тўлқинсимон ҳаракатлантириб суза оларди) уларнинг соатлаб давом этган бу қарахтликдан уйғона олишларидан дарак берарди. Ҳаммасидан ҳам уларнинг кўзлари мени ларзага соларди. Қўшни аквариумда яшаётган турли-туман балиқларнинг бизникига ҳаддан зиёд ўхшаган ажойиб кўзларида зиғирча маъно бўлмагани ҳолда, аксолотлнинг кўзи дунёда аллақандай ўзга ҳаёт, ўзгача кўриш йўли мавжудлигига ишора қиларди. Бу пушти ранг мавжудотларнинг абадий сусти ва мутлақ нотаниш дунёсига олиб боровчи йўл – тилларанг митти нуқталарни имкон борида кўздан кечириш учун шиша деворга сингиб кетгундек яқин қилиб қараётганимда қоровул хавотирланиб йўталиб кўярди. Аксолотлларнинг диққатини жалб этиш учун шиша деворни чертишдан фойда йўқ эди: улар заррача ҳам таъсирланмасди. Тилларанг кўзлари майин ва мудҳиш аланга ичида ёнар ва тартибсиз чуқурлик қаъридан менга тикилиб бокишини қўймасди.

Шундай бўлса ҳам, улар одамзодга бирам ўхшардики! Мен буни анча илгари, ҳали аксолотлга айланмасимдан аввал сезгандим. Буни уларнинг олдида биринчи марта келган қунимок ҳис қилгандим. Маймунларнинг хусусиятлари одамга ўхшайди, деган тушунча ҳар қанча оммалашиб кетган бўлса ҳам, айтиш мумкинки, айнан мана шу ўхшашликнинг ўзи улар билан бизни ажратиб турган тафовутни белгилайди. Одамзод билан аксолотль ўртасида тарикча бўлсин, ўхшашлик йўқлиги менинг фаразларим тўғрилигини ва

мен тасодифий қиёсларга суянмаганимни тасдиқларди. Факат оёкча, кўлча... Аммо калтакесак оёкчаси ҳам шундай бўлгани билан улар одамзодга асло ўхшамайди-ку! Менимча ҳамма гап аксолотлнинг бошида, тилларанг кўзли учбурчак бошида! Бу кўзлар боқар ва аниқлар эди. У ялиниб-ёлвориб жонга тегмасди сира.

Шу ўринда бемалол афсоналардан фойдаланса бўларди. Мен аксолотлларни инсонга ўхшаб сирли англаш лаёқатини яксон қилиб юбора олмаган ривожланиш туфайли бошқа кўринишга ўтишлар нағижаси деб ҳисоблай бошладим. Ўз баданларига тобе бу онгли мавжудотлар абадулабад сув остида ҳаёл суриш ва армон чекишга маҳкум этилганини тасаввур қилардим. Уларнинг хира, нурсиз нигоҳи, ифодасиз, бироқ фавқулодда маъноли тилларанг кўзларида акс этган “бизни ҳалос эт”, деган унсиз илтижо юрагимни ўртарди. Мен туйқус тасалли бериб шивирлаётганимни, уларни ёлғон-яшиқлар билан умидвор қилмоқчи бўлаётганимни сезиб қолдим. Улар қилт этмай мендан кўз узмай туришарди: бирдан ойқулоқларининг оч қизил новдалари диккайди. Дафъатан юрагимда оғриқ турди: балки улар мени кўриб ўзларининг ақл бовар қилмайдиган ҳаётларини англамоққа зўр бераётганимни фаҳмлаб қолишгандир. Улар мутлақо одамга ўхшамасдилар-у, лекин мен умрида биронта махлуқ билан ўртамизда бунчалик ўхшаш аломатлар кўрмагандим. Аксолотллар кўп нарсани биладиган, бинобарин, кўп нарсаларнинг тақдирини ҳал қиладиганга ўхшарди. Уларнинг мусаффо кўзларида шунчалик ҳайратомуз бокиралик акс этардики, мен ўзимни беихтиёр гуноҳкор сезардим. Улар бор-йўғи ғумбакчалар эди, аммо бу ғумбакчалар ҳам никоб, ҳам шарпа вазифасини ўтарди. Бу маънисиз, шунинг ба-

робарида кахрли юз-кўзлар эртага қандай киёфа касб этаркин?

Мен улардан кўркардим. Назаримда бошка одамлар ва аквариум бўлмаса эди, улар билан юзма-юз қолишга юрагим дов бермаган бўларди. Мени савдойирок деб ўйладими, қоровул қулишдан ўзини тиёлмай: “Кўзингиз билан худди еб қўйгудек қарайсиз-а уларга!”, деди. Аслида мен эмас, аксолотллар ваҳшийлигига бориб, мени секин-аста ўз домига тортаётганини айтганим билан улар тушунмасди. Шиша ҳовуз ёнидан нари кетиб ҳам аксолотллар ҳақида ўйлар, бамисли узоклардан туриб ҳам менга таъсир эта олардилар. Аксолотллар гўё масофа орқали ҳам менга таъсир қилаётганга ўхшарди. Мен ҳар куни у ерга борадиган бўлиб қолдим, кечалари эса уларнинг зулмат қўйнида кимир этмай осилиб туришлари, қўлларини эринчоклик билан узатаётиб, қўққисдан ўзига узатилган бошка қўлга тегиб кетишини кўз олдимга келтириб ётардим. Уларнинг кўзи кечаси ҳам кўришга қодирдир, балки, қим билсин! Агар шундай бўлса қун ва туннинг улар учун фарқи йўқ. Аксолотлларнинг кўзи киприксиз эди.

Энди мен фавқулодда ҳайрон қоларли ҳеч нима йўқлигини, бари рўй бериши муқаррар эканини биларман. Ҳар куни эрталаб энгашиб шиша ҳовузга қараган пайтларимда уларни тобора яхшироқ тушуна борардим. Аксолотллар жафо чекарди – мен бутун жисмим билан уларнинг сув қатламлари аро унсиз чекаётган укубати, битмас-туганмас жафоларини ҳис қилардим. Улар аллазамонлар – одам аксолотлларга тобе бўлган пайтларда бой берилган салтанат ҳукмронликлари ва озодликларини топмокчи бўлишарда гўё. Уларнинг жонли киёфалари ниманидир излаётгандек, ноиложликдан пайдо бўлган соқинликни бартараф

этган бундай кўркинчли ифода аламноқ муждани билдирмаслиги, улар яшаётган суюқ жаҳаннамдаги абадий изтироблардан огоҳ қилмаслиги амримаҳолдек эди. Мен ҳиссиётга ниҳоятда берилганим натижасида аксолотлларда тош идрокни ўйлаб чиқараяпман, дея ўзимни ишонтиришга беҳуда уринардим. Улар билан мен ҳаммасини билардик. Шу сабабли юз берган бу воқеада ҳеч қандай ғайритабиий нарса йўқ эди. Мен аквариумнинг шиша деворига юзимни босиб қапишиб олганча бу ёйларсиз ва корачиксиз тилларанг кўзлар тубида пинҳон сир-асрордан воқиф бўлганим учун зўр бериб тикилардим. Ойна ортидаги аксолотлнинг сокин юзини беҳад яқиндан кўрдим. У томонга ўтмасдан туриб аксолотль ўрнига ойна ортида менинг қиёфам пайдо бўлганида заррача ажабланмадим. У чинни ҳовуз ташқарисида – ойнанинг бу томонида турарди. Сўнг юзим ойнадан узоқлашди-ю, мен гап нимадалигини англаб етдим.

Фақат бир нарса – фикр юритиш, аввалгидек англашим ажабланарли эди. Англаш – уйқудан тургач, тириклайин дафн этилганини сезган одамнинг даҳшатини ҳис қилиш дегани эди. Ташқаридан менинг юзим ойнага яна яқинлашиб келди, мен, азбаройи, аксолотлларни тушуниш учун зўр бериш натижасида қимтилган лабларимга қарадим. Мен аксолотль эдим ва энди бир зумда ҳеч нарсани тушунишнинг иложи қолмаганини англаб етдим. У аквариумдан ташқарида эди, унинг фикрлари эса аквариумдан ташқаридаги оламга мансуб эди. Унинг танасида яшаётганини билганим ҳолда мен энди аксолотль эдим. Мен аксолотль жисмига инсоний тафаккурим билан кўчиб ўтганимни, энди онгсиз махлуклар орасида оқилона яшашга маҳкум этилган аксолотль вужудига

тириклайин кўмилганимни ва бундан буён ўзимни унинг абадий тутқуни, деб ҳисоблаётганим сабабли – буни ўша заҳотиёқ фаҳмлагандим – ваҳимага тушдим. Бироқ кимнингдир панжаси юзимга оҳиста урилди-ю, хиёл чеккароққа сурилиб мени кўздан кечираётган аксолотлни кўргач, бу ҳолат ўтиб кетди ва у ҳам барчасидан огоҳ эканини тушунтириб беролмаса-да, менга ўхшаб ҳаммасини рўйи рост билажагини сездим. Ё мен унинг вужудида яшардим ёки биз ҳаммамиз кўп нарсалар ойнага капишиб турган одамнинг юзига тикилиб қараётган кўзларимизнинг тилларанг ёғдусидан иборат бўлган чокда кўнглида нималар кечаётганини ифодалашга ожиз одам каби ўйлардик.

Шуни билган ҳолда илгари у тез-тез келарди, энди онда-сонда келяпти. Гоҳо ҳафталаб қорасини кўрсатмайди. Кеча уни кўрдим, у менга узок тикилиб турди-да, сўнг шартта бурилиб кетиб қолди. Назаримда, у аллақачон бизларга қизиқмай қўйган, бу ерга шунчаки, ўрганиб қолгани учун келаётгандек эди. Ҳамонки ягона тақдир этилгани ўйлаш ва шундан бўлак иш қўлимдан келмас экан, у ҳақида кўп ўйлаяпман. Дастлаб биз ҳали туташган пайтимизда у ҳар қачонгидан кўра дахлсизлигидан ўтмайдиган сирга боғлиқдек ҳис қиларди, деган фикр калламдан кетмасди. Аммо уларни боғлаб турган ришта узилди, унинг руҳини шу чокқача эгаллаб олган васваса инсон ҳаётига бегона бўлган аксолотлга айланган эди. Дастлаб мен маълум даражада – эҳ, маълум даражада, холос – унга айланишим ва унинг бизни яқиндан билиш истагини қўллаб-қувватлашим мумкин эди. Энди мен батамом аксолотль бўлиб қолдим, башарти ҳали одамга ўхшаб фикр юритар эканман, бу барча аксолотллар ўзларининг пушти ранг ғумбакларида худди одамлар каби фикр

юритишларидан, у ерда назаримда дастлабки кунлари мана шуларнинг баъзиларидан хали у менга айланиб колмасидан олдинроқ уни огоҳ килишга улгурган эдим. Бу танҳоликда – чунки у энди қайтиб келмайди – менга узил-кесил биргина фикр – ўзим тўқиб чиқардим, деган ишонч биз – аксолотллар ҳақида ҳикоя ёзар, балки, деган фикр тасалли берарди.



ОСМОН ҚОПҚАСИ

Соат саккизларда Хосе Мария келиб томдан тараша тушгандек, ниҳоят ҳозиргина Селинанинг жони узилди, деб хабар қилди. Яхши эсимда, унинг “ниҳоят” дегани бир дам ўйлантириб қўйганди, нега “ниҳоят”, бу сўз унинг огзидан худди Селина қазо вақтини ўзи аниқ белгилаб қўйгандек чиққанди. Қош қорая бошлаган, Хосе Мариянинг лаблари титрарди.

– Бечора Мауро, куйиб адо бўлди, телбага ўхшайди. Юр ўша ерга борамиз.

Мен ёзаётган мақоламни тугатишим керак эди, ундан ташқари бир хонимни ресторанга таклиф қилиб қўйгандим. Начора, қўнғирок қилиб, редакциядагиларга ҳам, ўша хонимга ҳам узримни айтиб, Хосе Мария иккимиз кўчага чиқиб, такси тўхтатдик. Мауро билан Селинанинг уйлари бу ердан унчалик узоқ эмасди – Кан ва Санта Фе кўчалари кесишган ерда жойлашган эди. Шу сабабли ўн минут ичида етиб бордик. Қарасак одам кўп, ҳаммалари даҳлизда хомуш ва гуноҳқорона киёфада тўпланиб туришарди. Соат олтиларда Селина қон тупура бошлабди, Мауро ўша захоти доктор чакириб келиш учун чиқиб кетибди, ўша кун онаси уларникида экан, бирдан беҳол бўлиб қолган келинининг тепасида ёлғиз ўзи қолибди. Врач бирталай дорилар ёзиб ўтирганда Селина кўзини очибди-ю, бир нималар демокчи бўлганда йўтали тутиб қопти, охири йўтал ўрнига бўғзидан хуштакка ўхшаш чийиллаган

товуш чикибди-ю, жон берибди. Буларни мен йўлда кетаётганимизда Хосе Мариядан эшитдим.

– Доктор хайр-маъзурни ҳам насия қилиб қочиб қолди. Унинг бошка иложи ҳам йўқ эди, чунки Мауро ураман деб унга ташланди, мен амаллаб тўхтатиб қолдим. Тутганда қанақа бўлиб кетишини биласиз-у!

Мен унинг ҳовлимизга келаётганида дунёдан ноумид бўлиб кетган Селинанинг сўнгги қиёфаси ҳақида ҳаёл сурардим. Менга хотин-халажнинг ўқиб йиғлашлари, патиодаги югур-югурлар деярли таъсир қилмади, лекин таксига икки-ю етмиш тўлагани, ҳайдовчини ялтироқ, сунъий мўйнадан тикилган шапка кийиб олгани эсимда қолди. Маурониг уч-тўртта ошнаси эшик олдида “Ла-Расон” ўқиб туришарди; кўк кўйлакли қизча малла мушугини кўтариб олганча эҳтиётлик билан мўйловини кесарди. Уларнинг ёнидан бир кадам ўтгач, йиғи-сиғи бошланди ва нафасни қайтарадиган бадбўй ис анкиди.

– Мауранинг ёнига бор, – дедим Хосе Марияга. – Унга далда бериш керак, қўлингдан келади.

Афтидан, ошхонада қайнатилаётган мате тайёр бўлган эди. Ўз-ўзидан марҳуманинг ёнида одам тўпланган эди; дим хонада улар кирган чикканга қараб қўйишар, ичимлик кўтарган одамларнинг у ёқдан бу ёққа юришгани кўзга чалинардди. Шу кўни-қўш-нилар ҳар кунги тирикчиликларини ташлаб бу ерга келишгани ақлга тўғри келмасди сира. Мен ошхона ёнидан ўтаётганимда бомбильяда* сув қайнаётган эди, марҳума ётган хонага бош сукдим. Ғира-шира хонанинг ичкарасида, каравот ёнида ўтирган Лисия Мартита билан яна бир аёл мен томонга қараб қўйишди.

*Бомбилья – бу ерда: мате ичиладиган ингичка металл найча

Уларнинг ўзларини бир қадар викорли тутишларидан Селинани ювиб-тараб, расм-удум бўйича ясантириб бўлишганини фахмладим, бунинг устига енгилгина сирка ҳиди келарди.

– Ўзиям қийналиб кетди, шўрлик, – деди Лисия Мартита. – Келинг, доктор, уни каранг. Худди ухлапти дейсиз.

Унинг гапларидан коним қайнаса ҳам жаҳлимни ичимга ютиб хонадаги кўнгилни беҳузур килувчи ҳидлар таралаётган қисмига шўнғидим. Мана, бир неча дақиқадан буён Селинага тикилиб караганим билан уни кўрмаётган эдим. Энди унинг тепасига бориб, гитаранинг садафларидек торгина манглайи узра яраклаётган абадий котиб қолган бир текис кўкиш оқ юзини аниқ-равшан кўришга муяссар бўлдим. Бу ерда қиладиган ишим йўқлиги, бундай бу ёғига кечаси ташриф буюрадиган гўянда – аёллар учун эканлигини тушуниб етдим. Ҳатто Мауро Селина ёнида бамайлихотир ўтиролмас, қолаверса, мархуманинг ўзи ҳам уни кутмаётган бўлса керак, бу қора-оқ предмет йиғловчи аёллар салтанатига кўчгандек ва ўзининг қилт этмаётган, такрорланувчи мавзуси билан уларни қўллаб-қувватларди. Йўқ, яхшиси Мауронинг олдида борган маъкул, у ҳали гуноҳларга тўла ҳаётда яшаяпти.

Ётоқхонага элтувчи ним қоронғу йўлакда кар-гаранг ҳассакашлар чекиб туришарди. Пенья, Басан жинни, Мауронинг иккита укаси ҳамда аллақандай кўсқи чол ўзига яқин олиб мен билан саломлашди.

– Келиб яхши қилдингиз, доктор, раҳмат сизга, – деди улардан бири. – Бечора Мауро билан қалин дўст эдингиз, биламан. Ораларингдан қил ўтмасди.

– Ҳақиқий дўст бошга кулфат тушганда билинади, – деди маъноли қилиб кексалардан бири қўлини узатар экан, мен тирик баликни ушлагандек бўлдим.

Бирок мен хаёлан бошка ёкда эдим. Ўша 1942 йилда бўлиб ўтган Луна паркдаги карнавалда яна Селина ва Мауро билан ракс тушардим. Селина мовий кўйлакда – бу либоси унинг қорамағиз, ёнок суяклари туртиб чиққан юзига ярашмасди – Мауро оч рангли ёзги костюмда эди, мен бўлсам олти қадах вискидан кейин ғирт маст ҳолда ўтирардим. Мен Мауро ва Селина билан ўйин-кулгу қилиб юришни яхши кўрар, уларнинг барқарор, эҳтиросларга лиммо-лим саодатига ҳавасим келарди. Уларга канадек ёпишиб олган, деб ҳисоблайдиган дўстларимнинг менга ғаши келар, бунга сари улардан бир дақиқа ажралмасликка ҳаракат қилардим. Уларнинг ўзи буни билиш у ёкда турсин, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмасди.

Мен камзулдан узилиб тушган тугма каби раксдан ажралиб қолдим – хонадан инграган овоз келди.

– Онаси бўлса керак, – деди Басан жинни мамнун киёфада.

“Оддий одамнинг қисмати шу экан-да, – деб хаёл қилдим мен, – Селина вафот этди, демак онаси келади, бечора ўксиб-ўксиб йиғлайди”. Бошқалар оддийгина ҳис қиладиган оддий нарсаларни худди ишонмай, бир яна дилимдан ўтказишдек одатим учун ўзимни ўзим ёмон кўриб кетдим. Нима Мауро билан Селина тажриба ўтказаётган куёнлариммиди? Мен уларни яхши кўрардим, ҳозир ҳам яхши кўраман. Фақат ҳеч қачон улардек оккўнгил бўлолмасдим, шу чокқача уларнинг оташин муҳаббати ва эҳтирослари учқунидан таралаётган ҳароратни ҳис қилиб, ундан баҳраманд бўлиб яшаганман; мен Буэнос-Айресдаги адлия олами, мусика дунёси ёки пойга кўрикларидан ҳеч қачон қоникмаган адвокат, доктор Ардой иложи борица ҳамма ерда ҳисоблар эдим. Бунинг оқибатида ўта таъсирланиш ва менинг қизиқишим туради, холос.

Лекин Селина билан Мауроларнинг хаёти оддийгина, кизикканимдан эмас, йўқ, уларнинг икковига номаълум бошка бир нарса оҳанрабодек эътиборимни тортар эди.

– Ким ўйловди бунака бўлади, деб – мен Пенья ўқинч билан айтган гапини эшитиб қолдим. – Кеча бор одам бугун йўқ энди.

– Лекин ўзинг билардинг-ку, ўпкаси анчадан бери қийнаб келарди.

– Ҳа, шунақа, лекин ҳар ҳолда...

Улар жаҳаннам оғзидан қутулмоқчи бўлишарди. Ўпкаси жуда ёмон бўлганига қарамай, ҳар ҳолда... Селина ҳам ўлишини тасаввур ҳам қилмаган бўлса керак, у билан Мауро икковига бу касаллик бир эркаликдек эди. Селинанинг Мауро кучоғида шавк билан айланаётгани яна кўз ўнгимдан ўтди, – Канаро оркестри, тепада арзон-гаров упа-элик хиди анкийди... Сўнгра у мен билан рақсга туша бошлади, тупроғи ўйнаб ётган майдонда росмана тўс-тўполон, қий-чув... “Шунақаям чиройли рақс тушаркансиз-ки, Марсело” – унинг назарида адвокат бу куйнинг оҳангига монанд ўйнай олиши мумкин эмасдек туюларди, шекилли. Селина ҳам, Мауро ҳам менга доимо “сиз” деб мурожаат қилишмаганди, мен эса Маурони “сен” лаб, Селинани эса “сиз” лаб гапирардим. Селина менга доктор, деб мурожаат қилиш одатидан истар-истамас воз кечди, эҳтимол мени бегоналар орасида менинг доктор дўстим, деб тилга олишдан у фахрланар эди. У мени оддийгина “Марсело” деяверсин, деб Мауро орқали унга айттирган эдим. Ана шундан кейин улар бир қадар ўзларини яқинроқ тутадиган бўлишди, бироқ мен шунда ҳам уларга қўшилиб кетолмасдим. Рақс тушишлар, бокс, ҳатто футболга (Мауро бир неча

йил мукаддам “Расинг”^{*}да ўйнаганди) бирга борсак ёки емакхонада мате ичиб алламаҳалга довур ўтирсак ҳам коним қўшилмасди. Даъволашувлар тугаб, Мауро мени шарофатим билан беш минг песолик бўлиб қолгач, дастлаб Селина бизни эсдан чиқариб юбормай кириб турунг, дея гина килиб қўйганди. Ўшанда унинг саломатлиги яхши эмасди, доим хириллаб гапиргани етмай тобора ҳолдан тойиб борарди. У кечаси билан йўталиб чиқарди, Мауро унга “Эскай” деган нейрофосфат – нақадар бемаънилик – билан яна “Бислери” фирмаси тайёрлаган безгакка қарши ҳужжат билан тасдиқланган, шунинг учун одамлар газета-журналлардан ўкиб ишониб қолишган дори-дармонлардан олиб берганди.

Бизлар ракс тушгани доим бирга борар, уларнинг ҳаётини ўша пайтда ўрганган эдим.

– Мауро билан гаплашиб ўтирсангиз бўларди, – деди Хосе Мария, бамисли ер остидан чикиб олгандек. – Анча енгил тортармиди.

Мен Мауронинг ёнига боряпман-у, хаёлимдан Селина кетмасди. Иқрорман, – бу одобдан бўлмаса ҳам – мен кўнглимга тугиб қўйган Селина ҳақидаги ўй-хаёларимни шу дақиқада йиғиштириб ололмасдим. Мауро хонага кириб борганимда кўз ёшларини яширмай юраги тўлиб, кон-кон йиғлаб ўтирарди. У менинг қўлларимни маҳкам ушлаб олди-ю, анчагача қўйиб юбормади, унинг кафти жикка ҳўл, шўрлик безгак тутган каби калтирарди. Хосе Мария унга “жин” узатганда у ғалати бир тарзда ҳикиллаганча унинг қўлидаги рюмкани тушириб юборди. У худди бутун ҳаётига алоқадор бўлмиш деб ғўлдирар, мана шу тушунуксиз ғалати аҳволида юз берган воқеани

^{*} «Расинг» – Буэнос-Айресдаги футбол клуби

ҳеч қачон тузатиб бўлмаслигини чуқур англагандек
ожишлигига хўрлиги келар ва жудолик учун Селинани
ёзғирар, ўзини ёлғиз ташлаб кетганига ранжигандек
бошини чайқаб афсус-надоматдан ўқрар эди. Ўзини
яхши кўришнинг – худбинликнинг бекиёс даражадаги
ошқора инъикоси эди бу манзара! Мен Маурони
ёмон кўриб кетдим. Лекин шу билан бирга ўзимдан
норозилик ҳисси юрагимда уйғониб, кўксимни эза
бошлади ва арзон-гаров коньякдан қуйиб ичишдан ўзга
илож топа олмадим – у огзимни қуйдириб кўнглимни
беҳузур қилди. Маросим бир меъёрда ўтар, Мауродан
бошқа ҳамма шунга сомеъ эди, ҳатто дим ва сокин кеча
бу ризолик маросимига алоҳида тароватбахш – бунақа
пайт юлдузлар остида, патиода тонгга қадар марҳумани
ғийбат қилиб ўтиришнинг гашти бор.

Бу воқеа юз берган куни эди, кейин менинг адво-
катлар анжуманида қатнашиш учун Роса – риога
боришимга тўғри келди – у ерда бир-биримизни ол-
қишлаб қарсак чалиш, хурмачамиз тўлгунча ичишдан
бошқа қиладиган иш йўқ эди, шунга қарамай мен
жума кундан аввал қайтиб келолмадим. Поездда
“Mulin Rouge”* гуруҳининг икки нафар раққосаси ҳам
кетмоқда эди, мен улардан кичигини танирдим, лекин
у риёкорона тарзда танишмасмиз, деди. Ўша куни
эрталаб Селина хаёлимдан сира кетмади, ҳолбуки
унинг ўлими менга оғир таъсир қилмаган, йўқ, у
турмушимда қандайдир тартиб-интизомга, ўрганиб
қолган одатларга раҳна солганди, холос. Қизларни
кўриб, Мауронинг Селинани грек қасидасининг
милонга*сидан қандай қилиб олиб кетгани кўз ўнгимда
гавдаланди. Кабареда юрадиган қизнинг яхши хотин
бўлишига ишониш жасорат ҳисобланарди. Худди

*“Mulin Rouge” Кабарснинг номи.

ўша пайтда мен Мауро билан танишгандим, у қари онасининг Санаастедаги ер туфайли даъволашаётгани юзасидан маслаҳат сўраб келган эди. Иккинчи мартасида у мени йўқлаб келганида бир ўзи эмас, ёнида Селина ҳам бор эди. Ҳали-ҳануз ёдимда, кафешантан кўшиқчисига ўхшаб бўяниб юришни ташламаган Селина Мауронинг билагига бутун оғирлигини солиб катта-катта қадам ташлаб келарди. Уларнинг ўртасидаги тафовутни, бир-бирига ўхшамаслигини бир кўришдаёқ фахмлаб олгандим. Мауронинг кескин кўполлиги, феъл-атвориға содиқ қолган ҳолда, орқа-олдига қарамай, Селинанинг муҳаббатига тамомила сазовор бўлиш учун тиришаётгани яққол кўзга чалиниб турарди. Улар билан яқин бўлганим учун, жиллақуриса, зоҳиран, эришдек туюларди бу. Кейинроқ бориб, аслида қандай эканини тушуниб етгандим: тантик Селинанинг инжиқликлари, халқ рақсларига беҳад ишқивозлиги, радио ёнида кийимларни тўғрилаб ёки тўқиб ўтирган чоғидаги орзу-хаёллари – унинг учун сездирмай, секингина Мауродан узоклаштирадиган йўл эди. Иттифоқо, бир куни кечқурун “Небиоло” Расинг командасини 4:1 ҳисобида ғалаба қозонганда Селина куйлаган эди, ўшанда мен унинг ҳамон руҳан Касидис билан бирга экани, оила, рўзғорнинг ҳеч қачон тугамайдиган ташвишлари ва қушхона ишчиси Мауродан ниҳоятда йироқ эканини англаган эдим. Уни янада яхшироқ билиб олиш учун арзимаган хоҳишлари ни бажо келтирар, кўнгил майллариға қарардим ва биз учовимиз, деярли кун оралатиб радиокарнай зўрикиб бўкираётган, пиццаларнинг ҳиди димокларни қитиклаётган, ҳар қаерда қўллар, оғиз-лаблар ар илган ёғли патқоғозлар палпис сочилиб ётган қанча санча кўнгилочар сайилгоҳларға қадам ранжида эдик.

Бирок Мауро эса купрок пагиода кўни-кўшинлари билан мате ичиб, турунглашиб утиришни хуш кўрарди. Баъзи нарсалар бўйича у мураса қиларди, ён босарди, лекин ўз билганидан қолмасди. Шунда Селина ўзини унча-мунча кучага чиққиси келмаётгандек, кўпрок уй юмушлари билан андармондек кўрсатишга ҳаракат қиларди – нафсиламрини айтганда, у чинданам секин-аста шунга кўникиб бораётгандек таассурот қолдирарди. У қолиб Маурони кўпинча, ракс майдонига боришига мен сабабчи эдим ва Селина бунинг учун, ўша заҳоти менга ўз миннатдорчилигини билдириб кўярди. Улар бир-бирларини яхши кўришарди, зеро Селинанинг шодлиги, бахтиёрлиги икковига, баъзан учовларига ҳам етиб ортарди.

Мен аввал чўмилиб, сўнг якшанба куни аэропортга кетаётганда йўл-йўлакай уларникига кириб ўтарман, деб Нильдага кўнғирок қилмокчи, кейин эса Маурони кўргани бормокчи эдим. У пагиода чекиб, мате ҳўплаб ўтиргани устига кириб бордим. Бева дўстимнинг эғнидаги икки-учта еридан йиртилган тўқима кўйлагини кўриб эзилдим, лекин сир бой бермай елкасига қокиб кўйдим. Мауронинг киефаси ҳамон ўша-ўша, дафн маросими куни, қабр тепасида бир ҳовуч тупрок ташлаб, орқасига чекинган ва ҳайкалдек қотиб қолган пайтдагидек кўринишда эди. Лекин кўзлари чакнарди, у қўлимни қаттиқ қисиб саломлашди.

– Келганинг жуда яхши бўлди, миннатдорман. Вақтни тез ўтишини-чи, Марсело.

– Қушхонага бориб турибсанми ёки ўрнингда бошқа одам ишляптими.

– Ногирон укамни жўнатдим, ўрнимга ишлаб турибди. Юрагимга сиғмаяпти бориш, бўлмаса нима, ишлаб юрган жойим.

– Тушунарли, лекин бир нимага чалғишинг керак барибир. Овуниш маъносида айтаяпман. Қани, кийимингни ўзгартир, бир Палермо*га бориб айланиб келамиз.

– Бўпти, айланиб келиш бўлса айланиб келишда!

У ҳаворанг камзулини кийди, бўйнини кашта тикилган рўмолга ўради ва Селинанинг шиша идишдаги атиридан сепиб олди. Мен унинг шляпаси гардишини юқорига қайириб кийишига ҳавас қилар, товуш чиқармай енгил, мардона кадам ташлашларига махлиё бўлардим. Яшириб нима қиламан, очиги, “Ҳақиқий дўст кулфат тушганда билинади”, қабилидаги икромномани эшитишга тайёргарлик кўриб қўйгандим “Кильмес Крифтали”нинг иккинчи шишасидан кейин Мауро дарду ҳасратини дастурхон қилди. Биз деярли кимсасиз қаҳвахонанинг ичкарисидagi столда ўтирар эдик; мен гапини бўлмас, фақат ора-чора бўшаган бардоғига пиводан қуйиб берардим. Унинг нималар дегани эсимда йўқ; назаримда у бошдан-оёқ бир хил гапдан нарига ўтмади, шекилли. Фақат битта ибора хотирамда қолганди. У мана шу еримдан ҳеч қачон кетмайди – шундай деб Мауро худди медаль ёки оғриётган жойни кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб кўрсатган эди.

– Унутмокчи бўламан, – дерди у яна. – Нима қилиб бўлса ҳам, ичкилик биланми, милонгача борибми, дуч келган қиз билан юрибми. Сиз мени тушунаётгандир-сиз, Марсело, ахир сиз... – Унинг шаҳодат бармоғи кутилмаганда кўтарилди-ю, бирдан худди қаламтарош каби букилди. Бу ёғи энди Мауро ҳар қандай таклифни қабул қилишга тайёр эди. “Санта Фе Палас” деган ном бехос чиқиб кетганида шартта ўрнидан турди-да, соатига каради – бўлди, ўша ерга кетдик. Биз кўчага

*Пелермо – Буэнос-Айресдаги катта бог ва отчопари бор тураргоҳ

чиккач, индамай йўлга тушдик, кетяпмиз-у, иссиқдан лоҳас бўлиб борар ва мен Мауронинг юзига тикилиб қарар, ёнида рақсга бораётган Селинанинг тафти ва шодлиги етишмаётганига дам-бадам ажабланиб кўяётганини фаҳмлар эдим.

– Уни бу “Палас”га бир марта ҳам олиб бормагандим, – деди у кутилмаганда. – Қачондир кирган эдим, у билан танишмасимдан бурун, файзи йўқ милонга эди. Сиз у ерга бориб турасизми?

Мен “Санта Фе Палас” ни – у аслида “Санта Фе” деб аталмас ва ҳаттоки бу кўчада эмас, сал наридаги бошқа кўчада жойлашган эди – беш қўлимдек яхши билардим. Афсуски, на одамларни чорловчи афишалар ўрнатилган ва пасткам кассаси оддийгина кўринишини, на келаётган одамларнинг кўзларини лўқ қилиб тикиладиган кунда-шунда бўлган эрмакталаб йигитларни – хуллас, буларни очикрок тасвирлаб беришнинг иложи йўқ эди. Ичкариси янада бефайз, ёмон, деб бўлмасди-ю, лекин ҳаддан зиёд бетартиб, ноқулай эди; бу ўта тартибсиз, ёлғондака тартиб-интизом қиёфасидаги чаток бир жой бўлиб, бамисли дўзахнинг ўзи дейсиз. Худди кириш икки ярим, хонимлар учун ярим иен тўланадиган япон боғларига ўхшарди. Биридан-бирига ўтиш мумкин бўлган учта залдан иборат эди, биринчисида миллий мусиқа ансамбли, иккинчисида ўзига хос, учинчисида ҳиндулар халқ оғзаки ижодига мансуб қўшиқчилар ва маламбо* мавжуд эди. Мен ўтиш жойида туриб, (Мен гўё Вергилий ролида) учала турни эшитиб, рақс тушаётган учала гуруҳларни тамоша қилиб турдим; ана шундан кейин таъбингиз ёққан ерга бориб ўтирардинг ёки қулай стол ва аёлларни кўзлаб, залдан залга ўтиб, йўл йўлакай бир қадахдан жин ичиб борасан.

*Маламбо – мусобакада эркаклар билан уйналадиган халқ рақси

— Чакки эмас. — деди Мауро маънос киефана — несиқ экан факат. Шамолнаарраклар куйишса буларкан. (Маълумот учун: оддий халк вакилининг техникага булган эhtiёжини Ортего усули билан урганиш керак. Каерда шароит булмаса, уша ерда албатта узлаштириб фойдаланиш зарурати туғиларкан. Мауро Буэнос-Айресликларга ўхшаб хос равишда ишонч билан, яъни хамма нарсага аклим етади, дегандек советкичлар ва тарақкиётнинг махсули булган кулайликларни назарда тутиб гапирарди.)

Мен Мауронинг тирсагидан ушлаб стол сари судрадим, акс ҳолда у турган еридан сахнада микрофонни иккала кўли билан тутиб олганча кўшикчига меровсираб караб тураверарди. Бориб ўтирган захотимиз Мауро битта кўтариб канысини тугатди.

— Пиво етилиб борсин-чи. Жин урсин, одам кўп экан жуда.

У яна каны буюрди ва мен пайтдан фойдаланиб, атрофга кўз югуртириб чиқдим. Биз жойлашган стол супанинг чеккасида эди, бошқа томонидан, узун девор ёнида қатор стуллар териб қўйилган бўлиб, у ерда муттасил равишда югуриб-елиб хизмат қилаётган ва ўйин-кулгу хонимчаларининг киефасида акс этувчи бефарқ ифода акс этган аёллар ғужғон ўйнашарди. Одамлар гаплашгани ҳуши йўқдек ўтиришар, шу сабабли биринчи залдаги миллий ансамбль ижро этаётган жўшқин куйи равшан эшитиларди. Ҳофиз рўйи-равшан сезилаётган нукталарига ўзбошимчалик қилиб ғамгинлик бахш этишни унутмай, соғинч туйғуларини қўшиб завқ билан куйларди. “Мен севган метис қизга уламасоч олдим жомадонда...” У худди тўсиқ киррасини ушлаб олгандек микрофонга ёпишиб олган, бамисли бундан ўзгача аҳволда куйламайдиганга

ўхшарди. Вакти-вакти билан хиридлаган микрофонга лаблари тегиб кетар, карнайидан майин овоздаги кўшиқ янграр эди, "мен ахир тўғри инсонман, ошим халол..." мен эса микрофонни резина кўғирчоқ ичига кўринмайдиган қилиб қўйса зўр буларди -- уни бағрига босиб, авж пардаларда айтарди, деб ўйлардим ўзимча. Йўқ, танга кўғирчоқ фoром эмас, унга яхшиси юқори қисми қора, ялтироқ, муъжазгина калла суягига монанд хромланган таёк ярашади.

Нафсиламрини айтганда, очиги, бу милонга бунақасини бошқа ерда кўрмаганман, кўрмасам ҳам керак. Улар соат ўн бирларда шаҳарнинг турли мавзеларидан яккакифт ёки жуфт-жуфт бўлиб, ўзларига ишонган кишилар сингари шошилмасдан кириб келишарди, томирларида қизил танлиларнинг қони кўшилиб оқаётган пак-пакана қўқил аёллар, афти башарасидан яванликларга ёки мокови хиндуларига ўхшаш тор, катта катак камзулли ёки қора костюм-шим кийиб олган брильянтин суртилган дағал сочлари яшил ва пушти рангда товланаётган йигитлар, аёлларнинг саватдек сочлари уларни янада қўқилларга ўхшатиб юборган, ҳар қанча мураккаб бўлса ҳам, сочларининг турмакланишидан ғурурланардилар. Уларнинг ҳаммаси бир-бирлари билан танишиб ва индамай, сир бой бермасдан, бири иккинчисига кўнгил қўйиши, рақслар, учрашувлар, тунги саргузаштлар туфайлидир. Бедаво тасқаралар ўртага чиқади-да, тавозе билан қўлларини соҳибларининг елкасига қўядилар ва шошмасдан рақс кетидан рақс тушиб чарчамайдилар ва ниҳояти кўплари қолиб, ўзларини томоша қилишаётгани, уларнинг санъатидан баҳраманд бўлиб таққослашаётганларни чоғиштираётганларидан лаззатланиб кўзларини юмиб оладилар.

(Маълумот учун: улар қаерда пайдо бўлишди, кундузлари қайси касб билан шуғулланишади ва қандай шубҳали машғулоти никоби остида юрадилар?)

Танаффус чоғида хийла ўзларига келиб, стол атрофида мактаниб ўтирадилар, аёллар эса одамларнинг ҳаммасининг эътиборини жалб қилиш учун чийиллаб гаплаша бошлайдилар. Шунда эркаклар қутуриб кетадилар, бир сафар оқ кўйлакли шаллақи аёлнинг анис ароғи ичиб ўтирган ва ўша аёлнинг не азоблар билан турмакланган сочи тўзғиблар кетганини кўрган эдим. Улардан ўзига хос, алоҳида ҳид тарқалар, бу нам баданга сепилган тольқ ва чириган тар мевадан келадиган ҳидни эслатар, одам чала-чулпа чўмилганда, латтани ҳўллаб ёғ босган юзларни, баданининг терлашга мойил ерларини артиб, сўнг энг асосийси гупиллатиб лосьон сепгандагига ўхшаган бадбўй ҳид тараларди. Улар яна перкись билан сочларини бўяшарди, сочлари жўхорининг сўтаси каби захил башараларидан униб чиққандек таассурот қолдирарди, юз-кўзини бўяган қорамағиз аёллар малла хонимларнинг қилиғини ўрганишар, улар сингари яшил рангли кўйлак кийиб олганча ўзларини ўзгариб бошқа қиёфага киргандек сезишар ва табиий туғма ранг-рўйини сақлаб қолганларга менсимай боқишарди. Мен зимдан Маурони кузатиб, ҳабаш ёки ҳинду қони қўшилмаган дарёбўйи одамларининг бичими итальянларникига ўхшаш юзини – бизни ўраб турган кишиларнинг юзидан нақадар кескин фарқ қиларди-я! – ўрганаётганимда бирдан Селина ҳаёлимдан ўтди, ахир у Мауро билан менга қараганда ўшаларга яқинроқ эмасмиди?! Назаримда Касидис ўши пайтда қовоқхонасига кундашунда келадиган мана шу қизил танлиларнинг кўнглини топиш учун уни танлаган шекилли. Мен Селина ишлаётган кезлари Касидиснинг қовоқхонасига бир

марта ҳам бормагандим, лекин кейинроқ, бир куни кечки пайт кадам ранжида қилганимда (Мауро уни топган ерни кўриб қўйгим келганди) фақат оқ танли, сарғишми, қорамағизми – лекин оқ танли аёлларни учратган эдим, холос.

– Ракс тушишга йўқ демасдим ҳозир, – деди Мауро ҳасратомуз.

Назаримда тўртинчи қадахдан кейин унинг кулфи дили очилиб борарди. Кўнглимга Селина келди, агар у тирик бўлганида ҳозир ўз уйддек кадрдон бўлиб қолган ҳамда Мауро ҳеч қачон олиб бормаган мана шу майхонада ўтирган бўларди, деган фикр хаёлимдан ўтди. Бу пайтда Анита Лосано томошабинларнинг олқишларига саҳнадан туриб таъзим қилмоқда эди; мен у шуҳрат чўккисига юксалган даврда “Новелти” ва унинг қўшиқларини тинглашга муяссар бўлган эдим, бугун у қариган ва озган, бироқ зоҳирий қиёфасига қарамай, айникса танго учун мувофиқ овозини сақлаб қолган эди. Унинг муваффақияти шунда эди-ки, қўшиқ айтиш услуби ҳамда овозининг бебок оҳанг, заҳарханда ибораларни ҳиркираб айтишлари айни муддао эди. Ичиб олганларида Селина мана шундай бўғилиб, хириллаб куйларди, дафъатан “Санта Фе”га айни замонда унинг етишмаётганлигини ўкинч билан ҳис қилдим.

Селина ўзини Маурога бахшида этиб хато қилганди. У Маурони чин кўнгилдан севгани учун рўзғорнинг оғирликларига чидарди ва Мауро уни қовокхонанинг нопок ва ғала-ғовур ҳаётидан, арзон-гаров машварат, оғзидан қўланса ҳид анқиган мижозлар издиҳомидан қутқариб олди, мабодо милонгада ишлаганда Селина қўшиқчилик қилишни маъкул топган бўларди. Чунки у қўшиқ ва рақслар оламида эркин куш каби парвозга туғилган эди, гўё мана шу туфайли Мауро уни

қовоқхоналарга олиб боришди шартин. майхоналарга кириб унинг иссиқ, дим хавосидан нафас олган энди янграй бошлаган бондсоннинг садоларини эшитган заҳоти нечоғлиқ ўзгариб қолишлари куз олдимга келди. Ўша чоқда, “Санта Фе”да ҳаёл суриб утирганимда мен Селинанинг жасоратини йиллар давомида ошхонада ва патнода куймаланиб ширин мате ҳозирлаб бериб Маурога умрини фидо қилишдек улугъ фазилатига тан бердим. Дарҳақиқат, у севимли милонгаси, осмони, Креоль рақсларига ҳамда аниқ ароғига бўлган жўшқин муҳаббатидан юз ўгирганди. У гоҳ-гоҳ Мауронинг байрамлар пайтида олиб боришга мажбур қилганларини айтамаганда ўз ихтиёри билан, онгли равишда ўзини ўзи Маурога ва Мауронинг ҳаётига бутунлай бахш этганди.

Мауро аллақачон бегоналарга нисбатан бўйчангина, ниҳоят даражада хипча бел, истараси иссиқкина кора танли аёлни кўз остига олиб қўйган экан. Унинг бахтиёр савки табиий, лекин айна чокда олдиндан яхшилаб ўйлаб қўйган аҳд-қарорига кулгим қистарди — чунки бу қиз бошқаларга нисбатан кўриқчига камрок ўхшарди: яна ҳаёлимдан бир гап ўтди, Селина аслида ўзига яраша кўриқчи эди, лекин кундузи, қовоқхонада, бу унчалик сезилмасди. Мауро шуни сезармиди, деб ўйладим ўзимча, лекин сўрамадим ундан, чунки унинг дашном қилиб қолишидан кўрқардим. Мен уни олиб келган маконнинг ҳар бир қаричида хотира яшириниб, кутиб тургандек кўрқарди.

Бу сафар қарсақ ёғилмади ва Мауро қизни бизнинг столимизга олиб келди; танго олаmidан юлиб олинган қизнинг бирпасда руҳи тушиб худди эсини йўқотиб қўйганга ўхшарди.

— Сизга яқин дўстимни таништиришга ижозат берсангиз.

Биз одатдагича “жуда хурсандман”дан кейин ўша заҳоти унга ичимлик қуйиб бердик. Мауронинг

бунчалар жўшқин ва аъло кайфиятини кўриб, беҳад хурсанд бўлар эдимки, ҳатто унинг Эмма деган танишига бир-икки қочқирим гап қилиб қўйдим. Назаримда Мауронинг кайфи чоғ, у турли оркестрлар ҳақида гап очди, мен бўлсам – ҳар доимгидек унинг киска, вазмин гапларига қойил қолиб ўтирардим. Эмма кўшиқчиларнинг номларини ёғдириб ташлади. Вильям Креспо* билан Эль-Таларларни эслади. Шу чок Анита Ласани эски танго номини эълон қилиб қолди-ю, уни меҳмонлар, айникса уни ҳаддан ташқари яхши кўрувчи ҳиндуларнинг олқиш ва қарсаклари янгради. Лекин Мауро бутунлай лоқайд, йўқдек ўтирган Мауро, банданеонларнинг сочлари илондек тўлғониб оркестр янги куй чалиб юборганди, у бир нима эсига тушиб туйқус менга диққат билан тикилиб қолди.

Мен ҳам бир гал “Расинг”да ўтирганим Мауро билан Селина бир-бирларининг бағрига кириб кетгудек бўлиб ракс тушаётганлари кўз ўнгимдан ўтди – ўшанда у кечаси билан айтган кўшиғини таксида уйга қайтаётганимда ҳам хиргойи қилиб, Маурога айтиб чарчамаган эди.

– Ракс тушамизми? – деб сўради Эмма ўзига қуйилган гранадинни ҳўриллатиб ичаркан.

Мауро унга ҳатто қайрилиб қарамади. Назаримда шу дақиқалардан икковимиз ҳам бамисли хотирамизда ҳамон яшаётган ўтган кунларнинг пинҳоний теран ерларида яшаётган эдик. Ҳозир (шуларни ёзаётган пайтимда) менинг кўз олдимда ҳам ёлғиз бир манзара – йигирма яшар пайтим, ҳавзага калла ташлаганда бошқа бир сузувчига урилиб, биргаликда ховузнинг энг тубига тушиб кўзларимизни ачиштираётган яшил пўпанак сув аро бир-биримизга тикилиб қолган қизлар

* Вильям-Креспо билан Эль-Талар – аҳоли яшайдиган пунктлар

намоён бўлди. Мауро стулни нарирок суриб қўйди-да, столга тирсаги билан таяниб олди. Менга ўхшаб у ҳам майдончадан кўзини олмасди, кўздан ғойиб бўлган Эмма ҳақоратланганини яшириш учун ковурилган картошкани еб тугатиш билан овора эди. Анита тангонинг мураккаб, оғир, дардли оҳангда кўксидан чиқариб айтарди, ракс тушмаётган йигит-қизлар деярли бир қадам жилмас ҳамда ҳар битта сўзига аҳамият бериб, иштиёқ ва ғамгин дунёни унутгандек бўлиб тинглашарди. Ҳамманинг кўзи саҳнада эди, ракс тушаётган гир айланганда ҳам майдончага энгашиб, дилдан қуйлаётган Анитадан нигоҳларини узмасдилар. Бир хиллар қўшиқнинг таъсирчан сўзларини такрорлаб жўр бўлишар, бошқаларнинг оғзи қулоғида, аланг-жаланг қилишар, Анита: “Ҳар ерда бирга бўлдинг, мен узоқда, бугун қайдасан, изларингни тополмам сира”, деган сўзлар билан қўшиқни якунлаганда бандонеонлар ракси жўшқин давом этди ва майдон чеккаларида “коррида”^{*} марказида “саккизлик”нинг жўшқин усуллари ижро этила бошлади. Кўплар қора терга ботди, мени кўксимдан келадиган бир метиска столимизни айланиб ўтаётганда сочлари орасидан гарданига тер оқиб тушаётганини кўриб қолдим. Қўшни залдан – у ерда панжарада пиширилган эт тановул қилиб ранчеру^{*}га тушишарди – бу ерга тутун оловда пиширилган гўштнинг хиди ёпирилиб кирар, қуюқ сигарет тутуни ҳавони тамомила қоплаб олган, кўз очирмасди. Тўрт қадах канья билан ракс тушаётганларни кўнглимда осмонга олиб чиқардим, Мауро эса кафтига даҳани билан таянган қўйи улардан кўз узмай ўтирарди. Биз тангонинг бунчалар узоқ давом этганига аҳамият

* «Коррида», «саккизлик» – танго усуллари.

* Ранчеру – қишлоқча ракс.

бермасдик, орада бир-икки марта Мауронинг Анита дирижёрларга таклид қилгандек қўлларини кескин-кескин силташини айтмаса танго узок давом этаётгани чўзилиб кетганини сезмасдик, бироқ у бироздан сўнг яна ракс тушаётганга тикилиб қолади. Нима десам экан, хайронман, назаримда мен унинг нигоҳи ортидан эргашиб, айна чокда унга йўл кўрсатиб борардим, бир-биримизни кўрмасдан туриб шуни билардик-ки, (назаримда Мауро биларди) бир хил сочи ва шимлари ўша жуфтликни нигоҳимиз билан Эмманинг бир нималар деётган, узр сўраётгани кулоғимизга чалинди, гарчи биз бир-биримизнинг кўзларимизга қарамасак-да, икковимизнинг ўртамизда ҳеч ким йўқдек ва бизга ҳеч ким ҳалал бермаётгандек. Майдончада масъуд дамлар нозил бўлди, гўё мен ўша лаҳзаларни тасаввур қилиб чуқур нафас олдим. Мауро ҳам шундай қилди шекилли. Тутун шунчалар қуюқ эди-ки, биз томонда ракс тушаётганлар марраси кўринарди, холос, ҳатто рўпарамиздаги стулларни уларнинг таналари билан туман ортида илғаш қийин эди. Карнайдан Анитанинг “Шунча пайт мен билан ҳар ерда бирга эдинг”, деган овози эшитиларди, ракс тушаётганлар яна қотиб қолишди ва ўнг тарафдан, тутун орасидан Селина чиқиб келди, у ўзининг кавалерига итоат этган кўйи чир айланарди, ана ёни билан кўзга чалинди, ўгирилиб олди, нариги ёнидан кўринди ва мусиқани эшитиш учун бошини баланд кўтарди. Мен “Селина”, – деяпман, лекин ўша лаҳзаларда буни тушунишдан кўра, буни билардим чамаси. Селина ҳам шу ерда, ҳам йўқ эди, бир лаҳза ичида буни англаб олиш қийин. Қўққисдан стол қимирлади, Мауронинг ёки менинг қўлим қўрқувдан эмас, балки хайрат ва қувончдан титраётганини кўнглим сезарди. Очигини айтсам, бу бетайин туйғу эди, у ўзимизни қўлга олиб тезроқ бу ердан чиқиб

кетилишимизга монелик қиларди. Селина ҳамон шу ерда эди, у биз ўзидан кўз узмай ўтирганимиздан беҳабар, куюк, лойка, қизғиш-кўкимтир тус касб этган захил қиёфаси билан тангонинг садолари остида мириқиб, хузур қилиб ўйнарди. Шу лаҳзаларда ҳар қандай кора танли аёл Селинага кўпроқ ўхшарди. хузур-ҳаловат уни раҳм-шафқатсиз равишда ўзгартириб юборганди, мен мана шу тангога ракс тушаётган лаҳзалардаги Селинага тоқат қилмаган бўлардим. Мен роҳат-фароғат унинг аёллик қалбини қанчалик сўндириб юборганига иқрор бўлиш даражасида маст эмасдим, ҳали ниҳоят жаннатда топган завқ-шавқни, маънисиз қиёфаси, агарда хизмати ва миждозлари бўлмаса Касидис милонгасида шу кўринишда намоён бўларди. Унинг эрки ва хоҳишларини энди ҳеч ким жиловламас, у кўнглининг мусаффо, поёнсиз кенгликларида эмин-эркин парвоз қилар, саодатга ташна бутун вужуди яйрар ва яна тагин бояги-бояги Мауро яқинига йўламайдиган имкон хорижидаги бебаҳра оламда яшай бошлаганди. Унинг ўзи ишғол қилган осмон эди. Анита ижро этган нақоратга жавобан янграган олқишлар ва қарсақлардан дераза ойналари зириллаб кетмагунга қадар факат унинг учун ва унга ўхшаганлар учун ижро этиладиган ўз тангоси эди. Селина ортидан, Селина ён тарафдан яққол кўзга ташланар, тутунлар аро унинг тегарагида бошқа жуфтликлар раксга тушарди.

Менинг Маурога қарагим келмасди. Жуфт-жуфт бўлиб раксга тушаётганларни доим одатим бўйича менсимасдан, истехзо аро, илтифотсиз тамоша қила бошладим. Бу ёғига ҳаммаси Мауронинг ҳис қилишига боғлиқ эди, шу боисдан тобора бўшаб бораётган майдондан кўз узмай жойимда михланганча ўтиравердим.

– Сездингми? – деб сўради Мауро.

– Ҳа.

– Жудаям ўхшаркан-а?

Мен жавоб қайтармадим, унинг ғам-ғуссага, лов этиб чараклаган қувончи алангасига қараш оғиррок эди. У бечора бу тарафда эди, зеро икковимиз пайқаган нарсага у ишоналмасди. Қўккисдан у ўрнидан турди-да, маст одамлар сингари, Селинага ўхшаган аёлни ахтарганча гандираклаб ракс майдони сари кетди. Мен унинг орқага, олдинга юрганидан кўзимни узмай, бамайлихотир аччиқ сигара чекиб ўтирардим; бекорга уринарди, бироздан сўнг унинг бу тутун ва оломон аро осмон даричасини тополмай гангиб, зориккан кўйи қайтиб келишини билардим.



ҲАМШИРА КОРА

Кечаси шифохонада қолишимга рухсат беришмаяпти, нима деган гап бу, сира тушунолмаёпман – ахир, онасиман-ку, қолаверса доктор де Луиси касалхона директори билан таништириб қўйган бўлса. Йиғма қаравот қўйиб беришса ўлиб қолишармиди, кўниккунча ёнида тунардим, бўлмасам келганимизда рангида ранг йўқ, беҳол – худди ана ҳозир жарроҳ келиб операция столига ётқизадиган аҳволда эди, буни устига хонанинг ҳидини айтмайсизми, таъсир қилмай иложи йўқ, эримни ҳам асаби бузилди, шартта чиқиб кетишдан ўзини аранг тийиб турди, мен ҳам соддаман-да, ўзимча балоғатга етмаган бола, рухсат беришар қолишимга деб, ишониб хомтама бўлиб юрибман. Тўғри-да, ҳали ўн бешгаям бормаган, ўзини-ўзи эпполмайди, онасининг эркатоийи, ёнимдан бир қадам нари жилмаган – гўдак, эгни-бошига, айниқса, шунчаки ўзини катталарга ўхшаб тутгиси келаётганидан кийиб олган шимига эътибор берманг. Кечаси ёнида қолмаслигимни эшитиб, роса кўнгли бузилгандир бояқишни, яхшиямки отаси бор экан, у билан валақлашиб, чалғитиб ўтирди, пижамасини кийдириб қўйди, ҳазил-хузул қилиб, худо билади, қачонлардир юз берган воқеаларни эслаб кулдирди, кейин ўрнига ётқизди. Ҳаммаси ўша ҳамширанинг иши – ҳайронман касалхонада тартиб-интизом шунақами ё ўша нусхага ойим менга ўчакишиб, шундай дедими? Ундан ростданам шунақами, қолиш мумкин эмасми,

деб қайта-қайта сўрадим. Қанақа кизлиги сиёҳидан кўриниб турибди, ўзини бир каттакондек тутадими-ей, тор фартуғини баданига ёпиштириб кийиб олганига ўлайми, ўзи бир кўримсиз – тасқара, ковок-димоғидан бош врачми дейсан! Бети қурсин, киз бўлмай, касалхонага одам ўйнагани келмайди, дарди бор келади, унга ўйлаб муомала қилиш керак, деб танбех бердим, бола нима қилишни билмайди, эрим ҳеч нарсани билмаган кишидек тургани билан унинг оёқларидан кўзини узмайди. Касалхонанинг битта жихати ёқдики – шароити яхши, саранжом, каравоти, пол, дераза роми-ю ойнаси артилган, ёғ тушса ялагудек – топ-тоза, ҳурматини биладиган одамларга муносиб жой экани сезилиб турибди. Болага мўлжаллаб ихчамгина стол келтириб қўйишгани яхши бўпти, журналлари туради, отаси яхшиямки, ялпизли обакидандон олишни эсдан чиқармабди. Лекин барибир эртага эрталабкок де Луисининг олдидан ўтаман, манави маҳмадонани тартибга чақириб қўйсин. Қарай-чи, устини ёпдими, йўқми, умуман олганда, хотиржам бўлишим учун яна битта ҳамшира талаб қилишим керак, шекилли. Ёпди, ёпди, кетишганига раҳмат, ойим мени ҳалиям ёш бола, деб еру кўкка ишонмайди, ташвишимни чекканичеккан. Ҳамшира эса бирон нарсани эплаб сўрашгаям ярамайди, деб ўйласа керак, унинг назарида бир ношуд, бўш-баёв боламан, ойим гап билан узиб-узиб олаётганларида менга шунақа ҳам ўқрайиб қаради-ки! Кечаси қолишга рухсат беришмаса беришмас, нима бўпти, уларнинг қиларга иши йўқ бу ерда, ҳеч қанақа ёш бола эмасман, битта ўзим ётавераман – бўри ермиди мени! Аммо-лекин каравот қулай экан жуда, кечаси тинч, лифтнинг ғижирлашини айтмаса тик этган товуш чиқмайди, беихтиёр анави фильм ёдимга тушади, у

ерда ҳам касалхона бўлади. кечаси секин-секин эшик очилади-ю, оёқ-қўли ишламай ётган кампир тепасига оқ никобли кимса кириб келаётганини кўради...

Ҳамшира киз чакки эмас, истараси иссик экан; у олти яримда келди, кўлида ҳар хил қоғоз, мендан исмим, фамилиям, ёшим ва ҳоказоларни сўрай бошлади. Мен расм томоша қилиб эмас, китоб ўкиб ётибди, деб ўйласин учун, қўлимдаги журнални шартта ёстик тагига яшириб қўйдим, у сезишга сизди, лекин индамади, афтидан, ҳалиям ойимга аччиқ қилаяпти чоғи, мениям, онаси ким эди-ю боласи қанақа бўларди, деб ўйлаётган бўлса керак. Аппендикс қалай, деб сўради, мен – яхши, кечаси билан оғримади, дедим. “Томир уриши-чи, қанақа”, – деб билагимни ушлаб кўрди ва яна бир нималарни ёзиб, қоғозни каравотнинг оёқ томонига илиб қўйди. “Бирон нима егинг келаяптими?” – деб сўради. Мен кизариб кетдим шекилли, унинг сенсираб гапирганига ажабландим, у ёшгина бўлса ҳам, ёқимтойгина эди. Мен ҳеч нарса егим келмаяпти, деб ёлғон гапирдим, чунки ҳар куни айнан шу пайтда корним очар ва уйда ул-бул еб олардим. “Кечкурун деярли овқат берилмайди”, – деди у ва пинагини бузмай конфетларимни олиб, чиқиб кетди. Унга бирон нима дедимми, йўқми, билолмай қолдим, назаримда улгуролмадим шекилли.

Мени ёш бола қилиб менсимагандек чиқиб кетганига аччиғим келди, рост-да, “сенга ширинлик мумкин эмас”, деса тилига тирсак чиқармиди! Йўқ, сўраш қаёқда, индамади... Сезиб турибман, ойимга жаҳл қилиб, захрини менга сочаяпти. Неғалигини билмайман-у, лекин, таажжуб, у чиқиб кетиши билан жаҳлдан тушдим – худди ҳеч нарса бўлмагандек – хоҳласам ҳам унга нисбатан адоват қолмади кўнглимда. Наридан борса ўн саккиз, борингки ўн тўққизга кирган, ёш, касалхонага

яқинда келган бўлса керак. Қани, қайтариб бермасинчи, кейин, ҳали келсин, исмини ҳам сўрайман, модомики менга қарар экан, ҳой қиз, деб чақиравермайману ҳадеб. Йўқ, бошқасини юборишди, буниси бирам ювош экан, кўк кўйлақда, қайнатма шўрва билан озгина қотган нон келтирди ва ичишга яшил таблетка берди. Буниси ҳам уни-буниси сўради ўзича, ўзимни қанақа сезаётганимга қизиқди, сиз энг яхши палатада ётибсиз, тинч ухлайсиз, деди, тўппа-тўғри – мен деярли саккизгача ухлабман, мени яна бошқаси уйғотди, жуссаси кичкина, юзини шунақаям ажин қоплаганки, маймунга ўхшайди, лекин жуда меҳрибон, туриб ювинишимни илтимос қилди, факат, аввал ҳарорат ўлчагич тутқазди, қоидага кўра ўзим кўйишим керак эмиш, мен аввалига ҳайрон бўлдим, негаки шу пайтгача доим ўзлари қўлтиғим остига қўйишарди, бу ҳамшира бўлса ўзича бошқача тушунтирди-да, чиқиб кетди. Худди шунинг устига ойим келиб қолдилар, вой, хайрият, ранги боши дуруст, мен бечора болагинам эрталабгача бир ўзи кийналади, деб ўйловдим, начора, ҳамма болалар шунақа бўларкан, эзиласан – сиқиласан, нима қилди экан, тузукми, аҳволи қанақа, деб ташвиш чекасан, ич-этингни ейсан, бу кишим эса – бемалолхўжа, ётибдилар хотиржамгина, онасининг эрталабгача ухламай ажриққа ағанаб чиққани парвойига ҳам келмайди.

Унинг аҳволидан хабар олгани доктор Луиси келди, мен эса ташқарига чиқиб турдим, ҳарқалай бош врач деган номи бор, ноқулай қандайдир, қолаверса, кечаги ҳамшира қиз учраб қолар, бир таъзирини бериб қўяй, деган ниятим ҳам бор эди – уришиб ўтирмай, чурқэтмай, шундоқ бир қараб қўйсам бўлди, лекин коридорда кўринмади. Бир оздан сўнг доктор чиқиб эртага эрталаб операция, боланинг аҳволи яхши, хавотир

олишга ҳеч қандай асос йўқ, унинг ёшида аппендиксини олиб ташлаш безарар кечади, деди. Мен чин кўнгилдан унга миннатдорчилик билдирдим-да, фурсатдан фойдаланиб, ҳамшира қиз, кўпол, муомалани билмас экан, болам нозик, таъсирчан бўлса – қийналади-ю, унинг устидан шикоят қилдим. Сўнгра журнал ўқиб ётган боланинг олдига кириб ўтирдим. Эртага операция бўлишини биларкан. Бечора оғим, нега худди эртага қиёмат-қойим бўладигандек менга мўлт-мўлт қарайди, ойи, ахир ўлгани кетаётганим йўғ-у, илтимос ўзингизни қўлга олинг. Качоям ҳам аппендиксини олдирган, бир ҳафта ўтар-ўтмас футбол ўйнаб юрибди-ку! Сиз хотиржам бораверинг, мен яхшиман, ҳамма нарсам етарли. Ҳа, ойи, ҳа, вой ойи-ей, шунақа килаверманг, қаранг, ўн минутдан бери “бу еринг оғримаяптими, бу еринг-чи”, деб хит қилиб юбордингиз, яхшиямки уйда синглим кутиб турибди. Худога шукр, кетдилар, шу китобни ўқиб тугатай, кеча бошлаганман-а!

Кечаги ҳамширанинг исми сеньорита Кора экан, анави афт-башарасини ажин босган қиз менга нонушта келтирганда сўраб олдим. Беришган овқатлари чап ичагимга ҳам юк бўлмади, яна яшил ҳабдорилар билан ялпиз мазали томизғи дори ичиришди. Уйқу дори, шекилли жуда тез таъсир қилди, кўлимдан журнал тушиб кетганини ҳам сезмабман, ухлаб қолдим, туш кўра қолибман дарров, хотин-қизлар мактабида ўқийдиган қизлар билан сайр қилиб юрганмишмиз, худди ўтган йилдағига ўхшаб, кирғокда ракс тушиб, роса маза қилибмиз. Соат бешга яқин уйғониб кетдим ва ётган еримда операция ҳақида ўйлаб кетдим, кўрқишга кўркмаяпман, де Луиси айтди-ю, ҳеч нарса қилмайди, деб, лекин жуда ғалати, сен ухлаб ётганингда қорнингни ёриб бир нимани кесиб ташлашса, сен билмасанг. Качо,

ўзингга келгач, уйғонасан-у, ана ўшанда ёмон оғрийди, кўнглинг айниб иссиғинг кўтарилади, деганди. Бугун эркатоининг шашти анча паст, кўркаётгани кўзларидан сезилиб турибди, лекин жуда нимжон – қараб ачинасан одам. Мен кирганимда у ўтириб олди, журналини ёстиғи тагига яширди. Салкин тушиб қолгани учун ҳароратни кўтариб қўйдим, сўнг унга термометр келтириб бердим. “Ишлатишни биласанми?”, – деб сўрасам, лавлагидек қизариб кетди. Ҳа, дегандек бош ирғади ва ўрнига ётди, унгача мен дарпардани тушириб, чирокни ёкиб қўйдим. Термометрни олгани тепасига борсам, уялди, шекилли – ранги қип-қизил бўлиб кетди – лолақизғалдоқ дейсан, кулиб юборишимга сал қолди, ўғил бола борки, ҳаммаси шу, бунақа нарсага ўла қолишса кўникишолмайди. Энг ёмони кўзингга бақрайиб қараб туради, нима қилиб берарди бунақа қараши билан, ўргилдим, нари борса бир моча бўлса, қараса қарайверсин, термометрни чойшаб остидан чиқариб унга берибман кўзини узмайди, қизариб кетганимга кулаётибди, шекилли, қизарсам қизарибман сенга нима, сира шу одатимдан қутулолмаяпман-да. Оёқ томонимдаги қоғозга ҳароратимни ёзиб қўйди ва қандоқ келган бўлса худди шундай чиқиб кетди. Соат олтиларда дадам билан ойим келишди, улар билан нима ҳақда гаплашдим, эслолмайман. Кўп ўтиришмади. Кетишди. Сеньорита Кора мени операцияга тайёрлаш пайти етганини, умуман бу тун ортиқча ҳаяжонланмаслик кераклигини эслатди. Мен ойим ҳунар кўрсатади, деб ўйлагандим, йўқ, ҳеч нарса қилмади, фақат қандайдир кибру ҳаво билан қараб қўйди, холос, дадам ҳам шу, уларни яхши биламан, эски одатларидан ортиб қаёққа борардилар. Остонада ойим: “Яхшироқ қаранглар мени боламга, шунда мен қилган ғамхўрликларингизни

унутмайман, ўғлим меҳр кўриб ўсган нозик бола”, – деб бошлаб колдилар-ку, нима кераги бор, шунақа ғовға кўтаришни, буни эшитиб тутокиб кетдим, хатто ҳамширанинг нима деб жавоб қилгани қулоғимга кирмади, унга-ку ойимнинг гаплари ёкмаганлиги равшан, яна онасига чакмачақарлик қилган, деб юрмасин мени?!

Кейин у тахминан олти яримда, ҳар хил шиша идишлар, пахта, бинт, қайчи ва жажжигина қисқичлар, резина найчалар ортилган аравагани ғилдиратиб келди, буларни кўриб дафъатан юрагимга ғулғула тушди. Бечора, ойиси йўқлигига кўркиб кетди, онаси бўлса тўтиқушга ўхшаб битта гапни ушлаб олган: мен яхшилиқни унутмайман, болам меҳр кўриб ўсган, мен де Луиси билан гаплашдим; ҳўп, яхши, тушунарли сеньора, худди шахзодалардек атрофида гирдикапалак бўламиз, кўнглингиз хотиржам бўлсин. Унингизни ўзи уятчан, айникса мен кирганимда кўрсангиз эди. Устидаги чойшабни очиб юборгандим ғужанак бўлиб олгани етмай, яна ёпиб олмоқчи бўлса денг. Назаримда, бунчалик тортинчоқлигидан қулгим қистаётганлигини сезиб қолди-ёв. “Қани бўлақол, иштонингни тушир”, – дедим кўзларига қараб туриб. “Иштонимними?”, – деб такрор сўради у ва боғичини, тугмаларини еча бошлади-ю, лекин сира иштонини туширолмади. Ўзим то тиззасига қадар тушириб қўйдим охири, нима десам экан, ўзим ҳам шунақа бўлса керак, деб ўйлагандим, янглишмабман. “Энди ёш бола эмассан”, – дея чўткани совунлайман, ваҳоланки, кириб ташлайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Офтоб кўрмаган ерларини совунлай туриб чалғитаман: “Уйда нима, деб чақиришади сени?” – “Пабло”, – уялганидан аранг жавоб беради. – “Бўлдим шу билан?” – дейман, орада

киндигидан пастрокда ўсган мунчагина тукларни кирарманми, йиғлаб юборишига сал қолди. Демак, ҳеч нарса дейишмас экан-да? Тушунарли, оддийгина “болагинам” дейишса керак. Тозалаб бўлганимдан кейин кўрсангиз, ўша заҳоти бошини ҳам буркаб олди. “Пабло – чиройли исм”, дедим уни тинчлантириш мақсадида. Жудаям ачиниб кетдим, бунча тортинчок бўлмаса, биринчи марта бунака тортинчок болани кўришим, лекин, тўғрисини айтсам, бошқа томондан у канакадир шумшуккина, онасига тортган, катталарга ўхшаган ёқимсиз бир нима бор киефасида, лекин жудаям чиройли бола, ўзини тутишига қараганда, она сути оғзидан кетмаган-у, индамасанг тегажоғлик қилишдан тоймайди.

Мен уни кўрмай ҳам, куймай ҳам деб кўзларимни чирт юмиб олдим, қаяқда, ундан қутулиб бўларканми, тепамда туриб олиб: “Демак оти йўқ экансан-да”, – деб сўради, ўзи аранг чидаб турган эдим, уни сал қолди бўғиб ташлашимга, кўзимни очганимда тепамда энгашиб совун юқларини артаяпти, жигарранг сочлари тўкилиб устимда чулғаниб ётибди, ундан доим расм муаллимасидан келадиган куйган бодом ҳиди таралади, нима дейишимни билмайман, фақат калламга битта гап келди: “Исмингиз Кора, а, тўғри топдимми”. У менга истехзо билан илжайиб қаради, нима демоқчи бўлаётганимни олдиндан сезарди, гўё бутун хаёлларим, ундан имкон қадар яширишим зарур, деб ўйлаган фикрларимни биларди, шунинг учун совуқкина қилиб: “сеньорита Кора!”, – деди. Жўрттага, худди кечагидек устимдан кулиш учун: “Қап-катта йигит бўлсанг”, деди. Қизариб кетдим, қачон қарасам шунақа-я, шунақа вазиятда ўзимни ёмон кўриб кетаман, лекин ҳарқалай, пичинг қилишга қурбим етди: “Шунақа денг?

Ёшсиз-у хали... Нимаям дердим, Кора – чиройли исм”. Умуман олганда, бунақа дейиш ниятим йўқ эди, буни у фахмлади, гапим таъсир қилди чоғи, энди аниқ билдим – онам туфайли заҳрини сочяпти менга, ваҳоланки, сиз ёш экансиз, Сизни Кора деб чақирсам майлими, демоқчи бўлдим, қанакасига айтасан, тумсайиб салга аравачасини ғилдиратиб чиқиб кетса, аламимдан йиғлаб юборай дейман, нима қилай, бўғилиб кетаман, кўз олдим қоронғулашади, мавриди келганда айтадиган гапимни айтиб қолишим керак, ахир. У остонада тўхтади – худди ҳеч нимани унутиб қолдирмадимми, дегандек хонани кўздан кечириб чиқди, мен бўлсам, кўнглимдаги гапларни тўқиб солгим келаяпти-ю, лекин калолатга келгандек тилим айланмайди, фақат совун кўпиги тушган тоғорани оёғим учи билан туртиб қўйдим-да, каравотга ўтириб олган қўйи томоғимни бир-икки кириб: “Тоғорача эсингиздан чиқди”, – дедим катта кишилар сингари вазмингина қилиб. Мен қайтиб хонага кирдим, бориб тоғорачани олдим-да, яна кўнгли чўкмасин, деб ёнокларидан силадим: “Сиқилма, Паблито. Ҳаммаси яхши бўлади, аппендикс – унақа кийин операция эмас”. Мен юзини силаётганимда бошини тортиб олди, аччиқланди шекилли, кейин эса чойшабни бурнига қадар тортиб олди. Ўша аҳволда ётган қўйи зўрға эшитиларли қилиб шивирлади: “Сизни Кора десам майлими?”. Жуда кўнглим бўш-да, раҳмим келиб кетди унга, бирам уятчан, буни устига яна мендан ўч олмоқчи ўзича, фақат менинг эс-хушим жойида эканлигини ҳисобга олиш эсига келмайди: йўл қўйсанг, бошингга чиқиб олади, беморми, бемордек муомала қилиш лозим, акс ҳолда, ўн тўртинчидаги Мария Луисага яна бирон нима, деб қўйса ёки аксинча доктордан танбех эшитиб қолсам-чи, ер тагида илон

кимирласа билади у. “Кора эмас, сеньорита Кора”, – дедим ва тоғорачани кўтариб чиқиб кетдим. Унинг гапидан кўра, қилиғи ёмон таъсир қилди, унга қўл кўтаргим, ётган жойимдан сакраб туриб, жон-жаҳдим билан коридорга итариб юборгим келди, сал бўлмаса... “Агар соғлом бўлганимда менга шунака муомала қилиб кўринг эди!..”, – дедим ортидан, лекин қанақа қилиб шундай, дея олдим, ўзим ҳам билмайман. У эшитмаганга солди, ҳатто кайрилиб қарамади, мен бир ўзим қолдим, ҳатто журнал ўқиш у ёқда турсин, бирон нима билан шуғуллангим келмасди, яхшиси жаҳл қилгани маъқул эди, мен ундан кечирим сўраган бўлардим, мен унга бутунлай бошқа максадда гапирганман ахир, лекин шундай бўғилиб кетганимдан, азбаройи, аччиқ устида беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди... Ўзимдан ўзим хафа бўлиб кетдим, шунақаям муомала қиладими киз болага!..

Улар бўла бўптики шунақа – сал яхши гапирсанг, кўнглига қарасанг, тамом, кимлигини дарров унутиб, бошингга чиқиб олади, тавба, ўзи она сути оғзидан кетмаган, бир мишики бўлса. Марсьялга айтсам, кулади, эртасига операция пайтида роса калака қилади энди, шўрлик бирам нозик-ки, ёноқлари кип-қизил, жин урсин, юзим қизияпти, яна кизариб кетяпман, нима қилсамикин, балки – чукур-чукур нафас олиш керакдир, гапиришдан олдин? Роса жаҳли чиққан бўлса керак ўзиям, лекин, ишончим комилки у яхши эшитмади, ўзим ҳам билмайман бу гап оғзимдан қанақа чиқиб кетганини, менимча, Кора, дейиш хусусида сўраганимга хафа бўлмаган, хизмат юзасидан мажбур эди шундай жавоб қилишга, ўзи ёмон эмас унақа, жаҳли чикса тепамга келиб юзимни силаб кўярмиди! Йўқ, у олдин силади, мен кейин сўрадим, шундан сўнг ҳаммаси тескари бўлиб кетди. Энди аҳволим янаям

ёмонлашади, кўзимга уйқу келмайди, дори зиғирча фойда бермаяпти. Қорним ўқтин-ўқтин оғриб кўяди, тавба – кафтим билан силасам теп-текис, бир жароҳат етган жойи йўқ, энг ёмони – ўша захоти бодом ҳиди билан унинг овози эсингга тушади; кулогинг остида янграгандек бўлади; унинг овози катталарникига ўхшайди – вазмин, аллақайси кўшиқчи аёлни эслатади, зарда қилса эркалаётгандек бўлади. Коридорда кадам товушини эшитиб узала тушиб ўзимни ухлаганга солиб ётдим, уни кўргим келмай қолди, нима қилдим кўриб, ўзи нима керак унга, сезиб турибман, палатага кириб, шифтдаги чироқни ёқди. У мугомбирлик қилиб ўзини ухлаётганга солиб ётарди, қўли билан юзини тўсиб олган, то тепасига бормагунимча, кўзини очмади. Нима олиб келганимни кўргач, лавлагидек қизариб кетди, яна раҳмим келишига оз қолди, кулгим қистади, чин сўзим, шунчалик ҳам тентак бўладими одам! “Қани бўлақол, иштонингни тушириб ёнбошлаб ёт-чи!” – у ётган ерида болалардек оёгини тапиллатишига оз қолди, эҳтимол, беш ёшларида онасига эркаланиб шундай қилгандир, ҳозир йиглаб юборади, деб ўйладим: “Йўқ, ечмайман!” – қўйиб берса чиркираб чойшабга ўралиб олади, лекин энди унақа қилигини аҳволи кўтармайди, у ҳукна қилиш учун мен тайёрлаб қўйган асбобларга қаради, кейин менга тикилди – мен эса турибман, қачон бўларкин, деб, – орқасини ўгириб олди-да, қўлларини чойшаб остига суқиб ғимирлай бошлади, худди ҳеч нарсани тушунмаётгандек, мен банкани илиб қўймасимдан аввал устидаги чойшабни тортиб олишдан ва яна, иштонингни тушир, дейишдан бошқа иложим қолмади, бўксасини хиёл кўтарса иштонини тушуриб, тагига сочик солиб қўйишим осонлашарди. “Қани оёқчаларингни кўтаргин-чи, мана шундай, яхши,

энди ёнбошинга ўтириб, бир курай, ўтир оркангич, сенга айтячман, худди шундай, жуда яхши. Ана булди. У секин ёнбошлагани билан ҳозир додлаб юборадигандек туюлди, мени кулгим кистайди – ниҳоят у оркасини ўтирганида кип-яланғоч думбаларини кўриб, очиги, раҳмин келди, худди анавинда берган саволи учун жўртгага шундай қилаяпти, деб ўйлади шекилли. “Агар иссиқ бўлса, айт вақтида”, – десам у индамайди, муштини тишляпти чамаси, унинг афтига қарамай қаравоти ёнига чўкдим, нима деркин, дегандек кутиб ўтирибман, сув жуда кўп эди, лекин у чидаб ётди, гинг демади, мен бўлсам эски гиналарни хаспўшлаш учун кўнглини кутариб қўйдим: “Бу бошқа гап, катталар шунақа сабр-бардошли бўлади”, – устини ёпиб қўйдим ва бадрафхонага боришга шошилма, чидагин, хўпми, деб илтимос килдим. “Чироқни ўчирайми ёки шундай қолаверсинми? – деб сўрадим эшикни очиб чиқиб кетаётганимда. Бир амаллаб менга фарқи йўқ, дегандим, ўша заҳоти эшикни ёпди, мен бошимни чойшабга буркаб олдим, нима қилишим керак, қорним ачишиб оғрияпти, мен биллагимни тишлаб йиғлашга тушдим. Аламимдан ҳўнграб йиғлаганларимни, уни бўралатиб сўкканларимни, нима сабабдан таҳқирлаб, юрагига пичокни санчиб-санчиб олгим келганларини ҳеч кимса, бирорта одам тушунмайди, тушунганда эди, сўкиб-сўкиб, қакшатиб, азоб чекаётганидан, жами қилган ишлари учун кечиришимни ёлвориб сўраётганидан қанчалар хурсанд бўлишимни билганда эди.

Аслида оддий операция, дўстим Суарес – лекин қорнини ёриб қарасанг, бир балолар чиқади барибир. Тўғри, ҳали организми ёш, юраги бақувват, қони рисоладагидек, лекин ҳар эҳтимолга қарши отасининг олдидан ўтиб қўяман, минг қилса ҳам, яна ким билади

тагин, бирор кор-хол рўй бериб колса жавобгар бўлиб юрмай. Ишончим комил яхши чиқишига, бироқ одам ходис, негадир кўнглим чопмаяпти, бунинг устига бир нима қилганга ўхшаяпти – жиллакурса, наркоз бераётгандаги ишни кара, шунча ёш эканига қарамай, ишонгинг келмайди. Мен соат иккиларда бориб кўрдим уни, ахволи ёмон эмасди, бўлмаса операция канча давом этди-я. Де Луис кирганда, огиз-бурнини артаётгандим, бечора, ичидаги бир нарсани қайт қилиб ташлаганди, ҳали наркознинг таъсири кетмаганди, лекин доктор шу ҳолатда ҳам уни текшириб кўрди ва то бутунлай ўзига келгунча ёнидан бир қадам жилмасликни тайинлади. Ота-онаси кўшни палатада ўтиришган эди, бунақа бўлиши тушига ҳам кирмаган онаси, бирпасда адойи-таммом бўлди, отасининг эса кўзлари киртайиб қолди. Қани Паблито, агар кўнглинг айниса, ўзингни қийнама, мен шу ердан, ёнингдан, шўрлик ухляяптию, билагимни маҳкам ушлаб олгани, худди нафаси қайтиб кетаётганга ўхшайди. Мени, ойиси деб ўйлаяпти шекилли, қийнаб юборди одамни. Пабло, типирчилайвермасанг-чи, оғрийди ҳадеб қимирлайверсанг, қўлингни теккизма, вой, мумкинмас сира. Шўрлик, қийналиб кетди ўзиям. Марсьяльнинг гапига қараганда, узок кесишганга ўхшайди. Нимадир топишганга ўхшайди, ким билади, ёки аппендиксни излаб топишолмадимикин, бўлиб туради бунакаси ҳам, ҳали Марсьяльдан сўраб оларман. Ҳа, мен шу ердан, асалгинам, ёнингдан, бемалол дод-вой қилавер уялма ҳеч, лекин қўлингга эрк бераверма, бу бинтга ўралган ях, огзинг куриб, сув ичгинг келаётган бўлса керак. Ҳа, асалгинам, зарари йўқ, агар кўнглинг айниётган бўлса, бемалол, енгил тортасан. Бармогинг бунча қаттиғ-а, намуноча омбирга ўхшамаса, ҳаммаёғимни моматалок

килиб юборасан-у, йиғла чидолмаётган бўлсанг, дод солиб йиғла, Пабло, енгил тортасан, йигласанг оғрикни унутарсан балки, вой, ҳалиям ухляяпсанми, нима бало, ойинг деб ўйлаяпсанми мени. Бирам ширинтойсанки, бурнинг пучуккина, киприкларинг қиз боланикига ўхшайди – узун-узн, рангинг оппоқ, шунга бўлса керак, кап-катта кўринадан. Бундан буён арзимаган нарсага қизариб кетмайсан-а, тўғрими, ширин бола? Вой, ойижон, оғрияпти, қорнимга бир нима қўйишди, шуни олиб ташламасам бўлмайди, шунинг учун оғрияпти, шекилли, ҳамширага айтинглари, олиб ташласин! Ҳозир, ҳозир ўтиб кетади, ҳадеб кимирлайвермай тинчгина ёт, азамат, кучим етмайди сенга, Мария Луисани ёрдамга чақирмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Пабло, Пабло, мени хафа қиляпсан, жим ёт, бунақа типирчилайверсанг баттар оғрийди. Менлигимни билиб қолди, чамаси... Оғрияпти, сеньорита Кора, мана бу ерим, чидаёлмайман, ёрдам беринг, ўтинадан, бошқа чидолмайман, кўлимни қўйиб юборинг, ортик чидолмайман, сеньорита Кора, чидолмайман.

Бечора ухлагани яхши эди, ҳамшира соат учга яқин келди ва унинг ёнига киришга ижозат берди, кўриниши анча яхши, лекин ранги оппоқ, ана шу чаток, қон кўп кетганга ўхшайди, яхшиям доктор бор экан, операция жуда яхши ўтди, деб кўнглимизни кўтариб қўйди. Ҳамшира унга дурустроқ қараш учун эси кетаяпти, хайронман, нега мени эртароқ чақиришмайди, касалхона бўлса, қаттиққўллик ҳам эви билан-да. Қоронғу тушиб қолди, бола ҳалиям ухляпти, қуввати йўқ бечорани, нима қилсин, афт-ангорида ўзгариш сезиляпти, озгина рангига ранг қирипти. Тахи енгил. Туриб-туриб инграб қўяди, лекин бинт билан ўраб қўйилган ерига тегмайди, нафас олиши текис, хайрият, тунда безовта қилмаса

керак. Уф, кўнглим сезганди-я, тек-ин кулимдан нима келарди? Қўрқиб кетганидан кимга захрини сочишни билмайди, топган гап, мени боламга яхшироқ қаранг, зиғирча камчилик сезмасин, хўжайинлик қилишга бало борми? Сенга раҳмим келаяпти, эси йўқ кампир. Бунакаларнинг кўпини кўрдим – эртасига чойчака беради, шу билан бўлди, деб ўйлашади, шу нарса билан кўнгилни олиб бўлармишми, ҳа майли, шунга ҳам бошимни қотириб юраманми. Марсьяль, гўхта, яна ухлаб қолдим, дейман, ундан кўра эрталаб нима бўлди, шуни гапириб бер. Бўпти майли, чарчаганга ўхшайсан – керакмас, кейин айтиб берарсан Нима қилганинг бу, Мария Луиса кириб қолса кўрасан томошани, бу ерда эмас, ўзингни қўлга ол, бўлди қилсанг-чи, тавба! Хира пашшадан фарқинг қолмабди сени, айтяпману, бўлди, борсангчи, эсинг жойидами, кет деяпман, хафа бўламан Жинни экансан, тасқара-ей. Хўп жонгинам, майли, кўришгунча, Тушунарни, ҳаммаси.

Қоронғулигини, зимистон-а, ҳеч нимани кўриб бўлмайди, лекин айти муддао, барибир кўзимни очгим келмаяпти. Деярли оғримаяпти, шунга ҳам шукр – тинчгина ётсанг, кўнглинг айнимаса, биров халал бермаса. Ҳамма ёқ жим жит, шошма, ҳозиргина ойимни кўрдим, шекилли, у нималардир деяётганди, эсимда йўқ, жуда мазам қочганди. Дадамни танимадим ҳам, у тепамда типпа-тик турувди, менга кўзини қисиб қўйди шекилли, бечора доим шунақа, тоабад шунақа, доим бир чеккада, бир ўзи. Анча салқин, бирон нима ташлаб қўйишса бўлармиди устимга?! Сеньорита Кора, чойшаб ташлаб қўйинг устимга, хўп! У шу ерда эди, кўзимни очган заҳоти кўрдим уни, дераза олдида журнал ўқиб ўтирарди, дарров тепамга келиб, устимни ёпиб қўйди, бир оғиз сўзимдан тушунди.

Ҳа а, эсладим, уни ойим билан адаштириб юбордим. ойим мени тинчигди ёки тушиммиди? Сеньорита Кора, мен озгина бўлса ҳам ухладимми? Сиз кўлимни ушлаб турдингиз-а? Бўлар-бўлмас нарсаларни алжирегандирман оғрикка чидасолмаганимдан, кўнглим ҳам айнаётган эди... Кечиринг мени, илтимос. Ишингиз жуда оғир. Кулишингизни қаранг яна, ҳамма ёгингизни дабдаласини чиқардим-у! Хўп, бошқа такрорланмайди. Яхши ётибман, совуқ еганим йўқ. Тўғриси, унчалик эмас, сал-пал, чидаса бўлади. Кеч бўлиб қолдимми, сеньорита Кора? Жим ётсангиз-чи, сизга – кўп гапириш мумкин эмас, дедим-ку, чарчаб қоласиз, оғримайганига хурсанд бўлинг ундан кўра. Унақа кеч бўлгани йўқ ҳали, энди етти бўлди. Кўзингизни юмиб ухланг. Мана шундай.

Қошки ухласам, сира иложини қилолмаяпман. Кўзим илинди, дегунча кесишган ери тортиб оғриб қўяди ёки бошим гир айлана бошлайди. Кўзимни очиб қарасам, у менга чироқ тушмасин, деб абажурни тўсиб дераза олдида турарди. Қачон қарамагин шу ерда, нега кетмайптийкин? Сочлари накадар гўзал, сал бошини қимирлатса товланиб кетади. Ҳали ёш, мен бўлсам ойим билан адаштириб юрибман, галварслигимни қаранг! Роса алжигандирман-да, шунинг учун қулапти... Ким билсин, лекин лабларимга меҳрибончилик қилиб ях қўйиб ўтиргани-чи, бирпасда таъсир қилиб енгил тортганим, манглайимга, бошимга атир суртганлари эсимда, яранинг ўрнини қашиб, бинтни ечиб ташлашга уринганимда кўлимни ушла тургани-чи. Энди у жаҳл қилмаяпти, эҳтимол ойим узр сўрагандир ё бошқа сабаб бормикин, аммо-лекин, “Энди кўзингизни юмиб, ухланг”, – деганда менга бутунлай бошқача қараб қўйди. Қанийди доим шунақа муомала қилса,

менга аччиқ килиб конфетларимни олиб кетганларини эсласам, ишонгиларим келмайди, шу кизмиди ўша, дейман. Бир амаллаб сиз жудаям чиройли ва соҳиб-жамол киз экансиз, мен сиздан асло хафа эмасман, деб қўярдим. Қайтанга кечаси анови пакана киз эмас, ўзи қоилишини хоҳлаган бўлар эдим. Яна манглайини атир билан артиб қўйган бўлардим. Узр сўраб, Кора, деб чакиришига рози бўлардим.

У узок ухлади, соат саккизларга якин, ҳадемай де Луиси келиб қолади деган хаёлда, ҳароратини ўлчагани уйғотдим. Таҳаси анча енгил кўринади. Узок ухлаганнинг фойдаси бу. Ҳарорат ўлчагични кўриб, кўлини узатди, мен бўлсам унга қимирламасдан жимгина ёт, дедим. Уялмаслиги учун кўзларига қарамадим, бироқ у барибир лавлагидек қизариб: “Ўзимга берақолинг”, деди. Мен турган гап кўнмадим, лекин у зўриқиб-кўкариб яна сўраган эди, аччиқланиб: “Пабло, сен энди ёш бола эмассан, ҳар сафар шунақа таранг қила-верасанми”, дейишга мажбур бўлдим. Тарвузи қўлтиғидан тушиб, шашти қайтди-ю, яна ҳиқиллай бошлади, кўзлари ғилт-ғилт ёшга тўлгани-чи бир пасда. Мен гўё кўрмагандек ҳароратини ўлчаб, ёзиб қўйдимда, сўнг томиридан юбориладиган бошқа дориларини тайёрлагани хонадан чиқиб кетдим. Қайтиб келганида кўз ёшимни чойшаб четига артиб, ўзимни шунчалик ёмон кўриб кетдим-ки, ўша лаҳзаларда унга бир оғиз бўлсин, менга барибир, чивин чаққанчалик ҳам бўлмайди, дейиш учун бор-будимни беришга тайёр эдим, афсуски, тилим калимага келмасди. “Сира оғримайди, – деди у қўлида шприц билан тепамга келиб. – Буни тинч ухлашинг учун қиялпман”. Устимни очиб юборган эди, ҳар доимгидай қизариб кетдим. У мийиғида кулиб бўксамни спиртли пахта билан

артди. “Ростданам оғримаяпти”, – дедим зўрғатталаб, нафасимни ичимга ютиб ётаверсам караб турибди, яна кулади устимдан бўлмаса. “Ана бўлди, – у шундай, дея туриб игнани суғуриб олди ва ўша заҳоти пахта билан артди. – Айтмадимми, оғримайди, деб. Мана кўрасан, ҳаммаси яхши бўлади, Паблито.” Устимни ёпиб, юзим, манглайимни эркалаб силаб кўйди, кўзларимни юмиб олдим, унинг мана шундай силаб-сийпалаши учун ўлишга рози эдим, ўлсам-да, у мана шундай эркалаб, юм-юм йиғлаб ўтирса!..

Тўғрисини айтсам, мен унинг кўнглини сира тушунолмайман, лекин бу сафаргиси жуда ошиб тушди. Бундай караганда, ўлиб турганим йўғ-у раъйимга қараса бўлгани, аразлаши, гина қилишлари майли, ипакойим, ўпиб кўйсам ҳаммаси ўрнига тушади. Нимасини айтасиз, ҳали думбул, ҳеч нарсани тушунмайди, ҳали-вери бунақа биров миннатдор бўлмайдиган ишга кўника олмайди, шекилли, мана қаранг, бугун кепти, мажолсиз, бурнидан ип боғлаб тортсанг йиқилгудек, ярим соатда зўрға ҳушига келтирибман. Беморларнинг кўнглини тополмайди, лоакал йигирма иккинчи палатадаги кампирни олайлик, мен ўзимча – энди ўзича хулоса чиқариб олган бўлса керак, деб юргандим, энди манови мишиқи ҳоли-жонига қўймаяпти. Соат иккиларгача чой ичиб мени хонамда ўтирганди, укол қилгани чиқиб кетди, бирпасдан кейин кепти, бутунлай тўнини тесқари кийиб олгани етмай, гапимни эшитгиси ҳам келмайди. Сирасини айтганда, жаҳл қилиб, терсайиб олса, очилиб кетади – бирам ярашади-ки ўзига, мен бир амаллаб овутдим, кулдирдим, охири нима бўлганини гапириб берди, кечаси уни ечинтиришни яхши кўраман, худди совук егандек жунжикиб олади. Вақт алламаҳал бўлиб қолди, Марсъяель. Яна озгинадан кейин кетаман, иккинчи укол соат беш яримда, анави олтигача

келмайди. Хафа бўлмайсан энди, хўпми, ким бўпти у
мишики менга, ипакдек мулойим бўлиб қолган ҳозир,
лекин очигини айтсам, бир хилларда унга ачинаман,
ҳали эси йўқ, лекин ўзларини аллаким, деб билади,
шложини топсам Суаресдан илтимос қилиб кўраман,
мени иккинчи каватдаги беморга қараиш учун ўтказса
яхши бўларди. Иккалови ҳам ёши катта одам, ичи
қанақа келяпти, қабзият йўқми, деб сўрасанг бас, кейин
тувак туттиш ҳам ишми, вақтида тўкиб, ювиб қўйсанг
бўлгани, хоҳласанг об-ҳаво ҳақида, хоҳласанг сиёсатдан
гурунглашиб ўтирасан, оддийгина беморлар, шунақа
бўлади-да, Марсьяль, ўзинг биласан, сенга хижжалаб
тушунтиришнинг ҳожати йўқ, улар анави инжиққа
ўхшамайди. Хўп, тўғри, одам бора-бора ўрганиб кетади,
лекин қачонгача шунақа мишикиларни, деб қийналиб
юраман. Тўғри, гапинг тўғри, азизим. Ҳаммасига
онаси сабабчи, билдинг, биринчи кундан бошлади,
биз келишолмай қолдик, боласи эса қандайдир ўзини
катта тутадими-ей, номус қилади ўзича, ҳали у ери,
ҳали бу ери оғрийди, айниқса, дастлабки пайтда сира
кўниколмади, нима қилиш лозимлигини билмайди, мен
унга градусник қўймоқчи бўлгандим, у сенга ўхшаб,
нима десам экан, худди эркак киши сингари шундай
қаради-ки, нима қилишимни билолмай қолдим. Шундан
кейин, ёзилишга чиқасанми, деб қандай сўрайман, агар
ўша ерда ўтирсам борми, кечаси билан бўшанолмай
қийналган бўларди. Майли, демоқчи бўламану санми,
куласанми – “хўп” демоқчи бўлдим, айтолмайман,
жонимга тегиб кетди, мажбур бўлдим охири чалқанча
ётқизиб қилишга. У кўзларини чирт юмиб олди, бу
янаям ёмон, ана ҳозир йиғлаб юборадигандек ёки мени
сўкиб қоладигандек, ваҳоланки униям қилолмайди,
буниям қилолмайди, чунки ёш жуда Марсьяль, ўша

бетайин хотин талтайтириб юборган, ширинтойим, ўргилиб кетай, деб кўнглига қараган доим, ўзи ёш бола бўлгани билан катталардек кийинтириб қўйган, аксига олиб жўрттага қилгандек менам ўшанга рўпара бўлганимни қара, Мария Луисага топширишгани маъкул эди, онасини хилидан уям, иккови апоқ-чапоқ бўлиб бирга ювинтиришар, ҳаммаёғини қиртишлаб тозалашган бўларди, унга фарқи йўқ – ит қараяптими, бит қараяптими? Пешонам шўр экан ўзи Марсьяль.

Чироқ ёкилиб уйғониб кетганимда француз тили дарсини туш кўраётган эдим, тавба, ҳар сафар энг аввало унинг сочлари кўзимга ташланади, эҳтимол, тепамга келиб, энгашиб қараётганда куюк сочлари олдига тўкилиб, ундан бошқа ҳамма нарсани тўсиб қўйгани учундир. Ҳатто бир куни узун-узун, майин соч толалари лабларим орасига кириб қолди, бунча хушбўй, бунчалар тароватли, пахтани спиртга ботириб укол қиладиган тангадек еримни беозоргина артаётганда кулимсирайди, яхшилаб артгандан кейин игнани санчди, мен унинг билагига қараб ётаман, унинг ўзига ишонганиданми, шприцдаги сарғиш суюқликни шошилмасдан қуяр экан, дорининг қанчалик тез ёки секин бораётганини назорат қилиб туради, мен ҳатто игна кирганини ҳам сезмайман. “Оғридими?” “Йўқ, оғримаяди”, ҳеч қачон: “Оғримаяпти, Кора, демайман”. Шунингдек: “Сеньорита Кора”, ҳам деёлмайман сира. Умуман олганда, деярли гапирмайман, оёқларимга йиқилиб илтимос қилганда ҳам “сеньорита” демайман. Йўқ, оғримаяпти. Йўқ, раҳмат, яхшиман. Бир оз ухламоқчиман. Ташаккур!

Хайрият, рангига ранг кирибди, лекин ҳали дармони йўқ, мени аранг ўпиб қўяди, Эстер холасига эса қайрилиб ҳам қарамади, бўлмаса холаси унга бирталай

журнал келтириб берди, чикишига антика галстук олиб кўйди. Эрталабки ҳамшира бир истарали, хушмуомала, мулойим киз экан, барака топкур болангиз саккизларга якин уйғонди ва сутини охиригача ичди, деб бирам кўнглимни кўтардики, демак, энди овқатга киради, менимча Суаресга боламиз какао ичса кўнгли айнийди, деб тайинлаб кўйишим лозимга ўхшайди, э-э, йўғ-а отаси айтиб кўйдим, деганди-ю. Агар малол келмаса, сеньора бир минутга чиқиб турсангиз, касални текшириб олайлик. Сиз, сеньор Моран шу ерда қолинг, аёллар бунақа бинтларни кўришса, дарров ваҳима кўтаришади. Хўп, қани, ўртоқ, ахволлар қалай, мана бу еринг оғримаяптими? Ёки қўл тегса безилламаяптими? Хўп, яхши, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Мана бу ерингиз-чи – оғримаяптими, қаранг, оғрик борми ёки кўлим тегса безиллаяптими? Хўш, ҳаммаси жойида, оғайни. Беш минутча шунақа – оғрияптими, йўқми, сезяпсизми – анави доктор амаки эса қорнимни биринчи марта кўраётгандек, бақрайиб қолди. Ҳай-ронман, улар тепамда гирдикапалак бўлишган сари мазам кочади, улар мени, деб куйинишяпти, биламан, лекин оғизларидан чиқаётган гаплардан сезаяпманки, янглишишяпти, унақамас, айниқса онам, анавини айтмайсизми, яхшиям кулоғи оғирроқ, унга барибир, кўрган одам чойчақа кутяпти, деб ўйлайди. Яна, какао тўғрисида бир балолар дейишди, нима, мен ёш боламанми? Қанийди сурункасига беш сутка ухласам – зўр бўларди, ҳеч қайсисини кўрмасдим ҳам, куймасдим ҳам. Биринчи бўлиб Корани кўрмасдим, уйга кетаётганимда хайрлашгани олдимга кирганида кўрардим, холос. Озгина кутмасак бўлмайди, сеньор Моран, доктор де Луиси сизга айтмадими операция кутганимиздан оғирроқ ўтди, асорати қолиши мумкин,

деб. Сал ўзига келсин. Тўғри, бола ҳали ёш, бакувват, кўтаради, шундай бўлса ҳам, сиз сеньор Моранни огоҳлантириб кўйинг, бир ҳафталарсиз рухсат бериб бўлмайди. Ҳа, албатта, албатта, хоҳласангиз доктор билан маслаҳат қилиб кўринг. Буни кара, атайлаб қилгандек тескари бўляпти ҳаммаси Маръяял, кечагина айтдима сира омади йўқ экан, деб, кара оқибатини, ҳали бу ерда ҳам анча ётади. Биламан, кўз очиб юмгунча ўтади – кетади бу кунлар, лекин ўзинг ўйлаб кўр, тушунасан-ку, кўриб турибсан аҳволни, ўйнаётганим йўқ, бечора униям кўнглига сиғадими. Менга унақа ўқрайма, унга ачинганимдан гапираяпман, ё ачинмайми? Қарама менга бунақа!

Китоб ўқишни ҳеч ким тақиқламаган, лекин нима қилай журнал ёғилиб келаётган бўлса, иккита боби қолган эди, холам олиб келганлари тахланиб ётибди, қўл ҳам урганим йўқ ҳали. Қизиб кетяпман, ичим ёнаяпти ёки хона иссиқмикин, ойнани очиб кўйишса бўларди, илтимос қиламан ҳозир, устимдаям икки қават чойшаб, биттасиям етарди. Қани энди ухлаб қолсам; у тепамда китоб ўқиб ўтирса, мен унинг шу ердалигини билсам-да, ухлаб ётсам, фақат, у энди кечасига қолмайди, соғая бошлаган беморга ортикча ғамхўрлик қилишмас экан, бундан буён кета-кетгунимча кечаси якка ўзим қоламан, шекилли. Уч билан тўрт орасида ухладим чоғи, бешда эса янги суюқ дори ичириб кетди, бирам тахир экан-ки. У, тавба, ҳар доим худди чўмилиб, ҳозиргина пардоз-андоз қилгандек палатага кириб келади, қандайдир ораста, тетик, ундан упа-элик билан лаванда ҳиди уфуради. “Дори жудаям аччик”, – дейди у ва менга далда бериш учун илжайиб. “Зарари йўқ, дори бўлгандан кейин аччик бўлади-да”, – дейман. У термометр қўя туриб: “Яхши ётиб турдингизми”, – деб

сўрайди. “Яхши, – дейман, – бироз кўзим илинибди, доктор Суарес хурсанд, унчалик огримаяпти ҳам”. “Унакада ўзинг ҳаракат қилакол”, – шундай деб у менга термометрни узатади. Мен нима деб жавоб қилишни ҳам билмайман, то ҳароратни ўлчагунимча у пардани тушириб, стол устини йиғиштириб қўйди. Қўлимдан термометрни олаётганда қўришга ҳам улгурди. Чакқон-ей! “Иссиғим баланд-ку жуда”, – деди у ранг-қути ўчиб. Сира ақлим кирмади-кирмади, одам ҳам шунақа тентак бўладими – қийналмасин деб, термометрни кўлига бериб қўяманми-я, у бўлса, албатта иссиғи қанчалигини билиш учун қарайди-да. “Бошида уч-тўрт кун шунақа бўлади, бунинг устига, сени билишинг шарт эмас”, – дедим ўзимдан жаҳлим чиқиб. Ўрнингдан турмадингми, типирчиламадингми ётган ерингда, деб сўрадим, йўқ, деб жавоб берди у. Қарасам терлаяпти, дарҳол пахтани атиргга ҳўллаб юз-кўзини артиб қўйдим, кўзларини юмиб олди, ҳаттоки ҳалал бермаслиги учун сочларини тараб қўяётганимда ҳам очмади – шундай ётаверди. Иссиғи 39,9 – жуда баланд. “Ухласанг яхши бўлади”, – дейман-у, ўзим эса Санчесга, қачон айтишим мумкин, деб ўйлайман. У ётган жойида кўзларини юмиб олди ва жаҳл билан кескин қўл силкиди ва: “Сиз мени хафа қияпсиз, Кора”, деди. Мен нима, деб жавоб қилишни билмай, то кўзларини очгунича чурқ этмай тепасида туравердим, унинг кўзлари қизариб кетган, қайғули боқарди. Ўзим ҳам билмайман, пешонасидан силаб қўйгим келдими ё ҳалиям иссиғи борми йўқми аниқлаш учун қўлимни узатган эдим, у шартта қўлимни қайтариб ташлади-да, оғриқдан ғужанак бўлиб олди. Бунга жавобан бир оғиз гапиришга ҳам улгуролмадим, у паст овозда, шивирлагудек бўлиб: “Сиз билан бошқа ерда учрашиб қолганимизда, менга бунақа муомала қилмаган

бўлардингиз”, деди, сал бўлмаса пикирлаб кулиб юборай дедим, тўғри-да, гапини каранг, лекин кўзларидаги ёшни кўриб, гўё кўркиб кетдим, бунақа ўзига бино кўйганни умримда биринчи кўришим. Ўзимни қўлга олиб (шунақа пайтда нима қилиш кераклигини ўргатган Марсъяльга раҳмат) ҳеч нарса бўлмагандек эснаб, сочикни осиб кўйдим, атир қопқоғини ёпдим. Нимаям дердим, энди лоақал ажрата оламиз ким кимлигини, шуниси яхши. Мен – ҳамшираман, у эса – бемор, майли гапираверсин. Баданини атир билан онаси арта қолсин, мени вазифамга кирмайди бу, ўзим биламан нима қилишни, ўргатмай қўя қолсин. Ҳайронман, нимага у ерда қаққайиб тургандим ўзи. Марсъялнинг тушунтиришича гўё уни кечирим сўраши учун, шундай қилганмишман. Қайдам, балки шундайдир, тўғриси, охири нима қиларкин, деб кўнган бўлсам керак. У эса ётибди, кўзлари юмук, юзларини тер босган. Мени худди кизил, бинафшаранг доғлар сузиб юрган қайноқ сувга солиб кўйишганга ўхшайди, уни кўрмай, деб кўзларимни чирт юмиб олдим, биламан, ҳали кетгани йўқ, шу ерда, мен унинг ҳеч нарса бўлмагандек энгашиб яна пешонамни артиб кўйиши учун, жонимни ҳам берган бўлардим ҳозир, йўқ, энди бунақа килмайди, индамай чиқиб кетади, мен эса кўзларимни очиб қарайман, зим-зиё тун, стол бўмбўш, хонада бошқа ҳеч нарса йўқ, яна биров лаванданинг иси келиб туради, ўн марта юз марта такрорлайман, тўғри қилдим унга гапириб, мен унинг укаси эмасман, қолаверса, ёш бола, нима десам, индамай кетаверади, деб ўйламасин, индамас экан, деб гапираверадими ҳар балони, нега кетдийкин.

Доим соат еттига яқин бошлашади, карниз остига ин кўйишган бўлса керак, нари ғув-ғув қилса, модаси бунга жавобан ғувб-ғувб, дея жавоб қайтаради, ҳатто бирга

сайрашаётганга ўхшайди, мени ювинтириб, нонушта келтириб берадиган жуссаси кичкина ҳамширага айтсам, елка қисиб, кўпчилик шикоят қилади, лекин директор каптарларни ҳайдаб юборишларини хоҳламайди негадир, деди. Қачондан бери эшитяпман ўзи, билмайман, келган пайтимда жуда мазам йўқ эди – таъсир қилмаганди ҳам, нимасини айтай, овозини эшитмагандим, шу охирга уч кун ҳар куни кулок солиб ётаман, сиқилиб кетаяпман, уйга кетгим келаяпти, у ерда Милорд акиллаб Эстер аммамни эрталабки ибодатга уйғотади. Шу лаънати иссиғим тушмаяпти, бўлмаса аллақачон кетардим, бугуноқ Суаресдан сўраш керак, ғалати, уйнинг нимаси ёмон? Менга каранг, сеньор Моран, сизни алдашимдан фойда йўқ, вазият оғир. Йўқ, сеньорита Кора, сиз уни тепасида қараб турганингиз маъқул, чунки аввало... Бу нима қилик, Марсьяль... Наридор, аччиққина қилиб қаҳва дамлаб берайми? Сен ҳалия думбулсан. Менга қара, кампиршо, мен Суарес билан гаплашдим. Назаримда ўғлингни иши...

Ниҳоят тинчиб қолишди, каптарларга ҳавас қилман – эрки ўз қўлида, хоҳлаган ерда учиб юришади, шаҳар осмонидами, қишлоқдами, дарахтзорлар тепасида, хуллас, уларга маза. Тонг отишини қийинлиги, шунақаям бўлар эканми, ё менга шундай туюляптими, уйдагиларни кетгани яхши бўлди ҳаммадан ҳам, улар тез-тез келишяпти, доктор рухсат берган шекилли, иссиғим баланд, буни устига бир неча кундан бери тушмаяпти. Ҳа майли, яна беш кун ётсам ётибман, шунгайм ота гўри қозихонами. Уй яхшиликка яхши, лекин иссиғинг тушмагандан кейин иложинг қанча, энг ёмони – иссиғим ошса ошяптики, лекин сира тушмаяпти. Ҳайронман, журнал ўқишга ҳолим келмайди, мажолим йўқ. Ҳаммасига иситма сабаб, деди кеча Луиси, бугун

эса Суарес ҳам шундай деди – докторлар билишади. Фақат ухлайман, лекин вақт ўтмаётгандек, нукул ухлаб-ухлаб кўзимни очганимда доим соат уч бўлади, худди уч ёки беш эканининг аҳамияти бордек. Аксинча, соат учда навбатчилар алмашади, шуниси ёмон, кичкина киз кетади, у ёнимда бўлса анча хотиржам ётардим. Қанийди кечгача қотиб ухласам. Пабло, бу мен, сенга укол қилавериб, бездирган ҳамширанг Кораман. Биламан, уколдан кўркмайсан, шунчаки ҳазиллашиб айтяпман. Ухлагинг келаётган бўлса майли, ухлайқол. Мана бўлди. “Раҳмат” деди, лекин кўзини очмади, очиб қараса бўларди, унга кўп гапиришни тақиқлаб қўйишганига қарамай, анави билан соат ўн иккида ҳам валақлашиб ўтирганди. Эшикдан чиқиб кетаётганимда кўз қиримни ташлаб тезгина қараб қўйдим – унинг кўзи менда, ортимдан тикилиб ётарди. Мен изимга қайтиб тепасига бордим-да, ёнига ўтириб, томирини ушлаб кўрдим, устига ёпган чойшабни тўғрилаб қўйдим, у ғарак-ғарак тердан безовта бўлиб кўрпа жилдини кафтига олиб, эзгилаб ётарди. У менинг сочларимга бокди, қарасам – кўзларини олиб қочади. Мен ҳамма нарсани йиғиштириб, уни операциядан олдинги муолажага тайёрлай бошладим, у заррача менга халал бермай, худди мени сезмаётгандек ётарди. Соат роппароса беш яримда уни олиб кетгани келишади, унгача ухлайверсин, майли. Ота-онаси пастда кутишарди, бу ерга кириб ўтиришса, бола ҳаяжонланади. Доктор Суарес вақтлироқ келаман, унга баъзи жойларини кесишга тўғри келишини тушунтираман, девди. Бироқ нима учундар унинг ўрнига Марсьяль келди, мен хайрон бўлдим, лекин буни билдирмадим, у ичкарига кириб турмай, қимирламай ўтиравер, дегандек менга ишора қилди, ўзи эса Паблонинг оёқ томонига ўтиб,

касаллик варақасини ўқишга тутинди, Паблога бирдан галати таъсир қилмаслик учун шундай қилди, шекилли. Кейин ҳазиллашиб гап бошлади, кўча совуқ, хона иссиқ, қойил-ей, деди, бунақага уста у. Пабло эса ундан кўзини узмай, нима қилиб юрибди у бу ерда, дегандек индамай кутади, менга нокулай бўлди жуда, Марсьяль бизни бирга қолдириб, чиқиб турса бўларди, мен тушунтиришим мумкин эди, лекин яхшиси, тушунтирмаганим маъкул. Ўзим ҳам ўйловдим, яна бир еримни кесишса керак, деб, менга наркоз бердингиз, шекилли, шунгайм раҳмат, начора шу иситма билан ётавераман... Нимадир қилишса керак, деб ётувдим ўзим ҳам, чунки кечадан бери каттиқ оғрияпти, канакадир бошқача оғриқ, кўнглим айнийди. Сиз нега афтингизни бужмайтирасиз. Биров ўлай деса куласиз. Коридорга чиқиб ўпишаверинг, ундан жаҳлингиз чикқанини сезиб ётгандим, бу ерда нима қилади у. Чиқиб кетинглар хонамдан, ухлашга халал берманг, лоақал кўзим илинса, оғрикни сезмайман.

Мана энди, йигитча, ҳозир сизни бир умрга бундан халос қиламиз, қачонгача ётасиз бу ерда. Қани, шошмасдан санагин-чи, бир, икки, уч. Жудаям яхши, санайвер, сана, бир ҳафтадан кейин мошкичирини паққос туширасан. Мана бўлди, ошна, қутулдинг, ўзиям ўн беш минут қидириб топдик, тикиб ҳам қўйдик. Нимасини айтай, де Луиснинг авзойидан хурсанд экани билиниб турибди, бунақасини кўрмаганман, дейди. Менга қара, мен Суаресни амаллаб кўндирдим, сени бошқа ерга ўтказишади, жуда қийналиб кетди, у қараётган беморнинг аҳволи анча оғир, қолаверса эплаёлмаяпти, дедим. Сен ҳам бир-икки нолиб қўйсанг, иккинчига ўтказишади. Ўзинг биласан яна, зорланиб, ҳасрат қилиб юрганинг учун айтдим унга, энди бўлса, ишинг хал

бўлганда бунақа қилма энди, шафқат ҳамшираси бўлиб кет-э! Майли, аччиғинг чикмасин, сенга енгилрок бўлар, деб шу ишга қўл урдим, ҳаммасини биламан, факат – бекор қилибсан, Марсьяль, мен бугун унинг ёнида қоламан, кейин ҳам кетмасам керак, соғайгунча ёнида бўламан. У саккиз яримда кўзини очди, бечора ота-онаси ўша заҳоти жўнаб кетишди, уларнинг юз-кўзидаги ифодани кўрса борми, кўркиб кетарди, кейин Суарес келди, у мендан алмаштирайми жойингни, деб секингина сўради, мен бош чайқадим – йўқ, шу ерда қоламан, дедим. Мария Луиса илтимосимизга биноан бир оз шу ерда қолди, биргалашиб уни тинчитдик, овунтирдик, охири бирдан жим бўлиб қолди, ўхчимадиям, кўнгли айнимадиям. Жуда мажоли йўқ, ахийри уйкуга кетди, инграмадиям, гингшимадиям, ўнгача ухлади. Яна бояги каптарлар, ойи, ҳар куни шу аҳвол, уларни нега ҳайдаб юборишмасийкин, бошқа ерга бориб уя қуришармиди. Ойи, қўлингизни беринг, этим увишяпти. Ухладимми, тушимда тонг отганмиш, каптарлар шовқин солармиш. Кечиринг мени, илтимос, мен сизни ойим деб ўйлабман.

У яна кўзларини олиб қочди, юзини тескари буриб олди, ўзига ёмон, мумкинмас унга ҳадеб у ёғидан бу ёғига ағдарилавериш. Мен худди ҳеч нарсани билмагандек, кўнглини олиш мақсадида, ёнига ўтириб лабларига докага ўраб қўйилган муз парчасини босиб турдим. Манглайи билан қўлини атир билан артиб чиқдим, шунда у менга қаради, мен эса унинг тепасида энгашиб жилмайдим ва “Мени Кора, деявер. Тўғри бошида бир-биримизни тушунолмадик, энди аксинча, дўст бўлиб қоламиз, Пабло”, дедим. У мендан кўзини узмас, шу билан бирга лом-мим демасди. “Қани, хўп Кора, дегин”. У узоқ тикилиб тургач: “Сеньорита

Кора”, – деди-ю, кўзини юмиб олди. “Йўк, Пабло, йўк”, – дедим ва унинг юзидан, лабларидан ўпдим. “Сен учун Кораман, фақат сен учун”. Дафъатан тескари қараб олишга мажбур бўлдим, лекин, барибир, унинг юзини расво қилиб юбордим ўзиям. Мен юз-қўлимни тозалаб, унинг бошини ушлаб турдим, у лабларини артди ва мен яна унинг лабларидан ўпдим ва қулогига шивирладим. У “кечиринг”, деди эшитилар-эшитилмас. “Ўзимни тўхтатолмадим”. Мен унга парво қилма, шунинг учун ёнингда ўтирибман, дедим, ёнингда бекорга ўтирганим йўк, кўнглинг айниса қусавер, енгил тортасан. “Ойимни кўргим келяпти”, – деди у бир ерларга қараб, бақрайган кўзларида ҳеч қандай ифода йўк эди. Мен унинг бошини силадим, чойшабни тўғрилаб қўйдим, бирон гап айтармикин, дея кутдим, лекин сезишимча у мендан жуда узоклаб кетган, шунингдек мен билан бирга бўлиш унга янада оғир таъсир этишини тушундим. Остонага бориб тўхтадим-да, унга ўгирилдим. У шифтга қараганча бақрайиб ётарди. Унга ўтиндим, ёлвордим: ”Паблито. Илтимос, жонгинам, ўтинаман!”. Тепасига келиб энди уни ўпаман деб, энгашган эдим, ундан мрамарнинг совуқлиги, атир, қусик ва ўлган эт хиди анқирди. Яна бироз олдида турсам, ёнғинасида, унга ачинганимдан йиғлаб юборган бўлардим. Мен яна бир марта унинг муздек юзига лабимни босдим-да, онаси билан Мария Луисага хабар бергани югурдим. Онасининг шу ерда экани учун боргим келмас, қолаверса, боришимга ҳожат ҳам йўк эди, билардим-ки, Марсьяль билан Мария Луиса ҳаммасини ўзлари қараб, хонани бўшатиб қўйишади.

ОНАМНИНГ МАКТУБЛАРИ

Тўғрисиям, бунака бетайин эркинликнинг кимга кераги бор. Ҳар гал дарбон аёл Луиснинг қўлига мактуб тутказар экан, ўтмиш ҳаёти эсига тушиб, кўз олдига келиши учун Хосе де Сан-Мартиннинг таниш суврати акс этган маркали конвертга бирров қарашининг ўзи кифоя қиларди. Сан-Мартин, Ривадавиа – булар оддийгина жой номлари эмасди: улар қадрдон кўчалар, маҳалла-кўй, киндик кони тўкилган гўшалар ҳақидаги махфий тилсимлар эди гўё... Ривадавиа-6500 – Флорес мавзеидаги дангиллама ҳовли-жой, онаси, ёр-дўстлари билан тез-тез йиғилишиб турадиган, қаҳвасидан билинар-билинмас канакунжут мойининг ҳиди келадиган Сан-Мартин билан Корриентос кўчалари туташган ердаги қаҳвахона...

Луис “Мерси биен мадам дюранд!”*, дея миннатдорчилик билдирганча конвертни олиб, ташкарига юрди, уни шу топда қўшнилари кўрса эди, кечаги тугул аввалги кунлардаги Луисга тамом ўхшатолмас эдилар. Онасининг ҳар бир мактуби (ҳатто яқинда юз берган воқеа, куракда турмайдиган ғалати хатога қадар ҳам) бир маромда давом этиб келаётган тинчгина ҳаётини алғов-далғов қилиб юборар, уни (худди деворга урилиб, сапчиб орқага қайтган коптокдек) ўтган кунлар қаърига улоқтирар эди. Энг ёмони мактубларни олиб, хали

*Mersi bien, Madame Durand! – Миннатдорман, мадам Дюран.

очишга улгурмасиданок улар (ҳозир таъби тирриқ, шу билан бирга ҳаёли паришон Луис автобусда кўзларига ишонгиси келмай бугунги хатни қайта ўкиб ўтирарди) вақтнинг ўтишига таъсир этар – гўё сокин оқаётган кунларни тўхтатиб қўяр ва Лаура билан Парижга келган онларидан эътиборан ҳаётида пайдо бўлган ва у кўникиб қолган ҳамда кўз қорачиғидек авайлаб-асрашга бор куч-ғайратини сарфлаётган турмуш тарзини бузиб юборарди. Онаси пайдар-пай юбораётган ҳар битта янги хат унинг шунча қийинчилик ва машаққатлар эвазига эришган эрки, бошқалар назаридаги чигал ип ўрами каби чалкаш янги ҳаёти аёвсиз тақдир қайчиси билан шартта кесиб ташлангандек бир зумда (айнан бир зумда, чунки у беозоргина қилиб жавоб хатини ёзган заҳоти уни унутиб юборар эди) бутун мазмуни ва барқарорлигини бамисли Ришелье кўчасида кетаётган автобус ғилдираклари остида қолаётган асфальт йўл янглиғ йўқотиб бораётганини эслатиб қўярди. Фақатгина эркинликнинг зоҳирий кўриниши, бамисли доим асосий иборанинг таянчи ва унга изоҳ вазифасини бажарувчи сўзни ажратиб қавсга олинганига монанд тасаввуридаги ҳаётидан ва яна ўша замоно афсус-ўқинч ила эшикни қарс этказиб ёпган каби алоқаларни бутунлай узиш истагидан бошқа нарсаси қолмаган эди...

Одатда онаси юборган хатларни ҳамиша эрталаб келтириб беришарди, бугун ҳам худди шундай тонглардан бири эди. Лаура билан у ўтмиш ҳақида камдан-кам гаплашишар, Флорес мавзеидаги кўшкни эса мутлақо тилга олишмасди. Бунга Буэнос-Айресни эслашни ёқтирмаслиги сабаб эмасди. У Лаура билан аллақачон қочиб қутулган хеш-ақраболар тугул, ҳатто эсласанг касофати урадиган кишиларнинг ҳам исмларини тилга олмасликка ҳаракат қиларди.

Иттифоко бир куни Лаурага ботиниб шундай деганди: “Ўтмишни бир варақ қоғоз ёки кераксиз қўлёзма каби парча-парча қилиб ташлаб юбориш мумкин бўлганда эди... Аксинча, ундан ҳеч қачон қутулолмайсан, ўтмиш қайтадан ёзилган тоза саҳифаларни ҳам расвои жаҳон қилади, менимча бизни мана шундай истиқбол кутаётган бўлса ажаб эмас”.

Чинданам, қавму қариндошлари яшаётган ва ёр-биродарлари вақти-вақти билан табрикномалар юборишиб турадиган Буэнос-Айресни ёдга олишса бирон ерлари камайиб қолармиди. Бир пайтлар лобар хонимларнинг шов-шувига сабаб бўлган сонетларни эълон қилган “Ла-Насьон” жаридаси-чи! Гоҳ-гоҳ сиёсий инқироз, исён кўтарган полковник ёки тенги йўқ боксёр ҳақида юборилган номалар-чи?! Лаура билан шуларни эслаш баҳонасида Буэнос-Айрес ҳақида лақиллаб ўтиришса бўлмаймиди?! Бирок хотини ҳам ўтмиш китобини варақламасди, фақат тасодифан, онасидан мактуб келган кунлари, ўшанда ҳам баҳонаи сабаб билан бирон воқеани эслаб қолар, битта-яримтасининг исмини тилга олар – ажабо, ана шунда ўтмиш худди ерга тушиб жарангламаган эски танга ёки дарёнинг хилват ёқасида узок пайт ётиб, аллақачонлар тароватини йўқотган эски буюм сингари эътиборни жалб қилмасди.

– Eh, oui fait lourd!* – деди автобусда унинг рўпарасида ўтирган коранда. “Ҳақиқий иссиқ қанака бўлишини у қаёқдан ҳам биларди, – деб ўйлади Луис. – Февралда Авенида-де-Мойо ёки Линьенинг жин кўчаларида юрганида эди!”

У янаям ишонч ҳосил қилиш учун конвертни қайта очиб, хатни олди – тўппа-тўғри, янглишмаган, мана ўша

*Eh, oui fait lourd – Вой, бирам ёндирди-ей!

сатр, дона-дона ёзилган. Тавба, қип-қизил бемаъниликдан бошқа нарса эмас, бировга айтсанг, ишонмайди, лекин турибди-ю, мана. Луис буни нима дейишга ҳам хайрон бўлиб боши котди, ўзига келгач эса табиийки, биринчи навбатда, бундан қандай қилиб қутулиш ҳақида ўйлаб қолди. Нима бўлган тақдирда ҳам ойисидан келган мактубни Лаурага кўрсатмаслик керак. Майли, аҳмоқона хато юз берибди, ойиси янглишиб (Вико ўрнига, Нико деб ёзиб юборган бўлса керак) шундай ёзибди, лекин Лаурада нима айб, сезиб қолса дили оғрийди, шу керакми ҳозир. Сир эмас, баъзан юборилган хатлар эгасига етиб бормайди: шу дардисар хат ҳам етиб келмаса, сув-пувга тушиб кетса бўлмасмиди! Ишхонада бирон ахлат қутисига ташлаб юборса-чи? Лекин уч-тўрт кундан кейин Лаура: “Таажжуб, онангдан хат келмай қўйди-я”, – деб сўраб қолса нима деб жавоб беришни ҳам ўйлаб қўйиши шарт. Ўзи онасиз ўсгани учунми, “сени онанг”, деган сўзни ҳеч қачон тилга олмаган Лаура балки сўраб ўтирмас. Мабодо сўраб қолса: “хайронман. Шу бугунок икки энлик хат ёзиб юборай-чи, тинчликмикин?” – деб қўя қоларди. Хатида нега ёзмай қўйдингиз, дея ўпкаям қилиб қўйган бўларди. Шунда ҳаёт яна изига тушиб кетарди: иш, окшомлари кинога боришлар... Лаура ҳар доимгидек ювошгина, мунис, унинг кўнглига қараган...

Ренн кўчасидаги бекатда Луис автобусдан тушди-ю, илкис (бу аслида савол ҳам эмасди, аммо бундан ортиқроқ нима дейиш мумкин) ўзига-ўзи, нима учун, падарига лаънат, хатни Лаурага кўрсатмаслигим керак, деб савол берди. Тўғриси, гап Лаурада ва хатто унинг қандай қабул қилишида ҳам эмас. Модомики, кўнглидагини яширар экан, янаям яхши, нима деб ўйлашининг сираям қизиғи йўқ. Унинг учун муҳими,

биринчидан (биринчисидан кейин, иккинчиси ҳам бор) таъбир жоиз бўлса, самимийроғи, аввало шундан иборат эдики, Лауранинг ўша пайтда авзойида пайдо бўладиган ифода. Лаура мактубни ўқиётиб Нико деган исмга дуч келиб қолади ва унинг ишончи комилки, дудоклари илкис титраб кетади, бир зумдан кейин эса: “Хайронман, ғалати жуда... Онангга бирон нима бўлдим?” – дейди. Шу лахзаларда у – Лауранинг иложи борича бақириб юборишдан ўзини аранг тийиб тургани, ўпкаси тўлиб кетганидан буришган-тиришган юзини кафтлари билан тўсиб олмаётганлиги ҳамда хотинининг тилидан чиқиб кетишига сал қолаётган сабаб – Нико деган исм эканини ҳис қилиб ўтирар эди.

Реклама бюросида – Луис у ерда рассом бўлиб ишларди – шу пайтгача онасининг аввалги хатларидан моҳият-эътибори билан заррача фарк қилмайдиган эрталабки мактубини қайтадан ўқиб чиқди, ўша исм адаштириб юборилган ерини айтмаса, улар икки томчи сувдек бир-бирига ўхшарди. У хатто ўша сўзни ўчириб Нико ўрнига Виктор, деб ёзиб, шу билан арзимагандек туюлаётган машъум хатони тузатиб, уйга боргандан кейин Лаурага кўрсатмоқчи ҳам бўлди. Онаси ҳали Лаурага бир марта ҳам мактуб юбормаган бўлишига қарамай у бу хатларни ўқиб чиқишга қизиқарди. Негалигини тушунтириб бериш қийин, бироқ, онаси жўрттага қилгандек, фақат Луиснинг номига ёзар эди: охирида, баъзан ўрталарида Лаурага алангали саломлар йўлларди. Зотан бу ҳеч нарсани англатмасди. Лаура мактубларни берилиб ўқир, баъзан кўзининг хира кўриши эвазига ноаниқ ёзилган битта-яримта сўзлар учраб қолса, нима деб ёзилганини аниқлаш учунми, хатга узоқ қадалиб қоларди. “Мен доим саридон ичаман аслида, доктор эса салицил кислотаси ёзиб берди...”

Мактуб яна икки ёки уч кун мобайнида ишхонасида, стол тортмасида ётди. Ўзига қолса, Луис уларни сақлаб ўтирмай ташлаб юборган бўларди. Бироқ Лаура уларни қайта-қайта ўқирди – ким билсин, такрор-такрор ўқиб, ҳар сафар янги маънолар ахтариб топиш аёлларга алоҳида хузур бағишласа керак-да...

Онасининг хатлари қисқагина: уйдаги янгиликлар ва аҳён-аҳён мамлакатда юз берган аллақандай бир воқеа ҳақидаги хабардан иборат бўларди. Бу ҳам “Монд” газетасида аллақачон эълон қилингани учун ҳеч бир кизиқиш уйготмас эди. Қисқаси, хатлар бири-бирига ниҳоятда ўхшар – оддий, соддагина, асосан кераксиз нарсалар ҳақида ёзилган бўларди доим. Худога минг қатла шукр, онаси ўзини ёлғиз қолдириб, уй-жойларини ташлаб чиқиб кетган ўгли билан келинини ҳеч қачон ёзгирмас, сизларни соғиндим, деб дийдиё қилмас, ҳатто Никонинг бевақт ўлимини ҳадеганда эслаб, ўзи тугул буларнинг ҳам юрагини сикмас эди. Ҳолбуки дастлабки пайтларда бошларига тушган бу мусибат туфайли унинг тўккан кўз ёшлари ва оху фарёдига одам боласи чидаёлмас эди. Парижга келиб яшаётганларига икки йил бўлибдики, онаси хатларида бирон марта ҳам Никонинг номини тилга олмаган, Лаура ҳам ҳеч қачон у ҳақда гапирмасди. Шу боис кутилмаганда хат миёнасида Нико исмининг ёдга олинаётгани қандайдир ғайритабиий эди. Бунга ақл бовар қилмасди, босма ҳарфда ёзилган “Н” билан “О” ҳарфининг кинғир-қийшиқлигини айтмайсизми; энг ёмони исм аллақандай тушуниксиз ва пала-партиш жумланинг ўртасида келар, эътибор берган одам мактубни қарилиги туфайли хотираси заифлашган киши ёзганини дарров пайқаб оларди. Онам, ногаҳон орадан шунча вақт ва воқеалар ўтганлигини унутиб

қўйган-ов... Ўша сатр Лаурадан хат олдим, деган жумладан кейин келарди. Баққол дўкончасидан сотиб олинган оч кўк сиёҳда қўйилган хира нуқтадан кейин томдан тараша тушгандек: “Бугун эрталаб Нико сизларнинг аҳволингизни сўради”, – деб ёзилган эди. Қолгани яна жуда оддий равишда давом этарди: соппа-соғ юрган холаваччанг Матильда йиқилиб, оёқ суяги лат ебди, ҳовлидаги кучуклар яхши ва ҳоказо гаплар... Лекин Нико уларнинг аҳволини сўрагани... Тўғри, Нико деган исми Виктор, деб тузатиб қўйиш жуда осон. Лаура иккисига доимо гамхўрлик қилиб юрувчи амакиваччаси Виктор, турган гапки, улар ҳақида сўраган, онасининг хаёлига шу ўрнашиб қолиб, Виктор сизларнинг аҳволингизни сўради, дейиш ўрнига Нико деб ёзиб юборган – тамом, вассалом; танбех тугул, аҳамият беришга ҳам арзимаёди. Виктор деган исмда Никога нисбатан иккита ҳарф ортик, лекин, ўчирғич бор, жиндай қунт қилиб тузатиб қўйиш қийинмиди шунчалик?! “Бугун эрталаб Виктор сизлар ҳақингизда сўради”. Виктор ойимни кўргани кириб, Парижга кўчиб кетган жигарларининг саломатлигини сўраши турган гап, бунинг ҳеч бир ажабланадиган ери йўқ.

У овқатланиш учун уйига келганда онасининг хати ҳамон чўнтагида эди. Буэнос-Айресдан жўнаб кетишгач, худди Парижнинг рутубатли ҳавосида олмадек сўлиган ва бироз кўпчиб тароватини йўқотган юзида ним табассум билан кутиб олган Лаурани кўриб, хат хусусида ҳеч нарсга гапирмасликка қарор қилди. Никонинг вафотидан икки ой ўтгач, Буэнос-Айресни ташлаб кетиб, Парижда яшаётганларига икки йил бўлди, лекин, очиғи, Луис Лаурага уйланган тўй оқшомидаёқ Аргентинадан бутунлай кўнглини узган эди. Бир куни кечкурун анчадан буён кўрпа-тўшак қилиб ётган Нико

билан ораларида бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг Луис Аргентинани, дангиллама ҳовли-жой, онаси, итлари, акасини ташлаб кетиш ҳақида ич-ичида қасам ичганди. Ҳолбуки ўша кезлари ҳамма нарса: Нико ҳам, Лаура ҳам, ойиси-ю, кучуклари, боғлари ҳам унинг қош-қовоғига қарар ёки унинг амрига мунтазирдек эди. Ана шу сабабли унинг қасами ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ракс майдонида бутилкани чил-чил синдириб, ҳамма ёққа сочиб ташлаган бевош одамнинг совуқ қилиғига ўхшаб кетарди. Ўшанда ҳамма-ҳаммаси: унинг уйланиши, онасидан рухсат сўрамай-нетмай, бемаслаҳат бирдан урф-одатлар, азалий ахлоқий қоидаларга тупургандек, ёру дўстларини лолу ҳайрон қолдириб жўнаб кетишлари ақлга сиғмайдиган ишлар эди. Ҳатто Лауранинг ўтинчлари ҳам унинг кўнглини юмшатолмаган эди. Онаси ҳайҳотдек ҳовлида, кучуклар ва дори-дармонлари-ю, Никонинг ҳалиям жавонда осиглиқ турган кийим-кечаги билан яккаю ёлғиз қолганди. Қолса қолаверсин, бошқалар ҳам билганини қилсин, менга нима! Назарида онаси ҳамма гапни тушуниб етган, у энди Никога аза тутиб йиғлаб-сиқтамас, паймонаси тўлганини сезган одамдек бефарқ, ҳеч кимни хушламай уйда у ёқдан бу ёққа юрар эди. Лекин Луис кетар куни содир бўлган воқеаларни эслагиси келмасди – тўғриси, ёмон кўрарди, жомадонлар, дарвоза олдидаги такси, болалиги ўтган уй, Нико билан уруш-уруш ўйнайдиган боғ, яна ўша иккита ялқов ҳамда расво итлар!.. Ҳозир мана шуларнинг бари-барини унутишга у рози эди. Ишхонаси – реклама бюросига борар, плакатлар чизар, тушлик қилгани уйига келиб-кетар, лабларидан беғубор табассум аримаган Лаура дамлаб берган қаҳвани роҳатланиб ичарди. Эр-хотин тез-тез кино кўргани, ўрмонда сайр қилгани боришар, шу тариқа Парижни

янаям яхширок ўрганишар эди. Уларнинг толеи кулган эди: ҳаётлари тинч оқар дарёдек бир маромда давом этар, топган ишлари ўзларига манзур, яшаётган уйлари шинам, озода, кўрган фильмлари ҳам маъноли ва қизиқарли эди. Мана шундай ҳузурбахш кунларда онасидан хатлар кела бошлади.

Луисга бу хатлар малол келмасди сира, аксинча, улар бўлмаганда балки у эркинликнинг оғир тошини кўтаролмас ҳам эди. Мактублар бамисли онаси уларнинг гуноҳларидан ўтаётганлигига (лекин қайси гуноҳларидан) бир ишоратдек эди гўё; улар бир кўприк вазифасини бажарар, зотан бу кўприк бир кун келиб икки тарафни бир-бирига боғлаши муқаррар эди. Ҳар бир мактуб онасининг саломатлигидан огоҳ этар – бир, хонадон ташвишларни эслатиб, кўнглида ғашлик уйғотар – икки, энг асосийси, болаликдан таниш зерикарли ҳаёт давом этаётганини ёдига соларди – уч! Бирок шу билан бирга, ана ўша илгари қандоқ бўлса, бугун ҳам ўша тарзда давом этаётган ҳаёт тартиби унинг конини қайнатарди. Дарҳақиқат кони қайнарди, Лаурани деб қайнарди, чунки Лаура у билан бирга Парижда тинчгина яшаб юрибди, онасидан хат келса, у ўзгаради, бегонадек бўлиб қолади ёки бир пайтлар кечаси, боғда, Никонинг бўғик, одамни ваҳимага соладиган йўталини эшитган чокда уни ўзи юз ўгирган ҳаёт тарзининг тарафдорига айлантириб қўяди.

Йўқ, хатни у ўла қолса Лаурага кўрсатмайди. Исмни ўзгартириб қўйиш ҳам чиройли иш эмас. Лекин шу жумлани ўқиган Лауранинг кўнглига келмайдими! Онасининг кечириб бўлмас мана шу хатоси, аҳмоқона тасодиф, беҳамиятлиги – у кексаларга хос хиралашган кўзлари билан, бунинг устига эски перода, яна силлик қоғозга ёзишга қийналаётган қари онасини кўргандек

бўларди – Лауранинг турмушини заҳарлаши мумкин-ку! Яхшиси хатни ташлаб юбориш (у ўша куниёк ташлаб юборди) ва кечки пайт ҳеч нарса бўлмагандек кинога бориш ҳамда Виктор улар ҳақида сўраганини, иложи борича тезроқ унутиш керак. Ҳатто шундай хушахлоқ амакиваччаси бўлса ҳам. Виктор уларнинг ҳол-аҳволини сўраса сўрабди.

Маккор, айёр ва олифта Том қачон Жерри қопконга тушаркин, деб кутаяпти. Жерри унга панд бериб қочиб қолди-ю, Томнинг бошига кетма-кет балою офатлар ёғила кетди. Танаффус пайтида экрандаги анонслар ўтиб бўлгунча Луис келтирган музқаймоқни шошмасдан еб олишди. Фильм бошланганида Лаура қўлини эрининг бармоқларидан бўшатди-да, оромкурсига янаям қулайроқ ўрнашиб олди. Луис унинг ўзидан яна узоқлашиб, дахлсиз, ўзидан бошқа ҳеч ким қиролмайдиган дунёсига кириб кетганини ҳис қилди. Ким билади, бу ёғига улар битта фильмни кўришдими, йўқми, ҳолбуки, кейинроқ ё уйга қайтишларида ёки ётар олдидан фильм хусусида одатдагадек фикр алмашиб оладилар. У ҳаёлан Нико билан Лаура аҳд-паймон қилиб юришган кезлари, бирга кинога боришганда уларнинг орасида ҳам шунақа бегонасирашлар юз берганми, йўқми, деб ўзига ўзи савол берди? (Бу савол эмасди аслида, лекин нима деса тўғрироқ бўлади.) Флоресда улар билмаган, кирмаган кинотеатр қолмаган бўлса керак; Лавалье кўчасини эгаллаган бефайз соҳил, баҳайбат арслон, занг чалаётган паҳлавон ҳайкали, Кармен-де-Пинильосдаги испан тилида ёзилган титр: бу фильм қаҳрамонлари ҳам, воқеалари сингари сохта, сунъий...

Хуллас, Жерри Томдан қочиб қутулди, навбат Барбара Стэнуик ёки Тайрон Пауэрга келди. Нико

шу дакикаларда Лауранинг белидан оҳистагина кучоклаган (бояқиш Нико шунчалик уятчан, шунчалар одобли эдики) ва иккови худо билади, қайсидир гуноҳкорона қилмишлари учун ўзларини гуноҳкор сезишган бўлишарди. Луис бир нарсани, уларнинг энг асосий масалада айбдор эмаслигини яхши тушунарди. Ҳолбуки, унинг бундай хулоса чиқаришга далил-асоси йўқ эди, бироқ Лауранинг Никога нисбатан кўнглида мавж урган туйғуларининг бунчалар тез сўниши ўша пайтдаги унашиб кўйишнинг бор-йўғи, шунчаки киши кўзига, кўни-қўшничилик, доим бирга бўлишлар, елкама-елка яшаш, Флорес мавзеси ёшларининг хою ҳаваслари, одатларининг бир хиллиги ва юзага келган муҳит белгилаб берган одатларнинг самарасидан бошқа нарса эмаслигини билдирарди, холос. Кунларнинг бирида Луис Нико тез-тез бориб турадиган ўша рақс залига бориб қолди, акаси уни Лаура билан таништириб қўйди. Эҳтимол илк учрашувлари бунчалик осон, енгил бошлангани учунми, давоми шунчалар омонат, оғир ва аччиқ бўлгандир. Лекин булар ҳақида у эслашнияма истамасди: бу ўйин кўп ўтмай Никонинг мағлубияти билан тугади, касали хуруж қилиб Нико ётиб қолди ва ажал сиртмоғидан қутулолмай ўлиб кетди. Ажабланарлисиз шундаки, Лаура ҳеч қачон унинг номини тилга олмасди; мана шунинг учун Луис ҳам у ҳақда сира гапирмасди; қисқаси, Нико гўё уларга ҳеч ким эмас – на марҳум, на ўлиб кетган қайноға, на она қорнидан талашиб тушган ака – ҳеч ким.

Дастлаб, онасининг таъна-дашном, ёзгириқлари-ю ўкраб йиғлашлари, Эмилио амакиси билан амакиваччаси Викторнинг (Виктор сиз ҳақингизда қизиқиб сўради бугун!) аҳмоқона аралашувидан кейин ортиқча даҳмазалар: ҳеч қандай маросим, тантаналарсиз – теле-

фонда такси чакириб, шаҳар маъмуриятига бориш-ганди-да, уч дакика нари-берисида, пиджагининг елкаси шундоқ қазғок қоплаган аҳволда никоҳдан ўтишган – бунака шошилишчи равишда Лаурага уйланиб олиш унга анча енгиллик туғдирганди. Ўшанда – онаси ҳамда ғазабдан ўзларини қаерга қўярини билмаётган жигарларидан қочиб Адрогедати меҳмонхонага хуфёна жойлашиб олишгач, қаллиқдан қайноғига айланиб қолган Нико ҳақида бир оғиз ҳам гапирмагани учун Луис Лаурадан беҳад миннатдор бўлганди. Аммо ҳозир Никонинг ўлиmidан икки йил ўтибди ҳамки – бу озмунча муддат эмас, боз устига уларни океан ажратиб турибди – Лаура ҳамон унинг номини тилга олмас, Луис эса ич-ичида бу сукут саклаш ўзига ҳақоратдек таъсир қилаётгани ва унинг замирида таъна, виждон азоблари, хиёнатга монанд алланима пинҳон эканини сезишига қарамай сабабини дангал сўрашга ботинолмагани, бунга юраги бетламагани боис беихтиёр унинг шеригига айланган эди. Ўзаро суҳбатлашиб ўтирган чоғларида у бир-икки бор жўрттага Никонинг номини тилга олди, лекин бу ҳеч нарсани ўзгартирмаслигини яхши тушунди, чунки назарида нима бўлган тақдирда ҳам Лаура суҳбатни бу ҳақда давом эттирмасликини лозим топарди.

Нафсиламрини айтганда, ўзаро муносабатларида уларни киши билмас тарзда Никодан узоқлаштирадиган омонатгина тақиқланган бир мавзу ҳосил бўлган эди. Худди улар билан тил бириктириб олгандек онаси ҳам Нико ҳақида чурқ этмасди. Ҳар хатида итларни тилга олар, Матильда, Виктор, салицил кислотаси, нафақа олаётгани ҳақида эслаб ўтар эди. Ўлиmidан кейин бўлса ҳам Никони тан олишга мажбур этиш учун Лаурага қарши бирлашиш зарурлиги тўғрисида гапириш тугул,

лоакал ишора килиб колса керак, деб анчадан буён ишонч билан кутарди. Бунинг кимгадир зарур бўлиб қолгани учун эмас: Никонинг ўлик ёки тиригининг кимга кизиги бор? Лаура Никонинг исмини тилга олмас ва ҳар сафар унинг номини беҳос айтиб юборса табиий равишда қабул қилиниши мумкин бўлган вазиятда ҳам айтмас, бирдан жимиб қолар, ана шунда Луис худди яна Флоресдаги ўша боғда кўраётгандек Нико кўз олдига келар, унинг қисқа-қисқа йўталини эшитгандек бўлар ва беихтиёр уларнинг – Лаура билан Луис иккисининг тўйига ўзининг жонсиз вужудини тўёна қилганини ички бир оғриқ билан эсларди.

Дарҳақат, тахмин қилганидек, бир ҳафта ўтар-ўтмас Лаура онасидан хат келмаётганлигини эслаб, ажабланди. У ўзича ҳар хил сабабларни рўқач қилди ва провард-оқибат эрта-индин деб ўтирмасдан, ўша куниёқ онасига хат ёзиб юборди. Онаси жавоб номани нима ҳақда ёзса-ёзаверсин, бу уни ортиқча ташвишлантирмас, фақат ва фақат мактуб Лауранинг кўлига келиб тегмаса бўлди – у шуни истарди. Икки ҳафталардан кейин дарбон аёл унга адмирал Браун портрети ва Игуасу шаршараси акс этган бир жуфт маркали таниш конвертни берди. У мактубни кўйнига яшириб, кўчага чиққач, деразадан бошини чиқариб қараган Лаурага қўл силкиб, хайрлашган бўлди.

Назарида, хатни тез очиб ўқиш истагини ҳатто муюлишдан бурилиш зарурати ҳам рағбатлантиргандек бўлаётгани ғалати туюлди унга. Онаси Боби кўчага қочиб чиқиб кетгани, қайси бир қўтир кучукдан юқтирган шекилли, бир ҳафта ўтгач, ҳамма ёғи қичий бошлагани ҳақида ёзарди. Онаси уни Эмилио амакининг ветеринар ўртоғига кўрсатгани олиб борибди, вақтида даволатмаса, худо асрасину Негро вабоси касалини

орттириб юрмасин яна. Эмилио амаки, иккаласини акароинда чўмилтириш керак, деб маслаҳат берибди, лекин бунга куч-қувват қаёқда, ундан кўра ўша ветеринар ҳашаротга сепадиган порошок ёки овқатга кўшиб бериладиган биронта дори тавсия қилганида яхши бўларди. Қўшни уйда яшайдиган бир сеньоранинг қўтир мушуги бор экан, ким билсин, уйлари симтўр билан ажратилганига қарамай балки ўша мушукдан юктиргандир. Эҳтимол кампирнинг алжирашлари уларни толиқтириб қўйган бўлса бордир, лекин Луис кучукларни шундай яхши кўрар эдики, болалигида улардан биттаси доим унинг тиззасида ухларди, Нико эса жониворларга бунақа раҳмдиллик қилмасди. Ўша сеньора итларга ДДТ сепишни маслаҳат берибди, сабаби ҳеч қанақа қўтир бўлмаса ҳам ит зоти борки, кўча-кўйда ҳар хил нажосат ичида юришади – бошқа бир балони юктириши мумкин эмиш; Бакакай майдони биқинида кўпинча ноёб ҳайвонларни ўйнатадиган цирк келади, эҳтимол шулар ҳар хил микроблар тарқатиб кетгандир... Нима бало, ваҳима бўлиб қолганми, дам Боби ҳақида, дам қайнаб турган сутда кўлини куйдириб олган тикувчининг ўғли ҳақида ёзарди.

Сўнг нимаси биландир зангори юлдузчага ўхшаш ажи-бужди дог (онаси алам билан тўнғиллай бошлаганми, перонинг учи қоғозни тирнаб юборганди), кетидан агар Нико Оврупоба кетса, ўзининг ёлғиз қолиши (назарида шундай бўлиши муқаррар) ҳақидаги маҳзун мулоҳазалар бошланарди. Минг афсус, кексаларнинг қисмати шу тахлит экан: болалар ажойиб кунларнинг бирида уяларини ташлаб кетган қалдирғочларга ўхшайди. Куч-қувватинг борида чидайсан – бошқа иложинг йўқ. Қўшни уйда яшаётган сеньора...

Кимдир туртгандек бўлди-ю, бир зумда Луисга кўчада юриш қоидаларини эслатиб қўйишди – бундай

дашном бериш одати ғирт марселликларга хос эди. У метрога ўтиб борадиган торгина йўлакда туриб олиб йўловчиларнинг қатновига халал бераётганини салдан кейин фахмлади. Куннинг қолган қисми ҳам шундай хаёлот гирдобиди ўтди. У Лаурага қўнғироқ қилиб уйда овқатланмаслигини айтиб қўйди. Хиёбондаги скамейкада икки соатча онасининг хатини қайта-қайта ўқиб ўтирди, қисқаси, бу вати-кути гапларни нима деб изохлашни билмай боши қотарди. Аввал Лаура билан гаплашиб олиши лозим. Рост-да, нега энди юз берган бу ҳодисаларни Лаурадан яшириши керак? У энди бу хат ҳам йўқолди, деб муғомбирлик қилолмас, шунингдек, онаси янглишиб, беҳосдан Виктор ўрнига Нико, деб ёзиб юборганига сира-сира ишаноқласди. Ҳатто онаси ўзини йўқотиб қўйган, деб ҳам бўлмасди. Ҳеч шубҳасиз, бу хатларнинг сабаби – Лаура, Лауранинг бошига тушиши муқаррар воқеалар эди. Ҳатто унақа ҳам эмас: бунга асосан ўшанда, уларнинг тўйлари қуниёқ юз берган ҳодиса, Адрогеддаги ўтган асал ойи ва дунёда жамики нарсалар тугул, қавм-қариндошларини ҳам унутиб, ўзларини Францияга олиб кетаётган кемада ишқ лаззатига берилишган фароғатли тунлар сабаб эди. Шуларнинг ҳаммасига балогардон Лаура, бундан буён айбни фақат Лаурадан излашади, мана шу тушунчаларнинг асорати туфайли вати-кути бўлиб қолган онасининг тасаввурида Никонинг Европага бориш ҳаракатига тушиб қолганига ҳам айбдор – Лаура. Ҳеч қутилмаганда сирдош бўлиб қолишганди: онаси Лаурага Нико ва унинг Европага бормоқчи экани ҳақида ёзарди, ҳол буки Лаура Никонинг фақат ва фақат Францияга, шунда ҳам Парижга, бор-йўқлигини мутлақо унутиб, ўзларини овсарликка солаётганларнинг уйига боришини Лаура жуда яхши тушунишини билгани учун шундай, умумий қилиб, Европага деб хабар берган.

Луис пайсалга солмай Эмилио амакисига онасидан хавотирланаётгани ва зудлик билан унинг холидан хабар олиб, керак бўлса зарур чораларни кўринг ҳамда жавобини ёзиб юборинг, деган маънода хат жўнатди. Сўнгра кетма-кет икки рюмка коньяк ичди-да, Лаурага бугун бўлмаса эртага барибир ҳаммасини айтиб берадиган бўлгандан кейин шу бугуноқ айтишга қарор қилди ва йўлда нималар дейиш лозимлигини ўйлаб олиш учун уйларига пиёда кетди. У кўчалардан ўтиб, уйига яқинлашиб бораркан, ярим соатдан кейин Лаура билан рўй бериши муқаррар суҳбат ва ўзининг ноқулай аҳволга тушиши мумкинлиги ҳақида хаёл сурарди. Ажабо, онасининг мактуби Парижда кечган икки йиллик ҳаёти давомида юз берган воқеа ва ҳодисалардан тўғри хулоса чиқариш учун унга ёрдам берадигандек туюларди.

“Ҳа, ойи, ҳа, шўрлик кўтир Боби, боякиш Боби, бечора Луис, ҳаммаёқни кўтирлар босиб кетган! Флоресдаги клубда, ҳар куни рақс окшоми бўлиб ўтарди, ойи, бир куни мен ҳам ўша ерга бордим, чунки ўғлингиз Нико қўймади. Менимча қаллиғини кўз-кўз қилиб, мактанмоқчи бўлган. Бечора Нико, роса йўталарди ўшанда ҳам, ойи, ҳайронман, ҳеч ким бунга жиддий аҳамият бермасди, эғнида икки ёғи тугмачали кулранг костюм, сочларига бреолин суртилган, яп-янги шойи галстукда – қисқаси, бирон ерига гард юкмаган, башанг. Бор-йўғи бир дақиқа гаплашдик, одам сезади-ю суҳбатдошининг ўзига нисбатан кўнглини... Айтинг-чи, ана шундан кейин ҳам акамнинг қаллиғини рақсга таклиф қилмай бўладими?! Ў! Қаллиқ эмиш – ошириб юбординг-ов, Луис! Менимча, сизга шундай деб мурожаат қилсам қарши бўлмассиз?! Лекин, Нико ҳалигача сизни уйимизга таклиф этмаганига ҳайронман.

Қўркманг, ойнмга албатта манзур бўласиз, гапим нотўғри чикса отимни бошқа қўяман. Нико жудаям уятчан-да! Ҳали отангиз билан ҳам гаплашмаган бўлса керак! Тортинчок, дейсизми? Ҳа, бўптики шунака! Менга ўхшаб... Нега куласиз? Гапимга ишонмайсизми? Кўринишимга караб тўн бичманг, мен бутунлай бошқачаман... Жудаям иссик экан-а бу ер, тўғрими? Бизникига албатта, боринг, мени айтди дерсиз, ойм хурсанд бўладилар... Биз уч киши турамиз, кучукларимиз бор. Менга кара, Нико, уят эмасми, шунча пайтдан буён яшириб келдингми, ярамас! Кўриб турибсиз, биз шунақамиз, Лаура, ҳаддимиз сикқанидан бир-биримизга бемалол қаттиқ-қурум гапираверамиз. Рухсат берсанг, шу тангога сеньорита билан ракс тушсам...”

Ҳаммаси жуда осон, ҳатто айтиш мумкин, майна-возчиликка рўй берди – Нико эса дазмолланган, ўзига оро берган, йўл-йўл галстукда. Лаура у билан бекорга алоқасини узди – қаттиқ янглишди; қув, олғир ука юлдузни бенарвон урарди, ҳар қандай аёлнинг бошини бир зумда айлантиришга қодир эди! “Нико теннис ўйнамайди! Қанақа қилиб ўйнайди, қачонки шахмат ёки маркадан ортмаса. Унга ҳалал берманг фақат! Индамаслиги майли, қандайдир писмиқ, бечора, қисқаси тушуниб бўлмайди”.

Нико секин-аста узоқлашиб кетди булардан, у доим йўтал дори ёки ачимсиқ матэ ичиш баҳонасида нукул ўзини четга оларди. Охири ётиб қолди. Врачлар кўп юрмасин, ётсин, унга ниҳоятда тинчлик керак, деб уқтиришди, бу айна “Вилья-дель-Парке”нинг гимнастика ҳамда қиличбозлик залларида ракс оқшомлари уюштириш авжига чиққан пайтга тўғри келди. Шундай пайтда бормай қачон борасан, қолавер-

са, Эдгардо Донатонинг ўзи жонли ижро этса кўшиқларни, нима керак яна...

Унинг Лаурага кўз-кулок бўлиб юрганидан онаси жуда хурсанд бўларди: акаси иккови Лаурани илк бор уйларига олиб келишган кунiek уни ўз кизидек яхши кўриб қолди. Эсингизда бўлсин, ойи, тўнғичингизнинг холи йўқ, бир аҳволда ётибди, бу ҳақда битта-яримта ортиқча гап қилиб юрманг, эшитиб қолса ёмон таъсир қилиши мумкин, доктор айтди, унга ҳаяжонланиш мумкин эмас, деб. Бунақа касалга йўлиққан одамнинг кўнглига бўлмағур гаплар қилиши мумкин. Укам Лаураининг кўнглини овлаб юрибди, деб ўйламасин яна; бизнинг спорт залига катнашимизни билмагани маъқул.

Аммо мен бу хусусда оғиз очмадим, шу сабабли Лаура билан у ерга бораёганимиз сирлигича қолди, уйдагилар ҳам билмади. Бу турган гап, Нико бояқиш соғайиб, оёққа тургунга қадар давом этди. Ҳаммаси ана ўшанда бошланди: зиёфат кетидан зиёфат, Никонинг рентген хулосаси, пакана Рамоснинг машинаси, Бэбиниқида йиғилиш, мусалласнинг ним нордан таъми, машинада соҳилга бориб, дарё узра ўтган кўприкда сайр қилишлар, тўлин ой ёғдуси остидаги муаззам дамлар. Меҳмонхонанинг юқори каватидаги нурафшон деразага ўхшаган ой, машинада қаршилиқ қилаётган сархуш Лаура... Эпчил қўллар, бўсалар, бўғиқ ихрашлар, дағал жун рўмол, ханжар тигидек сукунат, алоҳа, кечирганликни билдирувчи табассум.

Ҳозир ҳам эшикни очган Лаураининг лабида деярли худди ўшандагидек табассум жилва қилар эди. Кечки овқатга буғлама гўшт, салат ҳамда қаймоқ тайёрлаб қўйган экан. Соат ўнда қўшнилари канасту ўйнагани

чикишди. Алламаҳалда чикиб кетишди. Ётар олдидан Луис хатни олиб тунги столчага қўйди.

– Илгарирок айтмаганим сабаби – бергим келма-
ганди. Кўнглингга оғир оласан, деб ўйловдим. Назарим-
да ойим...

Ўринда оркасини ўгириб олганча ётар экан, у
индамай кутди. Лаура хатни ўқиб чиккач, конвертга
солди-да, тунчирокни ўчирди. Луис одатига хилоф
равишда нарироқ сурилиб хотинининг бир текис нафас
олишини жон кулок бўлиб тинглагани билан барибир
аник бир фикрга келолмади. Охири нима деб сўрашини
билмай:

– Тушунгандирсан? – деди шифтдан кўзини узмай.

– Ҳа, исмларни адаштириб юборган шекилли?

– Шундай бўлса керак. Пиёда, кирол. Пиёда тўрт,
кирол. Қойил! – Виктор деб ёзмокчи бўлганлар, меним-
ча, – деди Луис тирноқларини кафтига қаттиқ ботириб.

– Гапинг тўғри. Менимча ҳам шундай, – деди Лаура.

Асп, кирол уч, фил.

Улар анчагача ўзларини ухлаганга солиб ётишди.

Лаура ҳам уйда бўлиб ўтган жамики гапларни
биттагина киши – Эмилио амаки билса керак, деган
фикрда эди, кунлар ўтди, аммо улар бу гапни бошқа
эслашмади. Ҳар куни уйга келганида Луис Лауранинг
оғзига қарар, бирон янгилик айтирмакин, деб кутар,
алоҳа, унинг хотиржам киёфаси-ю сукут сақлашини
кўриб ич-ичидан зил кетарди. Уларнинг кундалик
турмуши доимгидек давом этар, кинога боришар, бир-
бирларини ялаб-юлқашарди. Луис Лауранинг кўнглида
икки йил аввал Париждаёк орзу қилган нарсаларидан
биронтаси рўёбга чикмаганлигига индамай кўникиб
бораётганидан бошқа ҳеч қандай армони йўқлигини
сезарди. Энди унинг нима демоқчилиги ёки унга нима

бўлганини афт-ангорига караб фаҳмларди. Гарчи ҳеч нарса қилмаслик, ҳаётини мақсадсиз ўтказишга айлантириш учун мислсиз мустаҳкам иродасини кўрсатаётган бўлса ҳам унинг ҳар жиҳатдан Никога ва орқада қоладиган ҳамда бир маромда яшаётган одамларга ўхшашлигини у англаб етганди. Нико билан Лаура бир-бирини яхши тушунган бўлишарди, зотан Луис билан Лаура оила қуришган қуни ўтли ҳарорат ва аҳиллик, ишк-муҳаббат туйғулари билан лиммо-лим асал ойдан кейин бирга яшай бошлаган онлариданок шунинг англаган эдилар.

Пировардида Лаура уйқусида босинқирайдиган бўлиб қолди. Деярли ҳар қуни алоқ-чалок тушлар кўрар, лекин босинқираганларини Луис дарҳол сезарди. Луис ухлаб ётган Лауранинг баданидаги алоҳида ўзгаришларни ноаниқ калималар ёки бўғик товушлар орқали дарҳол сезарди. Бундай ҳолатлар Парижга кетаётганларида кемадаёқ бошланган эди, ҳали унда Нико ҳақида гаплаша олардилар, чунки унинг ўлиmidан уч-тўрт кун ўтган, Европага кетаётган эдилар. Иттифоқо Никони эслаб у ҳақда узок гаплашиб ўтирган кунлари ярим кечада – кейинчалик улар ўзгармас бир нима сифатида қабул қилишган бу ичга ютиб, индамай юриш одати ўшанда пайдо бўлган эди – у Лауранинг хириллашлари, инграши, бирдан оёқларининг томири тортишиб чангак бўлиб қолиши ва худди ўзини қўйиб юбормаётган алланиманинг чангалидан қутулмоқчидек ётган жойида типирчилаб, чинкириб юборганидақа хунук овозидан чўчиб уйғониб кетди. У қўллари, уйқули аъзойи бадани ҳамда овози-ла кўрқинчли, уни бошидан-оёқ чирмаб олган ёпишқоқ бир нимадан ҳалос бўлмоқчидек қучанарди. Луис Лаурани уйғотиш ва ўзига келтириш учун елкаларидан

ушлаб каттик-каттик силкитди, сўнг унга сув берди, Лаура эри тутган сувни ўша босинкираш изму ихтиёридан чиқмай туриб ютоқканча ичди. Бироздан кейин ўзига келгач, ҳеч нарсани эслолмай, нималигини тушунтириш мумкин бўлмаган аллакандай кўркинчли нарса ҳақида гапириб, гапира туриб охири ухлаб колди ва бир олам сир-синоатни ўзи билан туш деб аталган маконга олиб кетди, бироқ Лаура билган нарсани Луис билар, Лауранинг тушига, худо билади, унинг қанака ваҳшиёна киёфада кирганлигини, ким билан кўришганини ва ўша ожиз аёл кўркув зўриданми ёки эҳтимол, беҳуда мухаббат умидидами унинг тиз чўкиб оёқларини кучоклаб олмоқчи бўлаётганигача биларди. Ҳар сафар мана шу туш бир хилда такрорланарди: Луис унга сув тутар ва унинг ичиб бўлиб ёстикқа боши тегартегмас ухлаб қолишини жимгина кутар эди.

Эҳтимол, бир кунмас бир кун кўркув, таъбир жоиз бўлса, орийатдан кучлилиқ қилар. Балки ана ўшанда улар билан курашиш имкони туғилар... Эҳтимол, ҳали умид қилса бўлар, ҳаётлари ўзгарар, ҳозирги сохта сунъий кулиб боқишлар ва француз киноларидан ташкил топган умргузаронликка ўхшамаган бутунлай ўзгача тарзда, бир вақтлари орзу қилганларидек хуррам, осуда, энг асосийси мазмунли яшаш насиб этар.

Ишхонасида етти ёт бегоналар куршовида Луис ҳаётда доим яхши кўрган хушмуомала бўлиб яшаш одатлари ҳамда осойишталик ва тартиб-интизомга амал қилиш лозимлигини сақлашга ҳаракат қилмаса бўлмаслиги ҳақида ҳаёл қилиб ўтирарди. Модомики Лаура бу мавзуда чурк этмасдан намоийшкорона тарзда Эмилио амакиларининг жавобини кутар экан, онасига бор гапни айтиб, шу англашилмовчиликни у билан очик гаплашиб олиши керак эди. Онасига жавоб ёзар экан, у

кейинги хафталарда рўй берган янгиликларни қисқача баён қилиб ўтган бўлди-да, мактубни ўзининг назарида ҳаммасини жой-жойига қўядиган жумлалар билан тугатди: “Хуллас Виктор Европага бораман, деяптими. Жуда соз. Ҳозир кўпчиликнинг орзуси дунёни кўриш бўлиб қолди. Бу саёхатчилар бюроси фаолиятининг самараси бўлса керак. Унга айтинг, бизга хат ёзсин, барча керакли маълумотларни сўраб-суриштириб, хабар қиламиз. Тортинмай тўғри бизникига келаверсин, эшигимиз унга доимо очик”.

Эмилио амаки ортикча куттирмади, у жияни юборган мактубни ўқиган заҳоти жавоб ёзган бўлса керак. Никонинг вафотидан кейин буларнинг ножўя қилмишларидан каттик хафа бўлгани ва ўша пайтдаги гина-кудуратлар ҳамон дилидан аримаганлиги хатдаги хиссиз жумлалардан рўйи рост сезилиб турарди. Наф-силамрини айтганда, Эмилио амакиси ўз норозилигини Луисга бирон марта ошкора қилмаганди, лекин жиянига муносабатини ўзига хос тарзда билдириб қўйганди. Масалан, у Луисни кузатгани чиқмади ва икки йил давомида бегона юртда, мусофирчиликда яшаб юрган кезлари, бир марта ҳам хат орқали бўлсин, туғилган куни билан табрикламади. Мана ҳозир ҳам онаси ҳақида ташвиш чекаётган Луиснинг илтимосини фақат қариндош бўлгани учунгина бажариб, истар-истамас онанинг туриш-турмуши ҳақида ёзарди. Онанининг аҳволи яхши экан-у, лекин у билан деярли гаплашмабди: кейинги йилларда бошига нималар тушганлигини эътиборга олса, ҳаммаси аён ва тушунарли. Унинг ёлғизликдан жуда эзилаётгани сезилармиш, иккита ўғил ўстириб, не-не умидлар билан катта қилса-ю, қариган чоғида хотираларга ёр бўлиб ҳовлида бойқушдай бир ўзи қолса. Тўғри-да, табиийки, ҳар қандай одам

шу кўйга тушади. Уни кизиқтирган сатр масаласига келганда, нозик иш бўлгани учун, бу хусусда Эмилио амаки жуда эҳтиёткорлик билан гап очган, лекин афсус аниқ бир жавоб ололмаган, ҳаттоки онаси уни ичкарига ҳам таклиф қилмай, пировардида айвончада гаплашиб жўнатиб юборибди. Шу чоккача қайнисини ҳеч қачон бунақа кутиб олмаган экан. Соғлигингиз қанақа деган саволга аъло даражада деб жавоб қилибди, тўғри, гоҳ-гоҳ боди хуруж қилиб безовта қилаётганмиш. Шу кунларда эса айниқса эркакларнинг кўйлакларини дазмоллаш толиктириб қўяётган эмиш, кимларнинг кўйлаги экан у деб сўраса, жавоб бериш ўрнига бошини чайқаб қўяверган.

Онаси Эмилио амакиларининг хати билан унинг ўзини кўргани келиб кетишини узок чайнаб юришларига йўл қўймади. Орадан тўрт кун ўтгач, буюртма бўйича юборган хати келди, ҳолбуки у авиапочта орқали Парижга шошилинич хат юборишнинг сира ҳожати йўқлигини жуда яхши билар эди. Лаура Луисга кўнғирок қилиб, иложи борица уйга эртарок келишини илтимос қилди.

Ярим соатдан сўнг Луис уйга келганда Лаура столдаги сарғиш гуллардан кўз узмай хаёл суриб ўтирарди. Мактуб стол чеккасида ётарди. Луис уни олиб ўқиб чиқди-да, яна жойига қўйди. Кейин хотинининг ёнига ўтириб, унга саволомуз қаради. Лаура елкасини қисиб қўйди ва уф тортди.

— Онанг эсини еб қўйибди, — деди.

Луис сигарет тутатди. Кўзларига тутун кириб ачиштирди. У ўйин давом этаётгани ва энди юриш навбати ўзига келганини англади. Бироқ бу партияни уч-тўрт киши ўйнаётган эди. Энди унинг ишончи комил: онасининг ҳам бу ўйинда иштироки бор, у қандайдир

доналар терилган шахмат тахтаси ёнида тургани аниқ. Луис оромкурсига чўкиброк ўтирди-да, нима учундир кафтлари билан юзини тўсди. Лаура ўкраб юборди. Пастда, ҳовлида дорбон аёлнинг болалари кий-чув кўтариб ўйнашарди...

Маълумки, тунодамзоднинг кўп жумбоқлардан халос қилади. Улар иккови ҳам ич-ичидан хоҳлаб-хоҳламай майл-истакларини қондиришга уринишгандан кейин уйқунинг чангалига тушдилар.

Эрталаб, кечаси ҳеч нарса бўлмагандек, об-ҳаводан, Сен-Илидаги жиноят, Жеймс Дин ҳақида валакляб ўтиришди – яна индамасликка азму қарор қилишган ё ўша дим бойлаш ўйини бошланганди гўё. Мактуб ҳамон ўша жойда ётар, нонушта қилиб ўтиришганда кўзлари тушмаслиги мумкин эмасди. Аммо Луис ишдан келганида хатни у ердан тополмаслигини сезарди, Лаура нима қилиб бўлмасин унинг изини қуритарди.

Бир кун ўтди, иккинчиси ўтди, индинига қўшнилари айтиб берган латифаларни эслаб Фернандекнинг ичак узди кўрсатувини кўриб, роса кулишди. Ана шунда театрга бориш ва ҳафтанинг охирларида Ронтелбелда дам олишга қарор қилишди.

Ўша кунлари Луиснинг иш столи ҳар хил керакли-кераксиз маълумотлар ёзилган қоғозлар билан тўлиб кетган, булар бари онаси хатида айтиб ўтган маълумотлар билан муштарак эди. Кема чиндан ҳам 17- число, жума куни Говрга, махсус поезд эса ўн биру қирқ бешда Сан-Лазер вокзалига кириб келарди. Пайшанба куни улар театрга боришган оқшомни хушнуд бир кайфиятда ўтказишди. Ундан икки кун аввал Лаура яна кечаси алаҳсираб чикди, лекин Луис сув келтириш тугул кимир этмади, орқасини ўгирганча ётаверди. Охири Лаура тинчиб, ухлаб қолди. Эртасига

у кун бўйи ёзги кўйлаги билан андармон бўлди, бичди, тикди, бир ерларини ўзгартирди. Улар музлаткичнинг карзидан қутулишгач, электр тикув машинаси олиш зарурлиги хусусида гаплашишди.

Луис стол тортмасидан онасининг мактубини топиб, эртасига ўзи билан ишхонасига ола кетди. Онасининг поезд қачон келишини аниқлаб янглишмаганига шубҳа қилмаса ҳам гавандаги идорага сим қоқди. У ягона шу нарсага ишонарди: қолган нарсаларнинг биронтасига ишониш тугул бу ҳақда ўйлаб кўришни ҳам истамасди. Эмилио амакининг бетайинлигига нима дейсиз! Матильдага ёзса бўлмасмиди. Сирдош яқин дўст бўлишмаса-да, Матильда албатта шу ишга бош кўшиши зарур ва Луиснинг онасига ёрдам кўрсатиш шарт эканини сўзсиз тушунган бўларди. Бироқ, тўғриси айтганда онаси ёрдамга муҳтожмиди, айнан онаси-я! Дафъатан у Матильдани телефон орқали гаплашишга чақирсаммикин, дея ўйлаб қолди. Алоҳа, Херес билан Бегли печенъелари эсига тушиб елкасини қисди. Унга хат ёзиб юбориш даври ўтганди, назарида, аслида эса ёзса бўларди ҳарқалай. Лекин, минг қилса ҳам барибир ўн еттинчи число кунини кутгани маъқулроқ, то...

Коньяк унга унутишга, ўйламасликка ёки жилла қуриса, кўркмай ўйнашга ёрдам бермай кўйди. У Буэнос-Айресда Никони кўмиб келишгандан кейин онасининг авзойини тобора аниқроқ эслай бошлади. Ўша куни у ғам-алам ифодаси бўлиб ўйлаган аломатларни ҳозир ўзини уясидан узокда, аллақайси гўристонга ташлаб кетишмоқчи бўлаётганларини бирон бир йиртқич ҳайвоннинг ваҳшиёна иржайгани сифатида қабул қиларди. Онасининг ҳақиқий башарасини мана энди тушунапти. Ўша пайтда барча қариндош-уруғлари таъзия билдириб, кўнгил сўрагани келиб, кечаси билан

унинг ёнидан жилмай ўтириб чиққанларида онасининг киёфаси қандай бўлса, ҳозир худди ўшандайлигича тасаввурида жонланмокда эди. У ҳам Лаура билан бирга Адронедан келарди ўша кунлари. Лекин онасининг ёнида узок қолмасди, сабаби бирин-кетин Эмилио амакиси, унинг кетидан Виктор ёки Матильда кириб келишар ва худди ҳаммалари келишиб олгандек уларга совуқ муомала қилишарди. Борди-ю Нико бу аҳволда дунёдан кўз юмиб кетса-ю, булар никоҳдан ўтиб турмуш куриб Адронеда бахтли яшай бошлаганларини сира-сира ҳазм қилишолмас, қўйиб берса... Луис бутун кариндошларининг шошилиш равишда, таниш-билиш қилиб билет олиб берганларининг, совга-саломлар билан кемага кузатиб қўйганларининг сабабини мана энди, ҳозир фаҳмлаб турарди.

Тўгри, пайсалга солмай зудлик билан Матильдага мактуб ёзиши лозим эди, буни фарзандлик бурчи такозо этарди. Тўртинчи қадахдан олдинроқ бу ҳақда фикр юритишга қодир эди. Бешинчи қадахдан кейин у ҳамма бўлиб ўтган воқеалар ҳақида бир-бир мулоҳаза юритиб чиқди-да, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишига оз қолди, ҳолбуки кулса ўзининг фарзандлик бурчи устидан кулган бўларди, худди болаларнинг бурчи бордек, худди тўртинчи синфда ўқиётган боланинг манфур 4-синфнинг табаррук муаллимаси олдидаги бурчидек.

Шак-шубҳасиз фарзандлик бурчига қўра Матильдага хат ёзиши шарт. Ойимнинг тоби йўқ, ақлдан озган деб, ўзини овсарликка солиб нимага эришди (бу савол эмасди, лекин нима дейиш керак)? Бундан қутулишнинг ягона йўли – ҳеч нима қилмаслик. Ҳаммаси қандай бўлса, шундай давом этаверсин, фақат жума кунгача...

Луис одатдагича Лаура билан хайрлашиб, ишим кўп, тушликка келмай деганида, у олдиндан нималар

бўлиши мумкинлигини биларди, у хатто: “истасанг у ерга бирга борамиз”, демокчи ҳам бўлди.

Луис вокзалдаги қахвахонага кириб ўтирди, нияти яшириниш эмасди, йўқ, аксинча, унинг нияти ҳаммани кўриб ўтириш-у, ҳеч ким уни кўрмасин. 11 дан 35 дақиқа ўтганда Лауранинг кораси кўринди, Луис уни мовий юбкасидан таниди. Секин қахвахонадан чиқиб унинг ортидан юрди, Лаура бир ерда тўхтаб поездлар қатнови жадвалига кўз югуртириб чикди, вокзал ходимининг олдига бориб нималарнидир сўради, сўнг билетини олиб перронга ўтди – у ерда одамлар гавжум, ҳамма кўзи тўрт бўлиб поездни кутиб турарди. У мевали яшиқлар тахланган вагонетка ортига ўтиб, Лаурани кузатиб борди. Назарида Лаура платформага кираверишда тургани маъқулми ё олдинроққа ўтиб туришми, деб иккиланаётгандек эди.

Поезд узок куттирмади, тезгина етиб келди. Лаура худди ичкарида ҳаво етишмай бўғилиб қолаётгандек ҳовлиққанча бошини вагон ойнакларидан чиқариб олган йўловчиларни таниб-танимай бақир-чақир, шовқин-сурон билан эшелон томон талпинган оломонга қўшилиб кетди. Луис вагонеткани тез айланиб ёғ тўкилган ерларни босмасдан эҳтиёткорлик билан юриб перронга ўтди.

Албатта у беркиниб турган еридан чиқиб келаётган йўловчиларни, уларнинг орасидаги Лаурани, хатто унинг чехрасида зуҳр этган енгиллик ифодаларигача кўрарди. Чинданам Лауранинг қиёфасида енгил тортганлик ифодаси акс этмасмиди ўша онларда? (Бу савол эмасди, лекин нима деса тўғрироқ бўларди?) Ана ундан кейин эса энг охириги йўловчи билан сўнгги ҳаммол кетгунича, хоҳласа перронда қолиши ва офтоб нури тўшалган майдонга тушиб, коньяк-поньяк ичиш

учун қаҳвахонага борса бўларди. Шу бугунок кечқурун у онасига хат ёзади, бугун юз берган воқеа ҳақида бир оғиз эслатмайди (нимасини эслатади?) кейин Лаурага ҳаммасини айтиб беришга ботинади (бирок, турган гапки у ботинолмайди ҳам, бу ҳақда гаплашмайди ҳам). Ёниб кетмайдими ҳаммаси! Бу бакир-чакир қилаётган, қувонч ёшларини яширмай бир-бирини қучоғидан қўйиб юборгиси келмаётган одамларни томоша қилиб туришнинг ўзими? Йўқ, у жомадон ва қоп-қанорлар билан тўлиб-тошган перронда уймалашаётган оломон орасидан нимаси биландир Никога ўхшаш одамни учратиб қолиш умидида кўзлари олма-кесак терарди, зотан у мана шу тутуриксизликка ишонишни хоҳларди. Олдидан ўтиб кетган шунча одам ичидан нари борса иккитаси аргентиналик эди, сочларининг таралиши, эгниларидаги камзуллари, Парижда эканликларидан хаяжонланаётганларини яшириш учун виқор билан қадам ташлашларидан шундай хулоса чиқарса бўларди. Улардан биттасининг аллақаери чинданам Никога ўхшарди. Фақат ўша ўхшашликни излаб топиш керак эди. Иккинчиси Никодан кескин фарқ қилар, очиғи биринчиси ҳақида ҳам бемалол шундай деса бўларди. Биргина бўйини олинг, Никоникидан анча йўғон, белиям шунақа. Чап қўлида жомадон кўтариб кўча томонга йўл олган иккинчисидан Никога ўхшаш жиҳатларини топса бўларди. У ҳам Нико сингари чапақай, унга ўхшаб эгилиброк юрар, сохт-сумбатичи, суякдор елкасичи... Нафсиламрини айтганда Лаура ҳам шундай деб ўйлаган бўлса керак, сабаби у Лаурадан кўз узмай ортидан борар ва унинг юз-кўзида ановинда алаҳсираб ўйғониб кетиб, каравоти чеккасида бўшлиққа тикилиб гарангсираб ўтирган чоқларда юз-кўзида зуҳр этган ўша таниш ифода қотиб қолгандай эди.

Бирок минг қилганда ҳам, яъни иккови ундан ўхшашлик излаганлари билан бу кимса уларга бегона эди: у чиптасини излаб, чўнтагини ковлаш учун тўхтаган маҳал олдига бориб тикилиб юз-кўзига қарашди.

Лаура биринчи бўлиб вокзални тарк этди, уни Луис кидириб ўтирмади, биладики у автобус бекатига борарди. Ўзи эса вокзал қаршисидаги хушманзара оромгоҳ биқинида жойлашган қахвахонага кириб, стуллардан бирига ўтирди. Нега бу ерга кирди, официант кизлардан сўрадимиз, йўқми, кейин эслолмади, лекин сифатсизгина коньякнинг ўткир таъми огзидан анчагача кетмади.

Тушликдан кейин мук тушиб янги афиша лойиҳасини чизиб ўтирди. Гоҳида тўхтаб онасига хат ёзиш ҳақида ўйлаб қолар, бирор қарорга келолмай яна ишга берилар эди, алоҳа иш вақти тугагунга қадар барибир аниқ бир қарорга келолмади.

Уйига пиёда кетди. Уйлариининг ҳовлисида дорбон аёлни учратиб, у билан озгина гаплашиб турди, шу тобда дуч келган таниш кўшнилари билан узоқ суҳбатлашган бўларди, лекин ҳаммаси уйига ошиқар: кечки овқат маҳали яқинлашган эди.

Доимий одатига биноан зиналарни бир-бир босиб шошилмай юқорига кўтарилди, учинчи қаватда, эшиклари қаршисида тўхтаб нафасини ростлади, ҳатто худди ичкарида нима бўлаётгани билан қизиққан каби эшикка суянди. Сўнгра одатдагидек кетма-кет қўнгирик тугмасини икки марта босди.

— Келдингми, кечикканингга ҳайрон бўлиб ўтиргандим, — деди Лаура муздек юзини тутиб. — Ишинг кўпайиб кетгандир-а... Кирақол тезроқ, қозондаги гўшт қуйиб ҳам кетгандир.

Йўқ, гўшт ковурилиб ҳам, куйиб ҳам кетмаган, лекин ўта бемаза ва каттик эди. Фурсатдан фойдаланиб Лаурадан вокзалга нега бординг деб сўраса борми, ичаётган қаҳваси ёки чекаётган сигараси балки ёкимлироқ таъсир қилган бўларди. Лекин Лаура кун бўйи уйда ўтирибди; худди биров уни ёлғон гапиришга мажбур қилаётгандек ёки онасининг кўнгилсиз васвасалари хусусида аския қилиб қўйишини кутаётгандек...

Қаҳвасини болкошиқ билан аралаштириб ўтирганида у яна қулай фурсатни кўлдан бой берди. Лауранинг тўқиган ёлғон жавоби ҳеч нарсани ўзгартирмасди. Перрондаги бегона одамларнинг кучоклаб ўпишганлари камроқ бўлганда Никони деб шунча пайт сукут сақлашлар, у ёки буниси ҳаёлида Никодан бошқаси бўлмаса нима фарқи бор. (Бу савол эмас, бошқа нима дейиш мумкин?) Столга учинчи одам учун мўлжаллаб идиш-товоқ қўйса бўлмасмиди? Жаҳлдан жазавага тушса, сигарет тутуни ичра кийшайиб ва тобора онасига тортиб бораётган сўлгин ва гезарган юзига мушт туширса бўлмайдими? Худди Нико нариги хонада ўтирибди ёки бир замонлар ўзи сингари зинада эшикка суяниб гап пойлаб турибди ёки ака бўлиб у эгаллаган, ҳар доим унга тегишли оппоқ чойшабда ёнбошлаб олганча ётгандек. Ана ўша (Нико) Лауранинг тушларида бу ерга сўроқсиз кириб келган. Эҳтимол, ҳозир ҳам оғзида сигарет, сал-пал йўталганча ўша ерда чалқанча ётгандир, ишшайиб: томирларида бир томчи ҳам ҳаётбахш, соғлом қон қолмаган — охирги кунлари унинг афт-ангори шунақа бўларди.

Луис бошқа хонага кириб, стулга ўтирди-да, тунчироқни ёқди. Онасига жўяли гапларни ёзиши учун унинг хатини қайта ўқиб чиқишнинг ҳожати йўқ эди.

У “Қадрли онажон”, дея бошламокчи бўлди хатни. Лекин: “Қадрли онажон”, деб ёзди-ю, қоғозни ғижимлаб ташлади. Сўнг “Она” деб ёзиб кўрди. Хонада ҳаво етишмаётгандек, тўрт тарафидан деворлар сиқиб келаётгандек юраги торикди. Гуё ҳамма нарса бўғарди уни. Уй икки киши учун мўлжаллаб қурилган эди, у шундай деб ўйлади. Ҳа, аниқ икки кишига мўлжалланган. У “Она” деб ёзгач, бошини кўтарганда Лаура остонада унга тикилиб турарди. Луис ручкани қоғоз устига қўйди.

– Жудаям озиб кетгандек туюлмадими сенга? – деди Луис.

Лаура тушуниксиз бир ҳаракат қилди. Унинг ёноқларидан икки қатор инжудек кўз ёшлари оқарди.

– Сал-пал, – деди у. – Одам бир хил турмайди-да доим...



БЕМОРЛАРНИНГ САЛОМАТЛИГИ

Кечагина туппа-тузук юрган Клелия хола бирдан кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолувди, ҳамма ўзини йўқотиб қўйди. Ҳатто, Роке тоғадек босиқ, ҳар қандай оғир дамларда ҳам биронта ўринли чора-тадбир ўйлаб топишга уста одам ҳам довдираб қолди. Дарҳол Карлоснинг ишхонасига кўнғирок қилиб, унга хабар беришди. Пепа билан Роса мусикадан ўтишаётган машғулоти бошқа кунга қолдириб, ўқувчи болаларни уй-уйларига қайтариб юборишди. Клелия холани айтмайсизми, ўзининг соғлиғи бунақа-ю онамиздан ташвишда: мени дардим енгил, кўрмагандек бўлиб кетаман, онангизни эҳтиёт қилинг, хафақон касали билан ўйнашиб бўлмайди, бунинг устига қонида шакар кўпайиб кетибди. Яна, Алехандрога нима бўлганини айтиб қўйманглар, доктор Бонифас тушунтиргандир?!. Худо кўрсатмасин, Клелия хола узокроқ ётиб қолса борми, ойим шубҳаланмайдиган биронта ишончлироқ баҳона топиб қўйиш керак... Тавба, ўзи Алехандронинг бошига тушган фалокатни қанақа қилиб айтамин, деб қийналиб туришганида шу етмай турганди! Оқибатини ўйламай оғзингдан бир оғиз ортиқча гап ёки арзимаган янглишмовчилик чиқса тамом, ойим ўша заҳоти сезади. Уйлари катта бўлса нима қипти! Бахтга қарши ойим ўта сезгир, ер тагида илон қимирласа билади, ким нима қиляпти, ким келди, ким йўқ – билиб ётади. Пепа телефонда доктор Бонифас билан гаплашиб

бўлгач, доктор иложи борица эртарок келишга ваъда берди, эшик очик тураверсин, кўнғироқ қилмасдан кириб келармиш, дея ҳаммани огохлантириб қўйди. Ҳали Роса билан Роке тоға икки марта ҳушидан кетиб, энди боши каттиқ оғриётганидан зорланаётган Клелия холанинг тепасида гирдикапалак бўлишаётган пайтда Карлос ойимнинг ёнида ўтирар эди. Ҳозир у Бразилия ҳақидаги ҳар-хил миш мишлар билан ойимни чалғитиб, энг сўнги янгиликларни ўқиб бераётганди. Ойимнинг кайфияти чоғ, ҳатто тушдан кейин хуруж қилиб турадиган бел оғриғи ҳам безовта қилмасди; лекин, ётоғига ким кирса, нима бўлди, нега ҳамма ташвишли кўринади, деб дам-бадам сўрарди. Худди келишиб олгандек, бугун ҳамма ҳавонинг оғирлиги ва таркибига аллақандай кимёвий моддалар қўшаётганлари учун нон маҳсулотларида маза-матра қолмаганлиги ҳақида гапирарди. Энди чойга ўтирганимизда Роке тоға келди: ойимни гапга солиб ўтириш унинг навбати эди, Карлос эса фурсатдан фойдаланиб тезгина ювиниб чикди-да, доктор Бонифасни кутиб олгани пастга тушиб кетди. Клелия хола ўзини яхши ҳис қилар, лекин шунга қарамай иккинчи марта ҳушини йўқотмасидан аввалги шашти паст, ҳатто бармоқларини кимирлатолмасди. Галма-галдан унга қараб тепасида ўтирган Пепа билан Роса ялиниб-ёлвориб бир пиёла чой тугул бир култум сув ҳам ичиришолмади. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам кечга бориб уйда юзага келган танг вазият бироз енгиллашди. Ҳамма Клелия холанинг дарди жиддий эмаслиги ва соғайиб, эртасигаёқ ҳеч нарса бўлмагандек ўз оёғи билан ойимнинг ётоғига кириб келишига ишонгиси келарди...

Лекин Алехандрони иши мушкулроқ! Чунки у Монтевидеода яшайдиган ҳамкасб дўсти билан

учрашгани кетаётганда автомобиль ҳалокатига учраб халок бўлган Ўша машъум воқеадан кейин бир йил ўтган бўлса ҳамки, уйдагиларнинг ҳаммасига худди кеча юз бергандек туюларди. Ойимдан бошқа ҳамма учун! Ойим, Алехандро Бразилиянинг Ресифэ шаҳридаги фирмалардан бири билан тузилган шартнома бўйича ҳалиям цемент заводи қурилишида ишляпти, деб ўйларди. Доктор Бонифас ҳаммамизни йиғиб вазиятни тушунтиргандан кейин ҳам, ойимни руҳан тайёрлаб қўйиш мақсадида, биров Алехандронинг машинаси ҳалокатга учрабди, у шикастланибдию лекин бахтимизга жароҳати енгил эмиш, ёмон кўздан ўзи асрасин, дея ишора қилиб қўйиш тугул, бу ҳақда ўйлашга ҳам ботинолмади... Ҳаттоки, биринчи кунлари, айтиш мумкинки, ақл-ҳушидан айрилаёзган Мария Лаура ҳам бу бахтсиз ҳодисани зинҳор-базинҳор ойимга айтмаслик керак, деган фикрни маъқуллади. Карлос билан Мария Лауранинг отаси ўша куниёк Алехандронинг жасадини олиб келгани Уругвайга учиб кетишди, қолганлар эса ойимнинг аҳволидан хавотирда тепасидан бир қадам нари кетмай, унга кўзқулоқ бўлиб туришди, ўша кунлари ойим ўзини анча олдириб қўйганди. Видолашув маросими инженерлар клубининг катта залида (албатта маъмуриятнинг руҳсати билан) бўлиб ўтди, шу тарика Пепадан бошқа – ойим уни ҳеч қачон юбормаганди ўшанда – барча қариндош-уруғлари мотамсаро Мария Лаурага лоақал таъзия билдириб, унга сабр тилагани ўша ерга боришди. Табиийки, ҳамма оғирчилик Роке амакининг зиммасига тушди. Тонг қоронғусида ўша ерга етиб келган Роке амаки энг аввал нима қилиш лозимлигини Карлосга тушунтирди, Карлос эса Алехандро билан доим карта ўйнаб ўтирадиган яшил ранг мовут қопланган столга

бошини қўйганча хўнг-хўнг йиғлади, салдан кейин уларнинг ёнига Клелия хола келиб ўтирди. Ўша куни ойим кечаси билан донг қотиб ухлади, шунинг учун иккиланмасдан бир ўзини қолдирса бўларди. Энг аввало Роса билан Пепанинг розилигини олиб ойимга “Насьон” газетасини – ойим унда-мунда шу газетани ўкиб турарди – кўрсатмасликка қарор қилишди, сўнг ҳамма бир овоздан Роке тоғанинг онамизга: Бразилиядаги баобру бир фирма Алехандро билан ўн икки ойга шартнома тузишни таклиф этган экан, бу икки томон учун фойдали бўлгани сабабли Алехандро Монтевидеодаги жўраси билан нари-бери хайрлашиб, Бразилияга учиб кетибди, деб тушунтирамиз – бошқа илож йўқ, деган фикрини маъқуллади. Ойимга албатта, бугунги кунда кадриятларнинг ўзгариб, одамлар орасидан меҳр-оқибат кўтарилгани, айниқса, тадбиркорлар жуда-жуда бағритош бўлиб бораётгани ҳақида энсанг қотгандек шикоят қилиб туриш лозим бўларди, тағинам Алехандро инсофли йигит экан – мақсад шу аслида – беш-олти ойдан кейин бир ҳафтага келиб-кетишнинг иложини қилармиш, барака топсин. Хайрият, бу янгиликни гарчи кўз ёшисиз ва доридармонсиз бўлмаса ҳам ойим биз қутгандан кўра енгилроқ қабул қилди. Карлос – ойимнинг кўнглини топа биладиган одам деб ана уни айтса бўлади – суюкли кенжатайингиз шунақа мартабага эришсаю сиз йиғлаб ўтирсангиз уят бўлар энди, деди. Мана шуни, деб жигаргўшалари сиқилишаётгани Алехандрога етиб борсами, озор чеккан бўларди. Ойим ўша заҳоти ўзини қўлга олди-ю, аммо-лекин ҳозир Алехандронинг саломатлиги учун қадах кўтарардим, деб қолсалар бўладими?! Юраги тўлиб ўтирган Карлос буни эшитиб, мусаллас келтириш баҳонасида хонадан учиб чиқиб

кетди, лекин саҳбони Роса олиб кирди ва ойим билан бирга ичишди.

Иложимиз қанча... ойим жуда-жуда кийнаиб кетганди, у ҳадеб шикоят қилиб зорланмаса-да, бир ўзини ёлғиз қолдиришмас, кечаю кундуз атрофида гирдикапалак бўлишарди. Пайшанба куни, дафн маросимининг эртасига ойим келиним кўринмаяпти, деб ажабланиб сўраган эди – Мария Лаура ҳар пайшанба уни кўргани келарди – Пепа оёғини кўлига олиб Мария Лаура билан маслаҳатлашгани чолкампири Новалиларникига югурди. Айни пайтда эса Роке амаки адвокат ошнасиникида зиммасидаги вази-фанинг нақадар нозиклигидан ҳасрат қилиб ўтирарди. Адвокат ўша куниёқ Ресифэда истиқомат қиладиган (ойимникидагилар қайси шаҳарга боришни билишганига қойил қоласан) укасига мактуб йўллаб, тез-тез хат ёзиб турсин айтиб қўй Алехандро дўстингга, деб тайинлашга ваъда берди. Доктор Бонифас гўё йўл-йўлакай кирган киши бўлиб ойимни бир қур текширди-да кўзлари анча яхши, лекин толиқтириб қўймаслик керак, деб тайинлади ҳамда вақтинчалик газета ўқимай туришни тавсия этди. Клелия хола дунёда юз бераётган энг қизиқ янгиликлар ҳақида гапириб ўтиришни зиммасига олди, бахтимизга ойим радиони, айниқса зоти суҳандонни ёқтирмасди. Уларнинг овози ўта ёқимсиз, буям етмагандек, деярли ҳар дақиқада бериладиган шубҳали дори-дармонларга бағишланган маъни-маънисиз рекламаларни ўқишлари-чи, одамларга ҳам ҳайронсан, фарқига бормай олиб ичаверишади.

Мария Лаура жума куни кечкурун келди. У меъморчилик бўйича бошланиб кетган имтиҳонлар толиқтириб қўяётганлиги, бир минут бўш вақти йўқлиги ҳақида зорланиб гапирди.

– Тушунаман, фариштагинам, – деди ойим ички бир меҳр билан, – кўзларинг ҳам қизариб кетибди, яхши эмас!.. Кечқурун ётишдан олдин мойчечак дамламаси билан чайиб ётгин, эрталабгача анча яхши бўлиб қолади, мени айтди дерсан.

Зарурат туғилиб қолса, ўша заҳоти суҳбат мавзуини ўзгартириб юборишга шай бўлиб Роса билан Пепа ойимнинг ёнидан бир қадам силжимай ўтиришарди. Отасига раҳмат, Мария Лаура истеъдодли актрисадек ўз ролини қойил мақом қилиб ижро этди, у ҳатто ойим, куёв деган ҳам шунақа бўладими, ҳеч кимга лом-мим демасдан шартта жунаворди, деганларида жилмайиб қўйди, холос. Ҳозирги ёшлардан бошқа нимани ҳам кутасан; одамларам ўзгариб кетган; бесабр-бетоқат, бир нимадан курук қолаётгандай елиб-югуришгани югуришган, ҳовлиқишади – ит эгасини танимайди... Ана шундан кейин ойимнинг узундан-узоқ хотира дафтари очилади: ота-онасини, бувиси билан бувасини, қон-қариндошларини бирма-бир эслаб чиқади, кейин ҳаммага қаҳва тортишади, ўша заҳоти янги латифалар айтиб беришдан чарчамайдиган ҳазилкаш Карлос оғзи қулоғида кириб келади – айни пайтида келди-да, бунинг устига Роке амаки ҳам шунақаям ёқимли ва ийдириб юборадиган табассум билан ётоқхонага бош суқиб кирадики... Қисқаси, ҳаёт яна ўз изига тушиб кетади.

Бора-бора уйдагилар бу мураккаб ва чалкаш ўйинга кўникиб қолишди. Иқрор бўлиш керак, ҳаммаданам Мария Лаурага қийин эди, яхшиямки у ҳафтада бир марта – пайшанба куни ойимдан хабар олгани келади. Ниҳоят барчамиз орзиқиб кутган кун ҳам етиб келди. Алехандронинг илк мактуби қўлимизга тегди. Худога шукур, зап пайтда келди, акс ҳолда жим бўлиб кетди-я, деб ойим хавотир қила бошлар эди.

Карлос ойимнинг оёк тарафига ўрнашиб ўтирди-да, Алехандронинг мактубини овоз чиқариб ўқиб берди. Ресифэ Алехандрога бениҳоя ёкибди. У кўрфаз ҳақида, у ердаги тўтифурушлар, роҳатбахш салқин шарбатлар ҳақида эринмай батафсил ҳикоя қиларди. Бунини қаранг-а – шу ерга келганда ҳамма хайратдан ёқасини ушлади – ананас беҳад арзон, деярли сув текин, қахвани айтмайсизми – бирам хушбўй эканки... Ойим конвертни кўлига олиб қаради-да, маркаларини Маральдоларнинг кенжатоё ўғлига беришни уқтирди. Агар унинг ихтиёрида бўлса, ёш болаларга марка йиғишни тақиклаб кўяркан, чунки болалар ҳеч қачон кўлларини ювишмайди, маркалар эса қайси гўлаҳ хоналарда ётган – ким билади?!

– Тўппа-тўғри! Буниси майли, яна маркаларни туғлаб ёпиштиришганига ўлайми, тавба, – деди ойим, – бирон бир касал юқтириш мумкинлиги ҳаёлларига ҳам келмайди-я! Ҳамма билади, микроблар унча-мунчага ўлмайди. Фарқи нима? Битта марка кўп, битта марка кам!

Эртасига ойим Росани чақириб, Алехандрога айтиб туриб хат ёздирди, хатда қачон таътилга чиқишини, уйга келиб-кетиши қимматга тушиш-тушмаслигини сўради; ўзининг саломатлиги ҳақида батафсил, иқри-чиқиригача тафсилотлари билан ҳикоя қилиб берди, шунинг орасида Карлоснинг лавозими кўтарилганини эслатиб ўтишни унутмади; Пепанинг энг қобилиятли ўқувчи, деган муқофотга сазовор бўлгани, Мария Лауранинг ҳар пайшанба канда қилмай кўргани келаётгани – шўрлик ишга берилиб соғлиги ҳақида қайғурмаётгани ва кўзини эҳтиёт қилмаётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Мактуб ёзиб тугатилгач ойим қоғоз варақларини олиб кўзига суртди, кейин қалам билан

имзо чекди. Пепа ўша заҳоти ўрнидан ирғиб турди-да, конверт келтириш баҳонасида учиб чикиб кетди, кўз очиб юмгунча вақт ўтмай жавон устидаги гулдонга солиш учун янги узилган гуллар билан ойимнинг соат бешда ичишларига кўрсатма берилган дориларни кўтариб Клелия хола кириб келди.

Нимасини айтасиз... уларга осон тутиб бўлмасди. Ойимнинг қон босими бирдан кўтарилиб кетганда, беихтиёр, наҳотки шунча уринишлар, эҳтиёткорлик, зўрма-зўраки масрурликка қарамай ички хавотирлик ва умидсизлик хуруж қилаётган бўлсая, деган хаёлга боришарди. Йўқ, нега экан, бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас! Чунки уларнинг олдиндан тайёрлаб қўйилган сохта кулгулари ойимнинг хоналарига киришгач бениҳоя самимий қаҳ қаҳага айланиб кетардики қойил қолмай иложинг йўқ! Тўғри, гоҳо-гоҳо ойим уларни кўрмайдиган, овозларини эшитмайдиган ерда ҳамма нарсани унутиб ҳазил-мутойиба қилиб ўйин-кулгуга берилишарди... Аммо-лекин ўйин-кулгу авжига чиққан маҳал кўкқисдан тўхтаб қолишар ва шунда ҳаммалари беихтиёр бир-бирларидан кўзларини яширишга ҳаракат қилишарди. Пепа йиғлаб шишиб кетар, Карлос эса бошини қуйи солиб тўхтовсиз сигарет чека бошларди... Нафсиламрини айтганда, улар ҳозир, ойим ҳеч нарсадан беҳабар пайтида бу оғир, диққинафас кунларнинг тезроқ ўтиб кетишини орзу қилишарди. Доктор Бонифас билан навбатдаги суҳбатдан сўнг, оила аъзоларининг барчаси, Клелия хола таъбири билан айтганда, бу “мурувват ва шафқатнинг машаққатли йўлидан” асло қайтмасликка қарор қилишди. Шакшубҳасиз, айникса, Мария Лаура ойимни йўқлаб келганида жуда-жуда қийналиб кетишарди. Чунки у келди, дегунча, ойим фақат Алехандро ҳақида гапирар-

ди – тўғри, бу табний, она бўлгандан кейин кизикади-да боласининг такдирига. Қолаверса, ойим уларнинг мақсадини билгиси келарди, Алехандро келса тўй қилишадими ёки Алехандро яна қилиқ чиқариб битта-яримта фирма билан қаердалиги ва муддати номаълум шартномага имзо чекадими – ҳуллас билгиси келарди. Ўласанми қоласанми, лекин ойимнинг гапларидан сиқилиб, бир ҳол бўлиб оромкурсида ўтирган Мария Лаурани лоақал бир дакика бўлсин тинч қўйишлари учун ойимни чалғитгани дам-бадам ётоқхонага кириб туришга тўғри келарди. Кунлардан бир кун ойим, дафъатан, Клелия холадан Мария Лаура келганда нима сабабдан ҳаммалари ёпирилиб келиб ётоқхонамни отбозор қилиб юборишади, Алехандронинг қаллиғи билан гаплашишга бошқа вақт қуриб қоптими, дея сўраб қолган эди, Клелия хола қулиб юборди-да, юмшоқлик билан Мария Лаурани кўришса, Алехандрони кўргандек бўлишади-да, дея изоҳ берди.

– Гапинг тўғри, – дерди шунда ойим, – умуман олганда, Мария Лаура бебаҳо қиз. Мени эркатой ўғлим (уни савалаган одамнинг ҳақи кетади) билиб қўйиши лозим, илло, бунақа қизни уволи тутади!

– Вой тавба, нималар деяпсан?! – Клелия хола кўзларини ката-катта очиб ойимга тикилиб қолди, – ўғлинг ҳақида гап очилса, ўзингни йўқотиб қўясан-а!

Ойим кулимсиради ва бугун-эрта Алехандродан хат келса керак, деб қўйди. Дарҳақиқат, хат бир кун ҳам кечикмай етиб келди, Роке амаки хатни ойим ҳар кун соат 17.00 да ичадиган лимонли чой билан патнисга солиб тантанали равишда келтириб берди.

Бу сафар Алехандронинг хатини ўзи ўқимокчи бўлган ойим кўзойнагини сўради. Сўнг шошилмай, ҳар бир сўзнинг, ҳар бир жумланинг мағзини чакиб ўқиб чиқди.

– Ҳозирги ёшларга ҳайронсан, ҳурматни билишмайдими нима бало, – деди норози оҳангда ойим, – яхшиямки, бизни пайтимизда ёзув машинкалари бўлмаган, лекин чин сўзим, мен сизларга бунака ёзиб юборишга ботинолмасдим, отангизга-ку, мутлако...

– Ёзиб ҳам кўргин эди! – ойимнинг гапини илиб кетди Роке тоға. – Отасига тортган-да!..

– Вой, Роке-ей, лозим бўлса-бўлмаса, чолим ҳақида бир оғиз номаъкул гап айтмасанг кўнглинг жойига тушмайди-я! Ўзинг биласан, бунака гапларни ёктирмайман. Ёсингдан чиқдими ойим билан ўтган гап-сўзлар...

– Хўп-хўп, бўлди, бўлди. Гап келиб қолди-да, узр, лекин ҳозирги ёшлар ҳурматни билишмайди, деганингга қўшиламан.

– Бир нарасага, ҳайрон бўлаяпман, – деди ойим ва кўзойнагини олиб нақшинкор карнизни кўздан кечира бошлади, – Алехандродан бир эмас, бешта хат олдим, тавба, биронтасида мени бу ердалигида айтиб чақирадиган номимни тилга олмаяпти... Иккимиздан бошқа ҳеч ким билмайди буни. Жудаям ғалати, биласанми, сира тушунолмаёпман... Лоақал бир марта айтгандаям майлийди, акс ҳолда одам ҳар хил хаёлга бораркан...

– Балки, мактубда шундай, деб аташ ноқулай бўлаётгандир унга... Гаплашиб ўтирганларингизда айтиш бошқа, хатда бошқачароқ чиқади. Ҳа, дарвоқе, нима, деб чақирарди ўзи сени?

– Бу иккимизни ўртамиздаги сир. Буни Алехандро билан мен биламан фақат, – шундай деб ойим жилмайиб қўйди.

Нима, деб чақирарди Алехандро ойимни, дея ўйлайвериб Пепа билан Росанинг мияси ачиб кетди. Уларнинг саволларидан безор бўлиб кетган Карлос

эса, нима деб жавоб қилишни билмай нуқул елкасини қисарди.

– Мендан нима истайсиз, амаки? Худога шукр, бировларнинг имзоларини ўхшатиш қўлимдан келади, ундан бошқасини кутмангларам, сўрамангларам... Эрта-индин ойимни бутунлай эсидан чиқиб кетади. Унинг гапларини жиддий қабул қилмаслик лозим, холос.

Ҳаёт ўз йўлида давом этарди. Иттифоқо бир куни шу суҳбатдан беш ойча ўтгач – Алехандродан ишим кўпайиб кетди, бир минутама вақтим йўқ, деган мазмундаги шикоятмуз оҳангда (холбуки нолиш гуноҳ, чунки бундан ортиқ ишни орзу қилиш ёш мутахассисга ношукурлик) мактуб келганди, ойим дафъатан Алехандродан отпускангни олгин-да, йўлга туш, Буэнос-Айресга кел, дея қатъиян талаб қилишга ўтди. Ойим айтиб турганда хат ёзадиган Росанинг назарида бу сафар ойим ҳар битта сўзни тош-тарозуга солиб, ҳар бир жумланинг маъносини узок ўйлаб ёздирардигандек эди.

– Айтишга осон, боякиш кеп-кетишнинг йўлини тополмаётганга ўхшайди, – деб юборди Роса беҳосдан. – Иши яхши, келажагидан кўнгли тўқ бўлса, шундай фирма билан кимнинг алоқани бузгиси келади?!

Ойим Росанинг гапларига заррача эътибор бермай айтиб туришни давом эттираверди. Саломатлиги чаток, шунинг учун Алехандро жилакуриса икки, уч кунга келиб кетиши шарт. Мария Лаураниям ўйламаса бўлмайди, ахир шуям инсофданми, бир йилдан ошди-я!.. Алехандронинг ўз қаллиғига вафодор эканига ҳеч ким шубҳа қилмайди, лекин чинакам севги учун факат шоирона сўзлару ваъдалар кифоя эмас, яна тагин хат орқали. Мактуб ниҳоясида ойим Алехандро яқин кунлар ичида ўзини қувонтирадиган хабар юборишига

умид боғлаб кутишини изҳор этди. Ойимнинг одатига хилоф тарзда хатни конвертга солмасдан аввал лабига тегизиб қўймагани ҳамда худди хотирасига муҳрлаб қўймоқчидек, саҳифаларига узоқ ва узоқ тикилиб қолгани Росага ғалати туюлди ва жуда ажабланди. “Бечора Алехандро!” деди у хўрсиниб ва ойимдан яширинча тезгина чўкиниб олди.

– Менга кара, – деди Роке тоға кечқурун Карлосга домино ўйнагани ўғиришган маҳал, – ишимиз чатоққа ўхшайди. Бир чорасини топиш шарт. Қанча тез бўлса, шунча яхши. Акс ҳолда бугун бўлмаса эртага сезиб қолади.

– Мени қўлимдан нима келади. Фақат айтишим мумкин, Алехандродан шундай бир хат келсинки, уни ўқиган ойим анча пайтгача тинчроқ юрсин... Бечора, шундай кийналиб кетдики, нимасини айтай...

– Ҳамма кўриб турибди, нима бўлаётганини, оғайничалиш. Лекин мени ишончим комилки, онангиз ўзини қўлга ола билади, энг асосийси у ўз уйида, болачақасининг даврасида!

Ойим Алехандронинг мужмалгина хатини индамай ўқиб чиқди – хатда у заводнинг Бош корпусини топширишган захоти қандай бўлмасин таътилга чикаман, деб ваъда берарди. Кечқурун Мария Лаура келганда Алехандронинг ваъдаларини индамай ўқиб чиққан ойим, каттиқроқ туринг, куёв дегани бунақа бўлмайди, жиллақуриса бир ҳафтага Буэнос-Айресга келиб кетсин, деди. Роса билан гаплашиб ўтирганда эса Мария Лаура ойим бу ҳақда пайтини топиб, хонада ёлғиз қолишганда айтганига эътиборни қаратди. Яхшиямки Роке амаки бор, мана шу халоскоримиз ҳаммани ташвишга солаётган, лекин хали-хануз биронтамиз тилга олишга журъат қилолмаётган нарса

хақида очик-ошкор гапирди. Ана шундан сўнг ойим уйга келиб-кетишга мажбур қилиб Алехандрога хат ёздираётган маҳал оилавий кенгашда – пешонамиздан кўрамиз, бошқа иложи йўқ, – қисқаси, ойимнинг ўғли хақидаги биринчи кўнгилсиз хабарга бардоши етиш-етмаслигини синаб кўришга жазм қилинди. Карлос доктор Бонифаснинг олдидан ўтди, у янги бир дорини таклиф эта туриб, асосийси эҳтиёткорлик эканини қайта-қайта тайинлади. Орадан ўн кунга яқин вақт ўтди. Кунларнинг бирида, кечки пайт Роке тоға ётоқхонага кириб келди. У секингина ойимнинг оёқ тарафига ўтирди-да, сўнг дори-дармон турадиган стол ёнида мате ҳўплаб, негадир дам-бадам деразадан ташқарига қараб қўяётган Росага ишора қилди.

– Мен нима девдим, жияним бекорга келиб-кетишни пайсалга солмаётибди, демовдимми, мана ҳаммаси маълум бўлди-қўйди, – деди Роке тоға тиззасига уриб. – У сени саломатлигингни ўйлаб, онам сиқилмасин деган, билардику аҳволингни?!

Ойим ҳеч нарсани тушунмай анграйиб унга қаради.

– Бугун қуданг Навали кўнғирок қилди, Мария Лаура Алехандродан хат олганга ўхшайди. У ҳаммаси жойида, тинчлик, деб ёзибди, лекин минг афсуски уч-тўрт ой ҳеч қаёққа боролмасмиш.

– Нега боролмасмиш?.. – деб сўради ойим.

– Оёғига бир бало бўлган, шекилли. Мария Лаурадан сўраб-суриштирайликчи ҳали. Навалининг гапига қараганда оёғи синганмишми-ей?!

– Нега синади?

Роке тоға жўяли жавоб топгунча Роса дори кўтариб ойимнинг ёнида ҳозиру нозир бўлди. Худди келишиб олгандек ўша заҳоти остонада доктор Бонифаснинг қораси кўринди. Хуллас, чоп-чоп, югур-югур бошланди.

То ҳаммаси ўрнига тушгунча жонимиз оғзимизга келди, доктор Бонифас бечора ярим кечагача кетолмай ўтирди. Икки кундан кейин сал ўзига келган ойим Алехандрога хат ёзиб юборишинг керак, деб Пепага фармон берди. Ойимнинг гапини яхши тушунмаган Пепа қалам билан қоғоз кўтариб келганди, ойим кўзларини юмиб бош чайқади.

– Нимани хоҳласанг шуни ёзиб юборавер. Ўзингни эҳтиёт қил, дейишни унутмасанг бўлди.

Пепа индамайгина ойимнинг каравотига ўтирдида, узундан-узоқ хат ёзди, ҳолбуки у ойим бир сатрини ҳам ўкимаслигини биларди. Ўша куни окшом Пепа Росага, ойим мактубни ўкимаслиги тугул қўлига ҳам олмаслигига заррача шубҳа қилмаганини айтди.

Ойим суяқ дорини олиб келишгандагина кўзини очди, у худди бутунлай ўзга нарсалар ҳақида ўйлаётганга ўхшар, мактубни тамомила унутган эди.

Алехандро жавоб хатида оёгининг лат егани ҳақида ёзатуриб, ойимни ташвишга қўяман, деб вақтида айтмаган эдим, дея астойдил ўкиниб ёзарди. Икки марта гипсга солишганини, ёзиш шартми?! Мана энди ҳаммаси жойида. бир ҳафталардан кейин юришга рухсат беришса керак. Қискаси кўп эмас икки ой вақт йўқотди. Лекин иш қизиган паллада авжи тўхтаб қолди – шуниси алам қилади...

Хатни овоз чиқариб ўкиб бераётган Карлос ойимнинг хаёли жойида эмаслиги, дам-бадам, соатга қараб қўяётганини пайқаб ўтирар, бу ойимнинг асабийлашаётгани ва бетоқат бўлаётганининг биринчи белгиси эди. Соат еттидан беш дақиқа ўтган, ҳолбуки Роса роппа-роса еттида доктор Бонифас ёзиб берган дори билан қайнатмани олиб кириши лозим эди.

– Ана кўрдинг, – деди Карлос мактубни икки буклар экан. – Ҳаммаси жойида, ваҳима киладиган ери йўқ. Эркатоёй ўғлинг соппа-соғ.

– Боши омон бўлсин ишқилиб, – деди бунга жавобан ойим. – Росага чикиб айт, тезроқ қимирласин!

Лекин ойим, Алехандро оёғини нима килиб синдиргани ҳақида батафсил айтиб берган Мария Лауранинг гапларини диққат билан тинглаб ўтирди ва ҳатто, албатта массаж қилдирсин, шуни ёзиб юбориш эсингдан чикмасин, деб маслаҳат берди. Отаси отдан йиқилиб оёғи синганда айнан шу усул кўпроқ ёрдам берган экан. Гап орасида ойим бир неча томчи лимон қайнатмаси сўради – унинг фикрича бу бош оғриғини тез қолдирармиш.

Биринчи бўлиб кўнглидаги гапларини Мария Лаура очик-ойдин айтди. Ўша куни кечқурун уйига кетишдан олдин у Росани меҳмонхонага чақирди-да, шубҳа-гумонларини тўкиб солди. Роса кулоқларига ишонгиси келмай, лом-мим демасдан Мария Лаурага тикилиб қолди.

– Бўлмаган гап! – деди охири Роса. – Қаллангга қаердан келди бунақа бемаъни фикрлар!

– Бўлмаган гап эмиш, бор гап! – деди бунга жавобан Мария Лаура, – айтиб қўяй, иккинчи унинг ётоқхонасига қадам босмайман. Нима десангиз деяверинг, лекин келмайман бошқа.

Мария Лауранинг иштибоҳларида жон бор эди – буни ҳар биримиз тушуниб турардик, бироқ Клелия хола – унинг гапига ҳамма қўшилди – айтилган сўз отилган ўқ, бу хонадонда ҳеч ким сўзини орқасига қайтариб олмайди, деди. Роса Мария Лауранинг олдига борди, бироқ укасининг қаллиғи тўлиб турган экан, шунақаям ўқраб, йиғлаб бердики ундан бир нимани илтимос

килишдан маъно қолмади. Кечқурун ойимнинг олдида ўтирганда Пепа билан Роса – бечорани бир-биридан қийин имтиҳонлар қийнаб юборяпти, деб Мария Лаура-га роса ачинган бўлишди. Ойим чурк этмади, келгуси пайшанба куни эса Мария Лаурани ақалли бир марта сўраш у ёқда турсин, умуман эсламади ҳам. Ўша куни Алехандронинг Бразилияга кетганига роппа-роса ўн ой бўларди. Ёш инженернинг фаолиятига юксак баҳо берган фирма шартномани яна бир йилга чўзишни таклиф қилди, фақат битта шarti Алехандро дарҳол янги завод курилайётган Белен шаҳарчасига кўчиб ўтиши лозим эмиш. Бунини эшитиб Роке тоғанинг боши кўкка етди: тан олиш керак, бу оламшумул муваффақият – бунақаси камдан-кам бўлади.

– Алехандро жуда қобилиятли, тенгқурлари ичида унга етадигани йўқ, – деди ойим, – Карлос бўлса болаларимнинг ичида энг тиришқоғи ва бир сўзлиси.

– Тўғри, – дея маъқуллади Роке тоға ва негадир Мария Лаура уйимизда бекорга ғалва кўтарибди, дея кўнглидан ўтказди.

– Нимасини айтасан, болалардан буюрди сенга.

– Худога шукр! Ҳаммасидан хурсандман. Отаси кўрмади-да, шу армон бўлиб қолди. Қизларимни айтмайсанми, бир-биридан ақлли, Карлос-чи, бечора бизни деб, оиламизни деб ўлиб-тирилади.

– Алехандронинг истикболини айтмайсанми?!

– Ҳа-я... – деди ойим.

– Таклиф этишган янги шартнома қалай?! Кўнглингга сиғса табриклар икки энлик хат ёзиб юбор. Онамни хафа қилиб қўймадиммикин, деб ичини ит тирнаётгандир ўзиям.

– Ҳа-я... – деди ойим яна хаёлчан шифтга термилиб ётаркан – Пепага айт, ёзиб юбораколсин. Нима, деб ёзишни ўзи билади.

Пепа нима деб ёзишни мутлақо билолмади, лекин нима бўлган тақдирда ҳам жавоб хат ёзганида чалкашликка йўл қўймаслик учун юбориши лозим бўлган хат матни қўлида бўлиши шарт. Онаси бундай имкониятни қўлдан чиқармаслик лозимлигини тушунганидан, табиийки, Алехандронинг боши кўкка етди. Оёғи анча яхши, унга топширилган иш бошлаб юборилгач, мавридини топиб, беш-ўн кун уйга келиб-кетиш учун рухсат сўрайди. Ойим бошини оҳиста чайқаб қўйди-да, кутилмаганда окшомги газеталарни сўради – Карлос сўнгги янгиликларни ўқиб беришини хоҳлаб қолди.

Турмуш ортиқча кийинчиликсиз яна ўзанига тушди; кутилмаган кўнгилсизлигу ташвишлар гўё барҳам топди, худога шукр, ойимнинг саломатлиги ҳозирча хавотирга солмасди. Ҳамма навбат билан ойимдан хабар олиб турарди. Роке тоға билан Клелия хола тик этса ойимнинг олдига, – ётоқхонага кириб боришарди. Окшомлари Карлос, эрталаб эса Пепа газета ўқиб берарди. Роса билан Клелия хола доктор ёзиб берган дориларни вақтида ичиришар, Роке тоға бир кунда уч-тўрт маҳал ётоқхонада ойим билан ўтириб чойхўрлик қиларди. Ойим ҳеч қачон ёлғиз қолмас, Мария Лаурани умуман эсламас, уч ҳафтада Алехандродан келган хатни ўқиб беришса жимгина эшитар, Пепага чўзиб ўтирмай дарҳол жавоб ёзиб юборишни таъкидлар, кейин, туйқус суҳбатни бутунлай ўзга мавзуга буриб юборарди – ҳар доим илтифотли, ҳамиша оқила, лекин барибир ўзини алланечук бегонадек тутарди.

Айнан шу кезлари Роке тоға Аргентина билан Бразилия ҳукумати ўртасида туғилаётган ихтилофлар ҳақидаги маълумотларни ўқиб бера бошлади. Дастлаб бу хабарларни у газетанинг ҳошиясига ёзиб қўярди,

бора-бора ўқиш жараёнида тўқийдиган бўлди, яхшиямки ойимни услубдаги равонлик ва аниқлик кизиқтирмасди. Роке тоға, бу воқеалар Бразилияда истиқомат қилаётган Алехандро билан бошқа аргентиналикларга таъсир қиладими, йўқми – шу хусусда ҳар турли тахмин ва башоратлар ўйлаб топарди, ойим лоқайд ва бепарво тинглаётганини кўриб газетадаги янгиликларни муҳокама қилишга барҳам берди, сиёсий вазият эса кун сайин кучайиб ташвишли тус оларди. Алехандро ҳам ўзининг мактубларида мамлакатлараро дипломатик алоқаларнинг бузилиб кетиш хавфи мавжудлигидан ташвишланар, бироқ табиатан некбин эмасми – бу чўзилиб кетган можарога охир-оқибат иккала мамлакатнинг ташқи ишлар вазирлари барҳам беражагига ишонар эди.

Ойим кўпинча сукут сақларди, чамаси Алехандронинг яқин орада келмаслигига кўзи етиб қолган эди. Бироқ бир куни у, газеталарда ёзилганидек Бразилия билан муносабатлар чинданам шунақа ёмонми, деб доктор Бонифасдан сўраб қолса бўладими?!

– Бразилия биланми? Нима десам экан... Аҳвол ҳавас қиладиган даражада эмас, – деб жавоб берди хушёргина доктор, думи хуржунда гап қилиб. – Лекин нима бўлган тақдирда ҳам юрт бошқараётганларнинг эс-хуши жойида...

Бундай мужмал жавобни кутмаган ойим унга шундай тикилдики... Чинданам докторнинг жавобида шундай қалтис ва мураккаб вазиятдан заррача ташвиш чекмаётгани сезилиб турарди. Ойим енгилгина хўрсиниб қўйди-да, бутунлай бошқа нарсалар ҳақида гап очди. Шу оқшом ойимнинг одатдагидан кўра жонлироқ ўтирганини кўриб, доктор Бонифас анча енгил тортди. Эртаси куни эса Клелия хола ётиб қолди.

Умуман олганда унинг хушдан кетиши ҳеч кимни кўрkitиб юбормади, ҳар қандай олам шу ҳолга тушиши мумкин, аммо доктор Бонифас Клелия ҳолани иложи борица тезроқ касалхонага ётқизиш керак, деб Роке тоғага маслаҳат берди. Бразилияда бўлаётган ходисалар ҳақидаги хабарни тинглаб ўтирган ойимга (Карлос окшомги газетани ўқиб бераётган эди) Клелия хола бошини шамоллатиб қўйибди, кўрпа-тўшак қилиб ётганмиш, дейишди. Ҳаммасини ўйлаб бир қарорга келиш учун бемалол вақт бор, тонг отгунча ҳали эрта, факат, доктор Бонифас билан гаплашиб олган Роке тоға биринчи марта нима қилишни билмай ўзини йўқотиб қўйди, унинг ёрдамисиз чора-тадбир ўйлаб топишга тўғри келди. Яхшиямки холамизнинг дугонаси Монолита Вальенинг дала ҳовлиси ҳақидаги фикр лоп этиб Росанинг миясига урди. Эрталаб Карлос ойим билан шундай чиройли суҳбат курдики, пировардида ойимнинг ўзи Клелия холагизни дала ҳовлига олиб боринглар, тоза ҳавода тезроқ соғайса ажаб эмас, деб қолди. Карлоснинг хизматдоши сидқидилдан машинасида элтиб қўйишни таклиф қилди – бунақа аҳволда поездда юриш бориб турган нодонлик. Клелия холагининг ўзи ойим билан хайрлашишни хоҳлаб қолди-ю, Карлос билан Роке тоға икки кишилашиб қўлтиғидан олишди-да, минг азоб билан ойимнинг ётоқхонасига судрагудек етаклаб боришди, ойим бўлса нуқул шамоллаб қолмасин яна, деб қайта-қайта таъкидларди (бу бемаъни машиналарда доимо елвизак бўлади). Яхшиси, уйкудан олдин олхўри шарбати беришсин, у кони фойда.

– Клелиянинг қон босими жуда баландга ўхшайди, – деди ойим Пепага. – Аҳволи оғир менимча.

– Йўғ-е... Арзимаган нарса. Далада Клелия хола дарров ўзига келиб олади. Шўрлик холамиз, анча

уринди-да, кейинги бир, икки ой ичида. Янглишмасам Монолита, холамини доим дала ховлисига таклиф киларди.

– Ғалати-ку! Тавба, Клелия бу ҳақда бир мартаям айтмаганди менга.

– Балки сизни ташвишга қўймаслик учун шундай килгандир.

– У ерда канча туради?

Пепа елка кисди, лекин доктор Бонифасдан сўраб билишга ваъда берди, чунки Клелия холани дала ховлига бориб дам олинг, деган ҳам доктор-да! Уч кундан сўнг ойим яна шу ҳақда сўради (кечаси Клелия холанинг касали хуруж қилиб оғирлашиб қолган, Роса тоғамиз билан галма-гал тепасида навбатчилик қилиб чиқишганди).

– Мен сендан сўраяпман, қачон келади Клелия?

– Нима кераги бор, ойи?! Шунча пайтдан бери, энди тоза ҳавода дам оламан, деган бўлса холам.

– Хўп, хўп, лекин сизлар нима дедингиз менга, ҳеч нарсa килгани йўқ, ўтиб кетади демабмидингиз?!

– Дейишга девдик. Аслида ҳам шунақа. Клелия холам бир дам олай деган, янаям тўғрироғи Монолита билан уч-тўрт кун дала ховлида турмоқчи экан... Улар болаликдан бирга ўсишган – қадрдон-ку!

– Унга қўнғирок қилиб қачон келасиз, ойим сўраяптилар, дегин!

Роса, табиийки, дала ховлига қўнғирок килган, унга Клелия хола анча яхши, лекин куввати йўқ, уч-тўрт кун шу ерда бўлади ҳали дейишган. Энг муҳими ҳаво ниҳоятда яхши!

– Шу ишлар менга сира ёкмаяпти, – деди ойим. – Клелия кела қолса бўларди.

– Ойи, ҳамма нарсага ташвишланаверасизми? Ундан кўра сал ўзизга келиб олинг, сизни ҳам Монолита холанинг чорбоғига олиб борамиз – дам олиб келасиз.

– Мени-а? – Ойим ҳайрон бўлиб Росага каради, унинг кўзларида ҳам ўкинч, ҳам қахру ғазаб акс этарди.

Карлос хоҳолаб юборди-да кўзларини олиб қочиб (Клелия холанинг аҳволи жудаям оғир эди – ҳозиргина Пепа қўнғирок қилганди) ойимнинг юзларидан ўпиб қўйди.

– Вой эси йўғ-ей, – деди Карлос шўхлик қилган болага пўписа қилиб қўйгандек.

Шу куни ойим кечаси билан ухлолмай чиқди, тонг отар-отмас Клелия холамни сўради, ҳолбуки бу пайтда дала ҳовлидан ҳеч ким қўнғирок қила олмасди (Клелия холанинг ҳозиргина жони узилган, барча маросимларни майитхонада ўтказишга қарор қилишганди). Эрталаб соат саккизда ҳамма гапни ойим эшитиб турсин учун катта хонадан дала ҳовлига қўнғирок қилишди. Хайрият, Клелия хола кечаси тиникиб ухлабди, ҳозир ҳеч нарсадан шикоят қилмаётган экан, фақат Монолитанинг оилавий врачлари яна бир кун – ярим кун ёта турсин, шошилманглар, деб маслаҳат берибди.

Ишхоналари вақтинчалик ёпилганидан беҳад мамнун бўлган Карлос эрталабданоқ ойимнинг ётоғига кириб келди, у шошилмай чой ичаркан, ҳар хил нарсалар ҳақида эзмаланиб ўтирди.

– Менга қара, Карлос, – деди ойим. – Менимча Алехандрога телеграмма юбориш керак. Вақт топиб холасини кўриб кетсин. Чунки холаси уни бир умр ўз боласидек яхши кўриб, кўтариб катта қилган, уят бўлади келмаса.

– Вой ойижон-ей, Клелия холамга нима қипти – ҳеч нарса! Энди ўзиз фикр қилиб кўринг, сизни кўргани келолмаган Алехандро энди келармиди...

– Нима қилса ўзи билади, – деди ойим, – сен ёзиб юборавер, Клелия холам оғир касал, келиб кўриб кетмасанг бўлмайди, деб.

– Ким айтди сизга Клелия холамни оғир деб?!

– Оғир бўлмаса янаям яхши. Ёзиб юбориш шунчалик қийин ишми?

Ўша куни кечқурунок хат ёзилиб, ойимга ўқиб эшиттирилди. Алехандродан жавоб келиши кутилган пайтда (Клелия хола ўзини анча яхши сезар, лекин врач қирқига чидаган қирқ бирига чиданглар, яна озгина тоза хавода юрса бутунлай соғайиб кетади, деб жавоб бермаётганди) Бразилия билан муносабатлар шунчалик кескинлашиб кетдики, Карлос хат йўқолиб ўтирмасинда ишқилиб, дея хавотир қила бошлади. Худо кўрсатмасину бунақа пайтда почта одатдагидек ишлайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди.

– Унинг учун айти муддао бўлибди-да, – деди ойим, сўнг мийиғида кулиб қўйди. – Ўла қолса келмайди, мени айтди дерсиз.

Алехандродан жавоб келди, бироқ унинг хатини юрак ютиб ойимга ўқиб беришга ҳеч ким ботинолмади. Роке тоға, Карлос ҳамда опа-сингиллар катта хонада анчагача, уф тортиб, гоҳ-гоҳ одатда Клелия хола дам оладиган оромкурсига кўз ташлаб, сўнг бир-бирларига жавдираб саволомуз назар солиб ўтиришди.

– Тавба, шунчалик ҳам бўладими? – деди Карлос. – Нима, биринчи марта алдаяпмизми? Ўйин давом этаяпти халос.

– Шунақа осон бўлса кириб ўзинг ўқиб берақол! – деди Пепа ўпкаси тўлиб.

– Нима десангиз денг, лекин бир ерда қовун туширдик менимча.

Мен ойимнинг хонасига кўрка-писа оёғимни учида кирадиган бўлиб қолдим... Худди кўлга тушиб қоладигандек.

– Ҳаммасига Мария Лаура айбдор, – деди Роса. – Ҳаёлимизга ҳам келмаётганди унинг айтганлари, мана окибати – довдир-совдир қилиб юрибмиз, нима дейишни билмаймиз. Буям етмагандек – Клелия холамни айтмайсизми?!

– Биласанми нима, гапингни эшитиб миямга бир фикр келди, Мария Лауранинг ўзи билан гаплашиш керак, – деди Роке тоға. – Энг яхши йўли шу, гўё имтихондан келаётибди-ю, кўриб кетай, деб кирган бўлади, ойимга Алехандро ҳали замон келолмас экан, деса олам гулистон.

– Алехандро ҳар хатида Мария Лаурани сўрай-верганига қарамай ойим уни эсламай қўйган бўлса... юрагинг тарс ёрилиб кетмайдими?!

– Юрагим нега ёрилар экан?! Ҳозир биз келишиб олишимиз керак, холос. Ё ҳа, ё йўқ, икковидан бири.

Роса Мария Лаурани кўндиришга жудаям қийналди, у деди, бу деди, хуллас охири розилигини олди, Мария Лаура яқин дугонасига йўқ дейишга тили бормади. Сирасини айтганда, Мария Лаура бу хонадон аҳлининг ҳаммасини бир хилда яхши кўрарди-ю, факат ойимдан чўчир, унинг олдида ўзини қандай тутишни ҳам унутиб қўярди. Қискаси, бир неча кундан сўнг, Мария Лаура мактуб билан келди – уни Карлос ёзиб берганди. Қўлида гулдаста, сумкасида ойимнинг жону дили бўлган ширинлик – мандаринли мармелад... Ҳа... худога шукр, қийин имтихонлар ортда қолди, энди Мария Лаура бир-икки ҳафта Сан-Висентеда бемалол дам олса бўлади.

– Сенга тоза ҳаво ёқади, – деди ойим, – Клелия бўлса, унга... Пепа! Бугун дала ҳовлига қўнғироқ қилдингми?! Вой, эсим қурсин! Сўровдима ҳозир?! Буни қаранг,

Клелия уч ҳафтадан бери келолмайди-я?! Мана сизга оқибати...

Мария Лаура билан Роса бу воқеани ипидан игнасиғача муҳокама қилишди. Чой келтиришганда, Мария Лаура хатнинг айрим жойларини ўқиб берди, Бразилияда чет эллик мутахассисларни эҳтиёт чора сифатида хона банд қилиб қўйишган экан. Ҳозир Алехандро қимматбаҳо меҳмонхонада Бразилия ҳукуматининг ҳисобидан мазза қилиб яшаётган экан. Бу то давлатлараро бирон битимга келишгунга қадар давом этаркан. Ойим лом-мим демай эшитди, липа баргининг дамламасидан бир пиёла ичди-да, пинакка кетди. Дугоналар катта хонага ўтишди ва ўша ерда бемалол суҳбатлашиб ўтиришди. Кетар олдидан Мария Лауранинг кўнглида телефон ҳақидаги машъум фикр туғилди. Ўша заҳоти Росани чакириб ҳаммасини баён қилиб берди, Роса эса очиги Карлос нима деркин, дегандек кутди. Бироздан сўнг шубҳа-гумонларини Роке тоғага айтди, Роке тоға “ҳм” деб қўйди, холос. Бунақа вазиятда ё индамасдан ўтириш ё газетани қўлга олиш керак... Карлос ойим хусусида тахминлар қилиб бошини қотириб ўтирмадию, лекин, ҳеч ким маъқулламаётган фикрга қарши чикмади.

– Омон бўлсак кўрамиз, – деди у Роса билан Пепага. – Кутилмаганда ойимни ўзи сўраб қолиши мумкин, ана унда кўрасан...

Бирок ойим бир марта ҳам телефонни сўрамади, Клелия холага қўнғироқ қилиш ҳаёлига ҳам келмади. Ҳар куни эрталаб, дала ҳовлида нима гап, дея сўраб қўяр, сўнг товуш чиқармай жимгина ўтираверарди; унинг хонасида вақтнинг ўтиши томончи дорилар, дамлама ҳамда настойкалар билан ўлчанарди. Ойим Роке тоға келса суюнарди, мабодо газетани кечиктириб келтиришса

ёки Роке тоға шахматдан бош кўтармай алла-паллагача колиб кетса хуноби ошаётганини сездирмасди. Роса билан Пепа ойимнинг – газеталарга ҳам, дала ховлига кўнғирок қилишга ҳам, хатто Алехандродан келадиган хатларга ҳам кизикмай кўйганига суюнишарди. Шунга карамай, бу ўзгаришларга тўла-тўкис ишониш ҳам кийин эди, чунки гоҳо-гоҳо бошини азод кўтариб уларга тешиб юборгудек тикилиб қарар экан, шунда ойимнинг кўзларида ўша-ўша алланечук қатъият ва саркашлик пайдо бўларди. Секин-аста бу ғалати, тушуниксиз ҳаёт ҳаммани ўз домига тортди. Роса учун ҳар куни телефонни олиб бўшлик билан гаплашиш оддий эрмакдек бўлиб қолди. Роке тоға учун эса газетанинг реклама билан футбол янгиликлари эгаллаган саҳифасини очиб Бразилия ҳақидаги тўкиб чиқарилган мақолани овоз чиқариб ўқиш чўт бўлмай қолганди. Карлос ётоқхона остонасига етиб келди, дегунча дала ховлига қандай бориб келгани, Монолита билан Клелия хола бериб юборган халта-халта мевачева ҳақида ҳикоясини бошларди.

Сўнгги ойлардаги ойимнинг ҳаёти оиламизда ҳукм сурган тартиб-интизомга таъсирини ўтказмади. Доктор Бонифас, ойингиз осонгина жон беради, у оддийгина ҳушдан кетади-да, шамдек сўнади, дея башорат қилди. Лекин ҳаётининг сўнгги дақиқаларида ҳам ойимнинг ақл-идроки хиралашмади, унинг тепасида барча болалари йигилиб, ғам-ғуссадан адо бўлишганини яширолмай туришганда ҳам ойимнинг идроки, қувваи ҳофизаси заррача сусаймаган эди.

– Ҳаммангиздан мингдан-минг розиман, – деди ойим. – Балли, мендан шафқат, меҳр-муҳаббатингизни аямадингиз. Онамиз қийналмасин, деб ҳаммасига чидаб келдингиз. Раҳмат, болаларим.

Ойимнинг ёнгинасида ўтирган Роке тоға унинг кўлларини укалай туриб секингина юпатди ва кўй бунақа гапларни, деди. Пепа билан Роса ўзларини жавондан бир нимани ахтараётгандек тутишарди. Улар Мария Лауранинг тахмини тўғри эканига энди ишонишарди, улар харкалай бошиданок сал-пал сезганларига икром бўлишарди.

– Менга шунчалар ғамхўрлик қилдингизки... – деб гап бошлади ойим.

Роса Пепанинг кўлини қисиб кўйди, чунки мана шу икки огиз гап ҳаммасини аввалгидай давом эттириш, узок давом этган ўта нозик ва зарур ўйинни қайта тиклаш учун имкон берарди. Зотан Карлос бамисли ойим ана ҳозир ҳаммалари учун жудаям муҳим бир гапни айтажагини ҳис қилгандай ундан кўз узмай турарди.

– Бу ёғига энди хотиржам юрасизлар... Биз бошқа қийнамаймиз сизларни...

Роке тоға эътироз билдирмоқчи бўлиб огиз жуфтлаган эди, Карлос унинг билагидан ушлаб қаттиқ сикди. Ойимнинг ризқ-насибаси узилган, уни безовта қилишнинг фойдаси йўқ эди.

Дафн маросимининг учинчи куни Алехандродан мактуб келди. Бу унинг охирги хати эди. Унда Алехандро ойим билан Клелия холамизнинг саломатлиги ҳақида батафсил ёзиб юборишимизни илтимос қиларди. Роса одати бўйича мактубни очишга очди-ю, охиригача ўқиёлмади. Қайноқ кўз ёшлари ёноқларини куйдириб окдилар, бироздан сўнг барибир мактубни сатрмасатр ўқиётган чокда дафъатан, Алехандрога ойимнинг ўлими ҳақида қанақа қилиб ёзамиз, деган саркаш бир фикр миясидан кетмаётганини сезиб қолди.

ТУТАШ БОҒЛАР

У роман ўқишни бошлаганига бир неча кун бўлган. Орада зарур ишлари чикиб ташлаб қўювди, кўргонига қайтиб келаётганда, вагонда яна қўлига олди. Секин-аста шиддатли воқеалар, қаҳрамонлар қиёфаси уни ўзига ром этиб қўйди. Оқшом чоғи, ишончли вакилига хат ёзиб юборгач, иш юритувчи билан ижара масалалари бўйича келишиб олди, сўнг деразаси баҳайбат эманлар бўй чўзган бокқа қараган жимжит хонада ўқишга тутинди. Кутилмаган меҳмонлар келиб қолиши ҳақидаги ҳаёлдан қочиш учун, эшикка орқа қилиб, сеvimли оромкурсига чўкканча, кафти билан яшил бахмални силаб-сийпаган кўйи китобнинг сўнги бобларини ўқишга тушди. У қаҳрамонлар феъл-атворини осонгина эсда сақлаб қоларди, шу сабабли дарҳол қизиқарли воқеалар гирдобига ғарқ бўлди. У ўқиган сари қандайдир лаззат вужудини чулғаб борар шу билан бирга яшил бахмал жилдли баланд суянчикнинг майин кифтига бош қўйиб ўтиргани, қўлида сигарет борлиги, дераза ортида, эманзор қўйнида эса, оқшом нафаси кезиб юрганини ҳис қиларди. Ўзига хийла кадрдон бўлиб қолган ва тирик одамлардек ҳаракат қилаётган ва яшай бошлаган қаҳрамонларнинг нохуш баҳс-мунозаралари чоғидаги ҳар бир сўзларидан таъсирланиб, алоҳида маъно ахтариб тоғ этагида жойлашган кулбадаги сирли учрашувларнинг гувоҳи бўлди. Бу воқеа тоғдаги бир кулбада юз берди. Даставвал, у ерга аланг-жалаңг

килиб бир аёл кирди, зум ўтмай йигит кўринди. Унинг ҳозиргина шох-шабба тирнаб юборган юзидан кон силкиб турарди. Аёл конни эркаланиб, меҳр-мухаббат билан артиб тўхтатмоқчи бўлувди, йигит юзини буриб олди, чунки у хазон япроқлари ва эгри-бугри сўкмоқлар оғушида, бегона кўзлардан холи ерда учрашувга келмаган эди. Ўткир ханжар тафти унинг кўксини киздирар, томирида азалий орзулари, озод бўлишга ишонч жўш урарди. Хавотир тўла суҳбат бамисли калаванинг учидай бутун саҳифага чўзилди – ҳаммаси аллақачон ҳал қилингани сезилиб турарди. Ҳатто далда бериш фикридан қайтаришни истаган каби севгилисининг – ёрининг ўз жисмини кўмиб юбораётган эркалашлари ҳам, ўлдириши шарт бўлган жирканч вужуднинг шаклу шамоиилини эсга соларди. Ҳаммаси аниқ эди. Сабаблар, тасодифлар ва юз бериши мумкин бўлган хатолар худди шу лаҳзалардан эътиборан ўзгача аҳамият касб этарди. Улар режаларини яхшилаб келишиб олишди, ўзаро шивир-шивир йигитнинг дағал кафти киз яноқлари силаётган пайтда эшитилмай қолди холос. Қош қорая бошлади.

Умумий ишга касамёд қилган иккавлон бир-бирининг кўзига қараёлмай, кулба эшиги олдида жимгина хайрлашишди ва аёл шимолга элтувчи сўкмоқ бўйлаб йўлга тушди. Қарама-қарши томонга йўл олган йигит икки-уч қадам босди-да, тўхтаб ўгирилди ва кизнинг тобора узоқлашиб бораётган нозик қомати, тўзғиган сочларининг қарчиғай қанотларидай силкинишига термилиб қолди. Сўнгра у ҳам дарахтлар ва буталар ортига ўтиб, йўлга тушди ва ниҳоят ғира-шира оқшом шуъласи ёритган қўрғонни узоқдан илғаб тўхтади. Қум тўшалган йўлка тўппа-тўғри уйга олиб борарди. Бу оқшом итлар ҳурмаслиги керак эди, улар

товуш чиқармади. Шу лаҳзаларда иш юритувчиларнинг қораси кўринмаслиги шарт эди, у ҳам кўзга кўринмади. Йигит зинадан чиқиб уйга кирди. Томир уриши Тобора аниқроқ эшитилаётган қулоғи остида элас-элас аёлнинг овозини эшитгандек бўлди: аввал зангори меҳмонхона, кейин даҳлиз, даҳлиз адоғида — пойандоз тўшалган зина, зина юқорисида иккита эшик. Биринчисида ҳам ҳеч зоғ йўқ, ана иккинчисида ҳам. Ана хос хонанинг эшиги. Ва деразадан тушаётган заифгина шуъла яшил бахмал жилдли оромкурсининг баланд суянчигига суяниб олган кўйи роман ўқиётган одамнинг бошига тушаётган ханжарни ёритиб юборди.



ЁН ДАФТАРДАГИ ЁЗУВЛАР

Йўловчиларни ҳисобга олиш ҳақида (ҳозир буни эслаш ўринли) биз наридан-бери, тасодифан ўтказилган ҳар қандай тадқиқотнинг бесамар экани хусусида суҳбатлашиб ўтирганимизда гап очилди. Аввалга Хорхе Гарсиа Боуса Монреал метросини эслади, шундан кейингина Буэнос-Айреснинг “Англо” ерости йўлини тилга олди. Тўғри, у бу хусусида ошкора гапирмади, лекин, менимча, бўлиб ўтган воқеа Гарси Боуса бошқараётган фирма ўтказган махсус тажриба билан боғлиқ бўлса керак. Қандайдир махсус усулда – Гарсиа Боуса беҳад оддий деган бўлса-да, шундай таърифлай оламан холос – бир ҳафта мобайнида метрога ҳар куни тушадиган йўловчилар сони аниқланган. Турли бекатларда тушиб чиқаётган одамлар оқимини, шу билан бирга бошидан охиригача ҳамда оралиқдаги бекатлар ўртасида тушиб чиқаётганларни аниқлаш лозим бўлгани сабабли ҳисоб-китоб “Примера Хунта” бекатидан “Пласса де Майо”гача, ҳар битта кириш-чиқиш жойида олиб борилган эди; ўша даврда – мен 40-йиллар ҳақида гапираяпман – “Англо” тармоғи бошқа ерости йўлларига ҳали уланмаган, бу эса ишни хийла енгиллаштирарди.

Мўлжалланган ҳафтанинг душанбасида йўловчиларнинг умумий сони ҳаддан зиёд кўп бўлган; сешанба куни деярли шунга яқин, чоршанба кунги текшириш эса кутилмаган натижа берган, метрога тушган 113987 нафар йўловчидан 113 983 таси юқорига қайтаб

чиққан. Бу ақлга сиғмасди. Табиий, бундай бўлиши мумкин эмас, кимдир ҳисобдан адашган, пировардида тажрибани ўтказишган жавобгар шахслар бунинг сабабини излаб барча ердаги ҳисоблаш натижаларини текшириб чиққанлар. Ходимларга кўмаклашган шахсан бош инспектор (ҳозир кўлимда, Гарсиа Боуса беҳабар берган маълумотлар бор – буларни кейинчалик излаб топганман) Монтесанонинг ўзи етиб келган. Ич-этини шубҳа ва гумонлар кемираётган Монтесано ерости йўлини бошдан-оёқ айланиб юриб, юқорига кўтарилаётган хизматчилар билан поезд ҳайдовчиларининг гувоҳномаларини текширган. Мана шуларга асосланиб инспектор Монтесано ҳозир икковимизга беш кўлдек маълум гапларни ўша пайтдаёқ оз-моз бўлсин, сезган эди, десам, янглишмайман. Хуллас, тўртта йўловчининг кам чиқишига сабаб бўлган хатони ҳеч ким аниқлаёлмади, деб илова қилишнинг кераги йўқ.

Пайшанба куни ҳаммаси яхши ўтди. 107328 та буэнос-айреслик одатдагидек метродан фойдаланди. Жума куни (кўрилган чора-тадбирлардан сўнг ҳисоблаш беҳато олиб борилаётганига ҳамма амин эди) метродан чиққан йўловчиларнинг сони метрога тушганларга нисбатан битта ортиқ чиққан. Шанба куни рақамлар бир-бирига мос келди ва фирма олдига қўйган вазифани бажарди, дея ҳисоблади. Сешанба ва жума кунги чалкашлик овоза қилинмаганлиги учун бош инспектор Монтесано билан “Пласа Онсе”даги ҳисоблаш машиналарининг ходимларидан бошқа бўлиб ўтган воқеани биров билди, биров билмади, шунга қарамасдан, менимча, ҳисоблаш машинаси ёки операторнинг арзимаган хатоси деб ўша озчилик ҳам юз берган ҳодисани унутиб юборишган бўлса керак.

Бу воқеа 1946 йилнинг охири ёки 1947 йил бошларида содир бўлган эди. Кўп ўтмай “Англо” йўлида тез-тез қатнашимга тўғри келиб қолди; борар ерим узоклигидан йўлда гоҳо-гоҳо Гарсиа Боуса билан суҳбатни хотирлаб, баъзан ён-веримда ўтирган ёки чарм тутқични ушлаганча чайқалиб-чайқалиб бораётган одамларни кузатиб кетарканман, бир нарсани сезиб қолдим. “Хосе Мариа Морена” станциясида туйқус вагондаги бир-иккита одам (дастлаб бир йигит, кейин эса ёши ўтинқираган иккита жувон) бошқаларга ўхшаган оддий йўловчи эмас, деган тутуриқсиз фикр миямга урилди. Сўнгра пайшанба куни кечқурун “Медрано” бекатида – мен Хасинто Льянес қолиб қиккан учрашувдан қайтиб келаётган эдим – кўзлари хорғин сузилган киз поезд кутиб эмас, балки бутунлай бошқа мақсадда ўтиргандек туюлди. Тўғри, у мен билан битта вагонга қикди, бироқ у бир нимасини унутиб қолдирган ёки толиққан, жилакурса, безовта бўлаётган одамдек “Рио-де-Жанейро”да тушиб қолиш учунгина шу вагонга қиккан эди.

Ўғирлик юз бергандан сўнг орадан хийла вақт ўтгач, ҳамма бирдан ўша куни окшом аллақандай шубҳали йигитчаларнинг кварталда изғиб юрганини эслаб қолгандек, мен ҳам бу ҳақда энди, ҳаммаси маълум бўлгандан кейингина бемалол гапираяпман. Шунга қарамай, бошиданок эрмак учун тўқиган бу уйдирмаларда бир нима борлигини сезган ва кун сайин шубҳаларим кучайиб борган эди: шу сабабли Гарсиа Боуса ҳисоб-китобнинг ҳайратомуз натижаларини йўл-йўлақай тилга олиб ўтган куни кўп нарсалар ойдинлашиб, нима гаплигини фаҳмлагач, даҳшатга тушган эдим. Ҳисоб-китобга бевосита алоқаси йўқ одамлардан биринчи бўлиб нималигини тушуниб етган мен бўлсам керак.

Шу-шу, ҳаловатим йўқолиб, нотинч кунлар бошланди. Гумонларимни тасдиқловчи далиллар топиш истагида гарангсиб юрган кезларим “Пескадито”да Монтесано билан учрашиб қолдим, бу учрашув бизни бир-биримизга яқинлаштирди, кейин эса секин-аста шаҳар ҳаётидан мутлако ажралиб, ўзича мустикал яшаётгандек ва мен ҳар сафар бегона оламга бориб қолаётгандек туюлаётган метро ҳаётини синчиклаб ўрганишга киришдим ва кўп ўтмай метро одамлар учун транспорт воситаси бўлибгина қолмаганини англаб етдим. Лекин бунинг тагига етиш учун ўрганишга киришмасимдан аввал орқа-олдини ўйлаб, нималар қилиш лозимлигини белгилаб олдим. Кўнглимдагини тасдиқловчи далил-исботлардан ҳам, чалғитиб юбориши мумкин тасодифлардан ҳам сакланиш учун уч ой мобайнида 86-трамвайда қатнаб юрган кезларим Луис М. Бодиссоннинг эътиборига лойиқ назарияси сири тинчлик бермасди. Кунларнинг бирида ҳазил аралаш унга Гарсиа Боусанинг гапини айтиб бергандим, бунинг сабабани тушунтириб, атом парчаланишининг аллақандай турига оид фаразни мисол тарикасида келтирганди; бу кўпинча одамлар тўпланадиган ерда юз бераркан. Якшанба куни учрашув тугагач, ҳеч ким “Ривер Плейт” стадионидан қанча одам чиқишини ҳисобламаган ва ҳеч ким бу рақамни сотиб олинган билетлар миқлори билан таққослаб кўрмаган тор йўлакдан беш мингта қўтос югуриб ўтди дейлик, лекин нариги тарафдан шунча қўтос чиққанини ким айта олади? Флорида кўчасида одамларнинг ўзаро туртиниб юриши оқибатида пальтоларнинг енги, қўлқоплар билинар-билинемас едирилади. Қачонки, 113987 йўловчи тикилинч вагонларга чиққач ҳар бурилишда ёки кескин тўхташлар чоғида чайқалиб, бир-бирларига

ишқаланар экан, ҳар 20 соатда тўрт кишининг (ўзига хосликнинг йўқолиши ва умумийликка айланиш жараёни шарофати билан) ғойиб бўлиши турган гап. Жума кунги ғайриоддий воқеа хусусида эса – мен битта йўловчи ортик чикқанини назарда тутаяпман – Бодиссон ҳам Монтесано сингари бу операторларнинг хатоси бўлса керак, деган хулосага келди. Бу далил-исботсиз фаразларни эшитиб, яна юрагимни умидсизлик чулғади. Бу воқеаларни бирон нима деб изоҳлаш у ёқда турсин, ҳар сафар метрога яқинлашдим дегунча этим увуша бошларди. Шу сабабли бу чигал, айтган билан одам ишонмайдиган ҳодисанинг тагига етиш учун ёлғиз ўзим ҳаракат қилишга аҳд қилган, шу сабабли метрода юриш учун эмас, балки бемалол “Англо”га қайтиб, у ердаги ҳаётни ўрганишга кўнглимда кучли рағбат уйғонмагунча уч ой трамвайда қатнагандим.

Шу ўринда уларнинг менга заррача ёрдам бермагани у ёқда турсин, улардан бирон нима кутиш, мададкор бўлишларидан умид қилиш бефойда эканини айтиш керак. Ҳаттошубўлимдан бошлаб кўрган-кечирганларим ҳақида ёзаётганимни ҳам билишмайди. Аммо уларни фош қилиб қўйишни истамайман ва ҳар қандай вазиятда ҳам уларнинг дунёсида бир қанча вақт яшаган чоғимда таниб қолган айрим кишиларнинг исмини ўлақолсам айтмайман; уларнинг ҳаётини ўрганганим ва ҳозир бу лавҳаларни ёзаётганимнинг сабаби битта – транспорт деб доим азият чекаётган Буэнос-Айрес аҳолисига ёрдам бериш. Лекин бу гапдан энди фойда йўқ, икки қадам нарида метро бўла туриб, қанчадан-қанча одам беҳавотир метрода юрганда менинг нобоп трамвайда судралиб қатнашим ғирт аҳмоқлик бўлса ҳам ўша ерга тушишни ўйласам юрагим орқага тортиб кетади. Гарчи улар жамиятдан ими-жимида сиқиб чиқарилган

ва ҳеч ким уларни одам ўрнида кўрмаётган бўлса-да, нимадир дейишга виждоним йўл қўймайди. Метрода юрагимда ҳаётимга ҳавф туғилаётганини сезаётганим учунгина эмас, аксинча, чунки ўз тадқиқотларим билан машғул бўлаётган тунларда ҳам (бу ер доим зимистон, станциялараро ўтиш жойларидаги дарчалардан тушаётган ёки зиналарнинг юқори қисмига ёғилаётган офтоб нуридан кўра сунъийроқ, сохтароқ нарсаси бўлмаса керак) ўзимни беҳатар деб ҳисоблаёлмайман; ҳаммаси ўзимни сездириб қўйишим билан тугайди, уларни станциялардаги тумонат одам орасидан мен беҳато ажрата олганимдек, улар ҳам шунча вақтдан бери нима мақсадда метрода пашшахўрда бўлиб қолганимни пайкаб қолишади. Уларнинг ранги ҳаддан ташқари синик, лекин серғайрат ва тадбиркорлар; шунчалик рангпар ва шунчалар ғамга ботганларки, деярли ҳаммалари шундай: ғамга ботган...

Қизиқ, уларнинг нега бу ерда яшаётганини билиш муҳимроқ бўлса ҳам бошиданок қандай кун кечириётганлари билан қизиққандим. Аввало метродаги охири берк йўллар билан ташландиқ йўлақлар ҳақидаги фикрдан воз кечдим. Чунки булар ҳаммага маълум ва станциядан станцияга ўтаётган йўловчилар дарҳол пайкаб қолиши мумкин жойлар. Масалан, “Лория” билан “Пласа Онсе” орасида темирчилик ўчоқлари, эҳтиёт йўлкалар, омборлар ҳамда деразалари қоп-қора ғалати уйчалар жойлашган ўзига хос жаҳаннам – *hades* кўзга ташланди. Бу дўзахнома ғорни мен станцияга яқин қолганда поезд бизни қаттиқ чайқалтириб бурилаётган лаҳзада кўриб қолгандим. Лекин бу ифлос йўлақлардан сон-саноксиз ишчилар билан хизматчилар бўзчининг моксидек қатнашини ўйлаб ўша заҳоти бу ерда яшаш мумкин эмас, деган фикрга келдим; чунки жиллакурса,

дастлабки пайтларда бу ерга жойлашишнинг иложи йўк эди. Бир неча бор кузатганимдан кейин улар факатгина йўлда яхши бекатларда ва мунтазам катнайдиган поездлардагина яшаш учун қулай шароит топа олишлари мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим. Боши берк йўлаклар, торгина темир йўл ва омборларни ҳаёлимдан соқит қилгач, мен аниқ ва маълум ҳақиқатни айнан ўша ерда, бу воқеалар рўй бераётган зулмат салтанатида англаб етдим. Мен умумий тарзда тасвирлаётган турмуш (кимлардир фараз қилинган дейиши ҳам мумкин), назаримда, оғир муҳтожлик ва ноиложлик маҳсули эди. Хуллас, турли-туман тахминлардан сўнг бўлиши мумкин бўлган бирдан-бир йўлини топдим. Улар тўғридан тўғри – ҳозир бу кундек равшан – метрода, вагонларда, бетўхтов ҳаракатда яшар эдилар. Уларнинг нима билан кун кўраётгани – улар шунчалик рангпарки! – шу чоккача исмлари каби номаълумлигича қолиб келаяпти.

Шуни тушунганга колганини аниқлаш қийин эмас. Поездлар факат ё каллаи саҳарлаб ёки ярим кечаси “Англо”га бўм-бўш қайтади. Буэнос айресликлар кечаси дайдишни яхши кўради, шу боис метро ёпилмасидан аввал, албатта, битта-яримта адашганини учратиш мумкин. Эҳтимол охириги поезднинг ҳожати бўлмаса керак, у жадвалда қайд этилгани учунгина юради, чунки бу пайтда ҳеч ким метрога тушмайди, лекин мен бирор марта бўш юрганини кўрмаганман. Йўк-йўк, бир неча бор кўрдим; аммо вагон факат мен учун бўш эди; унинг яккам-дуккам йўловчилари қатъий кўрсатмага мувофиқ шу ерда тунайдиган анавилардан битта-яrimi бўларди. Мен ҳарчанд уринганим билан “Англо” ёпилгандан кейин уч соат мобайнида – кечаси иккидан эрталабки бешгача – уларнинг мажбурий

бошпаналарини тополмадим. Улар депога кетаётган поездда қоладиларми (бу ҳолда машинист уларнинг одами бўлиши керак) ёки тунги фаррошларга қўшилиб оладиларми? Ҳарҳолда, бундай қилмасларов, сабаби, махсус коржомалари йўқ, бунинг устига фаррошлар бир-бирини яхши танийди. Менимча, улар оддий йўловчилар билмайдиган “Пласа Онсе” билан кўрфазни боғлаб турадиган йўлакда ётиб юришса керак. Қолаверса, “Хосе Мария Морено” станциясидаги хона эшигига “кириш мумкин эмас” деб ёзилганига қарамай, нима сабабдан лаш-лушлар сақлаш мумкин бўлган бесўнақай сандик турибди; бунинг устига қоғоз халтачаар уюлиб ётибди? Бу омонатгина эшиклар, албатта, шубҳа уйғотади. Хуллас, эҳтимолдан ҳар қанча йироқ бўлса ҳам боя айтганимдек, улар поездлар ёки станцияларда яшайдилар, кўнглим сезаётгани учун ишонч билан шундай деяпман. Станциянинг у бошидан-бу бошига тинимсиз бориб-келишлар шундан бўлак қулай ерни орзу қилишга йўл қўймайди.

Мен кўнглим сезгани учун дедим, лекин одамнинг кўнглига нималар келмайди. Балки еростидаги турмушларида қийналмасликлари учун ҳар қандай аниқ ва беҳато ҳаракат қилиш учун соддагина тартиб-интизом жорий этишган бўлса керак. Масалан, улар битта вагонда кетма-кет икки марта юриш мумкин эмаслиги, акс ҳолда пайқаб қолишларини биладилар; иккинчидан охирги “Пласа де Майо” бекатида ўтираверсалар ҳам бўлади, чунки бир бекат олдиндаги “Флорида”да жуда кўп одам чикиб ўриндиқларни эгаллаб оладилар. “Премьера Хунта”да эса вагондан тушиш, озгина юриб, қарама-қарши тарафга кетаётган одамларга қўшилиб олиш кифоя. Ҳар қанақа вазиятда ҳам уларни ҳеч ким сезмайди, чунки аксар йўловчилар

станциянинг бошидан охиригача юришмайди. Орадан бирмунча вақт ўтиб, одамлар яна поездга чиққанларида – улар атиги ярим соат метрода, саккиз соат хизматда бўладилар – эрталаб ёнма-ён кетган одамни ким ҳам эслайди, дейсиз, бунинг устига, вагон ҳам, поезд ҳам бошқа бўлса. Бу жўяли, шу билан бирга хизматчилар ёки йўловчиларнинг сезиб қолиши мумкин бўлган имкониятни истисно қилувчи жадвал талабларига ҳар жиҳатдан мос келадиган фикрга келгунча бошим оғриб кетди. Масалан ҳозир мен пайшанба куни кечқурун “Медрано”да кимнидир кутиб ўтирган киз олдинги поезддан тушиб колгани ва “Рио-де –Жанейро”га бориб, у ерда яна бошқасига ўтириш учун мен билан битта поездга чиққанини биламан; у ановиларнинг ҳаммасига ўхшаб ҳафтанинг охиригача аниқ белгилаб қўйилган жадвал бўйича ҳаракат қилади.

Улар ўтирган ерларида ўн беш дақиқа ухлашга одатланган эдилар. “Англо”да аҳён-аҳён юрадиган кимса ҳам қиска муддатда арзимаган чайқалишлар, бурилишлардан поезд “Конгресо”дан “Сазнс Пенья”га қараб кетяптими ёки “Лориа” сари боряптими, янглишмай айтиб бера олган бўларди. Улар эса шунчалик ўрганиб кетишган эдики, бу поезддан тушиб, бошқасига ўтиш даркор бўлган пайтда уйғонишарди. Улар ҳатто ухлаётганда ҳам ўзларини сездириб қўймасликка тиришардилар – худди толиққан кишидек бошларини солинқиратиб, қаддини тик тутиб ухлашарди. Ҳордиқ чиқаришлари учун йигирма марта ўн беш минутдан мизғиб олиш кифоя қилар, ундан ташқари етмаганига “Англо” ёпилгандан кейинги, нима билан шуғулланишларига менинг ақлим етмаётган уч соатлик бўш вақтлари ҳам бор эди. Бутун бошли поездларнинг ихтиёрида эканини аниқлагач – бу эса тунги

йўлак ҳақидаги тахминимни тасдиқлади – ўзимча, агар шу поездда бирга юра олсалар у ҳолда ҳаётларида яқин муносабатда бўлишдек муҳим ҳамда ҳавас қилса арзигулик саодатга эришибдилар, деб ўйладим. Поезд бир станциядан иккинчисига етиб боргунча улфатлар даврасида апил-тапил, лекин иштаҳа билан овқатланишлар, станциянинг у бошидан бу бошигача донг қотиб ухлашлар, дўстона суҳбатлар ва эҳтимол, кариндошлик алоқалари бахш этадиган қувончга нима етсин. Минг афсус, улар ўзларига қарашли поездда (агар у битта бўлса, лекин бундай поездларнинг сони секин-аста бўлса ҳам кўпаяпти) учрашмаслик керак, деган қоидага қатъий риоя қиларканлар: улар ўзларини хиёл сездириб қўйсалар тамом, иш чаппа кетажагини, турли вақтда, алоҳида-алоҳида ўтирганга нисбатан бирга, ёнма-ён ўтирган учта одамнинг қиёфаси кўпроқ эсда қолажагини яхши билишади – ҳар ҳолда, буни тергов тажрибаси ҳам тасдиқлайди.

Ўзларига қарашли поездда улар бирровгина, ўшанда ҳам янги ҳафталик жадвални олиш учун учрашадилар, ҳолос. Жадвални биринчи ён дафтардан йиртиб олинган варақларга ёзиб-чизиб группа бошлиқларига таркатади; бир ҳафта еб-ичишга етгулик маблағни ўша ерда олишади.

Биринчининг ёрдамчиси – унинг поезд машинисти экани шубҳасиз – кимга нима лозим, кимнинг юқорига етказиши керак бўлган гапи бор ҳамда кимнинг саломатлиги ёмон – ҳаммасини ўша ерда сўраб суриштиради. Ўзлари юрадиган поезд вагонларни жадвал бўйича мунтазам алмаштириб туришга мажбур эканликлари учун лоақал тасодифан учрашиб қолишлари ҳам мумкин эмасди;

Улар ҳафтанинг охиригача кўриша олмасдилар. Хуллас калом, шуни ишонч билан айтиш мумкин-

ки, — мен узоқ мулоҳазалардан, хаёлан улар билан бирга яшаб, улардек азоб чекиб, қувониб юрганимдан кейингина шу фикрга келдим — ҳуллас, айтиш мумкин, улар якшанба кунини бизга — юкоридагиларга ўхшаб орзикиб кутишса ажаб эмас, чунки шу куни улар ҳам дам олардилар. Нима сабабдан биринчи айнан шу кунни танлаганийкин? Ҳар ҳолда, анъанага ҳурмати зўрлигидан бўлмаса керак; у якшанба кунлари метрода бошқа йўловчилар юришини, демак, душанба ёки жумага нисбатан эътиборга чалиниб қолиш хавфи анча камайишини биларди, холос.

Ўзим билган узук-юлук воқеаларни бир-бирига мантиқан боғлаб мен ўтказилган ҳисоб-китобнинг бошланғич қисмида нима бўлганини аниқладим ва ишни поезддан бошладим. Ҳисоблаш натижаларига мувофиқ анави тўрт киши сешанба куни метрога тушишган. Ўша куни кечкурун “Саэнс Пенья” станциясида улар ўтган-кетган поездларнинг ойнасидан кўриниб турган машинистларнинг афт-ангорини синчиклаб ўрганишган. Ниҳоят, биринчи ишора қилган ва улар поездга чиқиб ўтирганлар. Бу ёғига “Пласа де Майо” гача кутишлари керак бўлган поезд ўн учта станциядан ўтгунча, ўша кунги ходим билан битта вагонга чиқиб қолишдан саклансалар бас. Энг кийини, вагонда ўзларидан бошқа бегона одам қолмайдиган фурсатни бой бермаслик; бунда уларга Буэнос-Айрес транспорт бошқармасининг олийжаноб ниятда энг олдиндаги вагонни аёллар билан болаларга ажратиб бергани жуда қўл келарди, чунки шаҳар аҳолиси бу вагонга чиқмайди ва ортиқча аҳамият бермайди. Вагонда “Перу” станциясида чиқиб “Ламоте уйи” даги олди-сотди (“Карлота қўйлагини фақат ўша ерда тиктиради”) ҳақида валаклашиб бораётган иккита

хоним ҳамда ёшига номуносиб “Қизил ва қора”ни (Стендалнинг романи эмас, журнал) ўқишга берилган ўсмир борарди. Биринчи аёллар вагонига кириб машинист кабинасини тақиллатган пайтда ходим ўртадаги вагонлардан бирида юрган бўлса керак. Ҳеч гапдан хабари йўқ машинист ажабланганча эшикни очганда поезд “Пьедрас”га яқинлашиб қолган эди. “Лима”, “Сазнс Пенья”, “Конгресс” бекатларидан тинчгина ўтишди. “Паско” бекатида поезд хиёл кечикиб жилган-у, бироқ ходим поезднинг нариги бошида бўлгани учун сезмаганми, аҳамият бермаганми, ҳарқалай, хавотирланмаган. “Рио-де-Жанейро”да бир бекат нарида, биринчи машинист олдидан қайтиб чиққанида уч нафар шериги вагонда кутиб ўтирган. Орадан 48 соат ўтгач, эгни бошини ўзгартирган машинист – унинг кийими ўзига хиёл каттароқ эди – “Медрано”да тушиб, одамлар окимига қўшилиб кетган ва шу тариқа, жума кунги йўловчилар сонини биттага кўпайтириб бош инспектор монтесано учун вазиятни беҳад чигаллаштириб юборган. Биринчи эса шу асно асқатиб қолиши мумкин бўлгани учун, уч нафар шеригига поездни қандай бошқариш лозимлигини ўргатиб составни ҳайдаб борган. Ўйлайманки, ўзлари эгаллаб олган бошқа поездларнинг машинистлари ҳам шу тадбирни қўллашган.

Поездларни эгаллагач, нисбатан беҳавотир юриш мумкин бўлган кўчма маконга эга бўлишган. Афтидан, биринчи машинистларни қайси йўл билан мажбур қилибми, ёки пул берибми, қўлга олгани ва маош олаётган ёки ҳужжатга имзо чекаётган бошқа хизматчилар билан тўқнашганда қай йўл билан фош бўлиб қолишдан қутулганини ҳеч қачон аниқлаёлмайман, шекилли уларнинг ҳаёти, тирикчилик манбаи, хулқ-атворлари

ҳақида бор йўғи тахмин қилиши мумкин, холос. Станциядаги дўконларда сотиладиган нарсалар билангина қорин тўйғазишга мажбур эканликлари ҳақида ўйласам, уларга раҳмим келарди. Бироқ, бу ҳолва экан, энг даҳшатлиси, улар севиш-севилишдан маҳрум эдилар. Улар шоколадлар ва асалли кулчалар, сут қўшилган мураббolar, ҳолвалар, канд-курслар сотиб олишади. Ширинлик жонига теккан одамдек беиштаҳа ейишади, лекин ўзларига қарашли поездлардан бирида тасодифан йиғилиб қолсалар, ўша заҳоти биргалашиб сутга қорилган ёнғoқ билан бодом қўшиб пиширилган баркашдай-баркашдай ширин нон сотиб олишар ва қимтиниб-тортиниб, лаззатли таомдек еб ўтиришарди. Аммо ширинликлар уларнинг кўнглига урганди – одамларга ўхшаб овқатланишни иташар ва беихтиёр янги ош кўклар иси анкиб турган шўрва орзусида оғизларининг суви келарди. Атай қилгандек, ўша кезлар “пласа онсе” да тамаддихона очишган, ковурилган эт хиди метронинг ичини тутиб кетар, уларнинг димогини китиқларди. Лекин улар камоли орзу ҳавасларига айланган мўъжаз лаззатхона нариги тарафида, поездлар “Морено” сари йўл оладиган платформада жойлашгани учун тамаддихонага боролмасдилар.

Кийим-кечак масаласи чаток эди. Шимлар, юбкалар, ич кўйлақлар жуда тез йиртиларди, камзуллар билан кўйлақлар нисбатан чидарди-ю, бироқ бари бир жилакурса одамларнинг кўзига чалиниб қолмаслик учун вақти-вақти билан алмаштириб туриш шарт эди. Кунлардан бир кун, эрталаб, тартиб-қоидаларни яхшироқ ўрганаман, деган ниятда, улардан биттасини кузатаётганимда улурнинг юқоридагилар билан қай тарзда алоқа қилишларини пайқаб қолдим. Бу шундай амалга ошириларди: улар тайинланган куни, олдиндан

белгиланган соатда навбат билан айтилган станцияга битта-битта келишади. Юқоридан эса алмаштириш учун кийим-кечак кўтарган бирортаси келади (кейинчалик мен уларга бекаму кўст хизмат қилишларига ишонч ҳосил қилдим: кўйлак-иштонлар ювишга, камзул ёки кўйлаклар эса тозалашга мунтазам равишда бериб бориларди) ва биргаликда келиб тўхтаган поездга чиқадилар. Ўша ерда маслаҳатлашиб олишлари мумкин, кийим-кечак тугилган бўҳча қўлдан-қўлга ўтади, кейинги станцияда эса – энг кийини ҳам шу эди – бадбўй хожатхонада кийимларини алмаштириб олишлари керак. Ундан кейинги станцияда эса ўша кимса уларни перронда кутиб турарди, сўнг ҳаммалари шу ўртадаги бекатга борардилар ва ўша таъминотчи кир кийимлар тугилган бўҳча билан юқорига чиқиб кетади.

Бу оламни энди миридан сиригача биламан, деб қатъий ишонч ҳосил қилганимда, кутилмаганда кўйлак-иштонларни алмаштиришларидан ташқари уларнинг омборхоналари ҳам борлигини ва бу омонатгина омборхонада эҳтиёт шарт, эҳтимол янги келиб қўшилаётганларни (уларнинг сонини аниқ айтолмайман, лекин менимча улар жуда кўп эди) таъминлаш учун асқатиб қолиши мумкин бўлган зарурдан-зарур буюмлар саклашларини пайкаб қолдим. Бир танишим иттифоқо Кабильдо арклари тагида эски китоблар билан савдо қиладиган мўйсафидни таништириб қўйди. Ўша пайтда мен “Сур” ойномасининг эски сонларини излаб юргандим, буни қарангки, ўша қария “Перу” станциясида тушиб, чап қўлдаги одам гавжум ва диккинафас йўлак томонга ўтишимни маслаҳат берди. Ана ўша ерда уюм-уюм китоблар билан ойномалар тахланиб ётарди. “Сур” ойномасини топишга тополмадим, лекин қўшни бинога олиб борадиган хиёл очик

турган эшикка кўзим тушди: у ерда бир эркак менга орка ўгириб турар, унинг бўйни, қулоклари ановиларникига ўхшаб рангпар эди; ерда аллақандай пальтолар, рўмоллар, шарфлар ётарди; чол бу одамни чайковчи ёки ўзига ўхшаган олибсотарга йўйди, мен унга эътироз билдириб ўтирмадим-да, жуда чиройли нашр қилинган Валяхонинг “Трилсе” китобини совға қилдим. Кийим-кечак хусусига келсак, мен хайратомуз воқеани сезиб қолдим. Ортикча пул бўлганидан ва уни сарф қилгиси қелганидан (менимча, камоқхонада ҳам шундай бўлади) улар ўз инжикликларини фавқулодда ўжарлик билан кондирардилар. Ўша пайтда мен бир малла йигитни кузатиб юрардим. Қачон қараманг, жигарранг костюмда бўларди; фақат бўйинбоғини ўзгартирар, бунинг учун бир кунда уч-тўрт марта хожатхонага кириб, чиқарди. Туш пайтида галстук сотиб олгани “Лима” станциясида тушди-ю, дўконга кириб, кўнгли тўлмай, узок танлади; дарвоқе, унинг учун бу кўнгилочар машғулот ҳам эди. Унинг дўппайган чўнтаклари галстукка тўла эканини сезиб дахшатга тушдим.

Аёллар рўмолча, майда-чуйида безаклар, такин-чоклар, қисқаси, дўконда неки бўлса сумкаларига сикқанча харид қилишарди. Баъзан улар “Лима” ёки “Перу” станцияларида, пештахтага қўйилган жавонлар билан каравотларни кўнгиллари суи кетиб томоша қилишар, рўзнома ёки “Марибель” сотиб олишар, турли олди-сотдилар, атир-упа, кўйлақлар, қўлқоплар ҳақидаги эълонлар ёнидан анчагача кетишмасди. Болаларини сайрга олиб чиққан оналарни кўрганларида ўзларини сездириб қўйишга сал қоларди, ҳолбуки, кўрсатмага биноан улар иложи борица ўзларини бепарво тутишлари керак эди; улардан иккитаси бир неча кунгача тишини-тишига қўйиб юрди, бироқ охири

чидай олмади шекилли, болалар атрофида гирдикапа-лак бўла бошлади; башарти улар болаларни эркалаб ширинлик билан сийласалар, мен таажжубланмаган бўлардим; Буэнос-Айрес метросида бунака манзарани учратиш кийин, яна ким билади, бошқа жойларда ҳам эхтимол, шундайдир.

Мен анча вақт нима сабабдан Биринчи айнан йўловчилар рўйхатидан ўтказилаётган куни учта шериги билан метрога тушганига ақлим етмай юрди. Унинг иш усулини билганимдан – ҳали ўзини танимасдим – бу ҳаракатни башарти рақамларда юз берган номувофиклик ошкора этилса, роса жанжал бўлади, деган ниятда қилган деб тушунмайман. Бунака майда-чуйда ишлар унга ярашмайди. У жуда зийрак, шунинг учун айтиш мумкин, истаса-истамаса, метро хизматчиларининг фикру зикри ўша кунларда йўловчиларни ҳисоблашда бўлганлигини эътиборга олган. Шунинг учун поездни эгаллашга қулай фурсат вужудга келганини ва ҳатто алмаштирилган машинистнинг юкорига қайтиб чиқиши ҳам ҳеч қандай хавф-хатар туғдирмаслигини фаҳмлаган. Факат уч ойдан кейин, “Лесама” боғида бош инспектор Монтесано билан тасодифан учрашиб қолган собик машинистнинг айтиб берганлари инспекторни ҳам, мени ҳам кўп гапдан огоҳ этган эди.

Ўшанда – дарвоқе, бунга кўп бўлганича йўқ – улар учта поездни бошқаришарди, менимча “Примера Хунта”даги бошқарув пунктида уларнинг одами бор. Ўз-ўзини ўлдиришлик менинг энг сўнгги шубҳаларимга барҳам берди. Ўша куни кечкурун бир аёлни кузатиб юргандим. Мана шу аёл “Хосе Мария Морено” станциясида телефон будкасига кирди. Перронда ҳеч ким йўқ эди, мен гўё ишдан ҳориб-чарчаб келаётган одамдек беҳолгина тўсикка суяндим. Улардан бирор-

тасининг телефон будкасига кирганини илк бор кўраётган бўлсам-да, бу жувоннинг киефасидаги чўчинкирашга ўхшаган ифодадан, кабинага кирмасдан аввал атрофга кўрқа-писа аланглаб олганидан ажабланмадим. У аввал пик-пик йиғлади, кейин сумкасини шиқирлатиб очди-да, даструмол олиб бурнини коқди, сўнгра: "Канарейка қалай, караб турибсанми? Эрталаб дон билан бирга бир сиқим ванил беряпсанми?" деб сўради. Унинг анчаки гапларини эшитиб лол қолдим, қолаверса, у кимгадир топшириқ бераётганга эмас, йиғлаб-сиқтаб илтижо қилаётганга ўхшарди. Мен жувон пайқаб қолмасин деган ўй-хаёлда чиқдим-да, уларнинг қандай учрашиб, кийимларини қандай алмаштираётганларини яна бир кузатиш учун станциянинг нариги бошига бориб келдим. "Хосе Морено" станциясига қайтиб келганимда у ўзини отишга улгурган эди (айтишларича, у дастлаб чўкиниб ҳам олган экан); мен унинг қизил бошмоқлари билан сумкасидан танидим. Тумонат одам йигилди, кўплар машинист билан хизматчини ўраб олиб, полицияни кутишарди. Мен улардан яна икктасини кўрдим (улар шунчалар рангпар) ва ўзимча, бу воқеа Биринчига сабоқ бўлади, деб ўйладим, чунки ер остида бирон кишининг ўрнини эгаллаш бошқа, полицияга тўқнаш келиш бошқа. Ҳафтанинг кейинги кунларида айтарлик ўзгариш юз бермади – ўз-ўзини ўлдиришлик эса деярли ҳар куни содир бўлиб турганиданми, ҳеч ким ахамият бермади. Ана шу пайтдан эътиборан метро деса юрагим безиллайдиган бўлиб қолди.

Тушунаман, мен ҳали кўп нарсаларни ойдинлаштиришим керак, балки шу кетишда метродаги ҳаётнинг туб сабабларини ҳам англаган бўлардим, бироқ қўрқув мендан кучли эди. Энди мен "Лима" станциясига – бу менинг станциям – яқин келишим биланоқ юқорида

хам сезилаётган “Англо”нинг димиккан хавоси димогимга урилади, поездлар шовкинига жимгина кулок соламан, сўнгра қахвахонага бориб ўзимни оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан қийинман, нахотки уларни бутунлай фoш этиш учун бир баҳя қолганда тоқатинг тугади, дея ҳунобим ошади. Энди мен жуда қўп нарсани билардим ва бу қўз ўнгимда юз берган воқеаларни бориб айтсам борми, жамиятга жуда қатта наф қелтирган бўлардим. Масалан, кейинги ҳафталарда уларнинг қўл остидаги поездлар сони саккизтага етгани ва бу тобора қўпаяётганидан хабарим бор. Янги қўшилганларни ҳозирча таниб олиш мушкул, негаки одамнинг териси жуда секин оқаради, бундан ташқари шак-шубҳасиз, улар эҳтиёт чораларини қўриб қўйяптилар. Биринчининг тузган режаларида хато бўлиши даргумон, уларнинг сонини аниқ белгилашнинг иложи йўқдек қўриняпти. Қуни-кеча пастга тушиб уларни кузатиб юришга юрагим дов бераётганда аксар поездлар улар билан тўлаётгани, оддий йўловчилар эса тобора қамайиб бораётганини қўнғлим сезарди; шу боис нима сабабдан рўзномалар янги линиялар қуриш керак, поездлар етишмаяпти, йўловчиларнинг талаби ошяпти, зудлик билан бу аҳволга барҳам бериш керак, деб айюҳаннос солаётганларига ажабланмайман.

Мен Монтесано билан учрашиб қолганимда ўзи фаҳмлаб олар деган ниятда унга айрим нарсаларни айтиб бергандим, у менинг гапларимга ишонмади шекилли, маъмурият тугул юз берган воқеаларга ўзининг ҳам ақли етмаётгани учун бу ишни тезроқ бир ёқли қилиш, тўғрироғи, баҳридан ўтишни лозим қўрарди. Менинг гапларимни тинглаб туриб елкамга дўстона қўл ташлаб, чарчабсиз, бирон ерга бориб дам олсангиз ёмон бўлмасди, деганидан сўнг бу мавзуда гапиришдан фойда йўқлигини фаҳмладим.

Бирор ерга бориб дам олишга келсак, мен “Англо”ни ташлаб кетолмасдим. Монтесанонинг, жилакурса, Биринчи билан унинг уч нафар шеригига қарши бирон-бир чора кўрмаётгани, тобора кенг ёйилиб бораётган бу издиҳомнинг олдини олиш учун кизикмаётгани мени таажжубга соларди. Диккинафас метрода поездлар ғижирлаб тўхтайди, хориган, тикилинчда тик туриб келганидан мияси ғовлаб кетган тумонат одам зиналарга ёприлади, мен уларга яқин боришим, уларни битта-битта қўлтиғидан олиб ҳаммасига тушунтиришим кераклиги ҳақида ўйлайман. Бироқ станцияга яқинлашаётган поезд шовқинини эшитган заҳотим юрагим орқага тортиб кетади. Кийим-кечак тугилган бўҳчаларни кўтариб пастга тушиб келаётган ёки юқорига чиқиб кетаётган ановилардан бирортасини кўриб қолсам қаҳвахонага қочаман. У ердан анчагача чиқишга журъат қилолмайман. Юз грамм ичиб, дадилланиб пастга тушаман-да, уларнинг сонини барибир аниқлайман, деб кўнглимни кўтараман. Менимча, ҳозир барча поездлар, аксар станциялар ва қисман устакхоналарнинг хизматчилари уларнинг қўлида эди. “Лима” станциясида жойлашган қандолат дўконидаги сотувчи аёл кун сайин кўпроқ савдо қилаётганини, моллари кўпроқ сотилаётганини сезган бўлиши керак. Мен ўзимни аранг қўлга олиб, нима бўлган тақдирда ҳам поездга чиқмайман, уларга қўшилиб кетмайман, деб такрорлаганча перронга тушдим, бор-йўги иккита савол бераман-у, қайтиб юқорига чиқиб кетаман – бу ер тинч, бежавотир. Қўлимдаги тангани автоматга ташлаб, дўкончага яқинлашдим ва у-бу нарсаларни кўздан кечираётганда сотувчи аёлнинг менга тикилиб қараётганини сезиб қолдим. У жуда зебо аёл эди, аммо ранги синик, аллақандай заҳил эди. Мен дод деб юборай

дедим-да, зинадан, кокила-сукила юкорига югурдим. Назаримда, яна юрак ютиб, у ерга сира тушолмасам керак, деб ўйлайман ҳозир, чунки мени аллақачон таниб қолишган эди.

Яна изимга қайтиб, зинада қоккан қозикдек туриш сабабини билмасалар ҳам менга қараб-қараб қўяётган одамлар орасида туришга қарор қилмасимдан аввал қаҳвахонада бир соатча ўтирдим. Таажжуб! Наҳотки яшаш шароитларини ўрганиб чиққандан кейин ҳам уларнинг шахси ва ниятларини фош қилишга ботинолмаса одам. Шунчалик юрак олдириб қўйганимга сира ишонгим келмайди; эҳтимол, ҳали кеч эмасдир, балки зина ёндорини ушлаганча уларнинг нияти, озми-кўпми Биринчи ҳақида (унинг шахсий тадқиқотларига путур етказиб қўйсам майли, Монтесанога ёкмаса ёкмасин) барибир буни айтаман, ҳамда бу ишлар Буэнос-Айрес аҳолиси учун нима билан тугашини биламан, деб жар соламан! Мен қаҳвахонадан чиқмай ҳамон ёзаяпман. Юқорида эканим, бу ернинг бежавотирлиги юрагимга ором бағишларди. Афсуски, бу ором, пастга тушиб дўкончага яқинлашдим дегунча тумандек тарқаб кетади. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам кўнглим сезяпти, ўзимни-ўзим мажбур қилиб бўлса ҳам, барибир, пастга тушаман, аммо олдин мулоҳазаларимни ёзиб тугатай, биттасини префектга ёки полиция бошлиғига, нусхасини эса Монтесанога юбораман, кейин қаҳва пулини тўлаб қайси юз билан тушиб боришимни ҳали кўз олдимга келтиролмаётганимга қарамай, ва айниқса, ҳозир мени таниб қолишганда, охир-оқибат мени сезиб қолишганда пастга тушишига куч топа олармикинман, лекин бунинг аҳамияти йўқ, тушаман дедимми тушаман, ҳаммасини ёзиб тугатай, бориб айтаман: жаноб префект ёки жаноб

полиция бошлиги, пастда – перронда кимдир юрибди ва у мендан бошқа ҳеч ким уни сезмаётган пайтда хира ёритилган телефон будкасига кириб сумкасини очадди. Кейин эса хик-хик йиглайди, сўнгра, жаноб префект, кўз ёшлари қуримай сўрайди, “Қалай канарейка, унга қараб турибсанми? Эрталаблари дон билан озгина ванил беряпсанми?”



ИЗЛАРИНИ ИЗЛАБ

Шоир Клаудо Ромероннинг ҳаёти ва ижоди билан шуғулланишга аҳд қилганида Хорхе Фрага қиркка кирганди.

Улфаталари билан қаҳвахонада ўтириб Ромеро шахсига оид тузукрок тадқиқот йўқлигига яна бир қарра амин бўлишган чоқда Фарагада шундай фикр уйғонган эди. Инсоф юзасидан айтганда асримиз бошида узок давом этмаган, бирмунча вақт шов-шувга сабаб бўлган учта китоби ҳамон ҳайрат ва кизиқиш уйғотаётган Ромеро шахси ҳақида адабиётшунослик тугул, ҳатто ўз давридаги иконаграфик тадқиқотларида ҳам тузукрок гап айтилмаган эди. Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида ўша йиллари ойномаларда босилган мақтовлардан иборат ўртамиёна тақризлару Санта-Фе вилоятлик номаълум ташаббускор муаллимнинг ягона китобчасидагина айрим маълумотларни билиш мумкин эди. Китобча ҳам бор, йўғи, узук-юлук маълумотлар, хира суратлар ҳамда ё адабий кечаларнинг доимий ишқивозлари тўқиган уйдирмалар, ё замонасоз ноширларнинг антологияларидан олинган икки-уч оғиз мақтовлардан иборат эди. Бироқ, Фрагани қачондир Карриего ёки Алфонсино Стери каби шоирларнинг шеърларига ўхшаб Ромеро асарларини ҳамон қўймай ўқишаётгани ҳайратга соларди. Фрага мактаб партасидаёқ Ромеро шеърятини кашф этган, тақлидгўйлар ибратомуз оҳанглар ва сийқа образлар тўла ижодлари билан

хар қанча тиришмасинлар “Ри-Плта куйчисининг” дostonлари Алмафуэрта ёки Карлос де ла Пуа шеърлари сингари унинг мурғак калбидан ўрин олган эди. Аммо орадан анча вақт ўтиб, кимсан машҳур танкидчи ва бадихагўй сифатида танилгандан кейингина Фрага Ромеро ижодига жиддий қизиқиб қолди ва асарларидан кўра таъсирлироқ туюлган шахсий ҳаёти ҳақида қарийб ҳеч нима билмаслигига амин бўлди. Аср бошида яшаган бошқа зўр шоирлар асарларидан Клаудио Ромеронинг шеърлари чуқур самимияти ва ҳақгўйлиги билан ажралиб турар, шу фазилатлари туфайли ҳам назмбозлик ва жимжимадорликдан беъган ёшлар муҳаббатини қозонган эди. Тўғри, дўстлари ёки шогирдлари билан Ромеро дostonлари ҳақида гурунглашиб ўтиришганда Фрага сеҳру тароватини шоир шахсиятининг сирлилигига сабаб бўлмаяпти-микан, дея иккиланарди. Бироқ, афсуски, ҳар сафар шу сирлилиқ Ромеро ижодини кадрловчи кишиларнинг эҳтиросини чиндан-да кўпиртириб юбораётганига ишонч ҳосил қиларди; дарҳақиқат, бу шеърят шунчалар жозибали эдики, ҳеч қандай танкид унинг кадр-кимматига путур етказолмасди.

Қаҳвахонада Ромерони ҳар доимгидек умумий-мавҳум иборалар билан кўкларга кўтаришган мана шундай йиғилишларнинг биридан кейин Фрага шоир ижоди билан жиддий шуғулланишга юрагида қучли эҳтиёж туйди. Шу билан бирга у энди илгаригидек илмий таҳлиллар билан чегараланиб қололмаслигини ҳам сезди. Вақт ўтиб ўтмиш хира тортган, шунинг учун том маънодаги, юксак маънодаги инсон, муҳит, ижодни ўз ичига олган таржимаи ҳол яратиш зарур эди. Даставвал иложи борича кўпроқ маълумот тўплаб, сўнг шоир изидан юриб ўша маълумотлар асосида унинг

хаёт йўлини изчил ўрганиб чиқиш лозим эди. Факат шу йўл билангина Ромеро ижодининг туб моҳиятини тўлақонли акс эттириш мумкин бўларди.

Ишга киришган кезларда Фраганинг турмуш шароити яхши эмасди. Илмий давраларда унинг ўзига яраша обрўси бўлиб, адъюнкт-профессор лавозимида ишлар, кафедрасидаги ҳамкасблари, талабалари хурмат қилишар эди. Бирок анчадан бери Европага бориб кутубхоналарда ишлаш учун ўзини ўққа-чўққа ургани билан расмий рухсатнома ололмай юрарди. Унинг ёзганлари кўпда жамоатчилик оғзига тушмас, шу боисданми министрликда уни танимасдилар. Ўрта-миёна ёзувчи ёки адабиёт журналида дам-бадам мақолалари эълон қилиниб турадиган мунаққид унга нисбатан кўпроқ кадр топиши мумкин эди. Агар Ромеро ҳақидаги китоби шуҳрат қозонса ҳамма иши ҳамирдан қил суғургандай ҳал бўлажагини Фрага жуда яхши тушунарди. У иззатпараст эмасди, бироқ устамон, нўноқ қаламкашларнинг пичоги мой устидалигини кўриб жиғибийрон бўларди. У ўз вақтида Клаудио Ромеро ҳам унга рад этилган лавозим “сарой шоирлари”га раво кўрилганидан ҳам алам билан зорланган эди.

Фрага китоби учун қарийб икки ярим йил маълумот тўплади. Бу хийла осон, аммо одамни толиктирадиган даражада майда иш. Дам Пергаминога, дам Санта-Крус ва Мендосага олиб боришга, эски газета-журналларни кўздан кечириш, улардан муҳим кўчирмалар қилиш, ўша даврдаги турли адабий оқимларни қиёслаб ўрганишга тўғри келарди. 1954 йил адоғида Фрага бир жумла тугул ҳали бир сатр ёзмаган бўлса ҳам бўлғуси китобнинг мавзуси ойдинлашиб қолганди.

Сентябрь окшомларининг бирида кора қутига янги қайдномани жойлар экан, шу ишни уддалай оламанми дегандек ҳаёлга толди. У қийинчиликлардан эмас, балки, аксинча, сийкаси чиққан йўсинда тез ва осон ёзиб ташлашга киришиб кетишдан чўчирди. Барча маълумотлар тўпланган на Аргентинадаги кутубхоналарда на Ромеро замондошларининг хотираларида пичокка илингулик бошқа маълумот қолмаганди. Фрага шу чоққача Ромеронинг ҳаёти ва ижодига оид номаълум маълумот ва хабарларни йиғиб бўлган эди. Энди, муҳими, янглишиб кетмаслик учун асосий фикрни белгилаб олиб, китобнинг яхлит композицияси билан услубини топиб олса бўлгани.

“Лекин Ромеро шахси-чи ... Бу менга етарлича маълумми? – дея кўнглидан ўтказарди Фрага сигарета чўғига тикилиб ўтираркан. – Ҳа, дунёқарашимизда ҳам, бадиият ва нафосатга оид фикрларимизда ҳам, дидимизда ҳам ўхшашлик бор. Таржимаи ҳол ёзишга чоғланган одам талабини қондира олувчи ҳамма нарсa муҳайё. Лекин шу нарсалар мени чалғитиб, ўз таржимаи ҳолимни ёзиб қўймасмиканман?”

Алоҳа, у “менда ҳеч қачон шоирлик қобилияти бўлмаган, мен шоир эмас, шеърият муҳибиман ва асарларни таҳлил этиш билан, ҳис қилишдан лаззатланишга қобилман холос”, деган мазмунда ўзига жавоб қайтарарди. Шундай экан, шошмасдан шоир ижодини чуқурроқ ўрганаман деб берилиб кетмаса, билиб-билмай ўзга одам қиёфасига кириб қолмаса бўлди! Ромеро ва унинг фусункор шеърияти шайдоси эканидан чўчишга ҳеч қандай асос йўқ. Фақат суратга олаётган пайтда аппаратни шундай жойлаштириш керакки, суратга тушаётган кадрда қолсин, сураткашнинг сояси уни оёқсиз қилиб қўймасин.

Мана унинг каршисида унинг аллақачон очилиши лозим бўлган эшик янглиғ оппоқ коғоз, аммо ун яна шубҳа-гумонлар ўз домига тортмоқда: бўлажак китобни ўзи истаганидек ёза олармикан? Агар дид-фаросати кино ва Моруа бадихалари билан шаклланган ўқувчига мослаб одатдагича шоирнинг бошдан кечирганлари ва арзимаган воқеаларни қаламга олиш билан чегараланса, юзаки латифага айланиб кетиш хавфи туғиларди. Иккинчи томондан эса, бир ҳовуч билимдон ҳамкасбларига ёкишни кўзлаб социалист ўртоқлар “халқ” деб улуғлаётган омманинг баҳридан ўтиш ҳам мутлақо ярамасди. Шундай йўл топиш лозим эдики, асар шов-шув кўтарган ҳолда жўнгина китобга айланиб қолмасин, шу билан бирга илм аҳлига ҳам, шанба окшомини оромкурсида талтайиб ўтказишни мўлжаллайдиган хаёлпараст хонасоллатлар меҳрига ҳам сазовор бўлсин.

Буни машъум Фаустнинг тил бириктириш арафасидаги изтиробларидан нима фарқи бор. Дераза ортида тонг отаяпти, столда папирос қолдиқлари, бемажол, шалвираган қўлда финжон... “Мусаллас, бамисли вақтни яшираётган пардадир”, деб ёзганди каердадир Клаудио Ромеро.

“Нега энди бошқача бўлиши керак, – деди ўзига-ўзи Фрага сигарет тутаркан. – Ҳозир мен у ҳақда ҳеч кимнинг тушига кирмаган маълумотларни билсам-у, нари борса уч юз нусхада нашр этиладиган жўнгина бадиха ёзсам, ғирт бемаънилик эмасми. Бу каби бадихаларни Хуарес ёки Риккарди қотириб ташлаган бўларди. Аммо Сусана Маркес ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмайди-ку!”

Клаудио Ромеронинг брагодалиқ марҳум дўстларидан бирининг укаси бўлмиш муросагир судьянинг оғзидан беҳосдан чиқиб кетган сўз калава учини

топишга ёрдам берди. Ла-Плата шаҳридаги ахолининг рўйхатга олиш бюросининг хизматчиси узоқ ахтариб керакли адресни топиб бергач, Фрага Пиларга жўнади. Сусана Маркеснинг қизи ўттиз ёшлардаги тикмачокдеккина жувон экан. Дастлаб у банд эканини рўқач қилиб, Фрага билан гаплашишдан бош тортди. Аммо зум ўтмай ичкарига чақирди ва суҳбатлашишга розилик билдириб, уни чанг босган оромкурсига ўтиришга таклиф этди. Биринчи саволдан кейин пича унга тикилиб қолди, сўнг кўнгли бузилиб кўзларини рўмолча билан арта-арта бечора онаси ҳақида сўз бошлади. Фрага хижолатомуз охангда Клаудио Ромеро билан Сусананинг муносабатлари ҳақидаги баъзи гаплардан хабардор эканлигини шама қилди, сўнг одоб билан шоир муҳаббати аслида никоҳ тўғрисидаги рамзий гувоҳномадан аҳамиятлироқ, деган гапни айлантирди. Фраганинг бундай илтифотларидан эриб кетган аёл бажонидил ёрдам беришига рози бўлди ва орадан бир неча дақиқа ўтгач иккита сурат олиб чиқди: биттаси Ромеронинг илгари ҳеч қаёқда эълон қилинмаган сурати, иккинчиси, сарғайиб хира тортгани эса шоирнинг Сусана билан тушган сурати эди. Фрага Сусана ҳам қизига ўхшаб дўмбоқкина бўлганини фаҳмлади.

– Менда хатлари ҳам бор, – деди Рекил Маркес. – У ҳақда ёзмокчи экансиз, балки аскатиб қолар.

Ракел Маркес жавондаги қоғозларни титкилай-титкилай охири учта мактуб топиб Фрагага узатди, Фрага мактубларга тезгина кўз югуртириб чиққач, улар ҳақиқатан Ромеронинг қўли билан ёзилганига ишонч ҳосил қилгач, ўша заҳоти портфелига яширди. Фрага Ракел шоирнинг қизи эмаслигини аллақачон фаҳмлаган, зеро, биринчи шамадаёк киз худди ўйга

толгандек бошини куйи солиб, жим қолганди. Сўнгра онаси балкарселик бир офицерга теккани (у гапини тасдиқлаш учунми “Фанхионинг юртидан” деб кўшиб кўйди) ва саккиз ёшга тўлганида уларнинг ҳар иккаласида бир йўла жудо бўлгани ҳақида гапириб берди. У онасини яхши эслар, отасининг киёфасини эса кўз олдида келтиролмас экан. Фрага Беэнос-Айресга қайтаётиб йўлдаёқ Клаудио Ромеронинг Сусанага ёзган мактубини ўқиб чикди, ҳаёлида ўзи ҳеч кутмаган ҳолат жонланди-ю, ҳаммаси бирдан ўз жойига тушди; унга шоирнинг жоҳил ва мунофиқ замондошлари ҳатто ҳаёлларига келтирмаган манзара намоён бўлганди. 1917 йили Ромеро Ирене Пасга бағишлаб бир туркум шеърлар эълон қилган ва уларнинг орасида танқидчилар шу пайтгача Аргентинада дунёга келган энг ёрқин муҳаббатнома, деб кўкларга кўтарган машҳур “Муажжиб исмингга қасида” достони ҳам бор эди. Шу қасиданинг дунёга келишидан атиги бир йил олдин ўзга бир аёл Ромеро шеъриятига хос юксак эҳтирослар ва нафосат билан йўғрилган учта мактуб олган эди. Уларни ўқимасдан аввал Фрага туйғуларнинг кўзгуга тушган аксидай икки киши учун муҳим бўлган одатий ишқий ёзишувлар бўлса керак, деб ўйлаган эди. Ҳақиқатда бошқача бўлиб чикди: ҳар бир жумлада ўзи билган катта шоирнинг ўша руҳий дунёси, ўша-ўша муҳаббатга интизор қалбнинг изтироблари акс этиб турарди. Ромеронинг Сусана Маркесга бўлган ишқи самовий эмас, балки аксинча, ҳар бир сатрида жўшқин ҳаётини муҳаббат нафаси уфурар, зеро, худди шу йўл билан шоир маҳбубасини яна ҳам улуғлар ва айни чокда, фаол, курашчан шеъриятини қуйларди.

Кўриниб турибдики, калаванинг учини топиш қийин эмас эди. Ромеро Сусана билан Ла-Платадаги

адабий салонларнинг бирида танишган ва улар орасидаги ишкий бетамиз биографлар сабабини тушунтириб беролмаган ёки икки йилдан сўнг уни гўрга тиккан кўкрак силига гирифтор бўлгани билан шарҳлашадиган даврга тўғри келиб қолган эди. Сусананинг мавжуд эканлигини ҳеч ким билмасди, бамисли, ўша пайтда, қўйингки, кейинчалик ҳам ранги ўчиб кетган суратдаги каби катта-катта маънос кўзлари билан дунёга қараб турган тасвирдан фарқи йўқ эди. Бор-йўғи қариб қолган камбағал одамларнинг ёлғиз фарзанди, холидан ҳеч ким хабар олмайдиган ишсиз муаллима. Шоирнинг Ла-Платадаги адабий кечаларга келмай қўйгани Европада урушнинг энг оғир даври, янги ижтимоий карашлар туғилаётган ва истеъдодли ёш шоирлар пайдо бўлаётган замонга тўғри келганди. Шу маънода кишлоқдаги муросагир судьянинг беҳосдан айтиб юборган гапини эшитганда Фрага ўзини омади чопган дея ҳисоблашга тамомила ҳақли эди. Чунки шу арзимаган баҳона туфайли у калаванинг учини топди: Бурсакодаги Ромеро билан Сусана деярли икки йил яшаган файзсизгина изни излаб топди; Ракел Маркес берган мактублар ҳам худди ўшанда ёзилган эди. Ла-Плата шахрининг муҳри урилган биринчи хат эҳтимол, шоирнинг Сусанага уйланиши ҳақида гап борган аввалги хатнинг давомига ўхшарди. Энди эса шоир бетоблиги туфайли уйланишдан тамомила воз кечиши, агар шундай қилмаса, ҳозирги аҳволида келин рафика бўлиб эмас, ҳамшира сифатида қошига келишини ўртаниб ёзарди. Иккинчи мактуб ларзага соларди: жўшқин эҳтирослар ўрнини куракда турмайдиган важкорсонлар эгаллаган, Ромеро ҳар қанча оғир бўлса ҳам, тўғри гап муқаррар айрилиққа нисбатан камроқ таъсир қилади, деб гўё маъшуқасига уқтирмоқчи бўлар-

ди. Мактубнинг бир ерида лўндагина қилиб ҳаммаси очик-ойдин айтилган эди: “Бизнинг ҳаётимизга аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, мен эркингни ўз кўлингга топшираман. Ихтиёр ўзингда. Ишонаманки, инон-ихтиёринг ўзингда колса, янада мустаҳкам ришталар иккимизни боғлаб туради. Бир ёстикка бош қўйсак, ҳар сафар гул кўтариб хонамга кирганингда “гулдек умрингни хазон қилгандек қийналаман” деб, кейин шиддат билан кўшимча қиларди: “Сенинг гулдек умринга зомин бўлишни истамайман, сенинг юзинга караб йўталишни ва сен дам-бадам теримни артишингни хоҳламайман. Сен билган вужуд бошқа, мен сенга тақдим этган гуллар ҳам мутлақо ўзга. Менинг ягона дардкашим тундир, қандай азоб чекаётганимни кўришингга йўл қўймайман”. Учинчи мактуб эса, афтидан Сусана раҳми келиб розилик билдирган бўлса керак, бирмунча хотиржамроқ оҳангда эди. Унинг бир жойида шундай жумлалар бор эди: “Сен алдаб-авраб ўз ихтиёрингга итоат эттирмоқчисан, дея мендан норози бўляпсан. Лекин, ҳамонки, сенинг келажагинг менинг ихтиёримда экан, кўзим очиклигида савоб иш қилишга ижозат бер!”

Фрага белгиланган воқеалар тарихига кўра Клаудио Ромеро ҳаёти ўша даврдан сукунатга бурканиб, сасадосиз ота-онасининг уйида кеча бошлаган эди. Бундан бу ёғига шоирнинг Сусана Маркес билан учрашгани ҳақида бирон гап ҳам, бунинг аксини тасдиқловчи бошқа маълумот ҳам йўқ эди. Шундай бўлса-да, Ромеро ўзини фидо қилишга эришган ва Сусана охиروқибат тақдирини бедаво дардга йўлиққан одам қўлига топширгандан кўра боши очик юришни афзал кўрган эди. Ромеро шеърияти осмонида янги ёркин юлдуз пайдо бўлгани бундай хулоса чиқаришга изн берарди.

Бу ўзаро ёзишмалар ва хижрондан сўнг бир йил ўтгач, адабий ойномалардан бирида Ирене Пасга бағишланган “Муажжиб исмингга касида”, деган дoston босилди. Афтидан, Померонинг саломатлиги хийла дуруст бўлиб қолган эди ва турли-туман адабий кечаларда муаллиф ўкиб берган дoston унинг номини бирдан шон-шуҳрат чўққисига олиб чиқди. У худди Байрон каби кечкурун ёстикка бош қўйиб, эрталаб машҳур бўлиб уйғондим, дейишга ҳақли эди – шундай деди ҳам. Шунга карамай Ирене Пасга нисбатан лов этиб аланга олган ишки жавобсиз қолди ва ўша давр латифағўйларининг шарофати билан етиб келган ва айрим олиймақом давралардаги миш-мишларга қараганда, бунинг оқибатида шоир обрўсига путур етган ва муҳибларию мухлислар юз ўгиргач эса, яна ота-онасининг ёнига қайтиб борган. Кўп ўтмай Ромеронинг сўнгги китоби чиқди. Бир неча ойдан сўнг кўчада келаётганида оғзидан қони келиб, уч ҳафта ўтгач эса оламдан ўтди. Дафн маросимида кўпчилик қатнашганига карамай, эълон қилинган видолашув сўзлари билан таъзияномалар шуни кўрсатадики, Ирене Пас мансуб бўлган жамоа уни сўнгги йўлга рисоладагидек кузатиб, иззат-икром билан ерга қўймаган.

Ромеронинг Ирене Пасга ошиқлиги Буэнос-Айрес билан Ла-Плата қай даражада ҳавасини келтирганини Фрага тасаввур қиларди. Ирене ҳақида эса у аниқ бир фикр айтолмасди. Суратларга қараганда Ирене Пас ўн гулидан бир гули очилмаган қиз эди. Қолган маълумотларни эса сўзсиз итоат этувчи бу хилқат билан Ромеронинг танишиб қолишини тасаввур қилиш қийин эмас. Ирене Пас ота-онаси пичинг аралаш машҳур “артистлар” ва “шоирлар” деб тилга олишадиган кишилар билан суҳбатлашиш учун аҳён-аҳён

уюштирадиган кечалардан бирида Ромерони учратгани аник. “Қасида” иззат-нафсига хуш ёкканмиди, мафтункор саралавҳаси ҳаётнинг пасту баландини назар-писанд қилмасликка чорлаётган одамнинг эҳтирослари чинлигига ишонч уйғотганмиди – бунга факат, шунда ҳам қисмангина, Ромеро жавоб бериши мумкин эди. Аммо бу ҳақда бош котириш шарт эмаслиги ва қўшимча маъно излашнинг ҳожати йўклигини Фрага яхши тушунарди. Клаудио Ромеро Ирене Паснинг лутф-эҳсонларига умид қиладиган анойилардан эмасди. Уларни ажратиб турган жарлик, ҳар турли тўсиклар зодагонлар хонадонининг талабларига ҳамда ўзи мансуб табаканинг эътиқодларига садоқатли киз ўз инон-ихтиёри билан тўрт девор орасида яшар, шу боис бошиданоқ, Ромеро қўлини ювиб қўлтиққа урган эди. “Қасида”нинг юксак, тантанавор оҳанги, ишқиёна лириканинг сийқа намуналаридан кескин фарқ қилиши шундан далолат беради. Ромеро ўзини “қордек оппок оёқлар остига қулаган Икар” дегани учун “Карас ва Каратас” ойномасининг намояндаларидан бири унинг устидан кулган эди; ҳолбуки, қасида баркамол ва шу туфайли гўзалроқ мақсадга интилишнинг юксак намунаси эди: шеъриятнинг нафис канотларида ўзини кулга айлантиражак қуёш сари талпинишга ботинган инсон руҳининг ғоят таъсирчан, аммо беҳуда изтиробларидан иборат эди. Шоирнинг ўлими олдидан узлатга чекиниб, ҳеч нарса эълон қилмай қўйгани ибратомуз равишда юксакликдан қулашни эслатарди.

“Нимасини айтасан, – дея кўнглидан кечирди Фрага финжонга саҳбо куяркан, – ҳаммаси тўғри келяпти, ҳаммаси ойдинлашди. Факат ёзиш қолди. Факат қоғозга туширсам бўлгани”.

“Аргентиналик бир шоирнинг ҳаёти” китоби босилиб чиқиши билан катта шов-шувларга сабаб бўлди.

Дастлабки, икки ҳафта мобайнида асар ҳақида бирон-та такриз эълон қилинмаган бўлса, ой охирига бориб, “Ла Расон” газетасида ижобий мақола чоп этилди-ю, Буэйнос-Айреснинг локайд, эҳтиёткор китобхонларини жўштириб юборди: битта-яримтасини айтмаса, китоб ҳақида гапирмаган одам қолмади. Обрули рўзномаю ойномалардан “Сур” билан “Ла Насон” шов-шув бўлган ушбу асар ҳақида қойилмақом мақола босиб чиқаргач, ҳамманинг оғзига тушди. Дарионинг Ро-мерога таъсири, хронологиянинг изчиллиги ҳақида бошланиб кетган жўшқин баҳс-мунозаралар, шеърият ихлосмандларининг қизиқишларига ўт ёқди. “Шоирнинг ҳаёти” китобининг биринчи нашри икки ойда сотилган бўлса, кейинги нашри ярим ойда тарқалиб кетди. Мўмайгина пул ишлаш имкони туғилганидан боши кўкка етган Фрага китоб асосида театр билан радиога сценарий ёзишларига монелик қилмади. Чамаси китоб атрофида кўтарилган шов-шувлар билан жўшқин эҳтирослар энг юқори нуктасига ёки бошқачароқ айтганда, ҳамма яхши кўрадиган навбатдаги истеъдод чиқиши муқаррар бўлган нуктага етган эди. Мана шу юз бериши муқаррар кўнгилсизлик боис, ёки бамисли вазиятни бирмунча юмшатиш мақсадида, унга Миллат мукофотини беришди. Очиғи, мухлислари, таниш-билишларидан илгарирок шу ҳақда хабар қилган бир-иккита дўстлари елиб-югурмаганида Фрага бундай мукофотни тушида ҳам кўрмаган бўларди. У дўстларининг қутловига жавобан, Нобель мукофоти билан тақдирланиши ўша кун кечкурун Фернандел иштирок этган фильмни кўриш учун Андре Жидга ҳалал бермаган эди, дея эслатди. Балки шу сабабли оммавий қутловлардан қочиб бир танишиникига яшириниб олгандир! Зеро,

мукофотни бунчалик назари илмаётганини кўриб, ўзи уйидан жой берган ўша таниши ҳам унинг бундай саъйи ҳаракатини бачканалик ва ҳатто мунофиқликка йўйди. Лекин очиги, шу кунларда Фрага ғалати – ўйчан бўлиб қолганди. У нима сабаблардандир одамлардан бешиб борар ва кун сайин рўзномалару радио яратган ўзга Фрагадан ва Аргентина тугул бутун дунёга тарқалаётган шон-шуҳратидан сакланишни истар ва бу истак бутун вужудини камраб борарди. Миллий мукофот кимнингдир хайр-эҳсони эмас, балки ранжу заҳматлари эвазига қўлга киритган мукофотдек туюларди. Энди очиги, бир пайтлар “Шоир ҳаёти”ни ёзишга беҳад руҳлантирган орзу-умидларини амалга оширишга имкон ҳам туғилган эди. Дарҳақиқат, бир ҳафта ўтар-ўтмас Ташқи ишлар министри уни уйига меҳмонга чақириб, (“сиздек адиблар расмий қабулларни хушламайсизлар, буни биз арбоблар яхши биламиз”) Европа мамлакатларининг бирига маданий ишлар бўйича маслаҳатчи вазифасига таклиф этди.

Буларнинг ҳаммаси тушида содир бўлаётгандек туюлар ва ўзини шунчалар ноқулай сезардики, шон-шуҳрат пиллапояларидан поғонама-поғона бемалол кўтарилиб бориши учун ўзини қўлга олишга қийналарди. Илк мусохабалар, нашриётчиларнинг тақаллуфи, адабий кечалар ҳамда машғулотларга илк бор таклиф этишдан бошлаб, охири, бемалол китоблар жамоасига кириб ва гўё ўзини бу жамоатнинг фармонбардори деб билиш ғоз жигари сурилган бутерброд кавшаганча Дилан Томас ҳақида чақак қоқётган санъат ҳомийлари ва ҳомияларининг шиншилла мўйнасидан тўқилган шарфлари, қордек оппоқ кўйлақларининг қадама кўкрақларини кўздан кечириши мумкин бўлган минбарга чиқишдек даражага етди. Кейин эса, вақти келиб

хе йўк, бе йўк, шунчаки харид килгиси келганидан, кир машинаси билан бирга қўшнилари аллақачон олгани ва “Эль Мундро” радиостанциясининг машхур шарҳловчиси ўн биру эллик бешдаги кундалик эшиттиришда яна кўкларга кўтариб мактагани учун, нон олиб келади деб ўтирган хотин бола-чакасининг ризкидан қийиб, ёстикдек роман – ҳажми 325 куб см ёки 328 саҳифадан иборат буюм – китоб сотиб олишни ҳамма нарсадан афзал кўрадиган мияси ачиган ва шикастанафас газетاپарастлар, телетомошабинлар ва радио тингловчиларни кўрди.

Ҳаммасидан ўтиб тушгани китобнинг ўқиш тавсия этилган асарлар рўйхатига кириши бўлди, чунки Клаудио Ромеронинг ҳаёти ва ижоди шу чокқача фақатгина зукко кишилар, демакки, ҳаддан ташқари озчиликни қизиқтириб келарди. Фрага ёлғиз қолиб бу воқеаларни мулоҳаза қилиб кўргиси келганда (энди навбатдаги кинопродюсерлар билан шартнома тузишга келиб тақалганда) худди бир нима юз берадигандек юраги ғаш бўла бошлади. Дарҳақиқат, олдинда, шон-шухрат пиллапоаяларида фақатгина битта поғона қолган, худди истироҳат боғидаги кўприк мисоли юқоридаги энг сўнгги, айна чокда қуйига олиб тушувчи биринчи поғона вазифасини ўташи мумкин бўлган поғона эди. Эртами-кечми меъдаси тўйган талабгорлар кўнгил очиш учун, янги ўйин-кулгу илинжида ундан юз ўгиради. Шу асно, Миллат мукофоти расмий топшириш чоғидаги нутқини тайёрлаш учун холирок бўлиш ҳаракатига тушганда кейинги ҳафталар ичида кўтарилган шов-шувлар унга энди эриш туюла бошлаган, шу боис бўлажак тантанлар шунчаки расмий кўзбўямачиликдек таассурот қолдираётган эди. Бундан ташқари унинг кўнгли, нима учундир ғаш эди ва агар

ўзини кўлга олмас экан, боши-кетни йўқ хаёллардан халос бўлолмаслигини ҳам тушунарди. У нутқни ёзиш жараёнидан енгил тортаман, деб умид килди ва хамиша ўзини тетик, хотиржам сезадиган макон – Офелия Фернандеснинг кўрғонига жўнади.

Ёзнинг охирлари, боғ-роғлар кузги либосини кийган, Фрага оёғи остидаги итни эркалаганча, Офелия билан суҳбатлашиб пешайвонда ўтирарди. Унинг картотекалар сакланадиган иш столи биринчи каватдаги хонада эди. Муҳим қутини очиб, бамисоли пианино клавишларини ўйнаётган чолғучидек карточкаларни бармоқлари билан ўтказиб туриб, Фрага адабий шон-шуҳрат билан воқе бўлувчи сохта бир ёкламаликка карамасдан, ҳамма ишлари бинойидек кетаётгани, “Шоир ҳаёти” жиддий арзигулик китоб экани ва одамларга, Ватанга хизмат қилаётгани ҳақида ўйларди. Назарида бемалол маърузани тайёрлаш, мукофотни олиб, Европа сафарига отланавериши мумкин эди. Унинг калласида саналар ва рақамлар шартномалар ва зиёфатга таклиф этилган вақтлар билан қоришиб кетган эди. Тез орада Офелия бир шиша шаробни келтириб, жимгина ўтиради-да, қандай ишлаётганини ҳавас билан кузатади. Ҳамма иш бинойидек кетмокда эди. Фақат чирокни яқинроқ суриб, узоқларда сайраётган қушлар овозини тинглаганча чекиб олса бўлгани.

Хуллас ҳақиқат қачон аён бўлди, айти шу лаҳзалардами, ёки кейинроқ, Офелия билан деразадан кўриниб турган юлдузчага хорғин термилиб ётганларидами – сира эслолмасди. Дафъатан ярқ этган чакмоқ унинг шуурини ёритиб юборгандек бўлди. Бу кутилмаганда чуқур идрок этишга ўхшарди. Фраганинг эти жимирлаб, юраги гупирди. Сўнг сув куйгандек жимлик чўкди, ҳа, чамаси бундай бўлган

эди: у Ракелнинг катакдек меҳмонхонасидан чиқиб кетаётгандаёқ хаммасини фаҳмлаган, сира ишонгиси келмаганига қарамай ўша пайтда кўнгли сезган ва худди мана шу бош оғриғи ёки иситма каби уни муттасил қийнаётган эди.

Туйкус кўнглидаги иштибоҳ, ғашлик бир дамгина туман янлиг тарқаб “Шоир ҳаёти” бошдан-оёқ уйдирма ва Клаудио Ромеро кечмишларининг бунақа сафсаталарга мутлақо алоқасиз эканига иқрор бўлди. Ҳеч қандай далилу исбот керак эмас, ҳаммаси бошдан-оёқ уйдирма. Майли, бир неча йил заҳмат чекиб саналарни қиёслаган, шоир ҳаётини иложи борица изчил ўрганган, тахмину гумонларни инкор этган бўлсин, бари бир ҳаммаси уйдирма. Клаудио Ромеро Сусана Маркеснинг бахти деб ўзини фидо қилмаган, тарқи дунё қилиш орқали эркини ўз қўлига топширмаган ва Ирена Паснинг оппоқ оёқлари остига Икар сингари йиқилмаган. У эса – бадиҳагўй, ҳақиқатни билса ҳам бундан кўз юмди. Қолаверса, кўнглининг тубида ҳаммасини бошиданок сезгандим, деган ишонч лойқа сингари чўкиб қолган эди.

Яна сигарет тутатиб, ҳаммасини асабдан кўриш, Офелиянинг интиқ лабларидан бўсалар олишдан фойда йўқ. Ўз қаҳрамонига ортиқ даражада махлиё бўлиш оқибатида адашганлигини рўқач қилиб, ўзини ожиз кўрсатиш ҳам бефойда. Офелиянинг нозик кўксини силаб-сийпар, ҳароратли нафаси Фрага димоғига урилиб китиқларди. Шунга қарамай Фрага уйкуга кетди.

Эрталаб картотеканинг очик қолган тортмасига, қоғозларга назар ташларкан, буларнинг бари тунги кечинмаларнинг олдида бутунлай аҳамиятсиз нарсалардек туюлди. Офелия пастда поездларнинг катнаш

жадвалини аниклаш учун станцияга кўнғироқ киларди. Фрага соат ўн иккиларда Пиларга етиб борди ва тўппа-тўғри кўкат дўкончасига йўл олди. Сусананинни кизи уни хавотир билан қарши олди. Фрага атиги беш минут вақтингизни аяманг, деди ва яна чанг босган меҳмонхонасига кириб ўша саҳтиён қоплаган оромкурсига ўтирди. У чўзиб ўтирмади, чунки Сусана кўз ёшларини арта-арта бош қимирлатиб унинг гапларини тасдиқлаб ўтирди.

– Ҳа, ҳа, сеньор. Худди шундай бўлганди, сеньор.

– Лекин нега бу хусусда менга ҳеч нарса демадингиз?

Ўтган сафар аёлнинг нега бу ҳақда лом-мим демаганини тушунтириш осон эмасди. Онаси баъзи нарсалар ҳақида ҳеч қачон, ҳеч кимга оғиз оча кўрма деб уқтирган экан. Балкарседа офицерга турмушга чиққанидан кейин эса... Лекин Фраганинг китоби тева-рагида шов-шув кўтарилгач, аёл унга ёзиб юбормокчи бўлган экан, чунки...

Сусана кўрка-писа унга қаради, кўз ёшлари ёноқларидан оқиб тушарди.

– Ахир, сиз каердан билдингиз? – деб сўради бироздан сўнг.

– Хавотирланмай қўяқолинг, – деди Фрага. – Ойни этак билан ёпиб бўлмайди.

– Лекин сиз китобда бутунлай бошқа нарсаларни ёзгансиз-ку! Мен ахир ўқиб чиқдим. Бир сатрини қўймай ўқидим.

– Сиз туфайли китоб бошқача ёзилган. Сизда Ромеронинг онангизга ёзган бошқа мактублари ҳам бор. Сиз Ромерони ҳам, онангизни ҳам фаришта қилиб кўрсатадиган хатларни бергансиз, холос. Менга бошқалари керак, ҳозирок. Қани улар?

– Фақатгина битта хат қолган, – Ракел Маркес. – Аммо, мен онамга сўз берганман, сенор.

– Мадомики, бу мактубни онангиз ўша пайтда ёкиб юбормаган экан. менимча унда айтарли ташвишга соладиган нарсa йўқ. Қани улар, хакини тўлайман.

– Сеньор Фрага, хатни пул учун беради деб ўйласангиз...

– Мана, хаки, – деди жеркиб Фрага, – ковокларингиз эвазига бунча пул ишлолмайсиз.

Аёл жавондаги коғозларни титкилашини кузатиб турганида, у ҳозир билганларимни, ўшанда, Реал Маркеснинг олдида биринчи сафар келганимда билардим-ку, дея ўйларди. Маълум бўлган хақиқат уни эсанкиратиб қўймади, энди ҳаммаси ўтгандан кейин, у истаганича ўзини айблаши, нега, нима сабабдан, Сусананинг қизи билан биринчи учрашув бунчалар тез тугади, деб сўраши; Нима учун Ромеронинг учта хатини кўриб, ҳаммаси шу деб ишонгани ва нима сабабдан сотиб олмоқчи эканини айтмагани ва кўнгли сезаётганига карамай, Рақелдан суриштирмаганининг сабабини билиши мумкин эди. “Бўлмаган гап, – деб ўйлади ўша захоти. – Ўша пайтда мен Сусана Ромеронинг касрига қолиб фоҳиша бўлиб кетганини билишим мумкин эмасди. У ҳолда нега Рақелдан олган суратлару уч дона мактуб билан қаноатланиб суҳбатни тўхтатиб қўйганди. “Йўқ-йўқ мен билардим, ким билади, дейсиз, лекин сезгандим. Шуларни била туриб китоб ёздим; балки бу китобхонларга ҳам, танқидчиларга ҳам беш қўлдай маълумдир. Ҳамма ёқни ёлгон босиб кетган. Ҳаммамиз бўғзимизгача мана шу боткокка ботганмиз...” Бирок ҳаммасини умумлаштириб гуноҳнинг арзимаган қисмини бўйинга олиш орқали ўзини оклашдан осони борми! Бу ҳам ёлгон: факат унинг ўзи, биргина ўзи айбдор. Сал бошқачароклигини айтмаса, охирги хатнинг мазмуни бор-йўғи Фраганинг

тасаввурини тасдиқлар ва мактуб, мунозара бўлиб
колса, “ашёвий далил” сифатида асқатиши мумкин
эди, холос. Ҳаммаси ойдинлашгач, айникса, сўнгги
жумлалар оҳанги ва замиридаги разилликка кўра
Клаудио Ромеронинг чинакам башараси фош бўлган
эди. Ромеро аслида Сусанани умрбод шуғулланишга
мажбур бўладиган жирканч ишга итариб, айти чокда
(хатнинг икки ерида бунга усталик билан ишор
килинган эди) бу нопоклик, шармисорликни ичига
ютиб кетишга маҳкум этган ва бу соддадил кизни
авраб, ишончини қозониб, уни хўрлаб ёки қўрқитиб, шу
тахлика икки йилдан бери ўзи хуфиёна қазиб келаётган
чоҳга қулатган эди. Бир неча ҳафта муқаддам мамнун
бўлиб: “Менинг ягона дардкашим – тундир, қандай
азоб чекаётганимни қўришингни истамайман”, – деб
ёзган одам бахтиқаро аёлнинг ўтинчларидан қочиш ва
ундан қутулиш учун чамаси, таъсир этишга кўзи етган
шекилли, мактубини қабихона ҳақоратомуз талаблар ва
таклифлар билан қўрқитиб ва иккинчи бор қўришишни
ман этиб тугатарди.

Ўқиганларидан биронтаси Фрагани ажаблантир-
мади, бироқ у хатни қўлидан қўймай, анчагача ва-
гон деразасининг раҳига беҳолгина суяниб ўтирди.
Худди ичида кимдир даҳшатли, беҳад узоқ давом
этган уйқу чангалидан зўр бериб қутулмоқчи бўла-
ётганга ўхшарди. “Бу бошқа нарсаларни ҳам ойдин-
лаштирмоқда”, – деган ўй кечди кўнглидан. “Бошқа
нарсалар” эса Ирене Пас, “Муажжиб исмингга қасида”,
Клаудио Ромеро ҳаётининг аянчли инқирозидан иборат
эди. Агар ҳеч қанақа мактуб ва гувоҳномаларга беҳожат
воқеаларнинг ўзгача бўлганига қатъий ишонаркан,
фаразу далилларнинг кераги йўқ. Чунки Ромеро
ҳаётининг сўнги йиллари, таъбир жоиз бўлса, поездда,

Пелардан келаётган ва йўловчиларга озгина отиб олган жанобдек туюлаётган одам тасавурида кунма-кун гавдаланмоқда эди.

Фрага манзилга етиб келганида кун қиёмдан оккан, ёмғир шиваларди. Уни Офелиянинг чорбоғига элтиб қўйган фойтундан совуқ ва намиққан тер ҳиди анқирди. Бунака кескин равишда рад жавобини бериш учун бу такаббур Ирене Пас қай даражада оқила ва ахлоқан кучли бўлиши керак! Ромеро соддадил, камбағал қизнинг бошини айлантира олар, аммо ҳеч қачон ўзи яратган ажойиб дostonларнинг қаҳрамони Икар бўлолмасди. Иренанинг ўзи ёки унинг онаси, акалари Ромерони оёқ олишидан, ўз фаолиятини кадрдон кишиларидан юз ўгиришдан бошлайдиган, кейин башарти зарурат туғилса, уларни янчиб ташлашга киришадиган (бундай жиноят “мактаб муаллимаси Сусана Маркес” деб аталарди) муттаҳам эканини сезган эдилар. Ундан қутулиш учун киборларнинг – бунга уларнинг мол-дунёлари ва зийракфаҳм хизматкорлари қўл келарди – мийиқларида кулиб қўйганлари, уйларига таклиф этмаслиги, маълум муддатга ўз кўрганларига жўнаб кетганлари кифоя қилган эди. Улар ҳатто шоирнинг дафн маросимида қатнашишни ҳам ўзларига эп кўрмадилар.

Офелия уни остонада қарши олди. Фрага пайсалга солмай ёзишга ўтиришини айтди. Қаттиқ толиқиб, кеча ёзиб қўйган сатрларга кўз югуртираркан, ўзидан бошқа ҳеч ким бу гапларни билмаслигига яна бир карра иқроор бўлди. Бамисли “Шоир ҳаёти” ҳали эълон қилинмаган-у, унинг калити Фраганинг кўлида. У енгилгина кулди ва нутқини ёзишга киришди. Анчадан кейингина Ромеронинг хати йўлда тушиб қолганини пайқади.

Истаган одам Буэнос-Айрес кутубхоналаридан мунаккид Хорхе Фрагага Миллат мукофотини топширилиши ва ўша куни унинг минбарга чиқиб, шоир Клаудио Ромеро ҳаётига номуносиб янги тахминларини айтиб, бамаъни кишиларни нечоғлик довдиратиб, ханг-манг қилиб қўйгани ва ғазаблантиргани ҳақида ўша йиллардаги газеталарни ўқиб билиши мумкин. Аллақандай бир журналист Фраганинг тоби келишмай турган бўлса ажаб эмас, чунки, ҳаммаси майли-ю, лекин у баъзан Ромеронинг номидан гапириб юборди, деб ёзганди. Нотик ўз хатосини сезиб қолди-ю, аммо ўша заҳоти ғалати бир алфозда яна тутуриқсиз гапларни такрорлай бошлади. Яна бир мухбирнинг ёзишича, Фрага нутқини тугатгунча қўлида бошдан-оёқ ёзилган икки-уч варақ қоғоз бўла туриб ақалли бирон марта бу қогозларга назар солмагани учун, гўё ўзига-ўзи гапираётгандек, ўзи маъқуллаб ёки ўзи инкор қилаётган одамдек таассурот қолдирди, дея эътироф этганди. Бу ўз самимий тилакларини билдириш учун келганлар орасида норозилик қўзғади. Яна бир рўзномада нутқи тугагандан сўнг Фрага билан доктор Ховелянос ўртасида бўлиб ўтган қизгин мунозара ҳамда кўпчиликнинг тўнгиллаб зални ташлаб кетгани ҳақида ҳикоя қилинган, шу мақолада доктор Ховелянос Клаудио Ромеронинг порлоқ хотирасини булғагувчи бу тутуриқсиз, шаккок даъволарни исботлаш учун далил-ҳужжат талаб қилганида совриндор гўё талаб қилинаётган далиллар ўзининг тасаввури доирасидан чиқмаслигини билдирмокчидек елка қисиб, манглайини кафти билан артиб қўйгани, сўнгра на зални ташлаб чиқаётган одамларнинг норозилигига, на Миллат мукофотини топшириш пайтидаги бундай ўзига хос нутқдан ҳайратланган бир тўда ёш-ялангларнинг қарсақлари ва табрикларига аҳамият бермай лоқайд,

ҳафсаласи пир бўлган одам кўйига тушганлиги эслаб ўтиларди.

Тантанали маросимдан кейин икки соат ўтгач, Фрага чорбokka қайтиб келганида Офелия телефон орқали қутловчиларнинг рўйхатини берди – рўйхат ташки ишлар министрининг исми-шарифидан бошланиб аллақачон юз кўрмас бўлиб кетган акасининг номи билан тугарди. Фрага рўйхатни паришон кўздан кечирди – баъзи исмлар тагига чизиб қўйилган, айримлари пала-партиш ёзиб ташланган эди. У қўлидаги қоғоз сирғалиб гиламга тушганини ҳам сезмай кўзини баҳол юмди ва зинадан ўз хонасига кўтарилди.

Анчадан кейин Офелия унинг юкорида у ёқдан-бу ёқка огир қадам ташлаб юраётганини сизди. Офелия ҳеч нарса ҳақида ўйламасликка қарор қилиб чўзилди. Қадам товушлари гоҳ унинг тепасига яқинлашар, гоҳ узоқлашар, баъзан Фрага бир нима кўнглидан ўтиб, ёзув столи ёнида тўхтаб қоларди. Бир соатдан сўнг Офелия зинанинг ғичирлагани ва ётоқ остонасида қадам товушларини эшитди. У Фрага кирганида ҳам, ёнига келиб чўзилганида ҳам кўзини очмади. Муздек қўллар билагидан тутди. Қоронғида Офелия унинг ёноқларидан ўпди. – Мен бир нарсани сира тушунолмаяман... – деди Фрага гўё унга эмас ўзига гапираётгандек. – Нима учун ҳар доим билиб келган нарсани узоқ пайтгача тан олмадим. Мен медюмман дейиш аҳмоқликдан бошқа нарса эмас. Ромеро билан орамизда бирор умумийлик йўқ. Мен унга ҳамфикр ҳам бўлолмайман.

– Озгина ухлаб олсанг бўларди, – деди Офелия.

– Йўқ, мен нима бўлганини аниқлашим керак. Мен ҳали пайқамаган ва эртага бошланадиган ёки бугун кечкурун бошланган нарсалар мавжуд. Мен адо бўлдим, тушуняпсанми? Уларга сиғинишлари учун худо яратиб қўйиб, сўнг ўзим ундан уларни махрум қилганимни

асло кечиришолмайди. Буни кўришни ҳаммаси нақадар бемаъни ва тушунарсиз. Ромеро барибир 20-йиллардаги энг яхши шеърлар муаллифи бўлиб қолаверади. Бирок беайб парвардигор, эртага худди шундай сурбетлик билан ҳамкасбларим мени айблашади.

– Лекин, сен ҳақиқатни айтишни ўз бурчинг деб билган бўлсанг-чи...

– Мен ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмадим, Офелия. Айтдим, холос. Ёки ўрнимга кимдир айтди. Бошқа иложим йўқлигини бугун кечқурун англаб етдим. Мен бундан ўзга ҳеч қандай йўл тутолмасдим.

– Балки яна озгина кутсанг яхшироқ бўлармиди, – деди журъатсизгина Офелия. – Ўзинг ўйлаб кўр, албатта, оғир ботади-да...

Офелия “министрга” демоқчи бўлди-ю, айтолмади, шунга қарамай Фрага буни сизди. Жилмайиб Офелиянинг билагини силади. Ҳалигина мавҳум бўлиб турган нарсалар аста-секин ойдинлашмоқда эди. Офелиянинг навозиш билан жимгина ўтириши фикрини жамлаб, бирор қарорга келишга ёрдам берар ва у кўзларини катта-катта очиб, зулмат қўйнига термиларди.

Йўқ, агар ўзи Ромерога ўхшаган айёр, юлдузни бенарвон урадиган муттаҳам эканини тан олмас экан, кундай равшан бўла туриб, кўп нарсалар назаридан четда қолганини ҳеч қачон англаб етолмасди. Китоб ёзиш ниятининг замирида жамият билан орани очик қилиш, осонгина шуҳрат қозониш, ўзига тегишли бўлган, лекин бошқалар тортиб олган нарсаларни қўлга киритиш мақсади ётарди. Сиёҳидан пок ният билан ёзилган “Шоир ҳаёти” дунёга келишидаёқ қўлма-қўл бўлиб кетиши учун барча зарур нарсалар билан бежалган эди. Асар тантаналарининг ҳар бир босқичи олдиндан ўйлаб қўйилган ва синчковлик

билан бобма-боб, жумлама-жумла тайёрланган эди. Ҳатто пичинглар, кучган зафарларига нисбатан кўнглида тобора кучайиб бораётган бепарволик ҳам аслида шу нопок ниятнинг бир кўриниши эди, холос. “Шоир ҳаёти” китобининг камтарона муқоваси остида радиоэшиттиришлар ва кинофильмлар, Европадаги дипломатик лавозим ва Миллат муқофоти, бойлик ва шон-шухратдек мақсадлар ҳуфёна равишда уя курган эди. Фақат шуларнинг якунида пухта ўйланган дастурни йўқ қилиш ва уни хароб этиш учун мисли кўрилмаган воқеалар кутиб турарди. Энди бу мисли кўрилмаган нарсалар ҳақида ўйлаш, алланималардан ваҳимага тушиш, хавотирланиш, муваффақиятсизликдан ақлдан озиш бефойда!

– Биз мутлақо бошқа-бошқа одамлармиз, – деб такрорлади Фрага кўзларини юмиб. Бунинг қандай юз берганига ақлим бовар қилмайди, Офелия. Лекин айтаяпман-ку, биз бошқа-бошқа одамлармиз, – у Офелиянинг унсиз йиғлаётганини ҳис қилди. – Лекин, агар, шундай бўлса ундан батарроқ эмасми. Гўё бизлар бир хил маразга гирифтор бўлган чиқамиз. Демак, менинг касалим ҳуфёна, секин-аста патос боғлаган ва ниҳоят ўзидан огоҳ қилган – ёрилган. Ҳар сафар икки йўлдан бирини танлаш керак бўлди. Ромеро учун танлаганда мен беихтиёр унинг ҳаётлигида собитлик билан намоиш этган ялтироқ томонларига эътиборни қаратдим. Бошқа биров унинг хатларидаги, ҳаётидаги бошқа ҳақиқатларни кашф этиши мумкинлигидан, ҳатто умрининг охирида ўлими яқинлашиб асл қиёфаси кўринган пайтдан ҳам ўзга нарсалар топиши мумкиндир. Лекин менинг қарорим унинг қарори эди. Мен ҳеч нарсага тан беришни истамадим, ҳақиқатнинг тагига етишни хоҳламадим. Чунки, Офелия, шундай

қилсам Ромеро бутунлай ўзгача бўларди. Менга ундай Ромеродан фойда йўқ эди, афсоналар яратишнинг ҳеч кимга, ҳатто унинг ўзига ҳам фойдаси йўқ эди...

Фрага тин олди. Лекин, энди ҳаммаси кундай равшан, изохнинг ҳожати қолмаганди. Энди у ўзининг Ромерога ўхшашлиги ва бунда ҳеч қандай ғайритабиий нарсаяўқлигини тан оларди. Мунофиқлик, фирибгарлик, бекиёс шуҳратга ўқлик ва ҳатто икковини балога гирифтор қилган кулфатлари ҳам ўхашаш эди. Фрага унга ўхшаганлар ҳамиша Клаудио Ромеро бўлишини, кечаги ва эртага дунёга келадиган ромеролар эса ҳамиша Хорхе Фрага бўлажagini аниқ тасаввур қиларди. Ўша олис сентябрь оқшомларининг бирида кўнгли сезиб, хавотирга тушган воқеа содир бўлди: у минг ҳаракат қилмасин, ўз таржимаи ҳолини ёзиб қўйганди. Унинг дам кулгиси келар, дам ёзув столи тортмасида сақланаётган револьвер хаёлига келарди.

У Офелиянинг қачон, шу дақиқалардами ёки кейинроқми: “Энг муҳими бугун уларга ростини айтишнинг” деганини ҳарчанд уринди, эслолмади. Ўшанда бу ҳақда у ўйлаб кўрмаган, ҳаяжондан ёки хуштабассумдан юзлари ёришиб, сўнг аста-секин энсаси қотганларга аччиғи чикқанини билдириш учун норози бўлиб, қўл силкитганларга рўйи рост гапирётган чокдаги ғайритабиий лаҳзаларни яна қайта хотирлашни истамасди. Ҳолбуки, ўша лаҳзаларгина кадрли, бу воқеаларнинг ичида факатгина ўша лаҳзаларгина рост ва унутилмас эди. Чиндан ҳам на муғомбирлик, на манманликка алоқаси бўлмаган бунақа тантанадан ҳеч ким уни маҳрум қилолмасди. У Офелиянинг сочларини эркалаб силаётганда, бир дам назарида бу Сусана Маркесу ўзининг меҳрибончилиги ва эркалашлари туфайли ёнидан кетмаётгандек туюлди.

Шунинг баробарида гўе Миллат мукофоти, Европадаги дипломатик лавозим ва ҳоказо бошқа бахт-саодатлар – бутунлай Ромерога ўхшаб қолмасликни, китоблар ва радиопостановкаларнинг сохта қаҳрамонларига айланиб қолишни истамаса, ундан юз ўгириш, воз кечиш керак бўлган Ирене Пас эди.

Кейин эса – самода сон-саноксиз, юлдузлар имо килган ўша тундай бутунлай ўзга, боши-кети йўқ хаёлотдан қутулолмаган уйқусиз кечадан сўнг – мутлақо кутилмаган воқеалар бошланади: тонг ўзи билан бирга кўнгириклар, жанжал-тўполонлар келтиради. Озгина ғайрат килса, ҳаммаси яна секин-аста изига тушиши мумкин бўлгани ҳолда, ҳаммаси тугади деб ўтириш, назарида, енгилтакликдан бошқа нарса эмасди. Ҳаммаси тез ҳаракат қилиш ва битта-яримта зарур одамлар билан учрашишга боғлиқ. Агар истаса бас, мукофотни бекор қилиш ва Ташки ишлар министрлиги кафолотидан ҳам маҳрум бўлиш масаласи тамомила ўзгача тус олиш ва китоб оммавий тиражлар билан таржима қилиш учун қайтадан катта йўл очилиши мумкин. Бироқ бундан буён ҳам чалқанча ётавериши, борди-келдиларни йиғиштириб, тинчгина чорбоғда яшаб, илмий ишларини қайта қўлга олиб давом эттириши, узилган алоқаларни тиклаши ҳам мумкин, албатта. Мабодо шундай қилса, ярим йилдан кейин ҳамма уни унутиб юборар, омадлилар сафидан ўзидан беш баттар истеъдодсиз каламкаш чикиб ўрнини осонгина эгаллаган бўларди.

Иккита йўл бир хилда оддий ва бир хилда умидбахш эди. Қайси йўлдан борсин, у кўнглида бу йўллардан бирини танлаб қўйган бўлса ҳам, ҳамон ўйининг тагига етолмас, иккиланар, аҳду қарорининг нечоғлик тўғри, нотўғри эканини билиш учун тарозига солиб кўрарди.

Деразадан тушаётган оппок тонг нури ухлаётган
Офелиянинг сочларини ёритиб, боғдаги сейбо дарахти
эса худди секин-аста ўзидан огоҳ этаётган эртанги
куннинг ташвишлари, зиддиятлари каби ғира-шира
кўзга чалина бошлаганда ҳам бу адоксиз хаёлларидан
кутулолмаган эди.



КЕЧИККАН КОРТАСАР

Афсуски ўзбек китобхони Кортасар ижоди билан, айтийлик Бальзак, Стендаль, Мопассан ёки Карел Чапек, Тагор, Хемингуэй ва ҳоказо ёзувчилар даражасида таниш эмас – унинг шу чоққача бир нечагина ҳикоялари таржима қилинган эди, холос. Адиб ҳаёти, жаҳон адабиётида тутган ўрни, деярли барча асарлари – роман, ҳикоя, бадиҳа ва шеърларида акс этган ғаройиботлар дунёси, ёзувчининг дунёқараши ҳақида айниқса, ҳажман чекланган сўзбоши ёки мухтасар мақола ёзиб етарли маълумот бериш вазифасини қийинлаштиради. Беихтиёр Жумавойга борлиқ-оламдан оддий нарсаларни ном-баном, ҳижжалаб тушунтирмоқчи бўлган Робинзон Крузо аҳволига тушиб қолганингни ўзинг ҳам сезмай қоласан. Пировардида қиска, оммабоп-ҳаммабоп қилиб ёзишдан ўзга чора тополмайсан. Ҳамма бало бунақа йўсинда, яъни ҳаммабоп қилиб ёзиш қўлингдан келмаса-чи, эплотмасанг-чи... “Қисқалик – истеъдоднинг дояси” ёки “Ёзувчининг мақсади нима ҳақда ёзмокчилиги аниқ бўлса, илҳом билан ёзади” ва ҳоказо каби сабоқлар ҳеч бир ёрдам беролмас экан. Таажжуб, ўқигансан, тушунасан, биласан лекин тушунтириб беролмай эсинг кетади. Ана шунда, сен фикр юритмоқчи бўлган асар аввалдан ўзбек тилига ўгирилган бўлганда эди, ўз вақтида ўқувчи озми-кўпми тасаввурга эга бўлар ва сен бемалол мушоҳадангни бир чеккадан ёзиб кетаверардинг, деган фикр келади.

Хуллас, Кортасар ижоди XX аср жаҳон адабиётида воқе бўлган ноёб ходиса, у Маркес, Льюис, Фуэнтес, Роа Бастослардан илгарироқ Лотин Америкаси адабиётини европаликларга яқиндан таништирган ёки таъбир жоиз бўлса, европаликлар учун Лотин Америкаси адабиётини кашф этиб берган адиб; унинг “Роуэла”, “Ютук” “62. Тўплам учун андоза”, “Мануэлнинг китоби” сингари романлари, “Кун теварагида айланаётган 80 минг олам” – роман-коллажи, “Эпомалар ва Меопалар” шеърят тўплами, “Сўнгги раунд” каби коллаж китоблари, бадихалари дунёдаги деярли барча тилларга таржима килинган ва улар жаҳон адабиётининг мумтоз намуналари сифатида эътироф этилади. Ҳали тирик-лигидаёқ уни “Адабиёт оламидаги Колумб”, “Буюк кашфиётчи”, “Анъаналар кушандаси” деб аташганлиги ҳам бежиз эмас.

Кортасар ҳикояларининг ўзи бир олам, уларнинг деярли ҳаммасида мўъжиза рўй беради, қандайдир кутилмаган, ақлга сиғмайдиган ходисалар, ташқи кучлар таъсирида одамларнинг ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлади. Бир маромда давом этиб келаётган турмушлари алғов-далғов бўлиб кетади.

Шу вазданми, бу ҳикояларни илк бор қўлига олган ўқувчи фантастик асар сифатида қабул қилиши табиий. Ака-сингил данғиллама ҳовлида яшайди – егани олдида емагани ортида – дунё билан ишлари йўқ, бироқ кунларнинг бирида хонадоннинг тинч- осойишта ҳаётига путур етади: қандайдир номаълум кучлар улар яшаётган хонадонни ишғол қилишади-ю, пировардида ака-сингил кўчада қолади, (“Ишғол қилинган уй”) бир-биридан тамом кўнгли совиган эр-хотин ўрта-сидаги руҳий зиддият, можаро, келишмовчиликни бартараф этадиган куч дунёда йўқ, улар фақат ахлоқ

меъёрларидан чикмаслик учун базўр бирга яшаб юрганларида ҳовлида саман от пайдо бўлиб, ҳар кеча келар, бу фавқуллодда ҳодиса уларнинг ички дунёсини тамомила ўзгартириб юборган, оқибатда улар ортикча кибру хаводан воз кечганди (“Саратон”), Ҳайвонот боғидаги аксолоталарни томоша қилатуриб, бир зиёли йигит жониворлар ҳаётига кизикиб қоладию ҳар турли китоблардан улар ҳақидаги маълумотларни йигади, ўқийди, ўрганади, пировардида бу берилиш шу даражада кучаядики, йигит уларнинг ўтмиш ҳаётини билгиси келади ва кунларнинг бирида ўзи ҳам аксолотага айланиб қолади (“Аксолотль”); бир ҳафтада метрога қанча одам кириб-чиқишини ҳисоб-китоб қилишга бел боғлаган ташкилот ходимларидан бири, метрода қандайдир ўзга бир ҳаёт мавжудлиги ва у ерда алоҳида, юқоридаги ҳаётдан узилган жамоа яшашини сезиб қолади-ю, бунинг тагига етиш учун ўзига хос тарзда “тадқиқот” олиб боради (“Ён дафтардаги ёзувлар”) ёки эълон бўйича ишга кириш учун корхона идорасига борган аёл, ногаҳон ичкарига кириб кетганларнинг қайтиб чиқмаётганлигини билиб қолади-ю атрофидаги одамларнинг ҳаётидан ташвишга тушади (“Келгуси сафар”); мамлакат фуқаросининг томирига чивиндек келадиган тилла балиқчаларни юбориш орқали халқини бахтли яшашига замин ҳозирлаган раҳбарлар ҳақидаги ҳикояларни ўқиган китобхон нима деб ўйлайди?!

Эртакка ўхшайди, дейди-да!

“Туташ боғлар” ҳикояси эса биз кўниккан адабий тушунчалар ва тасаввурни бутунлай бузиб юборди. Ҳикоя ниҳоят даражада қисқа. Шапалоқдек китобда бир варақ ҳам келмайди. Бир сармоядор китоб ўқишга берилади, ҳатто сафарга чиққанда йўлда ҳам

қўлидан қўймай ўқийди, уйга қайтиб келгач, ўша китоб қахрамонларидан бири унинг данғиллама уйига кириб орқасидан ханжар уриб ўлдиради. Нима бу, фантастиками? Ҳа, лекин ёзувчи фантастикадан воқеликни фалсафий таҳлил қилувчи восита сифатида фойдаланади. Мўъжизавий унсурлар, инсон ақли қамраб ололмайдиган гайир кучлар, мудҳиш, ваҳимали нарсалар мавжуд воқеликни бузиб кўрсатишга эмас, балки ана шу воқеликни янгича, бадиий акс эттириш учун хизмат қилади. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда бемалол айтиш мумкинки, Кортасар фантастикаси ҳавойи маъносизликдан йироқ, у – мажозий.

Кортасар мулоҳазакор, фикр юритиш, таҳлил қилишга мойил ўқувчини яхши кўради, унинг ҳаммаслақ дўсти испаниялик мунаққид олим Гонсалес Бармьехонинг таъбири билан айтганда, адиб аслида ана шундай китобхонлар учун ёзади – ижод қилади, ўқувчини ҳам бирга ижод қилишга чорлайди, қайсидир маънода унинг қарийб барча ҳикоялари фикрдош, ҳамкор, серқатлам рамзиятлар маъносини англаб, тушуниб ва тушунтириб бера оладиган тасаввури бой китобхонни мўлжаллаб ёзилгандек тасаввур уйғотади.

“Биз Глендани шунака яхши кўрамиз” ҳикоясида кундалиқ ҳаётда (бизнинг ҳаётимизда ҳам!) фақат бошқа шакл, ўзгача тарзда юз берадиган оддий воқеа қаламга олинади. Бир қанча киносеварларнинг Гленда Гарсон исмли кино юлдузини беҳад, оддий муҳлис ва муҳибларидан ортиқроқ яхши кўришлари маълум бўладию улар бир гуруҳ тузишади, бора-бора бундай кишилар кўпайиб кичик гуруҳ катта уюшмага айланади, унга Гленда ижоди билан нафақат қизиқадиган, унинг учун жонини беришга тайёр кишиларгина аъзоликка қабул қилинади. Кучли эҳтирос билан севиш, кўр-

кўрона мухаббат ҳар қандай кишини қуюшқондан чиқариб юбориши табний. Шунинг учунмикин, ҳар нарсанинг меъёри бўлиши шарт, ўртачаси “яхши” деган тамойиллар бежиз эмаски, каттиқ берилиш охир-окибат сиғинишга олиб келади. Пировардида, гуруҳ ва гуруҳ фаоллари Гленда Гарсон фильмларининг нусхаларини ўғирлаб келиб, севимли актрисанинг шаънига нолойик эпизодларни кесиб ташлайдилар ва йўлини топиб ўзгартирадилар. Зеро, севган инсонининг ҳар жиҳадан бенуксон, мукаммал бўлишини ҳамма ҳам истайди. Бироқ кино оламини тарк этган Гленда яна фильмларда суратга туша бошлайди, натижада бундан буён Гленда камолот чўққисига чикди, бизни уятга қўймайди, енгил-елпи роллар ижро этмайди, дея каттиқ ишониб қолган мухлислар уни қатл қилишади. Қаттиқ севиш, мубталолик фожиаларнинг дебочаси бўлиб чиқади.

Зеро, Кортасар асарларида яратган хаёлий вокелик реал вокеликни англаш учун хизмат қилади.

Мен Кортасар ижодини бир хушманзара бокқа ўхшатаман, бокқа кирган одам кўнгли тусаган мевалардан баҳраманд бўлади. Лекин шу баҳрамандлик даражаси бокқа ташриф буюрган кишининг хоҳиш-истаги, интилишига қараб ҳосил бўлади. Биров гул узади, биров томоша қилади, бошқа биров оддийгина боғ-да, деб чикиб кетишга шошилади. Бинобарин китобхон диди, фаросати, билими, маърифатига қараб Кортасарни танийди, қабул қилади.



ТУШ ПАЙТИДАГИ ОРОЛ

Марини оролни илк бор самолёт куйруғининг чап тарафидаги креслолар узра энгашиб, патнисдаги нушталарни қўйиш учун пластмасса столчани ўрнатаётган маҳал кўриб қолди. Саёҳатга чикқан америкалик аёллардан бири боятдан бери йўловчиларнинг талабларига биноан кимга журнал, кимга виски келтириб бераётганида ҳадеб унга қарайвериб эътиборини жалб қилаётган эди. Столчани ўрнатиб бўлгач, Марини одатига биноан ортикча иштиёқсиз ўша аёлнинг маъноли қарашларига жавоб қилсаммикин, деб турганида лоп этиб иллюминаторнинг ҳаво ранг чўзиқ ойнасига орол ҳудуди, зар тасмадек чўзилиб кетган пляж, қорамтир ясси тоғларга туташ паст-баланд тепаликлар қалқиб чикди. Марини қийшайиб қолган, ичидаги пивоси тўкилай деяётган бокални тўғрилаб қўйдида, йўловчи аёлга жилмайди. “Греция ороллари”, – деди. «Oh, yes, Greese»,* – деди бунга жавобан ўзини қизиқаётганга солиб америкалик аёл. Шу пайт жиринг этган товуш эшитилди-ю, Марини қаддини ростлади ва лабларидан ишининг тақозосига кўра одат тусига кириб қолган ўша ним табассум аримай помидор шарбати симираётган суриялик эр-хотин ёнига ўтди. Шарбат баҳона бир неча лаҳза хизмат вазифасидан алаҳсиб яна пастга қаради. Эгей денгизининг кўм-кўк сувлари гирд-атрофини мунтазам чайиб, ювиб турган бу орол

* Oh, yes, Greese – Ҳа-я, Греция!

хийлагина кичик бўлиб, гир айлана оппок гардиш билан ўраб қўйилгандек кўринар, бу денгиз ичра кад ростлаган қоя тошларга урилаётган тўлқинлардан ҳосил бўлган кўпиклар эди. Бўм-бўш қумлоқ пляж шимол ва ғарб томонга чўзилиб кетган, соҳилнинг катта қисмини эса то денгиз ёқасига қадар қоялар эгаллаганди. Серқоя ва хилват орол. Дарвоқе, оролнинг шимол қисмидаги пляж яқинида қорайиб кўринаётган доғлар хароба уйлар бўлса, эҳтимол. Марини помидор шарбати солинган банкани очишга киришди, очиб бўлгач, бошини кўтарганида иллюминатор ойнасида кўринаётган орол гойиб бўлган, уфққача ясланган поёнсиз мовий денгиз кўзга чалинардиган, холос.

У беихтиёр соатга қаради, вақт қок туш пайтини кўрсатарди.

Марини Рим-Техрон йўналишига ўтказишганидан ич-ичида севинаётганди. Бу йўналишда парвоз қилиш, шимолий мамлакатларга учиб боришдек зерикарли ва одамни диққат қилиб юбормас, стюардесса қизлар эса Шаркка саёҳат қилиш ёки Италия билан яқиндан танишиш имконияти пайдо бўлганидан бахтиёрдек кўринишарди. Тўрт кундан кейин қошиқчасини йўқотиб, ҳадеганда қўл урилмаган ширинликни кўрсатиб – хархаша қилаётган болақайни овутаётганда у яна оролнинг бир чеккасини кўриб қолди. Тўғри, тунов кунги вақтдан саккиз минут фарқ қиларди, бироқ у самолёт қуйруғидаги иллюминатордан қараганда ҳеч қандай шубҳа-гумонларга ўрин қолмади. Ушбу оролнинг шаклини адаштириб юбориш мумкин эмасди: у сув остидан панжаларини чиқариб турган тошбақага ўхшаб кетарди. Марини то чақириб қолишмагунча оролдан кўз узмай тураверди. У энди анави қорамтир доғлар уйчалар эканига тўла ишонч ҳосил қилди. У

пляжга довур тақалган уйларнинг девори, томлари ва ҳовлиларини кўришга муваффақ бўлди. Байрутга кўнишганида у шеригидан дунё харитасини олиб, унинг бор-йўғи Хорос ороли эканини аниқлаб олди. Табиатан беғам, дунёни сув босса тўпиғига чикмайдиган француз радиотелеграфисти унинг бу даражада қизиқаётганини кўриб ажабланди. “Оролларнинг ҳаммаси бир хил. Мен икки йилдан бери шу йўналишда учаман, бирон марта қизиқмабман ҳам, кейинги сафар уни менга бир кўрсатингчи...”.

Бу Хорос эмас, балки ҳали-ҳануз сайёҳлар эътиборидан четда қолаётган Ксирос ороли эди. “Беш йилга бормади, мана кўрасан, – деди таниш стюардесса аёл Римда овқатланиб ўтиришганда. – Агар ўша ерга боргинг келаётган бўлса, тезроқ отингни камчила. Сайёҳлар галаси истаган пайтда мўр-малахдай бостириб келади. Жонжис Кук кутиб ўтирмади”. Бирок Марини орол ҳақида орзу қилишини қўймасди, вақтида эсига тушиб қолса ёки самолёт орол устидан учиб ўтаётганда иллюминаторга яқин жойда бўлса то кўздан ғойиб бўлмагунча тамоша қилишини қўймас ва деярли ҳар доим охирида елка қисиб қўярди. Булар аҳамиятсиз икир-чикирлар эди. Ҳафтасига уч марта қоқ пешинда Ксирос тепасидан учиб ўтиш, ҳафтасига уч марта қоқ пешинда Ксирос устидан учиб ўтаяпман, деб ҳаёл қилиш билан баб-баравар бўлиб қолганди унга. Қўл соатга қараб қўйиш, кўм-кўк ҳовур ичида оппоқ жимжимадор канорани, уйларни ва ҳеч қачон учиб кетаётган самолётга бошини кўтариб қарашни лозим топмаган балиқчилар, қорамтир уйларни кўриш истагидан бошқа ҳамма нарса бамисли кераксиз ёлғонга айланганди.

Саккиз-тўққиз ҳафталардан сўнг кўпдан-кўп афзалликлари бўлган, Нью Йорк йўналишида ишлашга

таклиф қилишганда Марини ўзи йўликкан беэиён-у, лекин қутулиш амримаҳол васвасадан ниҳоят ҳалос бўлиш учун қулай фурсат келганини ич-ичида ҳис қилди. Айни ўша кунларда у Левантча исмли аллақандай табиатшуноснинг Ксирос ҳақида одатдаги йўриқномаларга нисбатан кўпроқ маълумотлар келтирган китобини сотиб олиб бўш қолди дегунча ўқиб юрарди. У кўнглига қулоқ солди ва пировардида бундай ажойиб таклифни рад этди, сўнг ҳайратдан ёқасини ушлаган бошлиғи билан унинг икки нафар қотибасини ҳанг-манг қолдирганча чиқиб кетди ва компаниянинг буфетида бирга овқатланиш учун кутиб ўтирган Карланинг ёнига борди. Унинг раддиясини эшитган Карланинг талмовсираши ва ҳафсаласи пир бўлганини кўриб ҳам заррача ўнғайсизланмади. Ксироснинг жанубий соҳилида одам яшамас, аммо ғарбий қисмида бир замонлар ҳукм сурган Лидия ёки эҳтимол, Критоминон колониясининг асоратлари сақланиб қолганди ва профессор Гольдманн унчалик катта бўлмаган тўлқин қайтаргич остига балиқчилар таянч плитаси сифатида ўрнатган қадимий битиклар ўйиб ёзилган тоштахталарни топган экан. Карланинг бошида оғриқ турди ва у узок ўтиролмай кетиб қолди. Оролнинг бир ҳовуч аҳолиси асосан саккизоёк овлаб кун кечиришар экан. Ҳар беш кунда йиғиб қўйилган ўлжани олиб кетиш ва эвазига озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга эҳтиёж буюмларини ташлаб кетиш учун маҳсус кема келар экан. Саёҳатчилар бюросида унга Риносда маҳсус кемалар бор, шулардан бирини ёлласангиз бўлади, балки саккизоёкларни олиб кетгани келадиган елканли ов кемасига олишар, буни Риносга борганда аниқлайсиз, деб маслаҳат беришди. У ерда уларнинг ваколатхонаси йўқ экан. Уяммас,

буяммас оролда бир неча кун туришдан мақсад июнь ойидаги таътилда бориши учун бир тайёргарлик эди аслида. Унгача эса бир-икки ҳафта Уайтнинг ўрнига Тунис йўналишида ишлаб туришга тўғри келади, бу орада иш ташлашлар бошланди ва Карла Палермога, опа-сингиллари ёнига қайтиб кетди. Марини қатор китоб дўконлари жойлашган Пяцца Навон яқинидаги меҳмонхонага қўчиб ўтди. Бекорчиликдан деярли ҳар куни ўша китоб дўконларини айланиб Грецияга оид қўлланмалар изларди. Гоҳи-гоҳи эринмасдан сўзлашув лугатини варақлаб чиқарди. “Kalimera” деган сўз унга ёқиб қолди. Кунлардан бир кун қовокхонада малла сочли қизга шундай деб мурожаат қилди, у билан бир-икки учрашиб юрди, ҳатто унинг уйида тунаб қолди, маълум бўлишича, Одосда унинг буvasи яшар, ўзининг эса салга томоғи шамоллаб оғир экан. Римда ёғингарчилик мавсуми бошланди. Байрутда уни доим Таниа кутиб оларди. Яна ҳар хил воқеалар рўй берди, учрашганларида асосан қавм-қариндошлар ва турлитуман касалликлар ҳақида суҳбатлашишарди. Бир куни яна Техрон йўналишида училишига тўғри келди, туш пайтидаяна ўша оролпайдобўлди. Марини иллюминатор ёнидан кетай демасди, ҳатто янги келган стюардесса, мутлақо қарашмаётгани, ҳамма иш ёлғиз ўзига қолиб кетаётганини айтиб, таъна қилди, унинг ўрнига неча марта йўловчиларга нонушта тарқатганини ўпкалаб юзига солди. Кечки пайт Марини стюардессанинг кўнглини олиш учун уни Феруз ресторанига таклиф этди, ўша ерда ўтиришганда эрталабки қилмиши учун узр сўради. Лучия унга сочини американча олдиришни маслаҳат берди, Марини эса ўз навбатида Ксирос ҳақида гапириб берди, лекин унинг эшитгиси келмаётгани ва ҳеч кимга кераги йўқ бу гаплардан лимон

соллинган Хилтон ароғини афзал кўраётганини сезиб, бу хусусда бошқа гапирмаслик керак, деган хулосага келди. Кунлар шу тахлит – турли-туман егуликлар, шарбаглар қўйилган патнислар, барча йўловчиларга бир хилда ҳадя қилингувчи табассумлар орасида ўтарди. Қайтишда самолёт Ксирос устидан эрталаб соат саккизда учиб ўтарди, бу пайтда қуёш нурлари иллюминаторга чап тарафдан тикка тушгани учун олтин тошбакага ўхшаган оролни деярли кўриб бўлмас эди. Марини Техрон йўналишида қок туш пайтини кутишни лозим топди. Ана унда, Лучия (бошқа сафар Фелиса) барча ишлар битта ўзига қолиб кетаётганидан тинмай шикоят қилгани билан ҳаммасини эплаётганида иллюминатор ёнида узоқроқ туриш мумкинлигини биларди. Бир сафар у Ксиросни суратга олди, бироқ сурат айтиб бўлмайдиган даражада хира, ноаниқ чикди. Энди у орол хусусида айрим нарсалардан бохабар эди, ўқиб чикқан китоб саҳифаларидаги эслаб қолиш зарур бўлган оролга алоқадор маълумотлар тагига чизиб қўйганди. Фелиса, учувчилар унинг ортидан “орол жинниси” дейишганини айтганда хафа бўлиш тугул парво ҳам қилмади. Айни шу кунларда Карла ҳомиласини олдириб ташлашга қарор қилганлиги ҳақида ёзиб юборди, Марини унга икки ойлик маошини жўнатди-ю, кетидан таътилга чикса кийналиб қолиши ҳақида хаёлга толди. Пулни олган Карла бир дугонаси орқали Тревизолик тиш докторига турмушга чикмоқчи бўлаётганини айтиб юборди. Бу кўнгилсизликларнинг бари душанба, пайшанба ва шанба (бир ойда яна икки марта ва тўртта якшанба ҳам бор) кунларидаги туш пайтида бутунлай аҳамиятсиз нарсага айланиб қоларди.

Вақт ўтиши билан оз бўлса-да, ёлғиз Фелиса ўзини тушуна олишига Марини энди ишонч ҳосил қилди.

Туш пайтида Марини самолёт қуйруғидаги иллюминатор ёнига борди, дегунча Фелисанинг бир ўзи йўловчиларга чурқ этмай хизмат қилишга тушарди – худди келишиб олишган дейсиз! Орол атиги бир неча дакика кўриниш берарди, холос, лекин ҳаво ҳамиша тип-тиник бўлар ва мовий денгиз оролни шунчалар аниқ-равшан кўрсатар эди-ки, олдинги учиб ўтганларида хотирида қолган нарсаларга ҳар сафар янги-янги тафсилотлар қўшилиб борарди: чунончи, шимолдаги яшил доғ бўлиб кўринаётган дўнглик, кўнгир-кулранг уйлар, куритиш учун кумлоққа ёйиб қўйилган тўрлар... Мана шу тўрлар кўринмай қолса Марини бир нимасини ўғирлатиб қўйгандек фаромуш ва ҳатто ўзини ҳаминқадар хўрлангандек ҳис қиларди. Меҳмонхонада қайтадан кўриш учун парвоз пайтида оролни кинолентага олмоқчи ҳам бўлди, бироқ азбаройи пулини тежаш мақсадида кинокамера сотиб олиш фикридан қайтди, негаки, таътилга бор-йўғи бир ойгина қолган эди. Ваҳоланки қанча вақт қолганини у ҳеч қачон изчил ҳисоблаб юрмасди. Байрутда Таниа, Техронда Фелиса кутиб олар, Римда эса деярли доим укаси бирга бўларди, буларнинг бари алланечук ширин ташвишли, бирам ёқимли ва мутлақо малол келмас эди, бу одат тусига кирган ҳаёт тарзи парвозга қадар, парвоздан кейин ва парвоз чоғида – то иллюминатор ёнига бориб, муздек ойнага манглайини босганча кўм-кўк денгиз остидан секин-секин сузиб чиқаётган тилла ранг тошбақани томоша қила бошлагунча давом этиб келадиган зерикарли, диққинафас ва бетайин вақтни тўлдириш, унутиш ҳамда ниҳояти ўзини чалғитишга, бинобарин озгина бўлса-да, вақтини маъноли ўтказишга хизмат қилади.

Ўша кун кумлоқда ётган тўрлар одатдагидан кўра аниқроқ кўринди ва чап томонда, денгиз ёқасидаги

қора нукта самолёт ортидан тикилиб қолган балиқчи эканига Марини амин бўлди ва керак бўлса бунга қасам ичишга ҳам тайёр эди. У негадир “Kalimera”* деб қўйди ҳаёлан. Ортиқ кутишдан ҳеч қандай маъно йўқ эди. Мабодо сафарга чиқадиган бўлса, Марко Мералис пул бериб туради, қандай яхши, қарабсизки, узоғи билан уч кундан кейин у – Ксиросда! Иллюминатор ойнасига лабларини босиб турганида ўзининг кўрфаздаги яшил тепаликка қанақа қилиб чиқаётгани, оролнинг ши-молий қисмидаги қўлтиқчада кип-яланғоч бўлиб чўмилаётгани, балиқчилар билан саккизоёқларни қан-дай овлашгани, ишоралар ва жилмайишлар ёрдамида улар билан тиллашишини кўз олдига келтириб беихтиёр кулимсираб қўйди. Агар қарори қатъий бўлса уни ҳеч нарса шаштидан қайтаролмайди. Тунги поезд, аввал битта кема, кейин бошқаси – эски ва дабдала кема, Риносда яна бир бошқасига ўтиради, ов кемачасининг капитани билан узоқ савдолашишлар, кўприкда, юл-дузли осмон остида тунаш, хушбўй олма билан қўй гўштининг таъми, ороллар орасидаги биринчи тонг. У қуёшнинг илк нурлари борлиққа ёйилаётган маҳал қирғоққа тушди, капитан уни, чамаси, шу ернинг оқ-соқоли бўлса керак – бир мўйсафид билан таништирди. Клайос унинг чап билагидан ушлаб, кўзларига тикил-ганча салмоқ билан бир нималарни тушунтирди. Улар-нинг ёнига икки нафар йигитча келди. Марини улар Клайоснинг фарзандлари эканини фаҳмлади. Кема капитани бисотида бор инглизча сўзларни ишлатиб ўртада тилмочлик қилди: аҳолиси йигирма киши, сак-кизоёқлар, балиқ ови, бешта уй, италиялик меҳмон ижара ҳақини Клайосга тўлайди. Клайос ижара ҳақи хусусида тортиша бошлаганди йигитчалар хоҳолаб

*Kalimera – Хайрли кун!

кулиб юборишди. Марини ҳам уларга кўшилиб кулди. Оролдагилар билан бунчалик осон тил топишганидан ўзича хурсанд бўлди. Юкоридан қорамтир кўрингани билан аслида очроқ тусдаги денгиз узра куёш кўтарила бошлади, унга ажратилган хона факирона, лекин саранжом-саришта, сув тўлдириб қўйилган хум, маврак билан ошланган терининг ачқимтил хиди...

Унинг бир ўзини қолдириб кемага юк ортгани кетишди. Марини уст-бошини ечиб калта иштонини кийди, оёғига шиппагини илиб оролни томоша қилгани жўнади. Тонг отган бўлишига қарамай йўлда биронта одам учрамади, куёш нурлари оролни киздира бошлади. Ўт-ўлан билан шабада келтираётган йод ифори аралашиб, нордон хид анкийди. У шимол тарафдаги қоя тепасига чиқиб ҳайҳотдай кўрфазни тамоша қилаётганда соат тўққиздан ўтганди. У қумлок пляжга тушиб жон-жон деб чўмилган бўларди, лекин бу ердан кетгиси келмай, ёлғиз ўтиришни лозим топди. Орол уни бутунлай мафтун этганди, у ўзини хуррам ва бахтиёр сезар, ҳеч нарсани ўйламас, зотан ўйлашни ис-тамасди ҳам. У ошиқмай ечинди, куёшнинг ўткир нурлари билан қайноқ шамолда қизиқ кетди ва қоядан туриб ўзини сувга отди. Сув муздек ва ҳузурбахш эди, саркаш оқим уни баланд тоғлар этагидаги гор томон оқизиқ кетди, у ортига, очик денгизга қайтиб чиқди-да, чалқанча ётиб олди. Тубсиз денгиз тўшида бепоён осмонга тикилиб ётар экан, юраги ҳаприқди ва негадир кўзларини юмиқ олди. У кўнглини нимаики забт этган бўлса ҳаммасига ич-ичидан итоат этишга рози бўларди, зеро, ўша нарсалар бамисли эртанги ҳаётининг гарови эди. Шу масъуд дамларда у нима бўлган тақдирда ҳам энди оролдан ҳеч қачон кетмаслигига, умрбод шу ерда қолишига инонди. Ўзининг кимсасиз оролда

колиб, балик тутиб юрганларини эшитган укаси билан Фелисанинг қай аҳволга тушишларини бир дам кўз олдига келтирди. Аммо бир лахза ўтар-ўтмас соҳилга сузиб бориш учун ўгирилганида уларни унутди.

Соҳилга чиқар-чикмас қайноқ ҳовурда нам уст-боши куриди, у кулбалар томонга юрди. Уни кўриб ханг-манг бўлиб қолган иккита аёл урра кочиби уйларига кириб кетишди. Марини ҳеч ким қолмаган бўлса-да, эгилиб таъзим қилди, сўнг тўрлар ёйилиб кўйган ерга тушди. Клайоснинг ўғилларидан бири уни пляжда кутарди, Марини уни чўмилишга таклиф этмоқчи бўлиб ишора қилганди, йигитча шими билан қизил кўйлагини кўрсатиб елкасини қисди, бироқ ўша захоти югурганча уйлардан бирига кириб кетди-ю, деярли кип-яланғоч ҳолда қайтиб чикди. Улар олдинма-кетин тиккага келган куёш нурлари остида жилваланаётган денгизга сакрашди.

Қайноқ кумда тобланиб ётганларида Инос нар-саларни нима деб аталишини унга ўргатишга киришди. Марини бехосдан “Kalimera”, – деб юборган эди йигитча қорнини ушлаганча қотиб-қотиб қулди. Бунини кўриб Марини бутун бошли ибораларни айтиб қайта-қайта такрорлади, шу тариқа Иносга бир нечта итальян сўзларини ўргатди. Бу вақтга келиб жуда олислаб кетган балиқчилар кемаси уфқда бир қора нуқтадек кўринарди. Шу тобда Марини Клайос ва унинг болалари билан оролда ёлғиз яшай бошлаганини ҳис қилди-ю чуқур хўрсинди. Кунлар ўтади, у ижара ҳақини тўлайди, балиқ овлашни ўрганиб олади ва иттифоқо бир кун кечки пайт уларнинг ишончини қозонгани туфайли умрбод шу оролда қолиб яшамокчи эканлигини айтиб беради. У Иноснинг қўлига таяниб ўрнидан турди-да, индамай тепаликка қараб кетди. Тик ёнбағирликдан кўтарилар экан, нафасини ростлаш

учун баъзан-баъзан тўхтаб қолар, қумда ёйилиб ётган тўрларга, қиз-жувонларнинг шарпасига, Инос билан Клайосга узок тикилиб қолар эди. Яшил дўнгликка етиб боргач, у зира билан маврак ҳиди ва қуёшнинг қайнок ҳарорати билан денгиз шамолидан иборат оламга кириб борди. Марини соатига каради, лекин ўша заҳоти жаҳл билан билагидан юлқиб олди-да, калта иштонининг чўнтагига солиб қўйди. Эски одатлардан қутулиш осон эмас, лекин бу ерда – юксакликда қуёш ва кенглик таъсири остида бунинг мумкин эканига иқдор бўлди. Мана ўша Ксирос! Бу ерга келишига у сираям ишонмаганди. Марини қайнок тошларнинг ўтқир қирралари куракларига ботаётганини ҳис қилганча ётар экан, чексиз осмондан кўз узолмай қолди. Узокдан моторнинг гуруллаши эшитилди.

Марини кўзларини юмиб, самолётга қарамайман, унда мавжуд бўлган кусуфлардан заҳарланишга тоқатим йўқ, лекин бир иложини топсам, орол тепасидан яна бир бор учиб ўтардим, деди ўзига-ўзи. Хаёлан айти шу дамларда нонушта таркатаётган Фелиса билан ўзининг ўрнига ишлаётган янги ходимни кўз олдига келтирди, эҳтимол бу Жоржодир ёки бошқа йўналишдан вақтинчалик ўтказилган, ҳозир, шу дақиқаларда лабларида ўзига ўхшаб табассум билан қаҳва ё мусаллас таркатиб юрган янги ходимдир, нима бўлган тақдирда ҳам яқинлари ва ўша ҳамкасблари кўз олдида гавдаланди. Ўзини таъқиб этаётган кечаги кунлар хаёлидан қутулишнинг иложини қилолмаган Марини кўзларини очди ва энди ўрнидан турганини билади, бирдан боши узра ўнг қаноти тушуниб бўлмайдиган тарзда қийшайиб, пастга шўнғиётган самолётга кўзи тушди. Турбиналаридан ғайритабиий овоз чиқарганча самолёт денгизга тикка қулаб тушмоқда эди. У орқа-олдига

карамай оёқлари тошларга урилиб, қўллари тиканларда тирналиб, қочишга тушди. Тепалик тўсиб қўйгани учун самолёт қаерга кулагани кўринмасди. У пляжга етмасдан бурилди-да, тўппа-тўғри дўнгалакдан ошиб ўтиб, нисбатан кичикрок пляжга чиқди. Қирғоқдан юз метр нарида самолёт сув қаърига чўкиб борарди. Марини югура келиб ўзини сувга отди. У самолёт яна сув юзига қалқиб чиқади, деб ўйлаганди, лекин самолёт кулаган ерда сув охиस्ताгина мавжланар, юзага қалқиб чиққан картонлардан бошқа ҳеч вако кўринмасди, энди у ерга сузиб боришдан фойда йўқ эди. Бироқ, туйқус сув остидан шалоплаб бир қўл чикди-ю, Марини ўша томонга жон-жаҳди билан сузиб кетди, якин борганда бир шўнғиб, жон талвасасида типирчилаб, уни ушлаб олишга уринаётган одамнинг сочларидан чангаллади. Марини оғзини каппа-каппа очиб хириллаб нафас олаётган кимсани ўзига яқин келтирмай аста-секин сузганча қирғокка етиб олди. У бошдан-оёқ оппоқ кийимдаги одамнинг жасадини кўтариб сувдан олиб чикди-да, қумга ётқизди ва кўпик ёпишиб таниб бўлмайдиган даражага келиб қолган афт-ангорига назар солди. Унинг юзида ўлим шарпаси акс этарди. Томоғидаги бир суям ярасидан шариллаб қон оқмоқда эди. Хиёл кимирласа яраси кенгайиб кир ўранинг оғзидек очилиб кетаётгани учун сунъий нафас олдиришнинг фойдаси йўқ эди. У гўё Маринини эндигина оролда топган бахтли ҳаёт бағридан нима қилиб бўлса ҳам тортиб олмоқчидек чақирар, бир нималар демоқчи бўлаётганда томоғидан алланечук кулкуллаган товушлар чиқар, Марини унинг нима деётганини асло тушунмас эди. Ҳаллослаб Клайоснинг болалари, уларнинг ортидан хотин-халаж етиб келди. Клайоснинг ўзи келганда йигитчалар шунчалик кўп қон йўқотганига қарамай соҳилгача сузиб

келиш учун каердан бунча куч топдийкин, дегандек кумда чалқанча ётган жасад тепасида талмовсираб туришарди. “Кўзларини ёпиб кўй!”, – деди аёллардан бири йиғламсираб. Клайос яна битта-яримта тирик колган одам кўриниб колармикин, деган умидда денгизга кўз югуртириб чикди. Лекин бошқа ҳеч ким кўринмади, ҳар доимгидек оролда улардан бошқа ҳеч ким йўқ, фақат оёқлари остида бу ерлик бўлмаган одамнинг жасади чўзилиб ётарди.



ЎЙИННИНГ ТУГАШИ

Куёш тандирдек киздираётган маҳал, жазирама иссикка ҳам карамай, мен, Летисия, Оландо учовимиз ойим билан Руфь холам тушликдан сўнг бироз мизғиб дам олгани хоналарига кириб кетишлари биланок, ҳовлимиз этагидаги кесакисиз, тўғридан-тўғри деворга ўрнатилган ок эшикчадан секингина чикиб, ўйнагани темир йўл ёкасига куённи урардик. Ойим икковлари доим идиш-товоқ ювиб, чарчаб қолишар, баъзида Оландо иккимиз жонимиз ачиганидан уларга қарашиш учун таксимчаларни артиб турардигу бироқ минг афсус, ёрдам бериш ўрнига қачон карасанг уларга баттар иш орттириб, яна асабларини ҳам бузар эдик: дам-бадам жанжаллашиб қолар, шунда бакир-чақир авжига чиқар, қошиқлар улоқтирилган, пичинг гаплар етмаганидек киздирилган ёғ ҳиди-ю, Хосе деган мушугимизнинг бигиллашидан нимқоронғи ошхонамиз чидаб бўлмас аҳволга келар, қисқаси, бизнинг дастёрчилигимиз шовкин-сурон, жирттак чалишлар билан тугар эди.

Ҳаммасини Оландо бошларди. Очиғини айтганда у жанжал чиқаришга жуда уста эди, хоҳласа ҳаммани уриштириб қўя оларди. Гоҳ ҳозиргина ювиб-тозаланган стаканни ювинди тўла челака билмагандек тушириб юборар, гоҳ кутилмаганда қўшнимиз Лосаларнинг бунака қора ишлар учун уйларига иккита хизматкор аёл олишгани гўё эсига тушиб қоларди. Мен эса бошқача йўл тутардим. Кўпинча Руфь холамга, агар рюмкалар

билан ликопчалар қолиб, корайиб кетган тунука каст-
рюлкаларни қиртишлашдан нарига ўтмас экансиз, яқин
кунлар ичида кўлларингизни оташкуракдан фарқи
қолмайди, деб уни гижгизлардим. Табиийки, ойим ўла
қолса кострюлкаларга қўл теккизмаслиги эсига тушган
холам менинг гапимдан сўнг ўртаниб кетар, оқибат
ўрталарида гина-кудурат уйғонар, мен эса, бундан буён
ким нимани ювиши тўғрисида келишиб олмасангиз
бўлмайди, дея уларни осонгина бир-бирларига қайраб
қўярдим. Мабодо таъна-дашном, безорижон панд-
насихат, ота-боболаримизнинг ибратомуз ҳаёти, одоб-
ахлоқи ҳақидаги “маърузалар”и жонимизга теккудек
бўлса, кўрқмасдан сўнгги чорани ишга солардик –
яъни, қари мушугимиз Хосега бир чўмич қайноқ сув
сепиб юборардик. “Қайноқ сувда куйган мушук совуқ
сувдан қочади”, дейишади. Бекор гап! Бизнинг Хосе
худди “қани, юз даража қайноғидан яна бир сепинг,
илиқроқ бўлса унданам яхши”, – дегандек жўрттага
ўчоқ ёнида ўралашиб юрарди. Қисқаси, бундан
мушукка заррача зиён-заҳмат етмай, қандок бўлса
шундок юрар, қайтанга шу туфайли уйимиз ғалванинг
инига айланарди, бу қий-чув, жанжал, одатда, Руфь
холамнинг авж пардаларда бақириси билан ниҳоясига
етарди. Алоҳа ойим то бизга қадрдон бўлиб қолган
таёкни излаб топгунларича Оланда иккимиз жуфтакни
ростлаб қолардик, шу қочганча узундан-узун айвоннинг
нариги бошида Летисия бизни кутиб ўтирган хонага
бориб яширинардик; ўша кезлар Летисия доимий
равишда Понгсонг дю Террайлнинг Рокамбола
ҳақидаги китобини қўлдан қўймай ўқиб юрган бўларди.
Нимаси ёкиб қолган унга бу китобнинг – сира ақлимиз
етмасди. Энг қизиғи, то Летисиянинг хонасигача
оркамиздан қувиб бораётган ойим бирдан айнаиб,

бошимизда ёнғок чақиш ниятидан қайтиб коларди. Биз ҳам анойи эмасмиз, ичқаридан эшикни тамбалаб олиб, ялиниб-ёлворишга тушардик, ана шу дий-диёларимиз ҳамда Оланда иккимизнинг ёлғондакам йиғламсираб, кечирим сўрашларимиздан тоқати тоқ бўлган ойим қўл силтаб изига қайтарди. Ҳар сафар қайтиб кетаётганида, “Ҳаҳ расво қизлар-а, бир куни кўчага ҳайдаб юбораман, ана ўшанда таъзирингизни ейсиз!” – дея нуқул пўписа қилишини қўймасди.

Ҳайронман, бизга ёпишган кўнгилсизликлар, аксинча, ойим жазо тарикасида эслатган ана ўша кўчада, аниқроғи, биз бутун вужудимиз яйраб, дилимиз ҳаприқиб ошиқаётган темир йўл ёқасига етиб борганимиз ҳамано барҳам топарди. Уйда жанжал-тўполон тинчиб, ҳатто Хосе ҳам ҳушбўй исли лимон бутасининг сояси ва асалариларнинг ғувиллаши остида мудрай бошлаши биланоқ биз ҳеч кимга билдирмай, секингина оқ эшикдан чиқиб, севимли масканимиз – Аргентина темир йўллари ёқасига қанот чиқариб учардик. Эркинликнинг сурурбахш шамоли таъсирида юрагимиз ҳаприқар, жўшар, истикболда дарё бўйи эмас – саодат соҳили бизни кутаётгандек бора-боргунча дунёни унутардик. Бунинг устига темир йўл ёқасидаги дўнгликка сакраб чиқишимиз осонроқ бўлиши учун тез чопганимиздан, азбаройи, ҳаллослаб, қора терга тушар ва провардида, ғир-ғир шабада эсаётган ўша тепаликда нафасимизни ростлаб, ўзимиз барпо қилган ардоқли ва ғаройиб салтанатимизни мароқ билан кўздан кечираётганда бу чарчоқларимиздан бир зумда асар ҳам қолмасди.

Жамики ўйинларимиз ўтадиган бу макон биз учун чинданам оламга татиғулик салтанат эди. Унинг чега-раси тахминан темир йўл кескин бурилган ердан

бошланиб, то ҳовлимизнинг орқа деворига довур такалиб борган хайхотдай майдонни ўз ичига оларди. Мактагулик жиҳати йўқ аслида, уйда ухлаб ётган оналаримизу икки катор темир йўл изидан бошқа, яна нимасини айтиш мумкин – мажмағил, ковжираган ўт-ўлан, уларнинг орасида тоғ жинсларига ўхшаган майда тошлар – бўлди! Мана шуларнинг таркибидаги кварц, дала шпати ва шаффоф зарралар куёш тиккага келганида ростакам олмос зарралари сингари ўзидан ялт-юлт қилиб ранг-баранг нур сочарди. Биз юрагимизни ҳовучлаб, апил-тапил (поезд устимизга бостириб келиб қолишидан эмас, балки уйдагилар кўриб қолиши мумкинлигидан кўрқардик) темир изларга кафтимизни босганда, чўғдек қизиган шағалтош юзимизга қайноқ ҳовур уфурар, қаддимизни ростлаганда эса дарё тарафдан эсаётган намхуш, лекин ўта иссиқ шамол гуп этиб вужудимизга келиб урилар ва оқибат қулоқларимизгача терлаб кетарди. Биз пастга югуриб тушар, зум ўтмай яна ўша дўнгликка тирмашар, шу тарика бир неча марталаб қурук жазирадан сернам оташкадага ёки аксинча тушиб-чиқардик. Лов-лов ёнаётган юзларимизга кафтимизни босиб, ғарақ-ғарақ тер қуяётганини ҳис қилиш бениҳоя ҳузур бағишлар, шундай лаҳзаларда ич-ичимизга сиғмай кетардик. Кўз ўнгимизда дам қизғиш тусдаги темир йўл шпаллари, дам кумушдек товланиб оқаётган дарё намоён бўлар, бу қадар бетакрор манзара дилимизга олам-олам сурур бахш этарди.

Алоҳа тепаликдан тушиб боғимизнинг оқ эшик-ли деворига суяниб ўсган мажнунтолларнинг салкин соясига бориб ўтирардик. Салтанатимизнинг маркази, бекиёс ўйинларимиз ўтадиган афсонавий макон мана шу мажнунтоллар остида эди. Бу ўйинларнинг

ҳаммасини манглайи яркираган холаваччамиз Летисия ўйлаб топарди. Унга ҳамма нарса мумкин эди: ҳушига келганини қилар, сира жонини койитмас, нимасини айтмай, Оландо иккимиз унинг ҳаётига ҳавас қилардик. У бизга ўхшаб идиш-товоқ ювмас, ўрин-кўрпа солмас, киз бўлиб қўлига супурги ушламасди, кўнгли нимаики тусаса, уйдагилар дархол муҳайё қилишарди; хоҳласа уззукун расм чизиб, ҳайкалчалар ясаб ўтирар, хоҳласа китоб ўқир ва агарда истаса катталар билан алламаҳалгача чой ичиб бемалол гаплашиб ўтира оларди. Бу ҳали ҳолва! Алоҳида хонаси борлиги, хонтахтасидан ширинликлар аримаслиги, уйдагиларнинг унга маликадек иззат-икром кўрсатиб, аяб, кўнглига қараб муомала қилишларини айтмайсизми! Бора-бора Летисия ўзининг бу мартабасидан фойдаланишга ўрганди ва оқибат ўтган йили, ёз фаслидан буён ўйинларимиз тугул, балки бутун салтанатимизнинг маликасига айланди. Оланда иккимиз унинг раъйига қарар, айтганларини чин кўнгилдан суяб бажарардик. Ким билади, эҳтимол бу ойимнинг панд-насихатлари қор қилганидан бўлса керак, нега деганда у Летисияга қандай муомала қилиш, лозимлиги ҳақида жағ урарди. Эҳтимол, ўз синглимиздек яхши кўрганимиз туфайли унинг эркалигию инжиқликларини кўтарар, ҳадеб иш буюришлари билан ақл ўргатишлари малол келмасдир. Аммо эссизгина, Летисиянинг ташқи кўриниши бундай ҳурмат-эътиборга мувофиқ эмасди. Бўй-басти бизникидан анча паст, бунинг устига ҳаддан ташқари озғин эди. Ваҳоланки, Оланда ҳам ориккина киз, бундай десам, менинг ҳам оғирлигим эллик килога етаретмасди, аммо Летисия шунчалар қилтириқ эдики, бир кўрган одамнинг умрбод кўз олдида қоларди – кўйлаги остидан бамисли дарахтнинг қуриган шохидек туртиб

чиққан елка суяклари, нимжон бўйни, этсиз кулоқлари алланечук жонсиздек туюларди. Афтидан, у касалманд, майиб-мажруҳ экани учун шундай кўринса керак?! У ҳаттоки бошини буриб ёнидаги одамга караёлмас, шу сабабли баайни қўшнимизнинг ошхонасида деворга суяб қўйилган дазмол тахтасини эслатарди. Дарҳақиқат, дазмол тахтаси, дейсиз?! Шу аҳволида яна бизни хоҳлаган кўйига солишини-чи?!

Мен, ойим билан Руфь холам, бунақа ўйинлар ўйнаётганимизни билиб қолишган кун, уйда нималар бўлишимни билсангиз эди! Аниқ, кимдир хушидан кетган, кимдир сув келтириб сепган, Руфь холамининг “сибемоль”и авж пардасига кўтарилган – бу муқаррар, кетидан дод-вой: елга соғурилган умр, бекордан-бекор йўқотилган саломатлик, “кўрган куним курсин, шуларни деб яшасаму, эвазига шуми раҳмат”, деган миннату иддаолар ва пировардида, биз “осий бандалар” – кулоқсиз болалар муносиб бўлган жазолар бўйхатининг овоза қилиниши... Энг охирида эса эшитавериб кўникиб кетганимиз ўша иддао: “Ярамас касофатлар, бир кун кўча бошингизга етмаса...” Кўча нимаси ёмон, нимаси қўрқинчли – тушунолмаيمان, ҳар кун ўйнаб-кулиб юрадиган кўчамиз бўлса!

Ўйин бошланишидан олдин Летисия куръа ташларди. Биз гоҳ у беркитган майда тошча қайси кўлида эканини топишимиз, гоҳ йигирма биргача ҳисоблаб чиқиш орқали ким ютганлигини аниқлашимиз лозим бўларди, баъзан эса бутунлай бошқа бир нима ўйлаб топарди... Йигирма биргача санаб чиқиш чоғида азбаройи осон бўлиши ва қулайлик туғдириши учун шартли равишда гўё биз уч киши эмас – бешта ёки олтита, деб тасаввур қилар, башарти ўзи бўлмаса ҳам

тасаввуримизда мавжуд кизлардан биронтаси йиғирма биринчи бўлиб қолса, ўша заҳоти яна бошқатдан санашга тушар, ҳуллас то мен ёки Летисия ё Оландадан биттамыз йиғирма биринчи бўлмағунича бу ўйин давом этаверар эди. Шу ҳал бўлгач, Оланда иккимиз оғир харсангтошни суриб, унинг остидаги махсус қазилган ўрада сақланаётган тақинчоқлар тўла қутини олардик. Чек ташлаганда, масалан Оланда ютиб чиқди, дейлик, у ҳолда Летисия билан мен ўзимизга ёққан тақинчоқларни танлаб унга берардик. Ўйинимиз асосан икки хил бўлиб, биттаси “Ҳайкал”, иккинчиси эса “Ҳолат”, деб аталарди. Иккинчи – “Ҳолат” ўйинига либос ёки тақинчоқ қидириб ўтириш шарт эмасди, асосийси, инсоннинг муайян ҳолати юз-кўз ифодалари орқали ёки содда, тушунарли ишоралар билан акс эттиришдан иборат эди. Мана масалан, Ҳасадни ифодалаш лозим дейлик, бунақа пайтда одам зоҳиран қанча кўринади: муштлари тугилган, азбаройи кафти қаттиқ сиқилганидан бармоқлари оқарган, лаблари қимтилган, кўзлари эҳтиросдан чакнаган бўлади, тўғрими? Ёки Раҳм-Шафқатни олайлик, марҳамат – илтижо-ла самога термилган кўзлар, фариштадек маъсум чехра, бармоқлари орасида бир парча мато ёки тол новдаси, ё коптокча, қисқаси, тасаввурида ёрдам сўраётган биронта етимчага ният қилинган хайр-эҳсон... Ҳаммасидан ҳам Ҳаё ёки Қўрқувни акс эттириш осон эди. Лекин Ғазаб ёки айтайлик, Рашкни ифодалашда қийналардик. Либослар билан безаклар эса “Ҳайкал”, ўйинида керак бўларди. Бу ўйиннинг имконияти кенг эди жуда, таъсирчан манзара яратиш учун хоҳлаган нарсангни, ҳаёлингга келганини акс эттиришинг мумкин эди. Биз одамни ўйлатиб қўядиган ёки эътиборини тортадиган бетакрор тимсол, тасаввурни бойитадиган

образ яратиш мақсадида ҳар битта детални икир-чикиригача ўйлаб чиқардик. Қоида бўйича, ҳайкал бўлиб туривчи одам ўзига маъқул ҳоҳ бир суямгина тасма ёки тугмачадек нарса танлашга ҳам ҳаққи йўқ эди. Унга нима раво кўрилади – бу шерикларининг хоҳиш-истагига боғлиқ эди, шериклари нимани танлаб беришса, ўшанга қараб тўн бичарди, яъни қандай ҳайкал бўлиб туришни ҳал қиларди. Ушбу ўйиннинг ўзига яраша кийинчилиги шу пайтда билинарди, чунки баъзан безаклар танлаётган икки киши қасддан, атайин “Ҳайкал” бўлиб туривчи, мақсадига эришолмасин, тасаввур қилаётган ўзига хос киёфани ярата олмасин, деб, унга кўримсиз, ғариб, энг ёмони мутлақо кераксиз буюмлар танлаб берарди. Бундай вазиятда табиийки, у акс эттирмоқчи бўлаётган ҳайкал тақдирини фақатгина ички сезги, фаҳм-фаросат ҳамда ноёб хозиржавоблик асраб қоларди, аксар ҳолларда унинг ташаббуси барбод бўларди. “Ҳолат” ўйини чоғида эса ҳаммаси тинчгина, бежанжал ва гина-кудуратсиз ўтарди.

Мен айтиб бераётган бу воқеалар, худо билади, қачон бошланганини, бироқ аниқ эсимда – вагон ойнасидан биринчи мактуб учиб тушган кундан эътиборан ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди. Ростини айтганда, агар ўйинимизни томоша қилувчи бўлмаса, ҳайкалга ўхшаб қотиб туришлари ҳар турли ҳолатларни ифодалаб беришлар тезгина жонимизга теккан бўларди. Ушбу ўйинларнинг бутун моҳияти шундан иборат эдики, қуръада ютиб чиққан киз соат роппа-роса иккидан саккиз дақиқа ўтганда Тигре шаҳарчасидан чиққан поездни темир йўл ёқасидаги дўнгликда кутиб олиши ва йўловчиларга ўз санъатини намойиш қилиб туриши лозим эди. Одатда поездлар бу ердан катта тезликда ўтар, шу боис биз ўз

санъатимизни вагон деразалари орқали зўрға кўришга улгуриб коладиган йўловчилардан уялиб ўтирмасдик. Бошида ҳар қанча ҳаракат қилганимиз билан лип этиб ўтиб кетадиган поезддаги одамларни дурустрок илғай олмасдик, кейин-кейин бунга кўзимиз ўрганди ва ҳатто бора-бора бизни кўриш истагида тараддудланиб ўтирадиган айрим йўловчиларни ажратадиган бўлиб қолдик. Мугуздан ишланган кўзойнакли, сочлари қордек оппок жаноб ҳар сафар ойнадан бошини чиқариб, рўмолчасини силкитганча тепаликда котиб турган “Ҳайкал”ни олқишларди. Вагон зинапоясида ўтириб олганча мактабдан қайтаётган ўқувчи болаларни айтмайсизми! Баъзилари бир нималар, деб қийқирар, яна бир хиллари бизлардан жиддий нигоҳини узмасди. Афсуски, ҳайкал бўлиб турган ёки инсоннинг бирор ҳолатини ифодаляётган буни кўрмасди. Бунинг иложи ҳам йўқ эди. Чунки унинг бутун диққат-этибори поезд ўтиб кетгунча қилт этмаслик ва чайқалиб кетмасликка қаратиларди, бир сўз билан айтганда у ўзидан ортмасди. Биз эса, ўйинимизнинг асосий иштирокчиси йўловчиларга қандай таъсир қилганини мажнунтол соясидан кузатиб турардик. Март ойининг бошларида, янглишмасам, сешанба куни иккинчи вагон ойнасидан ўша машъум мактубча учиб келди ва фиску фасодни ифода этаётган Оланданинг ёнидаги тошга урилиб коптокдек сапчиди-да, тўппа-тўғри менинг оёқларим остига тушди. Тўрт букланган нома темир гайкага ип билан боғлаб улоқтирилганди. Ҳарфларнинг кингир-кийшиқлигидан эркак кишининг дастхати экани яққол сезиляётган мактубчада: “Мен иккинчи вагоннинг учинчи ойнаси олдидаман. Ариэль Б.”, деб ёзилган эди, холос. Мактубнинг бу даражада қиска, бунинг устига илтифотсиз оҳангдалиги ажабланарли

эди – шунақа экан аzza-баzza залворли гайка топиб, унга эринмасдан хатни боғлаб, пайтини пойлаб туриб улоктириш... шартмиди икки оғиз сўзга. Бундан чикди кўлимизга келиб тегишини жуда-жуда истаган одам ёзган. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам хурсанд бўлдик ва ўша заҳоти кимнинг навбати эканини аниқлаш учун қуръа ташладик. Қуръа менга тушди. Эртасига биронтамизнинг дўнгликка чикиб тургиси келмаса денг– ҳаммани фикру хаёли – Ариэль Б. ни яхшилаб кўриб қолиш. Кейин мулоҳаза қилиб, ўйинни бир марта ҳам тўхтатмаслик керак, (Ариэль буни нотўғри тушуниши мумкин) деган қарорга келдик, мен кафтимга беркитган майда тошчани бу гал Летисия топди. Оланда икковимиз қувонганимиздан бир-биримизни кучоқлаб олдик, сабаби, бояқиш синглимиз ҳайкал бўлишни жуда боплар эди. Қолаверса қимир этмай қотиб турганида унинг мажруҳлиги заррача сезилмас, энг муҳими – унинг бутун қиёфасидан, ҳар битта ҳаракатидан алоҳида поклик ва масъумлик ёғиларди. Агар “Ҳолат”ни ўйнаётган бўлса, у доим Раҳм-Шафқат, Саховат, Ихлос, Фидойи, Ҳимматни ифодалашга уринарди. Бордию Ҳайкал бўлишга тўғри келса, қай жиҳати биландир катта уйимиз деворига осилган, Руфь холам қачон қараманг “Силослик Венера” – деб тилга оладиган сувратдаги соҳибжамолга ўхшашга ҳаракат қиларди. Дарҳақиқат... ўша куни Летисия нима кийгани маъкул, қайси тақинчоқлар унга кўпроқ ярашиши борасида узоқ ўйладик, ниятимиз битта – Ариэлни лолу ҳайрон қолдириш. Летисия енгсиз калта кўйлақда эди, биз яшил бахмалдан туникасифат ёпинчик бичдик, бошига эса мажнунтол новдаларидан ясалган тож кийдирдик, Летисия ҳайрон қоларли даражада қадим юнон маъбудасига ўхшаб қолди. У қандай ҳолатда

турмоқчи эканини тушунтирганда ҳаяжонланиб кетганимиздан Ариэлни муносиб кутиб олиш учун тепаликка учовимиз ҳам чикиб турмоқчи бўлдик.

Летисия ҳаддан зиёд очилиб кетганди, унга қараган одам кўзини узолмасди, у то поезд ўтиб кетгунича кимир этмади. Ёнбошига қараёлмаслиги сабабли бошини орқага ташлади ва иккала кўлини тушуриб котиб қолди, — яшил ёпинчиғини айтмаса — ҳақиқий Милосслик Венеранинг ўзгинаси, дейсиз! Иккинчи вагоннинг учинчи ойнаси олдида ўтирган малласоч ўспиринни бир карашда танидик — саломлашиб қўл силкиганимизда қувончдан оғзи кулоғига етди, уни атиги бир сониягина кўриб қолганимиз, лекин уч соатдан кейин ҳам у ҳақдаги баҳс-мунозарамиз тўхтамади: костюмининг ранги қанақа — кулрангмиди, кўкишмиди, қизил галстуги қанақа тусда товланарди, умуман, Ариэлнинг ўзичи — хушрўйми, сўхтаси совукми ва ҳоказо мавзуларда баҳсимиз давом этаверди. Пайшанба куни мен Изтироб ҳолатини акс эттираётганимда, “Учовингиз ҳам бир-бирингиздан ажойиб экансиз. Ариэль Б.” деган мазмунда яна бир нома олдик. Шундан сўнг ҳар сафар поезд ўтганида Ариэль вагон ойнасидан бошини чиқариб, бизга қўл силкитадиган бўлди. Биз уни ўн саккиз ёшга чиккан (ҳолбуки, унинг ўн олтига ҳам кирмаганига учовимизнинг ишончимиз комил эди), ҳар куни ўқишдан — инглиз коллежидан қайтаётган бўлса керак, дея тахмин қилардик. Коллежда ўқишига шак-шубҳамиз йўқ, чунки назаримизда бизнинг Ариэль оддий билим юртида ўқиши мумкин эмас! Қанақа хонадоннинг фарзанди экани шундай кўриниб турибди-ю!

Оланданинг омади келиб, қаторасига уч кун қуръа ташланганда ютиб чикди. Биринчи кун Умидсизлик ҳолатини боплади, эртасига Ғаразни бетакрор бир

киёфада ўринлатиб қўйди; учинчи кун акс эттирган Раккосаси хакида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Шунақа ҳам койиллатдики, асти қўяверинг, кўрган одам тасаннолар айтмасдан иложи йўқ. Поезд муюлишда кўринганидан то салтанатимиз ёнидан ўтиб кетгунича, яна тагин оёк учида килт этмай туришнинг ўзи бўладими? Ниҳоят, менга ҳам навбат келиб, мен Ваҳимага тушган одам ҳолатини ифода этиб турганимда гайкага боғланган яна бир нома вагон ойнасидан учиб тушди. Уни ўқиб, дабдурустдан тушунолмадик: “Хусн бобида кимир этмай туришни қойил қиладиган қиздан ўтадигани йўқ”. Летисия Ариэль кимни назарда тутаётганини бизга нисбатан кечикиброқ фаҳмлади, фаҳмлагач – қизариб кетди ва бир чеккага ўтиб олди. Очиғини айтганда, Оланда иккимизнинг ҳазилакам аччиғимиз чиқмади. Бу Ариэль, деганлари қип-қизил аҳмоқ экан-у! Бунақа гапни Летисияга айтиб бўлар эканми, ўзи шундоғам кўнгли яримта, шусиз ҳам унга ниҳоятда қийин. Лекин, ҳарқалай, номани олиб секингина киссасига солиб қўйди, кимга аталганини сезган-да! Уйга қайтаётганимизда йўлда учовимиз чурк этмай кетдик, кечкурун эса ҳар ким ўзидан ортмай бир-биримизни деярли кўрмадик ҳам. Кечки овқат пайтида Летисияни кўрсангиз эди, у бир гапириб ўн кулар, кўзлари пор-пор ёнарди. Ойим Руфь холамга бир-икки марта маъноли қараб қўйдики, бунинг тагида ана кўрдингми, бошланиши чакки эмас, ўзгариб қолганини қара, икки кунда-я, – деган маъно англашиларди. Гап шундаки, ўша кунлари Летисияга янги дори-дармон бера бошлашган эди.

Кечаси Оланда иккимиз бу ёғига нима қилиш кераклиги ҳақида алламаҳалгача гаплашиб ётдик. Минг қилганда ҳам Ариэлдан хафа бўлишнинг ҳожати йўқ. Нима қипти вагон ойнасидан қараса, нимадир, кимдир

унга кўпрок ёкибти, шунгайм ота гўри козихонами?! Лекин Летисия-чи, уни нима жин урди, нега бунақа қияпти, уйда ҳеч ким мушугини пишт демаслигини, қаттиқ-қурум гапириб дилини оғритмаслигию айбини кўриб кўрмасликка олишларига ишончи комил бўлгани учун шундай қияптими? Ёки ҳаммасини билишса ҳам, билмагандек чурк этишмайди, дея ўйлаяптими?! Одамзод ҳаддидан ошмасин экан – Летисиянинг дастурхон тепасидаги қилиқлари, ўша зорманда номани факатгина ўзига тегишлидек киссасига солиб қўйишлари шундан далолат бермайдими?! Буниси энди ортиқча! Ўша куни мен яна алог-чалоғ туш кўриб чикдим. Тушимда сахар пайти эмишу, мен сон-саноқсиз темир излар кесишган ҳайҳотдек майдонда турган эмишман. Ҳали чап томонимдан, ҳали ўнг томонимдан поездлар шитоб билан ўтиб қолармиш, мен эсам мана ҳозир оркамдан келаётган поезд мени янчиб босиб кетади, дея кўрқармишман... Эрталаб уйқудан турганимда кечаси кўрган тушимни эслаб ўтиришга имкон ҳам бўлмади, ҳожати ҳам қолмади, чунки Летисиянинг ахволи чаток эди, у ҳатто бировнинг кўмагисиз кийинолмасди. Уйқудан турганда шу аҳволда экан... Афтидан кечаги қилмишидан қаттиқ пушаймон еб, ўз ёғига ўзи қоврилиб кечаси билан ухлолмай чикқанга ўхшайди. Бизлар биримиз олиб, биримиз қўйиб унинг кўнглини олишга тушиб кетдик: ўзингни ҳадеб уринтираверма, толиққансан, ҳеч қаерга чикмай бир-икки кун дам ол, китобингни ўқиб ёт, дея маслаҳатлар бердик. У эътироз билдирмади-ю, лекин биз билан нонушта қилгани чикди ва ҳатто ойим билан Руфь холам хол-аҳвол сўрашганда, “анча яхшиман, ўтиб кетди”, – деди. Шу билан бирга Летисия дам Оландага, дам менга синовчан тикилиб қарарди.

Ўша куни чек ташлаганимизда мен ютиб чикдим, лекин нима учундир – негалигини ўзим ҳам тушунолмайман – навбатимни бахридан кечиб, уни Летисияга инъом этдим. Нега, нима сабабдан, фарки нима – бердимми бердим, гапни айлантиришнинг хожати йўқ. Модомики, Ариэль уни ёқтирар экан, хусни жамолига тўйсин.. Летисия, хайкал бўлиб туриш ўйинидан бошқасини ўйнамаслиги сабабли унга осонроқ, деб бирон одмирок нарса излай бошладик, бечорани қийнаб нима қиламиз? Ўзи эса ўйлаб-ўйлаб чин маликаси бўлиб туришни лозим топди. Бу жудаям осон: хитой маликаларига монанд кўлини кўксига кўйиб, бир ибo билан ерга боқиб турса бас – худди ўзида! Узоқдан биз кутаётган поезднинг қораси кўринган захоти Оланда атай орқасини ўгириб олди, мен эса Ариэлнинг фақат Летисияга термилиб қараганлари, поезд ўтиб кетгунча ва муюлишга бориб кўздан ғойиб бўлгунича ундан кўз узмаганини кўриб турдим! Аниқки, хитой маликаси тимсолига айланган Летисия Ариэлнинг интизор термилганларини кўролмади. Аммо қайтиб мажнунтол остига келганимизда унинг авзойидан шу нарсани фаҳмладимки, Летисия кўрмаган бўлса-да ҳаммасини сезган, ҳаммасини билади ва у эгнидаги либосларини эрталабгача ечмай хитой маликасининг қиёфасида юришга тайёр эди!

Чоршанба куни Летисиянинг талабига биноан фақат Оланда иккимизнинг ўртамизда куръа ташланди (инсоф юзасидан олганда бу одилona талаб эди!). Яна Оланда ютди – жуда омадли қиз-да! Аммо-лекин Ариэль улоқтирган нома менинг оёқларим тагига келиб тушди. Аввалига уни Летисияга бермокчи бўлдим, кейин фикримдан қайтдим, нега хадеб унинг кўнглига қарайверишимиз керак!! Нега? Тўрт букланган қоғозни

очдим, унда Ариэль бизлар билан учрашиш ниятида экани, шунинг учун эртага нариги станцияда тушиб қолиб бизнинг олдимизга келмокчилигини маълум қиларди. Унинг дастхати ўта хунук эди, шунга қарамай охирги жумласи бизга мойдек ёкиб тушди: “Учала ҳайкалга алангали саломлар. Ариэль Б.” Имзосини кўрсангиз – ажи-бужи, лекин шу билан бирга қандайдир ўзига хос ғайриоддий эди.

Оланда иккимиз Летисиянинг такинчоқларини индамай ечиб олаётганимизда, у менга бир неча бор синовчан караб қўйди. Ушбу номани баланд овозда ўкиб берганимда эса – тавба! – сингилларимнинг тили калолатга келдими нима бало, чурқ этишмади. Уларнинг лом-мим демай туришларидан аччиғим чиқди, “Ариэль эртага сизларни кўргани келаман, – деб турсаю, оғзингизга талқон солиб олганингизничи”, дея жеркиб бердим ўзимча. Нима қиламиз, нима деймиз, гаплашиб олиш лозим. Агар Ариэлнинг келиши ҳақида уйдагилар билиб қолишса ёки Лосалардан битта-яримтаси кўриб, айтиб беришса борми, ана унда кўринг жанжал-тўполонни! Улардан эҳтиёт бўлиш керак, бу майда одамлар жудаям расво, ғаразгўй бўлади, ғайирликларини айтмайсизми – вой-вой! Умуман олганда эса ажабланарли ери: Летисиянинг такинчоқларини жимгина ечиб олдик, индамай саватга солдик ва худди бир-биримиздан аразлагандек, ок эшик олдигача чурқ этмай бордик. Уйга кирганимиздан сўнг Руфь холам Оланда икковимизга “Хосени чўмилтиринглар” – деб топшириқ берди-да, ўзи эса дори-дармон ичадиган пайти бўлиб қолган эканми Летисияни ичкари хонага олиб кириб кетди. Оланда билан ёлғиз қолгач, ниҳоят гаплашиб олишимиз учун имкон туғилди. Бу бир мўъжиза – одамнинг ишонгиси

келмайди: Ариэль бизни кўргани келаркан! Ниҳоят биринчи марта ўғил боладан дўст орттиряпмиз-а, холаваччамиз Тито ўғил бола бўлгани билан латга, овсаргина – киз болага ўхшайди, ҳалигача бурни оқиб юради. Эртанги учрашув ҳақида ўйлаб тўлқинланиб кетганимиздан, азбаройи чўмилтирамиз, деб Хосени ғижимлаб ташлаганимизни сезмай қолдик. Бошлаб Летисия ҳақида Оланда (менга йўл бўлсин) гап очди. Менинг бошим қотарди: Ариэлга ҳамма гапни айтиб бўлмайди, айтсак, орада туғилаётган муносабатларга ўша заҳоти нукта қўйилади – бу бир, иккинчи томондан яширишдан нима фойда, барибир бир кунмас бир кун ҳаммаси ошкор бўлади, ўз бахти учун бировнинг бахтини барбод қилмаслик керак, ахир. Лекин нима қилсак, Летисиянинг дили оғримайди – мана асосий масала! Шўрлик, шундоқ ҳам унга оғир, боз устига янги муолажа бошлашган, буни эшитса борми...

Кечқурун бизнинг деярли сўзлашмаётганимизни кўрган ойим ҳайратдан ёқасини ушлади: “Нима бало, тилингиз танглайингизга ёпишиб қолдими ҳаммангизни?!” У Руфь холамга маъноли қараб қўйди, икковлари ҳам қизлар бир ишқал қилиб қўйишгану, шу боис ораларига совуқчилик тушган, гаплашишга юзлари чидамаяпти, деб ўйлашди, шекилли. Летисия эса овқат сузишганда қўл ҳам урмай, тобим бўлмаяпти, хонамга бориб ёта қолай, деганча чиқиб кетди. Оланда кузатиб қўйиш учун ўрнидан дик этиб турувди, зўрға розилик билдирди, мен ўша заҳоти ишпечимни олиб тўкишга тутиндим – жудаям ҳаяжонлансам, ўзимни чалғитиш учун нимадир қилмасам бўлмасди очиғи. Негадир Оланда Летисиянинг хонасида узоқ қолиб кетди – сабрим чидamay қараб келмоқчи ҳам бўлдим, лекин андиша йўл қўймади. Ниҳоят Оланда қайтиб чиқди,

келиб ёнимга ўтирди ва маънодор килиб томоғини кириб қўйди-ю лекин индамади. Ойим билан Руфъ холам идиш-тавокни йиғиштириб чикиб кетишларини очикдан-очик кутиб чурк этмай ўтиравердик. “Эртага Летисия ҳеч қаёкка бормас экан, – деди Оланда ниҳоят ёлғиз қолганимизда, – мени сўраса, манави хатни бериб қўйинглар, дея илтимос қилди”. У гапини тасдиқлаш учун блузкасининг чўнтагини каттарок очиб бинафша ранг конвертни кўрсатди. Кўп ўтмай таксимчаларни ювишга чақиришди ва оқибат гапимиз чала қолди. Бир оздан кейин хонамизда ҳорғингина ётганимизда ҳам гаплаша олмадик, чунки Оландаям, мен ҳам кунбўйи асабийлашиб, жудаям толиққан эканмизми, ўринга кирган захоти донг қотиб ухлаб қолдик.

Эртасига эрталаб мени бозорга юборишгани туфайли Летисияни кўролмадим. Тушликка яқин ҳолаҳвол сўраб қўяй, деган ниятда бирровгина олдига киргандим, у дераза ёнидаги каравотда беҳолгина ёстикка ястаниб ўтирар – тиззасида севимли китоби “Рокамбала”нинг тўққизинчи жилди ётарди. Унинг ранг-рўйи бир ҳол эди, шунга қарамай мени хушҳол қарши олди ва чирокка тинимсиз келиб урилаётган бетайин парвона тушига кирганини кула-кула айтиб берди. Мен, “Мажнунтоллар остига сенсиз боргимиз келмаяпти”, – дедим. Тўғриси, шу гапни айтишга айтдим-ю лекин негадир овозим зўрға чикди... “Агар хўп десанг, Ариэлга “Тоби қочиб қолди, деймиз... майлими?” Шундай дейишга улгурарманми, Летисия гапимни чўрт кесиби: “Йўк!”, деб жавоб қилди. Шунда мен сал ўзимни босиб, уни кўндиришга ҳаракат қилиб кўрдим; икки оёғимни бир этикка тикиб олганим йўғу, лекин, ҳарқалай, кўнгли учун “биз билан боракол”, дея ўтиниби сўрадим, кейин эса юрак ютиб “нега истиҳола кила-

сан, ҳақиқий туйғу одамнинг дилида бўлади”, деб на-
сихат қилдим. Ҳатто “Ҳикматлар хазинаси” китобида
ўқиган гўзал ва пурмаъно ўғитлардан бир-иккитасини
эслатиб ҳам ўтдим. Бирок Летисия чурк этмади. Мен,
рости, ўқиндим, у деразадан кўз узмас, ҳозир йиғлаб
юборадигандек ўпкаси тўлиб борарди. Охири “ойим-
нинг ишлари бор эди”, деган баҳонада унинг олдидан
шошиб чиқиб кетдим.

Тушлик кандоқ ўтди, билмайман, Оланда дас-
турхонга теккан доғ учун Руфь холамдан эшитадигани-
ни эшитди. Тақсимчаларни канақа ювганимизни ҳам,
оқ эшикча ёнига канақа қилиб борганимизни ҳам яхши
эслолмайман. Лекин қадрдон мажнунтол остига етиб
боргач, бахтдан энтикиб, бир-биримизни кучоқлаб,
йиғлаб юборишимизга оз қолгани ёдимда. Оланда,
башарти сўраб қолса, ўзимиз ҳақимизда нима деймиз,
Ариэлнинг ҳафсаласини пир қилиб қўймасмикинмиз,
дея ташвишланарди. Ахир, юкори синфда ўқийдиган
болалар, эндигина бошланғич синфни тугатган, қўйлак
бичиш билан сутни кувлаб мойини олишдан бошқасига
ярамайдиган қизчаларни назар-писанд қилмасликлари
мумкин-ку! Соат роппа-роса иккидан саккиз минут
ўтганда поезд кўринди ва Ариэль хурсанд бўлиб бизга
қўл силкиди, биз эса бунга “Хуш келибсиз!” деган
ёзувли, хошияси гулдор рўмолчани азот кўтариш билан
жавоб қилдик. Ярим соат ўтар-ўтмас, Ариэль тепалик-
дан тушиб келди – у кўкиш костюм кийиб олган, бўйи биз
ўйлагандан кўра тикроқ эди. Танишув маросими қандай
бошланди, ким аввал гапирди – яхши эслолмайман.
Ариэль жудаям тортинчоқ экан, оғзидан гапи тушиб
кетарди, шундай ажойиб номалар ёзиб, кўргани келган
одамам шунақа бўладими?! У даставвал бизнинг ҳайкал
ва сурат бўлиб туришларимизни кўриб қойил қолгани

хакида тўлқинланиб гапирди, сўнгра исмимизни ва нега уч эмас икки киши эканимизни сўради, Оланда “Летисия келолмади”, деганди, у “Аттанг, аттанг”, деди ва ортидан “Исми жудаям чиройли экан!”, дея кўшиб кўйди. Алоҳа Саноат билим юртида ўқиши, у ердаги машғулотлар, ўртоқлари хакида кизиқ-кизиқ нарсаларни гапириб берди (ана сизга инглиз коллежи!) ва тақинчоқларимизни кўрсатишни илтимос қилди. Оланда харсангтошни суриб, бор бисотимизни олдида, қутини унинг олдига очиб кўйди. Ариэль катта бир қизиқиш билан тақинчоқ ва безакларни томоша қила бошлади, ора-чора бирон бир буюмни синчиклаб кўздан кечираркан, ўзига-ўзи гапиргандек: “Бир сафар Летисия мана шунга ўраниб олганди”, ёки “Буни Шарқ маликаси бўлганда кийганди”, – деди, у – чин маликасини мана шундай таърифлади.

Бизлар мажнунтол остида ўтирардик, Ариэлнинг афт-ангорида мамнуният ифодалари зухур этиб турган бўлса ҳам, гапларимизни фаромушхотирлик билан тинглар, одоб юзасидангина шартта туриб кетвормаётгани сезиларди. Сухбатимиз ҳозир тугаб қоладигандек туюлган лаҳзаларда Оланда менга маънодор қараб кўяр эди. Икковимиз ҳам кийналиб кетганимиздан, тезроқ шу савил қолгур учрашув тугаса-ю, тезроқ уйимизга кетсак, деб игнани устида ўтиргандек бўлардик. Қаердан ҳам биз билан танишгиси келиб қолди-я! Ариэль яна Летисиянинг саломатлиги хакида сўраган эди, Оланда хўрсиниб менга тикилди ва қисқагина қилиб бояги гапини такрорлади: “У келолмади” – тамом вассалом. Мен эса ҳозир унга тўғрисини айтиб берса керак, деб кутгандим... Ариэль чўп билан ерга ҳар хил шакллар чизар, дам-бадам оқ эшик тарафга қараб кўярди. Ҳаммаси тушунарли, шу сабабданми Оланда

чўнтагидан бинафшаранг конверт чиқариб Ариэлга узатганда кувониб кетдим. Ариэль эса аввалига ҳайрон бўлди, буни Летисия бериб юборганини тушунгандан сўнг, кип-кизариб кетди ва бизнинг олдимизда очиб ўқишни истамади шекилли, конвертни чўнтагига солиб қўйди. Ўша захотиёк ўрнидан дик этиб турдида: “Сизлар билан танишганимдан бағоят хурсандман” деди-ю, хайрлашгани кўлини узатди – унинг кафти ўта юмшоқ, ҳатто бир қадар иргамчиқ эди. Биз танишув маросимининг бунчалик тез тугаб қолганига заррача ачинмадик, лекин Ариэлнинг кўкиш кўзлари билан ўзига хос синиқ табассумини анча пайтгача эслаб юрдик. Хайрлашаётган чоғида “Ўзр ва алвидо”, дегани ҳам бизни хайратга солди, чунки биз бунақа каломни умримизда биринчи бор эшитишимиз эди, унинг бу сўзлари бамисли шеърӣ мисралар каби бетакрор ва таъсирчан эди. Летисия бизни боғимиздаги лимон бутаси остида кутиб олди, биримиз олиб, биримиз қўйиб бўлиб ўтган ҳамма гапни оқизмай-томизмай унга айтиб бердик, мен тўлқинланиб кетганимдан боя бериб юборган хатингда нималар ёзгандинг, деб сўрашимга оз қолди, бироқ атай конвертга солиб, аzza-баzza елимлаб, сўнгра Оландага топширган бўлса қанақасига сўрайман – қисқаси ботинолмадим, хуллас икки опа-сингил Ариэлни роса мактадик ва яна-тагин уни сўрайвериб эси кетганига ҳавасимиз келганини яширмадик. Тўғриси айтганда, шундай қилмасак ҳам бўлмасди – фаросати бор одам косанинг остида нимкоса борлигини фаҳмлайди – бошка иложи ҳам йўқ. Бу бир томондан яхши – Летисия ўзини бахтиёр ҳис қилади, иккинчи томондан ёмон – Летисия йиғлаб юборишдан ўзини зўрға-зўрға тийиб турарди. Оқибат доимгидек: “Руфь холамининг бизда ишлари бор эди”, дея баҳона

килиб аста кочишдан ўзга йўл тополмадик, Летисия эса лимон бутасининг ям-яшил, топ-тоза япрокчалари остида асалариларнинг тинимсиз гўнғиллаши ичра бир ўзи колди.

Кечқурун, ётар олдидан Оланда: “Мени айтди дерсан, эртага ўйин тугайди”, – дея шипшиди. Унинг гапларида жонборлигини сезиб турганим учун бўлмаган гап, дейишга тилим бормади. Эртасига тушлик чоғида энди ширинлик келтиришганди, Летисия бизга имо-ишора қилиб колса бўладими? Очиги, дабдурустдан нима, деб жавоб қилишни билмай биз ҳатто довдираб қолдик. Зум ўтмай аччигимиз чикди, тўғри-да, озгина уялса бўларди, шуям инсофданми! Нима бўлган тақдирда ҳам, идиш-товоқни йиғиштириб, ювиб-тозалагач, Летисия билан оқ эшик ёнида кўришдик-да, учовимиз темир йўл томонга қанот боғлаб учдик. Мажнунтол остида, Летисия бепарвогина, индамай – ҳолбуки биз кўриб саросимага тушдик – чўнтагидан ойимнинг бир шода марвариди билан тилла билагузуги ҳамда Руфь холам кўзларига суриб тақадиган ёқут кўзли узукни олди. Ана керак бўлса! Худо кўрсатмасин, қурбакасалла Лосалар сезиб колса борми, ўша заҳоти ойимга болаларингиз уйдан зеб-зийнатларингизни беркитиб олиб чиқишибди, дея чакимчилик қилишса борми – улардан кутса бўлади! – ана унда кўринг томошани! Ойим билан Руфь холам битта қўймай юлади-я сочимизни! Аммо Летисия пинагини бузмади, “бирон гап бўлса, ўзим жавоб бераман”, – деди-да, ердан кўзини узмай туриб хаста бир овозда илтимос қилди: “Бугун мен ҳайкал бўлиб турсам майлими?”. Биз жон-жон деб рози бўлдик, ҳатто ҳали кўксимиздаги гина-кудурат кўтарилиб улгурмаганлигига карамай, Летисияга меҳримиз товланиб кетди, шу дакикаларда

унинг ҳар қандай талаб-истагини бажо келтириш, кўнглига қараш истаги жўш урарди юрагимизда. Унга энг сара зеб-зийнатлар – товус патларидан тортиб узокдан қараганда қумуш тусда товлангувчи тулки мўйнаси, саллага ўхшатиб ўрасин учун пушти ранг шарф танлаб бердик. Буларнинг бари уйдан келтирилган қимматбаҳо тилла тақинчоқлар билан “йиғлаб” кўришарди. Летисия ҳаёл сурганча қолди, у афтидан мўлжаллаган ҳайкалини қандай акс эттириш ҳақида ўй сурарди. Поезднинг қораси кўринганда у тепаликка чикиб олди, шунда дафъатан зеб-зийнат, тилла тақинчоқлари қуёш нурида кўзларимизни қамаштириб юборгудек ярак-ярак товланиб кетди. Илкис у шахд билан иккала кўлини азот кўтарди-да, бошини бир силтаб орқага ташлади (бечора ён тарафга қараёлмасди, қисқаси, ўзга иложи ҳам йўқ эди!) ва новдадек чунонам эгилдики, азбаройи худо, кўриб, чин сўзим, юрагим орқасига тортиб кетди. У ўйлаб топган ҳайкал гўзал, беқиёс эди. Бу бамисли бир мўъжиза эдики, одамнинг ишонгиси келмасди. Бизлар ҳатто вагон деразасидан бошини чиқариб кўзига ҳайкалдан бошқа ҳеч нарса кўринмай, тикилиб қараётган ва то поезд муъолишга сингиб кетмагунча Летисиядан кўз узмаётган Ариэлни ҳам унутиб юборганимизни сезмай қолибмиз. Сабабини айтиб беролмайману, бироқ поезд ғойиб бўлган ҳамоно Оланда иккимиз Летисиянинг ёнига югурдик. У ҳам кўзларини чирт юмганча қотиб турар, кўз ёшлари ёмғир томчилари каби ёноқларини ювиб оқарди. У кўмаклашиш ниятида узатган қўлларимизни оҳиста, беозоргина қайтариб, тепаликдан ўзи тушди. Қимматбаҳо тақинчоқларни ечиб чўнтагига солди-да, чурқ этмай, шалвираганча уйимиз тарафга кета бошлади. Бизлар унинг ортидан лолу ҳайрон қараб

қолдик. Сўнг охирги марта Летисия яхши кўрган зеб-зийнатларни қутига солиб жойладик. Энди бу ёғига нима бўлишини кўнглимиз сезарди, шунга карамай эртасига биз Руфь холамнинг “Шовкин солманглар, Летисиянинг тинчи бузилади”, деганларига ортиқча аҳамият бермай, мажнунтоллар ўсган салтанатимиз сари югурдик. Бечора Летисия тоби қочиб ёстикдан бош кўтаролмай ётарди. Қизиғи, поезд ёнимиздан ўтаётган маҳал иккинчи вагоннинг деразаси ёнида ҳеч зог кўринмаганига қилча ҳам ажабланмадик. Бир-биримизга маънодор қараб кулимсираб қўйдик. Лекин яширишдан нима фойда, бир жиҳатдан аччиғимиз чиқди, иккинчи жиҳатдан енгил ҳам тортдик. Бизнинг Ариэль эса – шундай бўлишини билардик – вагоннинг нариги тарафида, мовий кўзларини сокин оқаётган дарёдан узмай жимгина томоша қилиб борарди.



ИККИНЧИ САФАР

Биз уларнинг келишидан умидвор бўлиб, пойлаб ўтирар эдик, чунки ҳар бирларини қабул қилиш куни ва соати белгилаб қўйилган эди, лекин, тўғриси айтганда, ортикча ташвишланмай бамайлихотир сигарет чекиб ўтирардик; ора-сира ҳабаш Лопес қахва қуйиб таркатар, шунда ишни тўхтатиб гурунглашишга ўтардик, суҳбатимиз деярли доим бир хил нарсалар ҳақида бўларди: раҳбаримизнинг охирги кўрсатмалари, юқоридаги доиралардаги ўзгаришлар «Сан-Исидро» да қўйилган спектакллар ҳақида бўларди. Бизнинг пойлаб ўтирганимиздан, табиийки, уларнинг мутлақо хабарлари йўқ эди, айнан кутиб ўтирганимиздан, зеро бу ишда камчиликлар, хатоларга йўл қўйиб бўлмайди; сиз ташвиш қилишни ҳаёлингизга ҳам келтирманг, чин раҳбарлик сўзим, дея тез-тез такрорлаб турарди, у ишингизни секин, бамайлихотир ниҳоясига етказавинг, ҳеч қандай муаммо бўлмайди, агар бирон ишқал чиқиб қолса борми, бунинг бизга алоқаси йўқ, биров мушугимизни пишт демайди, ишонаверинг, савол-жавобни юқоридагиларнинг ўзи жавобини беради, раҳбарингизни эса балоям урмайди, хуллас қалом, йигитлар, кўнглингиз тўқ бўлсин, мабодо бирон кори-ҳол юз берса, тўғри мени олдимга юборинг, фақат битта илтимосим шуки, кўзлаган одамингизни яхшилаб ўрганиб чиқинг, шошилиб доғда қолмаслик учун суриштириб, маълумот тўплагач, ҳеч бир монёъсиз давом эттираверинг ишингизни.

Виждонан айтганда, улар бир марта ҳам бизни ташвишга қўйишмаганди, раҳбаримиз уларнинг бир-бирларига ҳалал бермаслиги учун қулай шарт-шароит яратиб қўйган, биз эса уларни тартиб-қоидага мувофиқ битта-биттадан қабул қилар ва бир-бирларига қанча лозим бўлса шунча вақт ажратардик. Мақтаниш эмас-у, лекин ҳаммаси бекаму кўст йўлга қўйилган, аниқ, пухта, ҳатто компьютер ҳам бас келолмайди, ишлар бир маромда кетади, шошилиш йўқ, ҳеч ким кисти-бастига олмайди. Қаҳвахўрликка ҳам, келгуси ҳафта ўйинлари ҳақида баҳс-мунозара қилиб ўтиришга ҳам вақт топилади, шунақа пайтда баъзан раҳбаримиз кириб қолар ва кимга тикмоқчи эканимизни билгиси келиб саволга тутарди, бунақа ишларда килтирик Бьянчеттидан ўтадигани йўқ – у ҳар қандай фолбинни ортда қолдирарди. Қисқаси, ҳар куни аҳвол шу: эрта билан бир даста жарида қўлтиғимизда, ишга келар, қора Лопес ҳеч кимни насибасиз қолдирмай қаҳва билан сийлар, ана шундан кейин ярим соатлар ичида улар расмийатчилик юзасидан ўтказиладиган суҳбатга битта-битта ташриф буюришарди. Чакиров қоғозига худди шундай: расмийатчилик юзасидан ўтказиладиган суҳбатга деб ёзилган бўлиб, бизнинг вазифамиз эса фақат кутиб ўтиришдан иборат эди. Лекин нима бўлганда ҳам чакиров қоғози сарғиш тусдами, пистокими, расман тасдиқланмаган; шунинг учун Мария Елена уйда яхшилаб танишиб чиққани қайта-қайта қўлига олиб, кўз югуртириб чиқди: ажи-бужи имзо, манзилнинг қаерда жойлашгани ҳақида маълумот ва сананинг устидан яшил рангда муҳр босилган. Автобусда у сумкасидан яна ўша чакиров қоғозини олди, кейин эса, дадилрок бўлиш учун соат мурватини бураб қўйди. Уни Моса

кўчасида жойлашган девонхонага чакиришганди, хайронсан, шундай мартабали ҳукуматга қарашли ташкилот девонхонаси бир тупканинг тагида бўлса, қизик-ку жуда, бироқ синглисининг расмий идораларни дуч келган ерда очишяпти, вазирликлар биносида жой танқис деганини эслаб, автобусдан тушган ҳамоно атрофни кўздан кечирди ва синглим тўғри айтган шекилли, деб ўйлади, шаҳарнинг чекка районларида жойлашган, фойсизгина мавзедаги, бир замонлар қурилган уч-турт қаватли эски уйлар, майда дўкончалар, яккам-дуккам ўсган беўхшов дарахтларни кўриб, «Лоақал девонхона жойлашган уй пештоқиға байроқ осиб қўйишгандир», – дея ҳаёлидан ўтди, етти юзинчи рақамли уйға яқинлашаркан; ким билади девонхона элчихонаға ўхшаган ташкилот, бу оддийгина турар жойлар орасида жойлашгани туфайли узокдан кўриниб туриши учун балқониға ранг-баранг байроқ илиб қўйишган бўлса керак, балки. «Чакирув қоғозида нечанчи уй экани қайд этилганди, бироқ миллий байроқнинг кўринмаётгани кўнглиға ғашлик солди ва у беихтиёр уйнинг бошроғида тўхтаб (барибир ҳали анча эрта, кутиб турсаям бўларди) ҳожати бўлмаса ҳам дўкончанинг сотувчисидан девонхона шу мавзеда жойлашганми, деб сўради.

– Ҳа, шу ерда, – дея жавоб берди сотувчи, – ҳўв анови ерда, уйнинг ўрталарида, лекин ҳали вақтли шекилли, келинг, бирпас ўтган-кетгандан валақлашиб турайлик, кўриб турибсиз, бир ўзимман, гаплашадиган одамим йўқ.

– Қайтишимда, хўпми, – кулиб қўйди Мария Элена ва дўкончадан узоклаша туриб, сарғиш чакирув қоғозига яна қараб чиқди.

Кўча жимжит, ҳеч қаерда одам қораси кўринмас, аҳён-аҳён битта-яримта машина ўтиб қолар эди, озиқ-

овқат дўкони олдида каттакон бароқ мушук ўтирар, неварасини етаклаган бир семиз хотин дарвозахонадан чикиб келмокда эди. Идора жойлашган уй ёнида уч-тўртта машина тўхтаб турар, ҳайдовчилар кимнидир кутяптими ё ўзлари эртароқ келиб қолишганми, бир хиллари газета ўкиб, бошқалари сигарета чекиб, машинадан тушмай ўтиришарди. Дарвозадан кирган захоти торгина йўлакнинг ичкарироғида зинанинг икки-уч поғонаси базўр кўринарди; эшикларга ўрнатилган лавҳалар врач ёки тиш докторининг қабул кунлари, соати ёзиб қўйилган лавҳаларга ўхшарди. Таажжубланарлиси, тўрт қаватли бинонинг лифти йўк эди – тўртинчи қаватга чиқмоқчимисан, бемалол, марҳамат, зина сенга маҳтал: расмий, яшил муҳр босилган чакирув коғозини кўрсанг, ваҳимасини, сира бунақа деб ўйламайсан. Тўртинчи қаватдаги эшик берк эди, на кўнғирок тугмаси бор, на номери. Мария Элена туткичидан ушлаб аста тортган эди, эшик товушсиз, охиста очилди; дастлаб димоғига гуп этиб тамаки ҳиди урилди; ана ундан кейин оёқ остига солинган мовий, дағал пойандоз, йўлакнинг икки тарафига қўйилган ўриндиклар ва бу ўриндикда ўтирган одамларга кўзи тушди. Кўпчилик эмас, ёши ўтинкираган икки нафар аёл, тепакал бир жаноб ҳамда яшил галстук таққан ёш йигит, тутун қоплаган йўлак ўта энсиз бўлгани учунми улар тикилишиб ўтиришганга ўхшарди. Улар вақтни ўлдириш учун ҳангомалашиб ўтиришган бўлсалар керак. Мария Элена эшикни очиб ичкарига кираётганида хонимлардан бирининг узук-юлуқ гапларини эшитди, уни кўриб бирдан ҳамма бирдан жим бўлиб қолди ва унга тикилишди, табиийки Мария Элена қип-қизариб кетди; фаросатсизлигидан ўзини койиди ва эшитилар-эшитилмас қилиб «Яхшимисизлар» деди-ю, остонадан

ўтар-ўтмас тўхтади, бироқ ёш йигит хушёргина экан дик этиб ўрнидан турди-да, ўз ёнидаги бўш жойни кўрсатиб ишора қилди. Мария Елена миннатдорчилик билдириб энди ўтирмокчи эди, йўлакнинг нариги бошидаги эшик очилиб ичкаридан малла соч йигит чикди-да, узр сўраб кўйиш у ёқда турсин, аксинча, сурбетларча ўтирганларнинг тиззаларига туртиниб-суртиниб ўта бошлади. Ёши ўтинкираган аёллардан бири инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди ва узр сўраганча Мария Елена билан тепакал жанобнинг ўртасидан ўтиб кабинет сари юрди, идора ходими остонада уни кутиб турди; кўча эшик билан кабинет эшиги барабар ёпилди-ю, йўлакдагилар ғирчиллаган ўриндикда эснаб-эснаб яна гапга тушиб кетишди.

Ҳар бир одамнинг яхши кўрган мавзуси мавжуд: тепакал жаноб оворагарчиликлар, сансоларлик, ҳар хил қоғозбозликларни гапириб жиғибийрон бўларди, ўзингиз ўйлаб кўринг, биринчи келишимиздан шунака муносабат бўлса, у ёғига нимани кутиш мумкин булардан, ярим соатдан ошди, тор, диққинафас коридорда эзилиб ўтирганингга яраша жиддийроқ савол беришса гўрга, расмиятчилик учун бир-иккита майда-чуйда нарсани сўрашса керак, холос – кейин фикри ожизимча сизга омад тилайман ва хайр – шу, яна нимани кутиш мумкин.

– Жудаям ошириб юбордингиз, – деб эътироз билдирди яшил галстукли йигитча, – мени иккинчи келишим бу ерга, сиз ўйлаганчалик эмас, ишонаверинг гапимга. Саволларга берган ҳар битта жавобингизни ёзув машинкасида ёзишгунча вақт ўтади, колаверса ўзингиз ҳам бирон сана ёки номними, фамилияними бирдан эслолмай қолишингиз бор, қисқаси вақт талаб қилади суҳбат.

Тепакал жаноб билан кекса сеньора, афтидан Мария Эленага ўхшаб биринчи бор келиши шекилли, йигитчанинг гапларини қизиқиб эшитишарди. Тепакал жаноб биринчи чақириқ қоғози билан иккинчиси орасида канча вақт ўтади, дея сўраганди, йигитча, менга уч кундан кейин келасиз, дейишган, деб жавоб қилди. Бунга эшитган Мария Эленанинг «нега икки марта келиш лозим экан?» деб сўрашига оз қолди-ю, яна лоладай кизариб кетди. Ўзини кимдир гапга солишини, кўнглига оралаган гумон ва ғулудан халос бўлишига ёрдам беришини шу топда жуда-жуда хоҳлаб қолди – аммамининг бузоғидек ҳеч нарсадан беҳабар ўтириш осонми?! Кекса сеньора сумкасидан шиша идиш олдида, бурнига яқин келтириб чуқур ҳидлади. Шўрлик тамаки тутунидан кўнгли беҳузур бўлди чоғи йигитчага чекмай қўя қолинг энди, девди, тепакал жаноб тархашлик қилмади, тўғри айтдингиз, ўзи шундок ҳам ҳаво йўқ, кийнаб қўйган бўлсам узр, деди, хоним ҳечқиси йўқ, чеккингиз келса майли, чекаверинг шунчаки, толиқдим шекилли, ўтиб кетади ҳозир, уйда эрим билан ўғлим тинмай чекишади, ўрганиб кетганман, деди. Чекқиси келаётган Мария Элена қараса, эркалар сигаретларини ўчиришяпти, йигитча туфлисининг пош-насига эзиб ўчирди, узоқ кутганда одам диккати ошиб шунақа кўп чекади, бу ҳали ҳолва, ўтган гал бундан баттар бўлувди, мана шу торгина йўлакда етти-саккиз чоғлик одам тўпланган, тутундан кўзларимиз ачишиб бир қадам нарини кўриб бўлмасди.

– Ҳаёт ҳар лахза кутишдан иборат, – дерди тепакал жаноб сигарет қолдиғини эзиб-эзиб ўчиракан, сўнг энди нима килиш лозим, дегандек қўлларига тикилиб қолди, кекса сеньора эса унинг гапларини тасдиқлагандек чуқур хўрсиниб қўйди ва шиша идишчани сумкасига

солди, худди шу лаҳзада эшик очилиб, ичкаридан боя кириб кетган хоним чиқди. У ҳамманинг хавасини келтириб ҳимо билан юриш қилди-да, кўча эшик олдига бориб, бу ерда колаётганларга ачинганмо караб турди ва бошини кимирлатиб хайрлашди. Демак суҳбат унақа узоқ давом этмас, деб ўйлади ичида Мария Елена, ундан олдин яна уч киши бор, ҳар бирининг кириб чиқишига ўн беш минутдан кетса, боринги, битта-яримта сабаб билан, иккинчи марта келган йигитнинг гапига қараганда узоқроқ қолган тақдирда ҳам узоқ кутмас экан. Тепакал жаноб ичкарига кириб кетгач, Мария Елена ўзини қўлга олиб, янаям аниқроқ билиш учун ўзини кийнаётган саволни беришга журъат қилди, йигитча ўйлаб туриб, биринчи марта келганида битта-яримта ростданам узоқ қолиб кетганини, бошқалар эса жуда тез қайтиб чиқишганини эслади, гапининг охирида барибир олдиндан бир нима дейиш қийин, деб қўйди. Кекса сеньора бояги хонимнинг тез чиққанини, малласоч жанобнинг эса анча қолиб кетганини тасдиқлади.

– Яхшиям озчилик қолдик, – деди Мария Елена. – Тиқилинчда одам кон бўлиб кетарди.

– Ҳадеб ўйлайвермаслик лозим, сал бағрингизни кенг қилсангиз бас, – деди йигитча, – Торга – тор дунё, деб бежиз айтишмаган, қолаверса ҳали яна келасиз, шунинг учун ҳозирдан хуноб бўлманг. Айтдим-ку, мен биринчи марта келганимда одам жуда кўп эди, нега бунақалигини билмадиму, лекин гап гапга қовушмаган эди ўшанда, бугун каранг, вақтнинг ўтганини сезмай қолдим – ҳамма ўз фикр-мулоҳазасини ўртоқлашиб ўтирди, хангома бўлса одам зерикмайдиам, вақт ўтгани ҳам билинмайди...

Ёш йигитча ва сеньора билан суҳбатлашиб ўтирар экан, Мария Елена ўзини бир қадар хушҳол сезар,

вактнинг ўтаётгани мутлако билинмасди, ниҳоят тепакал жаноб ҳам чиқди, кекса хоним ёшига номуносиб тарзда сакраб ўрнидан турди – шу диққинафас йўлакда ўтиришдан чарчаб кетган шекилли, раҳмат сизга, деб юборишига оз қолди.

– Ана, энди бор-йўғи, икки киши қолдик, – деди йигитча. – Агар карши бўлмасангиз битта чекиб олсам. Майлими?! Хумор қилиб кетди ҳозир, сеньорага малол келади, деб чидаб ўтирган эдим.

– Мениям чекким келяпти.

У йигитча узатган кутидан сигарет олиб тутатди. Шу баҳонада улар танишиб олишди, бир-бирининг исмини, ким қаерда яшаши, қаерда ишлашини сўраб билишди, қандай яхши, тор ва диққинафас коридорни ҳам, ҳозиргина шу ерда навбат кутиб ўтирган одамларни ҳам унутишди. Мария Элен ҳам Флореста ноҳиясида яшаган чикиб қолди, факат болалигида, ҳозир эса Конституция кўчасида истиқомат қиларди. Карлос бу районни ёқтирмас, у Ғарбий мавзеларда яшашни хуш кўраркан, хавоси тоза, кўкаламзор. Уйланса бирдан-бир орзуси оиласи билан Вилья-дель-Паркда яшаш экан. Бўлажак қайнотаси ёрдам бераман, дея ваъда қилибди. Унинг таниш-билиши кўп, ўзи эътиборли амалдор экан.

– Неғалигини билмайману, лекин назаримда мен умр-бод шу Конституция кўчасида яшаб ўтсам керак, – деди Мария Элена. – Умуман олганда бу кўча ёмон эмас, агар бир кунмас бир кун...

Шу чок кабинет эшиги очилдию Мария Эленанинг гапи оғзида қолди, у шартта ўрнидан туриб ўзи билан жилмайиб хайрлашгани чоғланган йигитчага хайрон тикилди, ана кўрдингизми, гап билан бўлиб вақт ўтганини сезмабмиз ҳам, кекса хоним улар билан назокат ила хайрлашди, унинг бу ердан кутулиб кетаётганига

накадар хурсанд экани аълайно-ошкор сезиларди, умуман ичкаридан чиқиб келганларнинг ҳаммалари бамисли елкаларидан тоғ қулагандек ўзларини бир қадар яшаргандек, тетик, бардам тутишарди, расмиятчилик тугади, хавотир ва ташвиш ортида қолди, энди бу ёғига ташқарида – ҳаёт жўш ураётган кўчада – тоза ҳаво, осуда ҳаёллар, бирровгина кириб томоқни ҳўллаш ёки пиво ичиш баҳонасида тор ва диққинафас коридорда сиқилиб ўтириш ҳамда қабулхонада анкетадаги мижҳов саволларга жавоб беришдан қутулгани рост эди. Ёлғиз қолган Мария Елена учун, вақт жуда секин ўтаётгандек бўлади; Карлос тезгина қайтиб чиқса ҳам, дарвоқе у бошқаларга нисбатан узоқроқ қолиб кетиши ҳам мумкин, ахир унинг иккинчи келиши, ким билсин, ичкарида уни яна қанақа расмий тартиб-қоидалар кутаяпти?!

Дафъатан эшик очилиб, идора хизматчиларидан бири бошини чиқариб, киринг, дегандек ишора қилганида Мария Елена дабдурустдан доғдираб қолди. Сўнг зум ўтмай шундай бўлиши табиийдир, то Карлос ҳужжатларни тўлдираётган маҳал улар бекор турмай сўнгги мижоз билан савол-жавоб қилиб олишмоқчидир, деб ўйлади. Мария Елена хизматчи билан саломлашди, унинг ортидан ичкарига кирди; остонадан ўтган захоти бошқа бир ходим қора ёзув столи олдидаги стулни кўрсатиб ўтиринг, деди. Хонадаги ходимларнинг бари эркаклар эди, лекин негадир Карлос кўринмади, қора столнинг нариги томонида ўтирган захил башара ходим мук тушиб аллақандай ҳужжатни синчиклаб кўздан кечирарди, у бошини кўтариб қарашни ҳам лозим топгиси келмади чоғи, индамасдан, қандай ўтирган бўлса ўша алфозда қўлини узатди, Мария Елена чакирув қоғозини сўраётганини кечикиброк фаҳмлади;

тушуниб етгач эса сумкасини очиб титкилашга тушди, хижолат тоғтиб уяр сўради: аксинга элиб сарик рангли чакирув қоғози қулни илгича қолмасди.

— Мана буни тўлдириб чиқинг, — деди ходим унга сўрокномани узатар экан. — Бош харфларда ва илжи борица аниқроқ ёзини.

Бу одатдаги арзимас саволлардан тузилган сўрокнома эди: исмингиз ҳамда фамилиянгиз, ёшингиз нечада, жинсингиз, турар жойингиз ва хоказо. Саволларга жавоб бераётиб нимадир фикрини жамлаб олишга ҳалал бераётгандек туюлар, окибаг кўнглида туғилган бир иштибоҳ хаёлини фаромуш қиларди. Қоғоздаги саволлар эмас — чунки жавоб беришдан осони йўқ — балки хонада гўё нимадир етишмаётгандек ёки нимадир ўз ўрнида эмасдек туюлаётгани учун шундай бўлаётганди. У ёзишдан тўхтаб, атрофга кўз югуртирди: стол-стуллар жойида, иш билан банд ёки гаплашиб ўтирган ходимлар, жавонлар ҳамда сураатлар илинган кир-чир девор, иккита дераза, ҳозиргина ўзи кириб келган эшик, дарвоқе хонада шундан бошқа эшик ҳам йўқ эди. «Касб-корингиз» деган ёзувни ўқиб, у ўйлаб ҳам ўтирмасдан бўш ерни тўлдирди. Хонада бор-йўғи битта эшик бўлса, Карлос қаердайкин?! «Ишлаган даври». Бош харфлар билан аниқроқ қилиб.

Сўрокноманинг тагига имзо чекар экан, гўё анкетани тўлдирётганда у ивирсиб атай вақтни чўзгандек ходим унга ҳўмрайиб караб турди. Сўнг ҳужжатни олиб тезгина кўз югуртириб чиқди-да, ҳаммаси жойида эканига ишонч ҳосил қилгач, тортмага солиб қўйди. Ана шундан кейин турли-туман саволлар ёғила кетди; баъзилари ўта бемаъни эди — чунки анкетада ҳам шу саволларга жавоб берганди, улар ҳам бўлса оилавий аҳволи ҳақида, кейинги ўн йил ичида яшаш жойи

ўзгарган-ўзгармаганлиги, суғурта килинганми йўқми, тез-тез саёҳатга чиқиб турадими, чиққан бўлса қаерга ва қанча муддатга ва ҳоказо ва ҳоказо саволлар эди. Унинг жавобларини биров қизиқиб эшитмади ҳам. Ҳарқалай ходим ёзиб олмади. Кейин у бирдан Мария Эленага кетишингиз мумкин, лекин икки кундан кейин соат ўн бирда келасиз, деди. Иккинчи сафар чақирик қоғози берилмас экан, эсингиздан чиқиб қолмасин яна.

– Ҳўп бўлади, сеньор, – деди Мария Элена ўрнидан тураётиб, – демак пайшанба куни соат роппа-роса ўн бирда.

– Яхши боринг, – деди ходим унга қайрилиб ҳам қарамай.

Коридорда ҳеч ким йўқ эди, ташқарига йўл олган Мария Элена бошқаларга ўхшаб тезроқ, иложи бори-ча тезроқ тоза ҳавога ошиқар, негадир юраги ҳаприқар эди. Эшикни очиб зинадан туша бошлаганда яна Карлосни эслади, ажабо, нега Карлос бошқалар сингари қайтиб чикмадийкин?! Уни таажжубга солган нарса хонага битта эшик билан кирилса, Карлос ичкарида йўқ, боя кириб бораётганда остонада Карлосга урилиб ҳам кетмаган бўлса, қани, қаерда у, Мария Эленадан аввал кирганларга ўхшаб қайтиб чикмади, ҳамма – малласоч киши, икки нафар хоним ва бошқалар қайтиб чиқишди-ю, Карлос эса йўқ. Энсизгина йўлка-ни куёш нурлари қиздирар, ҳаво мусаффо, одатдагича шовкин-сурон, Мария Элена бир неча қадам юриб, машина қўйилмаган дарахт тагида тўхтади. Ҳозиргина ўзи чиқиб келган йўлак томонга қаради, ичкаридан то Карлос чикмагунча шу ерда кутиб туришга аҳд қилди. Карлоснинг у ердан чикмаслиги мумкин эмас, расмийчиликларни адо этгач, ҳамма қайтиб чиқади-ю! Эҳтимол иккинчи марта ташриф буюрганлар шунақа

узок ушланиб колар, бугунги одамлар ичида биргина Карлос иккинчи марта келган балки. Чинданам шунинг учундир. Энг кизиғи у Карлосни ичкарида кўрмади. Яна бошқа эшик бор-у, плакатлар билан ёпиб ташлаган бўлса-чи, эҳтимол у пайкамагандир, лекин нима бўлган тақдирда ҳам бу жуда-жуда ғалати ҳодиса эди, унга ўхшаб биринчи марта келган бор-ки, ҳаммалари шу эшикдан чикиб келди!

У тарвузи қўлтиғидан тушиб, кетишга чоғланди (шунча кутди, кунбўйи каккайиб турмайди-ку, ахир?!), туйкус икки кундан кейин, пайшанба куни ўзининг қайтиб келиши ҳақида ўйлаб қолди. Эҳтимол, ўшанда ҳаммаси ойдинлашар, қаерга ва нима учунлиғи номаълум бўлса ҳам, ҳар ҳолда уни бошқа эшикдан чиқариб юборишар. Тўппа-тўғри, буни у қаердан билади, лекин биз-чи, биз биламиз-ку, биз ҳабаш Лопес қаҳва тайёрлаб бергунча сигарет чекиб ўзаро валақлашиб ўтирганча унга қўшиб бошқаларниям пойлаб ўтирамиз, ваҳоланки эрталабнинг ўзида бунақа қаҳвадан қанчасини ичиб юборардик ҳар куни...



БИРИ КАМ ДУНЁ

Вой-воей, жонга тегиб кетди шу репетициялари, одам безиллаб колар экан, худди жўрттага килгандек “Радио Бельграно” да ҳар пайшанба куни алламаҳалгача қолиб кетганимиз етмай, Лемосники ошиб тушарди: у кўярда қўймай мени хонасига олиб кириб роса меҳмон килар, баъзан-баъзан кайфияти чоғ бўлса, қулфи дили очилиб чинзано қуйиб берарди; ёкмайдиган томони – бундай саховатга жавобан унинг адоқсиз ўй-режаларини чурқ этмай тинглашга мажбур бўлар, тоза ҳавога – кўчага чиқиб олсам шу радиотеатр, деган зормандани иккинчи оғзимга олмайман, деб ўзимга-ўзим сўз бериб ўтирардим. Лекин қаёқда, тишимни-тишимга қўйиб, охиригача чидаб эшитишдан бошқа иложим йўқ эди, чунки Лемос бозори чаққон режиссёрлардан – гапи ҳамма ерда ўтади, бунинг устига яратган барча радиоспектаклларига мени албатта таклиф этар, отасига раҳмат, каттами-кичикми ижро этган салбий ролларим учун дурустгина ҳақ тўларди.

– Зап овозинг бор-да, – дея мактаб кўярди Лемос кўпинча, – тўғриси айтсам бировга хиёнат қилишинг ёки кадрдон дўстингга заҳар беришинг шарт эмас, овозингни эшитган заҳоти ярим Аргентина гўрингга ғишт қалаш иштиёкида ёнади, гапимга ишонавер.

Эҳтимол шундайдир, лекин ишончим комилки, Лусиана гўримга ғишт қалайдиганлар тоифасига мансуб эмас, сабаби аниқ эсимда, айнан ошиқ қахрамонлар

ролининг машхур ижрочиси Хорхе Фуэнтес “Шармисор гуллар” радиопьесасининг премьераси бўлиб ўтгандан сўнг икки сават ишқий мактуб билан тандилиялик аллақандай шоиртабиат фермер хадя сифатида юборган барра кўзичоқ олган куни югурдак Мацца Лусиананинг бинафшаранг конвертга солинган илк мактубини кўлимга тутқазган эди.

Чучмалгина мактублару баландпарвоз икромоналар кўнглимга ургани учунми хатни ҳеч кимга кўрсатмай чўнтагимга солиб кўйдим-да, Хуарес Сельман ва Оливье билан (шов-шувга сабаб бўлган “Шармисор гуллар” дан кейин “Бўронда қолган қуш”ни бошлашимизга ҳали эртароқ экани учун бизга бир ҳафта дам беришган эди) биргаликда қаҳвахонага йўл олдик. Иккинчи мартинини чакиргандан сўнггина бинафшаранг конверт эсимга тушди-ю, шунда ҳам ўртоқларим олдида очиб ўқигим келмади, чунки биладан бошим мазахдан чиқмайдиган – деярли ҳаммалари китмир, битта баҳона бўлса бас, кулги қилиб энка-тинкангни қуритишади, бинафшаранг конверт эса улар учун айти муддао! Шу сабабли хатни ҳаёлимдан чиқариб юбордим, уйга борганда ҳам аввал мушукнинг ҳолидан хабар олдим, унга сут қуйиб бердим, бирпасгина эркалаб, силаб-сийпаладим, ана ундан кейингина конвертни очдим ва шу тариқа дунёда Лусиана, деган аёл борлигидан воқиф бўлдим.

“Менга Сизнинг расмингиз керакмас, – деб ёзарди Лусиана, – “Симфония” билан “Антенна” журналлари Мигес ҳамда Хорхе Фуэнтесларнинг суратини қайта-қайта эълон қилаверишсин – менга заррача қизиғи йўқ. Сизникини чиқаришмаса чиқармай қўя қолишсин – садкаи сар, менинг юрагимда бир нарса борки, ўша менга ҳам юпанч ҳам қувонч ато этади, биласизми унинг нималигини – у Сизнинг овозингиз! Мендан уни

хеч ким тортиб ололмайди. Майли бедаво, разилона овоз дейишаверсин, парво килмайман. Сабаби, биламанки, Сиз ижро этаётган роллар тингловчини чалгитади. Тентаклик ҳам эви билан-да, тавба улар асар қаҳрамонлари қолиб, сизни қоралаб юришади. Номингизни нафрат билан тилга олишдан уялишмайди яна. Бунни эшитиб, бечора дили оғриқан, деб ўйламанг тагин. Аксинча, хурсанд бўламан, сабаби худди шу нарса хеч ким менчалик сизни тушунмайди, деб қомил ишонч билан юришимга қомонлик қилмайди. Чиндан ҳам Сизни менчалик тушунадиган тингловчи топилмаса керак. Сиз манфур ва разил қимсалар ролини ижро этаётганда қийналасиз, изтироб чекасиз ва ҳатто маҳобат қил-япти, деманг-ку, юрагингиз қонга тўлади. Мен бунни ич-ичимдан ҳис қиламан. Бу ёвуз қаҳрамонлар аслида сизнинг маҳоратингиз ва истеъдодингиз маҳсулидир, зинҳор-базинҳор қалбингиз ва илҳомингиз самараси эмас. Сиз Мигес ёки Ракелита Байли сингари қаҳрамонларингиз билан ҳар жиҳатдан уйғунлашиб қетолмайсиз. Бунга интилиш тугул истамайсиз ҳам. Шунинг учун яна ва яна такрорлайман: “Шармисор гуллар”даги тошбағир шахзодага заррача ҳам ўхшамасиз. Афсуски, тингловчи, дегани янглишиб чарчамайдиган тоифа, улар ҳеч нарсанинг фарқига бормайди. Акс ҳолда ўша золим ва тошбағир шахзода қолиб Сизни ёмон кўриб юришармиди. Мен бунни ўтган йили, Сиз қонхўр қароқчи Василис ролини ижро этганингизда Поли қолам билан қўшниларимизнинг гап-сўзидан фахмлаган эдим. Ўшанда уларнинг тутуриқсиз мулоҳазаларини эшитиб ўзимни қўйгани жой тополмай қолгандим ва ҳеч қимга қарамай йўқ одамдай юрак-бағрим эзилиб, дунё кўзимга қоронғи бўлиб қетган эди. Қўнғимдан қечган барча ўй-хаёлимни қимгадир тўқиб қолдим ва шу ҳақда ёзиб

юборгим келганди. Эҳтимол, менга ўхшаб дилидагини Сизга изҳор қилиш, Сиз билан ақалли хат орқали дардлашишни истовчилар бисёрдир. Худо ҳаққи, мен шундай бўлишини жуда-жуда хоҳлайман, факат... факат Сиз учун, чунки Сиз ёлғиз эмаслигингиз, минг-минглаб тингловчилар орасида ҳамфикрларингиз, Сизга хайрихоҳ ва ҳамдард мухлисларингиз борлигини билишингиз лозим, деб ҳисоблайман. Бироқ яна шуни истардимки, Сизни ролларингиз ва овозингиз орқали чин истеъдод, дея кўпроқ биладиган ҳам, кадрлайдиган ҳам, енгил-елпи, арзимас ролларни ижро этувчи актёрлардан минг карра устун қўядиган ягона мухлисанингиз ҳам мен бўлиб қолсам эди, бошим кўкка етарди. Ҳақиқий санъат билан жўн, арзон-гаров ижронинг фаркига бормаидиган тингловчилардан нимани кутиш мумкин?! Шекспирни қўйишгани эсингиздами... Мен ҳеч кимга айтмагандим ўшанда Сиз ўйнаган Яғони Отеллодан кўра кўпроқ яхши кўриб қолганимни. Менга жавоб ёзаман, деб ўзингизни қийнаб юрманг, ҳар эҳтимолга қарши, бирдан жавоб ёзгингиз келиб қолса, деган андишада қаерда туришимни ёзиб қўйдим. Мабодо ёзмасанингиз ҳам заррача ўкинмайман. Ҳарқалай, дилимдагини Сизга тўкиб солганимдан бахтиёрман”.

Қош қорая бошлади, мактуб оралари очик, йирик ҳарфлар билан равон ёзилган эди, бинафшаранг конвертни ўйнаб-ўйнаб чарчаган барок мушук дивандаги ёстикда тинчгина ухларди. Бруно бизни ташлаб кетгандан буён уйда қозон қайнамас, мушуквой иккимизнинг кунимиз консерваларга қолганди, тўғри, сўнгра тарки одат амримаҳол, деганларидек, камина озгина коньяк ичиб, трубка чекардим. Уч-тўрт кун бекор қолганимда (“Бўронда қолган қушлар” устида иш бошлаш арафасида) Лусиананинг мактубини қайта ўкиб

чикдим. Очиги жавоо эзин хае-нимна ҳам йук эди. Уч йилда бир марта хат олса ҳам акати карагайини санъаткор деган номи бор ахир. Муснана хоним, кискаси, жума кунни кечкурун фильм бошланмасидан олдин коғоз-калам олиб хат ёзишга киришдим. “Мактубингизни ўкиб чикдим, илик сўзларингиз рости мени беҳад тўлқинлантириб юборди. Бу икромимни илтифот, деб ўйламанг, илтимос”. Илтифотга бало борми, мен оч жигарранг шалола сочли, мусаффо кўзлари маънос ва ўйчан боқувчи нозиккина аёл сифатида тасаввур қилаётган жувон гўё қаршимда утирибди-ю, унинг мактубидан канчалар мутаассир бўлганимни ўзига тўлқинланиб айтиб бераётгандек ёзардим. Хатнинг бу ёғи зўрма-зўраки, шунчаки, қурук расмийчилик учун ёзилгандек таассурот қолдирарди, ўзимга ҳам деярли охиригача сийқаси чиққан жумлалардан иборат бўлиб қолгандек туюлди – тўғриси, бошидаги самимий гапларимдан кейин бу ёғига нима, деб давом эттиришни билмай қийналдим ва охири лоакал бир бетни тўлдириш мақсадида икки-уч сатр миннатдорчилик билдирдим-да имзо қўйдим: меҳр билан Сизни дўстингиз Тито Балкарсель. Лекин охирида лутфу марҳамат юзасидан қўшилган битта самимий илова пинхон эди: “Қаерда яшашингизни ёзиб қолдирганингиз учун чексиз миннатдорман, акс ҳолда кўнглимда уйғонган ҳис-туйғуларни ёзиб юбориш имкони бўлмаса тоза диққатим ошган бўларди”.

Ҳар қандай одам – хусусан менга ўхшаганлар – ишсиз қолганида бекорчиликдан зерикади, ўзини қаерга қўйишни билолмай юраги сиқилади, лекин бу аҳволини атрофдагиларга дастурхон қилгиси келмайди. Ёшлигимда мен бўш қолдим, дегунча кизларнинг орқасидан юришни яхши кўрар, битта-яримтаси

кунглимга утгарно қолса қармоққа тушираман, деган
нийяда деярли ҳар кун и "ов та чиқардим, илде кунг-
лимга ёққанини илтигирмай қўймасдим, бу орада
Брунони учратдим. У билан турмуш курдик, афсус,
атиги тўрт йил бирга яшаш насиб этган экан — аж-
рашдик, у кетгач шўппайиб бир ўзим қолдим, ўттиз
бешдан кейин, айниқса, Буэнос-Айресдек шаҳри
азимда, битта-ю битта мушуги билан уйдан кўчага
чикмай, китоб ўқишни ҳам, оқишомлари сайр қилишни
ҳам бирдай хушламайдиган, менга ўхшаган сўққабош
йигитнинг яшашга бўлган жўшқин иштиёқи совуқ ур-
ган гулдек сўлий бошлар экан. Зинҳор-базинҳор ўзим-
ни мутаассиб кексалар каби сезаётганим важидан
эмас, йўқ, аксинча, мени куршаган борлиқ-олам, ҳатто
буюмлар ҳам эскириб, оҳорини йўқотиб бораётгандек
туюларди; балки шу сабабли кечкурунлари уйга
камалиб, мушукнинг синчков нигоҳи остида "Бўронда
қолган кушлар" деб аталган янги радиоспектаклдаги
менга топширилган ролни ижро этишга тайёрланиб, уни
Лемос талаби бўйича эмас, ўзим хис қилгандек, менга
арзимаган роль бергани учун атайин персонажнинг
машъум қиёфасини бўрттириб, эсда қоларли даражада
акс эттириш мақсадида, унга тегишли жўн, сийқа
ибораларни ўзгартириб, урғуни кучайтириш орқали
мукаммал образ яратиш ниятида такрор ва такрор
репетиция қилардим. Пировард натижада, асарни
магнит лентасига ёзиш чоғида нафрат ва адоват
сарҳадлари аро сарсон-саргардон кезган қаҳрамоннинг
(радиотингловчи ҳузурланиб тинглаши ва ҳақиқатнинг
рўёбга чиқишига бўлган ишончини кучайтиришга
хизмат қилувчи разил кимса ўзини таъқиб этувчилардан
қочаётганда асар хотимасида ўзини-ўзи тубсиз жар-
лик қаърига ташлар ва шу билан тингловчи олқишига

сазovor бўларди) овозидаги оҳанг ва урғулар ма-
ромига етган бўлар ва табиийки, режиссёр ҳам, овоз
операторлари ҳам менинг бу ижроимга тасаннолар
айтиб ўтиришар эди, яна мартини қуйиш қадаҳни
олиб ўрнимдан тураётганимда бирдан эски журналлар
орасидаги Лусиананинг мактубига кўзим тушиб
қолди-ю зерикканимдан олиб ўқиб чиқдим ва беихтиёр
кўз ўнгимда яна Лусиана пайдо бўлди. Менинг қувваи
тасаввурим жуда кучли, нимаики истасам, кўз олдимга
келтира оламан; илк бор Лусиана нозиккина, тахминан
мен тенги ва мусаффо кўзлари мулойим боқувчи жувон
сифатида кўринган эди, мана ҳозир, хатни иккинчи бор
ўқиётганимда ҳам у ҳаёлим кўзгусида ўшандай, ҳар
битта жумлани қоғозга туширишдан олдин ўй-хаёлга
толган киёфада намоён бўлди. Бир нарсага ишончим
комил, Лусиана етти марта ўчириб-тузатиб хат ёзадиган
аёллар сирасига мансуб эмасди. Тўғри, менга хат
юборишдан олдин ёзайми-ёзмайми деб анча вақтгача
иккиланиб юрган бўлиши мумкин, лекин “Исход
гуллари”даги ролимдан кейин ўйлаб ҳам ўтирма-
ган – сўзлар ўз-ўзидан қуйилиб келаверган. Хатнинг бир
нафасда ёзилгани сезилар, шу билан бирга, эҳтимол,
қоғознинг бинафшаранг экани туфайлидир – мактуб
менда шиша идишда узоқ сакланган эски мусалласдек
таассурот қолдирарди.

Мен ҳатто унинг уйини ҳам осонгина тасаввур
қилардим, бунинг учун кўзимни юмсам бас; бу уй усти
ёпик чоғроққина ҳовлили ёки ҳеч бўлмаганда, ичкари
деворларини чирмовукгул қоплаган узун, ойнаванд ай-
вондан иборат бўлса керак. Ҳар сафар Лусиана ҳақида
ўйлай бошласам, у доим, охир-оқибат шу ҳовлини
эгаллаган ойнаванд айвонда ўтирган ҳолда кўз олдимга
келарди. Айвон деразасининг рангдор ойналаридан

хари́р пардалар оралаб тушаётган ёруғлик кулранг тус касб этарди. Лусиана гаврондан тўқиб ишланган оромкурсида ўтирганча каминага хат ёзипти: “Сиз “Иснод гуллари”даги бағритош шахзодага мутлако ўхшамайсиз, – у бир зумгина нафасини ростлайди-да кейинги жумлани ёзишдан аввал ручканинг оркасини тишлаб хаёлга ботади, – лекин ҳеч ким бундай, деб ўйламайди. Худо сизга шундай истеъдод ато этган ва сиз ролингизни шунчалик маҳорат билан ижро этасизки, одамлар беихтиёр сизни ёмон кўриб қолишади”. Бир замонлар олинган фотосуратлардагига ўхшаган ёрқин оч-жигарранг сочлар, бу кулранг ва шу билан бирга мунис уйғунлик... “Сиз ижро этган роллар, овозингиз замиридаги пинҳон маъноларни ёлғиз мен тушунсам, фақат мен ҳис қилсам...”.

“Бўронда қолган қушлар” премьераси арафасида Лемос бошлиқ гуруҳдаги бошқа актёрлар билан бирга репетиция қилишимга тўғри келди, Лемос зўр, биз актёрлар гўр, дея баҳолаган эпизодлардан бирини ёзишга тайёрланаётган эдик. Асарнинг бу сахнаси характерлар тўқнашуви, севги можароларига бой эди. Раке́лита Байли эса мен ҳар доимгидек турли разилликларни амалга ошириш учун аста-секин ҳийла-найранг ва маккорлик билан тузоққа туширадиган Хосефина исмли такаббур қиз ролини қойилмақом қилиб ўйнаётганди. Бунака макр ва ҳийла, кабоҳат тўла сахналарни ўйлаб топишда режиссёрлар орасида Лемосдан ўтадигани йўқ эди. Бошқалар ижро этган роллар ҳам эгасини топган – ҳамма илҳом билан берилиб ўйнардди. Умуман олганда-ку, ушбу радиоспектакль билан шу пайтгача биз иштирок этган ўн саккизта асар ўртасида қилча фарқ сезилмас – улар икки томчи сувдек бир-бирига ўхшар эди. Ўшанда бирга тушлик қилганимиз ҳамда репетицияни эслаб

колганимнинг сабаби, айнан шу кунни пакана Мацца Лусианинг иккинчи мактубини менга келтириб берганди, бу сафар ҳам пайсалга солмай, Анхелита билан Хорхе Фуэнтеслар “Химнасия ва Эстрима” спорт саройидаги ракс чоғида “ўла-ўлгунча севаман”, дея бир-бирига сўз берадиган лавҳани ёзишаётганидан фойдаланиб ўша ернинг ўзида ўкиб чиқмоқчи бўлдим. Бунақа сахналар одатда тингловчиларга жуда манзур бўлишдан ташқари каттик таъсир ҳам қиларди, колаверса, асар қахрамонларини ўзларига менгзаб, қилча ўхшашлик топса беҳад кувониб, буни таниш-билишларига гапириб чарчамайдиган томошабинларга асардан кутилмаган хулосалар чиқаришлари учун имкон яратарди. Ҳеч курса, Лемос ёки Фрейд назарияси бўйича шундай эди.

Мен, Лусиананинг Алмагро кўчасидаги қандолат дўкони ёнида кўришсак, деган содда ва беғараз таклифига жон-жон деб рози бўлдим. Лекин бир-биримизни топиб олишимиз осонроқ бўлиши учун эслаб қолинг: мен кизил кўйлақда бўламан, сиз эса тўрт букланган газета кўтариб олинг, деб ёш болага тушунтиргандек илова қилганидан, очиги озгина энсам қотди. Мени аяганими бу ёки адашиб кетади, деб ишонқирамаганими? Бу ёғига эса ўша мен тасаввур қилган Лусиана – у яна ойнаванд айвонда менга мактуб ёзаяпти. Хиёл нарирокда, онаси ўтирибди, эҳтимол отасидир... ўзи бошиданок уни кекса одам билан ўтирганини тасаввур қилардим, бир замонлар катта оила яшаган, бугунга келиб бўм-бўш ҳувиллаган хоналарда бир ғусса – ё умри бевақт хазон бўлган, ё уйдан бутунлай бош олиб кетган катта қизининг доғида куйган онанинг унсиз фарёди кезиб юради. Ҳа, ҳа, бу оила чиндан ҳам аъзадор бўлса керак. “Мабодо боргингиз келмаса ёки боролмасангиз ҳечқиси йўқ,

хафа бўлмайман. Аёл бошим билан таклиф мендан чикмаслиги керак эди, лекин битта нарсани биламанки, – деб ёзарди у комил ишонч билан, – Сиз оккўнгил одамсиз, ҳар хил ёмон хаёлларга бормайсиз”. Сўнг сира кутилмаганда мени ҳаяжонлантириб юбуровчи мисралар битарди: “Сиз мени бор-йўғи шу иккита мактубим орқали биласиз, мен эса уч йилдирки сизнинг хаёлингиз билан яшайман, ўйнаган ҳар бир ролингизни тинглаб, оппок тонглари оттирганман, шу ролларингиз орқали сизнинг қандай инсон эканингизни тасаввур қилганман. Мен Сизни ижро этган қаҳрамонларингиз билан ҳеч қачон аралаштириб юбормайман. Зеро, Сиз қандай роль ижро этманг мен учун ҳамиша – ўзим тасаввур қилган ва қалбимдан жой олган инсон сифатида қоласиз” (бу иккинчи хатни қаерга қўйганим эсимда йўқ. Лекин маъноси ҳам, сўзлари ҳам шундай эди. Биринчи хатни эса янглишмасам, ўша кезлари ўқиётган китобим Альберто Моравианинг романи ичига солиб қўйгандим, хат ҳалиям жавонда чанг босиб ётган ўша китоб саҳифалари ичида бўлса керак).

Шуларни Лемосга айтиб берсам борми, табиийки унинг кўнглида айрилиқ ва ҳижронлардан кейин ошиқмаъшуқларнинг топишуви билан яқунланадиган янги радиоспектакль ғояси туғилган бўлар... ва Лусиана айнан йигит тасаввур қилгандек бўлиб чиқар ва бу чин севги муҳаббат тантанаси инсон боласини эртанги кун – келажакни олдиндан кўра билгувчи қилиб қўяди, деган ғояни илгари суришга хизмат қиларди, бундай ибратли асарларнинг эса “Радио Белграно” да бозори чакқон эди.

Бироқ Лусиана ўттиздан ошган ва мен тасаввур қилган ойнаванд айвонда ўтириб мактуб битаётган номаълум аёл сингари нозик (нима бўлган тақдирда ҳам

у ўта латофатли эди) эмасди; унинг тим қора сочлари чиройли тўкилиб елкасини коплаган, айникса, бехосдан бошини силкитган чоғда тўлғониб мавжланар, кўзи тушган одамнинг юраги орзикиб кетарди. Негадир мен шу чокқача Лусиананинг афт-ангорини аник тасаввур қилмаган эканман: мусаффо кўзлари ғамгин бўлса керак, деб ўйлагандим, холос. Ҳолбуки, унинг кўзларида ғам-ғуссадан асар ҳам йўқ эди, ҳозир соч тутамлари остидан кулимсираган жигарранг кўзлари кулиб боқарди. Унинг виски ичишга майл билдириши мени хайратга солди, чунки Лемос асарларининг қарийб ҳаммасида севишганлар илк учрашув чоғида факат чой ичишарди (Бруно билан мен поездда сутли қаҳва ичган эдик). Лусиана аёл боши билан учрашувга таклиф этганидан хижолат чекиш тугул йўлига бўлсин узр сўраб қўйишни лозим ҳам топмади, шунга қарамай мен, азбаройи мазах қилиб ўтиришни хуш кўрадиган одам бу сафар негадир эски танишини учратиб қолгандек ўзимни хушҳол ва эркин сезар, боз устига кулинг ўргилсин виски ҳам кайфиятимни чоғ қилиб юборганди. Қискаси бундан ортиғини орзу қилиш ношукурликдан бошқа нарса эмас! Одатда, илик муносабатлар мана шунақа учрашувлардан бошланади: ҳеч нарсани яширмайсан, бирор нимадан умидвор бўлиб ўтирмайсан. Табиийки, асосан мен ҳақимда, ўйнаган ролларим, радиоспектакллар яратишнинг қийинчиликлари, унга тайёргарлик кўриш жараёни ва ҳоказолар ҳақида гаплашиб ўтирдик. Ҳар ҳолда ўзимга яраша шуҳрат қозонганман, актёр, деган номим бор. Лусиана ким бўпти? Иккитагина хатюу исми Лусиана эканини биламан, холос. Шунинг учун ўзига бино қўйган экан, деб ўйлаши мумкинлигидан чўчимай турли радиоспектакллардаги ролларим,

душманлар тирнокларимни омбур билан суғуриб оли-
шаётганларида ғик этмай чидаганларим, тириклай
кўмилган шахтёрлар сахнасини яратишдаги сабр-
токат, куч, илҳом ва маҳоратимсиз бунака жонли,
таъсирчан, ҳаққоний асар яратиб бўлмаслиги ҳақида
тўлқинланиб ҳикоя қилаётганида ҳам гапларини бўл-
май, тинглаб ўтиравердим. Мен мактублар, ойнаванд
айвон ва новдалардан тўқилган оромкурси таъкибидан
аранг қутилиб, аста-секин унинг юзи ҳамда овозига
кўникиб борардим. Сухбатимиз ниҳоясида маълум
бўлишича, Лусиана бир замонлар – ўттизинчи йил-
ларда фортепьяно чалиб юрган ва хатто машхур Пер-
гаминодаги концертларда қатнашган Поли холаси би-
лан биринчи қаватдаги торгина квартирада яшар экан.
Лусиана ҳам хаёлан тасаввур қилган одам киёфасини
ҳаётдагиси билан таққослаб ўтирган экан, у охир-
оқибат, мени баланд бўйли, сочлари жингалак, кўк
кўзли, деб ўйлаганини бўйнига олди. Жингалак соч,
деганини эшитиб мен ёкамни ушладим, чунки биронта
спектаклда бунака кўринишли йигит ролини ижро
этмагандим. Қаердан олди буни ҳайронман, яна ким
билади, Лемос ўз пьесаларини тўлдириб ташлаган,
ҳар қандай пасткашлик ва разилликдан қайтмайдиган
одамларнинг умумлашма тимсоли сифатида хаёлида
вужудга келгандир. Ҳазил тариқасида шу фикримни
унга айтган эдим, Лусиана барча персонажларни ре-
жиссёр сифатида Лемос қандай киёфада тақдим этган
бўлса худди шундай тасаввур қилганман, дея эътироз
билдирди. Лекин шу билан бирга уларнинг ҳаммасини
унутиб, ўзи тасаввур қилган ўша оламда доим мен
билан, менинг овозим билан ёлғиз қолгиси келар экан,
фақат нима учундир мени баланд бўйли ва сочлари
жингалак йигит бўлса керак, деб ўйлаган экан.

Бруно мени ташлаб кетмаганида Лусианага кўнил кўймаслигим аниқ эди. Орадан шунча вақт ўтганига карамай уни ҳануз унута олмасдим. На бирон дўстим бор, на маҳрамим – ҳеч кимим йўқ эди. Ҳаётимда пайдо бўлган ана шу бўшлиқни Лусиана ўзи билмаган, эҳтимол, хоҳламаган ҳолда тўлдирга бошлаган эди. Мендан фаркли ўларок, у ҳаётида юз берган барча ўзгаришларга жуда тез кўникар экан, шу важдан менинг овозим туфайли тасаввурида туғилган новча, жингалак соч йигит ўрнига ҳаётда рўпара келган сочлари силлиқ, Лемоснинг девкомат қаҳрамонларига караганда хийла кўримсиз, одамлар орасида унчалик ажралиб турмайдиган Тито Балкарселга дарров ўргана қолди. Бир ой кифоя қилди, холос, бу эврилишга. Атиги икки марта қаҳвахонада учрашдик, бир марта меникида. Лусиананинг таровати ҳамда атир хидидан мушук жонивор ортиқча ётсирамади, аксинча, унинг тиззаларига чиқиб ётишни одат қилди. Алоҳа ўзининг “ортиқча” эканини сезган лаҳзалардан эътиборан биз бирга ўтирган пайтимизда яқинлашмайдиган бўлди. Полихола Пергаминодаги синглизиникига кўчиб кетди, энди унинг бу ерда қиладиган иши қолмаганди. Ўша ҳафта ичида эса Лусиана кўч-кўрони билан меникига кўчиб келди, мен унинг жихозларини жойлаштиришга кўмаклашар эканман, ойнаванд айвон билан кулранг кўкимтир ёғду етишмаётганини кўриб юрагимда оғриқ турди. Зеро, энди бундай нарсаларни кўриш насиб этмаслигига табиийки, ақлим етарди. Шунга карамай бир нарсасини йўқотган одамдай ичимга чирок ёкса ёришмасди. Кўчиб кетаётган куни Полихола ғамгузорлик билан менга камтаргина оиланинг бошига тушган воқеа ва ҳодисаларни: Лусиананинг ёшлиги, Чикагодаги музлаткичхонага ишга киритиб

кўяман, дея уни лакиллашиб юриб бирдан ғойиб бўлган куёв, Примера Хунтадаги меҳмонхонанинг хўжайинига турмушга чикиб, бахти очилмагани, беш йил олдин ажрашиб кетганларини дoston килиб берди – буларнинг барини Лусианадан эшитган эдим, лекин у бошқачарок, бамисли ўзи ҳақида эмас, балки ўзга бир аёлнинг тақдирини гапириб бераётгандек бўлган эди, – нимасини айтай, у энди менинг оғушларим, кайноқ бўсаларим, ликопчада мушукка сут беришлар, деярли ҳар кун кинога боришлар ва нафсоний истакларга эришишдан иборат янги ҳаётга кадам қўйган Лусиана эди.

Лусианадан сочларини очроқ рангга бўяб олишни илтимос қилганимда менимча, “Қонли бошоклар” радиоспектакли устида иш бошлаб юборган эдик. Бунини у аввал актёрларнинг инжиқлигига йўйди.

– Агар, йўқ, демасанг ясама соч сотиб оламан, – деди у кулиб, сўнг ўзини овсарликка солиб, қўшимча қилди: – Сенга эса жингалак соч ярашарди-да.

Бир неча кун ўтгач, шу хусусда яна гап очган эдим, сенга ёқадими шунақаси, бўпти, менга қора бўладими жигаррангми фарқи йўқ, дея розилик билдирди. Лекин, тўғриси айтганда, Лусиана менинг бу илтимосим актёрларнинг инжиқлиги билан эмас, балки бутунлай бошқа сабаблар: ойнаванд айвон, новдалардан тўқилган оромкурси билан боғлиқ эканини фаҳмлаган эди... Бу хусусда бошқа сўрамадим, у гапимни ерда қолдирмай сочларини бўятиб келган эди кўксим тоғдек кўтарилди ва бунини ёлғиз қолганларимизда бағримга босиб, сочларидан тўйиб-тўйиб ҳидлаётган, сийналарини силаб, кўзларидан, юзидан, дудокларидан тўхтовсиз ўпаётган дамларда бот-бот унга эслатдим. Янглишмасам эртасигаёқ – ё эрталаб, ё у бозор-ўчар қилгани отланаётганда

мен унинг сочларини иккала кўлим билан йиғиштириб бир тутам килиб турмакладим-да, сенга мана бунакаси кўпроқ ярашади, дедим чиройли юзига йигитлик ҳаваси билан тикилиб. У ўзини кўзгуга солиб қаради-да индамади, авзойидан гапимга кўшилмагани якқол сезилиб турарди. Нафсиламрга айтганда у ҳақ эди: Лусиана бу русумдаги соч ярашадиган аёллар тоифасига кирмасди. Унга ёйилган кора соч кўпроқ ярашарди, лекин бу фикримни ўзига айтмадим, чунки уни бошқача – илк бор кандолатхона остонасига қадам қўйган кундагидан кўра гўзалроқ кўришни хоҳлардим.

Мен ёзиб олинган спектакллардаги овозимни эшитиб кўриб ҳеч қаноат ҳосил қилмаганман, ижро этдим – иш битдими тамом – нуқта. Ўзларини салкам актёрларнинг пири, деб ҳисоблайдиган ҳамкасбларим ҳайрон бўлишади, уларга қўйиб берсанг бир замонлар ўйнаган ролларини ҳар куни эшитса! Бу одатимни яхши билгани учун Лемосдан “Шармисорлик гуллари”ни архивдан олиб бер, деб сўраганимда кўзларини чакчайтириб қаради. У нима учун керак бўлиб қолганини билгиси келиб, сўрагани, мен талаффузимдаги камчиликларни тузатмоқчиман, деб баҳона қилдим. Бир даста пластинка кўтариб уйга келсам Лусиана ҳам ҳайрон, сабаби унга ишим тўғрисида бир марта ҳам гапирмаганман – қайтанга у ҳар куни кош қорайди, дегунча тиззасида мушук, менинг овозимни эшитиб ўтиради, бунинг устига ҳар дақиқа олган таассуротларини айтиб чарчамайди. Лемосга нима, деган бўлсам, унга ҳам шундай жавоб қилдим, бироқ келтирилган пластинкаларни эшитиш учун патефонни катта хонага олиб чиқдим-да, Лусианага: “Сен ҳам ўтир шу ерда, бирга эштамиз”, деб илтимос қилдим, сўнг чой дамлаб келдим ва қулайроқ бўлсин, деб торшернинг жойини ўзгартирдим.

– Нима кераги бор, – ажабланиб сўради Лусиана, – ўзи яхши турган эди. Яхшиликка, яхши турганлигини биламан, лекин чирокнинг ўткир ёруғи Лусиана ўтирган диванни, мен кутгандан кўра равшанроқ ёритаётганди. Кошки парда оралаб тўкилаётган хира, кулранг окшом ёғдуси унинг сочлари, чой қуяётган қўлларига тушиб турганда эди!

– Мени жудаям талтайтириб юборяпсан-да, – деди хижолат чеккан бўлиб Лусиана, – шунакаям бўладими, мен оромкурсида ялпайиб ўтисаму, сен бир чеккада турсанг, ёнимга келиб ўтир ҳеч бўлмаса!

Мен табиийки унга “Шармисор гуллар”нинг ўзим танлаган айрим лавҳаларини қўйиб бердим, холос, бошидан охиригача эшитадиган бекорчи борми?! Ҳар хил саргузаштлар, можаролар ва фитна уюштирилган эпизодларни диққат билан тинглаётган Лусианани зимдан кузатиб ўтиришдан очиғи, дилим яйрарди. Баъзан менинг овозимни эшитиб қолса у бошини кўтариб жилмаяр, бу билан Пардолар хонадонига тегишли мол-дунёни эгаллаб олиш ниятида Карманситанинг ҳар қандай ифлосликдан қайтмайдиган манфур кайноғасининг тубанлиги заррача ҳам жаҳлимни чиқармайди, демокчи бўларди. Ҳолбуки, бутун асар Лемоснинг ғояси билан суғорилган эди, яъни соф муҳаббат ва адолат тантана қиларди. Мен ўтирган жой ўзимга маъкул (Лусиананинг ёнида бир пиёла чой ичгач, ўша ердан яхши эшитилади, деган баҳонада яна жойимга бориб олгандим)эди; шу дақиқаларда мен анчадан бери йўқотган ҳаловатимни қайта топгандек бўлар ва бу дамлар ҳеч қачон тугамаслигини, ойнаванд айвонни эсга солаётган қуёшнинг кун ботар олдидаги ёғдуси бир умр деразадан ёғилиб туришини орзу қилар эдим. Табиийки, бунинг сира иложи йўқ; мен патефонни

ўчирдим ва биз олдинма-кейин пешайвонга чикдик, лекин аввал Лусиана торшерни ўз жойига элтиб қўйди, чунки бу ер чиндан ҳам унинг жойи эмасди. Озгина бўлса ҳам, фойдаси тегдими, деб сўради Лусиана кафтимни кафтлари орасига олиб беозоргина сиқаркан. Ҳа, албатта, дедим ва нафасим қайтиб кетмаслиги учун ундош ҳарфларни талаффуз этиш, сўздаги нозикликлар ва яна бир балолар ҳақида тушунтирдим. У гапларимни диққат билан тинглади. Мен фақат битта нарсани – мана шундай ажойиб дақиқаларда бахтимнинг тўла-тўқис бўлмоғи учун менга тўқима оромкурси-ю, хат ёзаётган одамнинг чехрасида, навбатдаги жумлани ёзишдан олдин хаёлга чўмган пайтда зуҳр этувчи ўйчан-ғамнисор ифода етишмаётганини очик айтмадим, холос.

“Қонли бошоқлар” спектакли тугашига оз қолди, 2-3 ҳафталардан сўнг мен таътилга чиқардим. Радиодан ҳориб-чарчаб келганимда Лусиана ё китоб ўқиётган ёки мушукни ўйнатаётган бўларди. У доим туғилган кунда мен совга қилган гаврондан тўқилган курсида ўтирган бўларди. Бизнинг шарт-шароитимизга бу мутлақо мос тушмайди, деган эди ўшанда Лусиана фаро-мушхотирлик билан. Лекин Сенга ёқдими бас, менга ҳам ёққани шу, жуда чиройли, муҳими қулай экан. Сен бу оромкурсида ўтирсанг мазза қиласан, айниқса битта яримтага хат ёзаман десанг – роҳатижон, таъкидладим суюнганимдан. Шуни айт, – гапимни маъқуллаб бош ирғади Лусиана, – Поли холамга ҳол-аҳвол сўраб хат ёзаман дейман, бироқ ҳеч ҳафсала қилолмаяпман.

Қош қорая бошлагани сабабли Лусиана курси билан столни дераза ёнига қўйиб (торшер лампочкасининг ўзгариб қолганини пайқамаган бўлса керак) ўша ерда иш тўкиб ё журнал варақлаб ўтирарди.

Худди мана шундай куз кунларининг бири эди, шекилли, мен унинг ёнида узок ўтириб қолдим ва

дафъатан уни маҳкам бағримга босиб ўпдим-да, сени ҳеч қачон шу лаҳзалардагидек яхши кўрмаганман, доим мана шундай кўришни истардим, дедим У индамай менга қараб турди-турди-да, бирдан сочларимни тўзғитиб юборди, кейин бошини елкамга қўйиб хаёлчан кулимсиради ва жим бўлиб қолди. Шу лаҳзаларда у менинг ёнимда эмас, узоқ-узоқларга кетиб қолгандек эди гўё. Қуёш ботаётган мана шундай сокин оқшом палласида нимани ҳам кутиш мумкин Лусианадан?! Зотан ҳозир унинг ўзи ҳам ўша бинафша конвертлар, самимий мактубларидаги оддий ва беғубор сўзлар каби таъсир этарди. Шу пайтдан бошлаб мен қандолат дўкони ёнида танишганимиз ва унинг хижолатдан қизариб саломлашаётганда эпга келмайдиган тартибсиз қора сочлари ўрама қамчи сингарисилкинганларини ҳарчанд уринганим билан кўз олдимга келтиролмайдиган бўлиб қолдим. Хотирамда ойнаванд равон ҳамда эрталаблари хонада у ёқдан бу ёққа юриб ёки мушук билан ўйнаб чарчамайдиган, кечки пайт эса мен хаёлан ҳаддан зиёд севган Лусианага мутлақо ўхшамаслигига қарамай унга юрагимда ишқ ўтини алангалатувчи баланд бўйли, соғлом ва бахтиёр жувонга айланиб қоладиган аёл тимсоли нақшланиб қолганди.

Эҳтимол, шулар ҳақида олдинроқ унга айтиб беришим лозим эди. Бироқ сира бир қарорга келолмай, ҳадеса иккиланиб юравердим, назаримда, ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича қолгани яхши эди. Балким мен ўзимни беҳад масрур ва некбин сезаётганим учунми, авваллари унинг тийнатида мутлақо пайқамаганим ғалати тарзда бирдан жим қолишлар, фаромушхотир юришлар, баъзан бир нима излаган каби юз-кўзимга узоқ тикилиб туриб, дафъатан яна мушук ёки китобга назар солишдек янги одатлар пайдо бўлганининг сабаблари ҳақида

ўйлаб ҳам ўтирмадим. Чунки, бу одатлар ўша ойнаванд равоннинг ғамгин руҳи ва бинафшаранг хушбўй конвертлар руҳига ҳамоҳанг эди. Иттифоқо бир куни, ярим кечаси уйғониб кетдим-да, ёнимда беозоргина ухлаётган Лусианага қараб туриб, унга эришмоқ, унинг муҳаббатини қозонмоқ учун нечоғлик қийналганларим, не-не ҳийла ва тасодифларни ўйлаб топганларим ҳақида бошдан-оёқ айтиб бериш вақти келганини ҳис қилдим. Мен бундай қилолмадим: Лусиана ухлаётганди, сўнг уйғониб кетди, сешанба куни кинога боришимиз керак эди... чунки таътил даврида сафарга чиқиш ниятида саёҳатбоп машина қидиришимиз керак эди, бўлди, кунлар жуда тез ўтар, ҳеч қандай из қолдирмас, ёлғиз кўкимтир кулранг ёғду, новдалардан тўкилган оромкурсида ўтирган Лусиананинг зебо қадди қоматини рўйи равшан кўрсатаётган бир тутамгина оқшом чоғи кинокадрларидек секин ўтаётган дамлардагина имкон тугиларди. Энди у мен билан камдан-кам гаплашар, ўшанда ҳам бир нимани излаётгандек қайта-қайта юз-кўзимга тикилиб қолар, мана шу қилиғи тўғриси айтиш, мен учун жигарранг сочлар ва ойнаванд айвонда тўкилиб ётган кулранг ёғду нимани билдиражагини тушунтириш хоҳишини сўндирад эди. Хуллас, айтолмадим. Иттифоқо, иш тартиби ўзгариб қолди-ю шу баҳонада чошгоҳга яқин шаҳар марказига боришимга тўғри келди. Тасодифни қарангки, мен Лусианани кўриб қолдим. У меҳмонхона эшигидан ёнида бир йигит билан чиқиб келарди. Рости танимабман, ёнидаги норғул йигитни қўлтиқлаб олгани, йигит эса унинг синчалоғидан эркалаб ўпиб қўйиши учун энгашиганида жингалак сочлари Лусиананинг жигарранг сочларига чирмашиб кетаётганини кўриб ҳеч нарсани тушунмасам-да, гап нимада эканлигини фаҳмладим.

МУЪЖАЗГИНА ЖАННАТ

Бахтни ҳар ким ҳар хил тушунади, шунинг учун генерал Орангу идора қилаётган мамлакат фуқароси томирларига тилла балиқчалар юборилган кундан эътиборан ўзларини бахтиёр, деб билсалар, ажабланмаслик лозим.

Очиғи, бу балиқчалар тилла эмас, тилларанг, холос, бироқ курмагурлар шунчалик шўх, шунчалик жилвагарки, азбаройи Худо, бир кўрган одам қачон менгайм насиб этаркан, деб орзу қилади. Табиатшунослардан бири улардан бир-иккитасини тутиб бокқач, балиқчаларнинг қулай шароитда мислсиз даражада тез кўпайишидан огоҳ бўлган ҳукумат бунинг кароматини дарҳол фаҳмлаганди.

Илм-фанда Z-8 номи билан машҳур бу тилла балиқчалар шунчалик майда эдики, мабодо катталиги пашшадек келадиган товукни тасаввур қилишнинг иложи бўлса, улар ҳам ана шу товукдек келарди. Шу сабабли мамлакат фуқароси ўн саккизга чиққанида, унинг қон томирига балиқча юбориш заррача кийинчилик туғдирмайди: белгиланган ёш ҳам, ушбу тадбирни амалга ошириш ҳам қонун билан ҳимояланган.

Мана шунинг эвазига мамлакатдаги ҳар бир ўсмир билан қиз қон қуйиш марказларидан бирига йўлланма бериладиган кунни орзиқиб кутади ва рухсатнома қўлига тегди, дегунча азал-азалдан давом этиб келаётган анъанага биноан жамики оила аъзолари билан ўша

ерга тантанали равишда ташриф буюришади. Ўша пайтнинг ўзида физиологик эритма қуйилган шаффоф идишга йигирмата тилла балиқча солинади ва у найча оркали кўк томирга уланади. Бундай улуғ марҳаматга ноил бўлаётган билан унинг оила аъзолари то тилла балиқчаларнинг беозоргина, бамисли тилларанг пуфакчалар каби жилваланиб, олдинма-кетин кўк томирга кириб кўринмай кетгунларига қадар шиша идишда биланглаб ўйнашларини мириқиб томоша қилишлари мумкин бўлади. Ярим соатдан сўнг тегишли тилла балиқчалар билан тўла-тўқис таъминланган фуқаро пешонасига битган бу саодатни тантанали нишонлаш учун уйига кетади.

Агар диққат килинса, мамлакат аҳолиси фаровонлик туфайли эмас, балки, тасаввурларининг бойлиги эвазига хуррам ва шодон яшаётгани маълум бўлади. Гарчи, тилла балиқчаларни вақти-вақти билан томоша қилолмасалар ҳам ҳар бир фуқаро уларнинг етмиш икки томирида сузиб юрганини сезади ва кечалари ухласидан аввал кабоқларининг гумбази остида, қирмизи жилгалар ва ирмоқлар ортида янаям йилтирок учкунлар каби ўйноқлаб юрганини ўз кўзлари билан кўраётгандек бўладилар. Ҳаммасидан ҳам йигирмата тилла балиқчанинг қонга тушган захоти дарҳол кўпаяётганини ҳис қилиш, айниқса, ҳаяжонлидир.

Хулласи калом, мамлакат фуқароси бу сон-саноксиз сержило балиқчаларни аъзойи баданининг барча қисмида: манглай суягининг орқа тарафида сузиб юргани, бармоқ учларига оқиб тушаётгани, тосларидан ўтган йўғон шохтомир билан чаккаларидаги кўк-томирда тўпланиб олишаётгани ёки баданларининг аврат ерларига ўйноқлаб оқиб бораётганини кўз олдиларига келтира оладилар. Уларнинг вақти-вақти билан

юракдан ўтиб боришини хаёлан тасаввур қилиш олам-
жахон завқ бағишламайди; чунки у ерда, афтидан,
тилла балиқчалар ўйноқлаб бирга сузиб юришлари
учун қон ҳавзалари билан қон шоввалари, гоҳ-гоҳ
тўпланиб туришлари учун эса алоҳида кўрфаз топиб
олишади ва буни қарангки, худди шу беҳад шовкинзор
қон ҳавзасида тилла балиқчалар бир-бирлари билан
танишадилар, хоҳлаганларини танлаб, жуфтлашадилар.
Шунинг учун йигит билан қиз бир-бирларига кўнгил
қўйса, икковиям юрагимда тилла балиқча ўзига му-
носиб жуфтини топган бўлса керак, деб ишонадилар,
ҳатто бирор ерлари кичишгудек бўлса ўша ерда тилла
балиқчалар урчиёпти, деб тушунишади. Шундай қилиб
инсон ҳаётида зоҳиран қандай ўзгариш рўй берса,
ботиний ҳаётида ҳам шу ҳол такрорланади – бундан
ортиқ мукамал бахтни қаердан топасиз?!

Афсуски, ахён-ахён тилла балиқчалардан битта-
яримтасининг нобуд бўлиши бундай пурғам ҳаётга
соя ташлайди. Гарчи улар узок яшасалар ҳам барибир
вакти-соати етиб, куни битади-ю, шунда унинг
томирда оқиб бораётган танаси эртами, кечми кўк
томирнинг шоҳтомирга ёки шоҳтомирнинг бошқа
қонтомирга қуйиладиган қисмига келганда тикилиб
қолади. Мамлакат фуқароси бунинг аломатини яхши
билади, қолаверса бу ҳол жуда оддий кечади: нафаси
сиқади, баъзан эса боши айланади. Бундай вазиятда
дарҳол томирларга махсус зардоб юборилади, бунинг
эҳтиётини қилиб, уни ҳамма ўз уйида сақлайди. Мазкур
зардоб таъсирида ўша нобуд бўлган балиқча ҳаш-паш
дегунча эриб кетади-ю, томирларда қон яна равон оқа
бошлайди. Фуқаропарвар ҳукумат балиқчаларнинг
ҳаддан зиёд тез кўпайиши ҳисобига улар ўртасида ўлим
кўрсаткичи доимий равишда ошиб боришини билгани

учун аҳолини ойда икки ё уч марта томирларидан дори юборишга чақиради.

Генерал Орангу ҳукумати бир ампула зардоб нархини қатъиян йигирма доллар қилиб белгилаб қўйган, бу эса ҳар йили мамлакатга қўшимча бир неча миллион даромад келади дегани. Чет эллик кузатувчиларга бу нарсга оғир солиқдек кўринса-да, мамлакат аҳолиси бу нарсага бутунлай бошқача кўз билан қарайди, модомики томирга юборилган ҳар битта дори уларнинг шоду хуррамликларини қайтариб берар экан, бунинг ҳақини тўлаш, айна адолатли иш ва 20 доллар инсон бахт-саодати олдида нима, деган гап, дея фикр қилишади. Табиийки, бунга қурби етмаган оилалар ҳам истаганча топилади, буни ҳам ҳисобга олган ҳукумат зардобни қарзга беради, фақат ярим нархини нақд тўлаш шарти билан, бу ҳам табиийдир. Мабодо шундай қулай шароит яратиб қўйилганига қарамай кимлардир зардоб ололмаса, фуқаропарвар ҳукумат буниям йўлини топган: халқ ва бир неча полковникнинг манфаатига мос келадиган чайқов бозорини гулладиб қўйибди. Мана энди ўзингиз айтинг, ҳар бир одамнинг томирларида тилла балиқчалари борлиги ва туғилаётган янги-янги авлодлар ҳам ўз навбатида тилла балиқчалар билан ҳеч бир монеликсиз таъминланаётгани-ю, мамлакатда тўю-томошалар, тантанали байрамлар бир-бирига уланиб кетаётган бўлса, йўқчилик ва тиланчилик қилиш нима деган гап, ахир?!



ЧЎНТАКДАН ТОПИЛГАН ДАФТАРЧАДАГИ ЁЗУВЛАР

Ҳозир мен ёзаётган нарсаларни – менинг кунда-
лигимни ўқиган одам, ишончим комилки, буларни во-
қеаларни рулетка ёки тотализатор ўйинига мубтало
бўлган кимса ёзган, деб ўйлаши муқаррар, лекин мен
бунини пул топиш мақсадида кашф этганим йўқ. Кунлар-
дан бир кун, мен одамларнинг ниҳоятда тарқоклиги яккол
кўзга ташланадиган ҳамда вақт ўтаётгани поезд зим-зиё
йўлаклардан чароғон бекатларга чиқиб келгандагина
сезиладиган ерости йўли – метрода, айнан метро вагон-
ларининг яхлит, қорамтир ойнаси орқали бахтимни
топишим мумкинлигини бирдан ҳис қилиб қолдим.
Тарқоклик ҳақида гапираётганим сабаби, нимага
асосланиб ўйлаганларимнинг бутунлай бир-бирига
тўғри келиб қолишидан умидвор бўлаётганимни ях-
широқ тушунишга ҳаракат қилиб (зеро шу ўйинни
бошлаганимдан бери кўп нарсаларни англаб етишимга
тўғри келди) ўша одамларнинг чамаси, хаёлларига
ҳам келмаётган “тарқокликларига” вагоннинг қоп-қо-
ра ойнаси барҳам бермасмикин, дея хаёл суриб ўтир-
ганимда, эҳтимол, шу фикр кўнглимда туғилгандир.
Яна ким билади, ҳар бир бекатда тушиб чиқаётган
сон-саноксиз йўловчилар, бунақа тикилинчда яна ни-
ма ҳақда ўйлаши ёки қайғуриши мумкин?! Албатта,
шу бекатда ёки наригисида, охирида ё кейингисида
тушиш, “уйга тезроқ етиб олиш”, ҳақида ўйлайди-
да! Тақдир тақозосига кўра тасодифан битта вагонга

чикиб қолган ғирт бегона кимсалар, ёнидаги одамнинг қаерда тушишини билиш у ёкда турсин, бунга заррача қизикмайди ҳам, лоакал, кўпчилик бирга тушармикин ёки мен тугун кўтариб олган норғул йигитдан олдин тушаманми ё кейинми, ёки бошдан-оёқ яшил кийиб олган анави кампир қаергача бораркин, йўлнинг ярмида тушармикан ё охиригача борармикан, деб ўйлаб ҳам ўтирмайди, анави болалар-чи, ҳозир тушишармикин ёки... ҳа, ҳозир тушишса керак, чунки улар аравачаларини ҳозирлаб, юк халталарини елкаларига осганча тараддулланиб, ўзаро ҳазил-хузул қилиб, кула-кула эшик томонга силжий бошлашди, ўша бурчакда бамайлихотир жойлашиб олган анави киз афтидан ҳали-вери тушмаса керак, ёнидаги кизнинг эса қаерда тушишини ҳозирча билиб бўлмайди.

Ҳа, Анани ҳам шундай, биринчи марта худди шундай вазиятда учратгандим. Мен “Этьен-Марсель” станциясидан вагонга чикканимда, у шундоққина ойна ёнидаги ўриндикка суянмай қаддини тик тутиб ўтирарди, рўпарасидаги ҳабаш эса худди шу лаҳза ўрнидан туриб, эшик тарафга юрди-ю, бўшаган жойга биров ўтирай, демаётганини кўриб, ўриндик чеккасида ўтирган икки нафар йўловчининг ўртасига суқулиб, узр сўраганча Ананинг қаршисига бориб ўтириши учун имкон туғилди. Мен ўша заҳоти – нега, деганда бахтимни яна бир қарра синаб кўриш учун ўйнагани метрога тушган бўлсам – ён томондан кўринаётган Маргарит қиёфасининг аксини қора ойнадан ахтариб топдим ва яшириб нима қилдим, бир қараганда юрагим жиз этди: у кўринишидан истараси иссиқ ва хушрўйгина киз эди, қоп-қора сочи, айниқса, манглайига қиялаб тушган қокили хушимни ўғирлади.

Йўқ, бу исмларни – Маргарит билан Анани – кейинчалик ёки ҳозир, ушбу кечинмаларни ён дафтар-

чага ёзиб қўяётганимда, уларни бир-биридан ажратиш учун топмаганман: исмлар, ўйин қондасига биноан ўша пайтнинг ўзидаёқ, дабдурустдан пайдо бўлганди. Ай-тайлик, анави кизнинг ойнадаги акси, бошқача эмас, фақатгина Маргарит, рўпарама-рўпара ўтирганига қарамай, лоақал бир марта қараб қўйишни лозим топмаган, танишлари ёки яқинлари бўлса ҳам баҳарнав, ҳар бири ўзини бутунлай бошқа нарсаларни томоша қилиб кетаётгандек тутаятган бегона одамлардан паришон нигоҳини узмай ўтирган киз эса, фақат Ана деб аталиши шарт эди. Ҳали уларни ҳам қараб туриб кўрмаганга олиш, ёнидаги ҳар қандай одамни назар-писанд қилмасликка ўргатишмаган бўлишса, бас, ёш болаларгина кўзингизга тик, очик-ойдин қарай олади; ўз ҳаёли билан банд, айтиш мумкинки, ўзидан бошқа дарди йўқ, ё китоб, ё “Франс Суар” ўқишга берилган катта ёшдаги одамлардан бундай беғуборлик ва самимийлик кутиш қалтабинликдан бошқа нарса эмас. Ана ҳам менинг юзим билан ёнимда “Фигаро” ўқиётган кимсанинг афт-башараси орасидаги бўшлиққа, ордона қолгур “эгасиз ерга” тикилиб ўтирарди, айнан шу сабабли Маргарит (агар тўғри топган бўлсам, ажойиб дамларнинг бирида Ана ҳам) ойнага бепарвогина кўз югуртириши лозим ва ана шунда у менинг ойнадаги аксимни кўриши шарт бўлар, шу тариқа бизнинг нигоҳларимиз йўлак зулмати қоп-қора баҳмал ёпган ёки юпка қилиб симоб суртиб қўйгандек кўринаётган қорамтир ойна ичра нигоҳларимиз учрашди. Бу ҳаёлий кўзгуда одам қиёфаси вагон чироқларининг ўлик шуъласида одатда юз-кўзлари гипсдан ясалган манфур ниқоблар сингари акс этувчи одамларнинг афт-ангори ўзгача маъно касб этади ва тамомила бошқача кўринади, ҳамда – сен буни инкор этмаган бўлардинг, Маргарит –

улар бир-бирларининг кўзларига шунақаям самимият ва тўғри кўнгилда боқишлари мумкин бўладики, барҳам Эгам, шу лахзаларда бизнинг мусаффо нигоҳларимиз ҳар қандай андишаю истиҳоладан, шу билан бирга ёмон ниятлардан фориғ бўлади. Мен ойна ортида, Ананинг рўпарасида ўтирган ҳамда метро вағонида Ана очикдан-очик қарашга ботинолмаётган йигитдан фарқ қилар эдим, ҳолбуки, менинг аксимга Ана эмас, аслида Маргарит қаради, Ана эса ўша заҳоти қаршисида ўтирган йигитдан кўзларини олиб қочди – метрода кетаётган йигит билан кўз уриштириш яхши эмас – ва бошини дераза ойнаси томон бурди, айна кулимсираб қўйиш учун – шумлик ва шилқимлик қилиб эмас – шу фурсатни кутаётган менинг аксимни кўриб қолди, шу асно табиийки, ярқ этиб Маргаритнинг кўзи менга тушди. Бу бор-йўғи бир лаҳза давом этган бўлса-да, Маргарит менинг кулиб қўйганимни пайқаганини илғашга, ҳамда бошини эгиб, ўзини гўё қизил саҳтиён сумкачасининг кулфини текшириб кўраётганга солса ҳам Ананинг рўйи рост хижолат бўлаётганини пайқашга улгурдим. Тўғриси, Маргарит менга бошқа қарамаса ҳам яна бир марта кулиб қўйгим келди, негаки, Ана бу қилиғимни кўриб қолиб, шилқимлик қияпти деб ўйлаб хафа бўлди. Ана шу сабабли Ана ёки Маргаритнинг менга қарашига ҳожат қолмади, қолаверса, улар яна Анага тегишли қизил сумкачанинг иллагини тузатишга киришишганди.

Илгари ҳам худди шундай бўларди, Паула бошқаларнинг пайтида ҳам битталари сумкасининг ширилдоғи ё тугмасини, ёки журнал варағининг букланган ерини текшираётгандек тикилиб ўтираверарди, бамисоли шиша идишдаги ўргимчаклар каби менинг юргимда ҳам яна қўрқув, хавотир ва умид бири олиб-бири

қўйиб ғужғон ўйнай бошлади, яна ўшандагидек юрагим хаприкиб, аъзойи баданим қизиб, лоҳас бўла бошладим, зеро бу лаҳзалардан эътиборан метронинг ҳар битта бекати тақдиримда бериши муқаррар янги, номаълум эврилишларнинг ибтидосига айланиши мумкин эди, зотан ўйиннинг туб моҳияти шундан иборат эди.

Ҳолбуки ўйин шартлари унчалик қийин эмасди, лекин ўйиннинг ўзи, таъбир жоиз бўлса, кўзни боғлаб олган холда олишишга, тўрт томони ҳам бир хилда ҳалокатга элтувчи ботқоқда ожизгина чиранишга ўхшарди, каерга караманг, тўрт томонингизда сиз номаълум, енгиб ўтиш амримаҳол тақдирнинг сертармок дарахтлари қуршаб оларди. Париж метрополитени сершоҳ, сербутоқулкан мондреана дарахтига ўхшаб кетади, лекин бир-бирига боғланган, биридан иккинчисига ўтиш мумкин бўлган станциялар кўп эмас. Мана шу дарахт бир суткада йигирма соат тиним билмайди, нафас олади ва метрони жўшқин ҳаёт билан таъмин этади, тинимсиз ҳаракатдаги йўловчилар уясидан чикиб турли тарафга турнакатор таралиб кетаётган чумолиларнинг беташвиш ҳаракатини эслатади, бировлар “Шатель” бекатида тушиб қолса, бошқалар “Ва рар”да метрога чиқади, учинчилари “Ла-Мотт-Пике”га бориш учун “Одеон”да тушиб, бошқа станцияга ўтади, юзлаб, минглаб йўловчилар бараварига тўхтамай, шошилиб шундай қиладилар. Бунинг учун мана шу ерости салтанатининг турли кунжакларига ёйилиб кетган гоҳ у, гоҳ бу бекатда тушиб ё паткоғоз, ё Гей-Люссак кўчасининг биқинидаги дўконнинг учинча қаватига бир жуфт лампочка олиш учун қанча ўтиш ва чиқиш йўллари-ю, бекатлари очиб қўйилган ва тайёрланган, ким билади.

Мен ўйлаб топган ўйин қоидалари ниҳоятда оддий, гўзал ва шафқатсиз эди. Башарти менга рўпарамдаги ойна ёнида ўтирган аёл ёкиб қолса, агар-да унинг ойнадаги акси менинг ойнада акс этган кўринишим билан бир-бирларини кўриб қолишса, борди-ю, ойнада акс этган кўринишим табассуми ойнадаги аёл аксини хижолатга солса, ёки қувонтирса, ёки аччиғини чиқарса, агар-да Маргарит жилмайганимни кўрганда Ана ўша захоти бошини қуйи солганча тиззасидаги қизил сумкачасининг занжирсимон ёпқичига зўр бериб разм солиб ўтирдими, бас, менинг жилмайганим жаҳлини чиқарадими, манзур бўладими ёки у ўзини кўриб кўрмаганга соладими, бундан қатъи назар, бу ўйин бошланди, дегани. Маросимнинг биринчи қисми шу билан тугайди, табассум кимга аталган бўлса, эгасини топади, ана шундан кейин тубсиз чуқурлик қаърида жанг бошланади.

Умид қафтгири станцияма-станция хавотирли тараддуд ичра у ёқдан-бу ёққа бориб келади. Мен ўша куни ҳаммаси қандай бошлангани ҳақида кўп ўйладим; янглишмасам Маргаритнинг ўйинига, Ана ҳам қўшилганди Паула (Офелия) эса бир ҳафта олдин бошлаганди ўйини: қизғиш сочли қиз ишқал бекатлардан бири “Монпарнас-Бьен-венюда” тушиб қолди, уч бошли кўланса аждар сингари менинг бутун умидларимни пучга чиқарадиган нарса эди бу. Мен “Порт-де-Вавен” га ўтиш йўлини танладим ёки шунда бахтимни синаб кўрмоқчи бўлдим ва ўша захоти ер остидаги биринчи айрилиш ёнига етмасданок Паула (Офелия) “Мерияисси” станциясига элтувчи ўтиш йўлаги томон бурилишини сезиб қолдим. Начора, йўлақлар кесишган ерда унинг ортидан сўнгги бор бир зумгина қараб қолиш, унинг аста-секин кўздан йўқолиб

боришини, куйига олиб тушувчи зина уни қандай ютиб юборганини беҳолгина кузатиб туришдан ўзга иложим қолмаганини англаб етдим. Ўйиннинг қоидаси, талаби шунақа: вагон ойнасида сезиб қолинган табассум аёл изидан бориш ҳуқуқини берар, ҳамда унинг метрода борар манзили ҳали ер остига тушмасдан олдинроқ мен танлаган йўлга мос келишига қарийб умидсиз бўлса ҳам умид қилишга изн берарди, кейин – ҳамиша, то шу кунга қадар шундай бўлиб келган – унинг бошқа ўтиш жойи томон кетаётганини жимгина кузатиб туриш ва ортидан боришга ҳақким йўқлигини тан олиш, бир дунё армон билан юқоридаги оламга қайтиб чиқиш, биронта қаҳвахонага кириб олиб аламларни ичга ютиш ва унутиб илгаригидек ҳаёт кечира бошлаш, то аста-секин кунлар, ҳафталар ўтгач, яна бахтингни синаб кўриш истаги хуруж қилгунича бир кун келиб, албатта, ҳаммаси – аёл билан унинг ойнадаги акси, қувонч ёки инкор этилган табассум, поездларнинг йўналиши – мос келиб, ниҳоят унинг ёнига бемалол яқин бориб дил изҳорини қийналиб бўлса-да, айтиш имкони туғилишига умид боғлаш мумкин бўлади.

Биз “Сен-Сюльпис” станциясига етиб келганимизда менинг ёнимда ўтирган одам ўрнидан турди-да, эшик томон юрди. Ананинг ёнидаги кимса ҳам шу станцияда тушиб кетди-ю, рўпарамдаги ўриндикда унинг бир ўзи қолди, у сумкасини кузатиш билан машғул бўлмади, балки менинг сохт-сумбатимга ҳаёлчан кўз ташлади-да, вагоннинг тўрт томонига ёпиштирилган шифобахш булоқлар мавжуд санаторийлар ва дам олиш масканлари реклама қилинган суратларга тикилиб қолди. Маргарит мени кўриш учун ойна томонга бошини буриб қарамади, бироқ айнан мана шунинг ўзи ўртада алоқа ўрнатилгани ва унинг тадрижий суратда ривожланаётганидан дарак

берарди. Табиатан ўта тортинчок, шекилли, ёки эриш туюлдимчи, харкалай Маргарит ўзининг табассумига кизиқиб қолган бегона йигитнинг аксига тикилиб қарашни эп кўрмади. “Сен-Сюльпис” станцияси мен учун муҳим аҳамият касб этарди, сабаби энг охириги “Порт-д*-Орлеан” станциясига довур саккизта бекат бўлиб, уларнинг атиги учтасида метронинг бошқа тармоқларига ўтиш йўллари мажуд эди, бундан чикди, башарти, Ана-мана шу учта бекатнинг биттасида тушгудек бўлса, мен кутаётган ёки умид қилаётган натижага мос келиб қолиш имкони туғиларди. Поезд “Сен-Пласид”га яқинлашиб, секинлай бошлаганда нигоҳларимиз тўкнашиб қолар деган умидда ойнадаги Маргаритдан кўз узмай котиб ўтирардим, Ана эса шу лаҳзаларда гўё Маргаритнинг бир жилмайиб қўйишини кутаётган ойнадаги йигитга бошқа қарамаслигига ишончи комилдек бу ҳақда заррача ўйлаб ҳам ўтирмасдан вагон ичини бамайлихотир кўздан кечиарди.

У “Сен-Пласид”да тушмади, буни мен поезд тўхташ учун секинлай бошлагандаёқ сезган эдим. Негаки, тушмоқчи бўлган йўловчилар, айниқса қиз-жувонлар, одатда бир қадар бесаранжом бўладилар: тугун-халталарини асабий равишда пайпаслашга тушадилар, пальтоларининг этагини тортиб тўғрилаб қўядилар ёки қайси томондан ўтиб борган маъқул, дея ўтирган йўловчиларнинг оёғини босиб, тиззаларига урилиб-сурилиб, поезд бирдан тўхтагудек бўлса учиб кетмаслик учун эшик томонга аланглаб қараб чиқадилар.

Ана бекатдаги рекламалардан бефарқ нигоҳини узмасди, Маргаритнинг ойнадаги киёфаси метро станциясидаги шода-шода чироқларнинг ўткир шуъласи остида деярли кўринмай қолди-ю, унинг менга қараган-қарамаганини билолмай доғда қолдим, колаверса, ме-

нинг аксим сутчиروқлар билан нурафшон эълонлар ёғдусида кўмилиб кўринмай кетганди. Агар Ана “Монпарнас-Бьенвеню”да тушса, менинг имкониятим умид килишга арзимас даражага тушиб коларди. Шу ўринда Паула (Офелия) ҳақида эсламаслик мумкинми, зеро, тўртта тармокнинг шу станцияда кесишганлиги унинг қайси йўлдан юришини топиш имкониятини бутунлай йўққа чиқарарди. Шунга қарамасдан, Паулани (Офелияни ҳам) учратган куним бизнинг йўлларимиз албатта туташади дея аҳмоқларча ишонган ва бугдой бошоқлари янглиғ узун сарғиш сочли бу маъсума кизнинг ортидан қолмай охирги дақиқагача эргашиб боргандим, алоҳа, у ўнг тарафдаги ўтиш йўлига бирдан бурилганда бошимга биров тўқмоқ билан ургандек, кўзим тиниб, оёқларим чалишиб кетганди. Ҳозир Маргарит билан ҳам худди шундай ҳодиса юз беришини, яна ўша машъум воқеа бугун “Монпарнас-Бьенвеню”да ҳам такрорланишини истамаган бўлардим, шунинг учун Паула (Офелия) ҳақида эслашнинг тубсиз чуқурлик қаърида ўргимчакларнинг омонатгина ишонч туйғусини кемириб юбориши мумкинлиги ҳақида ўйламаслик, бундай шубҳа-ғумонли, ҳадик-хавотирли хаёлларга берилмаслик лозим эди... Аммо кодир Худо, жиндаккина бўлса ҳам яшашга ёрдам берадиган кўнгилга юпанч, нажот бахш этгувчи таскин-тасаллидан воз кечадиган биронта одам топиладими дунёда?! Мен туйқус ўзимга-ўзим, балки Ана (балки Маргарит) “Монпарнас-Бьенвеню”да эмас, бошқа станцияда тушар, балки мен учун мамнуъ тармокқа элтадиган ўтиш йўлига бурилмас, эҳтимол Ана (Маргарит ҳам) “Монпарнас-Бьенвеню”да ҳам тушмади, “Вевен”да ҳам тушмас – у чиндан ҳам тушмаса денг! – балки “Распай”да, энг охирги иккита станциянинг

биринчисида тушар... Бу бекатда ҳам тушмаганини кўриб, мен очиги ич-ичимдан хурсанд бўлдим, чунки бу ёғи маълум, зеро, унинг ортидан изма-из боришга ҳаққим бўлган битта станция қолар эди, негаки, кейинги келадиган учта бекатда ўтиш йўллари йўқ, шунинг учун улар ҳисобга кирмасди. Мен нигоҳим билан яна ойнадан Маргаритни излашга тушдим, менинг ёрдам сўраб қилган нолаю фарёдларим етиб бориши мумкин бўлган безабон ва шафқатсиз оламдан уни чакира бошладим, назаримда менинг нидоларим асов тўлқинлар каби унга албатта етиб борарди. Мен унга қараб жилмайдим, Ана буни кўрмаслиги, Маргарит эса карамаётган бўлса-да, “Данфер-Рошро” станциясидан хиёл бериюкдаги йўлак чироқлари хиралаштирган ойнадаги Маргарит эса буни ҳис қилмаслиги мумкин эмасди. Поезд кескин силтаниб тўхтагани туфайли Ананинг тиззасидаги қизил сумкачаси тушиб кетай дедими ёки арзимаган бирон нарсадан ранжигани учун – беихтиёр қўли билан манглайига тушиб қолган қокилини кўтариб қўйдими, билмадиму, лекин поезд мана шу платформада таққа тўхтаб турган лахзаларда менинг ўйинни яна бой беришим муқаррарлигига ишора қилгандек ўргимчаклар ичимни шафқатсиз равишда таталарди. Ёпирай, Ананинг ўрнидан дик этиб тургани ва йўловчилар оқимига қўшилиб кетганини кўрсам ҳам, хайронман, анқовсираганча Маргаритнинг ойнадаги аксини излашдан тўхтамадим. Сўнгра нима қилаётганимни ўзим ҳам англамаган ҳолда вагондан ташқарига отилдим ва бирдан ҳозир икки ўтиш йўли орасида охириги синовдан ўтишим, ҳаммаси узил-кесил ҳал бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ҳаёлдан ҳушёр тортмагунимга қадар унинг ортидан соядек эргашиб кетавердим.

Ҳаммаси равшан, Ана (Маргарит) ё ўзининг ҳар доимги йўлидан юради, ё кўнгли тусаган томонга бурилади, мен эсам хали метрога тушиб, вагонга кираётганимдаёқ аник билардимки, биронтаси ўйинга кўшилиб қолган бўлса-ю, “Денфор-Рошро”да тушиб қолса менинг ўйинимга ўз-ўзидан “Насьон-Этуаль” тарафига ўтиш йўли кўшилар эди. Шунингдек, агарда Ана (агарда Маргарит) “Шатель”да тушгудек бўлса, мен “Бенсен-Нейи” ўтиш жойига қадар ортидан бемалол бора олардим, у ёғига мен учун йўл батамом ёпилар эди. Энди, мабодо Ана (мабодо Маргарит) “Де-Ско” тармоғи томон ёинки кўчага олиб чиқадиған йўлкага юрганида эди, энг охири, ҳал қилувчи босқичда ўйин бой берилған бўларди. Ҳаммаси бир онда ҳал бўлиши керак эди, сабаби “Данфер-Рошро” бошқа станциялардан фарқли ўлароқ у ерда йўлаклар йўқ, зиналар эса йўловчиларни бир зумда борадиған ерларга ёки – модомики мен тақдир билан ўйинга кирған эканман – тақдир этилған жойга элтиб кўяди. Мен Ананинг одамлар издиҳоми оралаб қизил сумкасини ўйнатиб ғизиллаганча кетиб бораётганини, йўл курсаткичларни излаб аланглаётганини яққол кўриб турардим. Станциянинг нариги бошига етганда у бир зумгина тараддудланди-да, кутилмаганда чап қўлга бурилди. Бу йўл тўппа-тўғри кўчага олиб чиқарди.

Аҳволимни изоҳлашга тил ожиз: ўргимчаклар ичимни ҳеч бир муболағасиз аёвсиз равишда тилкапора қилмокда эди, бироқ мен дастлабки дақиқаларданок виждонимга хилоф иш қилмадим, яъни унинг ортидан беихтиёр ҳеч иккиланмасдан кетавердим, фақат сал кейинроқ юқорига чикқачгина, иложинг қанча, пешонангга ёзилгани бўлади барибир дедим ўзимга-ўзим. Лекин дафъатан, зинанинг миёнасида,

йўқ, эҳтимол ўргимчаклардан кутулишнинг ягона йўли конундан четга чиқиш, лоақал бир марта бўлсин тартибкоидани бузиш эканини, ўзга илож йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини англаб етдим. Қачонки Ана (қачонки Маргарит) тақиқланган зинадан юқорига чиқа бошлаганда ошқозонимга ёпишиб зулукдек сўраётган ўргимчаклар бирдан жим бўлиб қолди, ва мен кутилмаганда бўшашиб, қаттиқ толиққан одамдек аъзойи баданим қакшаб оғрий бошлади, лекин шунга карамай оёқларим ўз-ўзидан зиналардан кўтарилиб бораверди. Ҳозиргина ўйлаб қўйган барча фикрларимдан асар қолмади. Факат мен ҳамон уни кўздан қочирмасдим, унинг кизил сумкачасини ўйнатиб қора сочлари одимларига монанд бир маромда силкиниб кўчага чиқиш учун юқорига кўтарилиб бораётганини йўқотиб қўймасликка тиришардим. Кўчада қош қорайган, кутилмаганда зўрикқан шамол ёмғир аралаш қор учкунларини келтириб юзга урарди; ишончим қомилки, мен Анага (Маргаритга) етиб олиб: “Биз ҳали бир марта ҳам учрашмасдан шундоқ, бир-биримизни ташлаб кетишимиз мумкин деб ўйлайсизми?” деганимда пинагини ҳам бузмади.

Кейинроқ қаҳвахонада Ана (Маргарит) нинг қиёфаси бир қадах Чинзано ҳамда иқрорномалардан кейин ҳеч нарсани тушунмаётгани, унинг исми Мари-Клод экани, вагон ойнасида жилмайганимни кўриб аччиғи чиққани, ўрнидан шартта туриб бошқа жойга бориб ўтирмоқчи бўлганларини, кейин менинг қадам товушимни эшитмай енгил тортганлари, кўчага чиққач эса – ҳеч ақл бовар қилмайди-я, – хавотирланмаганларини айтиб берди. У ора-сира Чинзанодан ҳўплаб, кўзимга тикилганча зиғирча хижолат чекмасдан жилмайиб ҳикоя қиларди, лекин уяммас, буяммас, кўчада, қаҳвахонага

кирмаймизми, деган ногахоний таклифимни ўйлаб кўрмасданок рози бўлганининг сабабини изох-лаб беролмади. Қирғокка урилаётган тўлқинларнинг нукралари остида, терак момиқларининг навозиши таъсирида вужудга келган маъсуд дамларда у васваса ёки ундан баттаррок телбаликка йўйиши мумкин деб кўп нарсаларни айтиб беришни хоҳламадим, ҳолбуки, агар бунга ўзгача кўз билан ёки ҳаётнинг нариги соҳилидан қаралса, ҳақиқатан ҳам телбаликдан бошқа нарса эмасди. Мен унга, сира эпга келмайдиган кокили билан кизил сумкаси, шифобахш қайнаб тошган сиҳатгоҳларга таклиф этувчи рекламаларга қизиқиши, дамодам қараганларимнинг сабаби омадсиз ошик ёки хотинбоз эканим учун эмаслигини тушунтириб бердим; мен унга гул совга қилишни хоҳлардим, уни нақадар ёқтириб қолганимни билдиргим, айнаи чоқда – шу дамларда жуда-жуда бахтиёр эканлигим, у билан сайр қилиш ёқимли эканини изҳор этгим келарди, яна битта чексам, яна бир финжон чинзано ичсак, дегим келарди... Биз самимият ила эски кадрдонлардек ва хижолат чекмай дўстона суҳбатлашиб ўтирардик, бунинг устига яна-тагин гўё шундай бўлиши керак ва бу ҳаммаси табиийдек бир-биримизга узок термилиб қолардик. Агар мен табассум қилганда вагон ойнаси орқали жавоб қайтарганда одобли қизларга ҳис иффатни йўқотмаслик учун бунчалик андишага берилмай, бегона йигит кўчада гапга тутиб ҳар хил ширинликлар билан сийламоқчи ва кинога таклиф этмоқчи бўлса жавоб бермаслик учун унинг гапларини эшитмаганга олиш керак, деб истиҳола қилмас эди ва Мари-Клод сингари Маргарит ҳам хижолат чекиб ноқулай аҳволга тушмаган бўларди... Шу асно Мари-Клод менинг “ёлғиз Маргаритга аталган” табассумимни

унутди; хатто кўчада ҳам, қаҳвахонада ҳам тўғрисини айтганда чиройли табассум эди деб таърифлади ва нотаниш йигит метрода бир кармоқ ташлаб кўриш учунгина Маргаритга караб кулиб қўймаган, менинг танишиб олиш мақсадида топган бетайин воситам ҳеч муболағасиз энг тўғри ва бамаъни йўл эканлигини, шунингдек йўқ дейишга одамнинг мутлако тили бор-майдиган килиб қўйганлигини эътироф этди, албатта, ҳа, бир қадахгина чинзано ичиб, қаҳвахонада бирпас суҳбатлашиб ўтириш мумкин.

Ўзим ҳақимда нималар деганимни эслолмайман, керагидан ортик нарсаларни айтиб юбордим, шекилли, майли, зарари йўқ, асосийси ўйлаб топган ўйиним ҳақида лом-мим демадим, демак, деярли ҳеч нарса айтмагандекман. Ажойиб лахзаларнинг бирида бит-тамиз чўчимасдан ҳазил қилганда бараварига қотиб-қотиб кулдик, сўнгра карасакки, икковимиз ҳам бир хил сигаретни ёқтирар, икковимиз ҳам Кетрин Денёвнинг мухлиси эканмиз. Мари-Клод уйларининг остонасига довур кузатиб қўйишимга монелик қилмади, хайрлашаётиб ноз-истигносиз кўлини узатди ва сешанба кунни айнан шу қаҳвахонада, худди шу вақтда учрашишга розилик билдирди.

Мен такси тўхтатиб уйга жўнадим, йўлда хаёл суриб борарканман, ҳаётимда биринчи марта номаълум ва сирли бир оламга кириб қолгандек ҳис этардим ўзимни ва беихтиёр бир умр шундай бўлмайди, Мари-Клод, “Денвер-Рошро” бунчалар нажотбахш, бунчалар муқаддар дея бу номларни такрор-такрор тилга олардим ва унинг коп-кора сочлари, гапираётганда бошини ажиб бир тарзда қимирлатишлари, табассумини узоқроқ кўриб қолиш учун кўзларимни қаттиқ юмиб олдим. Биз учрашувга сираям кеч қолмасдик ва

кўрган фильмларимизни ипидан-игнасигача муҳокама килардик, ҳар сафар севган машғулотимиз ҳақида ўртоклашардик, мақсад ва маслакларимиздаги айрим тафовутларнинг сабабларини ойдинлаштиришдан баҳра олардик. Мари-Клод менинг ёнимда ўзини шундай эркин ва бахтиёр тутардики, азбаройи Худо, минг йиллик кадрдонимдек юрагининг кат-катларида йиғилиб ётган пинхоний орзуларини ҳам бемалол тўкиб солар, кўнглига бир зарра гумон ва шубҳа ораламас, бирон бетамиз, енгилтак ёки тентак қиз экан, деб ўйлаши мумкинлиги ҳақида қайғуриш тугул, мутлақо ҳаёлига ҳам келтирмасди; бизларнинг муносабатимиз нечоғлиқ қаноатлантирса, қаҳвахонада, диванга, унинг ёнига ўтиришни ҳаёлимга келтирмаганим, ҳали-хануз Фруадево кўчасида кетаётганимизда ҳали бирон марта елкасидан кучиб олмаганимга, очиги унинг бир ўзи яшаётганини била туриб ҳам – синглиси унинг тўртинчи каватдаги уйига унда-мунда бир келарди – уникига кириш учун бирон марта рухсат сўрамаганим ҳам Мари-Клод юрагида миннатдорлик туйғуларини уйғотарди.

Лекин афсуски, ўргимчаклар борлиги унинг ҳаёлига ҳам келмасди. Бошида уч-тўрт марта учрашганимизга қадар, улар мени безовта қилишмаётганди, бу ёғига мен худди ҳаммасини унутиб юборгандек бир куни эслаб қолади-ку барибир, дегандек тубсиз чоҳда яшириниб кутишарди гўё; аммо сешанба кунлари қаҳвахонада масъуд дамлар давом этарди, Мари-Клод ҳар сафар эртароқ келиб кутиб ўтирган бўлар ёки ана ҳозир эшик очиладию, қора соч, тиними йўқ хилқат нур каби ёпирилиб киради, ҳеч нарсадан беҳабар, ўзи билмаган ҳолда яна ғимирлай бошлаган менинг ичимдаги ўргимчакларга, ўйин қондасини бузилаётганига қарши курашаётган майин қўллари дамодам манглайига тушиб қолаётган, сира эпга келмас қокилини тараб-тараб кўярди.

Баъзан шундай лахзалар бўлар эдики, барибир ҳеч нарсани тушунмаётган Мари Клодга карамай, Мари Клод бўлса ҳам, яна қайта ҳукмини ўтказа бошлаган ўргимчаклар талабига итоат этмай, шу тарика ўз-ўзидан ўйин қоидаларига риоя қилмай бир муддат орқага суриб туриш учун қанчалар зўр бераётганимни сезиб қолгандек чурқ этмас ва алланимани билиб қолгандек туюларди, ҳолбуки, у минг қилмасин, барибир ҳеч нарсани тушунмас, бир нимадан умидвор каби жимгина ўтирарди. Ўргимчаклар ҳукмронлигига бутунлай аҳамият бермай барибир у билан валаклашиш, қадаҳларни тўлдириш, сигарет тутатиш ва кундалик ташвишлари, талаба синглиси ва оддий қувончлари ҳақида сўраб суриштиргим келар, ҳамда чинданам ҳаёт-мамотимни ҳал қилишга қодир ҳусну малоҳатига мафтун бўлиб, шунингдек манглайини қоплаган кора кокилларига ошуфта бўлиб ўтириш билан коникмасдим, аммо орада биз омонат ўтиришимиз мумкин бўлган ва илк бора унинг тароватли сийналари, дудокларига лабларим тегиши мумкин бўлган, унгача қўлтиқлашиб, бир-биримизни еру кўкка ишонмай унинг уйига боришимиз ва у ерда бир дақиқа ичидаёқ интизорлик билан эгни-бошимиздан мосуво бўлишимизга имкон қолдираётган чоҳ, жарлик бор эди.

Шу боис мен унга оқизмай-томизмай бор гапни айтиб бердим. Ҳали-ҳануз эсимда: Мари Клод қабристон деворига суяниб олган, мен эсам мўйнали пальтосининг ёқасига юзимни босганча тинмай гапирардим, лекин аниқ биладан, ишончим комил, у менинг қайғуларимни тушунмайди, дардларимни ҳис қилолмайди. Қисқаси, менинг сўзларим унга етиб бормаяпти. Мен унга ҳамisha бошқа йўлни танлаб, мени адойи-тамом қилган қанчадан-қанча Паулалар (қанчадан-қанча Офелиялар) би-

лан биргаликда йўқолиб кетган севги саодатга эришиш учун бўлган кичкина умидларимни пучга чиқарган ўйиннинг бутун қонун-қоидалари, пировард оқибатда яна пайдо бўладиган ўргимчаклар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб бердим. Гарчи унинг менга ёрдам бергиси, оғиримни енгил қилиш учун ёнма-ён тургиси келаётган бўлса ҳам Мари Клод кабристон деворига суянган кўйи йиглаб юборди, у дир-дир титрар, унинг мен учун қанчалар қайғураётганини ҳис қилиб мутаассир бўлардим. У мендан ҳеч нимани сўрамади, шаҳарда ҳукм сурган тақиқларга нега, қачондан буён деган саволлар бериб, мени қийнамади, шаҳарга ва унинг тақиқларига қарши турган қурилмани узил-кесил йўқ қилиш унинг ҳаёлига ҳам келмасди, фақат яраланган, кичкина жонзотнинг зорланишига ўхшаган сўник, паст овозда ҳиқиллаши ўйин тантаналари ҳамда чоҳдаги ўша ўргимчакларнинг ваҳшиёна рақсига қарши ожизона норозилик сифатида эшитиларди.

Уни уйига кузатиб қўйганимда ичкари қирмай йўлак олдида умидсизликка тушмаслик керак, ҳали нажот бор, бизнинг ҳақиқий маънодаги учрашувимиз икковимизга боғлиқ, деб тушунтирдим; энди у ҳам ўйин қоидаси нимадан иборат эканлигини билиб олди, бундан буён биз фақат бир-биримизни излаб юришимиз туфайли ҳам осонроқ кечади. Мари Клод ўз ҳисобидан икки ҳафта таътилга чиқадиган бўлди, сумкамга китоб солиб оламан, шунда бу зах ерости дунёсида вақтнинг ўтгани билинмайди, бир-биримизга дуч келиб қолишнинг турли йўллари йўлаб топишга ҳаракат қиламан, китоб ўқийман, афишаларни томоша қиламан, бесабрлик билан сени учратишдан умидвор бўламан, деди. Биз умидсизликка тушмаймиз дея бир-биримизга далда берардик, лекин шу билан бир-

га мабодо битта вагонда кўришиб колсак ҳам бу ҳали ҳеч нарсани ҳал қилмаслигини бир-биримизга эслатиб қўймоқчи бўлардик, зеро бу сафар ўзимизни-ўзимиз алдаб ёлғон туйғуларга берилмаслигимиз лозимлигини, билъакс, берилиб колсак оқибати нима билан тугашини ич-ичимиздан ҳис қилиб турар эдик. Мен ундан ортикча ташвиш чекмаслигини, метрога тушиб бемалол айланиб юришни қанда қилмаслигини, то уни излаб топгунимча икки ҳафта мобайнида йиғлаб-сиктаб ўзини қийнамаслигини илтимос қилдим. У агар шу муддат ичида бир кўришолмасак ёки кўришсагу, бироқ йўлқалар билан қоронғу йўлақлар бизни ҳар томонга олиб кетса, қаҳвахонага қайтиб боришдан ёки бир-биримизни унинг уйи олдида кутишдан фойда йўқлигини сўзсиз тушуниб етди.

Чирокларнинг сарғиш ёғдуси ёритган энг юқори пиллапоёга довура – тасаввуридаги Мари Клод хонасининг деразасига қадар кўтарилган зинапоё остида мен унинг сочларидан ҳидлаб ўпдим ва илиққина кафтини асти қўйиб юбордим. У ўзини менинг бағримга отиб, қайноқ бўсаларга интиқ лабларини тутмади, ҳаё билан ортига тисарилди ва ўгирилиб изларидан эргашиб боришимга монёлик қилгувчи, мени улардан (Ана ва Офелиялардан) ҳамиша жудо қилган беҳисоб зиналарнинг биридан яна юқорига чиқиб кетди.

Мен умидлари пучга чиққан одамдек шалвираб уйга қайтдим, ўргимчаклар безовта қилмаса ҳам тушқун кайфиятда кетиб борардим, лекин шунга қарамай бамисли мавж ура бошлаган янги умид тўлқинлари юрагимга келиб уриларди. Энди мен ўргимчаклардан қўркмасдим. Худди илгари юз берганидек ўйин яна қайта йўлга қўйилаётган эди, фарқи бу сафар тасодифан ўйинга қўшилиб қолиши мумкин бўлган қизларсиз ёлғиз Мари Клод билан ўйинни бошлаётган эдим.

Душанба куни мен эрталаб барвакт “Куронн” станциясидан метрога тушиб, кечкурун алла-паллада “Макс-Дормуа” йўналиши оркали қайтиб чиқдим, эртасига “Кримэй” дан метрога тушдим, чоршанба кунги тартибкоидага тўла риюя қилган ҳолда, яъни тўрттасида бошқа станцияларга ўтиш йўллари бўлган ўн бешта станция йўналишларидан навбати билан тушиш лозим бўлган коидаларни бузмасдан “Филип-Огюст” да метрога тушдим; даставвал мен “Севр-Монгрей” ни танлашим шарт эди, кейин ўз-ўзидан, ҳеч қандай ҳаёлга бормай, “Клишей-Порт-Доверон” ни, зеро, ўйлаб ўтирадиган нарсанинг ўзи йўқ эди, ҳолбуки, Мари Клод уйимга яқин деб, “Данфер-Рошро” ёки “Карлизо” дан чиқиши эҳтимолдан йироқ эмасди, у шундай қилса пировардида “Фальгиер” га бориш учун “Пастор” станциясидан бошқа йўналишга ўта олар эди. Мондреано дарахтиниң ҳар томонга тарвақайлаган жонсиз шохларига ўхшаб, ҳар томонга кетган йўллар, тасодифлар яратган синов – алдамчи ҳаёллардан иборат умид кўприклари. Пайшанба, жума, шанба. Платформада кўзларинг тешилгудек йўл пойлаш, термилиб туриш, сабр-тоқат билан кутиш, поездларнинг кириб келишини кузатиш, еттита ёки саккизта вагонни шатакка олиб келаётган поездларнинг секинлашуви, унинг ортидан югуриш ва охириги вагонга амаллаб илиниш – бироқ Мари Клод йўқ у ерда; кейинги станцияда тушиб, орқадан келаётган поездни кутиш, бекатдан нарироқдаги йўлдан бошқа йўналишга ўтиш, лип-лип ўтиб кетаётган поездларнинг ортидан қараб қолиш – Мари Клод йўқ; яна битта-иккита поездни ўтказиб дилинг чопган учинчисига чиқиш, охириги бекатга бориб, бошқа йўналишга ўтиш мумкин бўлган станцияга қайтиб келиш, билан Мари Клод тўртинчи вагонга ўтирган бўлса-чи, дея иккиланиш, йўловчилар

орасидан ахтаравериб кўзлар толиккач, озгина дам олиш ва тамадди қилиш учун юқорига – шаҳарга чиқиш, пировардида, аламига аччик тамакини босиб-босиб чеккач, яна пастга – метрога тушиш, ўриндикқа жойлашиб ўтирганча иккинчи, бешинчи поездларни кутиш... Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба – ўргимчаклар безовта қилмаяпти, шу сабабли ҳамон умидимни узмайман, шу сабабли “Шмен-Вер” станциясидаги мана шу ўриндикда ўтириб кутаяпман, кўлимда дафтарча, гўё, ўзга бир вақтни кашф этиш мени шанба кунги учуриб кетаётган шиддатли шамолни тўхтатиш учун ёзишдан тўхтамайди кўлим. Қачонки ҳаммаси тугагач, мен бир ўзим уйга қайтиб борганимда уларнинг ўйинини қайта тиклашим, бошқа Мари Клод, бошқа Паулаларни топишимни талаб қилиб мени жон-жаҳдлари билан қийнашади, жонимдан ўтказиб юборишади, доғда қолдириш учун тинимсиз ғимирлаб бош кўтарадилар – ҳар сафар умидлари пучга чиққандан кейин муқаррар такрорланадиган касалнинг қайталашини талаб қиладилар гўё.

Аммо бугун эндигина пайшанба, “Шмен-Вер” станциясида ўтирибман, юқорида, замин узра тун чўкмоқда, иккинчи поезднинг тўртинчи вағонида бўлмаган Мари Клод дуч келиб қолар балки, дея ўзимни умидвор қилишим мумкин эмасми?! У ойна ёнида ўтирган бўлади, ана, у мени кўриб қичқирганча ўрнидан туриб кетади, бу қичқирик овозини ҳеч ким эшитолмайди мендан бошқа ҳеч ким эшитмайди; бу менга қаратилган – мен ёпилаётган эшикка ўзимни ураман, одам билан лик тўла вағонга урилиб-сурилиб кириб оламан, хуноби ошган йўловчиларга туртиниб-суртиниб баттар диққатини ошираман ва кетидан узр сўрайман, ҳеч ким аҳамият ҳам бермайди, парво ҳам қилмайди ва ниҳоят халталар,

шамсиялар ва оёқлар билан банд ўриндик ёнига етиб
бораман – ўзининг кулранг пальтосини кийиб олган
Мари Клод эса шундоқкина ойна олдида бўлади, вагон
кескин кўзгалганда унинг қора қоқили бир кўтарилиб
тушди-ю, тиззаси узра қовушган кўллари беихтиёр
титраб кетди, худди чақиргандек, сезилар-сезилмас
титраган каби, мен ўша захотиёқ эшитаман, албатта,
эшитаман. Ҳеч нима демаслик керак, бир оғиз сўз ор-
тиқча, қолаверса ўртамизни тўсиб қўйган бегона, бефарк
башаралар билан қора кўланкалардан ҳосил бўлган
тўсиқ оша бир нима дейишнинг иложи ҳам йўқ. Бу орада
бошқа йўналишга ўтиш йўллари мавжуд учта станция
қолди. Мари Клод шу учтасидан биттасини танлаши,
платформа сахнидан юриб бориб ўтиш йўлларида
бирига ёки тўғри кўчага олиб чиқадиган зина томон
юрмоғи лозим, бу сафар у минбаъд мен тушмасликни
мўлжаллаб қўйган йўл қайси эканидан мутлақо беҳа-
бар. Поезд “Бастилия” станциясига яқинлашди, бироқ
Мари Клод кимирламай ўтираверди, йўловчилар ва-
гонга кириб чикапти, унинг ёнида жой бўшади,
мен эса жойимдан кимирламай туравераман, чунки
у ерга бориб ўтиролмаман, ҳақким йўқ, Айтаяпман-
ку, у билан ёнма-ён ўтириб ҳамдард бўлишга, унинг
ҳаяжонланишига имкон яратишга ҳақким йўқ, у
эса беҳад ҳаяжонга тушади, тоқатсизланади, мана,
“Ледрю-Роллэн”, сўнг “Фуардерб-Шалини” ҳам ортда
қолди; Мари Клод ўтиш йўллари бўлмаган бу стан-
цияларда унинг изидан боришга иложим йўқлигини
билади, шунинг учун кимирлашгаям қўрқади; ягона
умид “Ролль-Дидро” ёки “Доминил”дан алоҳа поезд
“Ролль-Дидро”га кириб келаяпти, мен унинг бу ерда
эмаслигини англаб қолишини истамаганимдан кўзла-
римни олиб қочаман. Поезд кўзгалаётганда унга секин

кўз кирим билан карайман, унинг жойида ўтирганини кўраман, истикболда биз учун энг сўнгги умид колаяпти. “Доминил”да битта ўтиш жойи бор, кўчага олиб чикадиган битта йўл бор, ҳам битта йўл, ҳам битта ўтиш жойи – ё ҳаёт, ё мамот, ё ости, ё усти.

Ана шунда биз бир-биримизга қараймиз, Мари Клод бошини кўтариб менинг юзимга тикилади, титраб-какшаб туткични маҳкам ушлаганча поезд “Доминил” платформасига келиб тўхтагани ҳамон кизил сумкачасини бағрига босиб ўрнидан тураётган кизнинг юзидан, рангида бир томчи қон қолмаган Мари Клоднинг юзидан нигоҳини узолмайди...



ШИША ИДИШДАГИ НОМА

Кадрли Гленда, ушбу нома одатдагича юборилмайди, почтахонанинг ҳамма ўрганиб кетган хатжилдлар ва маркалар билан боғлиқ таомиллари бизга тўғри келмайди. Энг яхшиси: мактубни шиша идишга жойлаб, Сан-Франциско кўрфазидан сувга улоқтирдим – мен сизга шу кўрфаз соҳилида жойлашган уйда ёзаяпман – ёки деразам узра ёзув машинкамга бир дам соя ташлаб учиб ўтаётган – ҳавони шувуллаб кесиб ўтаётган хивичданда кескинрок – баликчи қушлардан бирининг бўйнига боглаб қўйдим, деб тасаввур қилиш. Нима бўлган тақдирда ҳам Гленда Жексон, сиз қаерда бўлишингиздан қатъи назар – айти шу кунларда Лондонда бўлсангиз керак – мазкур нома сизнинг номингизга юборилапти; кўплаб мактублар ҳамда аксар ҳикоялар – бамисли денгизга ташланган шиша идишлардаги номалардир, буларнинг ҳаммаси Шекспир “Бўрон”ида тасвирланган сокин, ҳайратомуз sea-chandes*нинг сўлим манзарасини ҳосил қилаётган нукраларга айланади – орадан икки аср ўтгач, Римдаги Гай Сикст қабристонида Перси Биши Шеллининг қалби абадий ҳаловат топган қабр узра қад ростлаган мрамор тошга шоирнинг юрак-бағри қон дўстлари “Бўрон” дан олинган айнан шу сатрларни ўйиб ёздиришган эди.

Мен, муҳим номалар ёлғиз шу йўл билан юборилиши керак, деб ўйлайман – оҳиста чайқалаётган денгиз тўлкинларида қайганча оқиб бораётган шишалар

* sea-chandes – денгизда ҳавонинг ўзгариши.

сингари, менинг мактубим ҳам айнан шу тахлит, шошилмасдан, Гленда Гарсон деган актрисани эмас – ҳолбуки, бу исм ҳам сизга тегишли аслини олганда – балки ҳақиқий Глендани, яъни, фильмдан-фильмга ўзгармасдан ўзгариб борганингиздек ахлокий софлик ва муҳаббат ўзгартирмасдан ўзгартириб юбораётган ҳақиқий Глендани излаб боради. Мен, ушбу номани умр бўйи, шу жумладан, нописандлик, деб ўйла-маслигингиз учун сизга бағишлаб тўкиган ҳикоямдаги аёл сиймосини ҳам қўшиб ҳисоблаганда сон-саноксиз киёфаларда яшаб юрган ва менга – ўзингизга ўхшаб турли-туман ниқоблар остида яшириниб юрган ёзув-чига мурожаат қилганингиз учун ёзаяпман; мана шунинг шарофати билан икковимиз очиқ-ойдин гап-лашиб олиш ҳукукини қўлга киритдик; бугун, очиғи, сира кутмаганимда сиздан жавоб келди – сиз денгизга ташлаган шиша идиш Сан-Франциско кўрфазидаги қоятошларга урилиб чил-чил бўлди; буни кўриб менинг юрагим қувончга тўлди, зотан, бу қувонч замирида кўр-қувга ўхшаган бир нима мавжуд эди – кўрқув қувончнинг кушандаси бўлгани билан у қувончни бутунлай ғорат қилолмайди, худди икковимиз – бамисли сиз ҳам, мен ҳам, айнан шуни кутаётгандек васвасага солаяпти, умидларимизни пучга чиқармоқчи бўлаяпти.

Сизга хат ёзиш осон эмас, негаки сиз Гленда Гарсон ҳақида ҳеч нарса билмайсиз, ва нима учундир бесабадан-бесабаб жавобномангизни телба-тескари қилиб ўзингизга тушунтириб бермоқчи бўлаяпман; дунёда бир-бирини айнан такрорловчи нарсанинг ўзи йўқ ва бўлмайди ҳам, барчаси нарсалар ўзгарувчан ва ҳаёт ҳар қандай яқин муносабатларни бетайин нарсага айлантириб юборади; биз ўзимиз учун эмас, ўзгалар учун ижод қиламиз – нимадир яратамиз – мен ёзаман,

сиз ижро этасиз, шу боис менинг мактубим, сиз ҳеч қачон ўқимайдиган – бир кунмас-бир кун ўқирсиз, балки – лекин бошқалар ўқийдиган изҳорномага айланади, мен тасодифан бу томонларга келиб қолганим учун уч кун бурун қўлимга теккан жавоб хатингиз ҳақида одамлар аллақачон хабар топган, ишонч билан айтаман, модомики шундай бўлмоғи муқаррар экан – менимча тўғридан-тўғри ошкора алоқа қилишнинг фойдаси йўқ; фикри ожизимча, кўнглимдаги сизга айтмоқчи бўлаётган гапларни етказишнинг бирдан-бир қулай йўли менинг мактубларимни баайни адабий асар, бир ҳикоя каби ўқийдиганлар ёрдамига таянишдир – эълон қилинган ҳикоялар, менимча, худди шу тахлит тақдим этилиши керак. Мабодо, айтиб чоқда ўзим шу қоидага амал қилмай, сиз, балки, ҳеч қачон ўқимайдиган ушбу номани ёзаётган эканман, бунинг ягона сабаби мени шундай қилишга сиз мажбур этаяпсиз; назаримда, худди пайсалга солмай айнан ҳозирроқ жавоб ёзишимни сўраётгандек бўлаяпсиз.

Энди сиз билишингиз мумкин бўлмайтуриб биладиган нарсалар ҳақида ёзаман. Икки ҳафта бурун мексикалик ношир дўстим, Вилгельм Шавельсон кейинги йилларда эълон қилинган ҳикояларимни тўплаб ва шу тўпламдан ўрин олган ҳикоялардан бирининг сарлавҳаси билан, “Биз Глендани шундай яхши кўрардик” деб номланган тўпламнинг дастлабки нусхаларини менга топширди. Ҳикоялар, табиийки, испан тилида ёзилган; яқин йиллар ичида бошқа тилларга таржима қилишади; китоб чиққанига эндигина бир ҳафта бўлди, энди-энди Мехикодаги китоб дўконларига тарқатилди, шу важдан ишончим комилки, сиз уни Лондонда бўлатуриб ҳали ўқишга улгурмагансиз, дарвоқе, у ерда менинг китобимни ўқийдиган кимсалар

бармок билан санарли даражада оз, колаверса, китоб испан тилида – бу эса деярли ҳеч ким ўқимайди дегани. Шунинг учун ҳикоялардан бирининг сюжетини айтиб беришим шарт, лекин шунинг баробарида? кўнглим сезяпти – рўй берган ҳодисанинг таҳликага солувчи мулҳамлиги ҳам шундан иборат – бундан заррача натижа чиқмайди, чунки сизни – канака қилиб, буни фақат ўша новеллани ўқиб чиқиб билиш мумкин – ҳаммасидан хабарингиз бор; соғлом фикрдан туғилган далил-исботлар у ёқда турсин, соғлом фикрнинг ўзига ҳам қарамай ҳозиргина сиздан келган жавобнома мени шу йўлга соляпти, яъни тайини йўқ воқелик билан юзма-юз келиб, бунинг таъсирида шундай қилаяпман, агар Гленда шуларнинг бари бетайинлик бўлса, мен ундай, деб ўйламайман, ваҳоланки бунинг нималигига на сизнинг, на менинг ақлимиз етади.

Эсласангиз керак – тўғриси, умрингизда ўқимаган нарсани қаердан ҳам эслайсиз, лоақал, китоб саҳифаларида хали босмахона бўёқлари қуриб улгурмаган бўлса – ўша ҳикояда сизга, сизнинг тимсолингиздаги актриса Гленда Гарсонга бўлган фидоий меҳр-муҳаббат туфайли жипслашган Буэнос-Айресдаги махфий бир тўғарак ҳақида сўз боради, бироқ ўша актрисанинг кино ва театрда ижро этган роллари хусусида батафсил ва аниқ маълумотлар баён этилганлигидан, ҳикояни ўқиган ҳар қандай мухлисингиз уни сиз ҳақингизда ёзилганлигига шубҳа қилмайди. У жудаям содда: тўғарак аъзолари Глендани шу қадар яхши кўришадики, актриса сифатида эришган юксак камолотингизга – ҳақиқий ихлосмандлар, чинакам истеъдодни қадрлайдиганлар шу нарсани орзу қиладилар ва санъаткордан шуни кутадилар, зеро, суратга олиш жараёнида сиз ҳам шак-шубҳасиз шунга интилгансиз – ўрта миёна режис-

сёрлар доғ туширишларига токат қилолмайдилар. Асосий мақсади инсон қалбини поклашдан ўзга муроди бўлмаган ҳар қандай бадиий асарда, гуноҳлардан фориғ қилувчи қурбон билан боғлиқ воқеалар энг юқори нуктасига етганида инсон кўнглида азалий орзулар – ҳақиқат, адолат, ор-номусга интилиш туйғулари жўш уради, ушбу ҳикояда ҳам шундай, юксак ахлоқ, маънавий гўзаллик ўзининг ҳалоскорлик хусусиятини намойиш этади ва провардида тўғарак аъзолари Гленда Гарсон иштирок этган фильм нусхаларини излаб топиш ва қўлга киритиш учун бор имкониятларини ишга соладилар ва асл нусхадаги кечириб бўлмайдиган камчиликлар, қоникарсиз саҳналарни қирқиб ташлайдилар ёки ўзгартириб қўядилар. Фараз қиламан, сиз улар сингари бунақа ишларни ҳаётда амалга ошириб бўлмаслиги ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмайсиз, новеллада шулар ортикча тафсилотсиз баён қилинади; ҳаммаси фидойилик шарофати ҳамда пулнинг қудрати эвазига ҳал қилинади; пировардида, тўғарак аъзолари олдиларига қўйилган вазифани бажариб, чексиз бахт-саодатга эришадилар. Ҳолбуки, бахт-саодатнинг асосий сабаби ўша куни сизнинг театр ва кино оламини тарк этганингиз тўғрисидаги азму қарорингизни эълон қилишингиз эди – сиз, ўзингиз билмаган ҳолда тўғарак фаолиятига якун ясадингиз, акс ҳолда бугун бўлмаса эртага яратиладиган янги фильмларда ижро этган ролларингиз мухлисларингиз бажарган ёки амалга оширган ишларни йўққа чиқарарди, шу тариқа уларнинг фаолиятига узил-кесил камолот бахш этдингиз.

Ўзингиз билмаган ҳолда... Эҳ, Гленда, Гленда, мен ҳикоянинг муаллифиман, уни ёзаётган пайтимда менга ҳар қанча тушунарли туюлгани билан ҳозир бундай, деб айтолмайман. Айни пайтда жавоб хатингизни ўқиб

чикдиму, ажабо, ақлга сиғмайдиган алланима Гленда Гарсоннинг кино оламини тарк этиши – асосланмаган, сунъий, сиз мутлақо беҳабар бўлган тўғаракнинг фаолиятига зўрма зўраки, сунъий равишда боғланганини тан олишга мажбур қилапти. Ҳикоя ҳар қанча оғир ва машъум якунланганига қарамай охиригача айтиб бераман сизга, бундай қилмасликнинг иложи йўқ, чунки новелла ҳақиқатан мен айтиб берганимдек тугаган, қолаверса, китобнинг чиққанига ўн кундан ошганлигини эътиборга олсак, мексикалик ўқувчилар аллақачон ўқиб чиқишган, бинобарин, улар билишади, асосийси сиз ҳам бундан беҳабар эканлигингиз учун айтиб беришга мажбурман. Ҳаммаси оддийгина: бир йил ўтар-ўтмас Гленда Гарсон яна кино оламига қайтиб, ижод билан шуғулланишга қарор қилгани ҳақидаги ахборотни газетадан ўқиб саросимага тушган тўғарак аъзоларининг ўзлари, энди бўлди, ҳаммаси тугади, деб умидлари пучга чиқади, зеро, улар бажарган ишларини яна қайтадан бошлашнинг сираям иложи йўқлигини тан олишга мажбур бўладилар. Амалга оширган ишларига путур етмаслиги ва шунча машаққатлар эвазига қўлга киритган бахту саодатларини асраб қолишнинг биттаю битта чораси Гленда Гарсоннинг эълон қилинган янги фильмда суратга тушишига нима қилиб бўлмасин йўл қўймаслик керак, деган қарорга келадилар.

Китобдаги ҳикоялардан бири, сезган бўлсангиз, мана шунақа – ғайритабиий ёхуд ишониш қийин воқеалар негизига қурилган; Мехикодан жўнаб кетаётганда ношир қўлимга тутқазган тўпламдан ўрин олган бошқа новеллалар ҳам худди шу йўналишда ёзилган. Бутун бошли китобнинг мазкур ҳикоя номи билан аталишига эса, бир замонлар, Лондондаги “Олдвич” театри сахнасида Маркиз де Саднинг яланғоч баданига

сочларингизнинг ипакдан тўқилган қамчиндек тир-силлаб урилаётганини кўрганимдан буён исмингиз ва рухсорингиз туфайли кўнглимда муҳаббатнинг гўзал таронаси хануз садо бериб турганлиги сабаб бўлса керак; лекин унинг кимматини янада ошириш мақсадида бу новеллани тўпламдаги бошқа ҳикоялардан ажратиб, қачон китобга сарлавҳа қилиб қўйганимни аниқ эслаёлмайман; зеро, мен уч кун аввал шу ерда – Сан Францискода кўрган сизнинг сўнгги фильмингизга ҳам кимдир, – ўша кимдир, “Hopsotch” нима эканини биладиган таржимонга ўхшайди – “Сопалак ўйини”, деб ном берибди. Шиша идишларда юборилган номалар Гленда, ўз эгасининг қўлига тегди, бироқ улар сузиб борган уммон – кемалар билан балиқчи қушларнинг уммони эмас!

Фильмнинг афишасига дастлаб кўзим тушган чокда ўзимча истехзо билан кулимсираб қўйдим, сабаби, мен Сан Францискога Беркли дорилфунунининг талабаларига айнан шу номдаги романим хусусида маъруза қилгани келган эдим, энди фильм билан менинг романим номларининг айнан бир хил экани ҳақида ўз тахминларим билан талабалар эътиборини жалб қилиб, уларни қизиқтиришим мумкин бўлган қулай имконият тугилганди. Мен сизга айтсам, Гленда, бош қаҳрамон суратини кўриб, умримда биринчи марта чинакам кўркув нималигини тушуниб етдим. Мехикодан муқовасида сизнинг исмингиз ёзилган китоб билан келиб, романларимдан бирининг номи билан аталган фильм афишаларида сизнинг исмингизни кўрсам – аслида бу имкон бўлди, дегунча тақдирнинг менга кўрсатадиган каромати, бу ҳали ҳаммаси эмас, қоп-қоронғу залда шиша чил-чил синмагунча аҳамият беришга арзимайдиган, деб юрардим, энди ҳаммасини англаб етдим, бу

менга юборган жавобингиз эди, такрор айтаман, менга йўллаган жавобномангиз эди, ишонмайман ва ишонишни ҳам истамайман, бунинг бир жазо эканига.

Йўқ, бу интиком эмас, эҳтимол, бу жамики тупроқдан ташқарида жойлашган замин бўйлаб саёҳат қилишга чорлаш. Фильмнинг ўзи – жўн ва танқиддан тубан турарди, у олди-қочди, жосуслик мавзуида ёзилган роман асосида суратга олинган, бинобарин, Гленда, унинг сизга ҳам, менга ҳам заррача тааллуқли ери йўқ; шунинг учун бўлса керак, бу бемаза, мислсиз даражада бетайин, дидсиз тамошабинлар эҳтиёжини қондиришгагина ярайдиган фильм алланимани, тасаввурга сиғдириш мумкин бўлмаган бир нимани яшираётгандек туюлди менга, модомики бундай фильм орқали менга ҳеч нарсани ойдинлаштириб беролмас экансиз ва ҳарқалай сиз – айни чокда Гленда Жексон экансиз ҳамда шунақа номдаги фильмда суратга тушишга жон дилингиз билан розилик билдирган экансиз, буни менинг ҳикоям қаҳрамони Гленда Гарсоннинг иши деб ўйламасликка сира иложим йўқ. Фильмнинг – зерикарли, жосуслар ҳаётидан олинган комедия – мен ёзган асарга мутлақо алоқаси йўқлигининг ўзиёқ бир нарсани менга аниқ-равшан исботлаб турибди: бунда – махфий шартли белгилар – сигналлар, олдиндан аллақайси газета ёки китоб саҳифасидаги келишилган сўзларга янги маъно бахш этарди – буни шу номага алоқаси бор одамгина ўқиб тушуна олади. Чинданам шундай, Гленада, гапимга ишонаверинг. Ана энди ўзингиз айтинг, менга хабарнома юборган ва ҳеч қандай мантикий далил-исботни тан олмайдиган одамга аллақандай далиллар келтиришнинг ҳожати борми?! Мен буларнинг ҳаммасини ўзгаларга, менинг ҳикоямни ўқийдиган ва сизнинг фильмингизни, албатта, кўра-

диганларга айтаяпман: мен бизнинг бир-биримизга нома юбориб мулокот қилишимизга воситалик қилувчи соддадил китобхонлар ва кинотомошабинларни назарда тутаяпман, зеро, куни кеча нашрдан чиққан ҳикоя, куни кеча экран юзини кўрган фильм ҳамда ушбу мактуб ҳам қай маънодадир худди шундай вазифани бажаради.

Энди қисқагина хулоса қилсам, очиги, бунинг икковимиз учун ҳам унчалик қизиғи йўқ. Фильмда сиз бир замонлар ўзи ҳамкорлик қилган, эндиликда эса ўша ЦРУ, ФБР, КГБ сингари ташкилотларни йўқ қилиш пайига тушиб, уларнинг жирканч қилмишларини фош этувчи, “Hopscotch” деган китоб ёзаётган жосусни севасиз, ана шу севги хурмати садоқат билан унга ёрдам берасиз, яъни бахтсиз ҳодиса уюштирасиз ва оқибатда душманлари уни ўлдига чиқаришиб, изламай кўйишади, бунинг эвазига сиз дунёнинг бир чеккасида тинч ва осойишта ҳаёт кечири бошлайсиз. Дўстингиз ёзаётган асарини тугатади ва “Hopscotch” номи билан – лекин бу менинг романим эмас – нашр эттиради, мабодо мазкур китоб бозоргир китоблар чиқаришга ишқивоз ношир кўлига тушганда бу асарни испан тилида чиқарса борми, унинг номи шубҳасиз “Сопалак ўйини” бўлур эди. Фильм ниҳоясида китоб дўкони расталарида ғарам-ғарам тахланиб ётган китоблар кўрсатилади; балки бундан бир неча йил муқаддам “Пантеон Букс” нашр этганда Шимолий Америкадаги китоб дўконларида менинг романим ҳам худди шундай чанг босиб ётган бўлса керак. Куни кеча Мехикода нашр этилган ҳикояда мен сизни Гленда Жексон, рамзий маънода ўлдираман; фильмда эса худди шу йўл билан “Hopscotch” китобининг муаллифини рамзий маънода ўлимга маҳкум этишларига сиз сабаб бўласиз. Фильмда сиз доимгидек ёш ва соҳибжамол киз ролини ижро этасиз, сизнинг дўс-

тингиз эса менга ўхшаган кекса адиб. Тўғарак аъзола-ри бўлган дўстларимга кўшилиб мен ҳам шуни англаб етдимки, факатгина Гленда Гарсоннинг ғойиб бўлиши туфайли бизнинг севгимиз абадул абад қарор топади; сиз ҳам англаб етгансизки, чинакам севги-муҳаббатни саклаб қолиш учун дўстингиз бадар йўқолмоғи лозим. Ана энди безовта қилаётган аллакандай гулғула, кўркув ҳисси билан мактубимни тугатар эканман, шу нарсани англаяпманки, Сизнинг номангиз – асло интиқом эмас, у бағоят гўзал монандликни юзага келтираяпти, менинг ҳикоям қаҳрамони фильмингиз қаҳрамони билан якна-фасдир, чунки сиз шуни хоҳлагансиз, чунки муҳаббат тантанаси учун кўш ўлимгина уларни бирлаштира олади. Бу заминда, ҳеч қандай қибланамо йўл кўрсатиб беролмайдиган маконда биз Сиз билан Гленда – мен кўрфаздаги уйимда мактубни якунлар эканман, Сиз эса аллакаерда, эҳтимол Лондонда, сахнага чиқиш олдидан пардоз қилаётган ёхуд бирор янги фильмдаги ролни ёд олаётган маҳал бир-биримизга тикилиб қоламиз.

Калифорния, Беркли, 1980 йил, 29 сентябрь



“МОНТЕКИЛЬЯ”НИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

– Бунакасини фақат ва фақат бизнинг Перальта ўйлаб топиши мумкин – қойил қолиш керак унга! – табиийки ҳар доимгидек тафсилотларини ҳижжалаб тушунтириб ўтирмади-ю, лекин бу сафар одатига ҳилоф равишда очикрок йўл-йўриқ бера туриб, бу ўғирланган мактуб ҳақидаги латифага ўхшайди, деб ишора қилиб қўйди. Эстевес аввалига ҳеч нарсани англамади ва кейинчи, дегандек давомини кутиб Перальтадан кўз узмай тураверди. Бироқ Перальта гапни қўпайтиргиси келмай, елка қисиб қўйди-да, унга бокс бўйича ўтказиладиган мусобақага чипта тутқазди. Эстевес сарик ранг узра қизил тусда катта қилиб ёзилган уч рақамини кўрди, аммо ундан олдинроқ аниқ-равшан қилиб ёзилган Монсон-Наполес – буни энди кутмаганди! – деган номларга кўзи тушди. Иккинчи чиптани, – деди Перальта, Вольтерга етказиб беришади. Сен беллашув бошланишидан олдинроқ бориб турасан (Перальта ҳеч қачон гапини икки марта такрорламаслигини билгани учун Эстевес жон қулоғи билан эшитарди). Вольтер эса – асосий олишувдан аввал ўтадиган беллашувнинг ўрталарида келади, унинг жойи сенинг ёнингда, ўнг томонингда, ҳушёр бўлиб тур: охирги дақиқаларда шовқин-сурон бошланади, ҳамманинг яқинроқ ўтириб олгиси келади, ана шу пайтда янаям ишонч ҳосил қилиб олиш учун испан тилида бирон нима сўра. Уни хиппилар елкасига осиб юрадиган латтадан тикилган

халтаси бўлади, ўшани ўртангизга, скамейкага кўяди, мабодо стуллар қўйилган бўлса – полга кўяди. Факат бокс ҳақида гапирасан, ҳушёр ўтир жуда (кулоғинг динг бўлсин) – атрофингда мексикалик ёки аргентиналиклар бўлиб қолиши мумкин, пакетни сумкага солишдан аввал текшириб кўр. Вольтер сумкани олдинрок очиб қўйиш кераклигини биладими? – деб сўради Эстьевес. Ҳа, билади, – деди худди ёқасига кўнган пашшани ҳайдаётгандек, елкасига қараб, жавоб килди Перальта. Лекин шошилма, охирроғига борганда ҳеч ким атрофига алангламайди, фикри хаёли рингда бўлади, шунда ҳаракат кил солиб қўйишга. Аренада Монсон қолганда ҳамманинг кўзи ўшанда бўлади, шу пайтдами, – деди Эстьевес ёки “Монтекилья” қолганда, фарқи йўқ, – деди Перальта. Хол қўйиб юрма тағин. Биринчи бўлиб Вольтер чиқиб кетади, сен одамлар таркала бошлаганда – фақат бошқа томондан кетасан.

У метрода “Дефанс” станциясига кетаётганда ҳаммасини яна бир карра ҳаёлидан ўтказиб чиқди. Вагонда одам кўп, кўпчилиги эркаклар, сиёҳига қараганда улар ҳам Эстьевесга ўхшаб бокс кўргани кетишяпти, шекилли, аксари Монсон икки марта уриб энка-тенкасини чиқариб ташлаган, ишонган тоғлари – Буттянинг шармандали мағлубиятидан кейин ташвишга тушган ва ҳали боксёрларнинг реванш олишидан умидини батамом узмаган французлар эди. Эҳтимол улар Монсоннинг қандай қилиб бўлса ҳам реванш олишига ҳалиям ишонишар, балки ич-ичларида, пинҳоний равишда умидларини узишгандир. Лекин Перальтага қойил қолиш керак, башарти ўзи келиб топширдими бу вазифани, демак бекорга эмас, бирор жиддий иш бўлса керак, лекин нима бўлган тақдирда ҳам баҳонада шундай оламшумул беллашувни ўз кўзим билан

кўраман, ҳар кимга ҳам насиб этавермайди бунақа омад, миллионерларгина бориши мумкин фақат, менга ўхшаганларга йўл бўлсин! Перальтанинг ўғирланган хатга шамасини энди тушунди, эҳ-ҳе, Вольтер билан бокс мусобақасида учрашиши кимни хаёлига келибди дейсиз, гап уларнинг учрашувида эмас, уни Парижнинг истаган ерида ўтказиш мумкин, бунақа жой сон минг – гап Перальтанинг ҳаммасини ипидан игнасиғача ўйлаб, пишитиб олишида! Уларни қармоққа илинтириши мумкин бўлганлар, асосан қаҳвахона, кинотеатр, битта-яримтанинг уйини мўлжаллаши турган гап, бироқ, мабодо кимсан Ален Делон қурган чодирга бурунларини тикқудек бўлсалар борми – ана унда кўринг томошани, уларнинг ҳунари ўтармиди: жаҳон чемпиони деган номга даъвогарларнинг беллашуви бўлса, ҳазилакамми! – Парижнинг манаман деган бойваччаси борки, келади – пул кетса кетсин, обрў кетмасин – фақат мана-винақа сарғиш чипталар бўлса бас, газеталарда ёзишларига ҳам бир ҳафта аввал сотиб тугатилган!

Боринг-ки, – бунинг учун ҳам Перальтага раҳмат – уни ё Вольтернинг изига тушган айғокчилар ҳар қанча олғир ва уддабурро бўлмайди, уларни на кираётганда, на чиқаётганда юзма-юз кўрмайди, метрода, автобусларда келаётган сон-саноксиз ишқивозлар издиҳоми орасидан, қолаверса беллашув бошланиши яқинлашган сари одамлар оқими камайиш ўрнига кўпайиб борса – иккита ишқивозга ким ҳам эътибор берарди, ё нотўғрими?

Вой Ален Делоннинг учарлигини! Тасаввур қилинг, бир хароба – ташландиқ майдоннинг қоқ ўртасида баҳайбат кўчма чодир, у жойга бориш учун осма кўприкдан ўтилади, у ёғига оёқ остига ташлаб қўйилган тахталардан юриб борилади. Кечаси билан

шаррос ёмғир қуйган, ҳамма ёқ пилч-пилч лой, одамлар лой сачратмаслик учун эҳтиёт бўлиб, секин оёқ босишади, метродан чикқанинг ҳамона кадамингда рангли кўрсаткичлар-у, “Монсон-Наполес” деган улкан афиша – йўл кўрсатиб турибди. Қойилман-ей Ален Делонга, шу кўрсаткич белгиларни метронинг дахлсиз деворларига ҳам ёпиштиришни эплабдими, отасига раҳмат! Пулнияма роса сочиб ташлагандир; Эстьевеснинг ўша уддабурро тадбиркорга бироз гашиям келди – осмон қўлингда бўлса, ташлаб юбор-а! – ўз ҳисобидан бокс бўйича жаҳон чемпиони унвони учун беллашув ўтказяпти, брезентдан анови баҳайбат иншоотни куриб қўйибди, бирни ўнга айлантиряпти қискаси – ана бизнес-у, мана бизнес, таҳсинга сазовор эмасми, бунака учрашув – Монсон билан Наполес – беллашувни қаранг, гап йўқ, ранг-баранг афишалар-чи, бундан ташқари метродаги рекламалар – худди мана кўриб қўйинг ишқивозларни қандай кутиб олишимни – тантиликми, айтинг, ўғил боланинг иши мана шунака бўлади, тўғрими, акс ҳолда ҳозир ур-йикит, тўполонни кўрардингиз, лой-балчик... э-э...

Эстьевес ҳўп пайтида келган экан: зал одамга лик тўлиб бўлибди. У эшик олдида бир лаҳза тўхтаб, атрофга кўз югуртирди: полиция машиналари, ойналар, пардалар билан тўсилган трейлерлар, усти ёпик йўлкалар, тўғри чодирга олиб кирадиган зинапоялар...

Боксчилар ўшанда бўлишса керак, деб ўйлади Эстьевес, бизнинг Карлитос анави яп-янги, ярақлаб турган оппоқ трейлердалиги аниқ. У шунга муносиб, Наполеснинг трейлери нариги тарафдадир, эҳтимол, бу ерда ҳаммаси жой-жойига қўйилган, шу билан бирга шоша-пиша куриб ташлангани сезилиб турарди, тўғри-да, катталигини қаранг – бор-йўғи брезентдан

кўтарилган яна! Пул бўлса – чангалда шўрва, деб бежиз айтишмаган?! Эстьевес маъюсгина хўрсиниб қўйди, асо-сийси – калла билан таваккал қилишдан кўркмасанг бўлди, огайни!

Унинг ўрни гир айланаси пишиқ аркон билан ўралган рингга якин – бешинчи каторда экан, умуман томошагоҳга йирик рақамлар ёзиб белгилаб қўйилган оддийгина ўриндиклар ўрнатилганди, рингга келганда Делоннинг хизматига кўз текканга ўхшайди, бу ёғи ўртамиёна цирк шароитидан ортикча фарқ қилмас, тасаввурга сиғмайдиган даражада калта юбкали ёш-ёш паттачи кизларни кўрган одамнинг бирор эътироз билдиришига ўрин қолмасди. Эстьевес гарчи қайси томонга юриши лозимлигини билса-да, кизчалардан бири гул-гул очилганча унинг ёнига келди ва худди у бир саводсиз, чиптада кўрсатилган жойини тополмайдиган овсар одамдек, уни бошлаб бешинчи каторнинг бошланғич қисмигача кузатиб қўйди. Эстьевес бориб ўтирди ва ўзини бепарвогина тутиб, уф тортди-да, қўлидаги газетани варақлашга тушди, кейин тагимга қўйиб оларман, деб хаёлидан кечирди. Ўзича чамалади: ўнг томонимга ўтиради, пул билан хужжатлар чап чўнтагида, зарур пайтда олиб, тиззасига қўяди шошилмасдан, бамайлихотир атроф-теваракка алангламай туриб, очиб қўйилган сумкага тикади.

Вақт имиллаб ўтарди, Эстьевес Мариса билан кенжатойини эслади, ҳозир кечки овқатни еб бўлиш-гандир, деб кўнглидан кечирди, кенжатойи ухлаётган бўлиши ҳам мумкин. Мориса, эҳтимол, телевизор кўраётгандир. Бугунги беллашувни кўрсатишса, албатта, кўради; у, табиийки, шу мусобақа бўлаётганда ўла қолса ҳам мен ўша ерда эдим демайди, кейинчалик, ҳаммаси тинчиб кетгандан кейин айтмаса, ҳозирча бу хусусда

оғиз очмайди. У эснаб-эснаб яна газетани вараклади (Мориса боксни охиригача кўрса борми, Наполес билан Монсон ҳақида фикрларини билдира бошлайди, ана унда кўр томошани, ўзингни тутиб бера оласанми – ҳеч қачон. Вьетнамга оид хабарлар билан полиция маълумотлари эълон қилинган саҳифани синчиклаб қараб чиққунча, зал деярли тўлди, орқа томонида бир тўда француз Наполеснинг имкониятлари хусусида талашиб-тортишарди, чап тарафига бир ғалати фендриқ жойлашиб олди. Раҳи бузилмаган шимини эҳтиёт қилиб, ўриндикни бошдан-оёқ пайпаслаб, кафти билан сийпалаётганда бир йигит билан қиз жойлашган уч кишидан иборат улфатлар ўтирар, бири олиб, бири қўйиб испанчалаб мексика шевасида тинмай бидирлашарди. Очиғи, Эстьевес уларнинг гапини сира тушунмади, бироқ, ким-ким, мексикалик ишқибозлар тикилиб кетганди: уларнинг Наполеси – буни қаранг! – келиб-келиб Монсоннинг тожига кўз тикканига ўласанми-қоласанми? Эстьевеснинг ўнг ёнидаги бир нечта ўриндик ҳали бўш турарди, лекин кираверишида одам ғужғон ўйнар, қўли-қўлига тегмаётган паттачилар амал-тақал тартиб-интизомни сақлашарди. Эстьевеснинг назарида, ринг кўзни олгулик даражада ёритилгани ва кетма-кет қулоқни қоматга келтириб поп-музика янграётганига қарамай тамошабинлар сезмаган каби пинагини бузмас, уларнинг нигоҳи зерикарли, бош билан қалтис ҳаракатлару клинчга* киришдан бошқа томоша қилишга арзимайдиган беллашувда эди. Вольтер ёнига келиб ўтирган пайтда Эстьевес залда, жилакурса, унинг ёнида биронта боксни чинакамига тушунадиган ишқибоз йўқлиги, ҳаммаси нодон гумроҳлару, олифтагарчиликдан бошқасини билмайдиган мир-

*Gliela messo in culo – Роса таъзирини берди.

куруклар экани хакида хуноби тўққиз бўлиб ўйлаб ўтирарди, уларга барибир Монсон билан Наполесни кўришса бўлгани.

– Кечирасиз, – деди Вольтер Эстевес билан ўзига ўхшаб семириб кетган эрининг тиззасига деярли ёнбошлаб олган бир бакалоқ хотиннинг ўртасига сукулиб ўтирар экан.

– Кулайроқ ўтириб олинг, – деди Эстьевес. – Ҳа, осон эмас, бу французлар факат нозик аёлларни бежиз яхши кўришмас экан.

Вольтер мийиғида кулиб қўйди, Эстьевес бўлса минг бир андиша билан – худо кўрсатмасин, кўк шимли нусханики тутиб колса-чи?! – чап томонга сурилди; пировардида Вольтер билан унинг орасида озгина жой очилди-ю, Вольтер тиззасидаги сумкани олиб ўриндикка қўйди. Иккинчи жуфтликнинг жанги бошланиб кетганди – буниси ҳам ланж, шу чок томошабинларнинг эътиборини залда пайдо бўлган бир тўда мексикаликлар жалб этди, уларнинг бошларига чарро билан сомбреро бўлганига карамай устларидаги кийимлари жуда башангэди, албатта, бунака бойлар учун битта самолётда ғирр этиб Мексикадан Монтекильяга учиб келиш – карнайчидан бир пуф; ҳаммалари ғўлабирдан келган, калтабақай, суйинлари тирсиллаган ва афт-башаралари худди Панчо Вильянинг ўзгинаси, бақир-чақирлари авжида, гўё Наполес рингда юргандек сомбрероларини ирғитишганига ўласанми – биронтаси ринг теграсидаги биринчи қаторда жойлашган ўрнига бориб ўтиролмайди. Ален Делонни айтмайсизми, уддабурролигини, ҳаммасини бекаму кўст ҳозирлаб қўйган-а: туйқус карнайлардан мексикаликлар коррида-сига ўхшаш аллақандай куй янграб қолди-ю! Очиғи, улар кадрдон мусикаларини эшитиб, руҳланиш тугул,

хатто пайкашмади ҳам. Эстьевес билан Вольтер кўз уриштириб бир-бирига жилмайиб қўйишган чокда рўпарадаги йўлкадан “Аргентина! Аргентина!” деган ҳайқириклар янгради ва олдинда 5-6 та оппок свитер кийган амма-холалар бошлаб келаётган оломон кўринди-ю, бу издихомнинг нариги тарафида Аргентина давлатининг улкан байроғи фавворанинг жўшқин сувлари янглиғ хавога отилди. Мана шу тўда паттачи қизлардан иборат тўсикни янчиб, ўриндиклар ёқалаб пастга – тўғри ринг сари туша бошлади, рингда пишириб қўйибдимиди уларга! Йўқ, бакириб-чакириб ўпкалари хиёл босилгач, калта юбка кийган офатижон қизлар келиб, оппок тишларини яраклатиб, тиржайганча уларни девдек-девдек азаматлар ёрдамида йўлакай бир нималарни тушунтирган қўйи икки қатор бўш ўриндиққа ўтказиб қўйишди. Аргентиналик аёллар майкасининг ортига катта-катта килиб, қора рангда “Монсон” деб ёзиб қўйилган эди. Мана шу кий-чув, шовқин-сурон бошқа томошабинларнинг завқини тоширар, тўлқинлантирар – улар ўзларини тутолмай, ўринларидан туриб кетган ва беихтиёр буларга тақлид қилган каби қийқиришарди, қолганлар эса ортиқча аҳамият беришмасди, боксчиларнинг миллати француз бўлмаганидан кейин нима қизиғи бор дунёни бошига кўтариб бакиришнинг?! Учинчи беллашувда боксчилар гладиаторлар сингари аёвсиз ва қўрқув нималигини билмай олишардилар – ҳолбуки, Ален Делон булардан ҳеч қанака манфаат кутмаган ва уларнинг нархини ошириб ҳам юбормаган бўлса керак; ростданам трейлерда бокс дунёсининг чинакам наҳанглари навбат кутиб ўтиришган, бунинг устига томошабинлар фақат ўшалар учун бу чодирга келишган бўлса – бу зангарчаларнинг аёвсизлиги-ю, ёвқурлигидан нима фойда!

Дафъатан Эстьевеснинг эти жимираб, томоғига бир нима тикилгандек бўлди (чучмал шеърлар ёзган хаёлпараст шоирлар юрак торларини биров чертгандек бўлди, деб таърифлашса керак, бундай холатни): микрофонлардан танго садолари таралди, бу куйни маэстро Освальдо Пуглиес оркестри ижро этаётган бўлса керак. Ана энди Вольтер унга тикилиб ва қандайдир яхши кўриб қарагандек бўлди-ю, Эстьевес, ҳамюртим, шекилли, дея тўлқинланиб кетди. Умуман олганда, боксчилар шаънига айтган икки-уч оғиз танбеҳона сўзларини айтмаса, улар ҳам тузукрок гаплашаётган эдилар, йўқ, ҳарқалай у на уругвайлик, на чилилик эмас, демак савол-жавоб қилишнинг ҳожати йўқ. Перальтанинг кўрсатмаси ёдида ҳали – эси паст одам ҳам эсдан чиқармайдиган қилиб айтган: ёнма-ён ўтирасан – бир, икковинг ҳам – тасодифни қаранг! – испан тилида гапирасан – икки, кейин куён –уч!

– Ана энди бошланади зўри! – деди Эстьевес норози оҳангдаги қийқирик ва ҳуштакларнинг шовқинига эътибор ҳам қилмай; ҳамма ўрнидан туриб кетган, чап томонда бўкирган овозлар, давомли қарсақлар янграган, сомбреролар ҳавога учган... Монтекилья югурганича рингга чикиб келди, прожекторларнинг нури янаям равшанлашгандек бўлди, лекин ҳамма ўгирилиб ўнг тарафга қаради, у томонда ортикча шовқин, бесаранжомлик сезилмади, гулдирос қарсақлар шов-шув ўрнига кутиш фурсатларида содир бўладиган бир маромдаги ола-ғовур тўлқини унгача зўрға етиб келарди; Вольтер билан Эстьевес ўтирган ердан рингнинг нариги бурчагига олиб борадиган йўлка кўринмасди, кутилмаганда бир сония сукунат чўкди ва ўша заҳоти кетидан кулоқни коматга келтиргудек хайқирик янгради, ҳа, ана энди икковининг ҳам ринг

тўсиғининг ёнгинасидаги Монсонга кўзи тушди: Монсон уларга орқа ўгириб олганча команда аъзолари билан суҳбатлашиб турарди, Наполес у томонга кела бошлади, оҳанрабо чакинлари остида бош ирғаб саломлашдилар, судья микрофон туширишларини кутаяпти. Томошабинлар секин-секин тинчиб, ўриндиларига жойлаша бошладилар, фақат битта-яримта сомбреро нариги тарафга учиб коларди, кимдир эрмак топилганидан хурсанд бўлди, шекилли, шляпани ҳавода ушлаб, учиб келган томонга улоқтирди – афсуски, томоша бошланиб кетгани боис қурмағур бош кийимининг бумерангга ўхшаб ажабтовур тарзда орқага қайтиб кетишидек антика манзара ҳеч кимнинг диққат-эътиборини жалб этолмади. Чунки Жорж Карпентье, Нино Бенвенути, Франция чемпиони Жан Клод Буттъелар ўзларини таништиришди, табрик сўзлари янгради, қарсақлар, фотокамераларнинг чакмокдек чакнаши тинмайди, тез орада рингда ҳеч ким қолмайди, Мексика Давлат мадҳияси тантанавор оҳангда янграйди, яна сомбреролар ҳавода чарх уради, ниҳоят Аргентинанинг Давлат мадҳияси бошланмасидан аввалроқ улкан кўкиштоб байроқ кўтарилди: Эстьевес билан Вольтер кимир этмай ўтиришади, аммо Эстьевеснинг юраги учишга чоғланган каптардек потирлайди, бундай қилишга ҳақки йўқ, бундай қилса хато бўлади, нима кераги бор бунақа қалтис ишнинг, ён-верида биронта аргентиналик йўқ экан, ҳўп, яхшиям лоақал шунга эътибор берибсан, уларнинг ҳаммаси – аргентиналиклар дея байроқ кўтарганча мадҳиянинг сўнгги сатрларини айтишяпти, кўкиштоп энли мато у ёқдан-бу ёққа шунчалар ҳам тез-тез бориб-келадики, девдек азаматлар ташвиш ичида унинг ортидан югуришади. Боксчиларнинг исми ҳамда вазни қанчалиги эълон қилинади, секундантлар рингга таклиф этилади.

– Ким ютаркин, а? – деб сўради Эстьевес.

Боксчилар саломлашгани кўлқопларини тезгина уриштириб олишаётганида у ёш боладек тўлкинланиб кетди, Монсон боксчилар сингари каддини ростлаб туради, ўзини ҳимоя қилиш нияти ҳам йўқдек узун-узун кўллари озғин Мотекильяга нисбатан нимжонрок кўринади, рақиби бўйи пастрок бўлгани билан бақувват, ана, каранг, ўзини синаб кўриш учун икки марта кўл ташлаб кўрди.

– Мана шунака ўт-оловларга доғман, ким-ким чемпионга қарши чикканига қойил қоламан, – деди Вольтер; унинг оркасида ўтирган француз эса кимгадир жон-жаҳди билан уқтирарди: Монсоннинг устунлиги – бўйида; яна синовчи зарбалар. Хўп, демак унга ўт-олов боксчилар ёқаркан-да, аргентиналик бўлса, бундай демасди, лекин, талаффузига караганда уругвайлик, билмайман, десаям Перальтадан сўрайман хали. Битта нарса равшан:

– Вольтер Францияга яқинда келган: хотинини елкасидан кучиб ўтирган бақалок унга бир нима деганди, у шунакаям тушунарсиз жавоб берди-ки, азбаройи Худо, аччиғи чиккан француз афтини бужмайтирди ва олдинда ўтирган киши билан гапга тушиб кетди. Наполеснинг зарбалари кучли. Бунинг устига, яна аник экан, дея ташвишланди Эстьевес, икки марта урганда Монсон каловланиб қолганида ўша замоно дурустгина қайтаролмади, уришга урди, фақат хиёл ўтиброк – Эстьевес кўрди – иккала зарбаси ҳам нишонга тегди, лекин у қадар кучли эмас, чамаси Монтекилья ўзининг ягона устунлиги кетма-кет зарба бера олишида эканини тушуниб етди, шекилли; Монсон билан қиличбозлик қилиш – бефойда, нега, деганда бу йўл билан Монсонни енгиб бўлмайди, Монсон эпчил, ўта абжир, шўн-

гиб зарбадан кочишга мохир жуда, шу сабабли Наполеснинг тилларда дoston бўлган хужумлари чоғида хавфли зарбалар бирон нарсани ҳал қилишга кодир эмасди, Монсон – рақибининг афт-башарасига тўсатдан уриб қолди, яна, кетма-кет икки-уч зарба ёғилди, орқада ўтирган француз эса жиғибийрон бўларди: кўрдингизми, қўллари узунлиги унинг ярим ютуғи, демовдимми, иккинчи раунд – Наполеснинг тўла устунлиги остида ўтди, зал нафасини ичига ютиб томоша қилар, гоҳ у ердан, гоҳ бу ердан битта-яримтаси кийкириб қоларди, учинчи раундда Монтекилья бор кучини ва маҳоратини ишга солди, хўп, майли, ижирғанди Эстьевес, бизнинг Карлитос ҳозир кўрсатиб қўяди, бурчакка сиқиб қўйилган Монсон бирдан кескин тортилган камон отилиб чиққан пайкондек тасира-тусур зарбалар беришга ўтди, иккала қўли билан илондек тез ва чакқон ҳаракатга тушди-ю, яна арқонга суяниб қолмаслик учун клинчга – Наполеснинг бақувват билаклари орасига қириб олди, кейин, раунднинг сўнгги дақиқаларида иккала тарафдан қақшатқич зарбалар ёғилди, мексикаликлар яктан, якдил, уларнинг ортида бақир-чақир, ҳуштак тинмайди, ҳамма ўрнидан туриб олган – кўриш керак, шарт, ўтказиб юборма!

– Зўр тушаяпти-да ўзиям, бунақасини биринчи кўришим, че! – деди Эстьевес. – Ростдан айтяпман – зўр!

Иккови келишиб олгандек чўнтагидан бараварига сигарет чиқарди-да, илжайиб бир-бирига узатди, Вольтернинг чакмоқтоши ширқ этиб ёнди, Эстьевес сигаретини тутатиб олаётганида бир қур Вольтернинг юз-кўзига қараб қўйди, эътиборга лойиқ бирон эса қоларли ифода кўрмади: сочларига оқ оралаган, кўринишдан анча ёш, жинси шимда, эгнида спортчиларнинг жигарранг қўйлагги. Талаба ёки ин-

женер, дейсан. Шохи кайрилса кайриладиган, лекин синмайдиганлар тоифасидан, Монтевидео ёки Буэнос-Айресда, эхтимол Сантьягода дўстларидан айрилган бўлса бордир, Перальтадан сўраш лозим, дарвоқе, нима кераги бор шуни, улар бошқа кўришадими, йўкми, Худо билади, ҳамманинг ўз йўли, ҳаёти бор, мабодо кўришиб қолишди ҳам дейлик, нима каромат қилиб беради – узоғи билан Монтекилья ҳамда шу бугунги окшомни эслашади, холос – шуми ҳақиқат?! Мексикалик боксчи бешинчи раундда бўлмаса бўлмасинга ўтди, ҳамма тик оёқда, жазава ичида бакириб чақирган, аргентиналик билан мексикаликларни французлар орқада қолдирди – бокс мусобакаси шуниси билан марокли, эсда қолади, боксчиларга чикора, улар рақибининг ҳар битта ҳаракати, гавда бурилиши-ю, оёқларининг илдам-илдам ўйинларини илғарди; Эстевес чиройли, таъсирчан, лекин бесамар зарбалардан беш-ўнта тўнкани эътиборга олмаса, аксар томошабинлар беллашувни диққат билан, тушуниб кўришаётганини англаб етди; анови озчилик умуман рингда нималар бўлаяпти, жанг қандай тус олаяпти, боксчилар мақсадларига қайси йўл билан эришмоқчи ва бунинг учун нималар қилишяпти, бунинг оқибатида аниқ натижаларга эришиш мумкинлиги сезиляптими – бу хусусда балони ҳам тушунмасди, рингда эса ҳамон вазни енгилроқ Монсон капалакдек учиб юрар, ҳар хил масофадан ҳамла қилар, хужумни тобора кучайтирар ва рақибининг тинкасини қуритиш учун янада тезроқ ва илдамроқ ҳаракат қилар эди; Монтекильянинг борган сари бу шиддатли ва чақиндек тегиб қайтувчи зарбаларнинг залворига дош беролмаслиги аён бўлиб борарди; унинг ҳаракатлари қандайдир суस्ताшиб, бир-икки оёқлари чалкашиб кетганига қарамай, жон-

жахди билан ташланар, лекин бу номунофик, жангари усуллар самара бермас, Монсоннинг чайир ва узун кўллари уни тўхтатиб қолар, оқибат яна арқоннинг силтаб-улоқтириб юборишига таяниб олдинга сапчир ва туйқус – тап – бир, тап-тап-тап – икки – кетма-кет ёғилган зарбалар остида қолди – худди уни тўрт киши ўраб олган-у, аямай ураётгандек қулочкашлаб ёндан иягигача, пешонасига, биқинига – дуч келган ерига гурзидек урилган муштлардан гандираклаб кетди. Занг чалинганда Эстьевес яна чўнтагидан сигарет олаётган Вольтерга юзланди:

– Нима қилардинг, бўлмаганга бўлишма, деганлари шу бўлса керак-да, – деди Вольтер тутунни чуқур тортатуриб.

Бунақа шовқин-суронда эс-хуши бор одам гапирмайди, чунки ёнидаги ҳамроҳими, шеригими, яримтаям гапини эшитмаслиги аниқ, нима бўлган тақдирда ҳам томошабинлар кейинги раунд ҳал қилувчи эканини фаҳмлашар – ишкибозлар Наполесни олқишлаб руҳлантирмоқда эди; уни рингда энди ҳеч қачон кўрмасликларига ишончлари юз фоиз қомил бўлаяпти, деб ўйлади Эстьевес уларга ачиниб, энди Монсон очикдан-очик ҳужумга ўтди, у бир қадам чекинмай, пайсалга солмасдан, бошка нарсага қалғимай, ягона мақсади – рақибини танг аҳволга солиб қўйганига қатъий ишонган ҳолда унинг устига бостириб бораверди – юз-кўзи аралаш, гавдасининг дуч келган ерига тушаётган сон-саноксиз зарбалардан қочиш учун Наполес дамбада кўзларини чирт юмиб сувга шўнғиётган одамдек клинчга кириб олмоқчи бўлиб Менсонни қучоқлаб олаверди. Тамом, деб кўнглидан кечирди Эстьевес ва кизиқиб кетганиданми, қадалиб қолган рингдан амаллаб кўзларини узди-да, сумкага қараб қўйди: ҳаракатингни қилиб қол, одамлар ўзларидан ортмай

ўтирганида, айни вақти, акс холда ўрнидан туриб олишса сумкага ҳамманинг кўзи тушиши мумкин ҳамда кўкқайиб қолади; Наполеснинг башарасига яна иккита қаттиқ зарба тушди, у яна ракибини кучоклаб олишга талпинди, бироқ Монсон бирдан ўрнини ўзгартирди-да, ўзини ёнбошга ола чап кўли билан зарба урди – худди тўкмоқ билан ургандек бўлди – ана энди чап оёқлар, асосийси оёқларда, Эстьевес бунинг нималигини яхши биларди, Монтекилья оғирлашиб, каловланиб қолганини кўрдингми, амаллаб арқондан сапчиб узилиб чиқди, лекин унинг машхур аниқ зарбалари қани? Монсон бўлса бамисли рақсга тушарди, ринг узра гир айланиб ўзини намойиш қилаётгандек сакраб юрарди, орқага жайрондек ирғишлаб кочар, ирғишлар, кўл-оёқ – гавда ҳаракатларининг уйғунлиги таҳсинга лойиқ равишда юзага чиқарди, дафъатан – тарс-турс этди-ю, ўнг кўл билан ракибининг тўшига тушган кутилмаган зарба ҳаммасини бир лаҳзада ҳал қилди-қўйди. Жазава уммони узра янграётган ҳайкирик ва ўкиришлар туфайли чанг товушини эшитган эшитди, эшитмаган эшитмади, илло Эстьевес билан Вольтер аниқ эшитди. Вольтер жойига ўтирди ва сумкани тўғрилаб қўйди; Эстьевес эса шартта жойлашиб олди-да, пакетни халтага сола рингда нималар юз берганини ҳалиям англаёлмаётган кўк шимли олифтанинг бурни тагида кизариб-бўзарганча бўш кўлларини пахса қила бошлади.

– Ҳақиқий чемпион шунақа бўлади! – деди паст овозда Эстьевес, бунақа шовқинда барибир минг бақирсин, ҳеч ким эшитмаслигига ақли етиб – Карлитос, бопла, азамат!..

У шошилмай сигаретани тутатиб олаётган Вольтерга зимдан разм солди, начора, тан бермасдан иложинг йўқ, чидамай кўр-чи, ноиложга – наилож! Еттинчи раунд бошланиш арафасида ҳамма занг уришларини

бетокат кутаётганида, ногахон оғир сукунат чўкди. Катта оқ сочиқ ёйилиб, шалоп этиб ринг ўртасига келиб тушди-ю, томошабинлар увв, деб юборди. Наполес ўз кунжагида михлаб қўйилгандек қилт этмай ўтирарди, Монсон эса қўлқопларини боши узра силкитганча ринг марказига югуриб чикди – мана буни чемпион деса бўлади; у ишкибозлар олқишига жавобан миннатдорлик билдирган бўлди ва табриклагани рингга чиққанларнинг оғушида кўмилиб кетди. Сўнгги ўйин – финал кутилганидек тугамади, ҳолбуки, беллашувнинг шундай тугаши муқаррар эди. Монтекилья таслим бўлди, тўғриям қилишди, Монтекильянинг машк копига айланишидан нима фойда, начора, ҳаммаси тугади, Монтекильянинг қуёши сўнди – заволга юз тутди, ўзи ғолиб ёнига бориб қўлқопи билан унинг юзини силаб қўйди, улар учрашиб, икки ёққа кетишди, энди умрбод рингда учрашмасалар керак, деб ўйлади Эстьевес.

– Боксмисан бокс бўлди-да, – деди у сумкани елкасига осиб олишга чоғланган Вольтерга. У оёқлари увишиб қолганиданми, чайкалиб турарди.

– Сал эртароқ эди, манимча, – деди Вольтер. – Секундантлари рухсат беришмаганга ўхшайди.

– Тўғри қилишган! Кўрдинг-ку, оёғида зўрға турибди. Наполес калласи бутун боксчи, ўзи тушуниб етди.

– Тўғри-ку-я, лекин бунака даражадаги боксчилар охиригача тушиши керак, бутунлай тескариси бўлиши ҳам мумкин!

– Монсон билан “тескариси” бўлмайди! – деди Эстьевес қатъий қилиб ва бирдан Перальтанинг кўрсатмалари эсига тушиб, хайрлашгани қўл узатди. – Танишганимдан бағоят хурсандман.

– Мен ҳам... Омон бўлинг.

– Чао!

Эстевес хотинига бир балолар деб эътироз билдираётган бакалокнинг ортидан чиқиб кетаётган Вольтернинг ортидан кузатиб қолди. Сўнгра ҳафсаласизгина ўрнидан туриб, эринчоклик билан беғам-бепарво кетаётган кўк шимли нуханинг ортидан одимлаб кетди, йўлканинг адоғига доғур унга эргашиб борди ва йўллари иккига ажралди. Ён-верида кимдир боксчиларнинг санъати юксак даражада эканини уқтириб келарди, бироқ Эстевес аёлдан кўзини узмасди – у эрими, дўстими – энгашиб қулоғига бир нималар деб шанғиллар, кучоклаб олар, бўйнидан, юзларидан чўлпиллатиб ўпар эди. Агарда, шу эркак кирди-чикди бўлмаса, деб мийиғида кулиб қўйди Эстевес, аёл уни эмас, ўзига маҳлиё этган Монсонни кучиб, ўпаётганини фаҳмларди.

Пулдан кутулди, чўнтаги бўшади, энди эркин нафас олса бўлади, иш ҳамирдан қил суғургандай осонгина ҳал бўлди – бемалол чор-атрофни кузатиш мумкин – ёшгина, хушрўй бир киз нукул ҳамроҳининг солинчагини чимчилаб ғашига тегаяпти, ана, бояги мексикаликлар, тарвузи қўлтиғидан тушганча кетишяпти, ярмигача ўралган Аргентина байроғи ҳамон оломоннинг боши узра силкинаяпти, икки нафар италиялик йигит бир-бири билан кўз уриштириб олдида, биттаси тантанали оҳангда: “*Sliei a messo*”, деб ҳайқирди, бошқаси эса бу илова ёқиб қолди-ю, оппоқ тишларини ярақлатиб ишшайди; эшик олди тикилинч; толиққан одамлар осма кўприкдан ҳоргин одимлашади, ёмғир шивалаяпти, осма кўприклар одамларнинг оғирлигидан чайқалади, чўкканга ўхшайди, нариги бошида эса кўприкнинг аркон ёндорига суянган Перальта билан Чавес чекиб туришарди, улар Эстевес бизни албатта кўради, дегандек бамайлихотир турарди, Эстевес чўнтагидан сигаретини олиб, унинг ёнига келди.

– Роса дабдала килди-ю! – деди Эстьевес улар билан кўл олишиб кўришаркан.

– Хабарим бор, – деди Перальта хиссиз. – Кўрдим.

Эстьевес хайрон бўлиб кўзларини пириллатиб қаради, Перальта билан Чавес иккови кўприкка чиқиб, оломонга қўшилиб олишди. Эстьевес уларнинг орқасидан бориш кераклигини тушунди, олдинда Перальталар, сал ортда Эстьевес кўприкдан тушиб, булар метрога элтувчи катта кўчани кесиб ўтишди-да, ним қоронғи, тор кўчага бурилишди, Эстьевес бизни кўздан йўқотиб қўймадимикин, деган хавотирда Чавес бир-икки ўгирилиб қаради, кейин тўппа-тўғри бориб машинага ўтиришди, очиғи шошилиш уларнинг ҳаёлига ҳам келмасди. Эстьевес Перальтанинг олдига ўтирди, машина секин кўзғалиб шаҳарнинг жанубий қисмига йўл олди.

– Демак, сен шу ерда экансан-да? – деди Эстьевес. – Боксни ёктирасан, деб сира ўйламагандим.

– Ўлиб кетмайдими! – деди Перальта. – Монсон бебаҳо бўлган тақдирда ҳам. Мен ҳар эҳтимолга қарши сенга бирон қор-қол бўлмасин, деб келдим.

– Унақада ҳаммасини кўрибсан-да? Вольтер шўрлик Наполесга...

– У Вольтер эмасди ...

Машина ҳалиям жануб томон елиб борарди. Аллақандай еттинчи туйғу орқали Эстьевес Бастилия майдонига эмас, бошқа ерга кетишаётганини бирдан ҳис қилди, буни ғира-шира, шундаям тусмоллаб англади, мабодо эртасига ёки индинига сўраб қолишса қаерга боришганини айтиб беролмас, гўё Монсон Монтекильяни эмас, унинг афт-башарасига тўқмоқдек муштлари билан ургандек бўлар, мана оқибати – у гангиб, нималар бўлаётгани ва қаерга, қайси тарафга

кетишаётганини илгаёлмас, бир нимани сўрашга ҳам холи келмасди, у Перальтадан кўзини узмай лом-мим демасдан кутарди.

– Биз сени огоҳлантиришга улгуролмадик, – деди Перальта. – Аксига олиб, уйдан анча эртарок чикиб кетибсан, кўнғирок қилсак, Мариса уйда йўқ, каерга кетганини ҳам, қачон келишини ҳам билмайман, деди.

– Озгина бўлса ҳам пиёда юргим келувди, – деди Эстьевес. – Лекин бундай тушунтириброк гапир, нима бўлди?..

– Иш пачава, – деди Перальта. – Вольтер эрталаб учиб келган захотиёқ Ормедан кўнғирок қилди, унга нима килиши лозимлигини тушунтирдик, у боксга олинган билет кўлимга тегди, деди – бир сўз билан айтганда, ҳаммаси ҳамирдан қил суғургандек кетаётганди. Йўлга тушмасидан олдин Лучонинг олдига борганда кўнғироклашадиган бўлдик – ишончлироқ бўлиши учун, етти яримгача кутдик – кўнғирок қилмади. Охири ўзимиз Женевага телефон қилдик, у бошқатдан боғланиб, Вольтер Лучонинг олдига бормабди, деди.

– Улар Вольтерни аэропортдан чикиб кетаётганида қўлга олишган, – деди Чавес.

– Тушундим, лекин ким унга... – деб гап бошлаган Эстевеснинг нафаси ичига тушиб кетди, – нима гаплигини бирдан тушуниб қолди, бўйинлари, чеккаларини қоплаган арақ-арақ тер кўйлак ёқаси ичидан оқа бошлади.

– Саккиз соатга бормай, ичидаги неки сир бор, суғуриб олишган, – деди Перальта. – Исбот қилишнинг ҳожати йўқ, бу нусха ўзини қандай тутишдан тортиб, нималар қилиш лозимлигигача гуллаган. Кўп нарсадан хабардор эди. Ўзингдан қолар гап йўқ. Уларнинг усулини биласан, ҳатто Вольтер дош беролмаган.

– Эртага бўлмаса индинга жасадини биронта харобазордан топишади, – Чавеснинг товуши ҳорғин ва хиссиз чиқди.

– Энди бунинг аҳамияти йўк, – деди Перальта. – Чодирга келгунча, дархол гумдон ошинглар, деб ҳаммани огоҳлантиришга улгурдим. Манови лаънати циркка келаётганда озгина бўлсин умидим бор эди, лекин қарасам, ўша касофат ёнингда ўтирибди, расвойи жахон бўпти, дедим ичимда.

– Лекин кейин-чи, пулни олиб кетаётганда, иложи йўкмиди? – деб сўради Эстьевес.

– Юрдим оркасидан пайт пойлаб.

– Олдинроқ-чи, эшитган захотинг?..

– Нима қила олардим? – деди Перальта. – Агар иш пачава эканини билиб қолса борми – унақасигаям, бунақасигаям ҳолига вой. Шунақа томоша кўрсатиши мумкин эдики... бир чеккадан киришарди ҳаммамизни, уларга ким ҳомийлигини биласан-у!

– Хўп, кейин-чи?

– Ташкарида уч киши кутиб турган экан, биттасининг қанақадир рухсатномаси бор экан, қисқаси, мен нима қилишимни билмай турганимда, у Делоннинг оғайнилари билан бойваччалар учун махсус ўраб қўйилган ерда машинага ўтириб жўнаб қолишди. Ҳамма ёқда полиция изғиб юрибди. Хулласи калом, Чавес кутиб турган кўприк олдиға қайтиб келдим, бор гап шу! Машинанинг номерини эслаб қолишға эслаб қолдим, лекин бунинг нима фойдаси бор ҳозир?

– Шаҳардан чикиб кетяпмизми? – сўради Эстьевес.

– Ҳа, чеккароққа бориб гаплашиб олишимиз керак. Ишончим комил, ҳозир энг асосий муаммо сен эканлигингни англаётган бўлсанг керак?!

– Нега мен бўларканман?

– Чунки ўша азамат сени таниб олди, энди сени кидириб топиш пайига тушишади. Вольтернинг ишидан кейин жон саклашимиз учун биронта “бошпанамиз” қолмади.

– Демак, мен кетишим керак экан-да! – деди Эстевес. У шундай деди-ю, ўша замони кўз олдига хотини, боласи келди. Уларни қандай қилиб олиб кетади ёки қайси юрак билан қолдиради – боши қотди, ўйлари чалкашиб кетди, гўё худди кулоқлари остида ҳафсаласи пир бўлиб жим қолгунча “Монсон! Монсон!” деб бақираётгандек Монтекильянинг қуёши ботаётган чокда ринг ўртасига сочиқ учиб тушгунча анови нусха Монтекильяни олқаётганди, қара-я омадсиз, бўш боксчини-я”. Ҳолбуки, у худди ўзига ўхшаб санаш у ёқда турсин, қайрилиб ҳам қарамай, ҳамма пулни олиб кетган пайти эди. Индамасдан орқасини ўгириб, бу билан мағлубиятга учрагани ерга ургандек туюлиб кетди, бояқиш, дабдаласини чиқариб, қаранг-а, қўлини узатганига ўлайми... Машина дарахтзор орасига кириб тўхтади, Чавес моторни ўчирди. Қоронғулик қўйнида чакмоқтошнинг оқиш-қизғиш шуъласи таралди – Перальта сигарета ёндириб олди.

– Бундан чиқди, мен жўнаб кетишим керак экан-да! – дея бояғи гапини давом эттирмоқчи бўлди Эстевес. – Бельгия-пельгиями-ей, у ерда ким борлигини билсанг керак балки?..

– Агар етиб боролсанг, қутулдим, деб ҳисоблайвер, – деди Перальта. – Аммо жуда қийин, Вольтерни кўрдинг-ку, ҳама ёқда одами бор уларнинг. Юлдузни бенарвон уришади.

– Мени тутишолмайди!

– Вольтер-чи! Ким ўйлабди уни қўлга тушади-ю, ҳаммасини гуллабди, деб. Сен эса Вольтердан кўпроқ нарса биласан. Мана шуниси чаток.

– Мени ушлaшoлмaйди! – дeя тaкрoрлaди Эстъeвeс. – Ўзинг бир ўйлаб кўр, Мориса ҳақида, ўғлим ҳақида ўйлашим керакми ахир, уларни бу ерда қолдириб бўлмайди, у итдан таркаганлар ўч олиш учун ҳам Морисанинг бошини ейишади. Бир кунда улгураман, ҳаммаларини Бельгияга олиб кетаман ўзим билан. У ерга бориб келгач, қаерга кетиб яшашни ўйлаб кўраман.

– Бир кун жудаям кўп, – деди Чавес, бутун гавдаси билан буриларкан. Кўзлари қоронғуликка оз-моз ўрганган Эстевес унинг шамойили билан сигарет тортаётганда Перальтанинг афт-ангорини яққол кўрди.

– Хўп, яхши, иложи бўлди, дегунча кетаман, бўп-тими? – деди Эстевес.

– Йўқ, ҳозир кетасан, – деди Перальта ва тўппончасини чиқарди.



ТУНГИ МАКТАБ

Нима бўлди Нитога шундан кейин, билмайман, очиғини айтсам билишни ҳам истамайман. Орадан шунча вақт ўтиб кетди, бу орада нималар юз бермади, дейсиз, балки у ҳалиям ўша ерда яшаётгандир, эҳтимол ўлиб кетгандир ёки бегона юртларда юргандир – менга қоронғу. Бу ҳақда ўйлагандан ўйламаган яхшироқ, лекин начора, баъзан ўттизинчи йиллардаги Буэнос-Айрес, намунали, деб ҳисобланадиган мактабда ўқиб юрган кезларим, гоҳо эса Нито билан ўша ярим кечаси девор ошиб мактабга кирганларимиз тушимга кириб чиқади, бир-икки кундан кейин туш бутунлай ёдимдан кўтарилади, лекин чорасиз қолган Нитонинг жонсарақ киёфаси, лабларини қимтиб туришлари анчагача кўз олдимдан кетмайди, иложи борича эсдан чиқаришга ҳаракат қиламан, жилла курса яна тушимга киргунча йўқолсин, дейман, йўқ, беҳуда, худди кеча рўй берган каби яна ҳаммаси кўз олдимдан бирма-бир ўта бошлайди.

Кечаси ўша намунали мактабимизга (биз уни жўрт-тага шундай дердик, ҳолбуки, бошқа жиддий сабаблари ҳам бор эди) девор ошиб тушиш фикри Нитодан чиққан эди, худди кечагидай эсимда: Онсе мавзесидаги «Марварид» қаҳвахонасида «чинзано-биттер» ичиб ўтирганимизда айтганди. Бу гап оғзидан чиққан заҳотиёқ, бунақа бемаъни, тутуриқсиз нарсани ўйлаб топиш учун одам товукмия бўлиши керак, дегандим,

лекин шунга карамасдан (ўша пайтда мактабдан ўч олиш учун она тилининг пес-моховини чиқариб, жўрттага шунака хато ёзардик, очиғи, бунинг учун ҳам мактабдаги мухит сабаб эди аслида) Нито икки оёғини тираб олди, нима эмиш, тунда мактаб дахшатли бўлармиш, нима бор-нима йўқлигини ўзимиз учун билиб қўйиш лозим эмиш, Нито, мактаб шундок ҳам жонимизга теккан бўлса нима кераги бор билишнинг, хайронман, қолаверса, нимасини кўрасан, лекин очиғини айтсам шу фикрнинг ўзи менга мойдек ёқиб тушганди, шунчаки талашиб-тортишиш учун эътироз билдиргандим, холос, ичимда эса унинг фикрини жон-жон, деб маъқуллаб ўтирардим.

Охир-оқибат мен секин-секин ён бера бошладим, бирданига эмас, албатта, аввал очикдан-очик қарши чиққан бўлсам, кейин энсам котди гапларига – у дедим, бу дедим, сўнгра гурунг қизиганда яна бир қарра эътироз билдирдим ва охири рози бўлдим, тўғриси, олти ярим йилдан буён жабрини тортиб келаётганимизга қарамай мактаб, Худоли гапим, менинг унчалик жонимга тегмаган эди, шундан тўрт йили муаллим деган диплом учун ва деярли уч йили адабиётдан дарс ўтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат олиш ниятида ўқиётган эдик, бунинг учун асаб тизмаси, парҳез таомлар ҳамда испан адабиёти сингари ақл бовар қилмайдиган фанларни ўрганишга мажбур эдик, испан адабиётини охиригача ўқиб-ўрганиш ниҳоятда кийин иш эди, бундай деётганимнинг сабаби учинчи семестр тугаяпти ҳамки, биз хануз «Граф Луканор» дан нарига ўтолмаяпмиз, яхшими шу?! Ким билади, ёш умримиз бекордан-бекорга ўтиб кетаяпти, деб ўйлаётганимиз учунми мактаб Нито иккимизда ноҳуш таассурот қолдирар, гўё зиё маскани, илм даргоҳи бўлатуриб, у кўпроқ ва

яхшироқ эгаллашни истаётган билимларни бизга раво кўрмаётгандек ёки етарлича бермаётгандек туюларди. Эҳтимол, бошқа сабаблари ҳам бордир, лекин назаримда мактаб номига номуносиб эди, биламан, Нито ҳам худди шундай фикрда, бу ҳақда у бир замонлар, биз энди-энди дўст тутиниб, бирга дарс қилиб юрган, ҳали паргор ишлатишга қийналиб, каср сонни тополмай юрган тортинчоқ пайтимизда айтган эди. Кейин йиллар давомида бу ҳақда эсламадик ҳам, гаплашмадик ҳам, лекин ўша «Марварид» қаҳвахонасида ўтирган кунимиз эрталаб, ҳали болалигидаёқ бу режа Нитонинг дилига ўрнашиб қолгандек туюлган ва назаримда, худди шунинг учун аста-секин бўлсин, менга таъсир қилган эди, шекилли; бамисли ўқишни тугатиб, бутунлай тарк этишдан олдин мактаб билан албатта ора очди қилиб олишимиз керакдек ва гоҳ мактаб ҳовлисида, гоҳ зинапояда, дафъатан қалбимизда вужудга келган оғир туйғуларнинг сабабларини аниқлашимиз шарт ва зарурдек эди, ундан ташқари нега илк бор мактабга келган онларимданоқ нима учундир ҳар куни эрталаб учлари найзадек ўткир панжаралар ёнидан муҳташам устунлар, бефайз йўлаклар ва ўртаси очиқ, икки қаноти баланд-баланд зинапоялар томон ўтаётганимда нукул юрагим сиқилиб, кўнглим беҳузур бўла бошлаганларини Нито жон куйдириб айтганидек, ўзим учун аниқлаб олмоқчи эдим, шекилли.

– Айтганча, панжарадан ошиб ўтаётганда, битта-яримта кўриб қолмаслиги учун коронғу тушишини кутишимиз керак бўлади, – деганди ўшанда Нито, – кейин, иккита пўлат сим букилган ери бор, ўзим кўрганман, ўшани устига панчо қўйиб ўтса бўлади – ишлар беш.

– Осон бўпти-да, – дедим мен, – қоровул чолми, мактаб рўпарасидаги уйда яшайдиган кампирми кўриб қолиб, айюҳаннос солса-чи?!

– Ҳар хил олди-кочди киноларни кўравериб, ваҳима бўлиб қолибсан, Тото. Ярим кечада пишириб қўйибдим уларга. Тангода айтилганидек, бошимиз узра тун чойшабин ёпди, борлик қолди зулмат ичида, уйку элитди ҳамма-ҳаммани... ёки унутдингми, оғайни. У қандай бўлмасин, кўнглимда зиғирдай ҳам иштибоҳ қолдирмасликка ҳаракат қиларди, мен ҳаммасини сезиб турсам ҳам бу секин-аста кўндиришига қаршилик қилмасдим, у ниятига эришишга уринган сари қип-қизил тентак эканига янаям ишончим ортиб борарди, на ичкарисида, на ташқарисида ҳеч вақо йўқ, кундузи қандай бўлса худди шундай: ўша мактаб-ўша мактаб, борингки, Франкенштейн фильмларидагига ўхшаб, кечаси кўрқинчлироқ кўринар, нима қипти, ёғоч ўриндиклару тоштахталардан ўзга нимаси бор яна... сичқон овлаб юрган мушук бор яна. Нито эса нукул ўзиникини маъқуллар, топиб олгани панчо билан фонус эди; тўғриси айтганда ўша пайтда биз болалар зерикиб юрагимиз тарс ёриларди; ота-оналар ёш-ёш қизларини кўчага чиқаришмас, хоҳлаймизми, йўқми биз ўйин-кулгу, хурсандчилик қилиш нима-лигини унутиб қўйгандик; рақс тушиш билан тўп тепишга унчалик ишқибоз эмасдик, шу сабабли кунузуку китобдан бош кўтармас, окшомлари икковлон шаҳарнинг гадотопмас кўчаларида дайдиб юришдан бошка ишимиз йўқ эди, баъзан Фернандо Лопес бизга қўшилиб оларди, (боякиш ёш ўлиб кетди) шу тариқа Кастельнуова заковати яратган Буэнос-Айресни ҳам, шаҳарнинг жанубий қисмидаги мавзеларда жойлашган қаҳвахоналар-у, кемасозлик корхонасини ҳам яхши

билиб олгандик – кискаси, ярим кечаси мактабга ошиб тушишга аҳд қилганимиз бежиз эмас – эски одатимиз, кўп нарсаларни кўриб, ҳеч нарсадан беҳабар тенгдошларимизни ўзимизча менсимасдик: қаерданам билишсин, бечоралар ҳар куни эрталаб соат саккиздан то тушга довур «Граф Луканор»дан бош кўтармай ўтиришса!

Нито катъий қарор қилганди, башарти у билан боришга унамаган тақдиримда, бир ўзи бўлса ҳам борарди – илло сўзидан қайтмасди, шанба кунини танлаганининг сабаби эса, ўзининг айтишича, мабодо ушлаб олиб, бирон ерга камаб қўйишса, қочиш йўлини топиш учун вақт бемалол бўлармиш. Эҳтимол, бунақа фикр илк бор мактабга кадам қўйган кун, ҳали бу даргоҳ номаълум бир олам, биз – биринчи синф ўқувчилари ҳовлида, синф эшиги ёнида жўжалардек чуғурлашиб турган пайтимизда кўнглида туғилгану то шу кунга қадар пишиб етилгандир, ким билади. Секин-секин аввал йўлакка, кейин мрамр пиллапояга чиқадиган бўлди ва яширишдан фойда йўқ, совун ҳидига танаффус пайтидаги шовқин-сурон, синфларда қайнаб тошган ғала-ғовур аралашиб кетган, устунлару сиртига мрамр копланган деворлардан иборат бу бефайз ва шумшуккина даргоҳ ҳақида тасаввурга эга бўлди, бироқ йиллар ўтиб биз учун кадрдон ошиёнга айланиб, биз эса аллақачон тартиб-интизомларига кўникиб, у ерда ошна-оғайни орттириб, математика фанини ўзлаштириб олганимиздан кейин ҳам, афсуски, мактаб, таълим-тарбия тизими етти ёт бегона миллатнинг урф-одатлари, анъаналари таъсиридан бутунлай халос бўлмаган экан. Баъзан Нито, кечаси тушига кирган даҳшатли нарсаларни эслаб қоларди, нимамиш, чўчиб уйғониб кетса бўлди, ҳозиргина тушида кўр-

ганлари ёдида колмас эмиш, у факат битта нарсага гаранг бўларди: тушида кўрган воқеалар бошқа ерда бўлиб ўтганига карамай нима учундир нукул мактаб йўлаклари, учинчи синфда ўқиётган пайтимиздаги хона ҳамда мактабнинг мармар зинапоясида юз берар эмиш; яна ҳаммаси денг, доим кечаси содир бўлар ва пировардида, у зулмат қоплаган зинапояда ҳамиша бир ўзи қолар эмиш, мана шу туфайли кўнглида пайдо бўлган ғашликни эрталаб, ҳатто юзлаб ўқувчилар билан мактабдаги шовқин-сурон орасида ҳам унутолмасди. Менинг эса, мактаб ҳеч қачон тушимга кирмасди, бироқ очиғи, кечаси тўлин ой нурида мактаб саҳни, ички ҳовлиси, баланд-баланд зиналари қанақа кўри-наркин, деб мен ҳам гоҳо қизиқиб қўяр ҳамда кимсасиз мактаб ҳовлисини ёритган хира оқиш ёғду ва маҳобатли устунларнинг ваҳимали кўланкасини баъзан ўзимча тасаввур қилиб кўрардим. Бир хил пайтда, албатта, танаффусга чиққанимизда, бошқалар кўрмай қўя қолишсин, дегандек Нито билан четроққа ўтиб тепага – зинанинг темир ёндори одамни қоқ иккига бўлиб, юқорига унинг боши ва гавдаси, қуйига эса шим почалари ва пойабзаллари ҳаракат қилаётган зинапояни томоша қилиб гаплашиб турардик. Баъзан эса бошқалар синфда ўтирганда, катта мармар зинадан бир ўзим тушиб-чиқадиган бўлиб қолсам, ўзимни ҳамма юз ўгирган одамдек ҳис қилар ва тезроқ шу ердан нарироқ кетиш учун худди ёв қувгандек тепага чиқиб кетаётган бўлсам юқорига, пастга тушиб бораётган бўлсам қуйига иккиталаб, ҳатто учталаб зинапояни ҳатлаб югуриб қолардим, бир неча кундан кейин эса нима жин уриб яна шу зина ёнига келиб қолардим ва гўё, бўр келтириш ёки ҳожатхонага бориш учун рухсат сўраб ташқарига чиққан одамдек яна шу ҳолатга тушар эдим. Нимага

чикдинг, нима килмокчисан, дейдиган одамнинг ўзи йўқ, сабабини ўзим ҳам тушунмайман, худди кинотеатрда мерайиб ўтириб фильм мазмунини тушуниш тугул номини ҳам билмасдан чиккан меровга ўхшайман, тавба, эхтимол шу феълим сабабли, Нитонинг ярим кечаси мактабни айланиб чиқиш фикрига шартта: йўқ, бормаيمان, дейишга журъат қилолмагандирман; бунақа, кечаси мактабга ошиб тушиш фикри менинг хаёлимга ҳеч қачон келмаган бўларди, бироқ Нито мениям боради, деб ўйлаган шекилли, бунга шубҳа ҳам килмаган бўлса керак, бир ҳисобдан тўғри ўйлаган, ана шуни шарофатига яна биттадан чинзано ичсак чакки бўлмасди, нима, арзимабдими, лекин пул йўқлиги учун ичмай қўя қолайлик.

Хуллас, ҳаммаси ҳамирдан қил суғургандек ҳал бўлди, мен фонус топиб келдим, Нито панчони буклаб қўлтигига қистирганча мени Онседа кутиб олди, ўша ҳафтанинг сўнгги кунлари ҳаво ниҳоятда исиб кетган бўлишига қарамай майдонда одам гавжум эди. Биз толқон еган одамлардек бир-биримизга ғинг демасдан муюлишгача бордик-да, Уркис кўчасига бурилдик, мактаб жойлашган мавзегга етиб боргач, мен атрофга кўз югуртириб чикдим: Нито тўғри айтган экан, кўчада ҳеч ким йўқ, ҳатто мушук ҳам кўринмайди. Ана шу пайтда мен қорамтир осмонда порлаб турган тўлин ойни пайқаб қолдим, у хаёлимизга ҳам келмабди боя ёки жўрттага шундай қилдикми, билмайман, яхшими бу ёки ёмонми, яшириб нима қилдим, яхши томони – йўлакдан ўтаётганда фонус ёкмаса ҳам бўларкан.

Эхтиёт шарт, яна бир карра ишонч ҳосил қилиш учун, маҳаллани айланиб чикдик, йўлда мактаб билан девор-дармиён уйда яшаётган директор ҳақида гаплашиб кетдик, унинг уйидаги йўлак тўғри мактаб

биносига уланар, директор ўзининг уйидан тўғридан-тўғри кабинетига кириб бориши мумкин эди. Қоровуллар эса бошқа уйда истикомат қилишарди, шунга ишонч ҳосил қилдикки, кечаси мактабни ҳеч ким кўриқламас экан, нимасини кўриқлайди, арзигулик бирон нимаси бўлмаса, қок ўртасидан синиб ётган скелет, лўлининг иштонидан фарқи қолмаган жулдур жуғрофия харитаси ҳамда қабулхонадаги иккита-учта птеродактилга ўхшаган ёзув машинкасидан бошқа яна нима бор?! Қимматбаҳо буюмлар директорнинг хонасида сақланса керак, уни математикадан дарс бергани кетаётганда одам кўплигига қарамай директор хонасининг эшигини қулфлаётганини Нито бир неча бор кўрган экан, қайдам, балки, аксинча, айнан шунинг учун ҳам қулфлар. Ҳаммамиз – мен ҳам, Нито ҳам – нимасини айтай, бошқалар ҳам директорни ёқтиришмасди, орқасидан кўпинча Чўлок, деб гапирардик, ниҳоятда қаттиққўллиги, арзимаган айбимиз учун шафқатсизларча жазолаши ёки дарсдан чиқариб юборишдек хунук одатлари учун эмас, йўқ, балки, афт-ангори мўмиёланган қушга ўхшагани учун ундан ҳазар қилардик, у нуқул қутилмаганда, қўққисдан пайдо бўлиб қолар ва синфга гўё ҳукм ўқиш учун эмас, ҳукмни ижро этгани келгандек бир совуқ қиёфада қирарди. Биз билан оғиз-бурун ўпишиб юрадиган иккита муаллим (биттаси мусиқа ўқитувчиси бўлиб, бизга ҳаёсиз латифалар айтиб беришдан истиҳола қилмас, иккинчиси неврологиядан дарс берар, бўлғуси тилшунос муаллимларини бу илмга ўргатиш нақадар аҳмоқона иш эканлигини унинг ўзиям жуда яхши тушунарди) Чўлокнинг садоқатли ва ашаддий бўйдоққина эмас, балки хотин исини ёқтирмаслиги ҳақида бир неча бор айтиб беришган эди,

ана шу сабабли илгари мактабимизда лоакал битта аёл ўқитувчи йўқ эди. Лекин, айнан ўша йили вазирликда хамма нарсанинг чегараси бор, деган фикрга келишди, шекилли, табиий фанлар бўлимида органик химиядан дарс ўтиш учун Мажи хонимни бизга юборишганди. Боякиш, қачон қарасанг у мактабга ҳозир бир қор-ҳол юз берадигандек кўрқа-писа кириб келарди, Нито икковимиз ўқитувчилар хонасида шу аёлга рўбарў келиб қолган пайтда Чўлокнинг афт-башараси қанақа бўжмайишини ёки еттинчи синфда ўқийдиган ёш жинойтчиларга глицериннинг формуласини қуйиб-пишиб тушунтираётган шўрлик хонимнинг авзойини тасаввур қилардик.

– Келдик, – деди Нито.

Учлари ўтқир эканини билсам-да, панжарадан ошиб ўтаётганда, худонинг ўзи асрасин, сал қолди қўлимни кесиб олишимга, лекин бир амаллаб ошиб ўтдим: энди энгашиш керак, чунки лоп этиб, рўпарадаги уйнинг деразасидан битта-яримта қараб қолса – иш пачава, шунинг учун буёғига мактабга асос солган голландиялик Ван-Гельдерен бюсти ўрнатилган мрамор супача олдиғача эмаклаб бормасак бўлмайди. Хуллас, бир амаллаб – дам эмаклаб, дам энгашиб, дам чўккалаб устунлар ёнига етиб боргунча энка-тенкамиз чиқиб кетди, етиб боргач эса, қилган ишимиздан кула-кула ичагимиз узилди. Нито панчони бир устуннинг тагига яшириб қўйди-да, биз коридор бўйлаб озгина юргач, ўнгга бурилдик, зина ана шу ердан бошланарди.

Жазирама иссиқ туфайли мактабдан оғир, қўланса ҳид келарди, ҳайронман – барча синф эшиклари тақа-так берк эди, биттасини итариб кўргандик, қулфланмаган экан, очилиб кетди ва биз етти йил аввал биринчи синф-да ўқиган хонага кирдик.

– Мен ҳўв анави ерда ўтирардим.

– Мен эса сенинг орка тарафингда ўтирардим, факат аниғи эсимда йўк, ўша ердамикин ёки ўнгроқдамиди.

– Қара, глобусни қолдириб кетишибди-ю.

– Гасанно деган бола бор эди-ю, мана шу глобусдан Африкани тополмасди, эсингдами?!

Одамнинг бўр олиб доскага бирон ниманинг расмини чизгиси келарди, лекин Нито бу ерга ўйнагани келганим йўк, деди, ўйинга берилиб, йўлакни, зинапояни қамраб олган сукунатни ҳис қилолмас экансан; шу чоқ трамвайнинг ғийтиллаб тўхтагани эшитилди, сўнг жимлик чўкди. Зинадан фонуссиз кўтарилса бўларди, чунки юқори қават зинани тўсиб қўйган бўлса ҳам, мрамор ой нурини қайтарарди. Нито зина миёнасида тўхтаб менга сигарет узатди-да, ўзи бошқасини олиб тутатди; ҳеч ташламади-да шунақа бемаврид чекиш одатини!

Юкоридан туриб қуйи қаватдаги деярли барча мактабларда учрайдиган тўртбурчак сахнни кўздан кечириб чикдик-да, йўлак бўйлаб йўлга тушдик, йўл-йўлақай, бир-иккита синфга бош суқиб ўтдик; шу тарика, биринчи буриладиган ерга етиб бордик – у ерда тажрибахона жойлашган бўлиб, табиийки, худди битта-яримтаси дарз кетган пробиркалар ҳамда Галилей замонидан қолган микроскопни ўгирлаб кетадигандек қоровул бу хонани қулфлаб қўйган эди. Бу ердан нариги тарафдаги ой нурига гарқ бўлган йўлак кўринарди, у ерда котибият, ўқитувчилар хонаси ҳамда Чўлоқнинг кабинетини жойлашган эди. Биринчи бўлиб мен, ортимдан Нито шартта полга ётиб олдик, чунки иккаламиз бараварига ўқитувчилар хонасида чирок ёниб турганини сезиб қолдик.

– Энағар, кимдир борга ўхшайди.

– Қочдик, Нито.

– Шошмасанг-чи, балки чирокни ўчириш коровулнинг эсидан чикиб қолгандир.

Қанча вақт ўтди билмайману, лекин энди равшан, боя зинапояда олисдан келаётгандек қулоғимизга элас-элас чалинган мусиқа – якка созанда ижроси учун мўлжалланган ўша куй, аслида рўпарамиздаги йўлакдан келаётган экан. Ҳаммаси шу даражада тез ва кутилмаганда содир бўлдики, ҳатто кўрқишни ҳам унутиб қўйдик, зотан, бу ерга келиб қолганимизга дарҳол бошқа баҳона ҳам топила қолди, гўёки ҳаммасига Нитонинг йўқ ердан можаролар излаб топишга ишқибозлиги сабаб эмасдек.

Биз бир-биримизга қараб қотиб қолдик, шунда у мушукка ўхшаб бир сапчиди-да зина тўсиғи тарафга ўтиб олди ва энгашганча сездирмай ўша куй эшитилаётган томонга кетди, ана у учинчи коридорга бўйладиган ерга етиб борди. Йўлак яқинидаги ҳожатхоналардан анқиётган шиптир хид ҳар доимгидек тозаловчи-испанларнинг тиришқоқлиги билан қўлоблатиб сепилган ҳушбўй дезодорантларнинг исини босиб кетганди. Синфимиз эшиги ёнига етиб боргач, Нито менга ўгирилди-да: “Секин қараб кўрамиз,” дея шивирлаб, яқинроқ боришга ишора қилди.

Мен, бўпти, дегандек бош иргаб қўйдим, назаримда шу фурсатда телбалик қилиш энг оқилона иш эди ва биз эмаклаган кўйи илгарилашда давом этдик, ой эса бизни фош қилмоқчидек бошимиз узра тобора ёрқинроқ нур соча бошлади. Ҳамма нарсa тақдирдан, деб ишонувчи Нитонинг эшик тавақалари зич ёпилмагани туфайли чирок нури тушиб турган қотибият билан ўқитувчилар хонасидан уч-тўрт метр бериокда бирдан қаддини гоз тутиб ўрнидан туриб олганига заррача хайрон бўлмадим,

рости. Орадаи масофа кискаргани учунми, дафъатан музика баландроқ эшитила бошлади, одамларнинг гўнғир-гўнғир товушлари, кулгулари, стаканларнинг жаранги бизгача етиб келди. Биринчи бўлиб аник фанлар бўлимидаги еттинчи синф ўқувчиси, оғир атлетика бўйича чемпион, муштумзўрлик ва танишбилишчилик билан ишини битириб юрадиган атокли итэмган Рагуззига кўзимиз тушди. У эшикка суяниб, бизга орқа ўгириб турарди, бироқ сал нари кетганди гавдаси билан тўсиб қўйган йигит билан қизнинг сояси бир неча бўлакка бўлиниб полга тўшалди. Мен деярли танимайдиган Гомес истар-истамас ракс тушар, шериги эса, янглишмасам гуманитар бўлимининг бешинчи синфида ўқийдиган, кўзойнакли чўчкабашара Курчин бўлса керак, хотинларга ўхшаб ясан-тусан қилиб олган: эгнида узун кўйлак, сочлари тим қорага бўялган, бўйнида марварид маржон. Бу ҳаммаси айни ҳақиқат эди, биз ўз кўзимиз билан кўриб, кулоғимиз билан эшитиб турардик, лекин худо ҳақки, бунақа бўлиши мумкин эмас – одамнинг ишонгиси келмайди, худди шу лаҳзаларда кимнингдир қўлини оҳистагина елкамизга қўйганини ҳис қилолмаганимиз каби, ишониш қийин, фавкулудда ҳодиса эдики, бизни хангу манг қилиб қўйди.

– Жанобларни таклиф қилмагандик, шекилли?! – деди испан Маноло, – начора, келишга келибсиз, ичкарига марҳамат, тортинманг.

У шундай деди-да, навбат билан Нито икковимизни битта-битта шундай кескин силтаб ичкарига итариб юбордики, бориб ракс тушаётганларга урилиб кетишимизга оз қолди, бир амаллаб ўзимизни ушлаб қолдик ва шоша-пиша атрофга кўз югуртирдик, ана шунда биринчи марта ҳаммани – саккиз-ўн чоғлик одамни

кўрдик, граммофон олдида пакана Ларраньяга пластинка қўйиш билан андармон, қачон қарасанг хонани эгаллаб турадиган стол майжавонга айлантирилган, чироклар ўчирилган, шу сабабли бизни таниб қолган кимсалар, таклиф қилишгандир-да, дея ажабланишмаган бўлсалар керак, Ларраньяга эса, ҳатто, саломлашган каби бизга қўл силкиб қўйди. Нито ҳар доимгидек бу ерда ҳам эпчиллик қилди, икки ҳатлаб ён тарафдаги девор олдида ўтиб олди, мен ҳам шоша-пиша унинг ортидан эргашдим ва сувараклар сингари деворга қапишганча атрофимизда нималар юз бераётганини эндигина аниқ-таниқ кўриб, тушуна бошладик. Ғира-шира, бунинг устига одам гавжум ўқитувчилар хонаси икки баравар катта туюлар, эрталаб, коридордан ўтиб бораётганимда синфимизда ҳамманинг юрагини олиб қўйган мантиқ фани муаллими Мигойя келганмикин, дея мўралаганимда кўзим тушмаган экан, – деразалар яшил пардалар билан тўсилган эди. Ҳозир ўқитувчилар хонаси клубга ўхшаб қолган, ҳамма нарсаси худди шанба окшомида ўтадиган тадбирга шай қилиб қўйилгандек эди: стаканлару гулдонлар, патефону фонуслар – улар факат зарур нарсаларни ёритарди – бошқа нарсалар эса ғира-шира қоронғулик оғушида қолган эди, эҳтимол, шу сабаблидир, зал беҳад катта кўринаётган эди.

Нималар бўлаётганини тушунолмай қанча пайт гаранг бўлиб турдим, билмадим, ҳатто Мигойя ҳар дарсда бир кур эслатиб ўтишни қанда қилмайдиган барча нарсалар мантикли бўлиши керак, деган оддий қоидага зид бу тунги издиҳом сира қалламга сиғмасди, аммо-лекин Нитога қойил қолиш керак, у атрофга бир қараганнинг ўзидаёқ мактабдошлари билан муаллим Ириартени таниди, рақс тушаётган барча аёллар – бор-йўғи кийимларини ўзгартириб олган ўқувчилар

Перроне билан Маснас ҳамда яна битга, аниқ фанлар бўлимидан еттинчи синфда ўқийдиган тенгдоши – унинг исми тикилинчда эсимга келмай турибди – эканини дархол англаб етди, иккитами учтаси никобда, яна биттаси гавайялик аёлга ўхшаб кийиниб олган, Иреар-тенинг ёнида ликиллаб туришига караганда шу турки-таровати ўзига манзур эди. Испан Фернандо майжавонни бошқарарди, деярли барчанинг қўлида қадах бор эди, дафъатан Ломутога карашли чолғувчилар ижросида танго янградию, ҳамма ўз жуфтини топиб олди, аёл шерик тополмай колганлар ўртоқлари билан раксга туша бошладилар, шу боис Нито белимдан кучиб ўртага олиб чиққанида ҳайрон бўлмадим.

– Қоққан қозикдек тураверсак, суробимизни тўғри-лаб қўйишади, – деди у. – Оёғимни нега босасан, ношуд!

– Мен замонавий ракс тушишни билмасам, нима қилай, – дедим аччиқланган бўлиб, холбуки у мендан баттар ёмон ракс тушар эди. Танго давомида қия очиқ эшикка дам-бадам караб қўяётган Нито, имкон туғилди, дегунча жуфтакни ростлаб қолиш учун ракс тушаётганимиздан фойдаланиб мени сезмаган киши бўлиб, секин-аста чеккароққа олиб ўтаётган эди, туйқус испан Маноло ҳалиям ўша ерда турганини кўриб, яна қайтиб даврага қайтиб қўшилишга мажбур бўлдик ва хатто ҳеч нарса бўлмагандек бирга раксга тушаётган Курчин билан Гомесга ҳазиллашиб гап ҳам отдик. Шу пайт Чўлокнинг қабулхонасига элтувчи икки тавақали эшик очилди-ю, ҳеч ким сезмай қолди, лекин пакана Ларраньяга шартта граммофонни тўхтатди ва биз шундагина бир кўнгилсизликни илғагандек хавотир ичида бир-биримизга тикилиб қотиб қолдик. Мен Нитонинг белимдан ушлаб олган қўллари титраётганини пайқадим.

Менинг зехнимга куйдирги чикканми, нима бало, бирон гап бўлса дарров илғаб ололмайман, мана ҳозир ҳам энди қўлтиклашиб остонада турган иккита аёл Чўлок билан Сеньорита Мажи эмасми, дея иккиланиб турганимда, Нито аллақачон англашга улгурганди. Чўлок шунчалар ҳам бачкана, одамнинг ғашини келтирадиган тарзда кийиниб олган эди-ки, тавба қилдим, учта-тўрттаси энди чапак чалиб олқиш-ламокчи эди, кутилмаганда тўхтаб қолишди ва орага совук ош сингари кўнгилга урадиган бадхазм, оғир ва тайинсиз жимлик чўкди. Мен шаҳарнинг овлок чеккаларида жойлашган ковокхоналарда хотинларнинг кийимини кийиб олган эркакларни кўрганман, бироқ бунақасини учратмагандим: сап-сарик ясама соч, от ёлидек қалин, узунлиги гугурт чўпидек келадиган киприклар, ялтирок, кип-қизил, тор калта кўйлак остида диркиллаган резина сийналар, қат-кат бурма юбка ва баланд пошналар туфли. Билагида қўша-қўша билагузук, туклари кириб тозаланган оппок қўллар, кингир-кийшиқ бармоқларидан тушиб қолай деяётган узуклар, илқис Чўлок сеньорита Мажининг кўлини қўйиб юборди-да, бачканалик билан беўхшов бир алфозда эгилиб таъзим қилди ва уни йиғилганларга ўзича тавсия этган бўлиб, давра ўртасига олиб чиқди. Нито бир нарсага тушунмасди, нима учун сеньорита Мажи ясама соч кийиб олгани ва баданига ёпишиб турган тор, оқ кўйлакда эканига қарамасдан барибир ўзига ўхшаб турибди, дея хайрон бўларди. Деярли пардоз қилмагани, факат қошини хиёл бўягани билан бу сеньорита Мажининг рафтори эди, лекин Чўлоқнинг афт-башарисига куюқ қилиб суртилган упа-элик, ёноғига суртилган пушти ёғупа ва кизғиш жингалак сочлар эса уни мевали тортга ўхшатиб қўйганди. Улар йиғилган

жамоа билан қандайдир илтифотсизлик ва ҳатто калон-димоғлик билан бош силкиб, гўё саломлашганча залга кириб келишди, Чўлок бизни кўриб аввалига ҳайрон бўлди ва бамисли кимдир шу ердалигимиздан огоҳлантириб қўйган-у, бирдан эсига тушиб қолгандек бошини сарак-сарак қилди.

– Бизни пайқамади, – дедим Нитога илжайиб.

– Катта холанг пайқамади, – деди Нито, – зиёфатга келиб қолган тиланчига ўхшайсану пайкамаслиги мумкинми, эгни-бошингни қара – ҳаммадан ажралиб турган бўлсак.

Нито ҳақ эди, биз панжарадан ошиб тушамиз, деб атай эски иштон кийиб олгандик, ундан ташқари менинг эгнимдаги қўйлак бир бало – ҳам эски, ҳам тўзиган, Нито эса енги йиртиқ юпкагина свитерда. Чўлок испан Фернандога юзланиб, суюкоёқ хотинлардек қилпанглаб, нозу карашма билан бир қадах оқ мусаллас сўради, сеньорита Мажи эса, ҳеч нарса қўшмасдан виски келтириб берсангиз, деб илтимос қилди, унинг илтимоси шу даражада тантиқона эдики, хиссиз, эркакшода овози қўшилиб одамнинг ғашига тегарди.

Шу чок яна танго садолари янградию ҳамма шеригини ахтариб қолди, биз эса Нито билан қўркқанимиздан биринчи бўлиб ракс туша бошладик, умумий даврага янги қўшилганлар ҳам ўртага тушишди, сеньорита Мажи очикдан-очик Чўлокнинг пинжига кириб, муком қилганча қуй оҳангидан ташқарига чиқмай ўйнай бошлади. Раксни у бошқарар Чўлок эса унинг қадам ташлашларига мослаб, бир маромда йўрғалар, орқада қолмасликка уринарди. Нито нималар бўлаётгани ҳақида озгина бўлсин маълумот оларман деган илинжда бошқаларга нисбатан ўзига яқинроқ кўрган Курчиннинг ёнига бормокчи бўлар, бироқ унинг ёнига бориш анов-

манов иш эмасди. ракс тушаётганлар бир-бирларидан нарироқ ҳаракат қилаётган бўлишларига қарамай ўрталаридан тикилиб ҳам ўтиб бўлмасди. Чўлокнинг қабулхонасига олиб чикувчи эшик ҳалиям ланг очик эди, биз даврани бир айланиб чикқач, ўша ерга бориб қолганимизда, директор хонасининг эшиги ҳам очик экани ва у ерда ҳам одамлар еб-ичиб турганларига Нитонинг кўзи тушди. Орадаги масофа узок бўлса ҳам гуманитар бўлимининг олтинчи синфидаги Фьори, деган жирканч нусхани таниб қолдик, у ҳарбийлар кийимида эди, ёнидаги бир тутам сочи қошига тушиб турган биккигина, қорамағиз киз эса ўша бўлимдаги бешинчи синф ўқувчиси Морейра бўлса керак, пес-песни қоронғуда топганидек иккови кизгин суҳбат қилиб туришарди.

Бирдан Фьорининг кўзи бизга тушди-ю, шу томонга кела бошлади, у билан кўришаман, деб ҳеч кимнинг кўзи учиб тургани йўқ эди, афсуски у билан юзма-юз келишдан бошқа чорамиз қолмаганди. Ҳарбийлар кийимида у ёши улуғроқ кўринар экан, Нитога ҳатто унинг сочларига оқ оралагандек туюлди – мени эса чиройлироқ кўриниш учун сочларига оқ гард сепиб олганига ишончим қомил эди.

– Янгиларданмисиз? – сўради Фьори. – Офталъмологиядан ўтдингизми?

Жавоб худди афт-башарамизга ёзиб қўйилгандек Фьори бизга диққат билан тикилди, Нито иккимиз ўзимизни кўпни кўрган лейтенант қаршисида турган ҳарбий хизматга янги чакирилган ғўр солдатлардек ҳис қилардик.

– Анави ёкка боринглар, – деди Фьори ва ияги билан қия очик эшикка ишора қилди. – Келгуси йиғилишимизда ташхис натижасини менга келтириб берасиз.

– Бажарамиз, – деди Нито ва бикинимга бир туртиб қўйди. Мен эндигина унинг лаганбардорлик қилиб берган жавобидан энсам қотиб гап билан узиб олмокчи эдим, Мореира (унинг чинданам Мореира эканига энди ишончим комил эди) эшикнинг ёнгинасига келиб, қўлимдан ушлаб қолса денг:

– Қани, юр мен билан, маллавоё, – деди у кийшанглаб, – нариги хонада ракс тушамиз, бу ердагилар юрагингни кон қилиб юборар экан.

– Бирпас туриб, – деди мен учун Нито – Ҳозир келамиз.

– Ҳе, тавба. Бугун мен билан ҳеч кимнинг ракс тушгиси келмаяпти-я...

Биринчи бўлиб ўғринча қия очик эшикдан мен сирғалиб чиқиб олдим. Нега эшикни ланг очиб чиқавермаганимга ҳайронман, лекин ҳозир, бунинг сабабини ўйлаб ўтирадиган фурсат эмасди, Нито чурк этмасдан ним коронғу йўлакнинг нариги бошидан кўз узмай ортимдан келарди, мана сизга, ҳар қандай “нега, нима учун”, деган саволларга ўрин қолдирмаган мактабнинг яна битта каромати, ҳеч нарса сўрама, ҳўп десанг – ютасан, итоат этсанг ўзингга яхши, қолаверса, савол бериш, ҳал қилиш ҳукуки факатгина ҳарбийча кийиниб олган Фьори сингари эси паст аблаҳларга берилган, у ҳам ўзини аллаким билиб, ҳар хил саволлар туғилмасин, дегандек буйрук ўрнига ўтадиган битта жавоб бериб қўйибди – эшитдингми, бажар, рутбаю унвони сеникидан юксак офицер буюраётган бўлса яна канақа гап бўлиши мумкин! Лекин ҳар қанча тутуриксиз бўлгани билан бу туш эмасди, негаки Нито ёнимда – ҳаммасидан унияма хабари бор, ваҳоланки, битта тушни бирваракайига иккита одам кўрмайди-ку!

– Нито, бу ердан жуфтакни ростлаш керак, – дедим мен йўлак миёнасига боргач. – Биронта чора топмаса бўлмайди, ақл бовар килмайди-я!

– Сезиб турибман, фақат сал шошма, кўнглим сезяпти, оптимиздан пойлаб юришибди, чоғи.

– Ким пойлайди?

– Ким бўларди, тўнка!

– Кўнглингга келмасин-у, бу ерда бир гап бор, Нито, тўхтаб тур, бирпас. Нима бўлаяпти, ўзи, тушунолмаяман, нега гапиргинг келмаяпти, ёки била туриб сен ҳам...

– Ана қара, – деди Нито; чиндан ҳам ҳозиргина биз қочиб чиққан эшик ланг очилиб, ичкарида Фьорининг ҳарбий формаси кўринди. Нима учун Фьорига бўйсуниб юрибмиз, ҳайронман, ким ўзи у, бориб, оч биқинига солмаймизми ҳали буйрук берадиган сенмисан деб, бўлмаса танаффусда ушлаб олиб додини берардик нукул, билса ҳазил, билмаса чин қилиб, гинг дейишга кўрқарди, ким бунақа қилиб қўйди бу латтачайнарни. Ўзи бекорга бу ерга келдик. Нима бор эди, йўлак адоғидаги ёнма-ён эшиклар олдида бизга, бунинг устига яна ёпиқ бўлса, пишириб қўйибдимми, Нитога ҳам ҳайронман, нима қиларди эшикни очиб, ёнида мен бўлмасам, ундан кўра кидирмайдими мени, мен ҳам кип-қизил жинни эканман, нимага у эшик қолиб бунисидан кирдим ўзи – адашиб қолдимми ё атай шунақа қилдимми?! Энди чиқиб бўлсан бу ердан, бинафшаранг шуъла қоплаган хонада ҳамманинг диққат-эътибори ўртадаги шаффоф шиша аквариумда эди, тепаси шифтга тегай, деб турган бу баҳайбат, тўртбурчак куб шаклидаги идиш шунақаям катта ва деярли хонанинг тўртдан уч қисмини эгаллаб олганидан унинг деворига қапишиб олгудай нилий сувда оҳиста сузиб юрган балиқларни томоша

килаётганларга жой етишмасди, хона эса жимжит эди, гўё бу хона эмас, балки эркак ва аёллар(булар ҳам хотинлар кийимини кийиб олган эркаклар эди) тош қотиб ойнасига ёпишиб олган аквариум эди, худди мана шу дамда Нито ўгирилиб, мени қидириб қолган, шекилли, қани у ярамас Тото, қаерда қолди, галварс, дея жиғибийрон бўла бошлади ва дафъатан энди ортига тисарилиб қочмокчи эди, кимдан, нима учун қочишим керак, бирон ортиқча гап-сўз, жанжал-тўполон бўлгани йўқ-ку, деган хаёлда тўхтаб қолди ва балиқларни томоша қилаётганларга бирма-бир кўз югуртириб чиқа бошлади, қараса деярли ҳаммасини танийди: Мутиса, Борова – Делусия ҳамда гуманитар бўлимининг олтинчи синфида ўқийдиганлар ҳам шу ерда экан, у ўзидан-ўзи нега айнан Рагуззи, Фьори, Морейралар юрибди бу ерда, нега бошқалар эмас-у, айнан шулар, дея хуноб бўларди, ростданам кундузи ўзларига яқин олиб, кўпинча бирга юришадиган, ёрқин орзуларини ўртоқлашадиган кўнгилчан Лайнес ёки Делич ёинки бошқа дўстлари эмас-у, мана шу ипирискилар бу ерда юрибди, юрса юравермайдими, шунга ям ота гўри қозихонами, лекин уларнинг орасида Тото икковига пишириб қўйибдими, ким айбдор бунга, биров мажбур қилмагандир уларни, албатта ўзлари айбдор, зарурмиди кечаси мактабга бориш, мана энди Чўлоқ, оташкурадан фарқи йўқ Ириарте ва бу палид, қаланғи-қасанғилар ичида битта ўзи аёллигича қолган сеньорита Мажи тугул, кундузи кўришга тоқатлари йўқ итдан тарқаганлар орасида ош-қатиқ бўлиб юришга мажбур иккови.

Дафъатан хонаки итнинг овози эшитилди, у ақил-ламади, балки ангиллади, лекин ҳарқалай хонада ҳукм сурган тинчликни бузди, ҳамма бараварига хона

ичкарисига тикилди, ҳеч нима кўринмади, шунда Нитонинг ўша томондан – алвон парда ортидан бошини ғоз тутганча аник фанлар бўлимидаги бешинчи синф ўқувчиси Колетти чиқиб келаётганига кўзи тушди, у баланд кўтарган қўлларида оппоқкина кучук болани тутганча бамисли йиғилганлар даврасини ёриб ўтаётгандек келарди, жонивор унинг кўлидан қутулмоқчи бўлиб, типирчилаганча яна ангиллади, унинг панжалари қизил тасма билан танғиб ташланган, тасманинг бир учига эса, чамаси қўрғошин парчаси боғлаб қўйилган эди. Колетти мўлжаллаб туриб кучукчани аквариумга улоқтирди; Нито унинг жон талвасасида типирчилаб, юкорига талпинаётгани, панжаларини бўшатиш учун жон-жаҳди билан силкитаётганини кўрди, ҳаво етмай бўғилиб, очик тумшуғидан пуфакчалар чиқа бошлагани, бутунлай ғарк бўлмасидан аввалроқ бир гала – ўнта-ўн бештача, ҳатто ундан ҳам кўпроқ балиқ унга ташланиб ва жунларини юлиб-юлиб олишаётганда сув қирмизи тусга киргани, кучукчанинг теваарагидаги кондек қизил булут тобора қуюклашиб бораётгани, у эса ҳамон атрофида ғуж-ғон ўйнаган балиқлар ва қон қоришмаси оғушида типирчилаётганидан кўз узолмай қолди.

Мен буларни, табиийки, кўролмадим, чунки эшик ўзидан-ўзи ёпилиб, хонани зулмат қоплади – бир қадам нарини кўриб бўлмасди, нима қилишимни билмай, турган жойимда қотиб қолдим, аксига олиб доим қаерда бўлмасин ортимдан етиб келадиган Нитонинг йўқлигини айтинг, қаердайкин, нима қилгани бу – шуям иш бўлди-ю! Мен ўпқондек коп-қоронғу хонада қаерга юришимни ҳам билмасдим, қандай турган бўлсам шундай, килт этмай тураверсам бўларди, лекин унисиям, бунисиям кўркқулик эди, шу чок бирдан димоғимга

дезинфекция қилаётгандаги ис, касалхонагагина хос, кўричакни олиш чоғидаги нохуш ҳид урилди, мен ҳали нимадан бунақа ҳид келаётганини англаб етмасимданок кўзим қоронғуликка сал-пал ўрганди, аслида, бунинг учунмас, балки хонанинг ичкарисида бир жуфт чирок: яшил, кетидан сарик нур сочиб милтилаб тургани учун, ҳатто жавон, оромкурсининг сирти, ғира-шира шакли кўзга чалинди, туйкус кимнингдир кўланкаси мен томонга кела бошлади.

– Қани келақолинг, бўтам, келаверинг, – деган овоз эшитилди. – Кираверинг, кўркманг.

Мен кадамимни қаерга кўйишни билмасдим, оёқларим остида ҳеч нарсани кўриб бўлмас, полга тўшалган юмшоқ гилам, оромкурсининг узун темир дастаси, шиша идишчалар, чироқлар ҳаммаси қоришиб кетганди; сеньорита Мажининг малларанг силлик сочи билан оппоқ кўйлаги оқиш туман сингари ёришиб турарди. Елкамга кимдир кўлини кўйди-да, мени олдинга қараб итариб юборди, бошқа кўл эса бошимнинг қоқ тепасидан куч билан босиб, оромкурсига ўтиришга мажбур қилди, манглайим муздек ойнага теккандек бўлди, шу асно сеньорита Мажи бошимни текис тирсаклар орасига жойлади. Нақ кўз олдимда ўртаси ялтироқ қизил нуктали сутдек оқ доира ялтираб кетди, мен ойнаванд қурилманинг нариги тарафидаги креслога жойлашиб ўтирган сеньорита Мажининг тиззалари оёқларимга текканини ҳис қилдим. У темир чамбаракнинг тишли ғилдиракчаларини бураб бошимни янаям маҳкамроқ сиқиб, қимирлатмай кўйди, дастлаб нур яшил рангга кирди, сўнг яна оқ рангга айланди, қизил нуқта катталашиб, бир томондан иккинчи томонга кўчиб ўтди, бу аҳволда эса мен факат юқорига қарашим ва сеньорита Мажининг малла бошини ўраб

олган ёғдусимон гардишни кўришим мумкин эди, бизнинг киефаларимизни факат миттигина чироклар ўрнатилган ойна билан – сеньорита мени кузатиб туриши учун ўрнатилган бўлса керак – шиша найча ажратиб турарди, холос.

– Қимирламай қизил нуктага караб ўтир, – деди сеньорита Мажи. – Яхши кўриняптими?

– Ҳа, лекин...

– Гапирмасдан жим ўтир, мана шундай. Агар қизил нукта кўринмай қолса, менга айтасан.

Тўғриси айтганда, нуктани кўрдимми-йўкми, ўзим ҳам билмайман, у ойнанинг нариги томонида менга тикилиб ўтирарди, ногоҳ ёғдудан ташқари сеньорита Мажининг кўзларини ҳам кўраётганимни сезиб қолдим, асбобнинг ойнаси ортидан бокаётган унинг жигарранг кўзлари, бу кўзлар тепасида малла ясама сочининг нури жилваланарди. Жуда узок давом этгандек туюлган лахзалар ўтди, сўнг кимнингдир қийналиб нафас олаётгани эшитилди, мен ўзим шунақа нафас оляпман, шекилли, дея хаёл қилдим, нималар келмади дейсиз яна кўнглимга, чирок эса секин-аста ўзгариб, ҳошиялари сиёҳранг қизил учбурчакка айланди, йўғ-э, ҳарқалай ҳарсиллаб нафас олаётган мен эмас эканман.

– Ҳалиям қизил чирок кўриняптими?

– Йўк, кўринмаяпти, лекин назаримда...

– Қимирлама, жим тур... Яхшилаб кара.

Димоғимга ҳароратли, хушбўй ҳид урилди, учбурчак туташмайдиган кўк чизикларга айланди; резинка таянчга қаттиқ ботганидан иягим оғрир, бирам бошимни кўтаргим ва бу темир қафасдан жудаям кутулгим келар эди; боядан бери ҳамма ёғимни силаб-сийпаётган қўл ғимирлаб оёқларим орасига тушди, аввалига барча тугмаларимни пайпаслаб чикди, сўнг бирма-бир

уларни еча бошлади, ечиб бўлгач, бармоқлар ичкарига сукулди, чироклар қайтадан оппоқ ранг касб этди-ю, кизил нуқта яна марказда пайдо бўлди. Мен кутулиш учун кучандим чоғи, чунки бошимнинг кок тепаси билан даҳанимда оғрик турди, бу аёвсиз сикиб олган темир қафасдан кутулиш амримахол эди, димоғимга яна хушбуй ислар урилди, худди сеньорита Мажининг бармоқлари дам ичкарига, дам куйирокка тушиб ожизлигимни ҳар дакика сездириб қўяётгани каби оловли нукталар кўз олдимдан липиллаб дам пастга, дам юкорига қайта-қайта чикиб туша бошлади.

– Шошма, – деди боятдан бери ҳарсиллаб нафас олаётган кимса, – кўркма, болакай, кўркма, текшириб кўриш учун икки-уч томчи етади бизга, ана... бўлди, баракалла.

Мен муздек шиша идишнинг баданимга текканини хис қилдим, бироқ нима бўлаётганини тузукрок тушуна олмадим, кўз олдимни энди корамтир ойна тўсиб турар, вақт эса секин ўтар, пировардида сеньорита Мажи орқа томонимга ўтиб бошимга маҳкам боғланган кайишларни еча бошлади. Мен қаддимни ростлаб тугмаларимни қадаётганимда ярқ этиб сарғиш шуъла кўзимга урилдию беихтиёр кафтим билан кўзимни тўсиб олдим, сеньорита Мажи, мана шу ердан ташқарига чиқилади, дея хонанинг ичкарисисидаги эшикни кўрсатди. Унинг кўзлари ҳиссиз боқар, ҳузур ва мамнуният балқиган текис чехраси ҳамда чирокнинг нурида алланечук бачкана кўринаётган ясама сочидан кўнглим кетарди. Бошқа одам гапириб ўтирмасдан уни маҳкам бағрига босиб ўпиб олган ёки уриб дабдаласини чиқарган бўларди, лекин кани ўша одам, масалан, мана шу Фьори ёки Рагуззи ҳам шундай қиларди балки, ҳозир ҳеч ким бундай қилмади ва эшик тарс этиб ёпилдию,

улар ичкарида, мен эса яна йўлакда қолдим, фақат бу сафар бошқа тарафдаги коридорда қаёққа боришни билмай битта ўзим турибман, Нито қаердайкин ҳозир, зарур пайтида ёнингда бўлмаса, очиғи шу дамда унинг йўқлиги шунақаям билиндики, асти қўяверасиз, мен чор-ночор олдинга юрдим, йўлакдан бориб ўнг томонга бурилар-бурилмас битта-ю битта эшикка дуч келдим, уни жон-жаҳдим билан итарган эдим, эшик қулфланган экан, очилмади, мен мушт билан даранглатиб урдим, гумбурлаган акс-садо эшитилди, холос, йиғламоқдан бери бўлиб эшикка суяндим, алоҳа, секин сирғалиб полга чўккалаб қолдим – оёқларим шалвираб ўзимга бўйсунмасди, шунчалик беҳол эдимки, балки сеньорита Мажининг сеансидан кейин шу қўйга тушгандирман. Ичкаридан қийкириб кулган овозлар эшитиларди.

Чунки у ерда хохолаб кулишар ва бўкиришарди, кимдир йўлни тўсиб турган Нитони итариб юборди ва ҳамма аквариум билан унинг чап тарафидаги девор оралиғидан ўтиш мумкин бўлган ер орқали эшикка ошиқарди, Колетти йиғилганларга боя кучукчани қандай кўтариб кўрсатган бўлса, қўлини шундай кўтарганча олдинга ўтиб йўл бошлади, одамлар қийкириб, бир-бирини турта-сурта ўша томонга юришди, кимдир Нитони орқасидан кетига бир тепди, уни сўтак ҳамда қўйнинг кумалоғи, деб масхара қилди, ҳали кўпчилик киришга улгурмай туриб ичкарида ўйин бошланиб кетди: Нито Чўлокни кирган заҳоти таниди, у кўзлари боғланган холда бошқа эшикдан кириб келди, испан Фернандо билан Рагуззи қоқилиб, бирон ерини уриб олмаслиги учун унинг қўлидан ушлаб олишди, бошқалар эса, биров стулга орқасига, биров китоб жавонининг ортига ёки каравот тагига яширинди, Курчин бўлса стулга, ундан китоб жавонининг те-

пасига чикиб олди, ҳамма хайхотдек хонанинг ҳар тарафига тарикдек сочилиб кетди ва оёк учида секингина қочиш ёки чалғитиш илинжида овозини ўзгартириб, чийиллаб чакириш учун Чўлокнинг қайси тарафга юришини кутиб турарди, Чўлок эса алланималар дея қичқирар, битта-яримтасини тутиб олмокчи бўлиб, қўлларини кенг ёйиб, хонада алпанг-талпанг қилиб юрарди, Нито девор томонга қочиб бориб, гуллар билан китоблар қўйилган стол ортига беркинди, Чўлок пакана Ларраньягани шартта ушлаб қолибона қичкириб юборганда, ҳамма чапак чалиб уни олқишлаганча пана-панадан чикиб кела бошлади ва Чўлок кўзбоғичини ечиб дод-вой солаётганига пинагини бузмай худди кучукчага раҳм қилмасдан панжаларини боғлагандек Ларраньяганинг кўзини маҳкам боғлади-да, “бекинмачок” ўйнаётганларни топ, дея ўртага итариб юборди. Яна пичир-пичир, хингиллаб кулишлар, ҳар тарафга қочишлар бошланди, ўқитувчи Ириарте ҳадеса ирғишлар ва ҳақкалар, Фьори такаббуруна вазминлигини йўқотмас, Рагуззи пакана Ларраньягадан икки қадам нарида қийқирганча кўкрак кериб турарди, Ларраньяга эса йиқилиб тушмаслик учун дорбоздек қалқиб-қалқиб қўлларини пайдар-пай силкитиб юрарди, Рагуззи унинг қўллари тагидан: «О, Тарзан, мен Жейн бўламан, ушла мени, галварс!», – деганча лип этиб ўтиб кетар, ховлиқиб қолган пакана эса турган ерида гир айланар, қўллари билан тимирскиланар эди, яна пайдо бўлиб қолган сеньорита Мажи Чўлокни кучоклаб олиб у билан бирга Ларраньягани мазах қилиб, устидан кулишарди, пакана бирдан улар томонга сапчиб қолувди, иккови қўрқиб кетганидан қийқириб юборди ва шундоқкина унинг қўлларига тушай, деганида чап бериб қолди. Нито

тисарила-тисарила бирдан орқага отилди, худди ана шу лахзада пакана хушёрлигини йўқотган Курчиннинг сочларига чанг солди, Курчин бакириб юборди, Ларраньяга эса ўлжасини кўйиб юбормай кўзбоғични тортиб олди, ҳамма кийкириб, уни олқишлашга тушди, бироқ шу пайт Чўлок кўлини юқорига кўтариб, унинг ёнида Фьори шартта қаддини ғоз тутиб, бир нималар дея буйруқ берган эди, оломон яна бирдан жим бўлиб қолди, буйруқ ҳар канча мавҳум бўлса-да, ҳарқалай Фьорининг эғнидаги ҳарбийлар кийими буйруқ ўрнига ўтарди, ҳамма, ҳатто хали Ларраньяга сочларидан ушлаб тортганда кўзлари ёшланган Курчин ҳам қотиб қолди.

– Тайёрланинг, – амр қилди Чўлок, – ана энди тўнка-тўнка ўйнаймиз. Қани, уни ўртага олиб чиқинг.

Ларраньяга тушунмади, лекин Фьори Курчинга ишора килиб, бош ирғади, шунда пакана Курчиннинг сочларидан ушлаб тортди-да, энгашишга мажбур қилди, ҳамма навбатга турди, тинмай шовқин кўтараётган аёллар сакрашларига ҳалал бермаслиғи учун юбкаларини тўғрилашга тушишди, сафнинг бошига Перроне, унинг ортидан Ириарте, кейин, танноз Морейра, Колетти билан Боров – Делусиялар туришди, узундан-узок навбат залнинг нариги бошигача чўзилди, Ларраньяга бўлса Курчинни янаям пастга эгмокчи бўларди, Чўлок кўллари билан ишора қилганди кўйиб юборди, Фьори эса: «Урмасдан сакраш!», дея буйруқ берди. Ўша захоти Перроне, кетидан бошқалар югура келиб Курчиннинг белига таяниб, галма-гал устидан сакраб ўта бошладилар, ўтаётганларида «Урмасдан!» ёки «Сакрадим!» деб чинқиришар, сўнг яна навбатга бориб туришарди, Нито деярли охирида сакради, у Курчинга оғирлигим тушмасин, деб баландроқ сак-

рашга ҳаракат қилди, унинг ортидан югуриб келган Мосиас атай бир замбил лойдек оғирлигини солиб ўтди, шу топда Чўлокнинг «Уриб, сакраб ўтилсин!» деган буйруги янградию, ҳамма бошкатдан Курчиннинг устидан сакраб ўта бошлади, лекин энди ё тепиб, ё мушт тушириб ўтишга ҳаракат қилишарди, бир пайт навбатда турганларнинг сафи бузилиб, кўпчилиги Курчинни ўраб олди-да, ади-бади қилиб ўтирмасдан тўғри келган ерига муштлаб, дўппослашга тушишди, Нито энди кўлини кўтарган эди, не кўз билан кўрсин, ундан олдинроқ Рагуззи Курчиннинг човига қараб тепди, Курчин чинкириб юборди ва букчайиб қолди, Перроне билан Мутис унинг оёқларига роса тепишди, аёллар эса бажонидил курагининг тагини “ижарага” олишди, ҳар гал Курчин қаддини ростлайман, деганда Фьори келиб сочидан тортиб ерга энгаштирар, ва «Тўнка бу, тўнка, уринглар, уринглар!», дея ушлаб турар, кетма-кет қўйворинглар, бўлди, деб ялиниб зорланаётган Курчиннинг биқинига, бошига ёғилаётган муштлардан завқланарди, лекин қўйиб юбормас эди. Ниҳоят шу шовкин-сурон оралаб Чўлок билан сеньорита Мажининг бараварига бир нималар, деб буйрук қилишгани эшитилди-ю, Фьори Курчинни қўйиб юборди, Курчин ёнбошига йиқилди, унинг оғзи-бурни қоп-қора қон эди, залнинг ичкарасидан Монола югуриб чиқди-да, уни бир қоп ёнғокдек даст кўтариб нари олиб кетди, ҳамма қарсак чалиб юборди, Фьори эса гўё маслаҳат сўрагани Чўлок билан сеньорита Мажининг ёнига келиб келди.

Хиёл олдинроқ ортига тисарилаётган Нито ҳар тарафга сочилиб кета бошлаётган давранинг бир четига чиқиб қолди, худди ҳамма ўйинни давом эттиргиси ёки янгиси бошланишини истарди, у турган еридан

Чўлоқнинг Ириартени бармоғи билан кўрсатиб бир нималар дегани, Фьорининг эса унинг олдига келиб алланималарни тушунтираётганини жимгина кузатиб турди, ниҳоят буйруқ берилди-ю, ҳамма тўртта-тўрттадан бўлиб саф тортди, аёллар оркага ўтди, шу пайт иккинчи қатордан жойини тополмаётган Нитога Рагуззи отряд қўмондони сифатида ўқрайиб қаради. Бу менга яққол кўриниб турарди, ана шунда испан Фернандо мени ёпиқ эшик ортида турганимни сезиб қолди-ю, эшикни очиб, қўлимдан тортиб ичкарига олиб кирди, мен Чўлоқ билан сеньорита Мажининг девор ёнидаги оромкурсида ўтиришгани, бошқаларнинг эса Фьори билан Рагуззи бошчилигида саф тортиб туришганини, иккинчи қаторда ранги-кути ўчиб турган Нито билан худди бутун синф олдига турган пайтидагидек сафнинг олдига чиқиб олиб Чўлоқ билан сеньорита Мажини тантанали равишда олқишлаётган ўқитувчи Ириартени кўрдим, мен бўлсам иложи борица кўзга чалинмаслик учун охириги қаторда алланималарни шивирлашиб мени масхара қилаётган аёлларнинг орасига яшаринишга ҳаракат қилардим, то Ириарте томоқ кириб йўталиб қўймагунча бу ҳол давом этди, шундан кейин орага узоқ жимлик чўкди.

– Ўнта панд-насиҳатни такрорлаймиз, – деди Ириарте. – Биринчиси!

Мен Нитога қарадим, гўё ҳалиям бўлса у менга ёрдам бера оладигандек аҳмоқона бир илинжда қочиб кетишим учун менга йўл кўрсатар ёки бирон-бир эшикка ишора қилар деб ўйлардим, йўқ, Нито менинг шу ерда, унинг оркасида турганимдан беҳабарга ўхшар ва бошқалар сингари ҳайкалдек қотиб, бир нуктадан кўз узмай турарди.

Саф жўр овозда дона-дона кўлиб такрорлади:

– Куч-қудрат тартиб-интизомнинг маҳсули, тартиб-интизом куч-қудратнинг маҳсули!

– Қиссадан – хисса! – амрона янгради Ириартенинг овози.

– Буюрмоқ учун итоат эт, итоат этиш учун амр қил! – деди чертиб-чертиб саф.

Нито ўгирилиб қарайди, дея умидвор бўлиб кутиш бефойда эди, назаримда, ҳатто бошқаларга қўшилиб у ҳам шу панд-насиҳатни қайтараётганга ўхшарди – балки лаблари қимирлаётгани учун шундай деб ўйлагандирман. Мен сирти ёғоч билан қопланган деворга суянгандим қисирлаган товуш чикди, эс-вос хотинлардан бири, Морейра бўлса керак, хавотир ичида менга бир қараб қўйди. «Иккинчи панд-насиҳат!», дея буюрди Ириарте, дафъатан мен деворга эмас эшикка суяниб турганимни, у қулфланмаган, салга очилиб кетиши мумкинлигини сезиб қолдим-у, ғалати аҳволга тушдим. «Ия, сенга нима бўлди, барно йигит», – деди шивирлаб Морейра, шу дамда саф мазмуни менга бутунлай қоронғу қаломни такрорлаётган пайтда, суянганимдан оғирлигим тушиб, очилиб кетган эшикдан сирғалибгина ташқарига чикиб қолдим-у, эшикни яна зич ёпиб қўйдим, Морейра билан Мосиаснинг итариб очмоқчи бўлаётганини сезиб, ҳайриятки қоронғуда йилтиллаб кўринаётган темир тамбасини суриб қўйдим; кейин тор йўлак бўйлаб югуриб кетдим, сал наридан бурилдим, иккита бўм-бўш, қоп-қоронғу хоналардан ўтдим, кейин яна йўлак келди, ундан сўнг мактаб ҳовлисининг нариги томонидаги ўқитувчилар хонасидан чикиб бориладиган яна бир бошқа йўлакка чикдим. Мен кўп нарсани эслаб қололмадим, бутун фикр-хаёлим югуриш, шовқин кўтармай қочиш ва қандай бўлмасин, қутулишдан иб-

рат эди, шу ахволда мармар зинага етиб келдим, сўнг пиллапоялардан учталаб ҳатлаб-ҳатлаб тушдим-да, мени панчо билан йўлимни тўсиб, қарши олгани чиққан испан Монола рўпарамда пайдо бўлди. Ҳозиргина айтиб ўтдим, кўп нарсани эслолмайман, деб – ё учиб келиб қорнига калла қўйдим, ё етиб кела қорнига бир тепиб ағдардим, аксига олиб панчо панжаранинг ўткир учига илиниб қолди, лекин барибир амалладим, панжарадан ошиб ўтдим-да, кўчага чиқиб олдим. Тонг бўзара бошлаганди, бедана юриш қилиб келаётган бир мўйсафид мени кўриб такқа тўхтади, анқовсираб менга қараб турди-турди-да, бирдан бақирмоқчи бўлиб оғзини очган эди, томоғига бир нима тикилдими, оғзидан ғийк этган товуш чиқди, холос.

Ўша якшанба мен кўчага чиқмай кун-уззукун уйда ётдим, бахтимга уйдагилар мени яхши тушунишарди, биронталари ноўрин савол бериб юрагимни сиқмади, тушликка яқин Нитоларникига қўнғироқ қилдим, онаси Нито уйда йўқ, деб жавоб берди, бир соатлар ўтгач, яна қўнғироқ қилгандим, бир келди-ю, ўша заҳоти чиқиб кетди, дейишди, кечкурун соат ўнда эса акаси унинг қаердалигини билмайман, деди. Нитонинг бизникига келмагани ҳайрон қоларли, эди, ахир билади-ку, хавотир олиб юрагимга ҳеч нарса сиғмай ўтирганимни. Душанба куни мактабга эртароқ бордим, бордим, баттар ҳайратга тушдим – Нито дарвозахона олдида турарди, бир умр дарслардан кеч қолиб юрадиган Нитонинг бунчалик эрта келиши мен учун кутилмаган ходиса эди. У Делич билан гаплашиб турарди, мени кўриб гапини тугатмаёк ёнимга келди, қўл бериб кўришдик, ажабо, биз мактабда ҳеч қачон қўл бериб саломлашмаган эдик. Шу дақиқаларда мени бошқа нарса қийнади, дарс бошланишига атиги беш минут қолган,

биз эса ҳали кўп нарсаларни ойдинлаштириб олишимиз зарур, нима деб ўйладинг, канақа қилиб қочдинг, мени эса испан ушлаб олди, мени ҳам, биламан, деди Нито, кўп хуноб бўлаверма, Тото, шошма, гапимни охиригача эшит, лекин... Тўғри, фақат қизишма, арзимаиди. Нега қизишмас эканман, Нито, нима мени жинни, деб ўйлаяпсанми? Юр, ҳозирок бориб, Чўлоқнинг нималар қилаётганини бошдан оёқ айтиб берамиз, одамлар билсин. Тўхта, шошма, қизишма Тото.

Шу тарика иккаламиз ўзимизникини маъкуллай-вердик, мен бир нарсани тушуна бошладим: бу ерда бир гап бор. Нито қандайдир ўзгариб қолган. Шу чок Мореронинг қораси кўринди, у келиб биз билан кўришди, тавба, Нитога кўзини қисиб қўйди, хов нарида Боров-Делюсси билан Рагуззи спортчилар кийимида ҳаллослаб келишаётганига кўзим тушди, бу итваччалар Льянес ва Алермога ўхшаган ўртоқлари билан бирга ҳангамалашиб келишарди: салом, Риверонинг ютганини кара, кўрдингми, сенга нима дегандим, оғайни, Нито эса мендан кўзини узмай бир гапни қайтараверарди: фақат бу ерда эмас, ҳозир мавриди эмас, Тото, дарсдан кейин, қахвахонада гаплашиб оламиз. Ана, кара, кўряпсанми Нито, Курчин бошини боглаб олибди, мен индамай туролмайман, юр бирга борамиз Нито, хоҳламасанг бир ўзим бораман, эшитяпсанми, ўлай агар, битта ўзим бораман, ҳозирок. Йўқ, деди Нито, худди буни Нито эмас, бошқа одам айтаётгандек, сен ҳозир бормаيسان Тото, аввал гаплашиб олишимиз керак.

Қаршимда турган Нито эди, ўлай агар, худди ўзи, фақат мен уни дабдурустан танимай қолгандим, холос. У фақатгина Фьори айтиши мумкин бўлган оҳангда йўқ, деди, тавба бўрини гапирсанг кулоғи кўринади, дегандек узоқда, биздан йигирма кадамча нарида Фьорининг ўзи пайдо бўлди, унинг эгнида антика

костюм, ҳуштак чалганча шу томонга бурилди – уни илгари сира бунақа алфозда кўрмагандим: оғзи кулогида – келиб сўрашди. Назаримда, ҳаммаси Фьорининг мана шу беўхшов табассумида мужассам эди; ўша, мен зинапоялар ва қоронғу йўлақлардан оёғимни кўлимга олиб қочиб кетаётган маҳал улкан устунлар олдида турган Монолага дуч келиб қолган тундаги кўркув яна юрагимни қамраб олди.

– Нега бормас эканман? – дедим тархашлик қилиб. – Нима сабабдан Чўлоқ ҳақида, Ириарте ва бошқалар ҳақида кўрганларимни айтиб бермаслигим керак?

– Чунки бу жуда хавфли, – деди Нито. – Ҳозир бу ерда ҳеч нарсани гаплашолмаймиз, қахвахонага борайлик, ҳаммасини бошдан-оёқ тушунтириб бераман. Мен сендан кўра узоқроқ қолдим у ерда, демак кўпроқ нарса биламан.

– Лекин охир-оқибат сен ҳам қочиб қолдинг-ку, – дедим бамисли рўпарамда турган Нитодан бошқа ўша ўзим яхши билган Нитони топиш умидида жавдираб унга тикилар эканман.

– Йўқ, менинг қочишимга ҳожат қолмаган эди, Тото. Шунинг учун сенга айтяпман: тилингни тий!

– Нега энди сенинг гапларингга қулоқ солишим керак экан? – дея йигламсираб бақириб юбораёздим, айна лаҳзаларда унинг юзига шапалоқ тортиб юборгим ёки қучоқлаб олгим келаётганди.

– Чунки шундай қилсанг ўзингга яхши бўлади, – деди Нито ҳамон ўша бегона овозда, – чунки сенинг аклинг жойида, тушуниб оласан дарров: агарда оғзингни очсанг, ҳолингга вой. Афсуски, ҳозирча тушунмаяпсан, энди дарсга кетдик. Билиб қўй, такрор айтаман, чурк этсанг – тамом, бир умр пушаймон ейсан, агар тирик қолсанг, албатта.

Табиийки, у ҳазил киларди, менга бунака гапларни қанақасига жиддий айтиш мумкин ахир, лекин овоздаги қатъият, лабларини қимтиб туриши-чи, комил ишонч билан гапиришини қаранг! Рагуззи ёки Фьорининг худди ўзи дейсиз, ишончининг комиллиги, лабларининг қимтиниши. Ўша куни дарсларда нимани тушунтиришди – мутлақо эслолмайман, ўрнимда ўтирибман-у, орқамдан Нитонинг тешиб юборгудек ўткир нигоҳи узлуксиз куракларимга санчилаётгандек бўларди. Дарслар Нитонинг ҳам қулоғига қираётган бўлса керак. Чунки худди ўзи учун дона-дона қилиб баралла айтилаётгандек бўлган ва у ёдлаб олган, Чўлоқ билан сенъорита Мажи Ватан истикболи учун отланинглари, дея буйруқ берадиган ажойиб кунларнинг бирида ўша, ҳақиқатан рўёбга чиқиши муқаррар оламшумул воқеалар олдида ҳозир бунинг нима аҳамияти бор?!



БИЗ ГЛЕНДАНИ ШУНДАЙ ЯХШИ КЎРАМИЗ

Бунака бўлишини олдиндан ким ўйлабди, дейсиз. Кимдир-биров киногами ёки театрлами кетаётганда, ўзига ўхшаб ўша ерга бораётган одамлар ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмайди: кийиниб бўлгач, фильм қачон бошланишини, жойи қаерда эканини сўраб яна бир карра қўнғироқ қилади, ё ўн биринчи, ё еттинчи қатор, нимқоронғулик ва мусиқа, ҳеч кимга, айти пайтда ҳаммага тегишли маскан, ҳамма – бир хилда томошабин, эркаклару аёллар, ғуж-ғуж одам, лекин ҳеч ким йўқдек, ора-сира кеч қолиб безовта қилаётгани учун узрхоҳлик, норози оҳангдаги шивирлашлар, ким кимга эътироз билдирипти – номаълум, доимий осойишталик, нигоҳлар сахнага ёки экранга қадалган, ён-верида ким ўтирибдию, нималар бўлаяпти – ҳеч ким қизиқмайди, ҳолбуки зал тўла одам... Худди шунга ўхшаб, рекламалару кинотеатр олдидаги узундан-узок навбатларни кўриб, газета-журналларда тинимсиз эълон қилаётган такриз ва мақолаларни ўқиб ҳам Гленданинг муҳлислари бунчалар кўп эканини билмас эканмиз.

Уч йил, нарисин билан тўрт йил бўлди шу воқеаларнинг бошланганига, ҳозир, бу фикрнинг биринчи бўлиб кимдан чиққанини ҳеч ким аниқ айтиб беролмайди, қисқаси, вақт ўтиб биз асосий гуруҳ, ёшлар эса клуб, дея ном қўйган ўша қандайдир бирлашма ташкил этиш ғояси қачон – кинони кўриб чиққач, бир қадахдан мусаллас ичиб ўтиргандами, суҳбат қизиганида ёки

жимгина хаёл сураётганимиздами вужудга келди-
микин, тавба, Урасуста билан Диана Риверонинг
ҳам аллакачон эсидан чикиб кетган бўлса керак.
Аслида бу ҳеч канака клуб-плуб эмасди, оддийгина
Гленда Гарсонни чин дилдан яхши кўрадиганлар
давраси эди, ваҳоланки унинг истеъдоди билан ижоди-
га юксак баҳо беришдан нарига ўтмайдиган мух-
лислардан ажралиб туришимизга шунинг ўзи ҳам
кифоя қиларди. Зотан, Гленда ёркин истеъдоди билан
бизни ҳам маҳлиё этиб, чинакам санъатга ошно қилган
эди, шунингдек Анук, Мерилин, Анни, Сильвана ҳамда –
бўлмасам-чи – Марчелло, Ив, Витторио ва Дирк сингари
актёрлар ҳам юрагимиздан ўрин олганди, лекин фақат
биз Глендани чинакамига яхши кўрар эдик, айнан
шунинг учун, мана шунинг шарофати билан гуруҳимиз
ташкил топди ва шаклланди ҳамда қатъиян ўз мақомини
белгилаб олди; бу сабабларни ёлғиз ўзимиз билар-
дик – буни ҳеч кимга айтмасдик, кейин-кейин, бир
мунча вақт ўтиб, битта-яримта Гленданинг мухлислари
билан танишиб қолиб, улар билан борди-келди қилиб
юриб, узоқ давом этган суҳбатлардан сўнг кимки
Глендани чин дилдан яхши кўришига ўзи ишониб
қолмай, бизларни ҳам ишонтира олса дилимизда бу
туйғуларни ўшанга инониб айтардик.

Диана билан Ирасуста ташкил этган уюшма секин-
аста кенгайиб борарди. “Қор узра ёлқин” фильми
экранларга чиққан йили биз нари борса олти ёки етти
киши бўлсак, “Зеболик тухфаси” ишланганда уюшма
аъзоларининг сони ҳаддан ташқари кўпайиб, оқибатда
айримлар ўзларини аллаким билиб, унча-мунча нарсани
менсимайдиган бўлиб бораётганларини сезиб қолдик.
Биз – Ирасуста, Диана ва яна икки-уч киши ўзаро
фикрлашиб талабчанликни ошириш, синамасдан ва
вискихўрлик пайтида ўзини доно ҳамда фидойи қилиб

кўрсатишни яхши кўрадиганларни имтихон қилмасдан (О, Буэнос-Айрес, Лондон ва Мехикога ўтган бу тунги имтихонлар!) олмасликка қарор қилдик. “Омонат бахт” премьераси куни Глендани яхши кўрадиганлар биз ўйлагандан ҳийла кўпроқ эканига таассуф ила иқрор бўлдик. Кинотеатрда тез-тез учрашиб қолишлар, фильм тугагандан кейин кўз уриштиришлар, саросимага тушган аёлларнинг паришон чехралари ва аламини ичига ютган эркакларнинг сукут саклаши – аллақандай нишонлару шартлашган сўзлардан кўра бизни очик-равшанроқ ажратиб турарди. Бир-биримизни сўзсиз, беҳато топиб олардик қисқаси.

Ақл бовар қилмайдиган баҳонаю сабаблар изми ихтиёрида беихтиёр ҳаммамиз шаҳар марказидаги битта қаҳвахонага бориб қолардик. Алоҳида-алоҳида турган столлар бирпасда бирлаштирилар ва ҳамма келишиб олгандек бир хил коктейл чақирар, ана шундан сўнг керак-нокерак гумон ва иккиланишларни йиғиштириб қўйиб, бир-биримизнинг энг сўнгги фильмнинг энг сўнгги сахнасида охириги кадрдаги Гленданинг ҳали ўчиб улгурмаган сиймоси акс этиб турган кўзларимизга тикилиб қарашга ботинардик.

Ким билади, йигирмата эдикми ё ўттизтами – қисқаси неча киши келганимизни барибир билолмасдик. Чунки Гленда иштирок этган фильмлар баъзан битта кинотеатрда ойлаб намоиш этилар, баъзида эса бир вақтнинг ўзида иккита ёки тўртта кинотеатрда баравар қўйиларди. Бир сафар – кутилмаган ҳодиса – у ҳатто сахнада, “Қуюшқондан чиққанлар” спектаклидаги ёшгина қотил қиз ролини ижро этди ва қанчадан-қанча янги мухлислар орттирди, эл-юрт олқишига сазовор бўлди, биз эса буни жиддий қабул қилмадик. Ўша пайтда биз жуда иноклашиб кетгандик, ўзаро борди-келди

киладиган бўлгандик, тўғриси айтганда асосан Гленда ҳақида гурунглашиб ўтиргани бир-биримизникига меҳмонга борардик. Аввал-бошданок Ирасуста бир овоздан уюшма раҳбари сифатида тан олинганди, холбуки бунга у ҳеч қачон даъво қилмаган, Диана Риверо эса гўё унинг ишончли вакил – ўринбосар эди, у асосан бизга қўшилиш ниятида бўлган номзодларни “элакдан ўтказар”, улар билан суҳбатлашар – сарагини-саракка, пучагини пучакка ажратиб, бизни бетайин ва олғир мухлислардан асрар эди. Дастлаб мустақил уюшма сифатида дунёга келган нарсани энди жамоатчилик асосидаги ташкилотга айлани бошлади, ва дастлабки пайтлардаги, енгил-елпи савол-жавоблар ўрнини аниқ мақсадга қаратилган суҳбатларни конкрет муаммолар эгаллади. “Зеболик тухфаси”даги хатога йўл қўйилган эпизод, “Қор узра ёлқин” фильмининг интиҳосидаги сўнгги иддаолар, “Омонат бахтдаги” шарму ҳаёсиз лавҳа ҳақида саволлар бериладиган бўлди. Глендага нисбатан кўнглимиздаги меҳр-муҳаббат шунчалар кучлилигидан ҳаммаслақ бўлмаган мухлислар, шарм-ҳаёсиз киз-жувонлар, аравани қуруқ олиб қочадиган маҳмадонлар билан мутлоқо муроса қилгимиз келмасди. Ҳатто, шу сабабдан бўлса керак, бир одат жорий этилди; (қаердан, қим томонидан – тагига етолмадик барибир) Гленда иштирок этган фильм марказда қўйилса жума кунлари, чекка ноҳияларда такроран намоиш этилаётганда эса то ҳамма кўришга улғурсин учун бир ҳафта кутар эдик, яъни кейинги учрашув муддати сурилари; барча вазифалар катъиян белгилаб қўйилган бўлиб, сўзсиз иттиҳод этиларди, акс ҳолда жазо тариқасида Ирасустанинг нафрат ва истехзо тўла қулгиси ёки Диананинг ўта кўнгилсиз, ўт чакнаган нигоҳига дучор бўлишарди.

Ўша кезларда бизнинг учрашувларимиз бошдан-оёқ Глендага бағишланарди, бу йиғинлар очикдан-очик “Гленда” деб аталарди – зеро Гленда ҳар биримизнинг қалбимизда баайни яшар ва шу важдан орамизда тафрика йўқ ва бирлигимизга ҳеч қандай гумон ва шубҳалар раҳна сололмас эди. Вақти келиб айримлар ботиниб аста-секин, аввалига истиҳола ҳамда эҳтиётлик билан, бўш чиққан эпизодлардан ҳайрон қолиб ёки ҳафсалалари пир бўлиб, сийка фикр ёки таклидларни аълайна ошкор танқид қилишга ўтдилар.

Биз “Олифта” фильмининг таъсир кучини сусайтирган баъзи ерлардаги камчиликлар ёки “Сабабини ҳеч қачон билолмайсан”нинг якуни учун Гленда айбдор эмаслигини билардик. Ўша режиссёрларнинг бошқа асарларини ҳам кўрганмиз, сюжетлари қайдан пайдо бўлди-ю, сценарийсини ким ёзган – ҳаммасидан хабардор эдик, уларга шафкат қилмасдик, шу сабабли жуда яхши тушунардики, бизнинг муносабатимиз актрисага хавас билан қарашдан фарқ қилади, фақат бошқаларнинг айби туфайли юзага келган хом-хатала номукамал асарлар Гленда шаънига доғ туширмаслиги учун куйинардик. Бизнинг юксак вазифамиз, эҳтимол бурчимиз ҳақида биринчи бўлиб Диана гапирди, у асл ниятини очик айтиб ўтирмай одатдагича, ўзига хос тарзда – киноя аралаш шама қилиб ўтди, очиғи у бизни очикдан-очик ҳайрихоҳлик билдиришмайди деб ўйлаган, шекилли, унинг ҳар битта гапига қўшилиб, ҳар бир фикрини маъқуллашимиздан боши осмонга етарди, бизнинг ҳам кинозалларни тўлдириб ўтиришлар, қахвахонада дийдорлашмоқ энди талабимизга жавоб бера олмай қолганди, ҳатто Глендани бунақа яхши кўриб юриш ҳам кам эканлигига иқрор бўлдик.

Бироқ ўшанда ҳам очик айтилмагани ичимиздаги асосий гаилар, – балки бунга эҳтиёж йўқ эдими?! Глендани

қалбимизда асраш бахти ҳамма нарсадан муҳимроқ ва бу бахт қачонки камолотга эришгандагина тўлиқ бўлиши мумкин эди. Кутилмаганда фильмларда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар ёмон таъсир қила бошлади: биз “Ҳеч қачон сабабини билолмайсан” фильмининг бу тарзда тугашини истамасдик; ёки “Қор юзидаги ёлқин” да покер ўйини чоғидаги бетайин эпизод ўзини оқламаган деб ҳисоблардик (Гленда у ерда бўлмасада, қай йўл биландир уни ҳам иснодга қўярди). Ҳар доимгидек бизни истикболда кутаётган вазифаларни Ирасуста аниқ белгилаб берди, ва ўша оқшом биз зиммамиздаги масъулият юки остида эзилганча ҳамда истикболда кутаётган саодат ҳақида ўйлаб-қайсики нуқсон ва хиёнатлар Гленданинг мунаввар сиймосига заррача гард юктирмаслигига бўлган ишонч бахш этган саодат умидида уй-уйимизга тарқалдик.

Биз тўғаракка бошқа ҳеч қимни қабул қилмай қўйдик, бурчимизни бажариш учун одамларимиз етарли эди. Қолаверса, муҳмал ҳур фикрлилик мақсадимизнинг рўёбга чиқишига, таассуфки, ҳалал бермаслигига ҳеч қим қафолат беролмасди. Ирасуста Ресиде-де Лобасда жойлашган боғ-роғли кошонасидаги тажрибахонани бошдан-оёқ жиҳозлаб бўлгандан кейингина у ҳақда оғиз очди. Шундан кейин ҳамма иш қилишиб олинди ва биринчи топшириқ – “Омонат бахт” фильмининг жамики нусхаларини топиб, йиғиб қилишга масъул гуруҳ тuzилди ва уюшма аъзолари ўртасида тенг тақсимланди, бу фильмдан бошлаганимизнинг боиси, муваффақиятсиз чиққан ўринлари нисбатан камроқ эди. Масаланинг молиявий томони ҳақида биров гинг демади, Ирасуста Пичинчеда кўрғошин қони очган Говард Хьюз билан шериклик қиларди, пул бўлса, чангалда шўрва – барча ишлари: самолётлар, ҳамкорлик қилувчилар, пора бе-

риш учун пул масаласи осонгина ҳал қилинди. Бизнинг идорамиз, идорага қарашли корхонамиз ҳам йўқ эди, “Хейгар Лосс” компаниясининг компютери олдимиздаги вазифалар ва уларнинг бажарилиш босқичлари тартибини дастурлаштириб берди. Диана Риверонинг ҳаммамизни бирдан ҳаракатга келтирган гапларидан икки ой ўтгач, тажрибахона иш бошлашга тайёр бўлди; “Омонат бахт”даги қушлар билан боғлиқ бўш эпизод бошқаси билан Гленда ижросига муносиб меъёр ва драматик ҳолат ҳаққоний акс эттирилган бошқа бир лавҳа билан сезилмайдиган тарзда ўзгартирилди, баъзиларнинг зикрича тўғриланди. Фильм экранларга бир неча йил муқаддам чиққан бўлиб, унинг қайта жаҳон экранларида намойиш этилиши ҳеч кимни ҳайрон қолдирмади: томошабинлар ва мухлисларнинг хотираси четдан қараганда ғалати таассурот қолдирар экан, биз илгари кўрган, лекин вақтики келиб ўзгариш киритилган ёки қисман ўзгартирилган нарсаларни хотирамизнинг унутиши ёки ўзгариши орқали қабул қиламиз, шу нуқтаи назардан олганда Гленданинг ўзи ҳам фильмнинг ўша эпизодларида рўй берган ўзгаришларни сезмаган бўлса ажаб эмас. Дарҳақиқат унинг матбуот анжуманида айтган гаплари шу фикрни юз фоиз тасдиқларди.

Ҳаловат нималигини унутдик; тажрибахонада амалга оширилган ишнинг самарасини амалда кўргач пайсалга солмасдан “Қор юзидаги ёлқин” билан “Жоду” нусхаларини йиғиштириб олдик; сўнг қайта ишлаб, тузатиш учун бошқа фильмлар келтирилди, “Хейгар Лосс”нинг компютерчилари билан тажрибахона ходимлари бир меъёрда қизғин иш олиб боришарди. Факат “Зеболик тухфаси” бироз қийнади: араб амирликларидаги нефть компанияларининг магнатлари фильм нусхаларини бутунлай сотиб олиб

уйларида саклашар экан, уни ўғирлаб чиқиб, (бошка сўз ишлатишнинг ҳожати борми?) ўрнига бошқасини кўйиб кўйиш учун турли ҳийла-найранг ишлатишга ва одам ёллашга тўғри келди, Тажрибахона панд бермай бир текис ва юқори даражада ишларди, бошида бунака пухта иш олиб боришига асло ишонмаган эдик, (табиийки, Ирасустага кўнглимиздаги иштибоҳни айтишга ботинолмагандик), таажжуб, ҳаммадан кўра Диана кўпроқ ишонмаганди, лекин Ирасуста “Сабабини ҳеч қачон билолмайсан”ни кўрсатганда ва биз фильм якунида Гленданинг Романовлар хонадонига қайтиб келмай, машинасида қоятош сари шамолдек елиб кетгани ва ўз тийнатига содиқ қолган ҳолда тошқин дарёга ғарқ бўлганини кўриб, ҳақиқий якун мана шундай бўлиши кераклигини ҳис қилгандик, зеро кўнглимизда бу дунёда ҳам бенуксон камолотга эришиш мумкинлигига ишонч уйғонган ва Гленда биз учун ана шундай баркамол бўлиб қолади, деб ҳаёл қилганмиз.

Албатта, энг қийинини маний ўзгартириш лозим, қаерини кесиб ташлаш керак, монтаж жараёнида нималарга эътибор бериш, бачкана, тутуруксиз ерларини қандай ҳал қилиш эди. Ҳар биримиз Глендани турлича тасаввур қилар эдик, қалбларимизга жо бўлгани билан бу Глендалар ўртасидаги мавжуд тафовутлар ноҳуш ихтилофларга сабаб бўлар, кескин баҳс-мунозаралар асабларини қакшатаётганлар узоқ ва атрофлича таҳлил қилиб тушунтирганимиздан кейингина ўзаро битимга келишар, айрим пайтларда зиддиятли масала кўпчиликнинг фикрига таяниб ҳал этиларди. Афсуски, фикри инобатга олинмаганлар, қабул қилинган янги вариантга ичлари ачишиб қарашар ҳамда бизнинг ўйлаганларимизга тўла-тўқис жавоб бермайди, деб ҳисоблашар эди-ю, лекин ишончим комилки, бажарилган ишлардан ҳеч кимнинг кўнгли тўлмай

колмаган, биз Глендани шунчалар яхши кўрардик-ки, натижа ҳамиша ўзини оклаш у ёкда турсин, кўпинча аввал-бошдан кўзлаганимиздан афзалрок бўлиб чиқар эди. Баъзи кўнгилсизликлар ҳам рўй бериб қоларди: “Таймс” газетасида бир газетхоннинг хати босилиб чиқди, у “Қор юзидаги ёлқин” фильмида учта воқеа, илгари бу тартибда келарди, ҳозир бутунлай ўзгарган, дея хайрон бўлса, “Опиньон”да санъатшуноснинг мақоласи босилиб чиқди, у очикдан-очик “Жоду”даги бир сахна бутунлай қирқиб ташланганига норозилик билдирарди, – унинг тахминича бу риёкор амалдорлар сиёсатидан бошқа нарсаси эмас. Барча ҳолатларда газак олиб кетмаслиги учун шошилиш чоралар қўрилади; бунинг ҳеч қийин ери йўқ эди, негаки оммага қалтабин тоифа – у бирпасда ҳамма нарсани унутиб юборади ёки нимани тақдим этса, янгидек қабул қилиб кетаверади ёки ўзи бир янгилик ахтаришга берилади, қисқаси у янгиликка ўч – янгиликпараст, кино олами сиёсат дунёси қаби беқарор, буқаламунга ўхшайди, ҳаммаси ўзгаришдан бир лаҳза тўхтамайди, бу факатгина бизга – Глендани жонидан ортиқ кўрувчиларга тааллуқли эмас, аслида бадъат ва ихтилофларнинг дояси бўлмиш уюшмада тўсатдан бошланиб қоладиган баҳс-мунозаралар бўлиб, улар ниҳоятда хавфли эди. Гарчи биз ўзимизни ҳар доимгидан кўра яқдил, бурчимиз тақозосига кўра ўзимизни ҳамжиҳат сезсак-да, иттифоқо бир куни кечки пайт, дафъатан ҳали-хануз сиёсий сафсатабозлик иллатидан томомила қутулмаган “аҳли донишлар”нинг муборак овозлари янграб қолди, иш авжи қизиган пайтда ҳаммамизнинг олдимизга ахлоқий муаммоларни рўқач қилиб қўймоқчи бўлишди, улар ўзимизга маҳлиё бўлиб кетиб, фил суягига ёки гуруч донасига жимжимадор нақш чизишдек ҳеч кимга ке-

раги йўқ фаолият билан шуғулланмаяпмизми, дея савол беришди. Бундай ишбузарлардан шартга юз ўгириш осон эмасди, агар шундай қилинса, жамоанинг тартиб билан бир меъёрда олиб бораётган фаолиятига путур етар, чунки бизлар бамисли хавога кўтарилган самолётнинг барча мурватлари бир пайтда барабар ишлагани учун ҳавода парвоз қилаётгани каби яхлит ва уйғун организмга айланган эдик, мабода битта мурват бузилса ёки олиб ташланса, умумий ҳаракат бутунлай тўхтаб қолиши аниқ. Бундай танқидий мулоҳазалар, бизни куч-қувватини, ғайрат-шижоатини беҳуда нарсаларга исроф қилишдек нодонликда айблашларини чидаб эшитиш ҳам ўзи эмасди. Шунга қарамасдан энди-энди ниш ура бошлаган шаккоклик куртакларини ҳозирок – вақтида юлиб ташлашга зарурат йўқ эди, чунки ҳатто шу исёнкорлар ҳам бизга ўхшаб Глендани ҳаддан зиёд яхши кўришарди, шу боис ҳар қандай ахлоқий қараш ёки нуқтаи назардаги ихтилофлардан қатъи назар Гленданинг камолоти бизларни ҳам, қолаверса дунёнинг ҳам баркамол қилажагига ишонч ҳисси бизни бир умрга бирлаштирган эди. Ҳолбуки, биз ортиғи билан ажру мукофотга сазовор бўлган эдик, зеро бир файласуф дўстимиз беҳуда иккиланишлар даврида қийинчиликларни бартараф этиб, аввалги ҳамжиҳатликни сақлаб қола билди: унинг оғзидан, ҳар қандай хусусий фаолият тарихий аҳамият касб этиши мумкин, инсоният тарихида китобнинг чоп этилишидек муҳим кашфиёт, бир йигитнинг севган аёли номини беҳад даражада кўп такрорлаш орқали абадийлаштириш истаги шарофати билан воқе бўлган, деган нақлни эшитдик.

Хуллас, биз Гленданинг сиймоси ҳар қандай нуқсон ва қусурлардан холи эканига ишонадиган кунларга ҳам

етиб келдик; унинг сиймоси жахон экранлари орқали ўзи орзу қилган – биз бунга амин эдик – даражада нур сочмоқда эди, эҳтимол, шунинг учундир матбуотда унинг кино оламини тарк этиши ҳақидаги интервьюси босилиб чиққанида унчалик ҳаяжонланмадик ҳам, фикримизча, Гленданинг ғайриихтиёрий равишда фаолиятимизга ҳаётимизнинг мазмунини бойитишга қўшган бебаҳо хиссаси қаромат ҳам эмас, тасодиф ҳам эмасди, бу ўзига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатимизни ғойибона хис қилган қалбнинг жавоби эди гўё, ёки бўлмаса унинг бу аҳду қарори юрагининг тубида туғён қилган миннатдорлик туйғуларининг инъикоси сифатида юзага қалқиб чиққанди; ваҳолонки, кино санъатига мансуб турли-туман шунос-шунослар унинг таҳсинга лойиқ бу қарорини – ажойиб актрисанинг кутилмаганда санъатни тарк этишини кадрдон гўшасини бевақт ташлаб кетган қушлар қисматига қиёслаган бўлсалар, биз эса, аксинча, абадиёт сарҳадларидаги маконларига қайтган қушларнинг ибратомуз аҳду қарори сифатида қабул қилдик. Бизнинг қувончимиз чегара билмасди, – оғир кечинмаларга тўла ҳаловатсиз кунлар уйқусиз тунлар ортида қолди, зеро биз чеккан заҳматларимиз эвазига бахшида этилган неъматлардан баҳраманд бўлмоқлик шарафига мойил ва муносиб эдик. Энди ўзимиз яратган бу олам ичра хотиржам яшасак бўлади, чунки эртага яна бирон қор-хол рўй бермаслигига ишонар ҳамда Гленда иштирок этган ҳар қандай фильмни бемалол, беҳавотир томоша қила олардик; биз хоҳлаган пайтимизда дилимизга ҳадик ва ҳавотир ораламасдан бамисли ёқимли дамларда ҳавф-хатардан холи боғларда чаҳ-чаҳ уриб сайраган қушлар каби яйраб-ййраб вақтимизни ўтказар эдик.

Афсуски, бу қувончимиз узоқ давом этмади. Гленда яшаётган мана шу оламда яшаб ўтган бир шоир қачонлардир: абадият замон беқарорлигига мафтундир, деб ёзган экан. Бир йил ўтар-ўтмас Диана кўнгилсиз гап топиб келди. Гленда яна кино оламига қайтармиш, бу ҳақда ўз оғзи билан матбуот анжуманида айтибди, сабаби тушунарли – ижод унинг ҳаёт-мамоти, у киносиз, театрсиз яшолмас экан, тавсия қилинаётган фильмлар сценарийси махсус унинг учун ёзилган ва яқин кунлар ичида суратга олиш ишлари бошланиб кетар эмиш ва ҳ.к., ва ҳ.к. Ўша кезлари шаҳар марказидаги кинотеатрларда “Зеболик сирлари” намойиш этилаётган эди. Фильмни кўргач, ўзимиз ўрганган ўша кадрдон қахвахонада йиғилишиб ўтирган окшом ҳеч биримизнинг эсимиздан чиқмаса керак.

Ирасуста дилидагини очик айтиши шарт эмасди, чунки ҳаммамиз бундай адолатсизлик ва хиёнат алампидан юрак-бағримиз қон бўлиб ўтирардик. Биз Глендани шунчалик яхши кўрар эдикки, азбаройи Худо, айблашга тилимиз бормасди, рост-да, машҳур актриса бўлгани учун, боз устига истеъдодли ва ҳусн-латофатда тенгсиз эканлиги учун гуноҳқорми?! Ҳамма бало Гленда қайтиб келаётган кино оламининг ҳаром-хариш, ғирромлардан иборат эканилигида! Мол-дунё, обрў-эътибор, томошабинлар олқиши, Оскар каби балою офатлар биз шунча машаққатлар эвазига бино қилган эҳромларни кўз очиб-юмгунча бемалол яксон қилиб юбориши мумкинлигида! Диана Ирасустанинг кафтларига кафтини қўйиб: “Ўзга чораси йўқ”, деганда у ҳаммамизнинг номимиздан гапираётганини биларди. Уюшма ҳеч қачон бунчалик қудрат касб этмаган ва шу кучни амалга ошириш учун мақсадини бунчалик аниқ ва лўнда ифода этмаган эди. Биз ичимизда фақат

бир кишигина олдиндан биладиган куні рўй бериши мукаррар ходисадан ҳозирданок таъсирланиб, руҳсиз, шалвираганча уй-уйимизга таркалдик. Биз энди қах-вахонада бошқа учрашмаслигимизни билардик, бундан буён ҳар битта одам ўзи яратган салтанатда ёлғиз яшашга маҳкум эканини ҳам чуқур бир армон билан хис қиларди. Ирасустага ўхшаган бир сўзли одам учун бу ишни амалга ошириш ҳамирдан қил суғургандек гап, – буни ҳамма тушуниб турарди. Бизлар худди эрта-индин “Омонат бахт” ёки “Жоду”дан кейин барибир кўришамизу деган ҳаёл”да одатдагидек хайрлашмадик ҳам, баъзилар шошилиб, бир нималар деганча, баъзилар кеч бўлиб қолибди, уйга бориш керак энди, деб ғудранганча тезроқ кетишга ошиқарди, қахвахонадан ҳамма битта-битта чиқди, аҳвол шундай эдики, иложини топган одам то ўша аҳд бажарилмагунга қадар унутишни, мутлако эслай олмасликни хоҳлаган бўларди, афсуски, бунинг сира иложи йўқлиги ва кунларнинг бирида эрталаб газеталардан биридаги ҳиссиз ёзилган таъзияномани ўқишга тўғри келиши мукаррар экани ҳаммага равшан эди. Бу ҳақда ҳеч ким, ҳатто ҳаммаслақ дўстларимиз билан ҳам сирлашмаймиз, кинодами, кўчадами учрашиб қолсак минг истиҳола билан, бир-биримизни кўрмаганга солиб ўтиб кетамиз; фақат шундай қилсаккина уюшма Глендага бўлган садоқатини сақлаб қолади ва амалга оширган ишидан ҳеч ким бохабар бўлмайди. Биз Глендани шундай яхши кўрар эдикки, унга боқий камолот бахш этдик. Уни эришиб бўлмайдиган юксакликка олиб чиқдик, бас қулаб тушишдан ўзимиз асраймиз; унинг садоқатли мухлислари бундан буён ҳам бемалол, ҳеч нарсадан ҳадиксирамай унга таъзим қилаверсалар бўлади, чунки хочдан тирик тушиш ҳали ҳеч кимга насиб этмаган.

ЛИЛИАНА ЙИҒЛАЯПТИ

Яхшиямки, бу ўзимизнинг Рамос, бегона врач бўлганда нима килардим – нима, деб тушунтирардим унга, Рамос ҳарқалай ўзимизники, анча бўлди у билан келишиб олганимизга, шунинг учун кўнглим тўк – куним битди, деганда, ё менга индаллосини шартта айтади ёки жиллақуриса, айлантириб ўтирмай ишора қилади-қўяди. Боякишга кийин, нега деганда ўн беш йиллик кадрдоним, покер ўйнаб гоҳ бизникида, гоҳ уларникида тонггача қолиб кетганларимиз, шанба-якшанба кунлари дам олгани оилаларимиз билан бирга шаҳар ташқарисига чиқиб дам олишлар – қариндошдан ҳам якин бўлиб қолган одамга бунақа оғир гапни айта олишнинг ўзими! Лекин у айта олади, ҳақиқий дўст ҳеч қачон тилёғламалик қилмайди, чунки йигит киши учун ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат афзал. Касалхонадаги врачларга ярашади ёлғондакам кўнгилни кўтариб, одамни умидвор қилиб қўйиш, уларнинг тасаллиси ўзлари берадиган усти ширин, ичи аччиқ доридан фарқи йўк.

Узоғи билан уч-тўрт кун, у бундай демаган, лекин ишончим комилки, узоқ кийналиб, итдек азоб чекиб ётишимга асло йўл қўймайди. Нима кераги бор буни? Мен унга юз фоиз ишонаман, ўша кун беришадиган дорилар одатдагидек яшил ё қизил тусда экани билан ичи бутунлай бошқача бўлади – ичаман-у, абадий уйқуга кетаман, ваъдасига биноан тўғриси айтидиган

бўлгани учун олдиндан миннатдорчилик билдириб қўйганман, ана ўшанда Рамос каравотимнинг оёқ тарафида, ўзини йўқотиб қўйганча бир ахволда мендан кўз узмай туради, яширмасдан тўғриси айтганига бироз афсус чекар, ҳечкиси йўқ, сиқилма оғайни, фақат Лилианага гапириб юрма, уни ўзинг яхши биласан – кўнгли бўш, куйиб адо бўлади бирпасда, тўғрими гапим?! Альфредонинг йўриғи бошқа, унга бемалол айтишинг мумкин, у қайтанга олдинроқ, Лилиана билан онамнинг аҳволидан хабар олиб тургани ишхонасидан жавоб сўрайди. Кейин-чи, дўстим, ҳамширага айтиб қўйгин, ёзаётганимда халал бермасин, сен тавсия қилган ажойиб дорилардан бошқа оғриқни унутишимга ёрдам берадиган ягона нарса шу. Ҳа, айтганча, вақт-бевақт сўраб қолсам қаҳва келтириб беришсин, шифохонадаги тартиб-қоидаларнинг жиддийлигидан ўргилдим!

Рости, ёзаётганимда лоақал озгина бўлсин, оғриқни унутаман; балки, ўлимга маҳкум этилганлардан сонсаноксиз мактублар қолишининг сабаби ҳам шундадир, мен энди буни тушунапман. Бундан ташқари, ўзим тасаввур қилган ва кўнглимдан ўтаётган ҳистуйғуларнинг қоғозга тушганини кўришни яхши кўраман, шу лаҳзаларда томоғимга бир нима тикилгандек бўлади, кўнглим тўлиб йиғлагим келади; сўзлар туфайли ўзимни бутунлай бошқача ҳис қиламан, кўнглимга келган нарсалар ҳақида ҳаёл суриб, шу ҳаёлларимни қогозга тушираман, буларнинг бари ёзувчилик касбининг асорати бўлса керак, мен фақат Лилиана келгандагина ёзишдан тўхтаيمان, бошқаларга эса бунақа илтифот кўрсатиш қаянда, модомики, улар менга кўп гапириш мумкин эмас, деб ўйлашар экан, нима қиламан ўзимни ҳам, уларни ҳам қийнаб, ҳар хил ҳаёлга боришмасин яна, деб ҳол-аҳвол сўраб қўяман-

да, ўтиравераман индамай ишимни қилиб, ана ундан кейин кўрибсизки, улар бири олиб, бири қўйиб бугун ҳавонинг салкинлиги-ю сайловда ким ютиб чиқади – Никсонми ё Макговернми – шулар хусусида берилиб фикрларини билдиришга тушишади, мен уларга ҳалал бермай тинглайман, баъзан эса умуман коғоздан бош кўтармайман, Альфредо ҳаммасини сезади, кўнглинг тусаганини қилавер, ёзгинг келяптими, ёзавер, дейди, ўзи эса, хаста нест бўлиб ўтиради, қолаверса, қўлида газета борми, тамом, бу унинг ҳали-вери кетмайди, дегани. Лекин рафикамга бунақа қилмайман, у келганда ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб у билан чиндилдан суҳбатлашиб ўтираман, гапларини жон-қулок бўлиб тинглайман, кўзларига тикилиб жилмаяман, ишонсангиз шунда оғриқ такка тўхтагандек бўлади, унинг эркалаб, юзларимдан чўлп-чўлп ўпиб қўйишларига беш кетаман – шунақаям хурсанд бўлиб кетаман, асти қўяверинг, очиғини айтсам, унинг намлабларидан келадиган райҳон ҳидидан илгари ҳам эсим оғиб қоларди, ана шунинг учунмикин салга чарчаб қоладиган одам Лилиана кўргани келганда тетиклашиб қоламан, умуман унинг қачон, қанақа пайтда келишини олдиндан кўнглим сезади, ҳеч кимга, ҳатто Альфредога ҳам сездирмай иложи борица тайёргарлик кўраман, соқолимни қиртишлаб олган куни лабларига, мийиқларига ботса керак, бояқиш жонгинамнинг. Тўғриси, менга куч бағишлаётган ҳам, тасалли бераётган ҳам Лилиананинг сабр-бардоши! Агар унинг кўзларида чорасизлик, руҳан адо бўлаётган аёл қалбининг умидсизлиги акс этаётганини кўриб қолсам борми, тамом, менинг юрагимда ўчай-ўчай, деб липиллаб ёнаётган ҳаёт шами ўша заҳоти сўнади; дармонсиз, унинг таскинбахш бўсаларини ҳис қилишга қурбим етмай, сўз-

ларини тинглашга холим келмаган кунлари у келиб-кетгандан кейин одатдагидек уколлар ва кўнгилга урган далда-ю овутишлардан иборат муолажа бошланади ва мен беихтиёр аламимни яна ёзишдан оламан. Лилиана менинг шикаста хаёлларимни ўзи билан бирга олиб кетолмайди, минг афсус юрагимнинг тубида ҳеч қандай шаклда ифодасини топмай чўкиб ётган туйғулар фақат шу дафтарда ўз ифодасини топиши муқаррардек туюлади, холос. Биронта одам дафтаримни олиб ўқишга ботинолмайди, уни бемалол ёстик тагида ёки тортмада сақлашим мумкин, инжиклик бўлса ҳам ҳамширалар, хонани деярли ҳар куни тозалаб кетувчилар ва ҳатто муолажа қилувчи шифокорлар ҳам тегмаслигини тушунтириб қўй, дея Рамосдан илтимос қилганман; доктор Рамос менга ҳалал бермасликни буюрган, тўғри-да, уни тинч қўйиш керак, шўрлик шу билан овунар балки.

Демак, ё душанба, ё сешанба – чоршанба ёки пайшанба куни эса дафн маросими. Авжи ёз палласида Чакарита, ҳеч бир муболағасиз айтаман, иссиқдан ёнади, йигитлар роса қийналади ўзиям, тасаввур қиламан, Панчо икки ёни тугмали, қоплама кифт ўрнатилган костюмда, қачон қийса Акосто аския қилиб кўзини очирмасди, ўзи-чи, доим енгил куртка қийиб юрадиган Акосто дафн маросими, бунинг устига, яқин дўстини сўнгги йўлга кузатиб кўяётибди – костюм қийиб олган бўлади, бу ҳам етмагандек галстукда, кўрсанг – қотасан! Фернандито ҳам шу, қискаси, ажралмас уч оға-ини ботирларнинг ҳаммаси шу ерда бўлади, сўнг, албатта, Рамос – маросим тугамагунча у ҳеч қаёққа кетмайди, охиригача қолади шу ерда, кейин Альфредо – у Лилиана билан ойимни қўлтиқлаб олганча уларга қўшилиб юм-юм йиғлайди. Астойдил, буларнинг ҳам-

маси самимий, чунки хаммалари мени канчалар яхши кўришларини биламан, улар менга каттик ўрганиб қолишган эди, бир кун кўришмаса еганлари ичига тушмасди – энди нима қилишади, ҳайронман; бақалоқ Тресанинг дафн маросимидака бўлмайди – унда улфатчилик қилиб юрганимиз ҳурмати оиласи олдидаги бурчимизни адо этишга боргандик холос, шу сабабли бир маромда давом этиб келаётган одатий ҳаёт кучоғига қайтиш, тезроқ унутиш истаги кучли эди. Энди бунака бўлмайди. Тўғри, одам ҳодис, чарчайди, корни очади, айникса, Акостога оғир, у корним пиёзнинг пўсти бўлиб кетди, дейди шикоятмуз, лекин кўз тегмасин, иштаҳаси карнай унинг, бу жиҳатдан ҳеч ким унинг олдига тушолмайди; бироқ дўстларига жонлари ачишиб, шундай ёш, авжи кучга тўлган пайтда унинг ўлиб кетишини лозим кўрган тақдирни ҳар қанча лаънатлашмасин, барибир, ўзингиздан қолар гап йўқ, ҳаёт давом этапти, метрога тушиш ҳалиям ҳузур бағишлайди, уйга боргач, муздеккина сувда чўмилсанг енгил тортиш тугул баданинг, ҳатто руҳинг яйрайди, роҳатланасан, виждонинг озгина қийналгани баҳарнав – иштаҳа билан овқатланасан, лекин бунака оғир кун, аза, мотам олдида бошлар қуйи эгилган, гулчамбарлардан анкиётган ҳид, кетма-кет чекилган сигаретлар ва қабристоннинг энсиз йўлкаларидан беҳол, оҳиста юриб боришлар очлик туйғусини босолмайди, ҳар доим шундай бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлади, ёлғон гапиришдан нима фойда, мен ҳам шундай қилган бўлардим. Фернандино, Пинчо ва Акостоларнинг паррильяга боришларини тасаввур қилишнинг ўзи бир гашт, улар бирга боришади, албатта, чунки бақалоқ Тресанинг дафн маросимидан кейин ҳам шундай қилган эдик, улфатлар бирга бўлгани дуруст бунака оғир кунда, яхши мусаллас

ичса, озгина бўлсин гамни унутади одам, калла-поча ейишса керак; жин урсин, улар қандай ўтиришгани кўз олдимда шундай гавдаланса денг: дастлаб Фернандито қадахни шахт кўтариб ичади-да, Худонинг ўзи кечирсин, деб колбасанинг катта бир бўлагини оғзига тикади, Акосто кўзини гилай қилиб унга қарайди, лекин Пинчо ўзини тутиб туrolмай кулиб юборади, шунда Акосто, умуман олганда Акосто одамшаванда йигит, уларга ўзингни художўй қилиб кўрсатишнинг ҳожати йўқ, дегандек, Пинчога қўшилиб ҳиринг-ҳиринг кулади, сўнг кулавериb ёшланган кўзларини артади-да, сигарет тутатади. Бири олиб, бири қўйиб мени эслаб кетишади, орамизда бўлиб ўтган гап-сўзларни узоқ эслашади, ҳаётимизда рўй берган қанчадан-қанча ҳодисалар, бизни бир-биримизга боглаб турган меҳр-муҳаббат, оқибатдан иборат ришталар ҳақида, дафъатан Акосто ёки Пинчонинг ёдига тушган гина-кудурат, аразлаб гаплашмасдан юрган пайтлар тўғрисида армонлар ва умидлар, ушалмаган орзулар борми – ҳамма-ҳаммасини эслашади. Хайрлашиб кетиш оғир бўлади уларга, чунки худди шу кунларда яна кечаги, ўтган кунги, қисқаси шу кунга қадар давом этиб келган эски ҳаёт яна уларни ўз қаърига олади, ўзга илож йўқ – уй уйига, тепа тўйига – жаноза тугади, тамом. Хайрлашиш кўмиш маросимидан кўра оғирроқ. Альфредо бундан мустасно, у бизнинг улфатдан бўлмагани учун эмас, асло, лекин унинг бошқа вазифалари бор, у Лилиана билан ойимнинг ҳолидан хабар олиб туради; буни на Акоста на бошқаси эплайди, ҳаёт ошна-оғайнилар ўртасида алоҳида муносабатлар ўрнатар экан, ҳаммалари бизнинг уйимизда кўп бўлишарди, ойим дўстларимнинг барини бирдай яхши кўрарди, уйимизга қайси бири кириб келмасин, боши кўкка етарди, лекин Альфредонинг ўрни тамомила

бошка эди, у келса уйимиз тўйхонага айланарди, оила аъзоларимизнинг ҳаммаси хурсанд; ўзи ҳам кетишга ошиқмасди, ойим билан гулкўчатлар ва дори-дармонлар хусусида соатлаб гаплашарди, Почони ҳайвонот боғи ёки циркка олиб боришни канда қилмасди; ўзи бўйдоқ-ку барчанинг кўнглини олишга ҳаракат қилади, ойимни товлари қочганда албатта пишириқ ёки шоколад келтирар, карта ўйнаб зериктирмасди, лекин ҳаммадан ҳам Лилианани бошқача кўрарди – қисқаси у чин дўст эди, бу ёғига, айниқса икки кун, кўз ёшларини яшириб юришига тўғри келади, балки Почони дала ҳовлисига олиб борар, лекин ишончим комилки, боргани билан тезлик билан изига қайтади – ойим билан Лилианани кўзи кияди дейсизми? Бу ҳам етмагандек оилада эркак киши нима қилиши лозим бўлса, ҳаммасини зиммасига олади, нолимайди, дафн маросимини ўтказувчи ташкилот билан келишиб, тартиб билан зарур-нозарур иримларнинг ҳаммасини ўтказади, ҳолбуки, айти пайтда кекса отам Мексикадами, Панамадами айланиб юрган бўлади, бояқиш маросимга етиб келадими, йўқми номаълум, шу сабабли Лилианани айнан Альфредо олиб боради қабристонга – ойимнинг боришига рухсат беришмаса керак – Лилианани қўлтиқлаб олганча, унинг аъзойи баданидаги титрокни ҳис қилган кўйи, бир вақтлари бақалоқ Тресанинг рафиқасига мен нималар деган бўлсам, худди ўшандай бефойда, аммо зарур сўзлар билан таскин-тасалли беради ва бекорчи сафсата, ҳатто савоб бўладиган ёлғон-яшиқ гапларни эмас, йўқ, шунчаки мен ёнингдаман, дейди, – шунинг ўзи катта гап.

Энг ёмони қайтиб келишаётганида қийин бўлади уларга, унгача – маросим ва гуллар, таъзия билдириб узатилган қўлларни сиқиб қўйишлар, сағана олдида

сукут саклаб туриш, дафн маросимини ташкил этган ходимларнинг аниқ хатти-ҳаракатлари, алоҳал, ижарага олинган автомобиль, айниқса, уйга қайтиб боргач, иш-хонадан қилинган телефон кўнғироқларига жавоб бериш, Лилиананинг кўнглида ҳаётга умид уйғотувчи Рамоснинг юпатишларисиз ҳеч нарса татимайди, Альфредо унга қаҳва қайнатиб беради ва, Почо дала ҳовлига борса маза қилади ўзиям, ўтган сафар борганида маза қилиб пони минган, бошқа болалар ва пеонларнинг болалари билан ўйнаганди, дейди, лекин ойим билан Лилианага қарамаса бўлмайди, Альфредочалик бизнинг уйни яхши биладиган ким бор, ҳеч бир иккиланмай айтаман у бир пайтлар карта ўйнаб, бор пулини ютқазиб, аламига чидаёлмай роса коньяк ичиб, учиб қолган Фернандитони олиб кириб ётқизган менинг хонамдаги диванда тун бўйи бедор ўтириб чиқади. Лилиана бир неча ҳафтадан буён якка ўзи ётиб, қаттиқ чарчаганидан ҳамма ёғи какшаб оғрийди – ухлаш қаерда дейсиз, Альфредо Лилиана билан ойимга тинчлантирувчи дори беришни унутмайди, Сулема хола ҳаммага жўка гулидан кўшиб дамланган олма чой ичиради, Альфредо ғамхўрлик билан уни жим-жит хонага ётқизади-да, эшигини зич ёпиб қўяди, сўнг ўзиям диванга ёнбошлашидан аввал яна битта сиғара тутатади – у ойимнинг олдида чекишга ботинолмайди, чунки тутундан ойимнинг йўтали хуруж қилиши мумкин.

Начора, шунисига ҳам раҳмат, жиллақуриса, Лилиана билан ойим ўзларини бу қадар ёлғиз сезишмайди ёки ундан баттари, азадор хонадонга таъзия билдириш учун мўр-малахдай ёпирилиб келадиган узоқ қариндошларнинг ҳамдарадлиғи, ачинишларидан холи бўлишади, кўпинча бир қават юқорида яшайдиган, тўйда ҳам, азада ҳам бизникида бўлишига ўрганиб қол-

ганимиз, Сулема хола билан оиламизнинг кадрдони Альфредо шу ерда қолишади; эҳтимол бошида, бир соатлардан кейин кариндошларнинг кучоклашиб кўришишлари ва баландпарвоз оҳангда таъзия изҳор этишларига чидагандан кўра жудолик аламини ҳис қилиш енгилроқ кечади; ишончим комилки, Альфредо уларни бу издиҳомдан асрай олади, Рамос ойим билан Лилианани кириб кўради, уларга уйку дори ёзиб беради, Сулема холага эса ҳабдори қолдиради. Ниҳоят қоронғу тушиб уйни сукунат ва зулмат қоплайди, ёлғиз черков қўнғироқларининг садолари-ю гоҳи-гоҳи аллақадан машина сигналларининг овози эшитилади, умуман олганда, бу ерлар тинч, бешовқин. Бедорлик туфайли қарахт Лилианани ҳам секин-секин уйку домига тортади, у чуқур-чуқур эснайди, сўнг баҳайбат мушукка ўхшаб ғужанак бўлиб олади, битта қўли атир ва кўз ёшларидан нам тортган ёстикда, иккинчи қўлининг билагига эса худди уйқудаги гўдак сингари юзи билан чаккаси остига жажжигина ёстик қўйиб беришганидек ётади. Ухлаётган Лилианани айнан шундай тасаввур қилиш осон ва яхши, чунки Лилиана биринчи кун тугаб кечаги кунга айланаётганини ғира-шира ҳис қилганча зим-зиё ғорнинг ёки ер ости йўлининг адоғида турибди, дарпарда оралаб ўтаётган нур, боя Сулема хола жавонни очиб қора қўйлақлар билан юзни тўсиш учун тўр пардалар олаётганда хонани тўлдириб, деразадан тушаётган пайтдагига қараганда рўй берган ҳодисага нисбатан дилларда уйғонган энг сўнгги, бефойда норозилик туфайли ҳамда жудолик укубатларига чидаёлмаётган кўзларини тўлдирган, лиммо-лим қўшилиб кетган ёғдуга нисбатан тамомила ўзгача эди. Бундан буён тонг нури узук-юлук тушларидан ситилиб чиққан хотиралар оғушида

уйғонишидан аввалроқ унинг хонасини ёритади. Мана шу ёлғизликда, шу тўшакда ва мана шу хонада бутунлай ўзгача бошланажак кунда, тамомила ёлғиз қолганлигини ҳис қилиб ётганида, Лилиана эҳтимол ёстикқа юзларини буркаб юм-юм йиғлаб юборади, ажабо, ҳеч ким уни юпатгани келмайди, тўйиб-тўйиб йиғлаб олсин, дегандек биров хабар олмайди ҳам, фақат анчадан кейин, оппоқ чойшаб ичра уйқусираб ётганида шавқсиз, бефайз кун, қаҳва, оҳиста сурилган дарпарда илгакларининг шиқирлаши, Сулема хола, кунгабоқарлар билан отлар, роса уриниб ахийри тўрга туширган сузгичлари кенг, каттакон лаққа балиқ, шунингдек кафтига зирапча киргани ва дон Контрерас яра-чақаларнинг бир зумда заҳрини оладиган малҳамли мато ёпиштириб қўйгани ҳақида айтиб бериш учун дала ҳовлидан кўнғироқ қилаётган Почонинг овози ҳаёт давом этаётганидан дарак беради. Альфредо Лилианани катта хонада кутиб ўтиради, кўлида ҳар доимгидек газета, у ойингиз тинчгина ухлади, Рамос ўн иккида келади, деб ўзича кўнгил олган бўлади ва тушдан кейин Почони кўриб келиш учун дала ҳовлига уни таклиф этади, бунақа иссиқда дала ҳовлига ёки умуман шаҳардан ташқарига чиқиб кетган маъқул, умуман олганда ҳатто ойимизни бирга олиб кетишимиз мумкин, тоза ҳавонинг одамга таъсир қилиши аниқ, балки ҳаммамиз ҳафтанинг охиригача ўша ерда қолармиз, Почо роса хурсанд бўлади-да. Бирга боришга рози бўлишадими, йўқми Лилианага барибир, буни ҳамма тушунади, унинг нима дейишини ҳам билишади, тонг отади, оппоқ тонг, индамай нонушта қилишади, тўқимачиларнинг иш ташлаганлари ҳақидаги суҳбатга беғамгина бепарволик билан қўшилишлар, яна бир пиёла қаҳва тайёрлаб беринг, деган илтимослар ва яна улаб қўйилган телефон ёнига бориб, гаплашишлар,

хориждаги кайнотасидан келган телеграмма, мую-лишда иккита машина тўкнашиб кетгани туфайли шовкин-сурон кўтариб, хуштак чалишади, девор ортида шаҳарга хос одатдаги ҳаёт қайнаб-тошади, соат икки ярим, ойим ва Альфредо билан дала ҳовлига бормаса бўлмайди, ҳарқалай, канақа зиравча экан ўзи, бола бола-да, барибир, ҳар нарса бўлиши мумкин, Альфредо машина ҳайдайди, дон Контрерас бунақа пайтда ҳар қандай врачдан кўра яхшироқ билади нима килишни, деб ойим билан Лилианани хотиржам қилади, Рамос-Михиа қишлоғининг кўчалари, куёш олов пуркайди, деворлари оҳак билан оқланган салқин хоналарга кириб жон сақлаш, соат бешга бориб матэ ичиш, алоҳа, Почо ўзи тутган балиқни кўрсатади, балиқнинг ойкулоғи сасий бошлаган, лекин ўзи чиройли, жуда баҳайбат, дарёдан тортиб чиқариш роса қийин бўлди-да, ойи, қаранг, тишларини ўткирлигини, қармоқнинг ипини узишига оз қолди, алдаётганим йўқ, қаранг тишларини ўткирлигини. Худди фотосуратлар ёпиштирилган альбомни варақлаётгандек ёки фильм кўраётгандек бўласан, қиёфалар ва иборалар, шавксиз, завқсиз ҳаётини тўлдиришга ёрдам бергандек гўё ҳаммаси бирин-сирин кўз олдингдан лип-лип ўтади, қаранг, сенъора, Кармен канақа ковордоқ қилганини, бирам латиф ва лаззатли, бир тишлам бўлсаям олинг, лаҳм гўштдан тайёрланган, озгина аччиқ-чучук билан, бошқа емасангиз ҳам майли, бунақа иссиқда томоқдан ўтиши ҳам қийин, мен ўзим билан ҳашаротга қарши сепиладиган дори олиб келганман, эҳтиёт-шарт деб, айниқса бунақа пайтда чивин қайнайди бу ерда. Альфредо Лилианага бир оғиз гапирмайди, Почонинг қўлини силаб ўтиради, қалай оғайни, балиқ овлаш бўйича чемпион бўлибсан-ку, эртага каллаи сахарда

туриб бирга борамиз овга, менам омадимни бир синаб кўрай, эхтимол сенга ўхшаб зўрини тутиб қоларман, айтишларича, шу ерлик бир деҳқон уч килолисини тутиб олганмиш. Шийпон ғир-ғир шабада, ойим ҳалинчак курсида мизғиб ўтиришлари ҳам мумкин, дон Контрерас тўғри айтибди, яранг арзимаган экан, ҳаммаси яхши, кани, хол-хол понида қанақа юришингни бизга ҳам кўрсатчи, қаранг ойи чопишини, мен сираям кўркмайман, биз билан борасизми эртага балиқ овлагани, мен ўзим ўргатаман сизга, мени айтди дерсиз, жума куни ҳаво зўр бўлади, роса балиқ овлайдиган кун, Почо дон Контрераснинг ўғли билан ким ўзарга пойга ўйнашади, коқ тушда ўтириб нари-бери овқатланишади, ойим жўхори сўтасини тозалашга қарашади, Карменга, балога йўликсин, сира тузалмаётган қизининг йўталига қарши нима қилиш лозимлигини ўргатади, жазирама ёз тафти ўтириб қолган бўм-бўш хонада тушдан кейин мизғишади, дағал чойшабда ётиш, бироз ноқулай, – шийпонда ўтиришганда қоронғу тушади, чивинлардан безор бўлиб гулхан ёқишади, Альфредо унинг ёнгинасида одоб доирасидан чикмай ўтиради, қойил қолиш керак унга, заррача малол келадиган ортикча гап қилмайди, савол бермайди, қойил қолиш керак Альфредога, ёнида ўтиргани билан Почодан ортмайди сира, ҳамманинг кўнглига қарайди, ҳаммаларидан бир хилда ровиш олади, жимжит бўлиб қолишганда, нима дейишни билади доим, ноқулай вазият юзага келишига йўл қўймайди, фурсатни бой бермай лимонад очиб, финжонларга қуйиб узатади, дастрўмол олиб беради, янгиликлар, иш ташлашлар ва Никсон ҳақидаги хабарларни тинглаш баҳонасида радио қўяди, бошқа нимаям кутиш мумкин, тавба, қанақа мамлакат бу ўзи?!

Бир ҳафта кўз очиб юмгунча ўтади, Почонинг кўлидаги яра ҳам битай деб колди, улар душанба кун ирталаб, ҳали кун исиб улгурмасидан Буэнос-Айресга қайтиб келишади, Альфредо уларни уйга қўйиб, ўзи қайнотани кутиб олгани кетади, Рамос ҳам у билан Эсейс тайёрагоҳига йўл олади, Фернандито эса ойим билан Лилианага кўмаклашгани қолади, кимдир бўлиши керак-ку уларнинг ёнида, соат тўққизларда кизини етаклаб Акоста келади, яхши ўйлабди, юқори кават-у, лекин Сулема холаникида Почо иккови зерикмасдан ўйнайди, ҳамма нарса ўзгариб қолгандек, қабристондан қайтиб келишса худди бегона ерга ўхшайди, Лилиана қариялар билан андармон бўлади – бошқа илож йўқ, пича дардини унутади, Альфредо, Фернандито ва Акоста унга кўмаклашади, аммо лекин Фернандитога қойил қолиш керак, у Лилиана учун, Лилианани деб ўлиб-тирилади, дарҳол гап нимадалигини пайқаб, Лилианага енгил бўлсин учун қайнотасини нариги хонага чиқиб дам олишга таклиф этади, тўғри-да, шунча йўлдан келган кекса одам, йўл азоби – гўр азоби дейишади, рост-да, бирин-кетин ҳамма тарқаб кетади, фақат Альфредо билан Сулема хола қолишади, уйга жимлик чўқади, Лилиана тинчлантирувчи дори ичиб, ухлагани итоаткорона хонасига кириб ўрнига ётади ва ўша заҳоти донг қотиб ухлаб қолади. Эрталаб Почонинг катта хонада шовқин кўтариб у ёқдан бу ёққа югургани, қария шиппакларининг шипиллаган товуши, телефон кўнгироғининг жаранги, ё Клотильда ёки Рамос бўлса керак, ойим иссиқ лоҳас қилаётганидан ёки ҳаво димлигидан зорланади, нима овқат тайёрлаш лозимлиги ҳақида Сулема хола билан маслаҳат қилади, соат олтида Альфредо, баъзан Пинчо синглиси билан ёки Акоста қизи билан келади, тажрибахонада бирга ишлайдиган

ҳамкасблари таъзия билдиргани йўклашади ва уйда ўтиравериб, тўрт девор ичида қолиб сиқилгандан кўра ишга чиксанг ёзиласан, деб тушунтиришади, жилақуриса, биз учун чиқакол, биласан ўзи кимёгарлар етишмайди, айниқса шу кунларда сен зарурсан, ярим кунга бўлса ҳам, сал чалғийсан, деб уктиришади; биринчи сафар Альфредо элтиб қўяди тажрибахонага, чунки Лилиана ҳозир машина ҳайдолмайди, сўнгра уни қийнамаслик максадида ўзи ҳайдаб борадиган бўлади, гоҳи-гоҳида у ўзи билан Почони олиб кетади-да ишдан кейин ҳайвонот боғигами, киногами боришади, тажрибахонадагилар унга авжи янги вакцина тайёрлашаётган пайтда ёрдами теккани учун миннатдорчилик билдиришади, денгиз бўйидаги ноҳияларда юқумли касаллик тарқгани туфайли, тажрибахонада алламаҳалгача ушланиб қолишига тўғри келади, умуман иш овунтирмай иложи йўқ, ҳамкасблари билан бирдан Росариога хизмат сафарига бориш, йигирма кути ампула, иш мана бундай бўпти, Почо коллежга қатнай бошлаган, Альфредо ҳозирча болаларни арифметика фани бўйича тамомила бошқача ўқитишади, дея хуноби ошади, саволларини тушунсам ўлай агар, қариялар дамани олиб ўтиришади, бизнинг давримизда бошқача эди, Альфредо, бизни ҳуснихатга ўргатишарди, чиройли ёзмасликка йўл қўйишмасди, бу боланинг ёзганларини кўр, ажи-бужи – шунақаям бўладими, муаллимлар қаёққа қарашяпти, бу кетишда ишлар пачава-ку. Лилианага индамай тикилиб ўтириш нақадар яхши, ҳайҳотдай диванда жажжигина бўлиб олган, газета оша кўз ташлаб қўйсанг-у, жилмайишини кўрсанг, сўзсиз тушунасан уни, у қарияларнинг гапи тўғри, дейди ва ўзи эса худди ёш қизчалардек унга узоқ жилмаяди, лекин бу унинг самимият тўла илк

кулгуси эди, Почо билан циркка бориб юрганларида шундай қиларди, Почо коллежда дарсларни яхши ўзлаштираётгани учун музқаймоқ билан кўрфазда сайр қилишга эришади. Совук кучайиб, касабга уюшмасида ҳам муаммолар кўпайиб, тез-тез вилоятларга боришга тўғри келгани сабабли Альфредо олдингидек ҳар куни келмайди, баъзида Акоста қизи билан хабар олади, якшанба кунлари Фернандито ёки Пинчо йўқлайди, бунга алоҳида аҳамият бериш шарт эмас, чунки ҳамма ўзидан ортмайди, ташвишлари етарли ўзларига, кунлар эса хийла қисқариб қолди, Лилиана тажрибахонадан кеч қайтади, ўнли каср бўйича ҳамда Амазонка дарёсининг ҳавзаси ҳақида ҳеч нарсга билолмай боши қотган Почо билан бирга дарс тайёрлашга ўтиради, охир-оқибат у билан ёлғиз садоқатли Альфредо бирга қолади, катта хоналарга қари-қартанг кириб дам олади, ҳаловат истаган вужудлар яйрайди, кечқурун камин ёнида мамлакатдаги муаммолар, ойимнинг саломатлиги ҳақида паст овозда суҳбатлашиб ўтиришганида Альфредо Лилиананинг елкасига қўлини қўяди, чарчаяпсан жудаям, шунинг учун сўлғин кўринасан, дейди, бу ёлғон, лекин барибир бунга жавобан унинг лабларида миннатдорлик туйғулари акс этган табассум уйғонади, иложини топиб дала ҳовлига яна борамиз, доим бунақа совуқ бўлмайди-ю, тўғрими, доимий нарсанинг ўзи йўқ, Лилиана унинг қўлини оҳиста олиб қўяди ва сигарет излаб хонтахтага кўз югуртиради, сўзлар ҳеч нарсани англатмайди, Альфредо унга доимгидек термилиб қарайди, унинг қўллари унинг елкаларидан яна кучади, улар бошларини хиёл эгиб, манглайларини бир-бириникига босиб шивирлашади, сўнг шу кўйи узок жимиб қолишади, унинг ёноғини беозор бўсалар куйдиради.

Нима килардинг, бўлар иш бўлди, гапиришнинг ҳожати йўқ. Титраётган бармоклари орасидаги сигаретни ёкиб олиш учун Лилиана томон энгашиб, сўзсиз умид килиш керак, холос, эҳтимол, чинданам гапириш шарт эмаслигини аниқ била туриб ҳам шундай килиш лозимдир, шундоқ ҳам Лилиана ичига чуқур тортади-да, хўрсиниш аралаш тутунни чиқариб юборади ва титраб-қақшаб ҳик-ҳик йиғлашга тушади, Альфредонинг юзига тегиб турган ёногини олиб қочмай, қаршилиқ қилмай ва унсиз кўз ёшларини тўкканча эндиликда ёлғиз унинг учун, якка унинг ўзига аён бўлган ҳиссиёт тўлқинига ғарқ бўлаётганини яширмақ мақсадида унсиз кўз ёши тўкади. Сийқаси чиққан ибораларни шивирлаш бефойда, Лилина йиғлаётибдими, бас, тамом, бу унинг чорасизлиги, ўзга иложи қолмаганини англади дегани, бу энг охирги чора – қисмат, бу ёғига ўзга ҳаёт бошланиши муқаррар бўлган чегара! Уни юпатиш, тонг қотиб қолган ҳар бир лаҳзани бир онда чизилган расмлар каби абадийлаштиришдек адоқсиз кун жараёнига ёрдам тариқасида ўтмишдаги осойишта ва хотиржамликдан иборат ҳаловатини тиклаб бериш, ушбу сўзларни дафтарга ёзиш каби мумкин бўлганда эди... Мабодо шуларнинг барини амалга ошириш имкони бўлганда эди, бироқ қоронғу тушиб Рамос ҳам кириб келади, у энг охирги тиббий таҳлил натижаларини кўздан кечира туриб талвасага тушиб, аввал чап қўлимни, кейин ўнг қўлимнинг томирига бармоғини босиб юрагим уришига қулоқ солади, таажжубланаётганини яширолмай устимга ёпилган чойшабни тортиб олади-да яланғоч ҳолда аъзойи баданимни кўздан кечиради, биқинимни пайпаслаб кўради-ю ҳамширага нотайин топшириқлар беради, мен баайни элас-элас ғалати бир нарсани илғай бошлайман, ғалати жуда, чунки бундай бўлиши мумкин эмаслигини мен биламан-ку, Рамос

янглишаяпти, буларнинг бари ёлгон, хакикат бутунлай бошқа нарсада – унинг мендан яширмаган муддатида акс этади ахир, Рамос жилмаяди, гўё умидлари пучга чиққан ушунинг учун гарангсиб, буни қабул қила олишга қодир эмасдек унинг яна бикинимни, қорнимни ғалати тарзда пайпаслаб кўриши, менга ҳеч ким ишонмайди, оғайни, мен бўлсам шуни бўйнимга олишга уриняпман, эхтимол чинданам шундайдир, ким билади тагин, мен қаддини ростлаб яна сўлжайиб фармойиш бераётган Рамосга тикиламан, унинг овози шунақа чиқадики, бу тўрт девор ичидаги ғира-шира қоронғулик қўйнида неча-неча кунлар ярим беҳуш ётганимда бирон марта ҳам эшитмагандим ва чиндан шундай эканига аста-секин ўзимни ишонтиришга муяссар бўламан, бироқ ҳозир, ҳамшира чиқиб кетиши биланок ундан озгина кутиб туришни, бу хусусда Лилианага айтишдан аввал, уни уйқусини бузмай, шунча пайтдан буён илк бора ёлғиз эмаслиги сабабли тушларида бағрига босиб қучоқлаётган кимсанинг кўлларида ногўҳ юлқиб олмасдан, лоақал эрталабгача қутақол, дея ундан албатта сўраш даркор...



ГРАФФИТЛАР

Ҳаётда кўп нарсалар ўйиндан бошланиб, ўйин билан тугаркан – деворга ўзинг чизиб қўйган сурат ёнида пайдо бўлган бошқа расмга кўзинг тушганида қанчалар хурсанд бўлганингни тасаввур қиламан: биринчи гал сен буни тасодиф ёки биронта эрмакталаб бекорчининг ҳазили, деб ўйлайсан, иккинчи марта кўрганингдан кейин эса буни бекордан-бекорга чизишмаганини фаҳмлайсан ва бу янги суратни синчиклаб кўздан кечирасан, ҳатто ўша куниек, кимсасиз кўчанинг муюлишида соқчилар машинаси кўринмаётган пайтни пойлаб, бафуржа томоша қилгани яна қайтиб келасан; лекин келасолиб бақрайиб қарамайсан, балки шунчаки ўтиб кетатуриб, деворга чизилган граффит ёнидаги магазиннинг ойнаванд пештахтасига қўйилган антиқа буюмларни кўриб тўхтагандек кўчанинг нариги тарафидан бирровгина кўз югуртириб чиқасан ва шундан кейингина кўнглинг жойига тушиб, жуфтакни ростлайсан.

Бу ўйинни шаҳарда ҳукм сурган вазият – шаҳарда комендантлик соати жорий этилиб, кўчаларда шомдан кейин рухсатсиз юриш ман қилингани ва деворларга плакатлар ёпиштириб, суратлар чизиш қатъиян тақиқланганига норозилик билдириш учун эмас, азбаройи зерикканингдан ўзинг бошлаган эдинг. Шунчаки ранг-баранг бўрлар билан расмлар чизиб («граффит», жудаям илмий атама бўлгани учун ёқтирмасдинг),

ора-чора уларни кўриб кетишга ишқивоз эдинг холос, мабодо, шаҳар маъмуриятига тегишли юк машинасида келган фаррошлар хуноб бўлиб девордаги чизмаларингни кириб ташлаётгани устидан чиқиб қолсанг мириқардинг, тўғриси бу эса иззат-нафсингга мойдек ёқарди. Мазкур суратларнинг сиёсатга алоқаси бор-йўқлиги улар учун заррача аҳамиятсиз – ҳар қандай сурат қанака эканидан қатъи назар тақиқланган эди, бордию битта-яримта болақай ҳавасга уй ёки кучук расмини чизишга ботинса ҳам етти пуштининг гўрига гишт қалаб, кириб ташлаган бўлишарди. Шаҳарда вазият жуда огир, ҳамманинг юраги пўкиллаб қолган, ҳалокат қаердан келишини ҳеч ким билмасди; эҳтимол сен ўз кўркувингни енгил орқали вақтичоғлик қилардинг: мавридини топдингми, бежавотир кўчадаги деворга навбатдаги суратни чиза бошлардинг, гўё бу билан шижоатинг ҳамда аҳдинг барқарорлигини ўзинг учун намоён этардинг.

Сен ҳар бир қадамингни ўлчаб, ақл-идрок билан, ўйлаб ҳаракат қилганинг учун бирон марта бўлсин қўлга тушмасдинг, ҳали фаррошлар юк машиналарида келиб, иш бошлагунга қадар, бу дамлар юрагингда жўш ураётган умид ва интиқом туйғуларини сурат чизиш орқали ифода қилишингга имкон яратар, шунинг учунми бу дақиқаларга нажотбахш истиқбол муқаддимаси, деб ном қўйиб олгандинг. Провардида ўзинг чизган суратга анча наридан разм солиб турганинг-да, деворга нима чизилган бўлишидан қатъи назар – икки хил бўр билан чизилган мавҳум композициями, қанотларини ёйиб учишга чорланган кабутар сурати ёки ажи-бужи шаклларми – барибир, ўтиб кета туриб бир қур нигоҳ ташлаб кўяётган йўловчиларни (табiiйки – ҳеч ким тўхтаб қарамасди, бироқ суратларга қарамасдан ўтувчи

хам йўк эди) пайқардинг. Атиги бир мартагина кўмир билан: «Менга ҳам алам қилаяпти», деб ёзиб қўйгандинг. Лекин икки соатга қолмай, шахсан полиция ўз қўли билан ўчириб кетганди. Шу-шу сен фақат суратлар чизиш билангина чекланадиган бўлиб қолгандинг.

Сен чизиб қўйган суратлар ёнида илк бор бегона расм пайдо бўлганида, рости кўриб кетдинг: чунки ногаҳон хавф-хатар икки ҳисса ошган эди, кимдир-бирор сенга ўхшаб ўт билан ўйнашгиси келарди, бу ҳам майли, энг ёмони ўша кимдир-бирор, таассуфки – аёл киши эди. Дарҳақиқат, аёл, холбуки сен буни исбот қилиб беролмаган бўлардинг, зеро бу суратлар бутунлай ўзгача, сеникига ўхшамас, ундан-да юксак, ундан-да таъсирчанроқ ва сенинг уринишларингдан шижоатлироқ эди, бу чизиклар, ёрқин рангли бўрларга мойиллик, қакшаган асаблар ифодаси ҳар қандай далилу исботлардан кўра ишончлироқ эмасми? Ўша кезлари сен ёлғиз ўзинг ҳаракат қилардинг, балки мана шу ёлғизлигингни билдирмаслик ва шу ёлғизлигингга мазмун бахш этгани буни ўзинг тўқиб чиқаргандирсан – ҳуллас, сен у билан фахрланар, ундан хавотирланар, шу билан бирга оқибатини ўйламай босган қадамини такрорламаслигидан умидвор бўлардинг, бироқ суратларинг ёнида яна унинг чизганларига кўзинг тушганида азбаройи, ўзингни фош қилиб қўйишингга бир баҳя қолди – полициячилар кўр ва ғалчадек ўша ернинг ўзида қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборай дединг.

Ўшандан кейин сен учун янаям сирли ва гўзал, шу билан бирга қалтис ва хатарли ҳаёт бошланди. Ишдан кўнглинг совиб, бот-бот кечикиб борадиган ва баъзан, умуман бормайдиган одат чиқардинг. – Уни қандай бўлмасин деворга сурат чизаётгани устидан чиқиш умидида ишингни ҳам унутиб, шаҳарни айлангани

чикиб кетардинг, қолаверса, расмлар чизгани энди бир нафасда айланиб чиқиш мумкин бўлган торгина, бирига туташ кўчаларни танлайдиган бўлдинг – бу кўчаларда гоҳ субҳидам чоғи, гоҳ кош корая бошлаган пайт, баъзан эса ярим тунда пайдо бўлиб қолардинг. Бағоят оғир зиддиятлар ва умидсизлик даври бошингга тушди, сен ўзинг чизган суратлар ёнида унинг чизганларини кўрар эдинг лекин ўзини тополмасдинг – шу боис хувиллаган кўчалар бесамар изғишларинг чоғида янада ғариброк, янада файзсизрок кўриниш касб этарди. Иттифоко бир куни кечаси илк бор унинг мустакил равишда чизган суратига дуч келдинг – уни дарвозанинг қинғир-қийшиқ тахталари ва мих калпоқчаларнинг ўзига хос кўринишидан фойдаланиб қизил ва кўк рангли бўрлар билан чизган эди. Сурат мукаррар ўша аёлга тегишли эди – ҳар битта чизиғи, рангларнинг уйғунлиги шундан далолат берар, бироқ булардан ташқари унинг замирида нидоми ёки илтижоми сезиларди – бу сен учун юборилган ўзига хос даъват эди. Соқчи қинғир-қийшиқ тахталарни бўяб кетгандан кейин кечки пайт яна қайтиб келдинг-да, гараж эшигининг бўёқ тегмаган қисмига нари-бери елканли кемалар билан бандаргоҳ суратини чизиб ташладинг. Сен шунчалар моҳирона чизган эдингки, тикилиб карамаган одам бу ажи-бужи чизиқлар нур ва сояларнинг тасодифий ўйини, деб ўйлаши мумкин эди – бироқ у тикилиб караган ва ҳаммасини сезган бўларди. Ўша куни кечаси қандайдир мўъжиза билан икки нафар соқчига чап бериб қочиб қолдинг, сўнгра уйга бориб, хувиллаган хонадан чиқмай хурмачанг тўлғунича ичиб, хаёлан ўша аёл билан суҳбатлашиб ўтирдинг – гўё яна елканли кемалар билан бандаргоҳ акс этган турфа хил суратлар ижод қилмоқчидек кўнглингда нимаики кечса

хаёлингни банд этган ўша аёлга айтавердинг – сенинг тасаввурингда у буғдойранг ва камсукум аёл эди, унинг рухсорига уйғун дудоклар, коматига муносиб сийналар, паришон сочлар танлаб чиқдинг, хаёлан уни бағрингга босдинг, у қайнок бўсаларингдан ҳушини йўкотди.

Ана шунда тўсатдан ялт этиб хаёлингга, модомики жавоб кутар экан, у холда худди сенга ўхшаб чизган суратлари ёнига қайтиб келиши керак, деган уй хаёлингдан ўтди-ю, бир неча кун аввал бозорда уюштирилган суикасддан сўнг шаҳарда вазият анча кескинлашганига карамай бояги гараждан олислаб кетмадинг, ўша мавзеда айланиб юрганингда муюлишдаги қаҳвахонага кириб қанчадан-қанча пиво ичиб юбординг. Бемаъниликни кўр, сен чизган суратни кўрган тақдирда ҳам унинг тўхтаб қараши даргумон, чунки гараж ёнидан ўтаётган беҳисоб аёллардан бири ўша бўлиши мумкин эмасми?!

Эртасига эрталаб муюлишдаги ўша қаҳвахонадан кузатиб ўтиришинг мумкин бўлган (гараж эшигини аллақачон бўяб ташлашганди, лекин шундай бўлса ҳам ўша атрофда кўзлари олма-кесак терган соқчилар изғиб юришарди) пастаккина тошдеворни танлаб, эман япроқларига ўхшаш доғлар билан гир айлана ўралган оппоқ учбурчак шаклини чизиб чиқдинг; узоқ ўтирдинг, бир-икки кўшни кўчаларга бориб айланиб ҳам келдинг; кечга яқин қаҳвахонани тарк этдинг, лекин узоққа кетиб қолмадинг, балки шубҳа уйғотмаслик учун дўконлардан майда-чуйда харид қилмоқчи бўлган кишидек ўша атрофда айланиб юрдинг. Сирена овози янграб, бир жуфт чироқнинг ўткир нури кўзларингга чақиндек санчилганда вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Девор олди тўс-тўполон бўлиб кетди, сен эҳтиёткорликни унутиб ўша томонга югурдинг, агар бир тасодиф жо-

нингга оро кирмаганда, омон қолишинг гумон эди: муъолишдан чикиб келган машина ҳайдовчиси миршабларга кўзи тушди-ю, кўчанинг ўртасида кескин тўхтади, ана шу машина сени тўсиб қўйди, бироқ сен бақирган-чақирган овозни эшитишга, ур-йиқитни, тепкилаш, чарм кўлкопли кўллар тортқилаган қора сочларни кўриб қолдинг, кейин эса кўк жинс кўйлак лип этиб кўзга чалинди ва уни туртиб-суртиб машинага тикишди-да, олиб кетишди.

Анчадан кейин (сен сира ўзингга келолмас, рўй берган бу мудҳиш воқеа ғиштлари тушиб ярим хароба ҳолга келган деворга чизган суратинг туфайли рўй бергани хақида ўйласанг юрагинг орқасига тортиб кетарди) йўловчиларга қўшилиб олгач, мовий тусда нари-бери чизилган – бамисоли унинг исми ёки дудокларига ўхшаган пўртаҳол тасвирини кўздан кечириш имкони туғилди; девордаги суратнинг дабдаласи чиққан, соқчилар ўзини олиб кетишдан аввал шоша-пиша чизган сурати устидан бўёқ суркаб ташлашга улгурган эдилар; шунга қарамай унинг қолган-қутган парчаларидан кўп нарсаларни тушунса бўларди: сен чизган учбурчак шаклига жавобан у доира ёки спирал шаклини чизган эдики, бу билан гўё у «ҳа» ёки «абადий» ёинки «ҳозир» демоқчидек туюларди.

Марказий полиция маҳкамасида нималар бўлишини жуда яхши билардинг, буни сенга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, эртасига бу ҳақда шаҳарда мишмиш тарқалди ва одамлар хибсга олинганларнинг тақдиридан озми-кўпми хабардор бўлишди, аммо бахтга қарши, уларнинг шерикларидан битта-яримтасини кўча-кўйда яна учратиб қолсалар худди вабодан қочгандек нари кетишар – кўпчилиги унга бошқа рўпара келмасликни ва уни ҳам бошқалари сингари бутунлай унутиб юборишни лозим топишган бўларди, бу масалада ҳамма келишиб

олгандек, ҳеч ким раъиятнинг хоҳиш-иродасига қарши боролмасди. Сен, ҳаммасини фаҳмлардинг, ўша кунни кечаси аламингдан роса ичдинг, бироқ бу ҳам таскин беролмади – ўша лаънати суратни чизган бармоқларингни тишлаб, рангли бўрларни тепкилаб, янчиб ташласанг ҳам кўнглинг жойига тушмади, алал оқибат кайфинг ошиб, ўкраб-ўкраб йиғлаганча ухлаб қолдинг.

Сен учун ҳаловатсиз кунлар бошланди, бундан буён осмон узилиб ерга тушса ҳам бошқача яшолмаслигини тушуниб етдинг. Аксар ҳолларда ишхонада кўп ўтиролмай ташқарига чикиб кетар, ўша аёл билан ўзинг сурат чизиб юрган эшик ва деворларни ўғринча кўздан кечириб кўча-кўйда изғиб юардинг. Ҳаммаси чиннидай – топ-тоза қилиб артилган – лоақал мактабдан яширинча бўр олиб чиққан биронта ўйинқароқ ўқувчининг ҳавасга чизган гул сурати бўлса ҳам майлийди. Охири сенинг ҳам сабринг тугади ва бир кунни, анави мудҳиш воқеадан сўнг бир ой ўтар-ўтмас, барвақт, ҳали сахархез кушларнинг чирқиллаши эшитилмаётган пайтда ўрнингдан турдинг-да, яна анави машъум гараж жойлашган кўчага бординг. Ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит, теварак-атрофда соқчилар кўринмас, девор қиртишлаб тозаланган, сен чўнтагингдан бўр олиб ўша аёл сурат чизиб қолдирган гараж дарвозасига яшил рангдаги нола билан миннатдорлик ва севги-садоқатнинг оташин ҳароратини ифодаловчи нафис расмлар чизаётганингда қўшни уй остонасида катта мушук сенга ўғринча тикилиб ўтирарди. Мазкур чизмаларингни тухумсимон шакл билан ўраб қўйдинг-ки, бу сенинг умидларинг ҳамда унга аталган даъватларинг инъикоси эди. Шу чок қутилмаганда муюлишдан оёқ товуши эшитилди-ю, сен юрагингни ҳовучлаб тум-тарақай қочишга туш-

динг ва бориб тоғдек уюлган яшиқлар уюми ортига яшириндинг. Бир бадмаст аллақандай куйни хиргойи қилганча гандираклаб келарди; мушукка кўзи тушиб тепаман, дея оёғини кўтарганди гуп этиб сурат остига йиқилди. Кўнглинг жойига тушиб, хотиржамгина уйга қайтдинг ва атрофга секин-аста кун ёйила бошлаганда донг қотиб ухлаб қолдинг.

Ўша кун и чошгоҳга яқин уйқудан турганингда биринчи навбатда дарвозага яқин бормай, узоқдан кўз югуртириб чиқдинг – сурат ҳали ўчирилмаганди. Ярим кечаси бошинг оғиб қайтиб келганингда у ҳамон жойида эди. Шаҳар чеккасида кучайган ғалаёнлар (бу ҳақда бохабар одамлардан аллақачон эшитган эдинг) туфайли чамаси полициячиларнинг кун тартибига путур етганми, улар доим бенуқсон бажариб юрган кундалик хизмат вазифаларини кўнгилдагидек адо этолмаётгандилар, тун оққанда сенга мутлоқо иссиқ-совуғи йўқдек расмни кўриб кетгани келдинг. Сўнг уч кун давомида ярим кечаси эринмасдан яна хабар олдинг: зим-зиё кўча кимсасиз, ҳувиллаб ётарди. Ана шунда дафъатан бошқа бир расмга кўзинг тушди-ю, уни таниб қолдинг – у сеникидан бир суям юқорироқ ва сўлроқда эди, колаверса у ёлғиз сен сезишинг мумкин даражада кичкина эди. Сен нимадандир умидвор бўлиб ҳамда шу билан бирга юрагингни ҳовучлаб янаям яқинроқ бординг-да, бамисли шишиб кетган башара, конталаш кўзлар ва тепкилар зарбидан мажақланган дудоқларни эслатувчи тўқ сариқ ва бинафшаранг доғлар шаклини кўриб ҳаммасини тушундинг. Ҳа, бўлмасам-чи... Бошқа ниманиям чизарди? Сенга бундан ўзга яна қанақа ишора керак? Лоақал, йўлини топиб, сен билан хайрлашмоғи ва бундан буён, ҳар қанча оғир бўлса ҳам чизишни тўхтатмаслигинг керак дейиши лозим

эмасмиди?! Лоақал, деярди у, даричасиз бошпанамда, биқиниб ётишим мумкин зим-зиё маконимда кўп нарсаларни эслаб ётганимда, баъзан худди сени ҳаётинг ҳақида қайгураётганим каби расм чизишни давом эттираётганинг, муқаррар расм чизиш, фақатгина тинмай чизиш, чизиш ва яна чизиш учун кечалари кўчага чиқиб кетаётганларинг ҳақида ташвишланиб ўйлаётганларимдан сени огоҳлантириб қўйишим лозим эмасми...



ИЗМУ ИХТИЁРИМИЗ НИМАДА?

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг менга барибир, чунки бўлар иш бўлиб ўтган – оркага қайтаришнинг ҳеч ҳам иложи йўқ, байографни биласизу, тасмага нима тушган бўлса – ўшани кўрсатади фақат, яна нима деб тушунтирай, хўп, кинога бордингиз дейлик, лентада нима бўлса ўшани кўрасиз тўғрими, истамасангиз кетаверинг ҳеч ким қўлингиздан ушлаб тургани йўқ, лекин айтиб қўяй – биров раҳмат демайди, сизга. Минг айлантирай-айлантирмай, йигирма йиллик гап бу, қанча сувлар окиб кетди, қисқаси ҳаммасини гапириб бераман, ким агар ваҳима қиляпти, деб ўйласа ўйлайверсин, ихтиёри – эшитмасин ҳам, куймасин ҳам.

Ҳай майли, гап кўп кўмир оз, қисқаси Монтесни август ойида кечаси кўрфазда ўлдириб кетишди. Аллақандай аёлни ҳақорат қилгани учун эрими, ўйнашими иснодга чидай олмай ўч олган, дейишди. Лекин бир нарса аниқ, Монтес орқадан отиб ўлдирилган – ўқ энсасига теккан, бунақа номардлик кечирилмайди, тўғри эмасми. Монтес мени жуда қалин ўртоғим эди, орамиздан қил ўтмасди, доим бирга юрардик – қаҳвахона дейсизми, киморхона дейсизми, Падиля деган ҳабашнинг исловатхонасими – фарқи йўқ, бирга борардик. Ҳабашни танимайсиз, лекин униям ўлдириб юборишди, бир кун айтиб бераман сабабини.

Хуллас калом, менга айтишганда Монтес оёқ-қўлини узатиб бўлган эди, уйига борсам, синглиси акасининг

тепасида сочларини юлиб дод соляпти. Мен Монтес билан ўзимча розилик тилашган бўлдим-да – у кўзлари очик ҳолда ётарди – ўша ярамасни топиб ўч оламан, деб касам ичдим. Ўша куниёк Баррос билан гаплашиб олдим, мана шу жойида ошириб юбораётгандирман. Гап шундаки ўқ овозини эшитиб энг биринчи Баррос етиб келган, қараса Монтес қалин параисо бутаси остида хириллаб ётибди. Баррос анойилардан эмас, кўзи очик йигит, юлдузни бенарвон уради, десам ҳам янглишмайман, хуллас, шу Баррос, айлантириб ўтирмаган-да ким отди, деб сўраган. Монтес, бечора ўртоғим, гапирмоқчи бўлгану, лекин бошидан ўқ еган одамга осонми, қисқаси Баррос саволига бир жўяли жавоб ололмаган. Ҳар ҳолда бир неча дақиқалар ўтгач, Монтес бир амаллаб «қўллари кўк одам эди», деган (ўлаётган одамнинг алахсирашини қаранг!) сўнг «татуировка», деганга ўхшаш бир сўзни амаллаб айтган, шунга таяниб биз қотил денгизчи бўлса керак, дея тахмин қилдик. Тамом вассалом. Ҳолбуки «Лопес» ёки борингки «Фернандес» дейиш осонроқ эмасмиди, татуировка дегандан кўра! Лекин бош чаногини ўқ ўпириб юборган одам учун-чи – бир тасаввур қилиб кўринг! Балки, Монтес унинг исмини билмасдир. Татуировка кўриниб турган нарса, исмини эса сўраш керак, бу сўрасаю, униси айтган тақдирда ҳам ҳеч нарса ўзгармаслиги мумкин – чунки алдаган бўлса-чи?!

Ана энди, кулсангиз кулаверинг, – бир ҳафтадан кейин Баррос иккаламиз ўша кимсани топдик, дунёдаги энг уддабурон изкуварларнинг пешқадами, деб таърифланган полициямиз эса ҳалиям кўрфаз билан унинг канорасида тинтув ўтказиб, ҳаммаёқни алғов-далғов қилиб юрибди. Биз ўзимиз излаб топдик, қандай қилиб дейсизми, ҳай майли, майда-чуйда тафсилотларини ай-

тиб бошингизни котириб нима қиламан. Фақат битта кулгули томони, тавба қилдим, бизнинг одамимиз ўша нуханинг биронта аниқ белгисини аниқ айтиб беролмади-ю, лекин унинг французлар кемасида оддий йўловчи сифатида кетаётганлигига кафилман, деб айтди – ҳаётнинг жумбоқларга бойлигини қаранг! Шу сабабли биз ўша йигит энди денгизчи эмас, лекин ўта пихини ёрган ва шу йўл билан қуённи урмоқчи, деган хулосага келдик. Яна-тагин у ҳақда топган маълумотимиз – у аргентиналик ва учинчи даражали йўловчи сифатида кетяпти! Ҳайрон бўладиган ери йўқ, аллақандай гринго Монтесни тинчитолмасди, очигини айтсам битта нарсага ақлим етмайди – биз ёллаган одам ўша азаматнинг фамилиясини билолмаган. Тўғрироғи, унга биттасини айтишган, лекин йўловчилар рўйхатида бундай фамилия чиқмаган. Одамларни биласизу ҳозир, жуда эҳтиёткор бўлиб кетишган, ким билсин, балки ўттиз яканга бизнинг одамимизга маълумот йигиб берган нусха жўрттага алдагандир. Балки, қотил бошқа ҳужжат тўғрилашга улгургандир. Хуллас, яна ўша байограф тасмаси айланыпти – Баррос иккаламиз кечаси билан мижжа қокмай шу хусусда мулоҳаза қилиб чиқдик, эрталаб мен ҳужжатларни тўғрилагани департаментга йўл олдим. Ўша пайтларда паспорт олиш унчалик қийин эмасди. Қисқаси ошна-оғайнилар билет тўғрилаб беришдию, кечки пайт камина-ю камтар кемага чиқиб, қайдасан Марсель, дея йўлга тушдим. Французларнинг шунақа порт шаҳри бор. Зерикапсиз-а, сезиб турибман. Гапирмаслигим мумкин хоҳласангиз. Ҳай, бўлар иш бўлди, қани ароғингдан куй-чи, «Граф Монте-Кристони» ўқияпман, деб тасаввур қилинглар жиллақуриса, бошида айтдим бунақаси кам учрайди, деб, у замонлар хўп бошқача эди-да!

Кема деярли бўш, йўловчи зоти бармоқ билан санарли даражада оз, бир ўзимга тўрт кишилик каюта беришди. Ана роҳату мана роҳат! Тасаввур қилинг, тўртта каравот, шунга яраша жавон, стол-стул ва анжомлар. Европага боргансиз-а, йигитлар! Ҳа майли, бўпти, бир ҳазилда буям, хафа қилиб қўймадимми?! Нима деётгандим, ҳа хуллас, қатор каюталардан узун йўлакка чиқилади, йўлакнинг бир бошида буфет, иккинчи бошига борсанг зинапоя – шу зинапоядан кўтарилсанг, тўғри кеманинг тумшугидан чиқасан. Биринчи куни кечқурун ҳеч қаёққа бормадим, палубага чиққанимда ҳам секин-аста кўздан йўқолиб бораётган Буэнос-Айреснинг умумий манзарасини томоша қилдим, холос. Эртасига эрталабданоқ кузатишни бошлаб юбордим. Монтевидеода битта-яримта тушиб қолмасмикин, деб жоним ҳалак денг, қаёқда, кема ҳатто кўрфазда тўхтамади ҳам. Очiq денгизга чиққандан кейин шунақаям расвогарчилик бошланди, ичак-чавоғим ағдарилиб, буралиб узилиб кетай деди-ёв – бунақа саёҳатни душманимга раво кўрмаган бўлардим. Бир қараганда мени ишим унчалик қийин эмасдек эди – буфетга тушиб бир соат ўтирсанг бас, ҳаммаси маълум бўлади-қўяди, чинданам айтганимдек йигирма нечтаям йўловчидан ўн биттаси хотин-қизлар, қолган беш-ўнтаси испанлар билан итальянлар экан. Аргентиналикман, дегани мени ҳисобламаганда бор-йўғи уч киши. Қарабсизки, бирпасда тўрттала аргентиналик бильярд ўйнаб, пиво ичиб ўтирибди-да! Шу уч кишидан биттаси қарилик гаштини сурадиган ёшда, аммо вазоҳатидан кўрққулик, салобатидан ит ҳурқади. Қолган иккитаси мен билан тенгдош – ўттизларни қоралаган йигитлар. Перейра, дегани билан танишган заҳотимиз тил топишиб олдик, Лемос эса оғир-вазмин, қандайдир

одамовирок кўринди. Сухбат чоғида битта-яримтаси ҳақиқий денгизчилар шевасида гапириб қоладими, дея бутун вужудим кулокка айланди денг – биттаям сўзни чиқитга чикармай, тинглаб ўтирдим гапларини, мавзу сал четга чикиб кетса, аллақандай номаълум кемалару бир замонлар бўлиб ўтган денгиз ҳалокатларини эслатиб сухбатни ўзим учун керакли мавзуга буриб юборардимки, тавба бунақа ҳунарим борлигидан ўзим ҳам ҳайратга тушдим. Мушкулим осон бўлса деб шу ҳийлани ишлатганман-да, оғайничалиш, билмай ўлибманми?! Лекин биламан бу йўл билан бирон нимага эришиш мумкин эмас, баттол шунчалик ҳам эҳтиёткор ёки сезгир эканми, мен шоҳида юрсам у баргида юради-я – бунақасини кўрмаганман. Бошқаларини айтмайсизми, кема ҳақида, денгизчилар ҳақида шунақа бемаъни, куракда турмайдиган бачкана латифалардан нарига ўтишмаса денг! Дикқатим ошиб кетди. Бунинг устига ҳаво салқин – биронтаси камзулини ечай демасди.

Учови ҳам Марселга кетаётган экан, шунга қарамай кема Бразилия қирғоқларига яқинлашганда ҳар эҳтимолга қарши яна ҳушёр бўлиб турдим, бироқ кемадан ҳеч ким тушмади. Кун исиб кетганида мен жўрттага, баайни шама қилгандек уларнинг олдиға енги калта майкада чиқдим, улар бунга ортиқча аҳамият беришмади, битта-яримтаси енги узун кўйлагини тирсагигача шимариб қўйди холос. Қария Ферро оксоч қизга ўралашиб қолганимни сезиб қолдими нима бало, икки гапнинг бирида каютадаги кўрпа-тўшакларни эслатиб, кочирым қилади. Перейра ҳам қармоқ ташлаб кўргани ҳаммамизга маълум эди. Петрона бўлса – ўзига бино қўйган испан қизи – икковимизнинг бошимизни айлантириб қўйганди, чамамда. Кема қанақа сузиб бораётибди, беришаётган овқатларининг бири биридан бемазалиги ҳақида эслатгим ҳам келмаяпти.

Перейранинг Петронага илакишиб қолганига юз фоиз ишонч ҳосил қилгач, бир ҳийла ўйлаб топдим. Иттифоко, коридорда рўпарамдан чиқиб қолганди, каютамга чакка ўтиб ҳамма ёқни сув босди, деб алдовдим, лакка тушиб ичкарига кирди. Мен ҳам ади-биди қилиб ўтирмай шартта эшикни қулфлаб олдим. Суяксиз ерларини ушлаб тегажоғлик қила бошловдим бир тарсаки уриб қолса бўладими?! Лекин орасида кикиркикир куляпти, карасам, буқа бўшашса сигир шаталок отиб қочадиган, бунақа гапларни ўзим тўкиганман десам ишонаверинг, – кўярмидим луқмамни ошамай?! Икки секунддан кейин Петрона деганларини танимай қолдим – итоаткор қўзичокнинг ўзгинаси, нима десам йўқ демайди. Ана энди бу ёғини каютадаги тўртта бўш каравотга кўпайтиринг, Ферро айтганидек. Бу ҳали холва, биринчи кун бўлгани учун хиёл истиҳола қилдик шекилли иккимиз, лекин эртасига мактаняпти деманг-у испан қизининг оловини чиқариб юбордим ўзиям. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди, чунки нима десам экан, испан қизи шунақаям офатижон, серишва эканки...

Шу ҳақида ўзимни овсарликка солиб, Ламос билан Перейрага айтиб берувдим, аввалига икковиниям ишонгиси келмади, ё менга шундай туюлгандир, Ламос доимгидек лом-мим демади, Перейра эса қип-қизариб кетди, мен унинг кўнглидан нималар кечаётганлигини фаҳмладиму, лекин сездирмадим, ўзимни гўлликка солиб ўтиравердим. У лабини тишлайвериб қонатиб юборай, деди. Ўша куни кечаси Петрона менинг каютамга келмади, уларни алламаҳалда ғулхона олдида гап сотиб туришганини кўрдиму индамадим. Испан қизи нима сабабдан мендан бунчалик тез юз ўгирганини сезгандирсиз?! Айтайми, ё шарт эмасми?

Хуллас, унга менинг айтганимни билиб берсанг бир эмас, иккита канорейка бераман, дегандим, пул нима-ларга қодир эмас, ўша захоти рози бўлди ва биттасини нақд олдию ишга киришиб кетди. Ўз-ўзидан маълум, унга Перейранинг билагида бирон белги ё татуировка бор-йўклигини билиш менга нега керак бўлиб қолганини айтмадим; шунчаки шерикларим билан гаров ўйновдим, деб қўяқолдим.

Эртасига Ламос билан кеманинг тумшугидаги арқон ўрами устида анча пайт гурунглашиб ўтирдик. У элчихона ёки ваколатхонада курьерлик қилиш учун Францияга кетаётган экан. Умуман олганда у табиатан ўта камгап, қандайдир одамови эди, лекин мен билан очилиб-сочилиб гаплашди. Мен унинг кўзларига тикилиб қарар эканман, дафъатан, жони узилган Монтеснинг афти-ангори, синглизининг уввос солиб йиғлаганлари, туни билан марҳум тепасида бедор ўтириб чиққанларимиз эсимга тушиб кетдию Ламоснинг ҳикилдоғидан олиб, дангалига сен қилувдингми, деб сўрамоқчи ҳам бўлдим. Мабодо ўзимни тутолмай шундай қилсам борми ҳамма иш чипакка чиқарди, бундан кимга зиён, кимга фойда. Яхшиси Петронанинг жавобини кутаман, шу маъқулрок.

Соат бешларда каютамни биров тақиллатди, қарасам Петрона. Унинг кайфияти жуда яхши эди – бир гапириб ўн кулар, ўзини тўхтатолмасди. Ичкарига киргач, бир амаллаб ўзини қўлга олди-да, Перейранинг билаги тугул, елкасида ҳам ҳеч қанақа белги, нишона йўклигини айтди. Сўнг яна телбаларча кула бошлади. «Уни чақалокдай ҳамма ёғини кўрсам бўларди», деди кўз ёшларини арта-арта. Менинг хаёлимга Ламос келди, унинг келишган қиёфаси, ўзига оҳанрабодек тортувчи кўзларини эслаб туриб ўзимдан хафа бўлиб кетдим:

хаҳ кўнглингга кўтир жомашов! Келиб-келиб шу мараз кўнглингга ўтирадим! Ферро билан Перейра шубҳадан холи экан, ҳаммаси равшан! Аламимдан Петронага ёпишдим, у қаршилиқ қилувди, бир уриб тўшакка ағдардим, итоат этишдан ўзга иложи қолмади. Яна кема ходимлари гумон қилиб юришмасин, деб кечки овқатга яқин қўйиб юбордим, бўлмаса ўтирарди бир жойини чангаллаб?! Чиндан ҳам уни қидиришаётган экан. Петрона эртага кечқурун кираман ёнингга, деб сўз бергандан кейин, овқатланишга емакхонага кетдим. Биз, тўрт нафар аргентиналикнинг столини итальянлар билан испанлардан нарироққа, алоҳида жойлаштиришганди. Мен Ламоснинг қаршисига бориб ўтирдим. Ўлиб кетган дўстини тупроғи совимасдан туриб унинг қотилига ҳеч нарса билмагандай қараб ўтириш нақадар оғир эканлигини билсангиз эди! Унинг ўтиришига, сохти-сумбатига қараб туриб Монтесни бошига етган шу, деб ўйламаган бўлсам қулоғимни кесиб ташланг, унинг қиёфаси шунақаям сокин ва жиддий эдики Монтес тугул ҳар қандай одамни, ҳатто Шерлок Холмсни ҳам чалғита оларди.

Перейрадан гумоним қолмади, бироқ ажабо, ҳар гапида қулфи дили очилиб испан қизини эслатиб, уни қандай илинтиргани ҳақида сайраб ўтирадиган одам бугун бир марта бўлсин исмини тилга олмаса! Қолаверса, Петрона ҳам асосий гап – билагадаги белгиси бор-йўқлигидан бошқа у ҳақда бир оғиз ортиқча гапирмаганининг сабабини энди фаҳмладим. Ўша куни каюта эшигини қия очиб қўйдим-да, пойладим, ярим кечаси Петрона Перейранинг каютасига секин сирғалиб дегандек кириб кетганини кўргач, ўзимча юз берган воқеалар хусусида ҳаёл суриб, муҳокама қилиб ётдим.

Эртасига роса кутдим, лекин Петрона келмади. Уни ғулхона олдида ушлаб олдим-да деворга тираб, нима гап, деб сўрадим. У ўзим, ишим кўпайиб кетди, деб баҳона қилди.

– Кеча Перейра билан биргамидинг?

– Менми? Ким айтди сенга?! Уни мутлақо кўрганим йўқ, – дея алдади у.

Агар сен яхши кўрган қизни тортиб олиб қўйишса, ҳазилакам гап эмас, лекин сени ўзинг лакмалик қилиб олдириб қўйган бўлсанг бундан ёмони йўқ. Шу бугун кечаси келмасанг ўзингдан кўр, деб дўк қилгандим, қиз дийдиёга ўтди, бош матросми ёки боцман дейишадию ҳаммасини сезиб қопти, ишдан хайдаб юборса қаерга бораман, бир-икки кун сабр қилиб тур ва ҳоказо баҳоналарни калаштириб ташлади. Эҳтимол, ўшанда мен гап нимадалигини фаҳмлагандирман, лекин бу ёғига нима қилиш керак, бошим қотиб алламаҳалгача ўйлаб ётдим. Испан қизини бир пақирга олмайман, очиғи, ундан кўра жиддийроқ ишларим бор, шуни рўёбга чиқаришим учун керак холос у менга. Бўлмаса бошимга урамани? Петронани ўша куниёқ кечаси яна Перейранинг каютасига ўғринча кириб кетаётганини кўриб қолдим.

Эртасига Ферро билан бақамти ўтириб гаплашиб олдим. Ундан гумоним йўқ эдию, лекин ҳар эҳтимолга қарши ишонч ҳосил қилиб олиш учун чўкилаб кўрдим. Чол француз йигитига тегиб бир этак боласи билан ўша ёқларда яшаётган қизиникига кетаётгани ҳақида яна бир бошдан гапириб берди. Невараларини соғинган экан, оёқ-қўлини узатишдан олдин жужукларининг дийдорига бир тўйиб олмоқчи экан, гап орасида у эски суратларнинг ҳаммасини йиғиштириб ўзи билан олиб кетаётганини ҳам қистириб ўтди. Перейра тушга

яқин пайдо бўлди, роса ухлаганга ўхшайди – ковоклари шишиб кетган. Тушунарли... Ламос француз тилини ўрганаман, деб сўзлашув луғатини қўлидан қўймайди... Битта улфат бўлса шунчалик бўлади-да! Марселга етиб келгунча ҳар куни шу аҳвол. Бирон ўзгариш йўқ. Ўзимча Петронани бир-икки кисти-бастига олувдим, лекин ҳаракатларим зое кетди – бошқа кирмади каютамга. Бир неча бор эслатганимга қарамай мен ваъда қилган пулни оғзига олиш тугул, қарзимни бермокчи эдим, дея оғиз очсам эшитгиси ҳам келмади, ана шунда мен янглишмаганимни фаҳмладим – ҳаммаси ойдинлашди-қўйди. Марселга кириб борадиган кунимиз арафасида уни палубада учратиб қолдим, у ёлғиз эмас, ёнида Перейра ҳам бор эди. Перейра мени кўриб кўрмаганга олди, худди тоза ҳавога чиккан одамдек тутарди ўзини. Мен кутиб-кутиб охири ҳамма ухлагани кириб кетганда ховликиб кетаётган Петронанинг йўлини тўсдим.

– Келасанми бугун? – деб сўрадим суяги йўқ еридан ушлаб.

У дастлаб энсаси қотгандек афтини бужмайтирди, кейин ўзини овсарликка солиб:

– Сира иложим йўқ, – деди у. – Айтдим-ку сенга, мени кузатиб юришибди, деб. Нега одамни тушунмайсан?!

Мени ёш бола қилаётгани учун тумшугига бир туширмокчи бўлдим у шайтонга ҳай бердим. Ҳозир мавриди эмас.

– Менга худолигингни айт, Перейра ҳақидаги гапларингга ишонсам бўладими? – деб сўрадим қатъий оҳангда. – Алдасанг ўзингдан кўр. Балки яхшилаб карамагандирсан?

Унинг кўзларида ҳам кўрқув, ҳам айёрона ифодалар пайдо бўлди.

– Вой тентагей, айтдиму сен айтган нарсалар йўк деб, олдига кириб яна бир марта текшириб кўришимни хоҳлаяпсанми?

У шундай деди-да ишшайиб кўйди, шайтонни ургочиси, мени ўзича сўтак, деб ўйлаяпти шекилли. Елкасига бир туртиб каютамга кетдим. Энди Петрона Перейранинг хонасига кирадими йўкми – менга қизиғи йўқ эди.

Эрталаб жомадонлар тайёр, лаш-лушлар йиғиштирилган, ҳаммаси саранжом-саришта эди. Буфетдаги сотувчи француз йигит, испанчалаб сеники-меники, деб хижжалаб бир нималарни тушунтиришга ҳаракат қилдию, унинг гапларидан Марселда полициячилар бортга чиқиб ҳужжатларни текширишини тушуниб олдим. Шундан кейингина соҳилга тушиш учун рухсат бериларкан. Биз ҳужжатларимизни кўрсатиш учун навбатга турдик. Мен Перейрани олдинга ўтказиб юбордим, текширувдан ўтгач, уни кўлтиғидан олиб каютамга бир пиёла коньякка таклиф қилдим. Азбаройи, хайрлашув жафосига биттадан урсак ёмон бўлмас дегандим, ўлиб турган экан! Хўп, деди. Саёҳатимиз бошида татиб кўрганида оғзига ёқиб қолганмиш. Қискаси ичкарига кирган заҳоти каюта эшигини тамбалаб кўйдим-да унга юзландим.

– Қани коньяк? – деб сўради у, лекин кўлимдагини кўриб ранги оқариб кетди ва беихтир орқага тисарилди. – Эсингни едингми... битта манжалақини деб... – унинг гапи оғзида қолди.

Каюта торгина эканми дейман, пичокни сувга улоқтириб юбориш учун мурданинг устидан хатлаб ўтишга тўғри келди. Ҳаммаси равшан, қолаверса энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмаса ҳамки Петрона алдамадимикин, деб текшириб кўриш учун энгашиб

мурдани кўздан кечирдим. Сўнг жомадонни олиб, каютани кулфлаб ташқарига чикдим. Ферро соҳилдан туриб бир нималар деб кичқирди, ўзича хайрлашди мен билан. Ламос доимгидек индамай навбат кутарди. Мен унинг олдига бориб, кулоғига бир нималар, деб шивирладим. Эсхонаси чиқиб кетса керак, деб ўйлагандим, йўқ янглишибман. У бироз ўйланиб турди-да бош қимирлатди. Рози бўлмай қаёққа борарди?! Хуллас келишиб олдик, туя кўрдингми йўқ, у менинг сиримни фош қилмайди, мен унинг сирини фош қилмайман, иккимиз ҳам сўзимизнинг устидан чикдик. У мени француз дўстлариникига жойлаштириб кўйгандан кейин бошқа кўришмадик. Уч йилдан сўнг уйга қайтишим учун имкон туғилди. Буэнос-Айресни шунчалар соғингандимки...



ХУЛИО КОРТАСАР

Лотин Америкаси адабиётининг мумтоз намояндаларидан бири, аргентиналик Хулио Кортасар асарлари ўзбек китобхонига нима бериши мумкин? Бу саволга Кортасар ўз суҳбатларидан бирида айтган фикридан келиб чиқмай туриб жавоб бериб бўлмайди. Чунки Кортасар учун адабиёт тарбия воситаси ёки ҳаётнинг сабоқ – ҳаёт мактаби вазифаларини ўташи у ёқда турсин, мутлақо тарғиб-ташвиқот воситаси ҳам эмас; ҳатто адабиёт ҳаётни ўрганувчи, ҳаётни ўргатувчи, ҳаёт ҳақида фикр юритувчи фан ҳам эмас, у ўқувчига “бирон нима” бериш вазифасини ўз зиммасига олмайди. У санъат! Санъатнинг эса ўз қонунлари бор. Адабиёт ўрганмайди ва ўргатмайди.

Мана шу фикрларни билган одамга, албатта, Кортасар ўқувчига нима беради, деган савол ноўрин туюлади. Лекин, ҳарқалай, саволни жиндай ўзгартириб жавоб бериш мумкин. Ёки жилакурса саволни шу тахлит ўзгартириш зарур: Кортасар асарларини ўқиган ўзбек китобхони ундан нима топади? Шундай. Чиндан ҳам асар нима беради эмас, китобхон нима топади. Чунки Кортасарнинг бутун дунё халқлари тилларига таржима қилинган серкўлам, сермаъно ҳикояларни ўқиб, савияси ва бадиий кўникмаларининг кўламига қараб китобхон ҳеч нима олмаслиги – баайни ҳазинага кириб сичқон овлаган мушук аҳволига тушиши мумкин.

Хулио Кортасар ҳикояларида ғайритабиий, илоҳий ҳамда ақл бовар қилмайдиган ҳолатлар оддий, реал

вокеаларнинг таркибий қисмини ташкил этади. Бирок, бу сюрреалистик адабиётдаги каби реал воқеликни айкаш-уйқаш, фавқуллода мантиксиз ҳодисалар сил-силасига айлантириш учун қилинмайди, балки янги воқелик мантиқан эмас, бадиият қонунларига биноан англашиладиган янги бадиий олам яратишга хизмат қилади. Умуман Кортасар ҳикояларидаги реал воқеалар билан ғайритабиий воқеалар ўртасида чегара сезилмайди. Бу ҳол унинг аксар ҳикояларида кўзга ташланади. Ўзбек тилида эълон қилинган “Ишғол қилинган уй” ҳамда “Аксолотль” деган ҳикояларини ўқиган китобхон гап нима ҳақида бораётганини, қандай ғайритабиий унсурлар назарда тутилаётганини пайкаган бўлса керак.

Хулио Кортасарнинг иккинчи хил ҳикоялари гарчи фантастик руҳдан холи бўлса ҳам ўзига хос фавқуллода ва ғайриоддий воқеалари билан ажралиб туради. Масалан, “Граффитлар” ҳикоясининг қаҳрамони мавжуд тузумга норозилиги ва шу билан бирга исёнини кечаси деворларга турли суратлар чизиш орқали намоён этса, “Ён дафтардаги ёзувлар” ҳикоясида тилга олинган сон саноксиз-одамлар ғайриинсоний тузум сиёсатидан, зулмидан қочиб ерости йўлларида ҳаёт кечирадилар. Ёки “Туташ боғлар” ҳикоясида эса асар қаҳрамони шу китобни ўқиётган одамини ўлдиради. “Тилла балиқчалар”да эса фақатгина ҳаёлот дунёсида содир бўлиши мумкин бўлган воқеа гўё фуқаронинг томирига митти балиқчалар юбориб саодатини таъминлаш учун сиёсат қилаётган ғайриинсоний тузум табиати ҳақида ҳикоя қилинади. Бундай ҳикояларда оддий мантик доирасидан четга чиқилмаган ҳолда фаразан топилган вазиятлар таҳлили орқали, инсон ҳақида мулоҳаза юритилади. Бунобарин, Кортасарнинг ҳикояларида кўпинча реал

воқелик ҳақида тасаввур қилинган воқеани акс эттириш орқали таассурот уйғотилади.

“Ён дафтардаги ёзувлар” да қаламга олинган воқеалар ҳаётда бўлмаган. Лекин бу уйдирма эмас, балки жуда катта ижтимоий фикрни илгари суриш учун топилган восита. Яъни, тажовуз, таъқиб ва қатағонга учраган одамларнинг азбаройи яшаш учун ерости йўллари танилаши бир томондан тўғридан-тўғри 1946 йилги Аргентинадаги сиёсий вазиятни мақсадан акс эттирса, иккинчи томондан, қачонки оддий одамларнинг ҳаёти кийноқдан иборат бўлар экан, демак жамиятда зулм кучайган, деган фикрни билдиради. “Изларини излаб” ҳикоясида адабиётчи олим Хорхе Фрага орқали замонасоз, эътиқодсиз, мустақил фикрга эга бўлмаган кўрқоқ ижодкорнинг ҳаёти тасвирланган. Ҳар қандай мунофиқ, шижоатсиз ижодкор ўз халқига хиёнат қилишга маҳкум. Фақатгина хатоларини ошкора тан олиш – тавба қилиш орқали инсон яна ўз эътиқодини тиклаши мумкинлигини адиб Хорхе Фрага тимсолида акс эттиради.

Аргентина адабиётшунослигида “Кортасаргача” ва “Кортасардан кейин” деган ибора ишлатилади. Зеро, ўз ижодига дунёдаги барча янгиликлар, турли оқимларнинг тажрибаси, ҳатто абсурд аъёналарини ҳам сингдира олган Хулио Кортасар Аргентина адабиётшунослигидагина эмас, балки жаҳон адабиётида ҳам чуқур из қолдирган санъаткор.



МУНДАРИЖА

Мафтункор ва ғаройиб олам ижодкори (мақола)	3
Ишғол қилинган уй	9
Аксолотль	16
Осмон қопқаси	25
Ҳамшира Кора	46
Онамнинг мактублари	75
Беморларнинг саломатлиги	106
Туташ боғлар	132
Ён дафтардаги ёзувлар	135
Изларини излаб	156
Кечиккан Кортасар (мақола)	183
Туш пайтидаги орол	188
Ўйиннинг тугаши	201
Иккинчи сафар	224
Бири кам дунё	236
Муъжазгина жаннат	255
Чўнтакдан топилган дафтарчадаги ёзувлар	259
Шиша идишдаги нома	281
“Монтекилья”нинг сўнгги кўнлари	291
Тунги мактаб	313
Биз Глендани шундай яхши кўрамиз	347
Лилиана йиғлаяпти	360
Граффитлар	377
Изму ихтиёримиз нимада?	386
Хулио Кортасар (мақола)	398

ҚАЙДЛАР УЧУН

Адабий-илмий нашр

ХУЛИО КОРТАСАР

**БИЗ ГЛЕНДАНИ ШУНДАЙ
ЯХШИ КЎРАМИЗ**

Ҳикоялар

Мухаррир *Орзикул Эргашев, Илҳом Зойиров*

Бадий муҳаррир *Шухрат Мирфаёзов*

Техник муҳаррир *Хосият Ҳасанова*

Мусахҳих *Доно Тўйчиева*

Компьютерда саҳифаловчи *Умида Валижонова*

Нашр. лиц. АИ № 290. 04.11.2016.
2018 йил 30 июльда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108 ¹/₃₂". Офсет босма.
Times New Roman гарнитураси. 21,21 шартли босма табоқ.
16,3 нашр табоғи. Адади 5000 нусха.
420-рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент. Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-35-47, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz e-mail: info@gglit.uz

Хулио КОРТАСАР
Биз Глендани
шундай яхши
кўрамиз



ISBN 978-9943-5297-8-6



9 789943 529786